821
18-5



Нурали ҚОБУЛ

# ЖАҲОН МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ ёхуд ФОТИҲ ТЕМУР ва Йилдирим Боязид

ТЕМУРИЙЛАР ЭПОПЕЯСИ

Тарихий роман V

Книга должна быть возвращена не позже указанного здесь срока

| Количество предыдущих выдач | |
| --- | --- |
| 9. 03 22г | |

821
К-52
21000

Нурали ҚОБУЛ

# ЖАҲОН МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ

*ёхуд*

***Фотиҳ Темур ва Йилдирим Боязид***

**Тарихий роман**



-2239

Тошкент-2016

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

УЎК:821.512.133-3
КБК:84(5Ў)6
Қ-52
Қобул, Нурали.
Жаҳон мулкининг султони (матн): тарихий роман/ Н.Қобул. – Тошкент: «Kamalak» нашриёти 2016. 440 б.

УЎК:821.512.133-3
КБК:84(5Ў)6

«Жаҳон мулкининг султони ёхуд Фотиҳ Темур ва Йилдирим Боязид» романи ёзувчининг халқимиз кечмишининг XI-XIV асрларини қамраган тарихини ўз ичига олган бешинчи китобидир.

Романда сиз Буюк жаҳонгир Амир Темур билан Усмонли турклари султони Йилдирим Боязиднинг жаҳонни ларзага келтирган Анқара тўқнашувининг келиб чиқиш сабаблари ва унинг шу пайтгача ёритилмаган қабариқ қирралари, бу жангнинг дунё тарихидаги аҳамияти ҳақида кенг ва батафсил бадиий тасаввурга эга бўласиз.

Характерли томони шундаки, бу бешинчиси бўлган романдаги воқеалар бир-бирининг давоми сифатида тугал бир асар ҳолида ўқилади ва ўша давр ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб, уни ёрқин бўёқларда акс эттиради.

Ҳадемай қўлингизга адибимизнинг навбатдаги тухфаси "Тириклик саодати" ҳамда "Жон ва шон талвасаси" романлари ҳам етиб боради деган умиддамиз.

**Т а қ р и з ч и л а р:**

**Ашраф АҲМЕДОВ** – *тарих фанлари доктори, профессор*
**Тоҳир ҚАҲҲОР** – *филология фанлари номзоди, доцент*

ISBN: 978-9943-4375-7-9

**© «KAMALAK» нашриёти, 2016.**

# БИРИНЧИ БОБ

*Ҳақиқатни шундай севиш зарурки, токи улуғ бир ҳақиқатни билгач, шу пайтгача ҳақиқат деб ҳисоблаб келинганларнинг барчидан воз кечишга доимо тайёр турмоқлик лозим.*

**Лев Толстой**

*Темур қаҳр-ғазаби билан даҳшатли эди. Шундай бўлса-да, у ҳам одам сифатида, ҳам ҳукмдор сифатида Боязиддан устун турарди. У саркарда, ҳукмдор ва қонунчи сифатида буюк истеъдод эгаси эди.*

**Г.Вебер**

*Темур каби буюк хоқонга қарши турмоқ учун ҳам Султон Йилдирим Боязид бўлмоқ керак эди.*

**Номиқ Камол**

*Менга турк армиясини беринг, дунёни фатҳ этаман.*

**Наполеон**

Султон Йилдирим Боязид хоқон Темурнинг элчиси Чимбой Элчикдайни хуш қаршилади. Бек ва хос мулозимларига мамлакатнинг хушҳаво, гўзал жойларини кўрсатиб кездирмоқни, истироҳат этдирмоқни буюрди. Амир Темуртош элчининг усмонли тупроқларидан эсон-омон чиқиб кетишига мутасадди этиб тайинланди.

Элчи муносиб қабул қилинди-ю, унга қандай жавоб бермоқ масаласида султоннинг боши қотди. Темур борган

сари ҳаддидан ошаётган, Йилдирим Боязидни иним дегани майли, ҳатто ўзининг бир амири ёки ҳокими каби кўриб совуқ муносабатда бўлаётгани, ҳаётида ҳеч кимга мирламаган ва сўзи қайтмаган сижоқ қонли султоннинг ғазабини қўзғатди.

У аввал-бошда қози ва амирларини тўплаб, Темурнинг таҳдидли ҳамда ҳақоратомуз мактубини муҳокама қилди. Бироқ саройдаги гап кўчага чиқиб кетиб, қайтага раият баттар васвасага тушиб қолди. Сўнгра у ҳеч ким билан маслаҳатлашмай, машварат чақирди. Темуртошга Темурнинг элчиси Элчикдайни олиб келишни буюрди.

Мард ва шижоатли Йилдирим Боязиднинг табиатида бироз шошма-шошарлик бор эди. У не қадар одил подшоҳ бўлмасин, сабр-тоқатсизроқ киши эди. Динида собит бўлган усмонли султони ислом учун, мусулмонлар учун ҳар нарсага ҳозир буюк бир мужоҳид эди. Ҳаяжонининг кучлилигидан у мажлис тўрида туриб маъруза бошласа, бетиним ҳаракатидан айвон четига ёки пойгакка келиб қоларди.

Болқон тоғларидаги насроний ерларидан Арзинжонга қадар чексиз салтанатни тиклаган, кейинги ўн йил мобайнида тўрт мамлакат, Ментеше, Сарухон ва Қаҳрамон ўғиллари бекликларини синдириб, Усмонли салтанатига қўшиб олди. Ҳокими Яқуб ибн Алишоҳ Темур ҳузурига қочиб кетган Кермиён вилоятини ҳам эгаллаган Султон Йилдирим Боязид Темурга ҳурмат юзасидан шунчаки мактуб ёзган бўлсада, ўзини ундан устун ва кучли чоғлар, қўшини ҳам Темур ўрдусидан бир ярим-икки баробар кўп эди.

Машварат иштирокчилари йиғилгач, қўлида Темурнинг хатини ғижимлаганча солинга Йилдирим Боязид кириб келди. Қаҳри қўзиганидан қизариб, бўғриқиб кетган, кўкнори дарвеш каби кўзлари бежо эди. Олдинги қаторда ўтирган элчи Чимбой Элчикдайга сенлар ҳам одаммисан дегандек бир қараб қўйиб, ўнг қўлини силкитганча сўзлай кетди. У ҳаётида ҳеч качон бу қадар узундан-узоқ кўнишмаган эди.

– Сўзлаяжак сўзларимни оқизмай-томизмай ёз-да, элчи-



ларга бер. Унга десинлар! – деди Султон Боязид муншийи хосга қўли билан ишора қилиб, Темур номини тилига олмасдан. – Менинг қўлимдаги мактубда ёзилган уйдирмаларни ўқисангиз, кўнглингиз айнийди. Бу билан у кимни қўрқитмоқчи? Инсоннинг ақли етмайди. Ёки бу ёлғончиликлар билан менга нисбатан фитна қўзғатмоқчими? Ёки бўлмаса, мени ажам подшоҳлари каби ожиз деб ўйладими? Ёким гапини англаб бўлмайдиган дашт тоторлари каби санадими? Ёки қўшин йиғишда ҳинд машқлари каби кўрдими? Менинг аскарларимни тарқоқликда Ироқ тўдалари каби деб ҳисобладими? Менинг ислом йўлидаги ғазотчиларимни Шом аскарларига ўхшатдими? Ёки ўзининг тўдасини менинг аскаримга менгзадими? Ўзининг келиб чиқиши-ю, ҳокимиятни қандай қўлга киритганлигини бизни билмайди деб ўйлайди, шекилли у саҳро тулкиси! – Борган сари қаҳри қўзиб, ҳаддидан ошар эди Йилдирим Боязид.

У айвон бўйлаб юриб сўзлар экан, чап томонига тақилган қиличи сопини қўли билан ушлаганча ўнг қўлини ҳаракатлантирар, юзи ва соқол-мўйлари титраб, афти буришиб кетган эди.

– Қандай қилиб у бировнинг тахтини тортиб олганини, не макрлар билан қанчадан-қанча подшоҳларни аҳмоқ қилганини мен жуда яхши биламан! Керак бўлса, унинг барча кирдикорларини халойиққа маълум қиламан! Ваҳоланки, ўз ишини аввалида у қон тўкувчи, сўзида турмагувчи савобдан хатога тойган бир қинғир одам эди. Сўнгра у савлат тўкиб, жавлон урди. Тўрт тарафга човут солди. Ғавғо кўтариб, ноҳақликка юз қўйди. Унинг мажоли зиёда бўлиб, одамлар ғафлатда қолдилар. У етиштирган доннинг навлари сочилиб, ғафлатга айланди. У эришишнинг истагага эришди, етишмоқнинг хоҳлаганича етишди. У Ажам подшоларини ўз макри ва алдови билан пастга туширди. Сўнгра уларни ўз одам ва отлари орасига жойлаштирди. Улар Темурни қатл этмоқни қўлдан чиқаргач, Темур уларни қатл этди...

– Темур шу пайтгача ҳеч бир подшоҳни қатл этгани йўқ! Бу телба ёлғон сўйламоқда! – деди элчи Чимбой Элчикдай ёнида ўтирган амир Темуртошга шивирлаб. – Мен улуғ хоқонимизни ҳақорат қилаётганига чидай олмайман. Уни қиличлашмоқ учун майдонга чақираман ёки чиқиб кетаман, – овози баландлашди Элчикдайнинг.

– Секинроқ! Унга гапирмоқ бефойда. Сиз элчисиз. Вазифангиз қиличлашмоқ, аччиқланиб муҳим гаплар бўлаётган мажлисни тарк этмоқ эмас. Агар уни душман деб билсангиз, ёғийнинг ташида эмас, ичида бўлинг. Сизни бу ёққа гиз, ёғийнинг ташида эмас, ичида бўлинг. Сизни бу ёққа юборган одам сиздан бу гапларни эртага ипидан игнасигача сўрайди. Мен аччиқ қилиб чиқиб кетдим, десангиз раҳмат демаса керак. Яхшиси сукут. Ҳозир иккимизнинг сўзлашганимизга кўзи тушиб қолса ҳам таъбимизни хира қилади. Ўзингизни босинг, вазмин бўлинг, – деди мушоҳадали оҳангда амир Темуртош.

Чуқур нафас олган Чимбой Элчикдай тишини-тишига қўйганча Боязиднинг ҳақоратомуз сўзларига қулоқ тутиб ўтирар, хижолат ва ҳақоратдан қора терга тушган эди.

– Тўхтамишхонга келсак, хон лашкарининг кўп қисми унга хиёнат қилди. Ўткир қилич билан зарба бермоққа тоторлар галаларига йўл бўлсин. Румлар шерлари олдида улартар галаларига йўл бўлсин. Румлар шерлари олдида уларнинг ўқ-ёй отишдан бўлак ҳеч бир ҳунарлари йўқ! У бизни ялангоёқ ҳиндулару эплаб иштон кия олмайдиган шомликларга қиёс қилмасин! Бу тарқоқ шомликлардан ким ёлчибдики, улар бирлашиб, жоҳил душманга қарши курашолсалар. Улар суратда баҳор каби бўлсалар-да, маънода қаҳратон қиш кабидирлар. Фақат биргина нарсани кўзлайдилар. Жам бўлишиб ётадилару, иккита-иккита ва битта-битта бўлиб, туриб кетаверадилар. Улар бўри оралаган эчки сурувидек тўзиб кетгач, Темур ўзини ғолиб эълон қилиб, ҳеч бир жанг-жадалсиз юртини эгаллади. Хўш, айтинг-чи, шу ҳам ғалабаю фотиҳликми? Муттаҳамликнинг бориб турган ўзи эмасми? Бизнинг бу ялангоёқ ва ҳеч қачон



боши қўшилмас қавмлардан фарқимиз катта. Бизнинг шариатимиз Тангри таоло йўлида ғазот қилувчиларнинг шариатидир. Жиҳод бизнинг улуғ санъатимиздир! Саваш бизнинг хоҳишимиз, ҳақиқий зарба бермоқ эса матлабимиздур!

Буюк элчи Чимбой Элчикдай Йилдирим Боязиддан кўзини узмай ҳаракатини кузатар, унинг чақчайган кўзлари ила кўзларининг тўқнашишини кутарди. Амир Темуртош эса ўзингизни босинг, эътибор берманг дегандек, ёнида ўтирган элчининг қўлидан ушлаб-ушлаб қўяр, ҳар-ҳар замонда маъноли томоқ қирарди. Аввал ўзини ҳақоратланган хис этиб аччиғи чиққан Элчикдай бора-бора масхарабозлик каби машваратнинг устидан кулгандай бўлиб, қизиқсинганча султоннинг киши энсасини қотирадиган гап-сўзлари ва нотабиий хатти-ҳаракатларини кузатиб ўтираверди. Амир Темуртош огоҳлантирганидай, бошига Миср султони зиндонга ташлаган Аталмишнинг ёки Дамашқ ноиби Сайди Садун бошини кесдирган элчининг куни тушиши ҳам мумкин. Икки ўт орасида қолган элчи шуларни ўйларкан ўзини анча босиб олди.

– Биз у ҳийлакорга ўхшаб мол-дунё учун эмас, Худонинг сўзи ҳамма нарсадан устун бўлсин дея саваш қиламиз! Бизнинг одамларимиз жаннат талабида, Худо йўлида ўз жонларию мол-дунёларини фидо қилиб келганлар ва қилажаклар! У бизнинг ғазокор лашкарларимизнинг салибчилар ва кофирлар бошида ўйнатган қиличларининг қуёш каби ярқирашини, ёй-ўқларимизнинг улар қулоқлари остида чалган унларини эшитмаганга ўхшайди. Ҳечқиси йўқ! Эшитажак! Биз ўз зафарли тирноғимизни унинг-да елкасига ботиражакмиз! Лашкаримизнинг қалблари бизга нисбатан меҳр-муҳаббатга тўлиқ, дилларида бизга нисбатан ҳеч бир шумликлари йўқ! Гапнинг хулосаси шуки, бизнинг асосий ишимиз мулкларни тўдалаш, асирларни йиғиб олиш, ўлжаларни жам қилишдур! "Чунки биз тангри йўлида жиҳодчилармизки, қайсики улар маломатчининг

маломатидан қўрқмайдилар". Мен жавоб мактубимда унга шундай таъкидлайман: Мен биламанки, бу сўзлар сени ҳеч тўхтатмасдан бизнинг мамлакатимиз томон отлантиради. Агар сен биз томонга келмасанг, сенинг хотинларинг уч талоқ бўлсин! Агар сен менинг юртимга келсанг, мен сенга қарши қатъий уруш қилмай қочсам, у вақтда менинг хотинларим узил-кесил уч талоқ бўлсин! – дея ҳайқириқ билан маърузасини тугатди султон Йилдирим Боязид.

Худди шу дақиқада унинг кўзи Чимбой Элчикдайга тушиб, бир зум ғалати тарзда унга қараб қолди. Ниҳоят кўзлар тўқнашди. Элчи нигоҳидан кўзини олиб қочган султон ҳеч нима бўлмагандай айвон бўйлаб орқага қайтди. Хос хизматкорнинг қўлидан сув олиб ичди. Кўзлар чақмоқ каби бирдан тўқнашганда Элчикдай хижолатдан қизариб кетди. Шунда ички бир ҳис Чимбойга бу кўзлар ҳали кўп маротаба тўқнашажагини таъкидлади. Бироқ айни дамда султон етти қават осмонда учиб юрар, ерга тушмоқ, хаёлининг кўчасига ҳам келмас эди. Усмонли турклар султони Йилдирим Боязид тарихда салтанат сурган барча турк хоқонлари йўл қўйиб келган хатони такрорламоқда эди.

Аввал нафрат ва ёғийлик назари билан султонга қараётган Чимбой Элчикдайнинг энди беихтиёр унга раҳми кела бошлади. Икки оғиз сўзи билан Темурдек одамни ўзига дўст қилиб, дунёнинг қолган қисмини эгаллаши мумкин эди бу одам. Шуҳрат ва манманлик, кўзни ёғ босмоғи ва такаббурлик нақадар буюк офат! Уни англаб етмоқлик учун жаҳонгир подшоҳ бўлмоқ ва узоқ муддат юрт сўрмоқ етмас экан.

Сарой аъёнлари, аркони давлат олдида ҳурматли мусофир саналган, амиру лашкарбошилар иззат-ҳурмат кўрсатиб турган Темурнинг элчиси кутилмаганда ғалати, ноқулай бир вазиятга тушиб қолди. Амир Темуртош ҳам унга нима дейишни билмай, қўлларини осилтирганча ҳайрон бўлиб турарди. Сўнгра элчининг қўлидан тутганча, у тўхтаган мусофирхона вазифасини ўтайдиган кўшк томон юрди.



– Ҳар ҳолда, улуғ хоқон ҳузурига яна мени юборса керак. Сиз шу ерда бўлиб туринг. Мен султон ҳазратлари қошига бориб келайин, – деди хафахон оҳангда Темуртош. – Ўзи икки подшоҳнинг ўртасига тушган одамнинг падарига лаънат!

Султон оғзидан отилиб чиққан бу қадар заҳар замбарак сўздан кейин ҳам Темурга ўнта овчи қуш ва ўнта асл отни ҳадя учун олиб боришни, ўзининг Турон ўрдуси билан урушмоқ нияти йўқлигини оғзаки таъкидлаб, Темуртошни Элчикдайга қўшиб юборди.

Кемох – атрофидаги музофотларнинг машҳур ва мустаҳкам қалъаларидан. Қоя устига қурилган бу қалъани катта ва тажрибали қўшин билан олиш мумкин эди. Унинг теварак-атрофи жаннатмисол боғлар билан ўралган, баҳаво бир маскан.

Бу ерда яна ғалати бир ҳолат содир бўлар эдики, эрта баҳорда осмондан қуёшми ёки тошлар жазирасиданми мингларча чумчуқ галалари ерга пишган ҳолда тушар, одамлар бу қушларни тузлаб, кўза ва хумларни тўлдириб, қишу ёз еишарди.

Арзинжонга етиб борган Темур садоқатли ноиби Таҳуртаннинг меҳмонхонасига тушди. Амирзодалар Абу Бакр, Халил Султон, Султон Ҳусайн ва Искандарларни, беклардан Шайх Нуриддин, Жаҳоншоҳ ва Бурундуқларни кўмак учун валиаҳд Муҳаммад Султон ёнига юборди.

Кемох қалъаси ўн бир кун деганда забт этилди.

Қалъа Арзинжондан ярим кунлик йўл эди. Темур фатҳ хабарини олиши билан Кемох томон йўлга чиқди. Уни айланиб кўриб, Таҳуртанга топширди ва мингбоши аш-Шамсни волий этиб тайинлади.

Улуғ амир Кемох сафаридан қайтиши баробарида Чимбой Элчикдай билан Йилдирим Боязиднинг элчиси амир Темуртош Арзинжонга кириб келдилар. Хоқон эски таниши амир Темуртошни кўриб хурсанд бўлди. Икки элчининг ҳам тили зўрға айланиб, ранги қути ўчиб турганидан ишлар тескари кетганини сезди. Тартибга биноан Темуртош султон бериб юборган қушлар ва отларни тақдим этди.

– Бизга дўстлик мақомида турмаган одамнинг тухфасини ололмаймиз, – деди хоқон пинагини бузмай.

Сўнгра мактубни олиб, кўз югуртирди.

– Боязид Усмонли телба ва аҳмоқ бир кимса эркан! Ҳайф шу кунгача унга улуғ султон сифатида қилган иззат-хурмат ва муносабатимиз. У сўзлаган сўзларни оғзи шалоқ хотин зоти ҳам сўйламагай. Майли. Не ҳам дердик. Сизлар ўз вазифангизни бажардингиз. Модомики, у орага авротни қўйиб қасам ичибди, чақириғини қабул этмасак, эр иши бўлмас, – деди Темурнинг ҳам қони қайнаб. – Сиз, муҳтарам Темуртошбек! Менинг сўзларимни унга бориб айтинг. Бу сўзларни хатга ҳам битиб берурмиз. Биз унга ҳеч дағал муомала қилмадик. Адоват билдирмадик. Ҳақли талабимиз билан юмшоқ муомалада бўлдик. У дастлаб сўзимизга қулоқ тутиб, Аҳмад Жалойирни мамлакатидан чиқариб юборди. Бироқ Қора Юсуф борасида оёғини тираб туриб олди. Ҳатто хатларида ҳам у ҳақда лом-мим демади. Гўёки биз бекордан-бекорга унинг қулоғи остида сурнай чалаётгандек. Гуноҳга рози бўлишнинг ўзи гуноҳкорлик, худосизга эҳсон кўрсатиш – худосизликдир. Фосиҳ, муртад, бебахт ва фожир золим лўттибоздан кўра ёмонроқдур. Мактубдан кўриниб турибдики, фиску фасодда Боязид амир бўлса, ана у иккиси унинг вазирлари. Инодда у катта бўлса, улар кичикка ўхшайдилар. “Чунки мавлоси қандай бўлса, унинг ошналари ҳам шундайдир”.

Мулзам бўлиб ўтирган амир Темуртош Чимбой Элчикдайга “сенинг подшоҳинг ғазабланиб, шароит оғирлашди шекилли?” дегандек қаради. Чимбой ҳам унга савол маъносида боқди.

– Биз қанчалик даъват этмайлик, у ўзининг қинғир йўлидан қайтмайди. Аксинча, уларга ҳомийлик қилиши билан “амир онасининг чўлоқ бўрига бошпана беришига ўхшайди”. Ҳатто мактубларимизда биз унинг исмини ўз исмимиз ёнида ёздик. У эса ўз исмини зарҳал ҳарфлар ила ёзиб бизга нисбатан ҳурматсизлик ва ахлоқсизлик кўрсатишгача бориб етди. Биз унинг бир тола сочи тўкилишини истамаган эрдик. Бироқ неки содир бўлса, унинг ўзи сотиб олган чиқар. Агар одам зотига Худо ёр, давлат мададкор бўлмаса, меҳрибон хайрихоҳларнинг насиҳати унга фойда бермайди. Мард киши ўз сўзига вафо қилади. Сўз билан иш орасида ихтилоф бўлиши – номардлик ва хоинлик аломатидир. Биз унинг сўзига ва самимийлигига ишонмоқ учун Қора Юсуф хонадонини юборишни сўрадик. Уларга ҳам ҳеч бир зиён-заҳмат етказилмас эди. Бироқ Боязид яна ўзларини, ўз кучларини намойиш этгиси келиб қолди. Эндиликда икки хонадонни, Қора Юсуф ва Йилдирим Боязид хонадонларини баробар олиб келтиришимизга тўғри келади. У Кемох қалъаси борасида “ўлган Муборакни озод қилганда” эди, ўз гарданини хорлик ҳалқасидан қутқарган бўларди. Худога шукрки, кичик бир лашкаримиз унинг миннатисиз бу ишни ҳал этди. Энди бориб айтинг, ҳурматли Темуртошбек. Мардона бўлиб бизнинг шиддатимиз, кина ва интиҳомимизга тайёр турсин. Оллоҳ ким билан эканлигини ҳали очилмаган кўзлари билан кўрсин, иймон келтирсун!

Темур оҳиста юриб амир Темуртошнинг қаршисига келди. Унинг қўлини олиб, кафти орасида тутиб турди ва қисди.

– Юз берган ҳолда сенда айб йўқ. Кўзларингдан сезилиб турибди. Султоннинг қилган иши ва сўзидан хижолат чекмоқдасан! Шунинг учун ҳам сенга ташаккур. Биз, мулке талашган бир оқсоқу бир кўр султон, бир-биримизни севмасак-да, бир улусмиз. Ҳалиям кеч эрмас, Боязидга бориб айт. Шундай катта лашкар мамлакатидин ўтатурғон бўлса, юртға ва халққа катта зарар-зиён етиши турган гап. Аслида биз бу қондош мамлакатга нажот қўлимизни чўзмоқчи, султон Боязид ғазотларида унга аскаримизни ёрдам учун юбормоққа рози ҳам эдик. Лекин Оллоҳ насиб

этмайдиганга ўхшайдур. Шундай жаннатмонанд ислом мамлакатида яшил оғочларнинг бир бутоғи синишини истамайман. Мудом фурсат бор, қўлингдан келса, унга тушунтир. Биз билан ёвлашмасин. Охири бахайр бўлмагай. Сўзимга гумонинг бўлса, эртага Сивос даштида черикнинг жайба яроғини кўрасан. Сен ҳам ташриф буюр ҳамда кўрганларингни султонга бориб айт. Шунга яраша иш кўрсун!

Темур нигоҳи билан амир Боботуркни чақирди.

– Бегимизни муносиб равишда мусофир этинг. Сабоҳ баробар емак еб, даштга черик яроғини кўргани борурмиз, – деди Темур Темуртош билан хайрлашаркан.

Амир Темуртош ва Чимбой Элчикдайни эргаштирган Боботурк улуғ Амир ошчиларига емак буюриб, ўз чодири томон юрди.

– Шарафингизга Туркистон паловини буюрдим, амир жаноблари, – деди бўлиб ўтган гап-сўзлар таассуротидан ҳамон ўзига кела олмаётган амир Боботурк.

– Туркистон паловини сизларга мусофир бўлиб келиб едим. Бизда озарий турклари палов қиладилар. Бироқ сизники бошқача. Бир тўйиб еса киши бир-бир ярим кун очиқмай юраверар экан, – жавоб қилди амир Темуртош бўлаётган воқеалардан боши гангиб. – Бироқ аҳвол шу қадар оғирки, ҳар қандай тотли емак ҳам кишига татимайди.

Икки султон ҳам ўз сўзини айтган, мавзуни муҳокама этмоқнинг фойдаси йўқ эди. Бу нохуш вазият икки турк султони ва бир элчини эзар, бироқ оғиз очиб бир нима демоққа ожиз эдилар.

Улар таҳорат қилишиб, шом намозини ўқидилар. Сўнгра амир Боботуркнинг меҳмонхона вазифасини ўтайдиган амирона чодирига кирдилар. Дастурхончи суфрани туркистонча тузатган эди. Ўртадаги каттакон товоққа олма, анор, нон ва узум қўйилган, кичик-кичик ликопчаларга эса ёнғоқ, писта, бодом, мағиз, қора ва сариқ майиз солинган эди. Хонтахта четидаги кумуш идишларда чоғир, шубат, айрон ва қимиз турарди.



Уларга Боботуркнинг садоқатли шогирди Эртўғрул Туron хизмат қиларди. Улар хонтахта атрофига ўтиришгач, Эртўғрул бир пиёладан қимиз узатди.

– Жуда юраклар сиқилиб кетди, жигарим. Бир йўла ўткирроғидан қуяверсангиз ҳам бўлаверар эди, – деди элчи Чимбой Элчикдай қимизни оларкан.

– Одатимизни бузмайин дедим-да, оға. Биз мусулмонларда еб-ичмак ичкидан бошланмайди-ку, – жавоб қилди хос чопар.

– Эзгу ишнинг кечи йўқ. Биз фақир фуқароларга май қимиздан олдин ҳам бўлаверади, – қўшиб қўйди элчи.

– Ҳў-ўш, Туронбек, не емаклар ила бизни сийлайсиз? – Шогирдидан сўради амир Боботурк.

– Оққуйрук (кийикнинг бир тури) этидан қовурдоқ, ош ва қўзи этидан шўрва, амир жаноблари.

– Май билан баробар ош ила шўрва кетмайди. Дастлаб қовурдоқни келтиринг. Сўнгра паловни, – буюрди амир.

Ҳеч ким бўлиб ўтган нохуш гап-сўзлар ҳақида оғиз очмас, дили хуфтонликдан бостириб май ичишарди.

– Шу Қора Юсуф мамлакат ҳудудидан ҳайдаб чиқариб юборилганда олам гулистон эди. Бугунги аччиқ-чучук гап-сўзлар ҳам бўлмас, бу таҳликали кунларга ҳам қолмас эдик, – деди ниҳоят амир Темуртош чуқур нафас олиб, дамсар уроркан. – Қора Юсуф билан кўп гаплашганман. Ўжар, сўзидан қайтмас ва зерикарли бир киши. Султоннинг бу қадар ҳимоя қилишига арзийдиган одам бўлганда ҳам майли эди. Энди билсам, Қора Юсуф мисли бир тиконга ўхшайди. Ҳукмдорлар ўртасига ўрнашиб олган бу бало уларни бир-бирига яқинлаштирмайди шекилли.

– Тўғри сўзлайдурсиз, – меҳмоннинг гапини маъқуллади Боботурк. – Икки подшоҳ ўртасидаги зиддият, оғирлиги бечора улус ва лашкар елкасига тушаверади. Бундан ташқари Султон Боязид ва амир Қора Юсуф ўртасида қон ва қавм яқинлиги ҳам борки, буни назардан қочириб бўлмаса керак, қўшиб қўйди Боботурк.

– Қандай яқинлик? – дея сўради чайнаётган эт оғзида қолган элчи Элчикдай кўзларини катта очиб. – Нима, улар хешу акрабоми?

– Усмонли султонлари туркманларнинг қайи уруғидан, амир Қора Юсуф эса уларнинг қорақуюнли қавмидан. Бундай олиб қарасангиз уларнинг иккиси қардош. Қон тортса керак-да, – жавоб қилди амир.

– Гап бу ёқда денг, – деди элчи Элчикдай кўзларини катта-катта очиб, оғзидаги луқмани ютаркан. – Дину иймон, адлу адолат дейдилару, ким бўлмасин ўз-ўзига қайишар, ётга бало ёпишар дегандек, ўз-ўзини қўллар экан-да. Султоннинг жазаваси қўзиб қўнишганини энди англадим.

– Бироқ қай тарафдан олиб боқманг, муаммою можаро сендан мен камми қабилидаги кўтан керишга ҳам бориб тақалади. Тахту давлат, қисмату қадар гаровга тикилганда манаман деган ҳукмдорлар ҳам ҳар қандай қавму қабиласидан юз буриб кетадилар.

– Турку туркман ака-ука, қиёмат қардош бўлса-да, узоқни кўра билмасликлари ва такаббурликлари боис азал-азалдан калла талашиб, бир-бирининг гўштини еб келганлар. Бунинг оқибатида элу элатлари тўзиб, парокандаликка юз тутиб, салтанатлари йиқилган, – деди ўксик оҳангда усмонли амири. – Бироқ бу ёруғ оламнинг икки ғозий жаҳонгирининг закоси олдида бўйнимиз қилдай инжадир.

– Усмонлилар бизнинг Туркистон ва Турон турклари, қолаверса, бу ҳудудда яшовчи бошқа халқлар ҳақида етарли билги ва маълумотларга эга эмас эканлар. Буни Бурса ва Эдирнада бўлганимда янада аниқроқ кўрдим, – амирнинг фикрини давом эттирди Боботурк.

– Сизлар ила мулоқотларим давомида мен ҳам бунга ишонч ҳосил қилдим. Кишилар ва улуслар ўзлари билмаган нарсаларга рақибу ягийлик кўзи билан қарайдилар, – фикрини баён этди амир Темуртош.

– Мени ҳайратга солган нарса шу бўлдики, усмонли та-



баалари оқ ҳамда қора қўюнли туркман биродарларимиз мўғуллар ҳокимиятида доимо иккинчи мавқеда бўлиб келган барлосларни ҳам мўғул деб билар эканлар. Бу нарсани уларга англаттунимча она сутим оғзимга келди. Бу ёруғ оламда дин, миллат бирламчи эмас. Инсоннинг инсонлиги, инсонийлик истеъдоди ва ўз шарафини ҳар қандай шароиту вазиятда сақлай олиши, энг юксак маънавий қадриятлар устига қурилган олижаноб эътиқодлардан чекинмаслиги муҳимдир.

– Бизда барлосларни турк-мўғул улусининг яҳудийлар каби пухта-пишиқ бир қавми деб биладилар, – темурий амирнинг сўзига изоҳ берди Темуртош.

– Сўйлаганингиз яҳудийлар каби барлослар ҳам ҳисоб-китобли, етти ўлчаб бир кесадиган қавм бўлмаганда эди, бу ёвуз ва саҳройи мўғулларни розию ризо қилиб, йўналтириб, бирликда яшай олмас эдилар.

– Эл ўғрисиз, тоғ бўрисиз ўлмас деганларидек, улус улус ўлдиги замон унинг ичидан юлдузни бенарвон урадиган яҳудийсифат кишилари баробарида девонаю дарвеши ҳам пайдо бўлади. Беш қўл баробар эрмас. Эл ана шу паст-баланд раият билан элдир. Эл-улусларнинг яхши-ёмони йўқ. Ҳар бир халқ ичида ўз ўғрию тўғриси, ҳирссизу қароқчиси, олаю қораси бўлади, – мулоҳазали оҳангда ҳангома берарди амир Темуртош.

– Бу гапингиз ҳам тўғри, – деди элчи Элчикдай атрофга оназарак боқаркан, паст овозда бўйнини ичига тортиб.

Буюк элчи усмонли ва темурий амирларнинг қалтисроқ мавзуда суҳбат бошлаганидан роҳатсиз эди. Норозилигини билдирмоқ учун безовталашиб йўталар, чодир эшиги томон оназарак қараб қўярди.

– Бу муаммо ва масалаларни муҳокама этмоқ бизнинг хизмат вазифамизга кирмайди. Хоқонимиз не десалар, ерига келтирмоғимиз амри вожибдур, – деди элчи кумуш косадаги майни ичаркан суҳбат мавзусини ниҳоят буришга уриниб.

– Мен бу тўқнашувга қаршилигимни Хоқон ҳазрати олийларига ҳам айтганман, – деди Боботурк ғаши келиб. – Улуғ хоқон саройу салтанатида ҳар ким ўз фикрини очиқ-ойдин айтиши мумкин. Бунинг учун ҳеч қандай таъқибу жазо қўлланилмайди. Жуда борса саройдан четлаштирилишлари мумкин.

– Бизда у қадар эмас, – деди амир Темуртош гапни қисқа қилиб. – Чимбойбек ҳақ. Деворда сичқон бор, сичқонда ҳам қулоқ бор. Қўлимиздан келмаган ва ваколат берилмаган иш ҳақида баҳслашмоқда маъно йўқдир.

Эртўғрул Турон чинни товоқда Туркистон паловини келтирди. Улар ҳафсала билан ош емакка киришдилар. Эрталаб улуғ Амир билан бирга яроғ кўргани боражаклари учун ичкини ҳам меъёрида ичдилар.

Элчи Чимбой рухсат сўраб, ўзининг уруғдошлари томон кетди. Чодир саҳнида Темуртош билан Боботурк иккиси қолди.

– Наҳотки, султон ҳазратлари биз турк қавмида хонимларга тил теккизмоқ жуда оғир ва нозик масала эканлигини билмасалар? – деди Боботурк, сайр этишаркан.

– Бизда ҳам шундай. Султонимиз жаҳл отига минса, туширмоқ мушкул. Бу ишнинг оқибати хайрли бўлмаслигини барча баробар ҳис этиб турибди. Ҳеч ким енгилмаса-да жуда кўп одам нобуд бўлади. Туркнинг туркни ўлдирмоқдан бошқа иши йўқдек, гўё. Бу барча турк ва ислом душманларини хурсанд этади! – Куйиниб сўзлар эди амир Темуртош.

– Барча мусулмонлар ҳам турк улусининг дўстлари эмас, – қўшиб қўйди Боботурк. – Ғалати томони шундаки, қаердаким, мусулмон бўлса, ўша ерда ғавғо ва муаммо бор.

– Ҳақсиз, амир жаноблари, – уни қувватлади усмонли амири.

Амир Боботурк Темуртошни эрталаб улуғ Амир чодирига олиб борди. Баробар нонушта қилишгач, Сивос дашти томон юрдилар.



Олий фармонга биноан этикларини ярқиратиб ёғлаган суворийлар, дубулға ва совутлари кун тиғида ялтираётган пиёдалар тўп-тўп бўлиб, кўрик майдонини тўлдирарди. Тартиб-интизом эса ифода этиб бўлмас равишда олий даражада эди.

Учқилар черики Самарқанд ва Дамашқ камонлари билан таъминланган бўлиб, суворийлар тақимида ҳинд, пиёдалар белида мисрий қиличлар ярқирарди. Чап қўлида ҳалабий қалқон тутган навкарлар кўтарган арабий найзаларнинг чархланган учлари баҳор куёшида кўзни қамаштириб товланарди.

– Ақлимни таниб бундай мукаммал черикни кўрмаганман. Худо кўрсатмасин тўқнашув рўй берса, усмонли ўрдуси ер билан яксон бўлмаса-да, бўри оралаган сурувдек бузғунга учраб, пароканадаликка юз тутиши аниқ, – деди паст овозда амир Темуртош Боботуркка.

– Мен ҳам шундай фикрдаман, – жавоб қилди амир Боботурк. – Қандай бўлмасин, сиз ўз султонингизни бу йўлдан қайтаришингиз, оқибатни англатмоғингиз керак.

– Ўқ ёйдан чиқди. У оғзидан чиққан сўзни ўлса-да қайтариб олмайди. Биласиз-ку, биз туркларда ақлдан жаҳл устундир, – деди руҳан тушкун кайфиятда Темуртош. – Бу турк деганнинг эли бошига, ё қочаркан ёки сичаркан келади.

Ҳақиқатан ҳам Турон ўрдуси такомилга етган, шоншавкатининг олий нуқтасига чиққан эди. Саф-саф бўлиб ер кўкни ларзага келтириб одим ташлаётган яёв аскарлар, шатранж донасидек тизилган бир хил от ва бир хил кийимдаги суворийлар улус-улус, уруғ-уруғ, туман-туман бўлиб сафланган қўшинлар нимаси биландир бир-биридан ажралиб турар, киши хаёлига бундай қўшиннинг енгилиши мумкин эмас, деган фикр келар эди.

Қўшиннинг олдида қатор тизилиб келаётган йигирма тоғли филни кўрган киши ҳайратга тушар, бу ҳудудлар одамлари филларни кўражакларини ақлларига сиғдира олмасдилар. Филлар устида чўнқайиб ўтирган ғалати кийимдаги ҳиндлар афсонавий бир қиёфада бўлиб, барчанинг кўзи уларда эди.



OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

– Мен бу тўқнашувга қаршилигимни Хоқон ҳазрати олийларига ҳам айтганман, – деди Боботурк ғаши келиб. – Улуғ хоқон саройу салтанатида ҳар ким ўз фикрини очиқ-ойдин айтиши мумкин. Бунинг учун ҳеч қандай таъқибу жазо қўлланилмайди. Жуда борса саройдан четлаштиришлари мумкин.

– Бизда у қадар эмас, – деди амир Темуртош гапни қисқа қилиб. – Чимбойбек ҳақ. Деворда сичқон бор, сичқонда ҳам қулоқ бор. Қўлимиздан келмаган ва ваколат берилмаган иш ҳақида баҳслашмоқда маъно йўқдир.

Эртўғрул Турон чинни товоқда Туркистон паловини келтирди. Улар ҳафсала билан ош емакка киришдилар. Эрталаб улуғ Амир билан бирга яроғ кўргани боражаклари учун ичкини ҳам меъёрида ичдилар.

Элчи Чимбой рухсат сўраб, ўзининг уруғдошлари томон кетди. Чодир саҳнида Темуртош билан Боботурк иккиси қолди.

– Наҳотки, султон ҳазратлари биз турк қавмида хонимларга тил теккизмоқ жуда оғир ва нозик масала эканлигини билмасалар? – деди Боботурк, сайр этишаркан.

– Бизда ҳам шундай. Султонимиз жаҳл отига минса, туширмоқ мушкул. Бу ишнинг оқибати хайрли бўлмаслигини барча баробар ҳис этиб турибди. Ҳеч ким енгилмаса-да жуда кўп одам нобуд бўлади. Туркнинг туркни ўлдирмоқдан бошқа иши йўқдек, гўё. Бу барча турк ва ислом душманларини хурсанд этади! – Куйиниб сўзлар эди амир Темуртош.

– Барча мусулмонлар ҳам турк улусининг дўстлари эмас, – қўшиб қўйди Боботурк. – Ғалати томони шундаки, қаердаким, мусулмон бўлса, ўша ерда ғавғо ва муаммо бор.

– Ҳақсиз, амир жаноблари, – уни қувватлади усмонли амири.

Амир Боботурк Темуртошни эрталаб улуғ Амир чодирига олиб борди. Баробар нонушта қилишгач, Сивос дашти томон юрдилар.



Олий фармонга биноан этикларини яркиратиб ёғлаган суворийлар, дубулға ва совутлари кун тиғида ялтираётган пиёдалар тип-тип бўлиб, кўрик майдонини тўлдирарди. Тартиб-интизом эса ифода этиб бўлмас равишда олий даражада эди.

Учинлар черига Самарқанд ва Дамашқ камонлари билан таъминланган бўлиб, суворийлар тақимида ҳинд, пиёдалар белида мисрий қиличлар яркирарди. Чап қўлида ҳалабий қалқон тутган навкарлар кўтарган арабий найзаларнинг чархланган учлари баҳор куёшида кўзни қамаштириб товланарди.

– Ақлимни таниб бундай мукаммал черикни кўрмаганман. Худо кўрсатмасин тўқнашув рўй берса, усмонли ўрдуси ер билан яксон бўлмаса-да, бўри оралаган сурувдек бузғунга учраб, парокандаликка юз тутиши аниқ, – деди паст овозда амир Темуртош Боботуркка.

– Мен ҳам шундай фикрдаман, – жавоб қилди амир Боботурк. – Қандай бўлмасин, сиз ўз султонингизни бу йўлдан қайтаришингиз, оқибатни англатмоғингиз керак.

– Ўқ ёйдан чиқди. У оғзидан чиққан сўзни ўлса-да қайтариб олмайди. Биласиз-ку, биз туркларда ақлдан жаҳл устундир, – деди руҳан тушкун кайфиятда Темуртош. – Бу турк деганнинг жони бошига, ё қочаркан ёки сичаркан келади.

Ҳақиқатан ҳам Турон ўрдуси такомилга етган, шон-шавкатининг олий нуқтасига чиққан эди. Саф-саф бўлиб ерu кўкни ларзага келтириб одим ташлаётган яёв аскарлар, шатранж донасидек тизилган бир хил от ва бир хил кийимдаги суворийлар улус-улус, уруғ-уруғ, туман-туман бўлиб сафланган қўшинлар нимаси биландир бир-биридан ажралиб турар, киши хаёлига бундай қўшиннинг енгилиши мумкин эмас, деган фикр келар эди.

Қўшиннинг олдида қатор тизилиб келаётган йигирма чоғли филни кўрган киши ҳайратга тушар, бу ҳудудлар одамлари филларни кўражакларини ақлларига сиғдира олмасдилар. Филлар устида чўнқайиб ўтирган ғалати кийимдаги ҳиндлар афсонавий бир қиёфада бўлиб, барчанинг кўзи уларда эди.



OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

– Филбонлар мусулмонларми? – деб сўради Темуртош қизиқсиниб Боботуркдан.

– Мусулмонлари ҳам, ҳинду динидагисиям бор. Бизнинг мамлакат ва ўрдуда энг муҳим талаб, Худога ишонмоқ. Қайси диндалигидан қатъи назар яратганнинг бирлигини тан олса бўлди. Сўнгра шариат тартиб-интизомларига иззат-ҳурматда бўлиши, ислом ясоқлаган ишларни қилмаслиги лозим. Рағбат ва мукофот динга қараб эмас, меҳнатга, истеъдоду ақл-заковатга қараб бўлади, – изоҳ берди темурий амир. – Тепадаги туманбоши, мингбоши ёки юзбоши хизмат вазифасини пеш қилиб, ҳеч қачон оддий аскарга овозини баландлатмайди ёки зуғум ўтказа олмайди. Бу қатъий тақиқланиб, қаттиқ жазоланади. Ҳаракат эркинлиги берилмаган аскар ўз идроки билан иш юритувчи киши бўлмай, оддий жаллодга айланиб қолади. Жаллод эса жаллоддир. У вазият ўзгариб қолса, ўз бошлиғига ҳам қилич солиши мумкин.

Бу гаплар усмонли элчиси учун янгилик эди. Демак, оддий навкар ва фуқаронинг ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқи бор. Подшоҳ ва давлат буни кафолатлайди. Бу ўрду ила бир муддат юриб, ибратли тарафини ўрганмоқ керак экан. Дарвоқе, олим ёхуд жоҳил бўлсин, инсон қадри муқаддасдир.

Улар пешин намозидан аср ибодатига қадар баланд бир тепаликда туриб, қўшиннинг кўриниш беришини диққат-ла кузатдилар. Бироқ черик ҳали бери тепалик этагидан ўтиб улгурадиган эмас эди. Унинг учи-қуйри кўринмас, бутун дашт оту одамга тўлган эди.

– Мен аср намозини ўқийин. Сиз отда айланиб, черикни сўнггига қадар кўринг, – деди Хоқон амир Темуртошга. – Яна бояги сўзларимни такрорлайман. Бориб Боязидга айтинглар, шунча ҳурматсизлик қилса-да, мен ҳануз унга нисбатан олижаноблик ва яхши муомала юзасидан иш тутаман. Уни туркнинг, исломиятнинг авлиё бир инсони деб биламан. Бир кун келиб шаънимизга айтган сўзларидан пу-

AXBOROT-RESURS MARKAZI
1-FILIALI



[illegible] бўлар. Кимлигимизни англаб етар. Бироқ шунда кеч [illegible], ғишт қолипдан кўчмасин дейман. Унга яна шуни [illegible], Таҳуртаннинг хонадонини ўз юртига жўнатсин. Ўғилларидан бирини ҳам биз томонга юборсин. Токи биз унга шундай инъом-эҳсонлар кўргазайликки, бундай меҳру шафқатни ўз отасидан ҳам кўрмаган бўлсин. Уни фарзандлигига қабул қилиб, Рум мамлакатини Йилдирим Боязидга топшираман. Ваҳшат ва кин тиканлари ўртадан кўтарилиб, у [illegible] кейин давлат ва комронлик боғидан омонлик гулбаргини тергай. Мувофиқатчилик қушлари нағмасининг садоси [illegible] кўнглини хуш қилгай, шаҳарлар, халқлар, амну [illegible] ва фаровонликда, фароғату осудаликда бўлғайлар. Бунинг савоби у дунёда ҳам бизнинг давлатимиз замонига насиб бўлгай. Жон танга, инсон инсонга меҳмондир, асл [illegible] Темуртошбек. Буни унутсак ва ўзимиздан кетиб [illegible], инсону мусулмон эмасмиз. Бу ҳар касга, амиру султонга, дарвешу девонага маълум ҳақиқатдир. Оллоҳдин умид [illegible], қалб ва ақл кўзи очиқ биродарларимиз буни зако нигоҳи ила англаб етажаклар, – дея сўзини тугатиб элчи билан хайрлашди хоқон. – Кечқурун ҳурматли қўноғимиз Темуртошбекнинг елкаларига шоҳона тўн ёпамиз. Ҳузуримга [illegible] келинг, – дея амр берди Боботуркга.

Султон Йилдирим Боязид элчиси билан сўнг бор суҳбатлашган хоқон саропардага йиғилганлардан фақат Шайх Нуриддинни олиб қолди.

– Янглишмасам хонимларингиздан бири қора турк татарларидан, шекилли. Демак, бу уруғларимиз билан алоқангиз бор кўринадир, – сўради Темур эътиборли бегидан.

– Шундай, ҳазрати олийлари. Сивос атрофида ерлашган турк уруғларини слав ва форслар қора татарлар дейдилар. Қора сўзи эски туркчада асил, қудратли, буюк ва улуғ деган маънода ишлатилади. Уларнинг ўтоғалари билан мулоқот қилиш имконимиз бор. – Темурнинг мақсадини англади Шайх Нуриддин.

– Бу ота авлодларимиз айни кунда катта куч. Буни яхши билган Йилдирим Боязид уларга жуда кенг яйлов ва адирларни ҳеч бир солиқ, божу хирожсиз бериб қўйган. Сивос атрофларида ўзлари хон, кўланкалари майдон бўлиб яшайдилар. Усмонли ҳукуматига у қадар ҳисоб ҳам бермайдилар. Чексиз молу мулк соҳиби эмишлар. Боязид аларни ўз ёнида туриб, бизга қарши жангга даъват этган. Улуғ беги Фозилбей султон таклифга рози бўлган каби кўринади. Гапнинг қисқаси, уларни бу йўлдан қайтармоқ керак. Энди оёққа туриб, ҳаёт турумлари изга тушганда биз ила тўқнашиб, хонавайрон бўлишмасин, деган ўйдаман.

– Даъвату таклифларимизга кўнсалар нур устига аъло нур. Акс ҳолда шунга кўра чорамизга боқамиз. Йилдирим Боязидга қўшилмасларидан бурун ишни битиришга тўғри келади. Бу масала бир ёқлик бўлгунга қадар черикни Усмонли мамлакатининг ичкари қисмига киритмай турганимиз маъқул. Шу ҳақда фикрингизни билмоқчи эрдим, – амирнинг қош-қовоғига қараб сўзлар эди Темур.

– Жуда маъқул ва ҳисоб-китобли тадбир, хоқон ҳазрати олийлари. Қора турклар сизнинг айтганингизни қиладилар, деган умиддамен. Зотан, қонан улар усмонлилардан кўра бизга яқин, – жавоб берди Шайх Нуриддин. – Уларга ақрабо бўлган амир Қўноқхонни ҳам ҳузурингизга даъват этиб, ушбу вазифани иккимизга юкласангиз ғоят маъқул бўларди. У эски турк хонлари авлодидан. Улуси орасида обрў-эътибори баланд, – жўяли фикр билдирди амир.

Темур ясовулга Қўноқхон Қоратуркни чорлашни буюрди. Ўн икки тамғага етган улуснинг бири саналган турк[1] улусининг ўтоғаси, сарғиш юзли, малласоч ва оғир гавдали Қўноқхон саропардани тўлдириб кириб келди.

Тамғага етмоқ учун аймоқлар ўн минг, яъни бир туман навкар бера олиши керак эди. Турон давлати қарамоғидаги

---

[1] Темур даври тарихида, жумладан, "Темур тузукларида" ҳам бу уруғ номи татар деб янглиш берилади. (Н.Қ.)



ҳудудларда қирқ аймоқ бўлиб, унинг ўн иккитаси тамғага эга, қолган йигирма саккиз аймоқ бошлиқларига улус амирлиги рутбаси берилган эди. Тамға олган ўн икки аймоқ Темурнинг хос навкарлари саналар эди. Бу – юз йигирма минглик жанговар қўшин демак эди.

Қўноқхон ҳурмат билан келиб, улуғ Амир қаршисида тиз чўкиб, этагини ўпди.

– Маишат дурустга ўхшайдур амир жаноблари. Жуда тўлиб-тошиб кетибсиз? – ҳазиллашди Темур Қўноқхонга. – Бу кетишингизда навкарларга озуқа етармикан?

– Унчалик эмас, ҳазрати олийлари. Мен бир бурда нон есам ҳам вужудимга татийди. Айрим биродарларимизнинг етини танига юқмай тўппа-тўғри ўтиб кетади, – самимий кулиб, хипчадан келган Шайх Нуриддинни нишонга олди Қўноқхон.

Учаласи баробар кулдилар.

– Бугун амир Қўноқхон не десалар кўтарамиз. Фақат хоқон ҳазратларининг амри фармонларини ўринлатсалар бас, – жавоб қилди Шайх Нуриддин самимий табассумда.

– Султонлар сарвари, соҳибқирон ҳазрати олийларининг хизматларига жонимиз нисор ўлсун – гурсиллатиб ўн кўлини кўксига қўйди амир Қўноқхон Қоратурк. – Хоқони акрам ҳазратлари юксак кўнгиллари ила биз учун дунёларни бахш этиб келдилар. Бул олий ишончга муносиб ўлмоқдин шарафли эътиқодимиз ўлмағай!

– Сизни бу қадар мардонавор, кучли-қувватли кўрмоқ бизни зиёда мамнун этгувсидир, биродарим Қўноқхон. Даъватимиздан мақсад шулким, Сивос атрофидаги қора турк қардошларимизга вазиятни тушунтириб, бизга қарши курашиш фойдасизлигини англатмоқ кераклигини муҳокама этиб ўтирганди. Уларни бизга қўшилиб, султонга қарши савашсинлар демаймиз. Фақат бизга қарши жангга кирмасинлар. Шайх Нуриддинбек билан мана шу масалани ҳал этишингизни рижо этаман, – деди Темур гапни қисқа қилиб.

– Ҳукму фармон улуғ хоқонимизнингдир. Амри йўрик-лари бошу кўзимиз устига! Ғоят маъқул ишдир, – деди хурсанд бўлиб Қўноқхон. – Татарнинг татарга, туркнинг туркга қурол кўтармоғи гуноҳи азимдур! Нечун улар менинг ўн икки минглик турк черигимга қарши от қўйсинлар? Ҳозироқ бу ишга киришаман, – бу муҳим вазифа ўзига юклаганидан хурсанд эди Қўноқхон. – Иншооллоҳ, хоқон ҳазрати олийларининг бул амри фармонлари хайрларга ва-сила ўлур!

– Улар сизни чексиз ҳурмат этадилар. Агар амир Фозилбе[к] номига бир илиқ мактуб ёзиб берсангиз, бағоят яхши бўлур эди, хоқоним – деди Шайх Нуриддин. – Бизнинг ўн оғиз га[...] пимизу, сизнинг бир муборак мактубу дуои саломингиз.

– Жўяли фикр! Муншийи хосни чорланг! – Буюрди хоқон хос мулозимга.

Темур саропарда тўридаги тахтига оғир чўкканча икки ами-ри билан маслаҳатлашиб, мактуб матнини сўйлай бошлади.

– "Шаън-шавкатли, улуғ тарихли асл авлодимиз бўлмиш қаро-турк жигарларимга. Биз барчамиз Нуҳ алайҳиссалом, Ёфасхон, Туркхоннинг бугунги авлодларимиз. Бизни шу пайтгача на Чин каби, на Эрону арабдаги душманларимиз орамизни бузиб, бир-биримиздан ажрата олмадилар. Биз за-миннинг энг улуғ ва қадим миллати ўлароқ, Тангри берган ризқимизни териб, рубъи маскуннинг учдан бир ҳудудини эгаллаб яшамоқдамиз. Дарҳақиқат, сизнинг мартабангиз – менинг мартабам, насабингиз – менинг насабим билан мут-тасил, мамлакатимиз – мамлакатингиз, аждодимиз – сиз-нинг аждодингиз, барчамиз бир дарёнинг ирмоқлари-ю, бир дарахтнинг бутоқларимиз. Қадим замонлардан бери бизнинг ота-боболаримиз бир уядан ўсиб-ундилар ва озги-на инда кўпайишиб, юксак даражаларга эришдилар. Агар ўзгалар подшоҳлик мартабасини курашиб қўлга киритса, сиз эса бу мартабага наслу насаб юзасидан эришгансиз. Чунки сизнинг ота-боболарингиз қадим замонларда Турон-



[illegible]нинг подшоҳлари бўлганлар. Улардан бир тоифаси [illegible] бу диёрларга келиб, шунда ватан тутиб [illegible]. Улар, худди ҳамиша бўлганларидек, кароматли [illegible], салтанат белгиларию риёсат жиловларини тутиб [illegible] ҳамда шу суруру шодликда давом этиб, ниҳоят Тангри таолонинг раҳматига муяссар бўлгунларича мана [illegible] иззату икромда бўлдилар. Сиз Шарқий Румнинг [illegible] подшоҳи улуғ Эртананинг авлодларисиз. Бу ердаги [illegible] ноиблар сизларнинг энг кичик мамлукингиз мисо-[illegible]. Худога шукурким, сизнинг шавкатингизда заифлик, [illegible] ноқислик йўқ. Қандай қилиб сиз ўзингиз [illegible] хўрланишга рози бўлдингиз? Нечун сиз сеҳрланган [illegible] ўзингиздан паст ва тубан одамларга малай [illegible] сабру тоқат қиласиз? Улуғларнинг ҳам улуғи [illegible] кейин, қандай қилиб сиз кичикларнинг ҳам ки-[illegible] бўлиб қолдингиз? Сизлар хору зор ва аянчли аҳволда [illegible]-ку? Ваҳоланки, Тангри таолонинг ери поёнсиз. Нега энди сиз ўзи Али Салжуқий томонидан қулликдан [illegible] қилинган қулларнинг авлодлари саналмиш кишининг [illegible] бўлиб қолдингиз? Бунинг сабабию боисига ақлим бо-[illegible] етмайтир. Агарким, сизга бу ерларда яшамоқ лозим [illegible], Улуғ Туроннинг кенг ўлкаларини Румнинг тор ер-[illegible] алмаштирмоқ лозим бўлса, у вақтда бу ҳудудларда [illegible] ўз аждодларингиз каби бу мамлакатларнинг [illegible] бўлишингиз керак! Бу ердаги қалъалар идора-[illegible] югани сизларнинг қўлингизда бўлмоғи керак. Сиз-[illegible] бу тоғлар ўркачида ўтиринг ва бемалол қўлингизни [illegible] унинг жиловини бошқаринг. Бунинг учун эса менинг [illegible] турмасангиз-да, Йилдирим Боязидга қўшилманг. [illegible] уни қилган нобакорликлари учун таъзирини бериб, она [illegible] оғзига келтиргандан сўнг яшаётган ерларингиздан [illegible] ватан Туронга борганингиз афзалдир. Чунки у ердаги [illegible], ям-яшил ўтлоқлар ва уюр-уюр йилқилар, сурув-[illegible] қўйлар сизники бўлади. Сизларнинг ҳам бизларнинг

ҳам асл юртимиз Турондир. У ерда бир парча нонимизни сиз билан бўлиб еймиз. Сиз сурат, сийрат жиҳатидан бизга яқинсиз. Шунга кўра тадбирли иш тутмоғингизни маслаҳат бераман. Гап тамом! Вассалом! Турон султони Темур сўзум шул турур!"

Улуғ амир Шайх Нуриддин билан амир Кўноқхон қирқ чоғли черик йўлдошлигида Сивоснинг турку тотор улуслари оқсоқоли Фозилбейнинг яйлови томон йўлга тушдилар. Амир Темурнинг номи бу қавмлар орасида машҳур эди. Шу боис, Турон бекларининг ташрифи барчанинг диққатини тортди. Кўноқхон уруғдошларига Темурбекнинг муддаосини англатди.

– Бир неча кундир ўзимиз ҳам шу масалани муҳокама қилмоқдамиз, – деди Фозилбей кўм-кўк кўзларини бир Шайх Нуриддин, бир Кўноқхонга тикар экан. – Бу савашни ким бошлаётган бўлса хато қилаётир. У сиз ҳам турку тотарнинг душмани етиб ортиб ётибди-ку. Наҳотки, буни оламни илгида тутган улуғ хоқонларимиз англамасалар?

– Йилдирим Боязид кечирилмас гуноҳ қилиб қўйди. Кимсан, хоқон Темурдек одамга савашмоқ учун қаршимга чиқмасанг сенинг, муносиб қаршиламасам менинг хотинларим уч талоқ бўлсин, дея мактуб юборибди. Хоқон ҳазрати олийлари бу ҳақоратдан сўнг ғоят оғир турумда қолдилар, – жавоб қилди Кўноқхон Фозилбейга вазиятни тушунтирган бўлиб.

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! Султон ҳазратларига ярашмайдурғон жумлаю калима. Яхши иш бўлмабдур. Орада не гап-сўз бўлса-да, аврат масаласига ўтмаслик керак эди. Демак, айб султон Йилдирим Боязидда. Бу сўздан сўнг у Темурбекни савашмоққа мажбур этибди. Яхши иш бўлмабди-да, – астойдил афсусланди Фозилбей. – Қизиган усмонлилар сизларни ҳам биз каби саҳро тотарлари деб атайдилар. Шунинг учун бизга унча ишончлари ҳам йўқ. Не иш қилмоғимизни билмай бошимиз қотиб ўтирган



[illegible]. Кўнглингиз тўқ бўлсин ва Темурбекка етказинг-[illegible] ул кишим истаган усулда ҳал этмоқ ҳаракатида [illegible]. Бироқ бир ўзим бунга қарор бера олмайман. Улус [illegible]лари ва беклари билан маслаҳатлашиб, бир фикру [illegible] келмоғимиз лозим бўлади. Биз эски турк элхонлари амал қилган ясо бўйича ҳар бир қарорни кўпчилик [illegible] иродаси ила ҳал этамиз. Бу ишда аёлларимиз ҳам [illegible]лар, – ўз жавобини берди қоратурклар ўтоғаси.

– Тотор хонимлари жуда кувватли бўлишини биламиз, – [illegible] Шайх Нуриддин улар емак учун шоҳона чодирга [illegible].

Тотор хонимлари зўр бўлмаганларида эди, улуғ амир Шайх Нуриддиндек одам уларнинг тузоғига илинмас эди, – [illegible] учун жавоб қилди амир Кўноқхон.

– Шайх Нуриддиннинг ўзимизга куёв эканликларини [illegible] бор, – деди кулиб Фозилбей. – Бироқ кулдан [illegible] куёвдан ўғил ўлмас, деган ота сўзи амир жанобларига [illegible] эмас, – дея ҳазиллашди чоғирни бостириб ичаркан.

– Тотор хонимлари фақат аёл эмас, дўст ва ҳимоячидир, – [illegible] Шайх Нуриддин тотор хоними ҳақида илиқ сўзлаб.

[illegible] хилма-хил ва ғоят тотли емаклар қўйилиб [illegible] суфра атрофида ўтирдилар. Белини кенг [illegible] билан боғлаган, бошига узунчоқ қалпоқ кийган [illegible] нафар гўзал қиз мусофирларга хизмат қилар эди.

– Шайх Нуриддинбекни изга солиб юриши учун бир тотор хонимимиз етарли деб ўйлайман. Бу масалада Темурбек [illegible]ларига ҳам кўмак этсакмикан? – дея яна ҳазиллашди Фозилбей бироз чоғир ичгач, икки юзи чўғдек қизариб.

– Ширвозу қирқилган улоқ қовурдоғини келтир, Доноқул! [illegible] очилганда олиб келмайсанми емакларни! Қўноқ [illegible] эт пишар, эт пишмаса бет пишар қилма, Доноқул! – [illegible] тинг қилиб хизматчиларига иш буюрарди Фозилбей [illegible].

Афсуски, ҳазрати олийлари Темурбек эътиқодларига

кўра пайғамбаримиз не қадар хонимни никоҳларига олган бўлсалар, ўшандан бир нафар кам хонимни никоҳларига олдилар. Бу хусусда сизга ёрдамчи бўла олмайдилар. Боиси, ҳазрати пайғамбарларимизнинг барча йўл-йўриқлари ва хатти-ҳаракатлари ул кишим учун андоза, намуна ва меъёрдур, – жавоб қилди Шайх Нуриддин табассум билан. – Бироқ биз шогирдлари бул бобда хизматингизга ҳозирмиз.

– Ота юртдан келган сизлардек олий зотларга хизмат этмоқ биз учун аҳди паймон ва шараф ишидир. Ҳафта сўнгида уч амиримиз билан Темурбек ҳузурига борамиз. Масалаларни ойдинлаштириб келамиз. Сўзлашмамиз туя кўрдингми йўқ, бия кўрдингми йўқ қабилида бўлмоғи лозим, – деди суҳбат сўнгида бироз кайфи ошган Фозилбей астойдил очилиб.

– Емак баҳона, суҳбат шоҳона бўлди. Энди бизга қайтмоққа изн бергайсиз? – мезбондан рухсат сўради Шайх Нуриддин.

– Қўноқ Оллоҳнинг ҳадясидир. Яратган йўлингизни юзингиз каби оқ этсун! – Дуо қилди Фозилбей мусофирларни йўлчи этаркан.

– Тепада Худо бор. У ҳаммасини кўриб турибди, – жавоб қилди амир Шайх Нуриддин.

Улар қўл олишдилар. Шайх Нуриддин ва амир Кўноқхоннинг тулпорлари пишқирганча йўл танобини тортиб, Арзинжон томон учиб борарди.

Усмонли турклари ўзининг шарафли ва шарафсиз, юксалиш баробарида инқирозга ҳам юз тутажак кунлари олдида турарди...

Саропарда саҳнида ўй сурганча узоқ ўтириб қолган улуғ Амир имо-ишорасини беклаётган ясовулга амир Боботурк, Тоҳир тарихчи ва китобдор Ориф Бухорийларни даъват этмоқни буюрди.

Иккинчи хос мулозим саропардадан хоқон қаршисига тўртта курси келтириб қўйди.



Бирор коса қимиз ичгулик муддат ўтмади. Соҳибкирон ҳузурида даъватлилар ҳозир бўлди.

Амирларимиз Шайх Нуриддин бирла Кўнокхон Қоратуркни қоратотор қардошларимиз ила мулоқоту муносабат ўрнатмоқ учун Сивос яйловига юбордик. Султон сўзидан қайтмай, ўжарлик ва такаббурлик узангисидан оёғини олмайдурғон бўлса, юз беражак тўқнашувда иштирок этиб, азият чекмасликка чорладик. Бу улуснинг эски хонлар эканлиги маълумдир. Улар хусусида қўшимча билгиларингиз борми? Бул ҳақда қўлимизда неки маълумот бўлса фикр алмашсак дегандим? – дея суҳбатдошларига мурожаат этди хоқон.

Ориф Бухорий сиз бошланг дегандек ўнг томонида ўтирган Тоҳир тарихчига ўгрилиб, бошини хиёл эгди.

Тарихчи хоқон ва ўтирганларга эҳтиромини билдириб, қироат-ла сўзламоққа киришди:

– Юксак диққат-эътиборлари ва олий арзларига маълумким, хоқон ҳазратлари, Нуҳ алайҳиссалом ўғли Ёфас, ўғилларига “Туркни хоқон билингиз ва анинг сўзидан чиқмангиз”, дея васият қилади. Шу-шу бу қавмларда Туркхон отаси Ёфас ўрнида қолиб, укалари ва авлодларига оталик қила бошлайди. Шу тариқа уни ота ўрнида кўрган бутун турк тилли қавм ва қабилалар турк ата, або турк дея атай бошлайдилар. Айнан шу даврдан бошлаб, бу сўзга нисбатан алоҳида ҳурмат, эътиқод шаклланади ҳамда у ата улус, ата аждод эътиқодига айланади. Кейинги насллар ҳам бу сўзга ўз иззату садоқатларини сақлаган ҳолда уни қўлламоққа ғоят тамкинли ёндашадилар. Сиз ҳазрати олийлари қайд этганингиз аслида қоратурк қавмидир. Улар бу ҳудудларга бир неча юз йиллар бурун турк хоқонлиги араблар ва сомонийлар тузган Хуросон давлати томонидан тугатилгандан сўнг келиб қолганлар. Қора сўзи катта, асил, ҳақиқий ва кучли деган маъноларда қўлланилган. Шунингдек, бу сўз қадимда қоон, хоқон ва хон унвонларини ҳам

англатган. Бу сўзнинг чину ҳинд, уйғуру ўрхун манбаларида илк ишлатилиш шакли эса харадир. Туркистон тизмалари, хусусан, Самарқанду фирдавсмонандга саккиз фарсах келадиган, биз доимо бир кеча-кундуз тўхтаб ўтадиган Тошлоқ (Сангзор) дарёси бўйидаги Қарақишлоқ манзили ҳам ўша замонларда бу ерда қад ростлаган Харакана[1] шаҳрининг авлодидир. Тилларнинг сўзлашув ва такомиллашув жараёнига мувофиқ хара сўзи катта, улкан маъносини берган кана кент демакдир. Шу тариқа катта шаҳар маъноси келиб чиқади. Эндиликда хара қарага, кент қишлага айланиб, катта қишлов, Қарақишлов манзили маъносини беради. Улуғ қоон Чингизхон ўзининг бошкентига айлантирган Қорақурум шаҳри ҳам эски турк ва хунларнинг харахурум, яъни улкан қилиб қурилган, барпо этилган, тикланган шаҳри демакдир. Бундан минг ярим йил бурун давом этиб келган, Самарқанд ва Хўжанд оралиғида ҳукм сурган Уструшона давлатининг ҳукмдорлари Харабуғра, Хонқара, Харахура исмли хоқонлар бўлганлар. Яъни булар биз билган Буғрохон, Қорахон ва Қорабуғролардир. Икки дарё орасини араблар халифа Абу Исҳоқ ал-Муътасим даврида ҳам Уструшона деб атаганлар. Мовароуннаҳр сўзи кейинчалик истеъмолга кирган. Дашти Қипчоқ, Турон ва Takламакон даштларидан оқиб келган қавм ва қабилалар тарихини, келиб чиқишини билмаган ерлик аҳоли уларни турли номда атаганлар. Шу даврда қора турклар ҳам қора татарлар дея аталиб кетган бўлса ажаб эрмас, – дея бош эгиб таъзим бажо этганча сўзини мухтасар қилди Тоҳир тарихчи.

– Кечмишимизни ғоят маъноли ва ишончли тарзда ҳикоя этдингиз, Тоҳирбек, – дея тарихчига лутф этди хоқон. – Зотан, ўтмиш, келажакнинг кўзгусидир. Муҳтарам китобдоримиз Бухорий жаноблари бу фикрларга не илова этадилар? – Бухорийга юзланди улуғ Амир.

[1] *Харакана* – Жиззах вилоятининг ҳозирги Сарбозор қасабаси ва Ғаллаорол шаҳрининг кунчиқиш тарафида.



– Тоҳирбек каби тарихимизнинг зукко билимдони ва ҳофизидан сўнг турки сўйламак осон эрмас албатта, – дея сўз бошлади китобдор ҳамкасбига назокатан ҳазиллашиб. – Тоҳирбек қайд этганлари халифа ал-Муътасимга боғлиқ бир тарих борким, буни билмоғимиз фойдалидир. Биз ўзаро мубоҳасаларимизда доимо Муҳаммад Хоразмшоҳу Чингизхон, Чингизхону халифа ан-Носир муносабатларини муҳокама этиб келамиз. Боиси, тарихимизнинг жуда муҳим ва ҳал қилувчи нуқталари ана шу шахсиятлар номи ила боғлиқдир. Айниқса, халифа ан-Носирнинг Чингизхон ила хуфиёна тил бириктириб, Хоразмдек буюк ислом давлатини ағдаришга ундагани ҳар бир мусулмон ва туронлик қалбида жавобсиз саволу сўроқларни туғдиради. Ва бу ҳолатни ҳеч бир аҳли мўъмин ҳазм эта олмайдир.

– Жуда тўғри! – деди хоқон китобдорнинг сўзини маъқуллаб. – Бизнинг халифаю султонларимиз ўз пайғамбарининг айтганини қилмаса, ҳалиям ярим жоҳил ва оми раиятга ўзи тўзим берсин. Мусулмон кишиларининг ўзаро уруш қилишлари куфрдир, сўкинишлари эса фосиқликдир. Икки мусулмон бир-бирлари билан уч кундан ортиқ аразлашиб юришлари дуруст эмас, дея таълим берадилар ҳазрати пайғамбаримиз.

– Агар мусулмон киши шу амалларга риоя қилмаса, уни мусулмон дея атаса бўладими? – Улуғ Амирга савол берди амир Боботурк.

– Савол ўқингиз хатодур, амир жаноблари. Мен Маккаю Мукаррама ёхуд масжиди Набавиянинг имоми эрмасманки, сизнинг бу саволларингизга жавоб бера олсам. Бу ҳақда мен ҳам сиз каби бир ўрганувчиман, – жавоб қилди хоқон шогирдига майин табассум-ла.

– Англадим, улуғ хоқон ҳазратлари. Қайд этганингиз каби ҳазрати пайғамбаримиз ҳар бир мусулмоннинг моли, обрўси ва қони бошқа мусулмон учун ҳаромдир. Мусулмоннинг биродарини ҳақорат қилиши билан унинг ёмонлиги билинур дея таъкидлайдилар, – фикрини баён этди амир.

– Нуқсонлар хусусида гап кетганида хиёнат ва ёлғончиликдан бошқа ҳар бир нуқсон мўминда бўлиши мумкин дея таъкидланади ҳадисларда, – баҳсга аралашди Ориф Бухорий.

– Сўзингизда давом этинг, Орифбек! – Китобдорга мурожаат этди хоқон. – Халифа Муътасим ҳақида айтаётган эдингиз.

– Бош устига, Амир Соҳибқирон ҳазратлари. Халифа Муътасим билан ўша пайтдаги юртимиз ҳукмдори, Уструшоналик Ҳайдар ибн Ковус Афшин муносабатлари ва қисматини биз замонлар ошгач, халифа Носир ва султон Муҳаммад Хоразмшоҳ тақдиру мулоқотларида ҳам кўрамиз. Тарихий ҳодисалар силсиласи давру давронлар ўтиши билан қайталанаверар экан, улуғ хоқоним! Зотан, тарих ҳар бир миллатнинг хотираси, қисматлар ва воқеаларнинг такрорланишидир. Қайд этганим, ватандошимиз Ҳайдар ибн Ковус ўн саккиз йил халифаликка сидқу садоқат билан хизмат қилиб, халифаликнинг олий бош қўмондонига, халифа Абу Исҳоқ ал-Муътасимдан кейинги иккинчи улкан шахсга айланади. Бу обрў-эътибор ва куч-қудрат халифа ва унинг атрофидагиларга, араб асилли бўлмаган кишиларга паст назар билан қаровчи Бағдод задагонларига маъқул келмас эди. Ваҳоланки, Ибн Ковус халифалик ҳудудидаги барча исёнларни бостириб, бутун Озарбайжоннинг йигирма йиллик ҳукмдори, халифанинг бош рақиби Бобак ал-Хуррамийни мағлуб этиб, унинг шериги, Табаристон ҳукмдори Мозиёрни асир ўлароқ тутиб, халифа кишиларига топширган буюк бир ислом амири ва мужоҳиди бўлган. Халифанинг одамлари Бобак ва Мозиёр билан тил бириктириб, уни халифаликка қарши курашда айблайдилар. Маҳкамага тортмоқ учун Афшин Бағдодга, халифа Муътасим саройига даъват этилади. Халифанинг Афшиндан кўрқишининг яна бир боиси, шу пайтгача ҳеч бир ислом ҳукмдори ва қўмондони ҳал эта олмаган муаммо, мусулмонларнинг энг катта душмани Рум подшоси Феофилни енгиб, уни бартараф этмоқ режасини ишлаб чиқиб, амалга ошириш учун халифадан изн сўраганидир. Бу воқеа юз берса Уструшона деган кимса билмас бир ўлкадан



чиққан қандайдир Ибн Ковус дегани ислом оламининг бош мужоҳиди ва қаҳрамонига айланар эди. Ваҳоланки, халифа битта экан, қаҳрамон ҳам, Оллоҳнинг ердаги сояси ҳам битта бўлиши керак эди. Афсонавий қўмондон, халифаликнинг бош вазири ва амири лашкари Ҳайдар ибн Ковус учун бир йўл бор эди. Бу ҳам бўлса, Бағдод майдонидаги дор оғочи! Унинг инсонийлик ва лашкарбошлик ғururини таҳқирлаб, сўроқлайдилар. Ота-бобоси оташпараст бўлган кишининг суннат қилинмаганини ҳам халифаликка қарши ҳаракат дея баҳолаб, ҳибсга оладилар. Ҳали ҳануз у ётган ҳибсхона "Ҳайдар ибн Кавус ҳибсхонаси" дея аталар экан. Халифа Муътасим уни ўлдирмоққа қўрқади. Халифанинг таълимоти билан лашкарбошининг кунлик емаги камайтирила бориб, охири кунига бир бурда нонга туширилади. Ниҳоят, Ҳайдар ибн Ковус Афшин икки юз йигирма тўртинчи (841) йилда "Луълуъа" ("Марварид") камоқхонасида очлик азобидан ҳалок бўлади. Жасади Итахрдаги уйига келтирилиб, ўтда куйдирилади ва кулини Фирот дарёсига сепадилар, – дея ҳикоясини нуқталади китобдор.

– Ҳайратланарлиси шундаки, хоқони акрам ҳазратлари, замонлар ўтиб Афшиннинг куни халифа ал-Муътасимнинг авлодлари бошига тушади. Олти юз йигирма тўртинчи (1227) йилда улуғ қоон Чингизхон вафот этади. Қооннинг тўртинчи ўғли Тулуйнинг фарзанди Ҳулогу бобоси ўлимидан чорак аср ўтиб, Эрон, Фаластин ва Сурияни забт этади. Минг икки юз эллик саккизинчи йили у халифалик пойтахти Бағдодни эгаллаб, Аббосийлар сулоласидан бўлмиш халифа ал-Мустаъсимни асир олади ва қатл этади, – китобдор ҳикоясига якун ясади амир Боботурк.

Дастурхонга келтирган мева шарбатидан ичган суҳбатдошлар бир муддат тин олган бўлдилар.

– Бир суҳбатимизда озар қавмининг Қулзум денгизи бўйига келиши ва бу ҳудудларни ватан тутуши ҳақида сўз бошлаб, мавзуимиз ярим қолган эрди. Бу ҳақда қай бирингизда эътиборли билгилар бор? – дея тарихчи ва китобдорга юзланди улуғ амир.

– Дарвоқе, бу хусусда билганларимизни ўзларига сўйламоқ орзусида эдим, – жавоб қилди Тоҳир тарихчи. – Қадим тарих қайдларига кўра бундан икки ярим минг йил бурун Дамашқ шаҳрининг жануби-ғарбида Хазар деган шаҳар бўлган. Муттасил давом этган жангу савашлардан безиб, юрагини олдириб қўйган хазарликлар кўч-кўронини кўтариб, Жазира чўлини кесиб ўтиб, яшамоққа қулай манзил излаб, шимоли-шарқ томонга қараб кетаверадилар. Ва охир-оқибатда Қулзум соҳилига чиқадилар. Ерлик турк қабилалари билан қўшилиб турклашадилар. Кейинчалик араблар босиб келгач, эски юртларидан келган ватандошлари билан яна қонлари қўшилади. Шу тариқа бугунги биз билган озарий турк миллати шаклланади. Улар соҳилида яшайдиган денгизни ҳам Ҳазар деб атай бошлайдилар. Сўнгра қўшни ўлароқ эронийлар билан боғланиб кетадилар.

– Шунинг учун ҳам уларнинг юз қиёфасида араб унсурлари очиқ-ойдин кўринади, – фикрини билдирди амир Боботурк.

Толиққан улуғ Амир олис-олисларга кўзи йўл кўрган боладек тикилганча ўнг қўлини кўтарди.

Мулозимлар саропардa саҳнини тарк этдилар.

Саропарданинг хос бўлмасига ҳорғин ва ўйчан кирган хоқон фикрида айланиб юрган шеърий сатрларни қоғозга тўка бошлади.

*Болам, бир кун қушдай учиб кетарман,*
*Юртим ҳаволарин қучиб кетарман,*
*Дунё ташвишидан қочиб кетарман,*
*Иймон азобидан чўчиб кетарман.*

*Қадарим жомини ичиб кетарман,*
*Мусалло кўпригин кечиб кетарман,*
*Боқий дунё тўнин бичиб кетарман,*
*Сирли тугунларни ечиб кетарман.*

*Ватан ҳасратини сочиб кетарман,*
*Улусим кўзини очиб кетарман,*
*Эл ўзин топмаса, ўчиб кетарман.*
*Юртим тупроғини қучиб ётарман...*



# ИККИНЧИ БОБ

*...Эй қари кўппак, текфурдан ҳам шиддатли кофирсан. Бу ҳийлакор мактубларинг ила бизни қўрқитмоқчимисан? Нима, Усмонли сулаймонларини Ажам подшоҳлари каби кўрдингми? Усмонли аскарларини Қипчоқ татарлари каби шунчаки бир инсонлар деб ўйладингми? Ёки боши бирикмаган ҳинд оломонлари каби санадингми? Усмонли аскари Ироқ ва Хуросон лашкари каби ҳамиятсиз ва паришон ўлмаяжак қадар шарафли, ўнурлидир. Яна сен, Усмонли аскарини Шом ва Ҳалаб (мамлук) аскарларига менгзатдингми?*

*...Бу мактуб эликингга кечдикдан сўнгра, саваш майдонига кимки келмай қочса, унинг хотини уч талоқ бўлсин...*

**Султон Йилдирим Боязиднинг**
**Амир Темурга ёзган сўнгги мактубидан**

*Зулм-ла обод ўланнинг сўнги хайр ўлмас.*
**Ота сўзи**

Султон Йилдирим Боязид энг катта қўшинни қора тоторлар деб аталгувчи қора турклардан кутган эди. Улар истасалар черикни емак-ичмак билан таъминлаш борасида ҳам уни астойдил қўллаб-қувватлашлари мумкин эди. Сивос тоторлари орасида минглаб туя ва бияси бор бой-бадавлат кишилар бўлиб, улар уюр, суруву подаларининг ҳисоб-китобини билмас эдилар. Рум, Қаҳрамон ва Сивос атрофларида қишлик ҳамда ёзлик яйловлари бўлиб, бу ҳудудларга кимса дахл этолмасди. Улар очиқ кўнгилли, самимий, уйига ўғри келса ҳам олдига сутга қатиқ қўйиб қўноқ этадиган тоза одамлар эди.

Улусларига бирон бир фақир, олим, уламо ёки шоиру шуаро келиб қолса бошлари кўкка етгудек суюнишар, у неча кун турса навбатма-навбат чодирларига таклиф этиб, мусофир қилишар, оёғи остига қўй сўйишар эди. Меҳмон кетар чоғида эса эплагани қадар қўй, сигир, юнг, қурут ва юмшоқ тери йиғиб беришар, уларга ёндашган одам дўст бўларди.

Султон Йилдирим Боязид Сивос саҳроси томон юриш олдидан ҳузурига беш нафар ўғли – тўнғичи валиахд Сулаймон, Исо, Мустафо, Муҳаммад ва энг кенжаси Мусоларни чорлади. Олтинчи ўғил – Эртўғрул Чалабий йўқ эди.

– Мен ҳозир, мана шу суҳбатдан сўнг амиру умароларни чақириб, ўз қароримни эълон қиламан. Чўл тулкиси, насли насабининг тайини йўқ оқсоқ Темур деганини бир ёқлик қилмасак, бизни ўз ҳолимизга қўймайдиганга ўхшайди. Сулаймон, сен ўз қўшининг-ла мен билан бирга борасан. Савашда шаҳид кетсам, валиахд ўларок қўшин ва давлатни бошқарасан! Мен ўлимдан қўрқмайман. Агар қазо-ю қадар етса, уни Оллоҳнинг неъмати билиб, ҳақнинг раҳматига қовушажакман! Барчангиз аҳил ва иттифоқ бўлиб, улуғ акангиз Сулаймоннинг сўзидан чиқманг! Мен йўқ эканман, у сизга ота ўрнида отадур!..

Сўзининг шу ерига келганда султоннинг овози бўғилиб, томоғига алланима тиқилгандай бўлди. Ўзини босиб олмоқ учун қисқа фурсат бошини чангаллаганча кўзини юмиб, жимиб қолди. Боиси, у ўғилларининг бесаранжом нигоҳларида бирлик ва иттифоқлик аломатларини кўрмаган, қилич каби беш азамат шаҳзоданинг бошига мудҳиш бир қўрқув соя солиб тургандек эди.

– Айрилганни айиқ ер, бўлинганни бўри ер! – деди султон ўзини босиб олгач, сўлғин овозда. – Биз оғир ишни елкамизга олдик. Бироқ Оллоҳ насиб этса, ёвуз ягийни тупроқларимиздан улоқтириб ташлаймиз! Энди амиру лашкарбошиларни чақир! – деди баланд овозда эшик оғасига.

Ўғиллар оғиз очиб отага бир нима дея олмадилар. Бешовлон бирдек нигоҳи ила ер чизиб қолганди. Ниҳоят, бу



сукунатни валиахд Сулаймон бузди.

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, жоним бабам? Бу лаёқатли инсоннинг қурол-яроғи, ўрдусининг туриш-турмушини кўрган бир авлодингиз ва навкарингиз ўларок бир сўзим бор. Лутфан тингламоғингизни рижо этурмен. Агар изн берсангиз? – деди валиахд ер ила бир бўлиб юкунганча. – Шу пайтга қадар биз сизнинг хоҳиш-иродангиз, амри-фармонингизга эътироз билдирмоқ нари турсин, ҳатто шубҳа ила боқмоқни-да ақлимизнинг бир четига келтирмадик. Сўзимни барча қардошларим тасдиқлаяжаклар.

– Қунуш, қунуша билурсан. Зотан, валиахд ўларок ҳар замон ўз фикрингни сўйламоқ ҳақига соҳибдурсан... Жумладан, қолган шаҳзодалар ҳам, – жавоб қилди султон асабийлашганидан қошу қовоғи учиб.

– Юқорида сўйлаганим каби унинг-ла савашмоқдин узоқ турганимиз маъқул, баба! Недан охир-оқибатини ўйламай бундай қарор берурсиз? Менинг ожиз фикримча, унинг-ла уришиб ҳам, ростакамига савашиб ҳам бўлмас. Биз уларни яхши билмаймиз. Уни шу пайтгача кимсадан енгилмаган дейдилар. Зиённинг нерасидан дўнсак кордир, баба! Ҳамон кеч эмас! Унинг-ла сўғишга кирмайлик! Бирор кор-ҳол юз берса улусимиз, давлатимиз парчаланиб кетади. У ҳудудларимизни эски ягийларимизга бўлиб беради. Отадушман ягийларимиз яна бош кўтариб, бизга ўқталадилар. Бу иш тарихий рақибларимиз бизонслар тегирмонига ҳам сув қуяди. Бу улус манфаатига зиддир! Саваш дарагини эшитган раиятнинг уйқуси ҳаром ўлди демоқдалар.

– Мен Наголида, шу пайтгача ота-боболарим енга олмаган ягийни тиз чўктирган отангман, ўғлим. Ҳамма енга биладиган рақибни енгмоқ бизнинг ишимиз эрмас. Оллоҳнинг дастаги ила биз арабу ажам, жўчию мўғул қарши тура олмаган у саҳройини тупроқларимизга оёқ босганига минг бир пушаймон едирамиз! Ҳаётимда бу кунга қадар кимсадан чекинмадим. Бундан сўнгра-да чекинмаяжакман! Ўқ ёйдан чиқди, авлодим. Энди уни қайтариб бўлмас. Ортга дўнмоққа йўл-да йўқ. Унга қарши савашмоқ мажбуриятидамиз. Биз

эмас, у бизнинг юртимизни оёқ ости қилиб юрибди.

Валиаҳд гап авратдан кетганини, султон одатдагидек қизиққонлик қилиб, оғир тошни ўрнидан қўзғатиб қўйганлигини, энди бу харсангни жойига қайтармоқ амри маҳол эканлигини англаб-англамай отаси қарорига қарши чиқарди.

– У ҳам худди сиз каби Оллоҳ биз билан дея савашга киради. Оллоҳ бугун сизнинг ёнингизда бўлса, эртага унинг ёнида бўлиши мумкин!..

– Сасингни кес! Оллоҳ отидан қўнишма! Ота истаги Оллоҳ иродасидир! Эгасидан туя сўрасанг, бия беради! Умид йўлчилигида шаштимни қайтарма! Усиз ҳам турумим ҳавас қилгулик эмас! Ҳузуримдан чиқа билурсиз!..

Шом туби қоронғи шаҳзода Сулаймон оёғини судраб босиб, сарой ҳовлисига чиқди. Узун-қисқа бўлиб тўрт қардоши ҳам ортидан келарди.

– Недан мени қўлламай сусдиларинг? Эртага ҳолимиз не кечажагига ақлларинг етадими? – Қардошларини сўроққа тутди валиаҳд улар кўзига бир-бир боқиб.

– Қиблагоҳимиз кимсанинг сўзига қулоқ солмай қўйганларига анча бўлди. Не десак бефойда. Ҳалиям сизла тўнғич ўғил ва валиаҳд сифатида юмшоқ қўнишдилар. Биз бирор оғиз сўз сўйласак балким итдан беҳурмат қилармидилар, – жавоб қилди ўртанча қардоши Мустафо қош-қовоғини уйиб.

– Отамиз не десалар, бизни ёмон кўргани учун ёки ёмон бўлсин дея тергамайдилар. Бу каби фикрларни кўнглингдан чиқариб ташла ва орқа-олдингга қараб қўнуш, – укасига танбеҳ берган бўлди валиаҳд.

– Бабамизни ички душманлар, ўзимиздан чиққан сотқинлар йўлдан уриб бўлган. Не десак дейлик, ҳеч бир ҳаракатимиз натижа бермайди. Қайтамга падари бузруквор ила орамизга совуқлик тушгани қолади, – сўзида исрорли эди шаҳзода Мустафо.

– Бу фикрга мен ҳам қўшиламан. Ўзимизникилар ўза-



гимизни узмоқда, – укасини қувватлади иккинчи шаҳзода Исо чуқур нафас олиб. – Улар отамиз атрофида ҳеч бир кимса, жумладан, биз ҳам ўта олмайдиган девор барпо этганлар. Улар ташқи ағийлар ила бирлашиб, Усмонли салтанатини шу девор ичида чиритиб, битирмоқчилар.

– Тўғри! – уни маъқуллади ҳаяжонли оҳангда кенжа шаҳзода Мусо. – Ярим йилдирки пушти камаридан бўлган уз отамни кўролмайман.

Қардошлар бир фикрга келолмай, ҳар бири ўз ўй-хаёли билан бўлиб, хайр-маъзурсиз тарқалишди. Тўртинчи шаҳзода Муҳаммад эса улар мунозарасини эшитмагандек, охиста қадам босиб, қардошларидан узоқлашиб бўлганди.

Сарой ҳовлисида валиаҳд Сулаймоннинг ёлғиз ўзи қолди. Кетишиниям, қайтиб отаси ҳузурига киришиниям билмай серрайганча узоқ турди. У ҳам худди укалари каби отасига таъсир этгувчи, уни чиқиб бўлмас чоҳга элтувчи ғайридавлат кучлар ҳақида ўйлар, ўйлаб ўйига етолмасди.

Султон ҳузурига ўн беш чоғли улуғ бек ва амирлар кирди. Йилдирим Боязид Темурга қарши жиҳод бошлаганини эълон қилди.

– Юртимизда айни зироатлар етишаётган бир замондир. Халқимиз ва унинг ризқ-рўзи саналмиш экин майдонларини пайҳон қилмаслик учун биз ағийни салтанатимиз қудудларидан нарида қарши оламиз. Душманни синдирмоқ учун энг қулай жой айни дамда улар турган Сивос атрофидаги даштлардур. У соғ қолган оёғини муқаддас еримизда бир қадам илгари босолмаяжак! Черикга фармони олийни еткуринг. Боғу роғлар ва экин майдонларини четлаб, ҳеч бир раиямизга зиён-зарар етказмасдан Сивос томон юрсин! Юриш тартибини бузган киши ким бўлмасун қаттиқ жазоланажак! – деди Йилдирим Боязид қатъий оҳангда.

– Султон ҳазратлари, ағий бизни Сивос атрофида кутиб ўтирадими? У мамлакатнинг ичкари қисмига қараб юрса нима бўлади? Қўшинимиз таммузнинг (июль) бу несиғида жуда овора бўлади-ку? – Фикр билдирди қўшин

сардорларидан Бол Фараҳ пошшо.

– Мени Йилдирим Боязид дейдилар. Саҳронинг чулдирашган тоторлари кўрпа-тўшакларни йиғиштириб жўнагунга қадар Сивос остонасига етиб бораман. Ўрнидан жилмасидан ишини битираман. Қолаверса, у ҳали бизнинг ўзига қарши йўлга чиққанимизни билмайди, – жавоб қилди Йилдирим Боязид фармон муҳокама этилмаслигига ишора қилиб.

Сон жиҳатидан Турон ўрдусидан кўп бўлган лашкар Эдирна, Бурса ва Константинополь[1] атрофларини тўлдириб, йўлга чиққан, қўшин олдида учқур отни йўрғалатиб кетаётган султоннинг нигоҳи уфққа қадалган эди.

Каттароқ қишлоқ четидан ўтаётганларида челагини данғиллатганча бир аёл ҳай-ҳайлаб султоннинг қаршисидан чиқди.

– Аскаринг бола-чақамнинг бир кунлик ризқи бўлган сутимни ичиб қўйди. Ким айтади сени фуқаропарвар подшо деб! – дея султонга арз қилди. – Ҳамма подшоҳлар шунақа! Оғзида адолатпеша!

Султон отдан тушиб, чодир тикишни буюрди. Қуёшнинг иссиғида одаму отларнинг тили оғзига тиқилиб қолган, чанқоқлик бутун бошли черикнинг тинкасини қуритиб борарди.

Йилдирим Боязиднинг амрига кўра зудлик билан айбдор навкарни топиб келтирдилар. У султоннинг уруғидан бўлган Қайибек исмли аскар эди.

– Бу аёлнинг сутини ичдингми? – сўради султон важоҳатдан бўғриқиб.

– Йўқ! Ичганим йўқ! – жавоб қилди Қайибек султоннинг қаҳридан чўчиб. – Ичганим йўқ!

Боши қотган султон ўйланиб қолди. Аскар ташналикка чидай олмай, сутни ичган эди.

– Унда гап бундоқ, – деди бир аёлга ва бир аскарга қараб.

[1] Бу пайтда Истанбул забт этилмаган эди. Шаҳар 1453 йили Фотиҳ Султон Меҳмат томонидан фатҳ этилади.



– Бу навкарнинг қорнини ёриб кўриб, унинг рост ёки ёлғон сўзлаганини аниқлаймиз. Агар унинг меъдасидан сут чиқса, сен ҳақсан. Сутнинг қийматини мен бераман. Модомики, у сутни ичмаган бўлса, унда сени унинг аҳволига солиб, барчага намуна қиламан!

– Худо ҳаққи мен ёлғон гапирганим йўқ, у сутни ҳақиқатан ҳам ичди. Бироқ мен унинг гуноҳидан кечаман. Сутимни баҳридан ўтаман, – дея султоннинг оёғига ўзини ташлади аёл. – Азбаройи худо, унинг қорнини ёрманг, ўлиб қолади. Ҳа, шу гапни келиб сенга айтган мени уйгинам куйсин-а! – Айоҳаннос солди хотин.

– Аёлни четга олинг. Мен адолатни жойига қўйиб, жиноятни таҳқиқ этиб, ҳукмни ниҳоясига етказмоғим лозим! Токи бу воқеа барчага намуна бўлсин! – деди Йилдирим Боязид жаллодга аскарнинг қорнини ёришга амр беракан.

Қорнидан сут аралаш қон оқаётган аскарнинг аҳволини барчага намуна қилиб кўрсатдилар.

– Одил подшоҳ Йилдирим Боязид давлатида ўзганинг ҳаққини ноҳақ еган кишининг жазоси мана шу! – дея қичқирар эди тавачилар эл-улус ва қўшин орасида.

Йилдирим Боязиднинг саҳро йўлидан келаётганидан хабар топган Темур бошқа йўл тутди. Соя-салқин ариқчашмаларга сероб манзиллар орқали Қайсария томон юрди. Саратоннинг қоқ ўртасида бошқача тарзда иш тутиб бўлмас эди. У бу тадбири билан Султон Йилдирим Боязид қўшинини тинкасини қуритиб, тутдек тўкажагини режалади.

Султон ишни янглиш бошлади, демак, янглиш тугатажак, кўнглидан кечди хоқоннинг.

Йўлга чиқмоқчи бўлиб турганда тўрт амирини ёнига олиб Фозилбей улуғ Амир ҳузурига ташриф буюрди. Бекнинг совға-саломларининг сероблиги ва ташрифи яхшилик аломати эди. Демак, қора турклар султон қўшинлари сафида Темурга қарши жанг қилмайдилар. Боязиднинг иши тамом. Саваш узоқ давом этмайди.

– Биз сизнинг ёнингизда турмоққа розимиз. Бироқ бу гап ўзаро ўртамизда қолади ва жанг бошланиши билан биз Турон ўрдуси томонга ўтамиз. Бу деганимиз сизнинг сафингизда туриб усмонли турк ўрдусига қарши курашиб, қилич чопамиз деганимиз эмас, – дея мулоҳазали оҳангда сўз бошлади Фозилбей. – Биз сизга қарши ҳам, Боязидга қарши ҳам қилич кўтармаймиз. Қўшинимизнинг сиз томонга ўтишининг ўзиёқ Йилдирим Боязиднинг мағлубияти демак. Унга қарши қурол кўтарсак, бу ишимиз худога ҳам, бандасига ҳам маъқул келмайди. Сабаби, Йилдиримхон бизга кўп яхшиликлар қилган. Туз еб тузлиғимга туфурмоқ бизнинг ахлоқимиз тузугида йўқ, – дея ўз фикрини баён этди улуғ бек. – Биз ҳозирданоқ султонга нисбатан мухолифлик жабҳасида турсак, улар сиз қолиб, бизга ташланади ва ақл бовар қилмас даражада кўп қон тўкилади.

Темур Фозилбейдан бундай чуқур ва мулоҳазали фикр кутмаган эди. Узоқни ўйлаган мушоҳадаси хоқонда унга нисбатан ҳурмат уйғотди.

– Жавобингиз ва тадбирингиз кутганимиздан ҳам ортиқ, авлодим Фозилбей, – деди Темур самимий оҳангда. – Фақат ақлли ва тадбирли одамгина ана шундай йўл тутиши мумкин. Сизга қилган таклифимизни беш-олти йилдирки, Боязидхонга сўйлаймиз, дўстлик елини узатамиз, бироқ бефойда. Мен ҳеч бир замон ул кишимни басиратсиз ҳукмдорлар сафига қўшмадим. Аввал-бошдан иззат-ҳурматини жойига қўйдим. Модомики, бандасининг сўзига қулоқ тутмас экан, Оллоҳнинг айтганини бекаму кўст бажаришига ҳам шубҳамиз бор. Сиз мана шу оддий бир иттифоқ ва сулҳ ила қирқ минг оилали қавмингизни асраб қолдингиз. Усмонли турк биродарларимизнинг сардори ҳам шундай қилса бўлар эди. Бироқ кўзлари ҳақиқатни кўра олмайдиган даражада хиралашиб, ақли ва туйғусини манманлик ғубори босибди. Мен худо берган олтмиш ёшдан ошиб, ул муҳтарам биродаримиздан ҳеч бир кимсадан эшитма-



ган ҳақоратларни эшитдим. Шундан сўнг-да қизишиб, янглишиб оғзидан чиққан эса пушаймон бўлиб, тўғрилар дея кутдим. Икки даъфа элчи юбордим. Натижаси бўлмади. Оллоҳнинг иродаси ила энди унга сабоқ бериб, кўзини очиб қўймоқдан бошқа чорамиз қолмади. Бироқ бизга унинг бир қарич ери ёким мол-мулки керак эрмас. Боиси, бу мулк султонники эмас, мана шу мамлакатда яшаётган диндошларимиз ва миллатдошларимизникидир. Биз сиз билан англашдик ва ҳар нарсани, ҳар замон очиқ, дўстона маслаҳатлашиб иш этамиз, – деди Темур учрашувдан мамнун бўлиб.

Сўнгра бекларнинг елкаларига шоҳона тўнлар ёпиб, ҳар бирига олтин камар ва қилич ҳадя этди. Шарафларига зиёфат тартиб этилди.

Турон ўрдуси ҳеч бир қаршилик ва қийинчиликсиз Усмонли давлатининг қоқ ўртасига кириб борар эди. Йилдирим Боязиднинг ҳолдан тойган урдуси Сивос даштларига етиб келганида Темур қўшини Қайсарида эди. Бу сарсонсаргардонликдан султоннинг фиғони фалакка чиқди. Усмонли черики орқасига қайтиб, қарийб яна шунча масофани босиб ўтиши керак эди. Йилдирим Боязиднинг шом туби қоронғу бўлган, тушкун руҳи атрофидагиларга таъсир этиб, ўрдуда саросима ва бошбошдоқлик кўзга ташланмоқда эди. Ҳар ким ўз кўмачига кул тортиб, бир амаллаб сувли ва серўт ерларга етиб олишга шошилар, тўс-тўполон бошланиб кетган эди.

Усмонли ўрдуси ҳолдан тойиб, Анқаранинг кунчиқиш томонидаги Чуобук водийсига етиб келганида барча бирдек толиққан, аскарларнинг оғир шамширларни сермаб савашмоққа ҳам мадори йўқ эди.

Султон Йилдирим Боязид ўз қароргоҳини Чаталтепа устига қуришга буюрди. Ўғилларига тезлик билан черикларини тартибга келтириб, савашга ҳозирлик кўриш амрини берди.

Темур ўрдуси эса қарши тарафдаги водийга аллақачон етиб келган, ўзига келиб, саваш ҳозирлигини кўриб бўлган

эди. Аскарлар интиқом ва катта ўлжалар иштиёқида от ўйнатиб, машқ қилишарди. Қайралган қиличлар саратон қуёшида кўзни қамаштириб ярқирар, чархланиб тобига келтирилган найзалар олмос каби товланарди. Совутилган отлар сувлиғини чайнаб депсинишар, ҳаёт-мамот онлари яқинлигини ҳис этгандек, қамишқулоқларини диккайтириб безовта кишнашарди.

Ёзи салқин Анқара атрофидаги овалар саваш учун қулай эди. Темур Сивосдан йўлга чиққанидаёқ мўлжали Анқаранинг кунчиқиш томонидаги Чуобук водийси эди.

Қўшин, ери ва иқлими номаълум ўзга юртда, бунинг устига ўзига нисбатан кўпсонли қўшин билан савашмоқда эҳтиёт бўлиб, катта-кичик тадбирларини макаммал олмаса бўлмас эди. Турон қўшинининг лашкаргоҳга бир ҳафта бурун етиб келиб, қўшни жойлаштириб, хандақу пистирмаларни ҳозирлаб бўлганлиги уни яғийни қарши олаётган ерли ўрдуга айлантирган эди. Минглаб чақирим масофани саратон жазирамасида босиб келган Усмонли қўшини ҳолдан тойган, парокандаликка юз тутганди.

Черикнинг жангга тайёргарлигини кузатиб ўтирган Темур ҳамон султон Йилдирим Боязиднинг сулҳ ва иттифоқ таклифи билан элчи юборишидан умидвор эди. Сабаби, бу жанг Тўхтамишхон билан бўлган икки энг катта савашдан кейинги учинчи буюк муҳораба эди. Агар бу жанг юз берса Темур давлати тарихидаги уч буюк саваш ҳам турк ва мўғул қонли ўрдулар ўртасида кечган бўлади. Демак, туркнинг туркдан катта душмани ҳам, дўсти ҳам йўқ. Бу халқ фақат мен дейди. Биз дея олмайди. Доимо биринчи ва бош бўлмоқни истаб, бошига бало орттириб юради.

Бу воқеаларда Темур ўзини юзда-юз ҳақли деб билмасди. Йилдирим Боязиднинг иззат-нафсига у ҳам тегди. Бироқ бу борада у хоқондан ошиб тушди. Султон Аҳмад ва Қора Юсуф борасида султоннинг ҳақ томони бор. "...Уйига паноҳ истаб келган мусофирларни тутиб бериш усмонлилар оила-



сининг меҳмоннавозлик ахлоқига зиддир. Энди сиз бу икки қаноти синган пашша ва ошёнаси вайрон бўлган қушлар учун хотири муборагингизни малул қилманг ва ташвиш чекмангки, биз сизнинг хотирингиз мулоҳазаси учун бу [illegible]сизларга мадад бермағаймиз. Сиз жаноб ҳам шундай арзимас нарсалардан воз кечинг. Агарда муродингиз мўмин-мусулмонларнинг тинчлиги ва ўртада тотувлик бирлан сулҳ тузиш бўлса, Сивосдан қўл тортиб, они бўшатиб берингиз..."

Темур султоннинг мактубидаги ҳақ сўзларни тан олди. Сивос хусусидаги фикри муносабати билан Темур ҳам Йилдирим Боязидга Румга тегишли бўлмаган ҳудудлардан чиқиб кетишини талаб этди. Шунда Усмонли тупроқларига кимса дахл этмаслигини таъкидлади. Сивос эса Византияга қарашли ер бўлиб, Йилдирим Боязид уни салтанати ҳудудига қўшиб олмоқ орзусида эди.

Темур бу тарафларга келиб юрмасдан, унга иттифоқ ва ҳарбий ёрдам таклиф этган фаранг ҳамда византияликлар билан бирга султоннинг ишини Истанбул атрофидаёқ битириб қўя қолар эди. Бироқ бунга виждони ва қони, мусулмонлик иймон-эътиқоди йўл қўймади. Унинг бундай ишга қўл урмоғи мумкин эмас эди.

Темур Йилдирим Боязиддан жавоб кутиб, Авникда турганида ҳузурига устма-уст Византия императори Йуҳаннанинг элчилари ташриф буюрдилар. Таклиф ва ҳадялар кутилгандагидан зиёда эди.

– Ўн санадирки Йилдирим Боязид бизга омонлик бермайди. Мақсади – пойтахтимиз Константинополни олиш ва Византия давлатини битирмоқ. Император ҳазратлари йиллар мобайнида тўлаб келаётган ўлпон ҳам уни қониқтирмай қўйди. Эртадан бошлаб бу бойликлар сизнинг хазинангизга тушажагини император очиқ айтдилар. Сиз билан Боязидга қарши иттифоқ тузмоққа у тайёр. Унга денгиз орқали зарба бермоқ учун сизга йигирмата кема туҳфа этмоқчилар. Трабзон ҳокими ҳам истаган кунингиз сиз томонга ўтади, – элчи

жўшиб императорнинг сўзларини Темурга етказади.

Трабзоннинг биз томон ўтиши муҳим, хаёлидан кечди Те-мурнинг. Боязид Арзинжон ва Малатия ўртасидаги ерлари эгаллаб, Темурнинг Миср ва Шомга борадиган йўлини тўсиб қўйган эди. Қисматни қарангки, Мисрнинг ҳисоб-китобини қиламан деб йўлга чиққан одам биродари Боязид билан ёқалашиб ўтирибди. Темур Кемох қалъасига тегмас эди. Бун-га ҳам Боязиднинг ўзи мажбур қилди. Қалъани мустаҳкамлаб, бу ерда қўшин тўплаб, очиқдан-очиқ Темурга қарши саваш-га ҳозирлик кўра бошлади. Хоқон эса бурни остида содир бўлаётган бу ҳолатга томошабиндай қараб тура олмади.

Темур Византия императори элчисини яхши қабул қилди. Таклифларнинг жуда кулай ва ажойиб эканлигини таъкид-лаб, ўйлаб кўражагини ҳамда қисқа муддатда хабар беража-гини айтди. Элчининг, қолаверса, императорнинг хаёлига ҳар хил фикр келмаслиги, Темурни қўйиб яна Йилдирим Боязид томон оғмаслиги учун таклифга дарҳол йўқ демади.

Қайсарининг турккўнли халқи Темур лашкарини душ-ман ўрнида кўрмади. Қаршилик ҳам кўрсатмади. Шу боис, уларга ҳеч бир зиён-заҳмат етказилмади. Вилоят ва шаҳар ҳокимлари ҳам ўз вазифаларини бажармоқда давом этди-лар. Темурга бу шаҳар ва атрофидаги эски турк қабилалари вакилларининг миллатсеварлиги, ватанпарварлиги ғоят маъқул келди. Улар вилоятимизга бобо юртимиз Турон сул-тони келди дея давомли хоқонни зиёрат этишар, ҳадялар келтиришарди.

Лашкар Анқара томон юраркан, тилчилар Йилдирим Боя-зидхон қўшини ҳам йўл танобини тортиб, шиддат-ла келаётга-нини маълум қилди. Қоровуллар эса Қизилирмоқ сойи бўйида усмонли аскарлари пайдо бўлгани хабарини етказишди.

– Истаганингиз қадар мингликни олиб зудлик ила йўлга чиқинг! – Амр берди Темур амир Шоҳмаликка. – Қоровул чериклари учраса зудлик ила синдирмоқ лозимки, кат-та ғалаба олдидан дебоча бўлсин! Имкон қадар уларни



қуршовга олиб, асир тушурмоқ пайида бўлинг!

Амир Шоҳмаликнинг сара суворийлари бош қароргоҳдан ичкари йўлга чиқиб, ўн яғоч йўл юриб, тонгга яқин рақиб қоровулига дуч келди. Темурий черик кутилмаганда Йил-дирим Боязиднинг олий урдуси устидан чиқиб қолган эди. Икки буюк султон бир-бирига жуда яқин масофада тури-шар, бундан иккиси ҳам бехабар эди. Шоҳмалик черигига кўзи тушган усмонлилар иккиланмасдан ҳужумга ташлан-дилар. Улар сон жиҳатдан кўп эди. Боязид аскарларининг қўли баланд кела бошлади. Бироқ савашни сўнгига қадар етказа олмади. Шоҳмалик минглигини асосий кучлардан ажралиб қолган тилчи черик эканлигини сезишмади. Астой-дил савашаётганлигидан рақибнинг ҳал қилувчи кучи деб ўйладилар ва қўлларида турган ғалабани бериб қўйишди. Султон черики қуршовга тушган эди.

Европани тиз чўктирган Боязидхон билан етти иқлимни титратган Буюк Темур ўртасидаги ҳийла жанги эди бу. Ус-монли султони шошгани ва боши қотганидан Темурнинг Турон тариқасидаги бу ўйинини пайқамади. Турон урдуси ҳужум бошлади дея фикр қилди. Темур лашкари ёпирилиб келса оғир вазиятга тушиб қолишини ўйлаб, Қизилирмоқ суви соҳилидаги қароргоҳини тарк этиб, Қиршаҳар орқали Анқара томон юрди. Амир Шоҳмаликнинг минглиги ғалаба қозонган эди.

– Султон сарой аъёнлари ва етук саркардалари қур-шовида Қизилирмоқ соҳили бўйлаб, Қиршаҳар томон юрди, – деди Шоҳмалик хоқон қароргоҳига етиб келиб бўлиб ўтган жанг тафсилоти ҳақида ҳисобот берар экан. – Бироқ унинг нечун чекинганига ақлимиз етмади. Бир ҳамла би-лан бизни ёнғоқ каби чақиб ташлаши мумкин эди. Жони-миз ёнга қолди, ҳазрат! – Ҳаяжонланиб сўзлар эди амир Шоҳмалик.

– Боязиддек пишиқ саркарда ва султон бу теварак-атрофда йўқ. У бекорга чекинмаган. Бирор бир режа-

си бўлса ажаб эмас. У сувни кўрмаса этик ечмайдиганлар тоифасидан. Орқасидан қай тарзда таъқиб этиб, қандай ҳаракатланажагимизни билмоқ ва бизни ўрганмоқ учун ҳам шундай қилган бўлиши мумкин, – ўз мулоҳазасини сўзларди улуғ Амир. – Менимча, у йўл-йўлакай пистирмалар қўйиб, саваш давомида қўл келадиган қулай жойларни эгаллаб олиш учун шу усулни қўллаган бўлиши мумкин. Қўшинларини тарқатиб юборгандек кўрсатиб, асосий қисмни тўплаб, кутилмаган жойдан зарба берса, ажаб эмас. Шу боис, унинг эркин ҳаракат этмоғига, ҳатто бир зум бўлса-да нафас ростламоғига имкон бермаслигимиз керак. Янглишмасам, у бизни сердарахт, чангалзор майдонларга бошлайди. Бундай ерда, ўзингизга маълумки, отлиқ аскарлар жанг қила олмайди. Пиёдаларга эса қулай. Унинг қўшинининг асосий қисми пиёда жангчилардир. Буни ҳисобга олмоғимиз керак!

– Бироқ бу пиёдалар шунча узоқ масофани босиб ўтгани боис, ҳолдан тойиб, адойи тамом бўлган кўринадилар. Бу аҳволда тузук-қуруқ жанг ҳам қила олмаслар-ов, – фикр билдирди амир Шоҳмалик.

– Ҳар ҳолда улар эски Рум қайсарлари қурдирган, амфитеатр дея аталадиган томошахоналарнинг ўйинчилари эмаслар. Ҳеч қачон душманга бундай кўз билан қараманг. Ярадор илон соғидан кўра хавфлироқдир. Ўлим-қолим даҳшати ҳар қандай одамни жаллоди қотилга айлантиради. Катта-ю кичик савашларда ҳар бир уфоқ-тефак нарсани ҳисобга олмоқ ва диққатли бўлмоқ ижоб этади.

Темур ўзидан узоқроқ турган валиаҳд Муҳаммад Султонни ёнига чақирди.

– Боязидни таъқиб этмоқ керак. Қўшинни ўзингиз бошқарасиз! – буюрди набирасига.

Муҳаммад Султон амирлардан Илёс Хўжа, шайх Али Баҳодир, Сайин Темур ва Ҳусайн Қавчинларни забардаст суворийлар гуруҳларига бош қилиб, султоннинг орқасидан



жўнатди-да, ўзи ҳам тезда етиб боришини таъкидлаб, қайтиб бобоси машварат ўтказаётган саропардага кирди. Улуғ Амир энг яқин кишилари билан жанг режасини пишитган, кўрсатмалар бераётган эди.

– Маълум бўлдиким, рақиб қўшинининг аксари пиёдалар экан. Саваш услубини шунга кўра режашлаштирмоғимиз лозим бўлади. Пиёда аскар савашаётган ёким енгилаётган ўз шерикларига тезда кўмакка етиб бора олмайди. Демак, бу гурумда душманни бўлак-бўлак, бир-биридан айри ҳолда жойини солмоқ усулини қўллаймиз.

– Анқурия атрофидаги барча шаҳар ва қишлоқларни фатҳ этиб, ягийга ҳар қандай турдаги ёрдам келишининг йўлини ҳам тўсмоқ шарт, – фикр билдирди амир Бурундуқ.

– Жуда маъқул таклиф. Бу нарса султон раиятининг руҳий ҳолатини биз томон ағдармоқ учун ҳам муҳимдир. Халққа кучли, ўзини ҳимоя этадиган подшоҳ керак. Биз усмонли туркларида ўзимизга нисбатан душманлик туйғусини кўрмаётибмиз. Халқ ўз подшоҳи тезоблик қилиб, жаҳл отига янглиш минганлигини сезиб турибди-ю, дами ичида. Йилдирим Боязид енгилгандан кейин кўрасиз томошани, – амир Бурундуқнинг таклифини маъқуллади улуғ хоқон.

– Беш нафар шаҳзода ўғиллари ҳам аҳил эмасга ўхшайди, ҳазрат, – суҳбатга қўшилди Шоҳмалик. – Ҳар бири ўз-ўзича отасининг тахтини пойлаб ўтиришибди, чоғи. Бу ҳам бизга қўл келади.

– Биз Йилдирим Боязидга сабоқ бермоқчимиз ва ўйламай сўйлагани учун жазоламоқчимиз. Унинг ҳам, ўғилларининг ҳам сочидан бир тукини тўкмаймиз. Бу сўзларимни барчангиз қулоғингизга қуйиб олинг. Нафақат Султон ва султонзодалар, уларнинг буюк амирлари, ҳатто мингбоши ва юзбошиларини ҳам ўлдирманг. Уларда гуноҳ йўқ. Барча қабоҳат Султон Йилдирим Боязиддадир. Агар кимда ким бу фармонга амал қилмаса, боши кетади. Суворию пиёдага буни аниқ-тиниқ англатинг!

Хоқоннинг кайфияти жойида эди. Қўмондонлари ва черикнинг ғалабага бўлган ишончи юзларида акс этарди. Бундан қувват олган Темур чертиб-чертиб сўзлар, қатъий кўрсатмалар берарди.

– Айни дамдаги вазифа шундан иборат. Икки-уч минг чоғли қўшинни ўғрук билан бирга шу ерда қолдирамиз. Захирадаги от-улов ҳам қолади. Боиси, бул ер чорва учун қулай бир манзил экан. Бу ҳаракатимизни кўрган рақиб чалғийди. У бизни қўрқиб, ўз жойида туриб қолди дея ўйласин. Бошқа бўлинмаларимиз эса қулай пистирмаларга жойлашиб, янги хабар ва фармонни кутадилар. Рақиб бизни суворийлар учун қулай бўлмаган оғочли жангалларга бошлаётганини ҳисобга олиб, Қизилирмоқ соҳили бўйлаб юриб, унинг орқа томонига ўтиб оламиз. У томон текис майсазорлардан иборат экан. Ҳал қилувчи зарбани ўша тарафдан берсак бўлади.

Бутун бошли қўшин гўёки жойидан жилмагандек одатдаги ҳаёт давом этар, ўғруқ ва от-уловлар бошида амирзода Султон Ҳусайн икки минглик черига билан вазиятни назорат этарди.

Хоқон бошқарган асосий кучлар эса тонг қоронғусида Қизилирмоқнинг сўл соҳили бўйлаб юрди ва уч марҳала йўл юриб, Анқарани узоқдан айланиб ўтди.

Йилдирим Боязид лашкари ўзи билмаган ҳолатда деярли қуршовга олинган эди.

Султон Анқара қалъаси ҳимоясини амир Ёқуббейга топширганди. Саркарда Сайин Темур қалъани забт этишга рухсат сўраганда Темур яна бир тадбир ишлатмоқни таклиф этди.

– Шуни унутмангки, Сайинбек, урушнинг тақдири Анқара қалъасида эмас, икки асосий куч тўқнашадиган водийда ҳал бўлади. Амир Ёқуббей қалъани ҳимоя қилиб ётаверсин. Шу тахлитда султонига ёрдам ҳам бера олмайди. Боязиднинг иши ҳал бўлгач, қалъадан чиқиб келиб совға-саломларини тақдим этиб, тавба-тазаррусини қилаверади. Кичик бир черик билан уни банд қилиб, асосий кучни Боя-



зиднинг ўзи бош бўлиб турган лашкар томон йўналтирмоқламиздур, – дея йўл-йўриқ кўрсатди улуғ Амир лашкарбошиларига. – Бироқ бу, ҳаракатсиз ўтиринг, деганим эмасдур. Анқара қалъаси олиниши ва унинг энг юксак буржига Турон салтанатининг осмонранг байроғи тикилиши шарт!

Хоқон сўзини тугатиб, оти жиловини Анқаранинг кунчиқиш томонига қараб бурди. Темур қўшинлари Чуобук овасининг шимоли-шарқ тарафини, Йилдирим Боязид қўшинлари эса жанубий-ғарб томонини эгаллай бошлаган, катта жангнинг худди мана шу ер – Чуобук водийсида юз бериши ойдинлашаётган эди.

Кун иссиқ, юрмоқ, бунинг устига жанг қилмоқ бу куннинг азоби эди. Бундай ҳаёт-мамот савашларида ҳеч бир нарсани эътибордан қочириб бўлмас, ҳар бир ишнинг, ўйланмаган хатти-ҳаракат, янглиш қарор панд берар, қимматга тушар эди. Соҳибқирон устига мерганлар учун махсус мослама ўрнатилган филлар, замбараклар ўрнатилган араваларни судрайдиган хачирлар, ўғруқнинг юк ашёлари юкланган туялар, оғир вазиятлар учун эҳтиёт захираси сифатида сақланадиган асл отлар, барча-барчасини бирма-бир юриб, ўз кўзи билан кўриб чиқди. Аскарлар орасида "Йилдирим Боязиднинг қўшини сонини Худодан бўлак кимса билмас экан, булар ўз ерида муқим турибдилар. Биз эса узоқ йўлдан ҳориб келганмиз", дея саросима уйғотувчиларнинг бошлиқларини ёнига чақириб, тузлади.

– Бул каби номаъқулчиликларга чек қўйилмас экан, лашкар кўз ўнгида барчангни тириклайин терингни шилдираман! – деди икки юзбошини топдириб келтириб. – Буюк муҳорабаларда қурол ёки аскар сони эмас, руҳ енгади. Кимки ўзининг ҳақлигига ишонса, Оллоҳ олдида ҳақ бўлса, ўша музаффардир!

Лашкарга Чуобук овасининг кун ботиш тарафида сафланишга амр берган хоқон черик қаторларини диққат билан кўздан кечирганча, водий кафтдек кўзга ташланиб турадиган баландлик томон от қўйиб борарди. Бу тепадан ҳатто

Анкара қалъасининг ҳовлиси ҳам кўзга ташланиб турарди. Улуғ амирлар, байроқдор, мулозим ва хизматкорлар, хос қўрима бўлинмаси ҳам улуғ Амир ортидан чаққон кетиб борар, барчанинг диққат-эътибори Чобук водийсининг кунчиқиш томонида эди.

Султоннинг хабарчилари Темур қўшинлари ҳаракати ҳақидаги маълумотни кечга яқин Йилдирим Боязидга етказиб борган эдилар. Чаталтепага қароргоҳ қуриб, ўрнашган Боязидхоннинг бу хабардан фиғони фалакка чиқди. Ер тепиниб амиру лашкарбошиларига зуғум қила бошлади.

– Еганларинг заҳар, кийганларинг кафан бўлсин сен нонкўрларнинг! Саваш бошланмасдан туриб яғий бизни ўраб олган бўлса-ю, буни кимса билмаса. Бутун бошли ўрду душманнинг қоровул қисмларидан енгилиб, қочиб юрса-ю, бу ҳақда ҳам ҳеч бир хабар ололмасак! Қани ана у эшакдан тарқаган хабарчилар бошлиғи Усмон Човуш! Падарингга лаънат сен ҳайвоннинг!

Йилдирим Боязид қаршисида турган Усмон Човушни қоқ пешонасига қамчи билан туширди. У қирқилган теракдек ҳушидан кетиб ағдарилгач, кўли толиққанча қамчилади.

У аччиғи чиққанда ҳеч кимни аямас эди. Вазирми, хазиначими, саркардами дўппослаб кетаверарди. Бироқ уларни ишдан ҳайдаб, хору зор қилмас эди. Калтак еганида ёки сўкканида урганингиз ун оши, сўкканингиз сўк оши дея овоз чиқармаганларни садоқатли одамлар деб билар, бироқ барибир унинг ичида дўст эмаслигини ҳис қилиб, яра битар-битмас думини тугарди.

Йилдирим Боязидни ташвишга солган нарса, яғий қўшинлари қаршисига ўз черигини олиб ўтиш ва сафга тизиш эди. Узоқ йўл юриб чарчаган лашкарни қисқа муддатда тўплаб, сафга тизиш амримаҳол. Темур жангчилари саваш олдидан кечаси дам олган бўлса, қарши тараф тун бўйи мижжа қоқмай, ясол майдонини эгаллаши лозим эди. Демак, аскарлар бир намоз ораси бўлса-да дам ололмайдилар.



...ираси ер искамай савашга киришга мажбурлар.

...емонли қўшинлари бир-бирига қоришиб, қай шаклда ...афланмоқ учун у ёқдан бу ёққа югуришаркан, Темур ...анга ҳозирликнинг сўнгги тадбири – лашкарни тартибга ...елтирмоқни бошлаганди.

Улуғ Амир бу кеча узоқ ибодат қилди. Қуръон суралари... такрор ўқигани сари вужуди, руҳи ва виждони ором топар, қалбида сўз ила ифодалаб бўлмас илоҳий ҳис-туйғулар ...унбушга келар эди.

– Эй парвардигори олам! – дея сўнг ният қилди Темур. Шу муддат ичида мен қанчаки фатҳу зафарга эришган бўлсам, фақат сенинг қазо ва қадаринг ҳукми ва ёрдами ила эришдим! Агар шундай бўлмаса менинг қўлимдан нима келарди! Ҳозир ҳам сенинг лутфу марҳаматингга кўз тутаман! Ва сенинг тўлиқ кароматингдан нусрат ва мукофот кутаман! Дўсту душман олдида юзимни ёруғ, ризқу рўзимни улуғ эт! Ҳеч қачон сенинг хоҳиш-иродангга қарши бормадим! Илтижо қилаётганим дақиқагача қадар рақиб учун сенга ...нг маъқул иш – сулҳ ва иттифоқ эшигини очиб қўйдим! ...у ёруғ оламда сенинг истаганингдан ўзгаси бўлмағай. Даргоҳинг кенг! Қилган гуноҳларимни ўзинг кечир! Меҳру шафқатингни дариғ тутма! Фатҳу зафар ато эт бизга! Омин, Оллоҳу акбар!

У жойномоздан бош кўтарганида руҳи тетик, вужудида илоҳий бир қувват жўш урар, қалби ғалабага ишонч ҳиссига ...ммо-лим эди. Ундаги бу кайфият секин-аста амирзодалар, ...еклар, лашкарбошилар, улардан аскарларга ўта бошлаган, ...аваш тақдири мана шу дақиқаларда ҳал бўлаётган эди.

– Лашкарнинг қўл қисмида биз бўламиз, – деди Темур от ...стида туриб қилаётган кенгашида. Йўл-йўлакай, от устида қилинадиган бундай тўплантилар чанғи деб аталар эди.

Майманада амирзодалар Мироншоҳ, Муҳаммад Султон, Пирмуҳаммад, улуғ амирлардан Шайх Нуриддин, Али Султон, Али Қавчин, амир Мубашшир ва Таҳуртанбеклар ўз

қўшинлари билан турадилар. Майсарани Амирзода Шоҳрух Баҳодур, Халил Султон, Амирзода Рустам, Султон Ҳусайн, амирлар Шоҳмалик, шайх Иброҳим Ширвоншоҳ, Қора Ус-мон Туркман, Сулаймоншоҳ, амир Бурундук, Севинчак Баҳодур, Давлат Темур, амир Бастарий ва амир Мусолар эгаллайдилар.

Вазифа олган амирзода ва беклар отларини ниқтаб, тўпдан ажралиб, алоҳида гуруҳга бирлашдилар. Вазифа ол-маганлар эса Темур атрофида тўпланиб турар эди.

– Амирлар Эсонбуға, Тош Темур Ўғлон, Саройбек, Шаҳсувор, Жалолбек, Тобтўқбек, Ҳожи Бобо, Юсуф, Ис-кандар Ҳинду Буға, Ҳожа Али, Давлат Темур Қипчоқ, Қўноқхон Қоратурк, Шамсиддин Алмалиғий, амирзода Аҳмад Умаршайх, Арғунбек Малик, Қора Аҳмад, Ҳарий Малик, Пирмуҳаммад Шингум, Баҳоуддин, Саройхожа, Идрис Қавчин, Бек Вали Элчикдай, Жатмоқ, Давлатхо-жа, Элчи Буға, Абдуллоҳ, Сўфи Халил, Муҳаммад Тава-чи, Эсин Темур, шайх Муҳаммад Қарамон, Султон Санжар Ҳожи Сайфуддин ўғли, Ҳусайнбек, Ҳасан, Умарбек, Некрўз Жоникурбоний, Жаҳоншоҳ, Бердибек Қавчин, Аҳмадий, Ажабшер, Маҳмуд, Баҳлул ва амир Зийрак Жаку Барлос ўғли қўлнинг ўнг қўл қисмидан жой олсунлар! Бул саркар-даларнинг жойлашуви рўйхатга кўра марказдан шу тар-тибда узоқликда жойлашадилар, – ўнг қўли билан номла-ри қайд этилган амиру саркардаларни ўнг томонга ўтишга ишора қилди бош қўмондон.

Улар улуғ Амирнинг ўнг тарафига ўтиб, сафландилар.

– Вазифангиз аниқдир. Уруш барчангизга маълум тар-тибда, яъни қирқ минг отлиқдан иборат сипоҳ фавжла-рини жанг олиб бориш услубида бўлади. Демак, қўлнинг жавонғар қисми учун кимлар қолди? – дея қаршисида саф-лари сийраклашган амиру умароларига боқди хоқон. – Сиз-лар қўлнинг чап қисмини эгаллайсиз!

Булар Турон ўрдусининг шавкатли саркардалари Шоҳ



Турон Сеистоний, Жалол Ислом, Тўкал Барлос, Хожа Али, Юсуф Апардий ўғли, Шоҳ Вали, Маҳмуд, шайх Ҳасан, Амирак, Малик, Поянда Бахши, Луқмон Зард, Султон Бар-лос Абдулкарим, Ҳожи Сайфиддин, Одил Қутбиддин, Са-лим, Жонибек, Ёдгорбек, Тангрибермиш, Муҳаммад Ха-лил, Жунайд, Жаҳон Мулк Милкат, Тўплақ Қавчин, Илёс ва Арслон Кўппакхоний, Юсуф Барлос, Асилбек Аббос, Усмон тавачи, Искандар Шайхий, Шоҳишоҳон Сеистоний, Иброҳим Қуммийлар эди.

Бу инсонлар бўлажак Анқара савашининг тақдирини ҳал қилган саркардалар эдилар. Уларнинг аксари Темур-нинг дўст ва сафдошларининг ўғиллари бўлиб, хоқон улар-га отақадрдон эди. Дўст сотиши мумкин, бироқ отақадрдон инсон сотмайди, дер эди улуғ Амир ўғли каби кўриб улар-ни. Лашкарнинг қалб ва қанот қисмлари шу тарзда тартибга келтирилиб, жангга шай ҳолда турар, қирқта минглик эса Турон султони байроғи ва туғи остида захирада эди.

– Айни дамда рақиб қаршилик кўрсатмоққа ҳозир эмас. Шу топда таппа боссак-чи? – дея ўз фикрини билдирди Шайх Нуриддин хоқонга.

– Майли, биродарларимиз оёқ-қўлларини йиғиштириб олишсин. Бу алғов-далғовда бизнинг лашкар ҳам чалкашиб кетиши мумкин. Яғий тўпланиб, бир томонга ўтсин. Сону-ногини чамалаб кўрайлик. Не тадбир қўлламоқни сўнгра айтаман, – жавоб қилди бош қўмондон.

Турон ўрдусидаги суворийлар қирқ мингдан ортганидаги уриш усули ўн ёки йигирма мингли суворийлардан ташкил топган лашкарга нисбатан фарқ қиларди. Бу қирқ фавжнинг бошида қирқ нафар сипоҳий амири турар, уларнинг ҳар бири бош қўмондон Темурнинг ёрлиғи етиб бормагунга қадар жангга кирмас эди.

Дастлаб ҳировулнинг ҳировули жангга кирарди. Олти фавжлик ҳировулнинг амири ўз фавжларини бирин-кетин жангга солардилар. Шу тариқа ғаним устига кетма-кет олти

зарба тушгач, уларнинг сафлари бузилиб, кучи синдириларди. Айнан шу пайтда ўнг қўл чоповул амири ўзининг олти фавжини бирин-кетин кўмакка юбориб, орқасидан ўзи ҳам ҳужумга ўтарди. Бундан сўнг шиқовул амири олти сипоҳий фавжини олдинда турган фавжларга ёрдамга юборар ва орқадан ўзи ҳам етиб борарди. Шу тариқа ўн саккиз бор зарба берилган душман чекинишга мажбур бўларди.

Курко, карнай, бурғу ва ноғоралар садоси борликни тутган талотўпда саваш бошланиб кетди. Дастлаб Абу Бакр Мирзонинг камончилари ҳужумга ўтди. Ёй-ўқларининг қалинлиги бир неча муддат осмонни тўсиб қўйди. Жангчи филлар ўкириб ўз ўрниларидан қўзғалдилар. Филлар устига ўрнашиб олган мерганлар ёғий томон териб ўқ отарди. Сўнгра валиаҳд Муҳаммад Султоннинг суворийлари қуюн каби ғаним устига ташланди. Чап қўлдан амирзода Шоҳрух ва Халил Султон бошлиқ амирзода ва бекларнинг дастлабки мингликлари жанг майдонига кирдилар. Ўнг тарафдан эса амирзодалар Мироншоҳ ва Пирмуҳаммаднинг қул қисми от сурди.

Одамларнинг ўлим талвасасидаги даҳшатли ҳайқириқлари, отларнинг бўғзи йиртилгудек кишнашлари, қилич ва қалқонларнинг тарақ-таруқи самони тўлдирган, қиёмат қойим бошланган эди.

Султонининг тажанглигидан толиққан, йўл-йўлакай кунда бир марта овқатланиб, Қизилирмоқ бўйига аранг етиб келган усмонли ўрдуси ҳам яшин тезлигида сафга тизилиб, саваш ҳозирлигини кўра бошлади. Йилдирим Боязид ҳам аскар каби кунда бир маротаба емак еб, висол рўзасини тутиб келган эди. У ҳам лашкарбоши ўларок Темур каби тўқ този овга ярамайди деган нақлга амал қиларди.

Чубук овасига тўпланган лашкарини Чаталтепадан туриб кузатган ва режани пишитган Йилдирим Боязид қўшинида тоторлар каби четоғлар, яъни номунтазам, савашдан олдин халқ ичидан йиғиладиган аскарлар кўп эди. Темур урдусида бундай тасодифий қўшин йўқ ҳисоб эди. Турон қўшинининг юзда саксони аскарликни касб этганлардан ташкил топган эди.



Йилдирим Боязид қайниси, собиқ серб қироли Лазарнинг ўғли Степан Лазаревичнинг танаси бошдан-оёқ темир совут билан қопланган йигирма минглик рицари билан четоғлар[1]ни қўшиннинг ўнг қўл, яъни майманага қўйди. Тўнғич ўғли амир Сулаймонни доимий қўшинга амир этиб тайинлаб, сўл қўлни эгаллашни, ўзи марказда туриб, Мусо, Исо ва Мустафоларни орқа томонида туришга буюрди. Темуртош, Аҳмад Тоҳир, Фараҳ пошшо, Али пошшо, Абди Бек, Ферузбек, Исобек, Ҳасан пошшо, Халилбек, Қоража, Эрюнус, Яъқуббек, Юсуфбек, Элдортон, Тангрибермиш, Балбон, Довурболи, Шоҳинбек, Элдигиз ўғли, Муҳаммадий, Муқбил ва Тодшочук каби саркардаларини жанг режаси бўйича жой-жойларини олишга амр этди. Султон лашкарининг уч-қуйруғи кўринмас, денгиз каби чайқаларди.

Бу икки буюк денгиз жаҳаннам саҳросида учрашмоққа аҳд қилган, бир-бирини қашқир каби ғажиб ташлашга тайёр турарди. Ўз одамларига бетиним бақириб-чақириб, кўрсатма бераётган Йилдирим Боязид қисқа фурсатли танаффусларда ич-ичдан нола қилар эди.

Бу ёвуз босқинчининг додини бермоққа кўмак эт, Тангрим! Кўриб турибсан! Бизнинг кимса олдида гуноҳимиз йўқ. Темурни танибманки, сенинг ҳақ дининг йўлида ғазот қиламан! У бизнинг юртимизга босиб кириб, кофир журъат этмаган ишларни қилмоқда! Бундай разил мусулмонлардан ўзинг сақла! Улар жазосини ўзинг бер! Бу жаҳон мулкининг ёлғиз султони сенсан! Биз барчамиз сенинг садоқатли қулларингмиз! Юзимни ерга қаратма, Оллоҳим! Ё Раббил оламин!

Султоннинг кўзларидан ёш қуйилди. Кўз ёшини артиб, хўрсиниқли нафас олди. Нечундир рўёлари безовта. Уйқусида ҳаловат йўқ. Охири хайрли бўлсин. Энг

[1] *Четоғлар* – усмонли қўшинининг мусулмон бўлмаган аскарлари.

даҳшатлиси, у енгиладиган бўлса, жанг майдонини ташлаб ҳам кета олмайди. Аёл зотини орага солиб, қасам ичган. Фақат енгиши керак. Бўлмаса мана шу Чубук овасида жон таслим этмоққа тўғри келади. Айтилган сўз – отилган ўқ. Агар бу ўқ Темурга тегмаса, қайтиб келиб ўзига санчилади. Эй, воҳ! Бундан даҳшатли шармандалик борми бу дунёда! У шу хаёлда чап қўлидаги кўзига заҳар солинган узугини ўнг бармоқлари билан ушлаб қўйди.

Султон учқур араб отининг жиловини силкиганча ғўлдаги ҳали савашга кирмаган янги мингликларни олиб, олти фавж черик билан турган валиаҳд устига ташланди. Бу ҳолатни кузатиб Темурнинг хаёли қочди. Султон черик ги Муҳаммад Султон қўшинини суриб ташлаб, тепаликни эгаллади. Бу вазият ўрдунинг баронғорини хавф остига қўйган эди. Чекинишни хаёл қилиб турган усмонли ўрдуси бундан руҳланиб, ҳужумга ўтди.

Темур васвасага тушмасдан, совуққонлик-ла эски, синалган услубда жангни давом эттирмоқни буюрди.

– Ҳазрат! Сиз бир нарсага эҳтиёт бўлинг! Ўзингиз жангга кирмангу, Йилдирим Боязид ҳаракатини кузатиб туринг, – деди Темур ёнида турган хон Султон Маҳмудхонга. – Қочиши мумкин. Уни тутиб олсак бас. Саваш тугайди. Боиси, усмонли урдусида ундан бошқа ҳеч ким биз билан савашмоқни истамайди.

Султон Маҳмудхон бош иrғаб улуғ амир сўзини маъқуллади.

Отасини шармандали мағлубият кутаётганини сезиб, ичдан эзилиб юрган, валиаҳд Сулаймон қора татар бирликлари савашмасдан яғий тарафга ўтаётганини кўргач, тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди. Ўй босган, карахт аҳволда оти жиловини тортди.

Отаси эса илгарилаб кетган эди. Ўйламай-нетмай, отасини даҳшатли яғийнинг қоқ ўртасида қолдириб, оти жиловини шартта Бурса томон бурди. Одамлари ва навкарлари ҳам



унга эргашди. У тезроқ Бурсага етиб бориб, отаси саройидаги хазинани, бор мол-дунёни, ашёларни, сўнгра хотинлари ва бола-чақани Мармара денгизидаги ороллардан бирига олиб ўтиб яшириш режасини ўйлаб, пишитиб борарди.

Татарларнинг хиёнатини эшитган Йилдирим Боязид тиззасига муштлади.

– Отам раҳматли айтар эди-я, бу халққа ишонмагин деб! – деди хабарни етказган амир Темуртошга. – Мендан узоқлашма, Темуртош! Шаҳид бўлсам олиб чиқиб бирор тупроқ жойга кўмарсан! Кўзимга тупроқ тўлмаслиги учун юзимни ўрасанг бас! – деди йиғига ўхшаган ғалати овозда. – Қўшинимда илону чаёнларни асраб юрган эканман! Эсиз умр! Эсиз одамгарчилик! Эссиз салтанат! Лаънатлар бўлсин ҳаммасига!

Шундай дея у ёнидаги навкарлар билан тўпланиб турган уч чоғли яғий суворийси томон ташланди. Жанг бир лаҳза ҳам сусаймас, усмонли қўшинида тартибсизлик ва бошбошдоқлик бўй кўрсатаётгандек эди.

Турон ўрдусидаги баронғор, жавонғор ва ҳировулларнинг жангга кириш навбати етиб келган, ўнг ва сўл қанотдан бўлаётган қақшатқич ҳужумга рақиб чидаш бериб турарди. Баронғор ва жавонғорнинг сипоҳий фавжлари кетма-кет ёв устига ташланди. Улар ортидан баронғор ва жавонғор амирлари ўз хос чериклари билан жангга кирдилар. Душманни тезроқ синдириш учун баронғор тарҳида бўлган амирзодалар ва хоқоннинг жавонғор тарҳидаги қариндош-уруғлари қўшинлари ҳам ғанимга ташландилар. Тузук бўйича шу тадбирдан кейин яғий синмаса, бу ҳолатда қўлнинг сараланган фавжлари ва баҳодирлари, қўл фавжлари ортида саф тортиб турган улусларнинг лашкари бирданига душман устига юрарди. Булар ортидан эса хон Султон Маҳмудхон қўшини савашга кирарди.

Чубуқ водийсидаги жанг Темурнинг режаси бўйича борарди. Темур ўғли Мироншоҳнинг ўнг қанотини Йилди-

рим Боязиднинг чап қаноти қаршиси ва ёнидан жангга киришни буюрди. Султон Маҳмудхон, амирзодалар ва амир Сулаймонга ёрлиғ юбориб, Боязиднинг ўнг қанотига ҳужум қилишни юклади. Ўнг қанотнинг тархи бўлган амирзода Абу Бакрга эса тепалик устида турган Йилдирим Боязиднинг кўл фавжига турктоз қилиш буюрилди. Темурнинг ўзи эса кўл фавжлари, улус ва аймоқ лашкарлари билан тўппа-тўғри Боязиднинг устига қараб юрди. Усмонли сафлари биринчи ҳамладаёқ шамол учирган хас-хашакдек тўзғий бошлади.

Кечқурунги ғира-ширада кутилмаганда Султон Йилдирим Боязид кўздан ғойиб бўлди. У лашкарбошлари билан савлат тўкиб турган Чаталтепада зоғ кўринмас, водийдан кўтарилган чанг-тўзон кунчиқишдаги дов-дарахтсиз ўркачли тоғлар томон оҳиста сузарди.

Усмонли султони ва унинг черигини таъқиб этиши лозим бўлган Султон Маҳмудхон ҳам кўзга чалинмас эди. Демак, улар бирор ўру сойда савашаётган бўлсалар керак, хаёлидан кечди Темурнинг. У эртароқ кўчганида қутулиб кетиши мумкин эди. Энди иложи йўқ! Турон ўрдуси Анқара ва Чубук овасини ўраб олган. Фақат каттароқ бўлинмалар катта талофат билан бу қуршовни ёриб ўтиб кетиши мумкин. Ҳар ҳолда султоннинг салтанат шами ёниб-битган кўринадур!

Турон ўрдусининг урҳо-уридан ақли шошган Йилдирим Боязид жойида тураверса, ҳадемай рақиб қўлига тушишини англади. Ичида қочмоқ фикри бўлса-да, буни атрофидагиларга сездирмай, оти жиловини сой томон бурди. Барча бирдек унга эргашди. Савашни бевосита йўналтириб туриши керак бўлган ўғли Сулаймондан дарак йўқ, чериклар ўртасидаги тезкор алоқа узилган эди. Ишқилиб тахт вориси бўлган бош фарзандига зиён-заҳмат етмаган бўлсин.

Ним қоронғуда ит эгасини танимас, қишлоқ аҳлининг бақир-чақирига аскарларни тўс-тўполони қўшилиб, қиёмат қойим қўпгандек эди. Султон қўшин устидан раҳбарлик нари турсин, назоратни ҳам йўқотганди. Саваш бой берилганини сезиб турса-да, бунга ич-ичдан ишонмас, шу пайтгача



бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган эди.

Мана Султон Йилдирим Боязид! Омаду, фатҳу зафарнинг ундан юз ўгиргани! Ўрнинг орқаси тегирмон тошини юргизибди деганлари шу экан-да? Во дариғ!

Бошини айланиб, саросимага тушган султон бор овоз-ла, қаҳр-ғазаб билан ўғиллари отини атаб чақира бошлади.

– Сулаймон! Мустафо! Мусо! Муҳаммад! – Кимсадан садо келмагач, лашкарбошиларини чорлаб бақира бошлади.

– Темуртош! Аҳмад! Фароҳ! Али!

Султоннинг саси Чубук овасининг қоронғи ўнгирларида, айюҳаннос солганча оти бошини дуч келган томон қўйиб қочаётган суворийлар ғала-ғовурига қўшилиб сингиб кетар, уни ўраб бораётган черик чамбараги эса сийраклашиб борган эди. Ярадор отлар ва одамларнинг ўлим талвасасидаги бақириқ-чақириғи барча катта-кичик овозларни босиб, момақалдироқ каби беўхшов гулдирарди.

От устида беҳол ўтирган султоннинг хаёли тамоман қочган, юраги сиқилиб, кўз ўнги қоронғилашиб борарди. Кучини яна жамлаб, савашга солмоқ мушкуллигини англаб турган бўлса-да, айни шу дамда қандай қарор қабул қилмоқ ҳақида ўйлар эди. Ўзини ўраб турган беш юз чоғли лашкар билан қаерга ҳам боради? Енгилганидан хабар топса, қиличини қайраб юрган бир душмани ўн бўлади. Сулаймон қаерда қолди экан? Мусо билан Мустафо ёнида эди. Уларга нима бўлди? Нега бир ортасидан дарак йўқ? Чериклардан ғизиллашиб келиб турган чопарлар қайда қолди? Ер ютдими уларни? Амиру лашкарбошилар қаерда?

Султоннинг хаёли бир тўхтамга келмай, қаршисида яхши қуролланган, ҳали савашга кирмаган, сараланган душман суворийлари тўдасини кўрди.

– Атрофини ўра! Зоғ ҳам чиқиб кетмасин! Бу ўша Султон Боязид дегани! – Ҳайқирди турон лаҳжасида лашкарбошилардан бири.

Бу орада қаршисида араб тулпорида шоҳона совут ва

дубулға кийган мўғулбашара киши пайдо бўлди.

Тош қотгандек уларга тикилиб қолган Султон кўлга тушган эди. Бу воқеага ҳеч ким ишонмас, ҳамма ҳайрат ва ҳайронликда бир-бирига боқар, ғолиб лашкар сафларида қувонч ҳайқириқлари қулоққа чалинарди.

– Сиз Султон Йилдирим Боязидмисиз? – дея сўради шоҳона кийинган саркарда туркистон туркчасида.

Султон зўрға бошини ирғади.

– Мен хон Султон Маҳмудхонман! Султон ҳазратларига азият бермасдан, барча қурол-аслаҳаларини олиб, отдан туширинг ва аравага ўтқазинг! – Навкарларига буюрди хон. – Савашнинг таомили, биздан хафа бўлмайсиз, султон ҳазратлари! – деб қўйди бу кутилмаган воқеага ўзи ҳам ишонқирамай.

Султон сукутда эди. Тилига калима келмас, унинг учун бу ёруғ дунё кўз очиб-юмгунча жаҳаннамга айланган, мулку давлат чироғи ўчган эди. Туш каби содир бўлган бу фалокатнинг оёғи остидан қандай чиққанига ҳамон идроки бовар қилмас, ақли шошганидан заҳар солинган узук ҳам эсидан чиққан эди. Шундай бўлар экан, бахтсизлик ва омадсизлик инсонга қаршисидаги тоғни ҳам кўрсатмай қўяр экан! Умид ўрга, ноумидлик гўрга тортади дегани шу экан! У ўлимни ўйлаган эди. Зотан, ўлимни ўйламаган мусулмон эмас. Бироқ бундай шармандаларча асирга тушмоқни етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди. Демак, пешонасида шу кўргилик бор экан. Не гуноҳлари учун Оллоҳ уни бу қадар аянчли қисмат ила юзма-юз қилди. Отаси ғалабага эришгандан сўнг, ярадорлар аҳволини сўрмоқ учун улар олдига борганда аҳмоқона шаҳид кетганди. Ўзи эса...

Пешонани қарангки, улуғ бобоси Эртўғрул Усмон Салжуқли султонларидан суюрғол ўлароқ олиб, усмонли беклигига асос солган Анқарада енгилиб, асир тушиб ўтирса! Ё Оллоҳ! Ақлга сиғмас фалокат!

Бир зумда атрофидаги беш юз чоғли одамдан эллик на



фарча қолди. Темур қароргоҳига етгунча булардан ҳам бармоқ ила санарлиси қолса керак. Мусибат руҳиятини синдирган Султон теварак-атрофига ҳолсиз, паришон ва бефарқ боқар, унинг учун энди ҳеч бир нарсанинг қизиғи ва аҳамияти қолмагандек эди.

Тўрт ғилдиракли юк ташувчи аравага эски кигиз ёпилган бўлиб, олд тарафда егуликка ўхшаш ашёлар солинган бўз халта турар эди. Шоҳона ҳаёт, бир зумда асирлик аравасидаги йўлчиликка айланган, Султон Йилдирим Боязид кечмишидаги энг оғир, даҳшатли ва машаққатли бир неча чақирим йўлни минг бир ўйу хаёл, азобу изтироб билан босиб ўтиши керак эди.

Унинг ақлига Ойдин ўғиллари ва Қаҳрамон ўғиллари бекларини худди ўзи каби тутиб, зиндонга ташлатгани келди. Қисматнинг такрорланишини қара! Ёқма, пишасан, қазма, тушасан дегани шу экан. Энди улар байрам қиладилар. Темур барчасига эски, ота ўлкаларини қайтариб бериб, бекликларини тиклайди. Худо мартабангни улуғ қиламан деса ҳам, ер-ла баробар этаман деса-да, ўз қўлида! Сабр, шукур! Шукур, сабр!

Тумонот лашкар ўраган эски дўнгалак арава Темур қароргоҳига етиб келди. Олий ўрду атрофида тўпланган лашкарни кўрган Султоннинг ақли шошди. Қўшиннинг яроғ-аслаҳаси, аскар албисаси, от-улови мукаммал эди. Шайх Рамазон ҳам, амир Темуртош ҳам, қози Садриддин ҳам бу ҳолатни бот-бот айтиб, Султонни огоҳлантирган эди. Уни шон-шуҳрат хиралатган ақли, ўзи ўйлагандан бошқани кўришни истамайдиган кўзи бу ҳақиқатни кўрмади. Ҳеч қачон ҳаммадан ақллилигим учун подшоҳ бўлганман, дея ўйлаб, ҳамма нарсани бўйнингга олма экан! Сени ақл эмас, қисмат тахтга чиқарган! Қўл остингдаги ақлли кишиларнинг сўзларига қулоқ тут! Вазифа топширган одамларингнинг ишларига аралашаверма! Катта-кичик, дуч келган ишнинг масъулиятини бўйнингга олаверма!

Давлатни атрофингдагилар билан пойлашмоқни бил! Акс ҳолда, улар мулку давлатни ўзлари билан бўлишиб юритадиган подшоҳ ахтара бошлайдилар. Бутун нон илинжида бурдасидан ажралиб қолма, дея такрор-такрор сўзлар эди раҳматли отаси. Айтганлари келди. Ҳеч қачон ота гапидан чиқмаслик, унинг ҳар бир сўзини ақл пештоқига, юрак қатига ёзиб қўймоқ керак экан!..

Икки навкар билагидан тутиб, уни аравадан туширди. Йиғилган тумонат одамнинг нигоҳи султонда, унинг нигоҳи эса ерга қадалганди.

Темур бош қўмондонлик жойлашган олди очиқ саропардада саваш натижаларини таҳлил этиб, тезкор маслаҳат ўтказарди.

Улуғ Амирнинг олдида Шамсиддин Алмолиғий, мунажжим мавлоно Абдулло, сармунший Зайниддин Кешийлар бўлиб, этакда бек ва лашкарбошилар амр беклардилар.

Хон чопари Султон Маҳмудхон Йилдирим Боязидни асир тушириб, ўрду қароргоҳига олиб келаётганини сўзлаганда Темур беихтиёр, мунажжим Абдуллога қаради.

– Айтганингиз келди, мавлоно! Сизга энди тан бердим! – деди мунажжимга боқаркан.

Йиғилганлар бир-бирларига қараганча, жимиб қолдилар.

– Қисматдан қочиб, қутулиб бўлмайди, – деди мунажжим улуғ Амирга қараб. – Тақдири илоҳий! Бу дунё шундай, ҳар ким ўзи тўккан ҳаќу ноҳақ қонда буғилади!

– Бутун лашкарга жарчилар ва қоровулларга таълимот беринг! Зудлик билан Султоннинг асир тушганлигини усмонли аскарларига етказишсин! Шунда улар катта-кичик қаршиликларни тўхтатиб, сулҳ сари юз бурадилар, – хоқондан амр кутаётганларга мурожаат этди бош қўмондон.

Лашкар бошлиқлари ва амирлар шошилинч, отларига миниб, чериклари томон жўнадилар. Қўшдаги вазият бир зумда ўзгарган, барчанинг юзида зафар аломатлари зоҳир бўлган эди.



Саропардага қўли орқасига боғланган Йилдирим Боязидни олиб кирдилар. Икки хоқон қисқа муддат гап-сўзсиз бир-бирларига тикилиб қарадилар. Султон Темурнинг кўзига узоқ қарай олмади. Беихтиёр, бошини эгиб, ерга тикилди.

– Султон ҳазратларига бундай муносабатда бўлмайдилар! Қўлларини ечинг! – буюрди Темур навкарларга.

Қаршисидан ўтирмоққа жой кўрсатди. Саропарда узра дилни танг қилувчи сукунат ҳукм сурар эди. Кутилмаган бу ғаройиб учрашувдан таъсирланган Темур мусофирига тикилиб қолган, султоннинг эгилган боши оёқлари орасига киргудек бўлиб, аянчли аҳволда мунғайиб ўтирарди.

– Султон ҳазратларини қўшни чодирга ўтказиб, муносиб либослар бериб, кийинтиринг! Таҳорату ибодатларини қилгач, олиб келасиз! – буюрди эшик оғасига. – Ўзларининг чодиру мулозимлари бирга бўлса, фойдалансинлар! Бош юртчимиз Довурбек Дуғлат ва хонсолар Лолабек Арғинга айтингиз, кўмак этсунлар ва зарур шарт-шароитни яратиб берсунлар.

Темурдан бу мулозаматни кутмаган Йилдирим Боязид оёғини зўрға судраб босиб, саропардадан қайтиб чиқди. Дарвоқе, терлаган юзини чанг босган, бошида салла ичидан ўрайдиган арақчин қалпоқ, усти боши бир аҳволда эди.

Ўн чоғли хизматкор ва қўриқчилари Султоннинг қисматига шерик бўлиб, у билан бирга келган эди. Темурнинг Султонга кўрсатган мулозаматидан юзларига қон югуриб, апил-тапил хизматга киришдилар.

Боязидхон оппоқ ички кийимда икки ракат намоз ўқиди. Ибодат давомида беихтиёр, кўзларидан тинимсиз ёш қуйилаверди. Юзига фотиҳа тортганида икки кафти жиққа қўл бўлди. Темур қиёфасидаги совуққонлик ва кўзлари тўқнашганида унинг чеҳрасида илкис пайдо бўлган ифодадан Султон ҳайрон бўлди. Демак, унинг барча сўзлари самимий ва тўғри экан. Нечун уни вақтида тушунишни истамади? Англаб етмади? У уқубатли ўйлар оғушида тинмай

сув ичар, бироқ чанқови қонмас эди.

Султон учун ўн йил, чамаси, тирлашиб юрган рақиби қаршисига имтиҳон бераётган талаба каби яна қайтиб бормоқ оғир эди. Оёғини тош боғлангандек зўрға судраб бо-сарди. Энди Темур уни қўйиб юбормаса керак. Яғийларига кўз-кўз қилиб ёнида олиб юрса-чи? Ундан кўра чопиб таш-лагани маъқул.

У хато қилди. Ўйламай сўйлаган, оғримай ўлади дега-ни шу экан. Йилдирим Боязид куйиб-пишиб ҳимоя қилган Султон Аҳмад Жалойир билан Қора Юсуф Туркман қани энди? Олампаноҳларининг аҳволини қайси бир чангалзорда туриб томоша қилиб ўтиришгандир? Темур ҳақ чиқди. Ўзи улардан беш баттар кунга тушиб ўтирибди. Чўкаётганларни ҳимоя қиламан деб, ботиб кетди. Бутун қабоҳат ўзида. Бу фалокатни сотиб олди. Эҳ, бевафо дунё! Эй яратган танг-рим! Бу кўргиликларинг ҳам бор эдими? Бу шармандалик ва азоб-уқубатларга юрак чидамайди-ку! Шу пайтгача қилган бор тоат-ибодати бир пул бўлди! Ота-боболари қон тўкиб, жон олиб, жон бериб тиклаган давлат таназзулга юз тутади энди. Эски душманлар бош кўтариб, интиқом, ҳатто хун та-лаб қиладилар. Буюк фожиа энди бошланади. Ё Оллоҳ! Ун-дан кўра жонимни олиб қўяқол! Демак, у шу шарафсизлик ва шармандаликларга муносиб, мустаҳиқ! Тавба-тазарру ҳам энди бефойда. Мозийда йўл қўйган қусуру хатоларни аламли қора шарпаси сўнгги нафасигача таъқиб этади.

Султон оғир хаёлларнинг зил-замбил юки остида хоқон саропардасига етиб қолганди. Темур ҳозир нима деса ҳақ. Доимо шундай бўлади. Енгган султон, енгилган ўғри.

Теварак-атрофдагилар, барча бирдек ҳаётларида асир подшоҳни кўрмагандек, собиқ султонга, эндиликда Те-мур асирига айланган машҳур одамга кўзлари йиртилгудек бўлиб боқишарди. Бирининг нигоҳида душманлик ҳисси акс этса, бошқа бири раҳм-шафқат кўзи билан тикиларди. Қовоқлари осилган, тушкун ва карахт Йилдирим Боязид ҳеч



бир томонга ва ҳеч кимга қарамай навкар ортидан борарди.

Чубук оваси ва Анқарада ҳали саваш давом этарди. Боя-зид қўшинининг чекиниб ёхуд қочиб улгурмаган, асир ту-шишни истамаган қисмлари ҳамон қаршилик кўрсатарди. Анқара қалъаси ва атрофида жанглар давом этар, шаҳар ўру кирда жойлашгани, кунчиқиш томони тоғлардан иборат бўлгани боис, бир сойда не воқеа содир бўлаётганини ик-кинчи арнадагилар билмас, ит эгасини танимасди.

Йилдирим Боязид тасаввур ҳам этиб кўрмаган, ҳаётининг акл бовар қилмас савол-сўрови учун келаётган эди. Оёғини қандай кўтариб босаётганини билмас, муаллақ бир ҳолатда учаётгандек эди, назарида.

Таҳорат қилиб, ибодатга ўтирган хоқон намоз фарзини ўқиб, ниятга ўтди.

– Минг бор шукрлар бўлсин сенга, яратган тангрим! Юзимни ерга қаратмадинг! Бандаларинг сир-асрорини ўзинг биласан! Кимни азиз тутмоқ ва кимни хор этмоқни феълига қараб, ўзинг ҳукм этасан! Ўзинг биласанки, мен уни сенинг ризойинг бўлмиш сулҳга чақирдим! У эса се-нинг амрингга хилофан саркашлик қилди! Барчасини ўзинг кўриб, билиб турибсан! Ҳар замон ўз паноҳингда асра! Қадаримиз сен билгандан ортиқ бўлмас! Мен ҳар замон дўсту душманга адолат ва сенинг муқаддас кито-бинг талаби даражасида муносабатда бўлиб, ҳеч бир нарса-да меъёрдан чиқмасликка интилдим! Билиб-билмай қилган гуноҳларимни ўзинг афв эт! Ё Эгам!

Темур Яратганга шукрона бажо келтириб, итоату мутеъ-лик, сажда ва рукнлар билан олий куч-қудрат эгаси Тангри даргоҳига яқинлик тилади.

Йилдирим Боязидни олиб кирганларида у ибодатдан қайтиб келиб, тахтга ўтирган эди. Саропардага кирган асир Султон юзларига қон тепганича Темурга қаролмади. Улуғ Амир унга боя ўтирган курсисини кўрсатди. Улар деярли ёнма-ён ўтиришарди.

Дунё терсига дўнган эди. Жаҳоннинг ярмини сўраб турган, улуғлик ва шаън-шавкат, юксак иззат-эътибор, камолоту фароғатнинг чўққисида турган шоҳлар шоҳи, султонлар султони, жаҳоннинг энг буюк ва қадимий давлати Византияни тиз чўктириб турган Йилдирим Боязид ўзидан кучли ва ҳисоб-китобли бошқа бир турк хоқонининг асирига айланган эди.

Темур савашда ғолиб келажагига ишонса-да, уни бу қадар тез ва рисоладагидек тарзда содир бўлишини, кеча бўғзини йиртиб кекирган султоннинг сувга тушган мушукдек қаршисида мунғайиб ўтиришини ақлига ҳам келтирмаган эди. Ўзича Боязид енгилиб қочса, уни ҳам Султон Аҳмад ёки Қора Юсуфдек Византия бошкенти деворларигача қувиб борсам керак, дея ўйлаганди. Оллоҳ мушкулини осон қилди. Демак, Яратганга бир айтгани бор экан. У йўл бермаса, бу ҳолатнинг тескариси содир бўлиши ҳам мумкин эди. Тангри ризқингни бутун, қўлингни баланд, йўлингни ёруғ этса, унга кимса монелик қила олмас экан.

Темур сўзни бошлашдан олдин яна бир зум Йилдирим Боязидга тикилиб қолди. Султоннинг сарғиш афт-ангори энди кўкариб, юз-кўзлари учар, хаёли жойида эмас эди. Дарвоқе, унга сўз ила ифодалаб бўлмас даражада оғир эди. Инсонни тушунмоқ керак. Темур илгари ҳам айтган, унга ҳеч бир ёмонлик тиламайди. Бироқ унинг қаттиқ янглишганини ва ортиқча манманлик қилганини бетига айтиб қўйиш керак. Боязидга ўхшаганларга бундай гапларни Темур каби бир киши айтмаса, кимса оғиз очиб, бир нима дея олмайди.

– Бундай кунда сенга бирорта ортиқча сўз айтмоғим инсофдан эрмас. Бусиз ҳам гап-сўзингга яраша жавобни олиб турибсан, Йилдирим! Бироқ мен сендан карийб йигирма ёш улуғман. Анча-мунча кўйлакни сендан кўпроқ йиртганман. Кўп фозил ва Оллоҳдан кўрқадиган отанг Мурод Худовандигар раҳматли билан ҳам муносабатларимиз бир диндош ва миллатдош подшоҳлар каби йўлида эди. Орамизда ҳеч қачон бир оғиз ортиқча сўз бўлмаган. Сен отангдан ўрнак олиб, бизга нисбатан дўстлик ва сулҳ мақомида тура олганинг. Аввал бизга бир сўзни сўзлаб, сўнгра тескарисини қилдинг. Ота тахтига ўтиргач, Эдирнадан этана бўлиб, самимият-ла битган мактубингни ҳар жумласи кечагидай ёдимда. Бу хат ҳозир ҳам ҳужжатдоримизнинг сандиғида. Шу боис орамизда бўлиб ўтган бул нохуш воқеалар ва бугун сену менга насиб этган Оллоҳнинг қисмати барча турк ҳамда ислом подшоҳларига сабоқдир аслида. Сену мен қилган бу буюк хатони алар такрорламасликлари учун айрим сўзларни айтмоқни жоиз деб биламан! Сен ҳам қалбинг буюрган сўзни тортинмай айтавер! Шуни яхши англаки, биз бир отанинг болаларимиз. Шул боис мен ҳеч қачон сенга шунчаки бир асир шоҳ деб қарамайман. Сени ва аждодингни ислом ҳамда турк миллатига қилган хизматларни қадрлайман. Сен менинг ҳузуримда меҳмонсан. Ўз саройингда қандай яшаган бўлсанг, бу ерда ҳам шундай яшайсан! Еганинг олдингда, емаганинг кетингда бўлади. Ва мен сени ўз қошимда узоқ ушлаб турмайман. Рум ила боғлиқ ишларимизни тугатишим билан ўғилларинг қўлига топшираман.

Шарбат келтирган дастурхончи патнисни аввал Темурга тутди. Сўнгра амирзода ва амирларга тутмоқчи бўлганида Темур Йилдирим Боязидга узатишни буюрди. Собиқ султон шарбат косасини ўрнидан туриб олди. Сўнгра бошқа ўтирганларга узатилди.

– Мен сени мана шу аянчли кундан қутқармоқ учун ҳеч кимга қилмаган узундан-узоқ насиҳат мактубларини битдим, – дея сўзида давом этди шарбатдан хўплар экан хоқон. – Мусулмонликнинг неки аъмол ва вазифаси бўлса, сенга нисбатан чин кўнгилдан адо этдим. Сени бот-бот огоҳлантирдим. Сен эса ҳаёсизларча менинг устимдан кулдинг. Мен сенинг душманинг эмас эдим. Агар ашаддий душманинг бўлганимда ҳам бундай сўзларни сўзламоғинг буюк айб ва гуноҳи азимдир! Сенга ҳар гал бизнинг давлатимиз яловининг муборак юзли анқоси Усмонли зами-

нига соя солишини истамайман, токи сен имконинг бори-ча калхат сифатли салибчилар устидан лочиндек ғолиб ва музаффар бўлғайсен, дея мужда юбордим. Бу ишда сенга лашкар ва мол билан кўмак беришни ҳам таклиф этдим. Сендан сўровим эса битта эди. Қора Юсуфни мамлакатнинг сарҳадидан чиқариб юбориш. Шу арзимаган рижойимизни бажармоқ сенга ғоят малол келди. Бизни одаммисан, итми-сан демадинг. Сўнгра бу сўровимизга асир қилиб олиб кет-ганинг Тахуртан оиласини қайтармоқ ва Кемох қалъасини бизга топшириш қўшилди. Донишманд амирларингдан би-рини орамиздаги аҳди паймонни сўнгига етказиб, дўстли-боғларимизни мустаҳкамламоқ учун юборишни сўрадим. Ўзингни гунгу карга солдинг! Шу арзимас нарсалар хусу-сида муноқаша қилиб, куфр сўзлар сарф этдинг. Ваҳоланки, бундай паст ва яроксиз сўзлар сендек улуғ турк султони ҳамда ислом авлиёси каби бир инсонга, унинг шахсиятига ярашмас эди. Бу ёруғ дунёда ҳар нарсанинг ўз меъёри ва чек-чегараси бордур! Меъёр, меъёрдан ошиғи мурдор де-ган оталаримиз. Бошингни минг бор тошга урсанг-да қисматдан, пешонага битилганидан ортиғи бўлмайди. Оллоҳ феълингга яраша қисматингни ўттиз қилганида у қўлинг билан уни тўққиз қилдинг! Албатта, бу ҳам ярат-ганнинг иродаси. Ночор замона ибрат тарзида сени ўзингга кўрсатди. Токи билгайсанки, мардоналик панжаси кучи би-лан замонага саркашлик қилиб бўлмайди. Бир давлатнинг чироғини Тангри таоло ёндириб қўйган экан, уни худбин-лик шамоли ва кибру ғурур нафаси билан ўчириб бўлмайди.

Бироз асабийлашган хоқон ғала-ғовур эшитилиб турган са-ропарда эшигига тикилганича тахт суянчиғи юксаклигидаги хонтахта устида турган шарбатдан ҳўплаб, тин олган бўлди.

– Сенга сўнг айтар сўзим шулки, Қайсар бcombination



Шундай эркан, сўзда хато этдингми, билки ишу имкондан путур кетади. Сен бизга нисбатан ахлоқу адолат доирасида, ўзни салимлик-ла иш тутмадинг! Сиёсатда амал қилинмоғи лозим бўлган назокат ахлоқини оёқости қилдинг. Ва бу одобсизлигу хатойингни муносиб жавобу жазосини олдинг! Ҳолбуки, мен сендан жуда уфоқ, қўлингдан келмайдиган бир ишни сўрамаган эрдим. Шу арзимас нарсага ҳам қош чимириб, тихирлик қилдинг. Ишни хайри сулҳ-ла битирмоқ ўрнига манманликка берилиб, дағдаға асъаса ила ўз ку-чингни кўрсатмоқ жаҳди-журъатида бўлдинг! Бир сўз тўрга, бир сўз гўрга элтажагига султон ақлинг, ҳукмдорлик салоҳиятинг етмади! Ушбу дамда бу сўзларни сенга сўйламак не қадар фойдасиз эканлигини жуда яхши биламан. Бироқ сени ўз авлодим, қондош ва диндош бир қардошим, сен-дан бир неча албисани кўпроқ йиртган киши сифатида йўл қўйган хатоларингни шоҳидлар олдида юзингга айтмоқни лозим топдим. Биз сени бу ҳудудларда ўзимизга энг яқин биродар, қардош ҳукмдор ўлароқ билардик. Бироқ сен ёт-ни ёвдан, ўзники жондан қабилида иш тутдинг! От-ларимиз лаҳад ёқасида ҳам умид яшайди демишлар. Ҳеч ким бу дунёга устун бўлолмайди. Сен айни ақли-идрокинг тўлишган, куч-қувватинг етилган бир ёшдасан. Хато ва гуноҳларингни тўғриламоқ учун умринг ва замонинг етар-лидир. Шундан кўнглинг тўқ бўлсинким, авлодинг ва улу-сингни бирор тола сочи тўкилмаяжакдир!

Йилдирим Боязид шарбат косасини олганидан бери ҳали уни оғзига теккизмаган эди. Шу боис хоқон унга мева суви ичмоқни таклиф этди. Хаёли қочган султон устма-уст шар-бат хўплади. Унинг қўллари қалтирар, мотамсаро қиёфаси қотиб қолгандек эди.

– Яна бир нарсани очиқ айтишим жоизки, агар ҳозир сен ғолиб келиб, мен қўлингга асир ўлароқ тушганимда сен, не муносабат кўрсатишингни ҳам тасаввур этаман! Нақадар улуғ подшоҳ бўлсанг-да, сенда ҳақиқий дониш-

мандлик ва сиёсий зако ноқис кўринади. Жаҳлинг тезлиги ва сабр-тоқатсизлигинг подшоҳона фозиллик сари боришинг ҳамда ҳақиқий дўсту душманни ажрата билишдек закийликка эришишмоғингга халал берган кўринади. Сен ўлдирган Қаҳрамонлилар султони Алоуддин ва зиндонга ташлаганинг ўғли Муҳаммад ҳам ўзинг каби, балки сендан-да подшоҳликка муносиб турк султонлари сулоласи, мусулмон эканликларини ўйлаб ўтирмадинг. У ҳозироқ ҳузуримга келиб, сендан отасини хунини талаб қилиши мумкин. Шариату тариқатимиз ҳам бунга эътироз билдира олмайди. Биз хукмдорлар пичоқни аввал ўзимизга эмас, ўзгага уриб ўрганганмиз! Эртага бунинг ажри ва интиқоми борлигини кўра туриб, унутиб яшаймиз! Мен ҳам дунёга устун бўлмайман, Йилдирим! Ким эрсак-да қисмату қадаримизга тушган вазифани бажариб, яхши-ёмон баҳойимизни олиб ўтамиз. Рум ўрдусининг енгилганидан ва сенинг бу аҳволга тушганингдан ғоят таассуфдаман! Кўриб турибсанки, бу ғалабадан лашкаримиз ҳам бўркини осмонга отаётгани йўқ. Қардош-ла қардош, мусулмон-ла мусулмон савашиб, бир-бирини енгиб байрам қилгани янглишдир. Сен яна шунинг учун ҳам худога шукр дейишинг лозимки, менинг ўрнимда хочлилар каби бир ғайридин подшоҳдан енгилмадинг! Унда сенинг ҳам, авлод-аждодингнинг ҳам, мамлакату давлатингнинг ҳам қисмати тамоман ўзгача кечар эди. Худога бир айтганинг бор экан...

Темур сўзини тугатиб, Йилдирим Боязидга қаради. У пешонаси ва бўйни терлаганча янги кийган зарбоф тўнда ўзини ноқулай сезиб ўтирарди.

– Мен хато қилдим ва унинг таъзирини еб, жазосини тортиб ўтирибмен! – деди ниҳоят тили калимага келиб Йилдирим Боязид бўғиқ ва хирқироқ овозда. – Кўза



кунига эмас, кунида синар экан. Сўзларингиз ҳақ, ҳазрати олийлари. Сизга эътироз билдирмоққа ҳеч қандай асосим, ҳақ-ҳуқуқим йўқ! Тақдирим хусусида эса не қилмоқлик ўзингизга ҳавола. Мен ҳам ҳеч қачон ўзимни сизга ва улуғ Турон давлатига ёғий деб билмаганман. Ахир, қандай фарзанд ўз ота юрти, она бешигига ёв кўзи ила қарайди? Менинг катта гуноҳим устига афв чизиғини тортинг. То абад ўзим ва ўғилларим сизнинг хизматингизда бўлгаймиз! – деб сўзини тугатди дарди дунёси қоронғу Султон ўксик ва синиқ овозда.

– Барчамиз қаттиқ чарчадик. Сенга лозим бўлган шарт-шароитни муҳайё этадилар. Истироҳат қил. Ҳали бафуржа кўп суҳбатлашамиз, – деди Темур ўрнидан туриб Йилдирим Боязид томон келар экан. – Мендан бирор-бир рижойинг борми?

– Ўғилларимдан Мусо ва Мустафо жанг майдонида мен-ла баробар эдилар. Сўнгра йўқотиб қўйдим. Кўнглим шуларга алағда. Фармони олийлари содир бўлиб, улардан хабар топсам бизга кўрсатган инсонпарварликлари ортган ва бошимни кўкка етказган бўлур эдингиз, – деди Йилдирим Боязид хижолат чекиб.

– Сен ташвиш чекма. Рижойингни ерига келтирмоқ жаддида бўлурмиз. Оллоҳ насиб этса эрта-индин фарзанди аржумандларингни ҳам кўрасан, – деди Темур меҳмонга таскин бериб. – Инсон зоти шундай, ўзи не аҳволда бўлмасин авлодини ўйлайди.

Шу пайт Темурнинг ишораси билан хазиначи шоҳона тўн, феруза қадалган кулоҳ, олтин камар ва қилич олиб келди.

– Оз бўлса ҳам кўп ўрнида кўр, Йилдирим! Бу сенинг бизнинг даргоҳимизда мўътабар меҳмон эканлигингни исботловчи дебоча ҳадямиздур! – деди хоқон тўнни султоннинг елкасига ёпиб қўяр экан.

Яна Султоннинг кўзига ёш қалқди. Улар самимий хайрлашдилар. Толиққан Темур ўз чодири томон юрди. Бу сертаассурот кун ва оғир жангдан сўнг бирданига ухлаб ҳам бўлмас, одатда қаттиқ чарчаганида уйқуси келавермасди.

Еттинчи ой сўнги, саратоннинг қоқ ўртаси бўлишига қарамай Анқаранинг оқшоми этни жунжиктирадиган салқин ва оромбахш эди.

Ҳали олис-олисларда аскарлар ҳайқириғи, отлар дупур-дупури ва кишнаши, араваларнинг ғичирлаб юришлари эшитилиб турар, лашкар саваш сўнги одатий ҳаётини яшаётган эди.

Ҳазрати Сулаймон тахтида бўлсанг-да, Искандар Зулқарнайн аҳдида бўлсанг-да тонг отар, кун ботар, умр елдек ўтарди...



# УЧИНЧИ БОБ

*...Сен ўзингни Оллоҳ йўлидан жиҳод этган, бизни эса ҳақсиз равишда кофир, мени эса тажрибасиз бир жангчи ҳисобламишсан. Қирқ йилдирки мен нафсимни жиҳодга атаган одамман. Бу мужодалалар асносида сон-саноқсиз элу элатлар бизга итоат этди. Сен нечун бизга хизмат этмоқдан қочиб, ҳурмат кўрсатмайсан? Ёмда ҳам мен улгудирман. Мен қай тарафга юрсам, у ерни қисқа муддатда қўлга киритдим. Оз фурсатда Сивосни ҳам фатҳ этдим. Сен Малатияни қуршаб, тўрт ой мобайнида ололмай қайтиб кетдинг. Синоп қалъасини-да не замондан бери ололмайсан. Мактубларингдаги каби таҳдид ва ғурурга берилма. Ақл йўлидан узоқ сўзларга жасорат этма. Шу боисдан одоб-ла жавоб бермоқни юксак бир иш ўлароқ бил. Шунда ўлкангни хароб этмоқдан қутқарган бўласан. Шунда биз-ла англашма ўз ҳолига келар ва узр тилаган бир ифода ила жавоб берсанг, орамиздаги дўстлик ва ҳурмат тикланади. Шунда салибчи кофирларга имкон бермаган бўламиз ва биз ҳам Сивосдан чекиниб, орқага қайтамиз. Бизнинг майл ва ниятимиз сизларни кучсизлантирган ҳолда кофирларга ёрдам этмоқ эмасдир. Бизни ва аскарилармизни кофир, динсиз, эътиқодидан озган мазҳаб соҳиби дея чиркин айбларга иддом этма. Бизнинг аскаримизнинг ота-боболари мусулмон, ўзлари мусулмон авлодларидир. Нечун ҳидоятга лойиқ бўлмасинлар? Зотан, Усмонлининг аскарлари боликда кофирлардан олиниб, динга киритилгани очиқ ошкордир.*

*Даъвомиз жаҳонгирлик бўлиб, салтанатимиз отига хутбалар ўқилмоқда, тангалар зарб этилмоқда. Мусулмонларнинг улул-амри эканлиги-*

*мизга шубҳа йўқдир. Бизнинг суйимиз Элхону Алишанга бориб тақаладир. Агар самимий саломингла баробар яхши ифодалар-ла мактубинг келса, ҳар икки тараф орасида юмшама ва ҳурмат пайдо бўлур. Акс ҳолда қилич ўртага тушгандан сўнг калимага ер қолмас. Вас-салом...*

### Амир Темурнинг Султон Йилдирим Боязидга ёзган сўнгги мактуби

Бомдод намозини кўчма масжидда жамоат билан ўқиган хоқон нонушта қилмасдан саропарда томон юрди. Саропарда остонасида уни Боботурк билан Алп Туркаш кутишарди. Султон Йилдирим Боязиднинг улуғ хоқон қароргоҳида бўлиши шу икки хос мулозимга топширилган эди. Туркаш ҳам, Боботурк ҳам Темурнинг у ёки бу фикрига қўшилмасалар буни мажлис ва машваратларда айтишмас, ўзаро суҳбатда сўйлашарди. Бироқ ёш ўтган сари устоз ҳам танқидни илгаригидек мардонавор ҳазм этавермас, гоҳида бола каби кўнглига оғир оларди. Шу боис, улар бир гапни айтсалар, бирини айтмасдилар. Устозни асраш ҳам керак эди.

– Меҳмонимизнинг аҳволи нечук? – сўради Темур шогирдлари саломига алик олиб.

– Ярим тунгача ухламай йиғлади. Сўнгра толиқиб, ётиб қолди, – жавоб қилди амир Боботурк.

– Унга жуда ачинмоқдаман, – деди хоқон раҳмдил овозда. – Бироқ яқин кунларда уни қўйиб юбориб бўлмайди. У табиатан ҳеч нарсадан тап тортмайдиган ўжар ва жасур одам. Ўлимга тик борадиган, юрагида ёли бор киши. Валиаҳд Муҳаммад Султон ила амирзода Халил Султонни чорланг, – буюрди эшик оғасига.

Кўп ўтмай саропарда пойгагида икки амирзода ҳозир бўлди. Шаҳзодалар ёшига қараб, навбатма-навбат келиб юкуниб, улуғ хоқон қўлини камоли эҳтиром билан ўпдилар. Иккиси ҳам кечаю кундуз савашда бўлганлигидан юз қиёфалари ҳорғин кўринар, бироқ буюк зафардан руҳлари Туркистон тоғлари каби юксак эди.



– Савашда тенгсиз мардлик ва жасорат-ла олишганингиз бизни табрик этамен! Ҳақиқий темурийзодаларга хос ибрат кўрсатдингиз. Бироқ бошлаган ишни сўнгига етказмоқ лозим бўлади. Қайсар қўшинларининг қолган қисми мамлакат бўйлаб тарқалиб кетмоғи табиийдир. Султоннинг беш ўғли бўлиб, ҳар бирида ўз лашкари бор. Ўлар ҳўкиз болтадан тойилмас деганларидек, бирлашиб бизга ҳамла қилишлари ҳам мумкин. Бу менинг шунчаки тахминим, – деди дона-дона қилиб Темур навбатма-навбат набираларига қарар экан, – Сиз! Валиаҳдим Муҳаммад Султонбек! Фатҳу зафаримизни давом эттириб, ушбу давлатнинг пойтахти Бурса томон борасиз. Пойтахти забт этилмаган мамлакат фатҳ этилган саналмайди. Йўл-йўлакай Румнинг барча вилоятларини босиб ўтасиз ва у ерларда Турон давлати қонун-қоидаларини жорий этасиз. Вилоятлардан молу омон олингу, бошқа ҳеч бир зиён-заҳмат етказманг! Боязидхоннинг ўғилларига ҳам кимса даҳл этмасун! Уларни отасининг мулкига соҳиб ўлароқ тахтларида қолдирамиз. Ўғилларидан Мусо ва Мустафони топиб, тутқун ила ҳузуримизга йўлланг. Сизга амирзода Абу Бакр ва амир Жаҳоншоҳ узанги йўлдош бўладилар.

Муҳаммад Султонга олий фармонни берган хоқон иккинчи набираси амирзода Халил Султонга юзланди. У бу шўхтабиат, маишатни хуш кўрадиган набирасини суяр, эркаликларини кўтарар эди.

– Сиз эртагаёқ салтанат пойтахти Самарқандга жўнайсиз, амирзодам! – деди шаҳзодани зимдан кузатар экан. – Самарқандда раият аҳволидан хабардор бўлгач, Давлат Темур йўлдошлигида Чин сарҳадига бориб, у ердаги вазиятни диққат ила ўрганасиз ҳамда назорат этасиз...

Амир Боботурк беихтиёр Алп Туркашга қаради. Унинг нигоҳида эса навбатдаги юриш Чинга экан-да деган ифода зоҳир бўлган эди.

– Чин ва мўғул сарҳадларимиз мухолифлардан батамом тозалансун! – дея амирзода Халил Султонга сўнгги

фармойишни берди ва яна валиаҳдга қаради. – Бугун-эрта Йилдирим Боязиднинг мағлубияти ҳар тарафга тарқалади. Кучли одамнинг дўсти бўлмаганидек, уни ҳам бизга ўхшаб теварак-атрофини душманлари ўраб олган. Ўзи ҳимоя қилиб, жонини тикиб юрган араблару жалойирлар унга хочлилардан кам душман эрмас. Сабаби усмонлилар улардан халифаликни тортиб олмоқчи. Юнону армон, гуржию курд ҳам икки дунёда унга дўстлик қилмайди. Ҳатто мусулмон бўлсалар-да, – ғоят нозик масалани англатар эди Темур амирзодага диққат билан. – Бизнинг ғалабамиздан руҳланиб, барчаси ўзларича усмонли тупроқларига кўз тикиши эҳтимолдан холи эрмас. Булар ичида энг кучлиси юнонлардир. Шу пайтгача румлилар усмонли туркларга солиқ ва жизя тўлаб келган. Иттифоқ тузсак, император Йуҳанна ундан юз ўгириб, бу тўловларни бизга тўламоқчи эди. Мен арқонни узун ташлаб, музокара ва сулҳ эшигини очиқ қолдирган эрдим. Бу ишни-да битирмоқ фурсати етди. Юнонлар бизнинг Қайсари Рум ҳудудларига ҳукмронлигимизни тан олади ва бугундан эътиборан солиқларни бизга тўлайдилар. Мақсадимизни битиб, ҳозироқ императорга элчи юборамиз. Йилдирим Боязиднинг мағлубиятини эшитиб, байрам қилаётган бўлсалар ажаб эрмас. Шу боис, бугундан бошлаб Боязиднинг ғайридин душманлари бизнинг ҳам душманларимиздир. Аждодларимиз бу ўлкаларни осонликча қўлга киритмаганлар. Уни қўлдан чиқариб бўлмайди. Усмонли авлоди султон бўлсин, бек бўлсин, бундан сўнгра бу мағлубият учун ҳеч қачон бизни кечирмайди. Оёққа турган куни биз томон ташланадилар. Буни-да эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам усмонлилар синдирган эски турк бекликлари ҳисобига булар тизгинини тортиб турмоқ мажбуриятидамиз. Бурсага боргач, Қаҳрамон ўғли Муҳаммадни зиндондан озод қилиб, ҳузуримга юборинг. Усмонлилар жабрзулм этган бошқа турк беклари авлодларига ҳам адолат ва раҳм-шафқат кўзи ила қараймиз.



Темур икки набирасини елкасига қоқиб, кетмоққа рухсат берди. Унинг бу баҳодир ва хушсурат набиралари айни дамда ҳақиқатан ҳам йигитлик фаслига етишиб, кўркам подшоларга айланган, ҳар бири Эрону Ироқ, Мўғулу Ажам каби катта бир мамлакатларни сўрай билар, сиёсату савашда бенази эдилар.

Ишқилиб, уларга кўз тегмасин деди бобо ичида кўнгли алғов-далғов бўлиб. Айниқса, валиаҳд Муҳаммад Султон бўйнидан қучоқлаб хайрлашганда қалби ғururга тўлди. Шаҳзоданинг кийим-кечагидан миср мушки анқир, бу ҳид унга тўнғич фарзанди Жаҳонгир Мирзони эслатган эди. Умри отасига ўхшамасин, деди юраги алланечук бўлиб хоқон. Уни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан ўзинг асрагин, Эгам!

Ғалати бир кайфиятда икки севимли набирасини дунёнинг икки тарафи, ғарбу шарққа жўнатган улуғ Амир қўшинни Анқара яқинидаги ов учун қулай бўлган чакалакзор томон юришини буюрди. Ўзи эса эски сафдош дўсти, марҳум Эсонбуғанинг ўғли амир Эсонбуға Кичик, Али Султон Тавачи ва бошқа мулозимларни ёнига олиб, Анқара атрофларини томоша қилганча қўшинни қоралаб борарди.

– Мана шу атрофда аскарларимиз йигирмата қудуқ қазидилар. Миллат сувга ёлчийдиган бўлди. Ажойиб бир сувли ерлар экан, – деди амир Эсонбуға Кичик тоғ этакларига жойлашган кафтдек текис водийни кўрсатиб. – Туркларимиз бежизга бу томонларни маскан тутмаган эканлар, хоқон ҳазрати олийлари, – ҳавас билан сўзлар эди Эсонбуға Кичик.

– Модомики, бу овада йигирма қудуқ қазитибсан, шу ерни сенга суюрғол қилиб бердим, Эсонбуға! Ярасун! Истасанг Анқаранинг даруғалигини ол! – деди хоқон одатдагидек мардлиги тутиб. – Бизнинг бу ўлкага юришимиз Рум элида турк нуфусини ошириб, куч-қудратини юксалтиради, – қўшиб қўйди бу ишидан ўзи ҳам мамнун бўлиб. – Раҳматли дўстим, отанг Эсонбуғанинг Турон салтанати ва миллатига кўп хизмати синган. Бироқ меҳнатининг ҳузурини кўрмади

боқиш. Отанг номи ўчмаслиги учун исмини олган эди. Энди унинг муборак номи мана шу водийда ҳам янграйди. Бу ерларни обод қил. Ўтган-қайтганимизда тўхтаб дам олдиган боғлар ва кўшклар қургин!

– Қуллук, ҳазрати олийлари! Оллоҳ мартабангизни бундан-да зиёда этсун! Сизсиз бизнинг Эсонбуға авлоди бу қадар ҳурмату иззатга сазовор бўлмас эди. Бу аввало Эгамиздан, қолаверса, сизнинг шарофатингиздан! Адолату мурувватингиз олдида бутун қавмим ила ўла-ўлгунча қарздорман! – дея меҳр ва самимият билан миннатдорчилик билдирди Эсонбуға Кичик. – Оллоҳ берган умримни сизга ва шу ернинг халқи хизматига бағишлайман.

– Англашдик. Ўз минглигинг ва хешу ақраболаринг билан шу ерда қоласан. Бу ажойиб водийлар бизнинг иккинчи она юртимиз бўлажак. Туронда ишим кўп бўлмаганда мен ҳам қолар эдим, – деди Темур Эсонбуғага ҳазиллашиб. – Усмонлиларга ўхшаб сен ҳам истаганингча сариқ сочли насроний қизларни динимизга киритиб уйланавер. Наслимиз кўпайсин. Дунёни олмоқ, уни қўлда тутиб турмоқ учун ҳам кўп ва аҳил бўлмоқ керак. Бежизга ит бўл, қуш бўл, кўп бўл демайдилар, – дея Эсонбуғага оталарча насиҳат қилди эди улуғ Амир.

Қўмондонлик олий ўрду тўхтайдиган манзилни белгилаб, юртчилар танлаган қулай жойларга чериклари жойлаштирмоққа киришди. Қўш томон от қўйиб келган қоровул Анқара қалъаси қутволи Ёқуббек тазарру ва ниёз ила улуғ хоқон ҳузурига бош уриб келаётганини, қалъани топширмоқчи эканлигини маълум қилди.

– Қалъани олмоқ учун савашмай тўғри қилган эканмиз, – деди Темур Эсонбуғага қараб. – Кўнглим сезган эди. Қанча инсон ҳаёти сақлаб қолинди.

Темур от устида эди. Қутвол Ёқуббек хоқон қаршисига келиб, тиз чўкди.

– Менким Анқара қалъаси қутволи Ёқуббекдирман! Улуғ



...ани Темурбек ҳазрати олийларига итоат ва хизматкорлик ...эканлигимни таъкидлаб, қалъа калитини топши...ман! – деди Ёқуббек дона-дона қилиб.

– Биз ҳам сени дўст ва диндошимиз деб биламиз! Сен ...ва ...ўл остингдаги барча кишиларга афви умумий эълон ...аман! Тўрт тарафинг қибла. Истасанг Боязидхоннинг ...тирмизга келажак ўғилларига хизмат қилмоқни давом ...тиришинг мумкин, – деди Темур Ёқуббекка синчковлик ...билан тикилар экан. – Биз султоннинг тахтини ўғилларидан ...рига топширамиз!

– Мен уларга хизмат қилиб бўлдим. Агар ижозат этсангиз ...из каби жаҳон султонига хизмат этмак ниятидаман! – деди ...утвол Темурнинг Султон Йилдирим Боязиддек одамни тиз ...чўктирганига ҳамон ақли етмай. – Уларга қўшилиб денгиз ...убига чўкиб кетишни истамайман!

Кутилмаган таклифдан ҳайрон бўлган Темур қутволга ...тикилиниб қараб турарди. Ғўлабир, ҳар бир елкаси нарвондек ...келадиган, дўнг пешона қутволнинг юзи кишида ғалати таас...сурот қолдирар эди. Сўнгги кунлар ташвишлари боис бироз ...ган, бежо кўзларида умид билан ўлим орасидаги бир туйғу ...котиб қолгандек эди. Гап-сўзидан тадбир ва ҳисоб-китобда ...ишлиги, жаҳл билан эмас, ақл билан иш юритувчилар тоифа...сидаги кишилардан эканлиги билиниб турарди.

– Унда Боязиднинг учдан бир черигини олмоқ мажбурия...тила қоламан, Ёқуббек. Сенинг бизга бўлган эътиқодингни ҳурмат этган ҳолда Йилдирим Боязиддек инсонга хи...ёнат қилиб турганинг менга маъқул эмас! Ул инсонга не ...садоқат кўрсатдингки, менга қандай каромат кўрсатурсан? Бундан ташқари усмонли султонлигининг қутволи бўлган ...номдор бир лашкарбоши сифатида ўз давлатинг ҳақида бундай демоғинг яхши эмас. Мен усмонли улуси ва дав...латини қадрлайман. Бул салтанат сен айтганинг каби ҳеч қачон денгиз тубига чўкиб кетмайди. У ҳали эскиси каби ...яна буюк салтанатга айланади. Султон Йилдирим Боязид-

нинг бул йўлдаги хизматларини ҳам эътироф этмоқ жоиз
Бироқ фатҳларидан мағрурланиб кетиб, кимсани мен
симай қўйди. Бизни ҳам оёқ учида кўрсата бошлади. А
лида, айни дамда менинг қўлимда у эмас, Миср султони
асир бўлиши лозим эди. Биз ўзимиз истамаган ҳолда яхши
иш қилмадик. Бироқ мажбур қолдик. Орамизда бўлиб
ўтган аччиқ-чучук гап-сўзлардан хабаринг бордур! Ота
си тенги одамман. Шу чоққача ҳеч кимдан эшитмаганим
номақбул сўзларни ундан эшитиб, мулозимлариму лашкар
олдида уятда қолдим. Мендан бошқа одам бўлганида эди,
аллақачон унинг терисини шилиб, сомон тиқарди. Бироқ
икки дунёда бу ишни қилмайман. Унинг вужудида ҳам мен
каби турк қони оқмоқда. У ҳам мўмин-мусулмон бир инсон
Бироқ у буни англаб етмади. Ўла-ўлгунча менинг гўрима
ғишт қалаб ўтади. Майли, Оллоҳга соламиз. Бир оқсоқу бир
сўқир подшоҳ унинг олдида нима деган гап. Яратганнинг
ҳукмидаги бир жонзодмиз!

– Сўзламоққа рухсат этинг, улуғ хоқон ҳазратлари. Фикр-
ларингиз кўп маъноли ва маъқулдир. Султонимиз сизга нис-
батан ҳурматсизлик ва одобсизлик қилганини кўрдим. Бироқ
мен султонимизга хизмату ҳурматда ҳеч бир замон қусур
этмадим. Буни ҳеч ким ва ҳеч қачон инкор эта олмайди.
Биз оддий навкар ёким қалъа қутволи каби кишиларга улуғ
подшоҳлар орасидаги муносабатларда ҳакамлик этмоққа йўл
бўлсин! Бироқ қаерда бўлмасин, ўз шаън-шарафимиз ва ин-
сонлик қадр-қимматимизни ҳимоя этмоқ ҳақ-ҳуқуқимизни
ҳеч ким чеклай олмайди. Янглишмасам, сиз ҳам ўз замонида
лашкар ва лашкар бошлиғи бўлиб кучли мўғулларга хизмат-
га киргансиз. Тадбирли қўмондон ва ҳукмдор хизматига ки-
риб, ундан иш ўрганмоқ айб саналмайди деб ўйлайман. Бир
қошиқ қонимдан кечинг, улуғ султон ҳазратлари. Сизни ҳақу
ноҳақ бўлсин, раият сўзини тинглайдурган одил подшоҳ деб
эшитганим боис фикримни очиқ сўйладим! Адолатингиз ол-
дида бўйним қилдек инжадир.



Темур қутвол Ёқуббекка ажабсиниб тикилиб қолди. Ун-
дан бундай бурро ва асосли жавобни кутмаган эди.

– Менинг сенга бул тахлит сўзлаганимнинг боиси шул-
ки, бизни шунча сарсону саргардон қилган, ҳар икки тараф-
дан минглаб одамларнинг қони тўкилишига сабабчи бўлган
Йилдирим Боязид аслида улуғ бир инсон ва ҳукмдор. Шай-
тон васвасасига учиб янглишди ва бул хато унга қимматга
тушди. Сенга эса, Ёқуббек, маслаҳатим шулдир. Бирор йил,
чамаси, биз Йилдиримни давлат иши билан шуғулланишига
йўл қўёлмаймиз. Сен эса унинг нону тузини еган бир аскар
сифатида болалари ёнида тур. Шунда мен сендан мин-
натдор бўламан. Шу баҳонада гурунглашиб турамиз. Бу
кунларда менга сен каби кишилар керак. Сен мард ва
тадбирли амирга ўхшайсан. Биз эту тирноқ, қон-қардош
бир қавммиз. Бугун урушсак, эртага ярашиб кетамиз. Бу
дунёда мардлик, садоқат ва сабру тоқат енгиб чиқади. Бир-
биримизга кечиримли бўлишимиз керак!

Ёқуббек қутвол тиз чўкканча гурсиллатиб, ўнг қўлини
кўкрагига қўйиб, Темурга таъзим қилди.

– Кўзимни очдингиз, ҳазрати олийлари! Мен гумроҳ бан-
дани афв этинг! – деди Ёқуббек йиғига ўхшаш овозда. –
Йилдирим Боязид ҳақиқатан ҳам айтганингиз каби одил ва
жасур султон эди. Ижозатингиз билан ўғиллари келгунга
қадар унинг ёнида бўлсам.

– Розимен, Ёқуббек. Шундай қилсанг, кўп яхши бўлур
эди. Сенга неки лозим бўлса тортинмай амир Боботуркга
сўйла. Мен ишларимни саранжомлагач, Йилдирим иштиро-
кида суҳбатлашамиз. Мусофиримиз бўласиз, – деди суҳбат
сўнгида хоқон.

Амир Боботурк Ёқуббекни хоқон саропардасидан узоқ
бўлмаган Йилдирим Боязид чодири томон етаклади.

Улар анчагача жим кетдилар. Икки турк беги ҳам бўлиб
ўтган бу саваш ва унинг тафсилотларидан изтиробда эди.

– Бизда кўпчилик амиру лашкарбошилар улуғ хоқон

Темурбек тўғрисида салбий фикрда эди. Султонимиз раъйига қараб, барчамиз ул зоти олийлари ҳақида янглиш тасаввурда юрган эканмиз, – деди чап қўлининг кўрсаткич бармоғи билан пешона терини сидириб ташлаган Ёқуббек қутвол. – Биз ўз қўлимиз билан шўримизга шўрва тўккан эканмиз. Усмонли султонларининг аксарияти табиатан калта ўйлайдиган уруғ саналадилар. Улар қаттиққўллик ва жасурликлари эвазига салтанатни ушлаб келмоқдалар, – ўнг қўлини пахса қилганча гапириб борар эди собиқ қутвол.

– Саваш олдидан хоқони акрам ҳазратлари икки кечаю кундуз изтироб чекиб, мижжа қоқмадилар. Ҳазрат иймону эътиқодларини ўртага қўйиб бу ишнинг хатолиғ эканлигини англаб, азоб чекдилар. Ҳақорати учун Йилдиримбек бир оғиз узр сўрасалар, олам гулистон эди. Бироқ миллат ўлароқ феъл-атворимиз ўзимизга маълум. Бошимизу қўлимиз кесилса-да, ушлаганимизни қўйиб юбормаймиз. Ўжарлигу жоҳиллигимиз қурбони бўлиб ўлиб кетаверамиз, – жавоб қилди амир Боботурк нигоҳи билан ўтов ва сафар ила боғлиқ анжомларга мутасадди мулозимни қидирар экан. – Сизга биздан не лозим, қутвол жаноблари. Ўтов ва яшаш ашёларингиз борми?

– Қалъадан келтираман. Ташвиш чекманг. Фақат икки ўғлимдан ташвишдаман. Улар султон ҳазратларининг қайин биродари, серб шаҳзодаси Лазер ўғли Степаннинг рицарларига йўлбошловчилик қилиб юрган эдилар. Бизга ҳеч бир замон дўстлик қилмайдиган серблар уларга тегмаса бўлгани, – деди ташвишли қиёфада Ёқуббек. – Серб тумани султон лашкарлари сафларида ёлчитиб уришганлари ҳам йўқ. Хабарларга қараганда аллақачон юртлари томон жуфтакни ростлаган. Улар бундай қулай фурсатни пойлаб, Темурнинг Боязид билан тўқнашишини орзу этиб юрган эдилар. Бу гал Оллоҳ уларнинг истагини бажо келтирди.

– Султон ўрдусида насроний чериклари ҳам бор эдими? – қизиқсиниб сўради амир Боботурк.



Косово савашидан сўнг султон ҳазратлари марҳум серб қиролининг қизига уйланди. Шаҳзода эса лашкари билан султон ўрдуси сафига қўшилди. Бу черикнинг ёрдами туфайлида, бирор номаъқулчиликни бошламаслиги учун Йилдирим хон уларни ўзидан узоқлаштирмай юрар эди. Фурсати келиши билан панд бердилар. Султон қўшинида бундай бош тўлаб яшовчи ўзга динга мансуб аскарлар анча-мунча бор. Энди барчаси ин-инига уриб кетади. Туркнинг туркдан ўзга дўсти йўқ экан, амир жаноблари, – деди чуқур хўрсиниб Ёқуббек.

– Фикрингизга юзда-юз қўшилган ҳолда туркнинг энг катта душмани турк эканлигини ҳам тан олмасак бўлмас, қутвол жаноблари! – деди тўхтаб Боботурк.

– Афсуски, ҳақсиз, бек! – деди дубулғасини қўлига олиб Ёқуббек ҳам таққа тўхтар экан. – Бу борада сизга эътироз қилмоқ ҳеч бир сўзим йўқдур!

– Биз ўз-ўзининг ўзагини узиб келган қавммиз, Ёқуббек. Менинг сизни шу шаклда етаклаб юришим, султон Йилдирим Боязиднинг аҳволи, қай бир улусга обрў келтирадир? Боиси, инсон зоти фақат ақл ва мантиқ билан дунёни ҳайратга солиши мумкин. Қиличу қалқон билан эмас. Бу савашда ҳеч ким ҳақ эмасдур!

– Бек жаноблари, деворда ҳам қулоқ бор. Эҳтиёт бўлиб сўйланг. Мен туфайли бошингизга бирор фалокат келмасин! Не иш бўлса бўлди, бўёғи синди. Энди уни ўз ўрнига келтириб бўлмайди, – деди амирнинг тирсагидан тутиб қутвол.

– Сиз чўчиманг, қутвол жаноблари...

– Ахир бу сўзларингизни улуғ хоқон ҳазратлари эшитсалар...

– Темурнинг Темурлиги ҳам шунда, Ёқуббек. Мен аввал-бошдан ўзимнинг бу савашга қаршилигимни устозга сўйлаганман.

– Ростданми?

– Ҳа! Ул кишига ҳақмисиз-ноҳақмисиз кўнглингиздагини очиқ-ойдин сўйлай билурсиз. Бошда бироз ранжисалар-да,

ҳақ бўлсангиз, доимо сўзингизни тинглайдилар. Қайтам
янада ўзларига дўст ва яқин тутадилар. Ул кишимнинг
суймаган инсонлари қўрқоқлар, ожизлар, жоҳиллар, хон
лар ва чаласаводлардур.

– Ҳақиқатан ҳам салтанатингиз пешонасида қуёш бил
қан экан. Акс ҳолда бу мақомга ета билмас эрдиларингиз.

Улар Йилдирим Боязиднинг чодирига етиб келишганди.

Орқа томондан ҳаллослаб чопиб келаётган одамнинг
фаси туюлди. Ўгрилиб қараган Боботуркнинг кўзи хос
парга тушди. Демак, улуғ хоқон яна қандайдир амр берган
Чопарнинг юз қиёфаси шундан далолат берарди.

Боботурк хос чопарга бир неча дақиқа кутиб туриш
ишора қилиб, Боязидхон чодири эшиги томон йўнал
Эшикнинг икки тарафидаги найза ва қалқон тутган икки
қўриқчи навкар амирни таниб, бир қадамдан тисландилар.

Йилдирим Боязид чодирнинг сўл томонига тўшалган
қалин кўрпада ўқ еган йўлбарсдек чўзилиб, қимир этма
ётарди. Қутвол Ёқуббекни таниган султон ёстиқдан бошин
кўтарди. Унинг шоҳона зарбоф салласи болишдан нари
чуваланиб ётар, тақир қирилган бошида реза-реза тер йил
тирарди.

Ёқуббек кутволга кўзи тушган мағлуб султоннинг
икки бети қизариб, юз ва бош терисидаги тер доначалари
кўпайди.

– Анқара қутволи Ёқуббекман, султон ҳазратлари, – деди
қутвол чодир остонасидан ўтиб тиз чўкаркан. – Бул кишим
улуғ хоқон ҳазратларининг энг яқин мулозимлари амир Бо
ботурк жаноблари бўладилар.

Бир коса қимиз ичгулик муддат сукут сақлаб, келган
ларга тикилиб қараб қолган, хаёли паришон Боязид ниҳоят
ёқаларини тўғрилаган бўлиб, тилга кирди.

– Ҳа, кел, Ёқуб, – деди маъносиз нигоҳини унга қадаркан.

– Саломатлигингиз яхшими, султоним?

– Султонлик ҳам кечмиш бўлиб қолди, Ёқуб. Энди сен



...ам бек эмассан. Оллоҳ бу гал бизга ўнг кўзи ила боқмади.
...тунларимиз қоқилди. Билмадим, охир-оқибат не кечади.
...ҳоли бу воқеалар тушим ёки ўнгимда содир бўлаётганига
...ним бовар қилмайди. Карахт бир аҳволдаман. Биз сўнгги ва
...нчи хатога йўл қўйдик. Мен не бўлсам майли эди. Касофа-
...тимга улусу мамлакат қолди. Шу боис ҳеч қачон ўз-ўзимни
...чира олмасам керак. Нега ҳам савашда ўлиб кетмадим...

Султоннинг кўзи ёшланди. Ўнг қўлида ғижимлаб турган
...тти дастрўмоли билан бош, бўйин ва юзини артди.

– Нечун менинг ёнимга келдинг, Ёқуб? Касофатим сенга
...ам урмасин тағин, – овози бўғилди султоннинг. – Аҳволимни
...риб турибсан. Ҳурматли бир кўппак ҳолатидамен.

– Улуғ хоқон ҳазратлари сизга йўлдош бўлиб туришимни
...йтдилар. Содир бўлган тўқнашувдан ғоят таассуфда экан-
...ликларини билдирдилар, – деди кўнгли вайрон хонга не де-
...йишини билмай Ёқуббек қутвол.

– Бул муҳтарам амир жанобларини исмларини не дединг?
Боботуркга синчковлик билан тикилди Боязид.

– Амир Боботурк. Улуғ хоқон ҳазрати олийларининг ўнг
қўллари эканлар. Не муаммомиз бўлса бул муҳтарам биро-
...даримизга мурожаат этар эканмиз.

– Шундай денг. Жуда ғалати, соҳибидан ғоят буюк масъ-
...улият талаб этувчи исми шарифингиз бор экан. Боботурк!
На қадар гўзал! Ким берган сизга бу отни? – амирга юзлан-
...ди султон.

– Устоз Темурбек ҳазратлари, – жавоб қилди амир.

– Нечун? Бунда маълум бир маъно бўлса керак, албатта.

– Турон ҳудудларида бизни ота улус, турк қавми дея
...атайдилар. Тарихни мукаммал билган устоз шу боис мени
...сен элимизнинг бош уруғидансан, бобомизсан дея, Бобо-
турк дея чақира бошладилар. Шу-шу Боботурк аталиб кет-
...дим, султон ҳазратлари.

– Зотан, исмингиз жисмингизга муносиб бир шахсият
кўринасиз. Заковатли нигоҳингизда ақл-идроким, қалбу вужудим-

ни ларзага келтирган азобу изтиробга ҳамдардликни кўрди. Энди эсладим. Сиз ҳақингизда амир Темуртош сўйлаган эди. Янглишмасам биз-ла савашмоқ буюк хато эканлигини ҳоқон фақат сиз айтган эkansиз. Қарангки, танишмоғимиз бу кабин ғарибона ва қайғули бир вазиятда кечмоқда.

– Улуғ хоқон ва сиз султон ҳазратларини ҳар қандай ҳолатда турк ва ислом оламининг буюк, шарафли подшоҳлари деб биламиз ва қадрлаймиз, – деди амир икки оғиз илик ила бўлса-да султон кўнглини кўтармоқчи бўлиб.

– Хоқоннинг куч-қудрати сиз каби заковатли, узоқни кўра билгучи ёрдамчиларида эканлигини биз энди, бироқ кеч англадик. Қусурга боқманг, амирим. Ақли ҳофизам мувозанати доирасидан чиққанга ўхшайди. Ўю хаёлимга келган сўзларни пойинтар-сойинтар сўйласам эътибор берманг. Омадсизлик ва мутсизлик киши закосини карахт қилиб қўяр экан. Кўриб туриб кўрмас, эшитиб туриб эшитмас экансан. Бу кўргуликни душманимга ҳам кўрсатмасин! Ҳа, бир нарсани сўрай сиздан, Темурбек ҳазратлари ҳам ростдан туркми? – сўради султон чодир шифтига тикилганча.

– Шундай, султон ҳазратлари.

– Мен ул кишимни мўғул дея билар эканман. Шундай дей. Бунинг устига мусулмон бўлса, – ўзича гапиринди султон.

– Изнингиз ила мен орқага қайтсам. Улуғ хоқон ҳазратларининг зурур сўзлари борга ўхшайди, чопар юборибдилар. Ишимни саранжомлаб, яна суҳбатингизда бўлмоқ орзусидамен. Мендек оддий бир амир сиз каби улуғ инсон ила суҳбатлашмоқдан ҳар дам ифтихор туядурман, – дея таъзим билан чодир остонаси томон тисланди Боботурк.

– Марҳамат, марҳамат. Мен сизларнинг қўлингиздаги бир асирмен. Не шаклда муносабат қилмоқ инон-ихтиёрингиздадир, – деди Боязид амирнинг ўзига кўрсатаётган ҳурматидан хижолат чекиб.

Йилдирим Боязид Ёқуббек қутволга қаршисидан жой кўрсатди.

Чодир атрофидаги олатасир ҳаёт тинмаган, отларнинг



кишнаши, аравалар ғичирлаши, аскарларнинг бақириб-чақиришлари эшитиларди. Бу овозлар афтодаҳол бир кўйдаги Ёқуббекнинг ташрифидан қувонишни ҳам, қайғуришни ҳам билмай гумон ичида қолган Боязидхоннинг кўнглига янада баттар ғулғула солар, дили вайрон бўлиб, юрагида ўт олаётган оташ баттар алангаланарди.

– Ташқарида не гап-сўзлар? Биздан кўп одам асирга тушганми? – сўради султон баланд қўйилган болишларга чордана чолорқа узанаркан. Оллоҳ кечирсин, Ўзимга ўлим тиламоқдан бошқа чорам қолмади, Ёқуб. Ёмон, жуда ёмон бўлдик. Бунда ҳеч кимсанинг айби йўқ. Бутун қабоҳат менда. Шуни одамларга етказ.

– Бўлар иш бўлиб, бўёғи синди, султон ҳазратлари. Энди ортга боқмоқдан нажот йўқ. Хоқон бизга ёмонлик тилайдиган киши кўринмайдир. Энди муросаю мадорага бориб, давлат ва мамлакатнинг қолган обрўсини сақламоқ лозим, – деди ниҳоят лаб-лунжини йиғиштириб Ёқуббек қутвол.

– Бу шармандаликдан сўнг обрў-эътибор қолди деб ўйлайсанми, Ёқуб? Улус орасига ораламоққа юз қолмади-ку!

– Борига барака, йўғига ҳаракат қилинади, ҳазрати олийлари. Хоқон Темур усмонли ҳукмдорлари фаолиятини бироз чеклайди. Бироқ уларнинг йўқ бўлиб кетишини истамайди. Дин ва миллат нуқтаи назаридан бу ҳудудда уларга биздан яқин қавм йўқдир. Улар буни жуда яхши биладилар. Шаҳзода ўғилларингизни бошини қўшиб, юрт бирлиги ва омонлиги йўлида ҳаракат этмоғингиз лозим, султон ҳазратлари.

– Бу мағлубиятдан сўнгра ўз боламга ҳам сўзим ўтмаса керак-ов, қутвол. Энди ҳеч бир иш бурунгиси каби тикланмагандек, мен ҳам эски султон Йилдирим Боязид бўлмасам керак. Сен нима деб ўтирибсан, Ёқуб. Улар ота тахтига талашиб, бир-бирларининг этларини емасалар бўлгани. Ичидан бирорда уқувлиси чиқиб, салтанат тизгинини тутиб қолса хўш-хўш, акс ҳолда усмонлининг инқирозини мен кўрмасамда, сен гувоҳ бўласан.

– У кунларнинг юзини худо тескари қилсин, ҳазрати олийлари. Бу қадар тушкунликка тушманг.

Султон юзидаги ташвиш-таҳликанинг акси қутволнинг ҳам қиёфасига ўтган эди.

– Мен эгаси тилимга солган сўзларни айтмоқдаман. Қолгани яна ўзига аён. Ташқарида не гап? Лашкарнинг ҳоли нечук? Яхшиси, шундан сўзла! – деди Боязид эшикдан мўралаган мулозимига сув келтиришни ишора қилиб. – Бетиним сув ичмоқдамен. Юрагим куйиб, ичимда тандир ёнаётгандек...

Шундай салтанатни қўлдан бера туриб ҳам ич куймасинми, хаёлидан кечди Ёқуббек қутволнинг. Оқибатини олдинроқ ўйлаш керак эди...

– Ташқарида катта уруш ҳаракати деярли тўхтаган. Ҳар кас ўз жонини қутқариш билан овора. Туронлик аскарлар қаршилик кўрсатмаган черикка солдирмаётирлар. Фақат қурол-яроғларини олишмоқда. Хабарингиз бор, қора тоторлар саваш олдидан қарши тарафга ўтдилар. Улардан бошқа барчанинг ҳолати ўзингиз билганингиз каби. Қочган кутулган, қочолмаган тутилган...

– Ҳа, улар бизни сотдилар. Бизни қандай сотган бўлсалар эртага Темурни ҳам шундай сотадилар. Сўнгра яна талаган ит каби ҳузуримизга қайтиб келадилар. Биз уларни кечириб, яна еру сув, яйлову ўтлоқ берамиз. Сўнгра яна бизни бошқа бирига сотадилар! – деди султон қаҳри қўзиб, тиши орасидан сўйлар экан.

– Темур ҳам уларни эркалатиб қўймаса керак, – бу фикрга қўшилди Ёқуббек қутвол.

– Бу сотқинликдан сўнг улар усмонли ҳудудларида қола олмайдилар. Оталаримиз уларга Рум, Қаҳрамон ва Сивос атрофидаги энг яхши қишлик ҳамда ёзлик яйловларни берганлар. Бир пайтлар мўғул хони Ҳулогу берган сувсиз Шом ерларида итдек санқиб юргандилар. Ҳаётларида кўрмаган роҳат-фароғатга етишган эдилар. Еб турган ошларига туфурдилар. Оллоҳ уларнинг жазосини икки мисли қилиб беражак!



Йилдирим Боязид қалқиб ўрнидан туриб кетди. Сув келтирган мулозим чодир тўридаги курсини суриб қўйди. Бироқ у ўтирмади. Қўлларини орқасига қилганча, кенг [illegible] чодир ичини айланиб юра бошлади.

Султоннинг чимирилган қошлари учар, юзлари титраб, лаблари қалтирарди. Вужудини қоплаган бу титроқни босмоқ учун кумуш косага сувни тўлдириб сипқорганча, чодир бўйлаб юрар, аламдан аъзои бадани ўртанарди.

– Ёқуб! – деди у бирдан чодир ўртасига тўхтаб йиғисифат [illegible].

Ёқуббек қутвол қўл қовуштирганча, пойгакда тик турар эди.

– Лаббай, султон ҳазратлари, – жавоб берди Ёқуббек хиёл бошини эгиб. – Буюринг, султоним!

– Олий амирлик жойлашган ўша тепаликда туриб бир даҳшатли воқеани ўз кўзим ила кўрдим, Ёқуб! – ўксик ва паст оҳангда сўзларди султон.

Қутвол сукут сақлаганча бошини эгиб, султонни тинглар эди. Чодир ташқарисидан ур-йиқит ва араваю от товушлари борган сари узоқлашиб, пасайиб борар, султоннинг кўнгли каби қорайиб, кеч кираётган эди.

– Ўғлим Сулаймон ҳалокат ёқасида турганимни кўра била туриб, лашкарини шоша-пиша жанг майдонидан олиб чиқиб, Бурса томон кетди. Уни ўз кўзим билан кўриб турдим, Ёқуб! Бу аянчли манзарани кўргунча иккинчи кўзим ҳам кўр бўлмасмиди?!

Йилдирим Боязид шундай дея чодир ўртасида турган курсига оғир чўкди. Елкасига ташланган енгил яктакнинг ўнг этагини тиззасига тортиб, кўйиб қутволга мунгли тикилди.

– Ҳолатингизни тушунаман, ҳазрати олийлари. Савашнинг ҳеч кимга бўйсунмайдиган қонун-қоидалари борлигини, режали жанг олиб бормоқ нақадар мушкуллигини сиз ҳаммамиздан кўра яхшироқ биласиз. Валиаҳдимиз барчамиз баробар рақиб қўлига тушмайлик дея ўйлагандир бал-

ки. Ўзларига қолса икки дунёда бундай ишга қўл урмишлар. Ҳали усмонийлардан бундай инсон чиқмаган, – деди Ёқуббек қутвол Султоннинг кўнглини кўтаришга уриниб.

– Балки шундайдир. Бироқ шу манзара кўз олдимдан кетмай, тушларимга кириб чиқаётир. Назаримда, мени яна бир фалокат кутаётгандек, Ёқуб! Бу шармандалик не ва тугамоғига ҳам ақлим етмай қолди.

– Ҳузуримга келганда Қора Юсуф Қорақўйинли бир турман ата сўзини айтган эди, – деди султон дамсар уриб.

– Қандай ота сўзи эди, хоқон ҳазратлари? – сўради қутвол ўксик оҳангда.

– Семиз қўйнинг умри қисқа бўлади деганди.

Қутвол индамади.

– Ҳаддидан ошган оқсоқ Темурдай босқинчининг жойини солмоқ сиз каби жаҳон султонининг бир имо-ишораси. Шунда у сомонхонагача ҳам қочиб бора олмайди дея кўлтигимга сув пуркаганди. Ўша семиз қоч турумига у эмас, мен тушдим. Ошнанг эшак бўлса, ағнаганинг култўда дегани ҳақ экан.

– Бировнинг қўли ила оташ ушламоқ осон, султон ҳазратлари, – деди қутвол не деярини билмай.

– Шундай экан, Ёқуб. Дев ҳам гадони уради дердилар. Бу гал бизни урди. Яшаш ва ўлим, бахт ва мусибат, шоҳ ва гадоликнинг ораси бир қадам экан. Тирикнинг умри ўтади. Ўлганнинг устига чим битади. Бироқ бу тирикликдан кўра ўлмоқ афзалдир.

Султон сўзини тугатиб, ўйга толди. Беихтиёр, ўнг қўли бармоқлари билан чап қўлининг ўртанча бармоғидаги каттакон олмос кўзли узугини айлантириб ўйнай бошлади. Шоҳона узукнинг қимматбаҳо кўзи қоронғиликда ним сарғиш рангда товланарди.

Йилдирим Боязид тезоб эрса-да кучли, иродали одам. Воқеа ва ҳодисалар ақл қуюшқонига сиғмай қолса, ўзини нобуд қилиши ҳам мумкин деган совуқ фикр хаёлидан кечди қутволнинг, оғзи очилганча суҳбатдошининг ғайритабиий сўзларини тинглар экан.



[illegible] қутвол Темурнинг Боязидга кўрсатаётган мурувватларига [illegible] эди. Султоннинг шоҳона чодири атрофидаги [illegible] қоровуллар илгаригидан кўпроқ эди. Темур [illegible] нисбатан муносабатда самимий экан дея ўйлади. Ак[illegible] билан яхши бўлиб, Бизонсни ҳам бўйсундириш мум[illegible]. Афсус, шундай фурсат қўлдан бой берилибди. Ҳайит [illegible] мулоҳаза қиларди қутвол.

[illegible] яхши бўлибди, Ёқуб. Энди сулҳ ва муросадан [illegible] йўли йўқ. Менинг чодирим ёнига хайма тикдир. [illegible] мени, Ёқуб. Бошингга фалокат тушганда барча [illegible] олиб қочади. Ҳатто пушти камарингдан бўлган [illegible] муносабати ҳам ўзгаради. Ёлғиз қолсам [illegible] кириб кетаётгандек ҳис этаётибман ўзимни! Телба [illegible] омонатини эгасига топширсам эди.

[illegible] Боязид шундай деб яна чап қўлидаги узугини [illegible] қўйди. Қутвол чиқиб кетгач, хўрсинишли бир нафас [illegible] яна ўрнига чўзилди. Чодир шифтига термулгунча [illegible]. Нечун у қирқ йилдан бери Турону Эронни титра[illegible], отаси Султон Мурод ҳам астойдил иззат[illegible] қиладиган Темурга бундай енгил ёндашди? Ахир [illegible] урдуси яқин қирқ йилда ҳеч кимдан енгилмаган-ку?! [illegible] у шу оддий ҳақиқатни бирор маротаба астойдил [illegible] кўрмади? Унга ёзган аҳмоқона хатлар-чи? Нечун уни [illegible] бу қадар йўлдан урди?

[illegible] лоф урмоқ ва бежо ғурурланиш фурсат эмас[illegible] – дея ёзган эди мактубда Темур уни инсофга чақириб. [illegible] эмну омонлиги ва фуқаронинг рифоҳиятини [illegible] султон ҳазратлари билан сулҳ тузиш, дўстлик ва [illegible] риштасини мустаҳкамлашга тайёрмиз. Чун[illegible] мусулмон подшоҳлари ўз ораларида мухолифатчилик [illegible], бу фарангийлар (бутун салибчилар демоқчи) фой[illegible] бўлур. Биз буни истамайдурмиз. Бизнинг музаффар [illegible] мансур аскарларимизни динсиз ва маҳзабсиз душман деб [illegible] Аллоҳнинг ҳукмига топширгаймиз. Аксинча,

султон аскарларининг кўпчилиги бож тўловчи душман... дин иборатдир. Бизнинг аскарларимиз эса мулки Тур... унга сарҳад ислом ўлкаларини илгида тушиб турган му... мон ва мусулмонзодалардир. Агар бизнинг бу қардош... насиҳатларимизга муқайяд бўлмасангиз, унда эътиқо... шундаки, фатҳу нусрат биз томонда бўлур...

У ўшандаёқ башорат қилган экан, дея ўйлади сар... юзи мурдадек оқарган султон дами ичига тушиб. Уни ... жойда кимдир бўғаётгандек эди. Нафаси қайтганча, ... баданини совуқ тер босди. Кўз олди қоронғилашиб, ... қизил ва оқ ранглар пайдо бўлди. Яна ёстиққа чап тирс... ни тираб узанди.

Хотирасида ўша пайтда аломат кўринган, эндили... аҳмоқона бир лоф каби вужудини уят ва алам тиғи би... ўртаётган Темурга ёзган жавоб мактубидаги сўзлар ... ланди: Жўнатган хатингиз жаҳду журъатингиз ва лут... эътоб эрур. Маълумингизким, турклар шаҳомат, дов... раклик ва қаҳрамонликда ягонайи замон эрурлар. Улуғ ... бом Эртўғрил уч юз отлиқ бирлан ўн минг кишилик бут... раст мўғул лашкарини енгган. Отамиз ва ўзимиз ҳам исл... йўлида ғазот қилиб, кўп мамлакат ва қалъаларни кофир... қўлидан озод этганмиз. Ҳеч бир киши усмонийлар хона... нидан душманға тамаллиқ ва фирибгарлик қилғон эрмас... ва найранг силоҳи бирлан қуролланмагандур... Ҳар қача... ул жаноб курашмоқ учун қадам қўйсалар, биз ҳам худо... таваккал қилғон ҳолда тайёрдурмиз...

Мана тайёрлигинг. Ота-бобонг кўрмаган шарафсизли... нинг аччиқ, тахир таъмини тотиб, асир ўлароқ Темур берга... чодирнинг шифтига термулиб ётибсан. Ўша пайтда бу ёру... дунёда таваккал қилинадиган ва таваккал қилинмайдига... ишлар борлигини англаб етмадинг. Ўз ҳаётингни тики... гардкам қилсанг майли эди. Ўн минглаб одамлар умрига за... вол бўлган бу мантиқсиз савашга ёғийни сен даъват этдин... Душманларинг Темурнинг асл, чексиз имкониятини сенда... яширдилар. Дўстларинг куч-қудратингга олқишлар айтиб...



...ингга сув пуркадилар! Сен ҳам ғалабалардан кўзингни ... ён-атрофингни билмай, кимсанинг маслаҳатига ... қулоқ солмайдиган даражага етган эдинг! Ёши сендан икки ... улуғларга ҳам ақл ўргата бошлагандинг! Қисмати ... экан, бир тўлган бир тўкилади. Сенинг сул... ... ниб битди! Бундан сўнгда Темур сени тах... ... ўтказиб, мамлакатингни сўрайвер деса-да, Наголида ... тиз чўктирган Султон Йилдирим Боязид бўла ол... ... У кунлар усмонли кечмишининг шонли саҳифалари ... тарих бўлиб қолди. Энди сен оқсоқ Темурнинг кўр... ...нохисан. Экканингни ўрмоққа маҳкум этилдинг!

... ўнг тирсаги билан ёнбошлади. Томоқлари қу... ..., юраги ёнарди. Узлуксиз ичаётган суви қаерга кета... ... англамас, вужудидаги илиқлик ва куч-қувват тана... ... тарк этаётгандек эди.

...нинг юқоридаги номасидан сўнг ҳам Темур сулҳ ... муносабат ўрнатмоқ ниятидан воз кечмади. Саб... ... билан Боязидни инсоф ва ярашга даъват этавер... ... Йилдиримнинг Мисру Шом султонларининг уни Сул... ... ул-ҳарамайн вал-л-шарифийи дегани, Йилдиримнинг ... фарзандларим дея атагани Темурнинг энсасини ... Боиси, бу асрда исломнинг янгиловчиси дея Те... ... олинган эди. Сиздек аслзода хонадонининг ул қул ... қулзода ҳукмдорлар ила бирикишингиз тўғри эмасдур. ... аслида иккимизни ҳам суймайдилар! Наҳотки шул од... ... ҳақиқатни англаб етмасангиз? Бизнинг тўқнашувимиз ... аввал улар, сўнгра юнон, фарангию хочлилар учун қўша ... байрам эканлигини англаб етмасангиз? Гуржию арманилар... ... қўяверинг! Сиз бошпана берган Султон Аҳмад Жалойир... ... Миср ва Шом ҳукмдорлари кўмак бериб яна Бағдодга ... қайтардилар! Сиз бизнинг инқирозимизни кутиб, Қора ... Юсуфни ҳам бағрингизда олиб ўтирибсиз! Ҳозирда жиҳод ... билан машғул бўлиб турғон султонға бундайин одамлар... ...га риоят қилиб, аларни тафриқа қилишлари асло муносиб ... эмасдур...

Султон Йидирим Боязид бу гал ҳам ўзидан йигирма улуғ жаҳонгирнинг сўзига қулоқ солмади. Ўз уйига гелган мусофирни тутиб бермоқ Усмонийлар хонадони меҳмоннавозлик ахлоқига зиддур. Энди сиз бу икки кас синган пашша ва ошёнаси вайрон бўлгон қушлар учун тири муборагингизни банд қилманг ва ташвиш чекманг. биз сизнинг хотирингиз мулоҳазаси учун бу бахтсиз мадад бермағаймиз. Сиз жаноб ҳам шундай арзимас на лардан воз кечинг. Агар муродингиз мўмин-мусулмонлар тинчлиги ва ўртада тотувлик бирлан сулҳ тузиш Сивосдин кўл тортиб, они бўшатиб берингиз дея кўйишда шарт кўйиб, салбий жавоб йўллади.

Темур Султон Йилдирим Боязид сўзимга қулоқ тутиб Султон Аҳмад Жалойир билан Қора Юсуфни мамлакат ҳудудидан чиқариб юборар дея ўйлаган эди. Боязид эса дамларда шоҳу гадо бўлсин кимсанинг сўзига қулоқ сол диган, инсон ҳар қандай юксакликка чиқса-да, охир бир куни тушиши мумкинлигини ўйламайдиган, ҳатто ўйлашни истамайдиган даражада ҳаволаниб, ҳаётининг юлдузли ларини яшар эди.

...Бизға исён тариқасида турган одамларни панохингизга олманг. Алар қай ердан топилса, тутиб ўлдиринг. Агар ха лоф иш тутсангиз, орада кўп қийлу қоллар кўпаюр.

Бу Темурнинг Султон Йилдирим Боязидга ёзган сўнгги мактуби эди. Орадаги муросаю мадора девори йиқилажак ҳолга келган эди.

...Яхши билгинким, бизни тезлашға сўзлағувчининг ўзи тезланиб келсун. Агар келмасанг, хотинларинг уч талоқ ўлсун! Сен келсангу, мен сен бирлан кўришмай қайтсам, менинг хотинларим уч талоқ ўлсун!..

Сенга тили-жағи тегмаган хотинларни орага солиб нима қиласан, аҳмоқ? Ҳеч бўлмаганда илгаригидек юмшоқ бир мактуб ёзиб, сиёсат қилиб турсанг ўлармидинг? Агар Сивосни қайтариб берганингда бугун сенга хиёнат қилган ўн қора татар, ўн бешта бўлар экан-ку! Сенга шу керакмиди?



...яна калтабинликнинг таъзирини еб ўтирибсан. ...пулса, ҳўкиз ҳўкиздан кўрганидек энди барчаси

...амир кўринди. Кўзини юмса ер қаърига кириб кетгундек туюлаверди.

...ўгачовини йўқотган эди. Чодир ортидан амир ...ким биландир гурунглашиб келаётгани эшитилди. ...уни танитган амир Боботурк эди. Султон уларга ...ҳолда қаршилади. Бизга не хизмат дегандек ер ...келганларга қаради, уларнинг саломига оҳиста бош ...олаверкан.

...хоқон ҳазратлари ҳол-аҳволингизни сўрадилар. ...ўзига не емак ҳозирласа, сизга ҳам келтиришни ...ўғилларингиз Мусо ва Мустафолар соғ-омон ...Барча амиру лашкарбошиларга уларни ҳузурингизга ...келмоқ амри берилди, султон ҳазратлари! – деди Боботурк ҳурмат билан.

...Хоқон ҳазратлари мен учун у қадар ташвиш чекмасунлар. Томоғимдан сувдан бўлак ҳеч нима ўтмаётир, авлодим. ...ҳазратларига миннатдорчилигимни етказинг, – жавоб қилди асир султон.

Сабоҳ нонуштасига Темурбек сизни таклиф этдилар. Амир Ёқуббек ила бирга ташриф буюришингизни сўрадилар.

Йилдирим Боязид гап-сўзсиз бош ирғади. Боботурк Ёқуббекни султон чодирида қолдириб, изн сўраб чиқиб кетди. Қайғу алами ила бошма-бош қолган султон энди сўнгги ...амири билан яккама-якка қолганди...

Темур Боботуркни зудлик билан ҳужрага чақирганида яна бир кўрсатма берган эди. Амир бу хусусда султонга гап ...имади. Хос черик мингбошиси Салоҳиддин Солорга хоқон фармонини етказди-да, яна қайтиб султон ҳузурига келди. Боботурк Темур чодирига кирганда саропардада Шайх Нуриддин ўтирарди.

– Қаерда бўлмасин султон ҳарами бу ерга келтирилсин! –

буюрди Темур амир Боботуркга қараб. – Сиз эса, мук...
амир Шайх Нуриддинбек, ҳозироқ усмонли мамла...
пойтахти Бурсага жўнайсиз. Султон хазинаси талон-т...
бўлмасдан уни қўлга олмоқ лозим. Янглишмасам Бо...
нинг ўғиллари ҳам ўша томонга қараб отини қамчила...
бўлсалар ажаб эрмас. Сиз улардан олдинроқ етиб бори...
гиз керак. Ҳозироқ йўлга тушишингиз мумкин. Мен ...
забтини амирзода Муҳаммад Султонга топширдим. ...
кўз-қулоқ бўларсиз. Хазина ишига у аралашмайди. Ҳар ...
ўзига юкланган аравани тортмоғи керак. Ортингиздан ...
ҳам қисқа фурсатда етиб борамиз. Хазинанинг ҳисоб-ки...
қайди мукаммал бўлсун.

Улуғ Амир Шайх Нуриддин ва амир Боботурк ташқари чиқишганида саропарда саҳнида мавлоно Шамсиддин Алмалиғий, хос мунажжим Абдулла Лисон, бош ёзар Зайниддин Кешийлар туришарди. Темур уларга салтанатнинг ... катта шаҳарларига юбормоқ учун фатҳномалар ҳозирлашни буюрганди.

– Ёзинг, – деди Темур шундоққина ёнига келиб ўтирган довот ва патқаламини оҳиста хонтахтага қўяётган сармунший Зайниддин Кешийга. – Бизким Эрону Турон мулкининг амири Темурбек Муҳаммад Тарағай, фармонимиз шул ту...рур. Ҳозироқ, сафар тайёрлигини кўриб, амирзодалар Султон Ҳусайн ва Искандарлар, Сулаймоншоҳбек, Рустам Тағай Буға, Саййид Сулдуз етакчилигидаги, шул амиру беклар...га тегишли тамғага етган ва етмаган улусларнинг лашкари Қайсариянинг Қуниё, Оқшаҳар, Қораҳисор, Алания ва Адана томон юрсунлар! Қаршилик кўрсатмаган, сулҳ ила сўзга кирган қавм ва лашкарнинг жони ва моли сақлансун! Моли омон олиниб, қайд билан салтанат хазинасига топширилсун!

Фармон матни ёзилиб битгач, бошёзар Зайниддин Кеший мавлоно Шамсиддин Алмалиғийга қаради. Фатҳноманинг маслаҳатли тайёрланган матни мавлононинг қўлида эди. Мавлоно тавозе билан қўлидаги қоғозни Темурга ўқиб берди.
– Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм! Барчага етиб маъ...



...муминим, музаффар Турон урдуси Оллоҳ мадади, ...и аҳкоми, Соҳибқирон Амир Темурнинг ғайрат... ...ила Рум Қайсари Султон Йилдирим Боязидни ... водийсида мағлуб этиб, Рум мамлакатини фатҳ ...ратган, барча яхши-ёмон ишларни кўриб турувчи ...ини бергувчидир! Саккиз юзу тўртинчи ҳижрий йил ...нинг ўн тўққизи, жума куни (20.07.1402)!

...аккун! Дабдабадан холидур, – дея матнни ...иб ўзи ўқиб чиқди Темур. – Қай ўлкаларга ...ловчисиз, – дея сўради ҳаммадан сўнг етиб келган Шоҳмаликка қараб.

...авалимбор, Эрону Туронга, – жавоб қилди амир ...малик. – Самарқанд, Кобул, Ҳиндистон, Қандаҳор, ...ркистон, Кошғар, Хўжанд, Бадахшон, Хуросон, Мозандарон, Табаристон, Гилон, Шероз ва Озарбайжонга юбо... Чопарлар тулпорларини қантариб, учмоққа ҳозир ...уриб турибдилар, – дея ҳисобот берди амир Шоҳмалик.

...Яхши. Ироқи Араб билан Ироқи Ажамга, шунингдек, ...ва Мирон, Сейистон ва Кешга ҳам юборинг. Бир нусха ...фатҳномани Султонияга, ҳарамга ҳам юборинг, – қўшимча ...қилди Темур. – Амирзода Халил Султон ўзи билан бир...га амир Мизроббекни ола кетсин. Мизроббек йўл-йўлакай ...рриб, ҳақ раҳматига қовушган Ҳирот ҳокими амир Оқ...бўғанинг вазифасини давом эттиради. Хуросон муҳофизати ...ила машғул бўлади, – устма-уст амирларига кўрсатма берар...ди хоқон.

Темур нонуштани одатдагидан кечроқ қилди: Вақт тафо...вутига кўра Боязиднинг уйғонишини ҳисобга олди.

Султон амир Ёқуббек билан хоқон саропардаси...га яқинлашганда Темур кўчма курсини чодир ҳовлисига ...қўйганча атрофда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни кузатиб ўтирарди. Унинг навкарлари мўл тушган ўлжаларини тақсимлаб, саранжомлашар, талашиб-тортишиб от танлашар, усталар синган араваларни тузатишарди. Ярадорлар ярала...

рини боғлашиб, шифохона вазифасини ўтовчи каттакон чо дирга кириб чиқишар, олисдаги тепалик ортида шаҳидларни кўмувчи бўлинманинг ҳам қўли қўлига тегмас эди.

Бу тўқнашув Темур ҳаётидаги энг асоссиз саваш эди. Хайриятки, жанг узоқ давом этмади. Ҳар икки тарафдан инсон кўп ҳалок бўлмади. Бу нарсани кутилмаганда Қайсарнинг асир тушганлиги ҳал этди-қўйди. Султон банди бўлганлигидан хабар топган, қора татарларнинг Темур тарафга ўтганини билган усмонли турк аскарларининг тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди. Улар ўлим талвасасида жонларини қутқармоққа киришдилар.

Темур меҳмонлар билан қўл олишиб, илиқ сўрашди. Тақдирига тан бергандек кўринган Боязид бироз ўзига келган, Ёқуббек қутвол билан суҳбатлашиб, дарди енгил тортгандек эди.

Темур назокат билан султон ва унинг амирини нонушта хозирланган хос саропардага таклиф этди. Қанчалик ундамасин, Йилдирим Боязид улуғ хоқондан олдин меҳмонхонага кирмади. Ўзини четга тортиб, Темурга таъзим қилганча ундан сўнгра киражагини ишора қилди.

– Шу ерда ҳам ёшим улуғлигига ишора қилдингиз-а, султон ҳазратлари, – деди Темур ҳазиллашиб ўнг қўли билан султоннинг чап тирсагидан тутганча саропардага кирар экан. – Бўри қарисини дегани шу экан-да...

Темур, хаёли бошидан учган, кулгуси ҳам йиғига ўхшаб кўринаётган, ҳатто юрганида қадамлари мўлжаллаган жойига тушмаётган асир султоннинг аҳволидан хижолат бўла бошлаган эди. Унинг ўрнида бошқа бир ҳукмдор бўлганида, шу заҳотиёқ қўйиб юборарди. Уни ҳеч бўлмаганда бир ой, чамаси, ушлаб туришга тўғри келади. Рум ҳудудининг барча ерларида қайсарнинг мағлубиятга учраганлигини эшитишлари керак. Бир йиқилсанг ўнггача, туролмайсан сўнггача дегандек, инсоннинг оёғи бир тойса, ўн йил ўзига келолмайди.

Яхши тузалган дастурхон тўрига ҳеч ким ўтирмади. Хонтахтанинг саропарда эшигидан киришда чап томонига Те-



...ни ўтирди. Қаршисидан Боязидга жой кўрсатди. Этакка ...а қутвол Ёқуббек чўккалади.

...Биз сабоҳ нонуштасига ёз ва куз ойларида мева билан ...ниимиз. Биздаги узум, шафтоли ва қовун лаззатини ҳеч ...ир ерда учратмадим. Бироқ бу атрофнинг узуми ғоят ширин ...ан, – деди Темур меҳмонларни суфрага таклиф этаркан.

Саропардадаги нонушта расмий кечар, сўзни недан ...шламоқни билмаган меҳмонлар бошларини эгганча емак ...ардилар.

– Амир Боботуркни суфрага даъват этинг, – деди Темур ...та қовуштириб турган эшик оғасига. – Муҳтарам султон ...зратлари амирлари билан келганларида бизнинг ёнимизда ...им таомилга кўра амирларимиздан бир бўлмоғи лозим – ...ди Боботурк келиб Ёқуббекнинг ёнига ўтирганида.

– Дарвоқе, Анқурия атрофи бизнинг ота юртимиз Кеш ...ювотига ўхшаб кетар экан. Фақат бизнинг тоғлар янада ...рчи ва сувлироқдур, – сўзида давом этди Темур дастур...хончининг қўлидан жийда пўстлоғи дамламаси солинган ...иёлани олар экан.

– Бизда ҳам Анқаранинг шарқидан бошлаб ғоят тотли ме...валар етишади. Денгизга яқин ҳудудларимизда эса рутубат...ли иқлимга хос мевалар ўсади. Шафтолининг энг яхшиси Бурсада етишади, – жавоб қилди Йилдирим Боязид Темур...нинг мевалар ҳақидаги гапини давом эттириб.

– Бурсага борсак татиб кўрар эканмиз-да!

Улуғ хоқон салтанат пойтахти ҳам фатҳ этилажаги...га ишора қилган эди. Султоннинг оғзига солган луқмаси ...бўғзида қолди.

Саргиш қиёфаси чимирилди. Бурсага ҳам мени бузоқдек ...илиб эргаштириб борса-я? Куни кеча уни авлиё каби бо...шига кўтариб юрган раиятининг юзига қандай қарайди? ...йғилари устидан кулиб, байрам қилади. Ё Оллох! Бу кун...ларни ундан узоқ тут!

Султоннинг сарғиш юзи бўздек оқарди. Не-не машақ-

қатли кунларни, ҳаёт-мамот савашларини кўрган Боязи фотиҳлик иродасини ишга солди. Бўлиб ўтган нохуш гап ни эшитмагандек емак емоқда давом этди. У ҳаётида уч маротаба яратганнинг ҳақиқий синовига дуч келди. Би ринчиси бундан ўн уч йил бурун Косово майдонида отаси Султон Мурод биринчи ўлдирилиб, салтанат ва ўрду эга сиз қолганида. Шунда у йигирма тўққиз ёшли шаҳзода эди. Ал-қасос мин ал-ҳаққ дея қиличини сермаб, янги султон ва янги лашкарбоши сифатида майдонга тушди. Отасининг қотили ва суиқасдни уюштирган Серб қироли Лазарни ер тишлатиб, лашкарини тор-мор этди. Сўнгра Наголида Евро панинг бирлашган салибчи қўшинларини синдирди. Ман бу учинчисида эса ҳисобни тўғри ололмади. Ақл ўқлари хато кетди, идрок қиличлари бекорга сермалди.

Қўшиннинг енгилганини тушуниш мумкин. Уни тиклаб, мағлубият ярасини даволаб бўлади. Тузалмас ва эш аянчли турум ўзини асир тушиб, бели боғлоғлик қулдек Те мурнинг қош-қовоғига қараб ўтириши. Хайрият, Темур дега ни ҳақиқатан ҳам дини-имонини ютмаган мусулмон бир зот экан. Бунинг ўрнида Трапезунд ҳукмдори ёки Византия импе ратори Йуҳанна бўлганида борми? Демак, ҳалиям худога бир айтгани бор экан. Шоҳона чодирда яшаб, дунёнинг ярмини олган одамнинг мусофири бўлиб ўлтирибди. Бир бошга бир ўлим! Фақат Темур уни ўзи келган ўша саҳроларга олиб кет маса бўлди. Унда ишни худо урди деяверинг. Чингизхоннинг қум каби етти иқлимга тарқалган мўғулларига томоша бўлади.

Зийрак Темур султоннинг тошдек қотиб қолган қиёфаси, ғайритабиий хатти-ҳаракатларидан унинг ақлидан кечаёт ган ўйларини фаҳмлагандек эди.

Анқара қалъаси қутволи амир Ёқуббек эса афсонавий хоқон Темурнинг ҳар бир гап-сўзларини диққат билан тинглаб, ундан кўз узмасди. Дарвоқе, у ҳар қандай усмонли амирига насиб этмайдиган тарихий бир дамларни яшаётган эди.

– Сабоҳ нонуштаси баҳонасида ишларимизни ҳам гапла-



шиб олсак бўлади, султон ҳазратлари, – деди Темур имо би лан Боязидни емаклардан еб ўтиришига ундаркан. – Ўзингиз билиб-билмаган ҳолда Константинополис атрофини гир ай ланиб савашиб чарчадингиз. Юнон императори Йуҳанна Па леолог куч-қудратимизни тан олиб, солиқ ва божларни биз га тўламоқчи. Трапезунд ҳукмдорининг қарори ҳам шундай. Бизнинг вакилимиз ўлароқ, бу ишларни сиз ва ўғилларингиз ташкил этмоғингиз жоиз бўлади. Бу маблағларни юзда элли гини мамлакатингиз ва раият эҳтиёжи учун ишлатасиз. Юзда эллиги эса бизнинг хазинага жўнатилади.

Йилдирим Боязиднинг қиёфасидан суҳбатдошининг сўзига қўшилган-қўшилмаганини билиб бўлмас, юзи оқ мармардек қотиб қолган эди. Темур бироз гапдан тўхтаб, султоннинг ўз сўзига муносабатини кутди.

Боязид зўрға бош ирғаб, маъқул ишорасини қилди.

– Эшитишимизча, шу пайтга қадар Измир қаъласини олмоқ имкони бўлмабди. Энди биз бир кучимизни синаб кўрамиз. Бу фатҳ биз учун ҳам, сиз учун-да жанг борасида бир синов ҳамда сабоқ бўлади. Қалъа забтига ўзим бошчи лик қиламан. Истасангиз ёнимда бўлинг.

Темурнинг сўзлари султон учун ҳам, амир Ёқуббек учун ҳам кутилмаган ва ҳайратли оҳангда эди. Улуғ хоқонни диққат билан тинглаб ўтирган Ёқуббек қутволнинг диққатни чеккан шу бўлдики, бошқа ҳукмдорларга ўхшаб Темур бошини майда-чуйда ишлар ва гап-сўзлар учун қотирмас, куч ва закосини катта, бошқалар назарида им консиз ишларга сарфлар эди. Сўз ва фикрларидаги жози ба унга ёндашган одамни ўзига тортарди. Қутвол ўтган-кетган карвончилардан оқсоқ Темур ҳақида кўз кўриб қулоқ эшитмаган ривоятларни тинглаган, аксарият араблар уни авлиё ва ҳазрати Али каби бир улуғ ислом мужоҳиди ўлароқ таъриф этган эди. Унинг қаршисида бутун насро ний оламни титратган, бошдан оёқ темир совутга ўралган кўчлилар ўрдуларини тилка-пора этган, Европани ётқизиб-

турғазган султон Йилдирим Боязиднинг мулозим каби одоб сақлаб, қош-қовоғига термилиб ўтиришига гувоҳ бўлмоқ ҳақиқатанда мароқли, сўз ила ифодалаб бўлмас тарихий дақиқалар эди.

– Муҳтарам авлодим, Йилдиримбек! Бўлиб ўтган воқеалардан иккимиз ҳам таассуфдамиз. Мен сизнинг ўзимга нисбатан қилган барча ноҳақ гап-сўзларингиз ва хатти-ҳаракатларингиз устига афв чизиғини тортдим. Сиз ҳам мендан хафа бўлмоққа ҳақлисиз. Бироқ гина-кудуратни йиғиштирмоқдан ўзга чорамиз йўқ. Неки содир бўлса Оллоҳдан ва феъли-атворимиздин! Мен сиз ва сиз каби ўнлаб ўжар ва ўз билганидан қолмайдиган ҳукмдорларга қарши курашдим. Бироқ ҳеч қачон Оллоҳнинг иродаси ва унинг бандалари хоҳишига қарши бормадим. Биз айни дамда бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларга бугуннинг кўзи ила боқиб, тўғри хулоса чиқара олмаймиз. Сиз ўзингизча ҳақсиз! Ватанингизни ҳимоя этмоқдасиз! Мен эса ўзимча ҳақман! Душманларимни бағрига олиб, отаси тенгли одамни оёғи учи ила кўрсатган кишининг таъзирини бердим! Иккимизни ўрнимизда бошқа хоқону султонлар ҳам балки шундай қилган бўлур эдилар. Бироқ келажакнинг зийрак ва теран наслларининг кўзлари биздан-да очиқроқ, тафаккурлари биздан-да ёркинроқ бўлади. Ҳақ ҳукмни балким алар чиқаражаклар! – дея сўзига якун ясади Темур.

– Биз хатоларимиз жазосини чекмоқдамиз. Бундан буёнги ишлар хусусида улуғ хоқон не десалар шу бўлгусидир. Хоқон ҳазратларига бирон-бир маслаҳат бермоққа ожизмиз ва бунга ўзимизни маънан ҳақли дея билмаяжакмиз, – жавоб қилди Йилдирим Боязид титроқ овозда, қизариб-бўзариб.

Султоннинг сўзи тугаши билан эшик оғаси янгилик борлигини билдириб, томоқ қирди. Хоқон унга сўйла дегандек қаради.

– Қоровулбеги Абдумалик Қорахондан хабар келди. Султон ҳазратларининг фарзандлари амир Мусони топиб, олиб келмоқда эканлар, – деди эшик оғаси икки қўлини қорни устига қўйганча.

Йилдирим Боязид бу хабардан сергак тортиб, ҳаяжонга тушса-да, ўзини босди.

– Шаҳзода етиб келиши билан қиблагоҳлари ҳузурига ташриф буюрсинлар. Сўнгра биз кўришамиз, – буюрди Темур эшик оғасига. – Эрта-индин Сурихисор орқали Кутаҳия томон юрамиз. У ерларнинг об-ҳавоси ўзгача деб эшитганман. Лашкарга ҳам дам берамиз, – деди Темур Боязиднинг юзига қарамай.

Демак, яқин кунларда у мени қўйиб юбормайди, хаёлидан кечди султоннинг. Давомли равишда унинг ёнида яшаб турмайди-ку?!

Хонсолар Лолабек Арғин лагандаги оппоқ гуруч ва эт устида сабзиси товланиб турган самарқандий паловини кўтариб кирганида барчанинг диққати бўлинди.

– Одатда биз нонуштада палов емаймиз. Бу Туркистон палови ҳам султон шарафига. Кўнглингиздаги ҳар қандай ғуборни чиқариб ташланг! Сиз менинг ҳурматли меҳмонимизсиз! Биз туркларда эса қўноқ отангдек улуғ деган нақл бор, – деди Темур самимий оҳангда султонни ошга даъват этар экан. – Рухсатингиз билан ота-боболаримиз каби паловнинг қонун-қоидасига биноан қўлда еймиз. Кўрдингки ош, кўтарма бош деган экан машойихлар! – қўноқлар кўнглини олмоққа ҳаракат этарди улуғ амир.

Улуғ хоқоннинг самимийлигига ишончи комил бўлган султон ғамгин жилмайиб, ошга қўл узатди.

Кенжа ўғли ҳақидаги хабардан бироз кўнгли таскин топган отанинг хаёли фарзандларида эди. Ҳаёт шундай. Мен боламни ўйлайман. Болам эса боласини...

Улар суфрадан туриб, хоқоннинг хос саропардасидан чиққанларида кун чошгоҳга келиб қолган, қуёш забтига олиб, теварак-атрофни ўраган тоғларни қиздирар, водий-

ларда кўзни камаштириб ярқираётган сароб эса Рум ерида қилинажак кўп ишлар борлигини ёдга соларди.

Даралар ва чағатлардаги тошлар куёшнинг ҳароратини ошириб, ўт-ўлан ва ҳашаротларни жизғанак қилгувчи саратон авжига чиққан, жанг учун ғоят ноқулай бўлган бир замонда икки буюк турк султонининг ёқалашиб ўтирганини ақлга сиғмас бир иш эканлиги, ўлигу ярадорлар сони ортиб боргани сари янада яққол кўзга ташланарди.

Не шаклда юз бермасин, ғолиблик ғолиблик, мағлубият мағлубият эди. Ҳар икки томон ҳам ўзининг расми-русмини бажо келтириб, ўзини шунга яраша тутмоқ мажбуриятида эди.

Не қадар оғир, машаққатли ва изтиробли кечмасин, тонглар отар, кунлар ботар, умр сувдек оқар эди...



## ТЎРТИНЧИ БОБ

*Ночор замона ибрат тарзида сени ўзингга кўрсатди. Токи билгайсанки, мардоналик панжаси кучи билан замонага саркашлик қилиб бўлмайди. Бир давлатнинг чироғини Тангри таоло ёндириб қўйган экан, уни худбинлик шамоли ва кибру ғурур нафаси билан ўчириб бўлмайди!*

*Оллоҳга шукур қилким, Султон ҳазратлари, менинг ўрнимда ғайридин бир ҳукмдордан енгилмадинг! Унда аҳволинг тамоман бошқача кечар эрди! Сен учун бу тупроқларда яшаб қолмоқ ва ҳукм сурмоқнинг тек йўли ҳар қандай жангу жадалда ғолиб келмоқ, силоҳ ила юртларни забт этмоқ баробарида, бу ҳудудлар халқларининг кўнглини-да фатҳ этмоқдур!*

**Амир Темурнинг Султон Йилдирим Боязидга илк учрашувда айтган сўзи.**

*Тангри салжуқ туркларини бизни юнонлар зулму истибдодидан қутқармоқ учун юборди.*

**МАТЕО,**
**Ўрта аср арман тарихчиси**

Шаҳзода Мусо Йилдирим Боязид ўғлини марҳум амирзода Умаршайхнинг садоқатли навкари, мингбоши, эндиликда улуғ Амирнинг хос қоровулбеги Абдулмалик Қорахон олиб келди. Уни полвон деб ҳам чақиришарди. Шаҳзода Анқаранинг кун чиқишидаги ҳеч кимнинг диққатини тортмаганган, ислом ақидапарастлари ярим вайрона ҳолига келтирган насроний черковида қирқ чоғли навкари билан

беркиниб ётган эди.

Темур черигига кўзи тушган шаҳзоданинг қиёфаси девор-га айланди. Аскарлари эса жанг қилмоқ ниятлари йўқлигини билдириб, оқ байроқ кўтардилар. Оқ мато йўқлиги учун шаҳзода ўзининг ички оқ кўйлагини ечиб берган эди.

Турон суворийларининг юз қиёфаларидаги осойишталик ва хайрихоҳликдан бироз ўзига келган шаҳзода ка-лима қайтарганча, черковдан юз қадамча узоқда турган қоровулбеги олдига юриб келди.

– Сиз кимсиз биродар? – унга мурожаат этди Абдумалик мингбоши.

– Мен Мусо Йилдирим Боязид ўғлиман, – бўғиқ овозда жавоб қилди ўн саккиз ёшлар чамасидаги шаҳзода.

– Улуғ Амир Темур ҳазрати олийлари сизни зудлик билан олий ўрдуга етиб келишингизни буюрганлар. Биз билан ҳозироқ юрмоғингиз лозим, – деди отдан тушиб, шаҳзодага ўз ҳурматини билдиркан.

Шаҳзода ерга боққанча индамай турди-да, сўнгра орқасига ўгирилди. Унинг навкарлари харобадан чиқиб, учрашув натижасини кутишарди.

– Ўзингиз ва икки нафар қоровулингизни қурол олиб юрмоғига изн берилади. Қолганлар аслаҳаларини топширсин! – буюрди Абдумалик Қорахон.

Шаҳзода қандай оҳиста юриб келган бўлса, шундай ортига қайтди. Унинг афти ангори бир ҳолатда эди. Отасига менгзар сарғиш юзи ва лаблари саратон қуёшида қизариб ёрилган, чанг қўнган сабза мўйловига бир неча кундан бери сув тегмаганлиги сезилиб турарди.

Елкасини қисганча оёғи чалишиб черига томон кетаётган шаҳзода ҳаракатига разм солган қоровулбегининг раҳми келди. Унинг юришини кузатганча ўнг қўлини кўтариб, ибодатхона ва шаҳзода одамларини қуршовга олишни имо қилди. Ўрнимизда улар бўлганда эди, биз билан бошқача оҳангда сўзлашардилар деган фикр кечди хаёлидан.



Насронийларнинг ибодатхоналарини молхонага айлантириб қўйишибди экан, амирим, – деди қоровулбегининг ёнида турган юзбоши Алибек Ўйрот. – Ҳазрат хоқонимиз ўз сўзларида бошқа динларга мансуб кишиларнинг ибодатхоналари ҳам Оллоҳнинг уйидир дегандилар. Усмонийларнинг бу қилган ишларига мен қўшилмайман.

Насроний ва мусулмон рақобати бу ўлкаларда азалдан ҳаёт-мамотга ўхшайди, иним. Иккаласи ҳам бирбирини инкор этади. Шундай бўлгач, ўртада муросага ўрин қолмайди, – жавоб қилди қоровулбеги. – Насронийлар ҳам жуда қаттиқ. Тоғу тошларни ўйиб ибодатхоналар ясаганликларини кўриб қойил қолдим. Улар ҳеч қачон усмонийлар давлати ва мусулмон динини тан олмайдилар. Қачон келмасин бу босқинчи ёввойиларни юртимиздан ҳайдаб чиқарамиз дейишар экан.

Демак, бу кураш ҳали узоқ давом этар экан-да, – мингбошининг сўзларига оғзи очилиб жавоб қайтарди юзбоши. Унда биз диндошларимизга ёрдам беришимиз керак.

Буни ўжар Йилдиримга хоқонимиздек одам ўн йил мобайнида англата олмади ва бу муаммо кўрганинг каби мусулмон мусулмоннинг қонини тўкмоғи билан барҳам топди. Ўжарлик фақат эшакка обрў келтиради, оғайни, одам зотига эмас. Қанча одамларимиз шаҳид кетди. Боязиднинг анчагина аскари сувсизликдан ҳолдан тойиб, енгилди. Улар жангга ҳозирликсиз кирдилар. Жасурлик бошқаю, узоқни кўра билмоқ бошқа нарса экан.

Улар гурунглашганча ўз аскарларининг усмонли черигини қуролсизлантирганини кузатиб турдилар. Мусо Йилдирим Боязид ўғли икки навкари билан улар томон кела бошлаганида қоровулбеги отини жиловини Анқара томон бурди.

– Сиз ила кўнишиб кета билурмизми? Ёки сўзлашмоқ йўқми? – сўради шаҳзода мингбошининг ёнида турик отини йўрттириб борар экан.

– Сўзлашамиз, шаҳзодам. Нега гаплашмайлик. Неки

сўровингиз бўлса сўранг. Билганим қадар жавоб берурман – жавоб қилди оти жиловини силкитганча мингбоши, уч юз чоғли чериги ва қирқ нафар шаҳзода лашкарини нигоҳи билан кузатиб.

Намозшом бўлиб қолган, тафти сусайган офтоб машриқдаги юксак тоғлар ортига оҳиста инарди.

– Мумкин бўлса айта олурмисиз, улуғ хоқон Темурбек ҳазратлари мен ила не мавзуда сўзлашадилар? – қимтиниб сўради Мусо.

– Улуғ хоқон ҳазратлари сизни падари бузрукворингиз рижоларига кўра олий ўрдуга чорламоқдалар, шаҳзодам, – жавоб қилди қоровулбеги.

– Отам хоқон ҳузуридалармi? – деди-ю юзи докадек оқариб кетди Мусонинг.

– Султон Йилдирим Боязид улуғ хоқоннинг ҳурматли кўноқларидир, – деди шаҳзодани тинчлантирмоқ учун. – Эгасининг қули қисмату қадар, тузу насибидан қочиб кутула олмас, шаҳзодам.

Шундан сўнг у анчагача сукут сақлаб, хаёли қочганча бир сўз демади. Темур аскарларининг ўзига кўрсатаётган мулойим муносабатларидан кўнгли бироз таскин топган бўлса-да, хаёли паришон, юраги безовта урарди. Аъзои бадани ёниб, боши тегирмон тоши каби оғир эди.

Улар бир кун йўл юргач, улуғ Амирнинг осмонранг саропардаси тикилган Анқара яқинидаги энг баланд тепаликка етиб келдилар. Улуғ хоқон қароргоҳидан юз қадамча нарида Султон Йилдирим Боязиднинг оқ рангли шоҳона чодири ажралиб турарди. Бу ҳолат Темур ҳеч қачон усмонли турк султони, ўзи ислом оламининг буюк авлиёси ва мужоҳиди деб билган одамни ўзидан кам кўрмаганлигига ишора эди. Шунинг ўзи амирул-умародан оддий аскаргача султонга қандай муносабатда бўлмоқни таъкидлар эди.

Қисқа фурсатда шаҳзодани топиб келтирган Абдумалик Қорахон оти жиловини тўппа-тўғри улуғ Амир қароргоҳи томон бурди. Ички тартибга кўра у хоқонга тўғридан-тўғри



мурожаат эта билмоқ ҳуқуқига эга эди.

Мингбоши саропардага юз эллик қадам етмасдан отини жиловдорга қолдириб, шаҳзода билан пиёда юнилганларида ҳаво иссиқлигидан деярли кун бўйи ташқарига чиқмаган Темур амир Боботурк билан чодир қаршисидаги саҳнда, курсида ўтирарди. Иссиқнинг тафти пасайиб, ёқимли эпкин эсар, теварак-атрофда катта жангдан сўнгги ташвишли ҳаёт давом этар, паст-баланд овозлар, курол-яроқларнинг тарақ-туруғи эшитиларди.

Абдумалик полвон султон ўғилларидан бирини тутиб келганга ўхшайди. Сизнинг шаҳзодалар топилса, аввало, отаси ҳузурига олиб боринглар деган амрингиздан бехабар тўғри ҳузурингизга етаклаб келмоқда. Улардан бирининг отини олиб кувган эди – деди Боботурк.

Полвон зоти табиатан шундай қавм бўлади. Қандай қилиб бўлмасин бир жасорат кўрсатиб, ўзини кўз-кўз қилмоқни хуш кўради. Том маънода ҳақиқий аскар. Ҳар нарсани миридан-сиригача ўйлайверадиган кишидан юраги отнинг калласидек журъатли қўмондон чиқмайди, – деди хоқон чорпахил Абдумалик полвоннинг ҳалпиллаб қадам босиб келишини завқ билан кузатаркан. – Бундай одамлар феълан ва табиатан садоқатли бўладилар.

Чиндан ҳам, эҳтиёткор одамлар мард ва жасоратли бўлолмайдилар. Эҳтиёткорлик сиёсатнинг жангдан бошқа жабҳаларида қўл келади, – ўз фикрини билдирди амир.

Етти иқлим хоқонининг ўзига пешвоз чиқиб турганини кўрган полвоннинг руҳи янада кўтарилиб кетган, баҳайбат чорғини илдам кўтариб босиб, дев каби лопиллаб келар эди.

– Тиз чўкиб, улуғ хоқоннинг этагини ўпасан! Бизда одат шундай! – деди Мусонинг шаҳзодалигини ҳам унутиб сенсираганча. – Узр тила, улуғ Амир мартабангни ошириб, иззат-икром кўрсатди.

Мусо бошини билинар-билинмас ирғаб, қалтираётган оёқларини аранг кўтариб босиб, мингбошига эргашиб келарди.

Улуғ Амирнинг мамнун жилмайиб турганидан бош осмонга етган коровулбеги беш қадамча қолганда так тўхтаб, тиз чўкиб таъзим қилди. Довдираб қолган Мусо ҳа кўзлари олазарак бўлиб шоша-пиша унинг ҳаракатини та рорлади.

– Содиқ қулингиз Абдумалик Қорахон амрингизни ба келтирди, улуғ хоқон ҳазрати олийлари! Қайсарвачча Му Йилдирим Боязид ўғли ҳузурингизга келтирилди! – де чап оёғида тиззалаганча ўнг қўлини гурсиллатиб кўкраги урарkан.

– Баракалла, асл авлодим Абдумаликбек! Сиз фарзан аржумандимиз Умаршайх Мирзога не қадар садоқат ил хизмат қилганингизни билурман ва юксак қадрлайм Биз ҳар замон сиздан розимиз! Қорахонийлар ва эск хоқонларимиз ҳеч кимнинг олдида тиз чўкмаганлар! Бун унутманг! Қайсарзодага курси келтиринг! Ўтиринг, авл дим, – илтифот кўрсатди Темур ўзини йўқотгудек қалтира турган шаҳзодага мулойим оҳангда.

Амир Боботурк билан мингбоши Абдумалик Қорахон э улуғ хоқоннинг ўнг тарафида тик турардилар.

– Сўйланг-чи, шаҳзодам, сизни қайлардан сўраймиз? ўша мулойим нигоҳ ила Мусога юзланди хоқон у ўтиргач.

– Ўрду сингандан сўнг Бурса томонга қайтаётган эди Оллоҳга шукурки, қиблагоҳимиз ҳаёт эканлар. Акс ҳол усмонли тузугига кўра, қайси бир ўғли кучли бўл қолганларини маҳв этиб, тахтни эгаллайди. Шу боис, би нинг аҳволимиз ҳавас қиларлик даражада эмас, улуғ хоқо ҳазрати олийлари, – дея жавоб қилди шаҳзода тутил ҳаяжонли оҳангда.

– Ҳа, усмонли саройининг тахт ворислиги хусусида тартиб-қоидасидан хабарим бор. Ғоят қийин шартлар. Си ягийлар ўртасида қолиб кетгансиз. Шунинг учун ҳам от боболарингиз бундай оғир тартибни қўлламоқ мажбури тида қолганлар, – деди Темур шаҳзодани синчковлик била



...татар экан.

– Биз бошдан хато қилдик, улуғ хоқон ҳазрати олийла... Отамиз ҳар қандай шароитда сизга қарши бормаслик... акеинча, умумий душманларимизга қарши кураш... сиздан фойдаланмоқлари лозим эди. Бизда улуғлар ...кам ҳолларда кичиклар сўзига қулоқ соладилар. ...ни ва бизни янглиш гап-сўзлар ҳамда қилмишларимиз ...н афв этинг! Бул каби хатолиғ остонасини авлодимиз... кимса бундан буён қайтиб босмағай, – самимий оҳангда ...бқиронга юкуниб деди Мусо.

– Ҳадя этилган отнинг тишига боқмайдилар, муҳтарам ...лодим Мусобек! – Оллоҳнинг юрагимга солган сўзи шул... ...ким, ҳузуримга келган, ўз инсонлик ва шаҳзодалик ша... ...фини сақлаган барча қайсарзодаларга шу кунга қадар ...кимлик қилиб келган вилоятлари ёрлиқ билан қайтариб ...рилади. Уларга тож ва туғ тақдим этамиз. Бизнинг лаш... ...р ва бошқа эҳтиёжларимиз учун моли омон тўласалар бас. ...монли тупроғининг бир гиёҳу тошида кўзимиз йўқдир. ...га гарданкашлик қилган киши ким бўлмасин, қаттиқ жа... ...жак! Янглишмасам, сизлар олти қардошсиз?

– Шундай, улуғ хоқон ҳазрати олийлари. Энг буюгимиз Сулаймон, сўнгра Исо, Мустафо, Муҳаммад, Эртўғрул ва ...нг кенжаси менман. Шаҳзодалар орасидаги тахт учун та... ...ни ва рақобатни ҳеч бир сулолага тиламаган бўлур эдим, ...жавоб қилди шаҳзода.

– Шуни унутмангки, авлодим, мулк ва тахт теграси... ...н кўпам адолатни қидириб бўлмайди. Боиси, давлат ва ...кумат кўп ҳолларда ақлли ҳамда адолат тарозусини тўғри ...лайдиган шахслар қўлига эмас, ҳокимиятга етишиш учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, кишилар устидан ўз ...кмронлигини ўрнатмоқ учун ҳар қандай хатти-ҳаракатдан ...йтмайдиганлар қўлига ўтади. Иқтидор шундай тилсимки, ...хтга юз баробар муносиб одам ҳам унга ўз кучи билан ...ришa олмайди. Бу йўлда унга жуда кўп муносибу ному...

носиб одамлар хизмат кўрсатадилар. У ҳокимиятта келган эса бу одамларнинг яхши-ёмонига қарамай йўлдан олиб ташлайди. Уларнинг ўзига қилган яхшилигини ҳақорат деб тушунади. Шу боис сиз қардошларингизга нисбатан ҳар замон илиқ, тўғри ва яхши муносабатда бўлинг. Модомики энг кенжа шаҳзода экансиз, тахт ворислиги, авваламбор, ёши улуғ қардошларингизга тегишлидир, – насиҳат қилди хоқон.

– Энг буюк қардошим Сулаймон отамизнинг тахти ва хазинасини эгалламоқ учун барчамизни ўз ҳолимизга ташлаб, Бурса томон қочди. Ундан ҳар нарсани кутса бўлади. Ҳеч нимага даъвомиз бўлмаса-да, у хавфсираб, бизни жазолаши мумкин, улуғ хоқон ҳазратлари. Шунинг учун сиздан рижойим отамизни ўз тахтига қайтариб қўйинг. Акс ҳолда валиаҳд барчамизни қиличдан ўтказиши мумкин. Қолган қардошларим ҳам шафқатсизликда ундан қолишмайдилар. Фақат отамизнинг бошимизда туриши бизни қирпичоқдан асраши мумкин. Аксинча, бир-биримизнинг гўштимизни еймиз!

Шаҳзода Мусонинг сўзларини тинглаб ҳайрон бўлган Темур гап авзойидан у ҳақ сўзлаётганини ҳис этди. Беихтиёр эрта-индин бундай ташвиш-таҳлика ўзининг ўғил ва набиралари бошига ҳам тушиши, қисмат авлодларига не кўргуликларни раво кўражагини ўйлаб қолди. Оғир бир тин олди-да, ғамгин оҳангда усмонли шаҳзодасига сўнгги сўзини айтди:

– Усмонли турклар давлати Султон Йилдирим Боязидга қайтариб берилади. Бироқ мамлакат батамом фатҳ этилгандан сўнг. Унга қадар сизлар, фарзандлари, ўзларингизга тегишли ҳудудларни бошқариб турасизлар. Бунинг учун бир ой, чамаси, фурсат лозим бўлади. Бу жараён балки кўпроққа чўзилар. Суҳбатларимиз давомида султонга буни англатамиз. Ўзларингизни қандай тутишингиз ҳам бунда муҳим аҳамиятга эгадир. Шаҳзода Мусобек Йилдирим Боязид ўғли елкасига зарбоф хосса тўн ёпилиб, олтин сопли қилич, шоҳона чопон ва от ҳадя этилсун! – амр этди хоқон амир Боботуркга қараб.



Мулозимлар ҳадя тақдим этмоқ русумини бажо келтирдилар.

– Энди қиблагоҳингиз ҳузурига бориб, дийдорлашинг. Биздан салом сўйланг! – деди самимий оҳангда.

Шаҳзода Мусо отаси томон юрибми, учибми, борасига англаб-англамай амир Боботурк йўлчилигида қаршисидаги оқ чодир томон кетиб борарди.

– Улуғ хоқон ҳазрати олийларининг ҳақиқатан ҳам буюк инсон эканликларига амин бўлдим. Биз ул ҳазратдан давлат юритмоқ ва саваш сабоғини олганимизда, бу кунларга тушмаган бўлур эдик, – деди чодирга етганида шаҳзода.

– Амир Соҳибқирон ҳазратлари ўн йилдирки, отангизга фармонлар юбориб, ўғлингизни ҳузуримизга юборинг, бизнинг фарзандларимиз каби саройимизда юрсин, ўқиб-ўргансин, мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва қардошлик ришталари боғлансин дея мактуб ёзадилар. Бироқ падари бузрукворингиздан садо чиқмади, – жавоб қилди амир Боботурк.

– Отам қазиган чоҳга барчамиз бирдек тушдик. Ул кишим бул чоҳдан биздан эртароқ чиқиб кетадилар. Биз эса неча ўн йиллар мобайнида чиқа олмай ҳалок бўламиз, – паст овозда сўзлар эди шаҳзода. – Рўёларим безовта. Назаримда, бизни буюк фалокатлар кутаётгандек.

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! Яратган барчамизни ўз паноҳида асрасин! Гуноҳларимизни афв этсин! Бу қадар тушкунликка тушманг, шаҳзодам! Оллоҳдан тева сўрасангиз бия берадир! – шаҳзодага таскин берган бўлди амир.

...Султон Йилдирим Боязид ҳамон ер билан битта бўлиб ётар, бошини кўтармоққа ҳоли йўқ эди. Ўғлининг сасини эшитиб, кўзлари очилиб кетди. Тушимми, ўнгимми дея соғ-ўғлига боқди. Кўзи юмуқ бўлса-да уйғоқ ётган эди. Тушга ўхшамайди ҳар ҳолда.

Кеч кириб қолган, чодир узра юракни сиқувчи бир қоронғилик чўкаётган эди. Камзулини елкасига ташлаганча ўғлининг истиқболига чиқди. Елкасига шоҳона тўн ёпилган Мусо терга ботганча ҳалпиллаб отаси томон келарди.

Ота-бола гап-сўзсиз бир-бирларини бағриларига босди-лар. Султоннинг кўзларидан милтиллаб ёш қуйилди. Му-сонинг эса кўзи ёшовламади ҳам. Отасининг бағрига бо-сиб тураркан, хаёли бошқа ёқда эди. Шаҳзоданинг дийда-си қаттиқ экан, хаёлидан ўтди амирнинг. Сўнгра у ота ва ўғилни холи қолдириб, улуғ Амир ҳузурига қайтди.

Султон ва шаҳзода оғир ўйлар оғушида чодир эшиги ол-дида ўлтиришарди. Шоҳона иззат-икром кўрсатилаётган бўлса-да, кириши билан чодир унга асир эканлигини эсла-тар, юраги сиқиларди.

– Салтанат тулпорида турганимда мана бу тоғу дара-лар, оғочу жилғалар кўзимга мутлақо бошқача, сеҳрли ва муқаддас кўринар эди. Кичик бир гиёҳнинг ғунча очгани ҳам мени суюнтирар, қалбимни сўз ила тасвирлаб бўлмас ҳис-туйғуларга тўлдирар эди. От устида эмас, осмонда учиб юрар эдим. Аслида душманларим бўлмиш Аҳмад Жалой-ир ва Қора Юсуф кабиларга ҳам яхшилик қилгим, бағрим кенглигини, инсонийлигимни исботлагим келарди. Ҳамма мени севадигандек ва яхшилик тилайдигандек кўринар, олам олижаноблик ва меҳр-мурувватга тўлиқдек туюларди. Сиз фарзандларимга ихлосим ва умидим чексиз эди. Беш шаҳзодам беш орқа тоғим дея ўйлардим. Бизни ўраб олган Султон Маҳмудхон қуршовига тушганимда тоғу тошларга худонинг зорини қилдим. Қани энди на бир ўғлим ёки ами-рим кўмак қўлини чўзса?! Буюк қардошинг Сулаймоннинг қандай қилиб жанг майдонидан ўз жонини қутқариб чиқиб кетишини кўриб турдиму, тошга айландим. Қани энди би-рорта дайди ўқ келиб тегса. Ўзимни ўлдиришга Оллоҳдан қўрқдим. Кейин билсам Темур менга ва сизларга тиғ тек-кизмасликка амр берган экан.

Ҳаяжонланган султон гапдан тўхтаб, қуёш нури орқасига тушаётгани боис, кун ботиш тарафи қорайиб кўринаётган яйдоқ тоғлар, тилсиз қояларга тикилиб қолди. Қай бир сойу дарага боқмасин, Турон лашкари кўринар, улар овози эши-



...лари. Қайга ғойиб бўлди Европани тиз чўктирган яшин-дек ...увчи Султон Йилдирим Боязиднинг беш юз минг-лик ...шини. Ҳисоб-китобларга кўра усмонли аскари рақиб ...аридан қарийб икки баробар кўп эди-ку! Кўзини ёғини ...п қора тоторлар ҳам ҳаёт-мамот дақиқасида сотдилар! ...лик уларнинг жазосини беражак! Улар энди бу жаннат-...ги қудудларда яшай олмайдилар. Илк жазонинг ўзи шу. ...мур уларни ўз саҳроларига олиб кетса, бу ҳам ҳозирги ...тлари олдида буюк бир жазодир! Бу қавмдан фақат ...ну аскар чиқар эди. Бунга хоинлик касби ҳам қўшилди. ...тни ва золимнинг шами ҳеч қачон тонгга қадар ёнмаган. ...мнинг умри қисқа, адолат эрса абадийдир.

Шаҳзода Мусо тик оёқда отасининг сўзларини тинглар, ...т хоқон билан бўлиб ўтган суҳбат ва сийловдан сўнг би-...ўнга келган эди.

– Бир неча дақиқада шу пайтгача қилган тоат-ибодат-...ни кавога совуришди, ўғлим! – сўзида давом этди султон ...ни ғамгин ва ўксик оҳангда. – Боласи балога айланганини ...рганидан кўра, кўзига тупроқ тўлган ота бахтли экан! Энг ...тта хатойим, шу пайтгача қилган барча ишларимни тўғри ...а ҳақ деб ўйлаганим! Эндиги пушаймон эса, ҳар қандай ...ийдан катта душмандур! Бошим айланиб кетаётир! Муло-...имга сўйла, суянчиқли курси олиб келсин, – деди эгилган ...ғлининг елкасидан тутар экан султон.

Курсига оғир чўкканича жим қолган отаси қаршисига ...турган амир Мусо мантиқан унинг сўзини давом эттирар-...кан, сўзимизни айғоқчилар тинглашяптими дегандек атроф-...га олазарак қараб қўйди.

– Сиз бошда Темурга жуда жиддий ёндашган эдин-...гиз, қиблагоҳ. Сўнгра не бўлди-ю, бирдан фикрингизни ўзгартириб, сўзингиздан қайтдингиз! Уни ҳурматлаб, куч-қудратини тан олиб, совға-саломларни канда қилмаслик ке-рак эди. Ана у араб бўлиб араб эмас, мўғул бўлиб мўғул эмас, миллати бетайин Аҳмад Жалойир билан бефаро-

сат Қора Юсуфни аллақачон Темур ҳузурига жўнатиб ҳайдаб юбормоқ лозим эди. Биз отамиз бир нарсани лар дея оғиз очолмадик. Сўйласак-да сўзимизни инобатга олмас эдингиз. Темур шу пайтгача қўлига тушган бирта ҳам ҳукмдорни ўлдирмаган экан. Ўлдирса сизу ўлдириши керак эди. Боиси, ҳеч ким уни сизчалик ҳақорат этмаган экан. Уларни ҳам ёнида биз каби олиб юриб, сўнг елкасига тўн ёпиб, мамлакатларини қайтариб берар Сиёсатдаги шу оддий ҳақиқатни биз англаб ета олмадик. Ёки сиз ўша икки эшакни унга юбориб, бу кимсалар сизни улуғ хоқон қўлини қон қилишга арзимайдилар дея мактуб юборсангиз бас эди! Темур ўзгаларга яхшилик ва мурувват кўрсатишга имкон излагувчи ва шу тадбиру амали ила давлатини кенгайтириб, салтанатини мустаҳкамлаган ҳукмдор экан! – дея фикрига якун ясагач, рўмолчаси билан пешона ва бўйин терларини артди шаҳзода Мусо.

– Ҳақсан, Мусо! – деди қалтираган овозда Йилдирим Боязид хаёли қочиб. – Ҳақсан, ўғлим! Барча қабоҳат менда!

– Яна қатор хатоларимиз борки, буларни ҳам биласиз, – сўзида давом этди шаҳзода шивирлашга яқин товушда отаси томон бўйнини чўзиб. – Биз мамлакатнинг шарқий ҳудудларини мустаҳкамлаш ҳақида ўйламадик. Анқара мағлубияти аслида бизнинг Темурдан учинчи бор енгилишимиздир, ота! Сивос буюк қардошим Сулаймон Чалабий тасарруфида эди. Турон урдуси юриши ҳамоно Бурса томон тўрт минглик чериги билан този қувган товшон каби қочди. Сиз ҳеч бир сўз сўйламасдан унинг нечун қочқинлик бўйнига олиб, ҳузурингизга югуриб келганини сўрамай сўқмасдан Темурга қарши янги қўшин юбордингиз. Асосан арманилардан иборат бу қўшин Темурни қанчалик севмаса, бизни ундан беш баттар ёмон кўрарди. Шу боис Турон султони ўзига қарши астойдил курашмаган мусулмонлар ҳаётини сақлаб, арманиларни қириб ташлади. Аслида у тўғри қилган эди. Темурнинг ўрнида мен ҳам шундай



қилган бўлур эдим...

– Ҳаддингдан ошма, ўғлон! Оғзингга келганини гапирма! Усмонли давлати арманилар каби юзга яқин қавмлар яшайдиган бир ўлкадир! Биз уларнинг истак ва талабларини ҳам ҳисобга олмоқ мажбуриятидамиз! Ўрдумизда ҳам Лазар ўғли Степан каби катта-кичик насроний ва бошқа мазҳабларга мансуб чериклар бор-ку! – ўнг қўлини пахса қилиб ўғлининг гапини бўлди ота.

– Бироқ сиз айтган бу қавмларнинг ҳеч бири бизга дўст эмас! Фикримни сўнгига қадар сўйламоққа руҳсат этинг, падари олийҳиммат, – деди амир Мусо отасига эътироз билдириб.

– Шу боис, уларнинг охурига арпа солиб, оғзини банд қилиб, овозини ўчириб турмоқ лозим бўлади. Худо насиб қилиб ота тахтига ўтирганингда биласан буни. Давлат ва сиёсат ишида ҳамма нарсани куч ҳамда қилич билан битириб бўлмайди, – фикрида қатъий эди ота.

– Бу мавзуда суҳбатимиз ҳечам тугамайди, ота. Мен сизга бошқа нарсани айтмоқчи эдим, – овозини пасайтириб сўйлай бошлади Мусо. – Мен Темурдан енгилмоғимиз аниқ эканлигини яққол кўриниб тургани ҳолда бу ишга нега қўл урганимизни англаб етмаётирман. Ахир, урушни у бошламаган-ку?

– Нега мағлубиятимиз аниқ бўлади? Биз ҳар томонлама рақибдан устун эдик, – яна ўғлининг сўзини кесди Боязид.

– Яхши. Ҳақсиз ва бу сизнинг фикрингиздир. Менинг бу хусусдаги қарашим ўзгача. Сивос мағлубиятидан сўнг сиз буюк қардошим Сулаймон ва Анадулу бекларбеги Темуртош пошшо бошчилигида Темурга қарши катта бир қўшин юбордингиз. Бу ўрду эса Қайсарида Сулаймоншоҳ, Жаҳоншоҳ ва Шайх Нуриддинлар қўмондонлигидаги лашкардан шармандаларча енгилди. Бу устма-уст ғалабалар Темур ўрдусини руҳан ва маънан ҳал қилувчи тўқнашувда енгиб чиқмоққа ҳозирлади. Бизнинг давомли мағлубиятимиз эса черигимиз руҳини туширди ва бугунги шармандали кунга етиб келдик. Мен сизга шуни айтмоқчи эдим, баба! –

дея сўзини тугатди Мусо.

– Балки ҳақдирсан, ўғлим! Салтанат тулпори устида турганида яхши ишламаган бу бош, асир турумида тузук-курук ишлармиди? Калаванинг учини йўқотиб қўйдим. Энди бутун умид сенлардан. Бош қўшиб салтанатни парчаланишдан сақламоқларинг ва қайта тикламоқларинг керак, – деди тушкун оҳангда. – Мени эса қўявер. Бўларим бўлди. Юлдузим сўнди.

– Тахту тож деганда ўзини томдан эмас, тоғдан отадиган катта ўғилларингизни боши бирикади деб ўйлайсизми? – отасига синчковлик билан тикилиб сўради Мусо.

– Бу ҳақда ўйласам бошимдан ҳушим учади. Сизларнинг бир-бирингизга бўлган оқибатсизлигингиз салтанат учун балки Темурдан-да хавфлидир, – деди ота ўғлига ғамгин тикилиб.

– Бироқ бундан сўнгра салтанатга берилажак ҳар қандай зарба ҳам Анқара мағлубиятидан мудҳишроқ бўлмаса керак, – дея жавоб қилди Мусо ерга қараганча отасига юзингда кўзинг борми демасдан.

Султон Йилдирим Боязид оғир хўрсинди. Вужудини совуқ тер қоплади. Бундай ҳаётдан кўра ўлим афзал дея ўйлади ичида яраларини тимдалаётган ўғлининг юзига ҳам қарамай. Не гуноҳларим учун яратган мени бу қадар азоб-уқубатларга дучор қилди? Не интиҳо билан тугар экан бу муаллақ ҳолат? Қайси томонга қараб юрмасин жарликдан чиқаётир. Ота инқирози ўғиллар кўнгли тубидаги ҳукмдорлик ўтини алангалатди. Беш нафар ўғил ҳам ўнгию тушида ўзини отасининг тахтида кўраётган бўлса керак. Тахту султонлик эса битта!

– Ота-боболаримиздан мерос тузук сенга ва бошқа барча қардошларингга маълумдир. Усмонли тахти энг кучли ва энг ақлли шаҳзодага тегишлидур! Шунга кўра тақдирингни кўр! Мен энди қайтиб Султон Йилдирим Боязид бўлмайман! Бўлолмайман! Неча кунлик умрим қолган бўлса, тоат-ибодат ва тарки дунё қилиб ўтказмоқчиман! – деди



бўғиқ овозда суҳбат якун топганига ишора қилиб султон ота.

– Бўшашманг, ота. Темур қайтиб усмонли тахтини сизга бермоқчи! Ўз оғзи билан шундай деди, – шаҳзода ўнг қўлини пахса қилганча, отасининг кўзига тик боқди.

Боязидхон хаёл сурганча ўғлига узоқ тикилиб қолди.

– Мен ағдарилган, фатҳ этилган тахтга қайтиб ўтирмайман, ўғлим! Буни ҳеч қачон унутмагин! Ўтирсам-да энди султон ўлмасман!

Султон шундай деди-ю, кўзидан дувиллаб ёш қуйилди. У йиғламаётган эди. Юзида афсус-надомат, барбод бўлган, емирилмоққа юз тутган шону шавкат, ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлганлик ҳис-туйғулари қоришиб қотиб қолган ҳайкалга айланган эди. Бир муддат қаршисида ким ўтирганини ҳам унутди. Лаблари маъносиз пичирларди.

– Темур билан кўришганда унга бундай деманг. Тўнини тескари кийиб, ҳеч биримизни ҳокимиятга йўлатмай қўймасин, – яна овозини баландлатди Мусо.

– Темур ила не шаклда қўнишмоқни ўзим биламен. Бор, сен истироҳат эт! Чарчаган кўринасан, – деди султон ўрнидан қўзғалиб ва шартта бурилиб оқ чодирга кириб кетди.

Бу одамнинг на яратган, на пайғамбар ва на одам зотининг сўзига қулоқ солмай қўйганига анча бўлди. Шу боис ҳам бошига мана шу фалокатлар тушиб ўтирибди, ўйлади ўсал бўлиб шаҳзода. Бу гирдоб охир-оқибат барчамизни ўз домига тортиб кетмаса эди. Киши тасаввур этмаган фожиага дучор бўлса, йўлидан адашиб, бечора бир бандага айланиб қолади. Ҳаётда оёғинг бир тоймасин экан. Бечора отамнинг боши айланиб қолибди. Кимсани кўрарга кўзи йўқ. Бундан буён у билан гаплашмоқ ҳам оғир кечади, шекилли.

– Ассалому алайкум, шаҳзодам! – орқа томондан овоз келди.

Шаҳзода чўчиб тушди. Ним қоронғида Анқара қалъаси кутволи амир Ёқубни зўрға таниди.

– Кимсан? Ёқубмисан? – бехос чўчиганидан аччиғланиб

сўради Мусо.

– Ҳа, шаҳзодам, Ёқубмен!

– Сен ҳам асир тушдингми?

– Йўқ, улуғ хоқон ҳузурига ўз хоҳишим ила келдим. Укишим эса мени Султон ҳазратлари ёнида бўлиб туришимни буюрдилар, – жавоб қилди қутвол шаҳзоданинг тажанглигидан энсаси қотиб.

– Яхши қилибсан. Сурув-сурув асир тушганлар, сотилиб ўтиб кетганлар етмай тургандек, ўз хоҳишинг билан қул бўлиб, маъқул иш тутибсан, – кесатди амир[1] заҳархандалик оҳангда.

Ёқуббек қутвол индамади. Шаҳзодага жавоб қайтарса бир гап икки бўлиб, калава чувалашиб кетар, бу ғавғо хоқонга ҳам етиб, султоннинг туруми оғирлашар эди.

– Ўзингизни босинг, шаҳзодам, ҳозир бу хусусда баҳслашадиган, бир-биримизга аччиқ-тизиқ гап-сўзлар қиладиган фурсат эрмас. Темур салтанатимиз курагини ерга текказган бўлса-да, бизни маҳв этишга азми қарор қилган ашаддий хавфли душман эмас. Бугун бўлмаса эртага юртимизни ўзимизга қолдириб кетади, – деди босиқ овозда Ёқуббек қутвол шаҳзодани вазминликка даъват этиб. – Мени сўкмоқ ёки урмоқ билан ҳеч бир муродингиз ҳосил бўлмайди. Қайтамга биргалашиб, падари бузрукворингиз кўнглини олайлик, дардини енгиллатмоқ чорасини кўрайлик. Султон ҳазратларининг аҳволлари оғир, ҳалибери ўзига келадиганга ўхшамайдилар, – қўшиб қўйди шаҳзоданинг юзидаги ўзгаришни зимдан кузатар экан. – Сиз ҳали жуда ёшсиз...

– Кечир, Ёқуб. Менинг ҳам руҳиятим жойида эмас. Еганим ичимга тушмайди. Ғоят паришонхотирман. Отам билан ҳам гапимиз айри чиқмоқда. Сен ҳам менга танбеҳ бераётирсан. Демак, мен ноҳақ ва аҳмоқман ёким сизлар

[1] Усмонли салтанатининг барча шаҳзодаларига бир беклик берилиб, улар амир, яъни бек унвонига эга эдилар.



йўлдан адашгансиз. Бошим қотиб қолди. Киши бошига катта фалокат тушса шундай бўлар экан. Айниқса, уянинг узангида туриб, фожиага дуч келсанг. Болага ўхшаб экан одам, – ерга тикилганча йиғига ўхшаш овозда гапирар эди шаҳзода Мусо. – Биз Темур билан тўқнашиб, бовар қилмас хатога йўл қўйдик. У неники истаса рози бўлмоғимиз, сулҳу англашма йўлидан бормоғимиз керак экан, – чуқур уф тортди шаҳзода.

– Бу гапингиз тўғри. Бироқ султон ҳазратлари, сиз шаҳзодалар ҳам сўнг замонларда ҳеч кимнинг сўзига қулоқ солмай қўйдингиз. Оёғингиз остида ер борлигини унутдингиз. Жазо эса меъёридан ортиқ бўлди. Бироқ яратганга бир айтганимиз бор эканким, ғайридин хочлилар каби ўлдирилмадик. Темур ҳам Рум Қайсарини асир олганидан у қадар мамнун бўлаётгани йўқ. У билан ҳалол, очиқ-ойдин келишмоқ ва муносабатда бўлмоқ лозим. Мулоқотда не қадар ўйин қилинса ёким адолат тарозиси бузилса шунчалик ютқазаверамиз.

– Мен ҳам хатоларимизни бор бўй-басти ила англаб, улар устида кўзёши тўкиб ўтирибман, – деди алам билан Мусо ўрнидан туриб кетар экан. – Ҳолатимиз чўҳ ёмондур. Бугундан эрта не бўлишини кимса билмайдур. Сулаймон бошлиқ қардошларимиз эса ота хазинасини тезроқ қўлга киритмоқ учун Бурса сари от қўйганлар деб эшитдим, – деди ўзи учун ажратилган чодир томон юрди шаҳзода оҳиста қадам ташлаб.

Анқара қутволи беихтиёр, унга эргашди. Амир Боботурк тайинлаган мулозимлар чодирни шоҳона безатиб, хонтахта устини хўл ва қуруқ мевалар, иссиқ нон, асал каби нознеъматлар билан тузаб қўйган эдилар. Амир Мусо суфрадаги ғалати қора кишмишга узоқ тикилиб қолди.

– Ана у қуруқ узумми? Не қадар катта ва ғаройиб, – деди мавзу ўзгарганидан бироз енгил тортганини яширмай қалин кўрпачага ўзини ташлар экан.

– Бу қора кишмиш узумнинг майизи. Бунинг устига чекирдаксиз. Бундай майизлар фақат у тарафларда, ота

турк юртида етишади, – шаҳзоданинг гапини илиб кетди Ёқуббек. – Буюк боболаримиз ана шундай боғ-роғлар ва жаннати мева-чевалар юртини ташлаб, бошпана ахтариб, бу ўлкаларга келиб қолганлар. Бу худудларни қилич ила қўлга киритдик. Эсини таниган авлод борки, уни ҳимоя этмоқ мажбуриятида. Фаҳм этишимча, биздан сўнгги насллар ҳам фақат савашиб ўтсалар керак. Боиси, ёри ва диёри гўзал инсоннинг душмани кўп бўлади. Темурбек султон ҳазратларига жуда ғаройиб ва ҳақ бир сўзни айтибдилар.

Майизни кафтлаб оғзига солаётган шаҳзода бир зум чайнашдан тўхтаб, қутволнинг оғзига қаради. Ёқуббек унинг анчадан бери емак кўрмаган лаблари қуруқшаганини, кўзлари ичига тортиб, буғдойранг юзи қорайиб кетганини пайқади.

– Улуғ хоқон не демишлар? – деди титроқ оҳангда, муҳим бир гапни кутаётгандек кўзларини катта-катта очиб, ағрайганча қутволга тикиларкан.

– Сиз учун бу тупроқда яшаб қолмоқнинг бирдан бир шарти ҳар қандай жангу жадалда енгмоқдур дебдилар! – жавоб қилди Ёқуббек.

– Тўғри сўйлабдир, – деди майизни чайнашда давом этаркан амир Мусо. – Салтанатни элда тутмоқ ва юритa билмоқнинг бош ва ҳал қилувчи шарти шудир! Улуғ хоқон бизга шундай демоққа маънан ҳақлидур! Ул кишимнинг урдусидан енгилиб, қўлларига ота-бола асир ўлароқ тушганимизга қарамай бу Темур дегани тўрт томонимизни ўраб турган эски рақибларимиз, арабу армани, сербу форс, юнону гуржининг олдида авлиёдир. Бизга дўст ва қардошча давранмоқда. Бугун мен у билан илк бор учрашдим. Учрашувдан олдин қўрқув ва таҳликадан юрагим қинидан чиқгудек бўлаётганди. Қаршисига келганимда бошим айланиб, кесилган теракдек қулаб тушишимга бир баҳия қолди. Оллоҳ мени бу шармандаликдан қутқарди. Анчагача тилим калимага келмади. Аранг ўзимни қўлга олдим. Жуда сусти босди мени. Икки елкамга иккита тегирмон тоши



...лгандек эди. Сўровларига жавоб берар эканман, гапим... ...қотиб қўя бошладим. Бу руҳий босқи ҳамон вужудим... ...лаётгандек.

...шанганча ўй босиб сўзини тугатган шаҳзода имо ...лан қутволга бурчакда қатор турган кўза ва биллур ...ларни кўрсатди.

Ҳар ҳолда биронтасида шароб бордир. Шарбат ёким ...мкан. Қани куй-чи, – деди ёқимли ҳид таратаётган нон... ...синдираркан. – Шарбатдан қуй. Шароб ичсак, хоқон ...шириб қолса айб бўлар.

Қутвол икки каттакон косада шарбат келтирди. Шаҳзода ...кўзи билан имо қилиб, ҳамсуҳбатини дастурхон... ...таклиф этди. Ўзи эса ютоққанча майиз билан нон еб, ...шарбатдан тез-тез ҳўплади. Қутвол иймангaнча нонга қўл ...тди.

Бирор коса шарбат ичгулик муддат ўтмади. Чодир эши... ...мусофирлардан хабар олгани келган амир Боботурк ...ринди. Ўтирганлар ўрниларидан туришди. Темурий амир ...йига тиз чўкди. Мезбонлар қанчалик даъват этмасин, ...рга ўтмади.

Туркман тўрини бермас деган гап бўлмасин. Сизлар ...ни хурматли қўноғимизсиз. Қўноқ қўноқдан улуғ. Не ...матлари бўлса тортинмай буюраверсинлар, Мусобек, – ...ли амир Боботурк самимий оҳангда. – Мен ҳам саҳардан ...ри туз тотганим йўқ. Ижозат этсангиз насибангизга ше... ...бўлсам, – дея сўзида давом этди амир янги нонни уша... ...шаҳзода ва қутвол олдига қўяр экан.

– Тўрни бермаслик тўғрисида ғалати нақл айтдингиз, ...мир жаноблари. Эшитмаган эканман. Биз ҳам туркман ...қайи аймоғиданмиз. Устозим Шарафуддин Торо...гининг қайи аймоғиданмиз... ...элу элатлар хулқини изоҳ этгувчи бу каби мақолларни ...айтар эдилар, – деди шаҳзода темурий бек билан сами... ...муносабат ўрнатмоққа киришиб.

– Мен бу каби ибратли ота сўзларини қайд этиб юраман. ...Ю, балки минг йиллар мобайнида сайқалланиб, инсоният

закосининг энг яхши мевалари сифатида бизгача етиб ке-ган бу жумлаларда бутун бошли бир тарих, у ёки бу қавм қабиланинг феъл-атвори мужассамдир. Бу сўзларни ҳақор кабы қабул этмаслик лозим. Уни бағрикенглик билан кусу ўлароқ қабуллаб, хулоса чиқармоқ ҳаракатида бўлган жа моалар юксаладилар. Таҳқиру камситиш сифатида қабу этиб, ўз нуқсонлари ҳақида ўйламаган такаббур киши ва қавмлар, эски тос эски ҳаммом қабилидаги жоҳилона, қолоқ ҳаётларини яшайверадилар. Киши ўзини такомиллаштирган каби улуслар ҳам ўзлигини миллат ўлароқ шакллантирмоқ бобида мужодала этмоқлари жоиздир.

– Сўзларингиз жуда маъноли ва теран, муҳтарам бек. Си каби очиқ кўзли ойдин бир шахсият ила танишмоқдин мут-лилик туйдим, – самимий эди усмонли шаҳзодаси.

– Менда сиз-ла танишиб, яқинлашмоқдин шараф туя-дурман, – деди амир Боботурк суҳбатга қўшилиб усмон-ли туркчасида бенуқсон гапираркан. – Назарда тутганин-гиз ота сўзларини айтинг-чи? Бизнинг кўп мақолу матал-ларимиз айнан бир хил ёхуд бир-бирига жуда яқин. Сўнгра муҳтарам Ёқуббек биродаримиз сўйласинлар.

– Устоз шул нақлларни такрорлардилар. Араб, етган жойи хароб. Татар бор жойда хатар бор. Туркнинг ақли тушдан кейин киради. Афғон бор ерда ғавғо бор. Туркнинг ақли қочганда киради. Чакмонни бузсанг бўрк чиқмас, тур-кманни тузсанг турк чиқмас, тозик[1] тозикди топар, қирғиз қирғизди чопар, арманидан дўстинг бўлса, душманнинг ке-раги йўқ, – дея нақлларни қаторлаштирди шаҳзода.

– Армани ҳақидаги нақлдан бошқаси бизда ҳам бор. Бу миллат биз томонда яшамайди. Бироқ улар ҳақида эши-тардик. Бу юртларга келиб кўрдик. Яҳудийнинг кичик қардошига ўхшаш бир қавм экан. Сўйладигингиз сўзларга туркманни туртмасанг билмас, ўтнинг ёмони анғит, одам

[1] Тоз, тозик деб бу пайт ва худудларда боскинчи араб галалари назарда тутилган.



...нинг мангит, ўзбак ўз оғам, сарт садағам, ўзбак ўзбакни ...р, туркман туркманни туяр кабиларни қўшимча қилиш ...мкин. Феъл-атворларидаги ана шу кусуру нуқсонлар ту-...йли халқлар ўзаро англашмоқда қийналиб, бир-биридан ...нгир бўлиб юради.

...фикрини якунлаган амир ҳадеб биз сўзлайвермайлик, сиз ...ам гапиринг деган нигоҳда Ёқуббек кутволга қаради.

...Эсини танигандан бери қилич сермаб от чопган бир ...ворийдан не гап ҳам чиқар эди, амирим, – деди мутавозе ...ол ҳазин овозда.

...Буюк наҳрлар теран ва сокин оқади, Ёқуббек. Биров ...иб, ўқади. Бошқа бир киши кўриб, билиб тажриба орт-...иради. Буни бизда гирди сарой ёки гирди мактаб дейдилар. ...тарлигингизни юксак қадрлаган ҳолда, қулоғимиз сизда.

...Бир оғиз сўзлари, амирим. Билганларимни сўйлайин ...улмаса. Шомга кетаётган чин карвонини кўриб борган-...мизда йўлбошловчилар орасида Аврам деган бир жуҳуд ...буларди. Барча бирдек унинг оғзига қарар ва айтганини ...иларди. Шунда мен жуҳуд деганининг чину ҳинд, мусул-...мону насронийни истаган пайтида оғзига ип ўлчашини, ...Нилу Иорданга элтса-да, сувсиз олиб қайтишини ан-...гладим. Ҳамма ундан маслаҳат сўрар, баҳсу муаммолар ...унинг чодирида ечимини топар, ҳаммага ақл бўларди. Шаҳзодамизнинг устозлари каби у ҳам жуда кўп нақлу ...мақолларни билар, икки жумланинг бирида халқ ибора ва ...ҳикматларини қўшиб гапирар, кўрмаган юрти, билмаган ...балоси йўқ эди. Бизнинг яҳудийлар пул топса, хотинини ...кийинтиради. Мард қаритмас хотинин, эр қаритмас отини ...деб қўярди. Тожик топса тош (тилла) қилади. Сарт там са-...лат, қозоқ қатин алат дер эди ўша элларнинг тилида. Ўзиям ...ўн-ўн беш тилни билади. Энг ғалатиси мусулмонлар ке-...либ қуръон сураларининг тафсирини ундан сўрар эдилар. ...Нафақат мусулмонлар, насронийу ҳиндулар ҳам шариа-...ту тариқат йўл-йўруқларини ундан сўрашарди. У бир куни

мадиналик тужжор Абдужалил Бадавий билан айтиш
қолди. У Аврамни чопиб ташламоқчи бўлди. Карвонбо
орага тушиб, аранг жонини сақлаб қолди. Воқеа тафси
тини сўнгра эшитдик. Бадавий унга: «Оллоҳнинг тек я
на, ҳақ дини бизнинг дин дебди. Яҳудий эътироз билдир
энг эски ва ҳақиқий дин бизники, биз дину иймонга со
бўлганимизда сен жоҳиллар қиз туғилган чақалоқларни т
риклай кўмиб, синглингга уйланиб, йиллаб ювинмай юр
эдинг. Китобингдаги йигирма тўрт сурани инжилдан ол
сан. Қолганларини бир яҳудий ёзиб берган. Пайғамбари
ўқиш-ёзишни билмаган бир киши бўлган. Сен саҳройил
ўзгалар ҳисобига яшовчи текинхўр бир ёввойи қабила
Одамлар оч-яланғоч бўлса-да сарсону саргардон йўл юр
ҳожилик умидида, сен хотинбозларни боқиши керак! Таг
ҳам гапирарга оғзинг борми?» дебди. Жанжал шунд
чиқибди.

Икки амирни оғзига қаратганидан илҳомланган қутво
ҳамон ҳангомани оларди.

– Энг қизиғи, қай бир карвонсарой, хан, ҳисор ё
ёмга тўхтамайлик, этакроқда араблар қўнадиган алоҳи
ҳужралар бўларди. Яшаган хоналарини бош суқиб бў
майдиган даражада искиртини чиқариб ташлашлари туфа
ли уларга хос, саранжом-саришта одамларга қўймас эди
лар. Улар бундан хафа ҳам бўлмасдилар. Бу ҳолатни кўри
Аврам яйрар, "кўнгилларингни бузманглар, бу тошмеҳ
қавм ҳали-бери одам бўлмайди. Агар одам бўлсалар ҳа
ўзгалар ҳисобига эришадилар. Фаҳм-фаросат сўзини
ҳам арабча эканлигига ишонмайсан киши. Ёқа ушлайди
ган томони шундаки, бирор ишни қилмоққа ўзларини
ақл-идроклари етмагани ҳолда тентак тўрини бермас деган
дек, тўғри маслаҳатга ҳам қулоқ солмайдилар. Қону жо
ила кирган қусурни балоға қолиб бечора тупроқ тўғрилар
экан" дер эди ҳаммани оғзига қаратиб. Ҳеч ким ақли
ҳушини бошига тўплаб, лаб-лунжини йиғиштириб унга дат



...фи жавоб қайтара олмас эди. Бу жуҳуд дегани худонинг
...риб турган балоси бўлар экан. Шундан сўнгра бу каби
...витис масалалар муҳокама этилганда сукут сақлайман
...вуд сирғалиб чиқиб кетаман, амир жаноблари. Очунда
...ни каби дунёни ўзгача англаб, ҳамма нарсани тушунган
...вола, ҳаммани кечира биладиган бағрикенг шахсиятни
...ини кўриб турибман. Сиз ҳақингизда амир шайх Рама-
...ни сўзлаб берган эдилар. Ёзиқни қарангки, Оллоҳ насиб
...тиб, суҳбатлашиб ўтирибмиз. Сўзимда камчиликлар бўлса
...кусурга боқмагайсиз, шаҳзодам ва амирим, – ғоят мутавозе
...ли Ёқуббек қутвол.

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! – деди амир Боботурк
...ижолатдан терга тушиб қизарганча. – Киши не қадар ўқиб
билим орттиргани сари шу қадар кам билганини ҳис эта бо-
ради, қутвол жаноблари, – дея Ёқуббекнинг сўзларига изоҳ
бермоқчи бўлди амир. – Бизнинг саройимизда Исҳоқ исмли
ғоят ақлли ва иш билган бир мусавий киши қўл остида ўн
чоғли яҳудий ишлайди. Уларни йўлга солмоқ ва сўзингизни
тинглаттирмоқ учун ақли идрок, тадбиру такбирда мутлақ
устун бўлмоғингиз шарт. Акс ҳолда улар сизни одам ўрнида
кўрмайдилар. Улар фақат куч ва зако олдида мулла мин-
ган эшакдек бўлиб юрадилар. Ораларингиздаги бирорта
мусулмон ёки насронийу буддавий унга шундай демоғи
керак эди. Ўзга динларни дин, бу динларга мансуб одам
ва элатларни халқ ўрнида кўрмаганлигинг боис, мулку дав-
латинг заволга учраб, қавми қабиланг дунёнинг тўрт тара-
фига пароканда бўлиб кетган. Бугунги кунда на юрту дав-
латинг, на подишоҳу бошкентинг бор. Кўргулигинг, феъл-
атворларингга яраша, халқинг сенга ўхшаб дунё салтанат-
ларига югурдаклик, керак бўлса, айғоқчилик қилиш билан
овора. Дин ва халқларни бир-бирига гиж-гижлаб, оламга
ҳоким бўлмоқчи эдиларинг. Акси бўлиб чиқди. Менинг
фикри ожизимча, бу эл кишилари қаерда бўлмасин нон еб
турган эл-юртга нисбатан юзда-юз дўстлик мақомида тура

олмайдилар. Айниқса, уларни ўлкаларидан бадарға этган насроний ва мусулмонларга нисбатан ички бир душманлик руҳида яшайдилар. Буни улар яшаган юртларнинг халқлари ва ҳукмдорлари ҳам яхши биладилар. Шу туфайли бу мамлакатларнинг йўлбошчилари алардин халос бўлмоқ учун охири бир кун ўзаро англашароқ, чиққан ерига тиқиб, келган юртларига қувадилар, – дея фикрини баён этди Боботурк энди сизни тинглаймиз дегандек шаҳзодага қараб.

– Сайин қутволимиз жуда ғалат гапларни айтдилар. Сўзингиз тугамаган бўлса фикрингизда давом эта билурсиз, – дея Ёқуббекка мурожаат этди шаҳзода Мусо унинг ҳикоясидан таъсирланиб. – Ҳеч эшитмаганим гаплар.

– Қуллуқ, шаҳзодам. Менинг гўзал қўниша билмоқ салоҳиятим чўҳ тушукдир. Жумлаларим узуқ-юлуқ ва тўпол чиқса айбга буюрманг.

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! Қўниша билурсиз. Не демак. Ҳақми, ноҳақми, тўғрими, янглишми ҳар касининг ўз фикрини ифода эта билмак ҳуқуқини кимса синирлай олмайди.

– Ўша карвонда Серхио деган бир насроний ҳам бор эди. Аврам иккаласи бўш қолди дегунча баҳслашиб, талашиб-тортишарди. Эшитганларнинг айтишича, Серхио унга “Сени сотқин Яҳудонг бизнинг Исо пайғамбарнинг ёнида хизмат қилиб юриб, гап-сўзларини қотил подшоҳинг Понтий Пилатга етказиб турган. У эса Исони чормих этмоққа буюрган. Бунга жавобан Аврам: “Сенлар аҳмоқсан ва аҳмоқлигингча қоласан. Сениям, мусулмонларнинг динини ҳам, динимизга кириб бузмасликларинг учун биз ўйлаб топганмиз. Бошимни қотирма” дер экан. Улар бу каби баҳси мунозаралардан сўнг ҳам орадан ҳеч гап ўтмагандек апоқ-чапоқ бўлиб, бирга емак еб кетаверардилар. Фақат бизнинг мусулмонлар билан бу каби мавзуларда суҳбатлашиб, баҳслашиб бўлмас, бундай мунозаралар мудом қон тўкилиши ёки жон чиқиши билан ниҳоя топарди. Сал ўзгача фикрлаган кишини эшак ўрисига чиқариб бад-



...ом этмоқ бизда одат тусига кириб қолган...

Афсуски, ҳозир ҳам шундай, – деди қутволнинг ...зларидан ҳайратга тушган шаҳзода.

Амир Боботурк миийғида кулганча усмонли шаҳзодаси ва амирининг суҳбатини тинглаб ўтирарди.

Суҳбат кутилмаган мавзуга оғиб кетган, содда ва дўлвор Ёқуббек кутилмаганда икки суҳбатдошини ҳам ҳайратга солган эди.

– Йўл-йўлакай шундай ғалати воқеалар юз берардики, бирини айтмасам бўлмас, – илҳомланиб кетиб сўзида давом этди қутвол. – Биласизми, карвоннинг энг муҳим муаммоси – керак пайтда сув бўла билмоқ. Араблар бунинг ҳам чорасини топган эканлар. Улар қариган туяларни ҳафта, ўн, ҳатто ўн беш кунлаб сув ичирмай, йўлга чиқиш олдидан суғорар эдилар. Бир туя бир ярим ботмонгача[1] сув ичаркан. Сувга эҳтиёж туғилганда эса шу туялардан бирини сўйиб ошқозонидаги сувни мешларига тўлдириб олардилар. Гўштини ердилар, – ҳангома берарди Ёқуббек.

Икки амир ҳам шу пайтгача мум тишлагандек ўтирган қутволнинг ғаройиб ҳикоясидан ҳангу манг бўлганча унинг оғзига қараб ўтирарди.

Мавзунинг бошқа томонга бурилиб кетганидан ҳайрон бўлган шаҳзода томоғини қириб қўйиб, гап бошлади:

– Юқорида сиз айтган фикрга айнан қўшиламан, муҳтарам бек жаноблари, – деди қутвол фикрига не қўшимча қилишга ақли шошган хонзода бекка қараб. – Устозим Туроннинг Тороз деган шаҳридан эдилар ва пири Туркистон ҳазрати Яссавий ҳақида мароқли ҳикоялар қилардилар. Ислом дини араб саҳроларида туғилган эрса-да, Турон заминида илдиз отиб, барқ уриб яшнади дея ифтихор ила сўзлардилар. Қиблагоҳимиз таълимотига кўра биз шаҳзодаларга фақат Турону Хуросондан келган турк мударрислар сабоқ берарди. Фурсати келган эркан, сиз амир жанобларига бир сўров ила мурожаат этсам. Бу борада шу

[1] Бир ярим ботмон – қарийб 320 кг.

пайтгача ҳеч кимдан жўяли бир жавоб ололмадим.

– Буюринг, шаҳзодам. Билсам мамнуният-ла жавоб берурман.

– Юқоридаги бир нақлда қайд этдигимиз Дашти Қипчоқ хони султон Муҳаммад Ўзбакхон, ул кишимнинг оти ила юритилгувчи улус ҳақида озми-кўпми маълумотга эгаман. Бироқ сарт деган қавм ҳақида ҳеч бир билгим йўқ. Эшитишимча, сарт деган тоифа сизлар тарафда яшар эмиш?

– Сарт деган алоҳида бир миллат йўқдур, шаҳзодам. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғатит турк” китобида ҳам бу сўз бордур. Маъноси қадим туркчамизда қаттиқ пишиқ демакдир. Шаҳарларда тижорат, савдо-сотиқ билан шуғулланган кишиларни уруғ аймоғидан қатъи назар кўчманчи туркларимиз сарт деб атаганлар. Тижорат билан эса асосан форсий тилли қавмлар машғул бўлишган. Табиийки, улар савдо-сотиқ давомида қаттиқ туриб, талашиб тортишишган. Яъни сартлик, қаттиқлик қилганлар. Шу туфайли уларни ўз-ўзидан сарт кишилар, сартлар дея номлаганлар. Бу калима шаҳарда яшовчи савдогар табақани ва бу мол ва ашёларни ишлаб чиқарувчи тоифани англатган.

– Ғоят ишончли оҳангда англатдингиз, амир жаноблари, – серилтифот эди усмонли шаҳзодаси. – Ҳа, устоз яна бир мисра шеърни такрорлар эдилар. Туркийдадир иймоним, форсийдадир гумоним...

– Сўйлаганингиз байт ҳазрат Яссавийдандир, – жавоб қилди амир шаҳзоданинг очиқ кўнгиллигидан завқланиб. – Бироқ биз улуслар ҳақида айтилган турли танқидий маънодаги мақолу ота сўзларидан хулоса чиқариб, бутун бошли халққа шундай кўз ила қарашимиз тўғри эмас. Ҳар бир миллатнинг оқилу доноси, жоҳилу нодони ва яхши-ёмони бўлади, шаҳзодам.

– Табиий, табиий, бек жаноблари. Зотан шундай. Ҳар бир киши феъл-атворида нуқсону қусур бўлганидек, элу элатлар ҳам бундай эксикликлардан холи эрмаслар. Масалан, биз



...ганлилар ҳис-туйғумизга эрк бериб, еник тушиб, бугунги ...ниб мағлуб турумда ер чизиб ўтирганимиздек, эрон...лар ғоят қасоскор, коса лаби каж келса бурилиб кетади... қавм келадилар, – фикрини баён этарди шаҳзода.

Ҳақсиз, шаҳзодам. Шу ўринда ижозатингиз-ла бир ху...да ўз фикримни баён этсам.

Буюринг, буюринг, амирим. Сиздек билимли, кўзи очиқ ...ният ила кўнишмоқда, суҳбат этмоқда ғоят мароқлидир.

Кўнишаркан, биз усмонлилар дея зикр этдингиз. Беш ...минг санадирки, чину ҳинд, эрону юнон, арабу ажамлилар ...ни ўз манбаларида турку туркман ўлароқ баҳс этадилар. Биз эса улусимизнинг неча минг йиллик отини унутиб, ўзимизни салжуқлар, қорахонлилар ёхуд сиз айтганингиз каби чиғатой улуси ёки усмонлилар, оққўйунли ёки қорақўйунли дея атаймиз. Ҳокимият тепасига келган кучли ...нону сулола борки, элни ўз номи билан аталишини истайди. Бу ҳолат эса ўз-ўзидан миллатлар бошини қўшмай, ...йиради. Ҳиндистонда бўлганимизда Деҳлидаги султон саройидаги жуғрофий харитада бизнинг Турон давлатимиз номи “Барлос турклари давлати” дея ёзилган экан. Буни кўрган хоқон ҳазратлари “бу ерда барлос сўзи ортиқча, биз бутун турк элу элатлари, қолаверса, Турон юртида яшагувчи арабу тожик, мўғулу мўлтони бўлсин – барча қавму қабилаларнинг давлатимиз” дегандилар. Боиси, барлос сўзи ҳам мўғулча. Улар қиличини мунтазам қинидан чиқариб ...лида тутиб юрган бир халқни барлослар деб атаганлар. Ҳом сут эмган биз бандалар, ота-бобомиз исми бўлган турк сўзини унутиб, улус номини ўз отимиз ила атамоқ истаймиз. Бу кўнуда сизнинг фикрингиз ўзгача бўлиши мумкин. Мен жон қулоғим билан тинглагайман.

– Сиз амир жаноблари фикр билдирганингиз хусус ва масалада ҳеч бир изоҳу қўшимчага ўрин қолдирмас экансиз. Сиз каби соғлом заколи кишилар ёнида бўлганлиги учун ҳам хоқон Темур ҳазратлари бу қадар юксакликка кўтарилган эканлар. Устоз Шамсуддин яна бир нарсани қайд этар эди-

лар. Араблар босиб келиб, бизнинг ёзувимиз, тарихими миллат эътиқодимизни хароб этдилар. Биз улардан илг ҳам бир Тангрига сиғинардик, дердилар. Ул кишимнинг каби сўзлари шайхулислом ва бош қозининг қулоғига ет қиблагоҳга арз этдилар. Бироқ отам устозимнинг бурни қонатмади. Болқон ўлкаларига ноиб этиб тайинладилар.

– Устозингиз оқни оқ, қорани қора дея билажак даража оқил ва жасур эканлар. Бизнинг хоқонимиз ана шундай ки шиларни топиб танлаб, хизматга оладилар.

– Сизларга тан бермай илож йўқ. Ҳар ишда, ҳар бир ту тумингизда мукаммалликка интилганингиз боис барчад устунликка эришгансиз. Қани энди отам мени хоқон саройи юборганда эди. Фаҳмлаб турибман. Айни дамдаги турум миз мутлақо ўзгача бўлажакди. Бизнинг баъзи жоҳил му сулмонлар ўз нодонликларини кўр-кўрона тангрига тўнка келадилар. Бу аҳмоқона ёзиқ ва қисматга ўзининг бефаҳм бурнидан нарини кўрмасликлари сабаб эканлигини ўйлаб мушоҳада этмоққа-да идроклари етмайди. Чалажоҳил чаламулла бир ҳовуч диндорларимиз эса худою пайғамбар номидан иш кўриб, зиғир каби хат-саводлари билан худо нинг борлигини исботлаш пешида. Гўёки худонинг кун шу, эплаб иштонбоғини боғлашни билмаган саводсиз қолгандек. Устозим билан ўша чаламуллалар орасида яна бир хархашаю жанжал бўлган эди...

Шаҳзода айтаверайми дегандек амир Боботуркга қа раганча атрофга аланглади.

– Айтаверинг. Бизнинг қўшинимиз сафида ҳеч бир худо га инонмаган, динсиз кишилар ҳам бор. Хоқон ҳазратлари бу каби нозик масалаларга кенг нигоҳ ила қарайдилар. Фақат ушбу одамлар мусулмону насроний, яҳудийу сингх ёки бошқа динларга мансуб кишиларнинг эътиқодий туйғуларини ҳақорат этмаслиги, менсимай муносабатда бўлмаслиги керак.

– Вах! Нақадар гўзал! Қалби ва руҳи озод бўлмаган инсон ҳеч қачон тўлақонли одам ўлароқ яшамайди. Қай бир динга



...уб ўлмасин, бу дин ўша кишини ўзининг темир панжара... сақлайдими, бундай улуслар тараққий топмайди. Аф... улусларимизда жоҳиллик ва ваҳшат учраб туради. Булар ... этагига намоз ўқийдигани йўқ, дер эдилар устозим ... фалакка чиқиб, – ҳангама берарди шаҳзода. – Устозим ... муллалар ўртасидаги мунозаша шундан иборат эдики, ул ..., қиёмат қойим, жаннату дўзах дея жавраб юрадиган ...га "Модомики, жаннатни бу қадар севар экансан, нечун ... номаъқулнинг нонини еб юрибсан? Бор ўша ёққа, ...лар. Ул киши эса шариат қозисига мурожаат этди. Устоз ... ҳузурида ҳам шу сўзларини такрорладилар ва Оллоҳдан ..., ваъз ўқиган кишига шундай дедилар. "Менинг қалбим ... этган ва виждоним таниган ҳақ бор. Бироқ у сенинг ху...нинг каби эрмасдур. Бошимни қотирма. Мансур Ҳаллож ... ўтда ёқдирсанг-да сўз ва ҳақимдан воз кечмайман. Сени ...ламжак, ҳаётида икки сатр ёзувни ўқимаган жоҳилларга ...ганнинг қадар ирод эт бу нутқингни".

Сўзини тугатган шаҳзода яна хавотирли нигоҳда аланг...ланг бир эшик тарафга, бир амир Боботуркга қарарди.

– Сўзингизда давом этинг, шаҳзодам. Ҳақиқат баҳсу му...нозараларда туғилади. Бу дунёда барча бирдек тўғри фикрла...ганда эди, турумимиз мутлақо бошқача бўлур эди. Давом этинг.

– Устозим Болқонга кетар чоғлари, "Умр деганнинг қуш уйқуси каби қисқа эканлигини киши ҳаёти бир манзилга етиб қолганда англар экан. Унгача эса ўлмайдигандек дав...раниб, парвонадек ўзини ўту чўққа ураверади. Бу борлик ...лида йўқликдан иборат сўнгсизликдир" дедилар кўз ёш...лари ила мени бағрига босиб.

– Бу мавзуларда бафуржа суҳбатлашмоғимиз жоиз эркан, шаҳзодам. Истасангиз устозингизни хоқон ҳузурларига чор...лашимиз, ризо бўлсалар ота юртлари Торозга олиб кети...шимиз ҳам мумкин. Устозингиз том маънода дунёвий илм...ларни эгаллаган, ҳаққа етган комил шахсият эканликлари таърифингиздан белгилидир. Ул кишим-ла танишмоқ биз

учун-да буюк бир шарафдир, – деди амир самимият-ла.

– Бошим устига, мухтарам амирим. Ул кишимни хон хузурларига чорламоқ фикрингиз ҳам фавқулодда муҳим аҳамиятлидир. Зотан, устоз ота юртга дўниб, Самарқанд Бухоро дорулфунунларида сабоқ бермоқни орзу этар лар. Оқил киши оқиллар даврасида бўлмоғи лозим. Жоҳ нодонлар орасида у олабўжига айланиб қолади, дерди – бекнинг таклифидан кўнгли ёришиб кетган меҳмонни

– Англашдик, шаҳзодам. Эмди суҳбатимизга бир муд ора бериб, аввал иқтисод, сўнгра сиёсат деганларидек, би емак-ичмак иши ила урашайлик, – деди мезбон бек шаҳз ва қутволни яна бир бор дастурхонга даъват этаркан.

– Ташаккур, амир жаноблари. Сизнинг ҳар бир жумл гиз ҳикматли сўзлардан ташкил топар эркан. Бизда эса иқтисоднинг бир сиёсати, ҳар сиёсатнинг бир иқтисоди дейдилар, – ҳамон ҳангомани оларди меҳмон.

Амир Боботурк болалигидан кўмочни севар эди. Уни сут ва сарёққа аралаштириб хамир қорий бошлаганид кўмоч қозонни ўчоқдаги чўғ остидан қуйгунига қадар си атрофида ўралашар, кулга беланиб қуймаланарди. Ҳа ҳануз димоғида Оллох раҳмати катта энаси пиширади ўша қирмизи кўмоч ноннинг ҳидини туяди. Айниқса, эн си Туркистон тоғларининг Ойқор тизмасига ўтов тик чиққанида деярли ҳар куни иккитадан кўмоч пишир чўпонларга эса қозон патир ёки қотирма қилиб берар Арча ва кийик ўтининг ўткир, оққуврай, аврик ҳамда кранинг аччимтил ҳидлари бир зум бўлса-да кўмочни қадрдон иси босиб кетарди. Қани энди болаликнинг бу монли кўқилари. Тушдек ўтмишда қолиб кетди. Сароб ка унга етиб бўлмайди.

Амир Боботуркнинг Турон туркчаси усмонли туркчаси яқин ва тушунарли эди. Амир усмонли, туркман ва салжу туркчасида ҳам бемалол гаплашарди.

– Сиз бизни туркчамизни қаерда ўргангансиз амир ҳазратлари? – дея сўради Боботуркга ҳава



илан тикилиб шаҳзода.

– Ҳар бир кўзи очиқ турк ойдин кишиси учун турк шеваларида сўзлашмоқ қийин эмас. Фақат бироз қунт ва диққат керак. Қолаверса, уч ой, чамаси, юртингизда турганман. Бурса, Эдирна ва Қайсарини кезганман, – жавоб берди амир.

– Бу ажойиб экмак сизда не деб аталади ва қандай тайёрланади? – амирни яна саволга тутди Мусо.

– Буни кўмоч нон дейдилар. Сафар ва саёҳатларнинг воз кечилмас экмаги. Кўмоч билан булоқ сувини ичиб кетаверасиз. Бошқа емакка эҳтиёж қолмайди. Жуда тўқ тутади, – ан латарди Боботурк. – Хамир ҳозирламоққа киришмоқдан олдин яхши чўғ бўлиши учун ўт ёқасиз. Сўнгра унга туз, сут ва ёғ солиб, яхшилаб юғурасиз. Мана шу кўриб тур ган кўмоч шаклидаги пўлат кўмоч қозон бўлади. Унинг ичини сарёғ билан ёғлаб, ҳозир бўлган хамирни солиб, қопчанинг қопқоғи билан беркитасиз. Сўнгра чўғнинг остига кўмиб қўясиз. Қараб турибсизки, ҳаял ўтмай суфрангизда мана бу қўлинг ўргулсин кўмоч иштаҳани қитиқлаб ис таратиб турибди-да. Айниқса, буни иссиқ пайтида есангиз, оғзингизда ҳолва каби эриб кетади, – завқ билан ҳикоя қилар эди амир Боботурк. – Олий ўрдумизда эллик нафар пишчи бор. Улар хилма-хил емаклар ҳозирлайдилар.

– Биз кўп нарсаларни сизлардан ўрганмоғимиз керакка ўхшайди, – деди амирнинг ҳикоя қилиш санъатига ҳайрон қолиб амир Мусо. – Сизнинг ҳаёт ва турмушингизни ўз ота юртингизда, она тупроқларда илдизи ва бошоғи бор. Бизнинг авлодлар эса бошкенту яйловини алмаштириб, тоғдан тоққа, яйловдан яйловга кўчиб юрган юрган. Тўрт тарафимиз душман. Ухласак ҳам баъзан аёл ўрнига қиличимизни қучиб ётамиз.

– Сизнинг ошхонангиз ҳам жуда ажойиб. Қофқозия, эрон, араб ва юнон емаклари эвазига бойиб, мукаммал бир ҳолга келган, – фикр билдирди Боботурк. – Бизнинг емакларимиз-

да эса уйғур турклари ҳамда чин мутфакининг таъсири бор.

– Билмайдиган нарсангиз йўқ экан, амир ҳазратлари, – деди Боботуркнинг ҳикоясини мароқ билан тинглаган Мусо. – Сиз билан танишганимдан ғоят мамнунман. Сўйлаганим каби сиздек амирлари бор инсонгина улуғ хоқон ҳазратлари кўтарилган юксакликка эришиши мумкин. Миллатнинг том ақлли ва иш кўрган мардларининг бошини қўша олган подшоҳгина ҳақиқий ҳукмдордир. Акс ҳолда нодон ҳукмдор атрофида тўпланган саккизта хоину фурсатчи эрта кунда уни биринчи бўлиб сотади ва бошига етади.

Шаҳзода шундай деди-ю, беихтиёр янглиш сўйладимми дегандек ялт этиб Ёқуббекга қаради. Қутвол эса бепарво эди. Шаҳзоданинг бир сўзига қулоқ солса бирига эътибор бермай ўтирар, амир Боботуркнинг сўзларини эса жон қулоғи билан тингларди.

Амир хоқондан шаҳзода Мусони ўрганмоқ таълимотини ҳам олган эди.

Амир Боботурк ташрифидан кўп ўтмай, хизматчилар қайнатма шўрва, кетидан қовурдоқ олиб келдилар. Темур ҳузурига боргач, бошим кетса керак дея хаёл қилган шаҳзода Мусо лаб-лунжи ёйилиб тансиқ таомларни ҳузур ила тановул қилар, ўнг элини ўнг тиззасига урганча иштиёқ билан ҳангома берарди.

Синчков Ёқуббек амир Мусонинг бир зумда ўзгариб, елкасидан босиб турган оғир юкни тезда унутиб, суҳбатга кириб кетганини кузатганча емак ерди. Ёш шаҳзода ишини битирмоқ учун ҳар қандай одам билан тил топишиб кетаверарди. Воқеа ва ҳодисаларнинг тубига етмоқ, кўз илғамайдиган тарафларини англамоқ учун ҳали унда тажриба ва қунт етишмасди. Одатда ҳукмдорлик асосан шундай кишиларнинг зиммасига тушиб қолади. Ақллилар бадарға бўладилар, ботирларнинг боши кетади. Писиб юрганлар ўрмалаб келиб, тахтга ўтиради. Аниқроғи, уни етаклаб келиб ўтқазадилар.

Икки амирнинг суҳбатига қулоқ тутиб ўтирган қутвол Ёқуббекнинг хаёлидан шу фикрлар кечарди.



– Биз маҳмадоналик қилиб сизга сўз бермаяпмиз. ...турга боқманг, қутвол жаноблари, – деди амир Боботурк Ёқуббекка юзланиб. – Бу бизнинг турк қавмимизга ...рида теккан касаллик. Мансаби каттаси кичигига сўз бермайди. Туркманларда ҳатто ўзбакнинг кичиги бўлма, ку...ти бўл деган нақл ҳам бор. Бўлаётган воқеаларга сизнинг муносабатингизни билсак ёмон бўлмас эди.

– Биз ҳам мухтарам шаҳзода билан шу хусусида сўзлашиб ўтирган эрдик, сиз ташриф буюрдингиз, амир ҳазратлари, – дея ўйга толиб сўз бошлади Ёқуббек кутилмаган таклифдан бироз шошиб. – Биз нима ҳам дердик. Тўқнашув олдидан икки султоннинг икки режаси бор эди. Ҳозирда бири барбод бўлди. Иккинчи тараф эса ғалабадан сўнгра не қилмоқнинг ҳисоб-китобини қилган бўлса керак. Биз ана шу олий иродага бўйсунмоқ ҳамда уни қабул этмоқ мажбуриятидамиз. Бугунги кунда бутун турк ва унга боғлиқ улуслари ва аҳли мусулмоннинг тақдири улуғ хоқон ҳазратлари, қолаверса, ул динимнинг сиз каби амиру уламоларининг хоҳиш иродасига боғлиқдир, – дея мухтасар жавоб қилди қутвол Ёқуббек.

Улуғ хоқон, унинг амир ва лашкарбошиларининг юриш-туриши, шундай катта ғалабадан сўнг ҳам ўзларини бу қадар сокин ва совуққон тутишига разм солган киши улар аллақачон бу фатҳга руҳан ва жисмонан тайёр эканликларини англарди. Мен каби бир аскар фаҳмлаган ҳақиқатни султонимиз англаб ета олмади, дея ўйлади қутвол амир Боботуркнинг ҳозирги фикрига муносабатини бекларкан.

– Менимча, улуғ хоқон ҳазратлари давлатингиз ҳудудларига жузъий ўзгартишлар киритсалар керак деб ўйлайман. Усмонийлар ўлдириб, зиндонга ташлаган бекларнинг хешу ақраболари мадад сўраб Табризу Қорабоғга қатнаганлари ёдимда. Улуғ Амир уларнинг илтижоларини ижобатсиз қолдирмасликлари мумкин, – деди амир Боботурк шаҳзода Мусога кўз қири билан боқиб.

Амирнинг сўзи шу ерга етганида хос навкар янги меҳмон

ташриф буюрганини билдирди.

– Ким? – дея сўради Боботурк ўгирилмай. У чодир эш[illegible]гига орқа қилиб ўтирган эди.

– Али Султон Тавачи! – жавоб қилди хос [illegible] ҳайкалдек қотиб.

– Кирсунлар! – буюрди амир.

Чодир эшигидан овози қалдираганча бўйи тўрт газ, [illegible]си, келадиган, араб қиёфали, шоп мўйловли, калта соқо[illegible] девсифат Али Султон кириб келди.

Ўтирганлар ўрниларидан туриб уни қарши олишди. [illegible]вачи Ёқуббекнинг сўл томонига оғир чўкди. Ҳол-аҳво[illegible] сўрашди.

– Қисматни қаранг, авлодим Мусобек, – деди ним [illegible] бассумда амир Боботурк бир Ёқубекка, бир Тавачи[illegible] қараб уни суфрага даъват этаркан. – Ёқуббек биродарим[illegible] Анқаранинг кечаги қутволи. Бугун эса шаҳар Али Султо[illegible] Тавачининг қўлига ўтди. Муносабатлар ўз йўлига туш[illegible] кетгач, эрта кунда Алибек қалъани қайтариб, Ёқуббекка[illegible] ёки бошқа бир усмонли бегига топширади. Тегирмон [illegible] қошиқ навбати билан дегани шу экан-да.

Шаҳзода Мусо ҳайрат билан Али Султон Тавачига тик[illegible]либ қолди. Унинг қорувли гавдаси, чармдан безак бери[illegible] сидирға тикилган лашкарбошилик либоси, қалин, чимири[illegible]ган қошлари ва ўткир боқувчи кўзлари ҳар қандай одамни[illegible] диққатини тортар эди.

– Муҳтарам қутволимиз Алибекнинг миллатлари недур? – сўради Мусо самимий қизиқиб боқар экан Тавачига.

– Алҳамдулиллоҳ туркмиз, шаҳзодам! Нуҳ алайҳисса[illegible]ломнинг фарзанди Ёфаснинг ўғли Туркнинг тўғридан тўғри авлодимиз. Динимиз ислом, киндик қонимиз томми[illegible] тупроқ Алп Эр Тўнга юрти Турондир, – ғолибона, самимий табассум билан жавоб қилди Анқаранинг янги қутволи.

– Мукаммал жавоб. Ўрду бошида сиз каби гапи ва иши бутун одамлар турар экан, ҳеч қачон Турон лашкарини енгиб бўлмайди, – деди амир Мусо қутволга ҳавас билан



[illegible] экан.

Ҳар қандай аскар ёхуд амир довюрак бўлиши мумкин. [illegible] бу жоҳилона довюракликдан бир иш чиқмайди. Унда [illegible] эътиқод, не мақсад йўлида курашаётганини аниқ [illegible] этмоқ салоҳияти етишмаса, узоққа боролмайди. – [illegible] Мусонинг фикрини қувватлади Али Султон.

[illegible] ҳам сиз назарда тутган эътиқод бор эди. Бироқ [illegible] биздан-да эътиқодли ва кучли чиқдингиз, – деди амир [illegible] очиққўнгиллик билан. – Бироқ сиз қавмимиз келиб [illegible] яхши билар экансиз. Сўйланг-чи, Туркхондан [illegible] насл қандай давом этган? Билгиларингиз мен учун [illegible] қадрлидир. Сизни емакдан қолдираётганим учун узр [illegible]. Ўша машҳур Ўғузхонгача яна неча авлод бор?

[illegible] бир йўла бир неча ишни қилаверамиз, шаҳзодам. [illegible] узум еб ўтирган келинга танбеҳ берганлари[illegible], "узум ҳам жийбераман, энам ҳам дийбераман" деган [illegible]. Шунга ўхшаб бизда сўзлаш баробарида емакни-да [illegible]верамиз, – деди Али Султон кўмоч бурдасига қўл уза[illegible] экан. – Туркхоннинг ўғли Тутикхондур. Тутикхон[illegible] амакиси Қорахондур. Қорахоннинг кичик инисидан Ўғузхон туғилади. Туркман қавмлари бевосита Ўғузхонга [illegible] тақалади. Турклар эса унинг буюк бобоси Туркхон[illegible] авлодидирлар. Бу менинг ота-боболаримдан эшитган [illegible] қулоғимга қуйилган гаплар, иним Мусобек. Яъни ўз фи[illegible]. Бу хусусда сизда янги бир гап бўлса бажонидил эши[illegible]. Ахир пайғамбаримиз айтганлар-ку, лаҳадга қадар [illegible] ўрган деб. Бизнинг билганимиз денгиздан томчи. Аскар [illegible] китоб ўқимоққа вақти қайда дейсиз. Сиз бу каби [illegible]лларни муҳтарам устозимиз амир Боботуркга беринг. [illegible] хусусда барчамизга мураббий шул киши бўладилар. [illegible] соҳибқирон ҳазратлари ҳам тарих ва авлод суриш[illegible] масалаларида амир жанобларига мурожаат этади[illegible]. Шавкатли бегимизга Боботурк исмини ҳам улуғ хоқон [illegible]ратлари берганлар. Айни кунда барчамизнинг маънавий

бобомиз ҳам амир жанобларидир.

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! – деди Боботурк ҳижолатдан қизариб. – Ҳаётимда энг хуш кўрмаган мақтовдир. Ҳаддан ошириб юбординигиз, Алибек. Мақтов ва ҳамду сано фақат яратганга ярашур. Устоз ҳам ҳар дaимо шундай дейдилар. Биз барчамиз эндиликда Тўрт иқлим хоқони дея тан олинган Соҳибқирон Амир Темур Муҳаммад Турағай ўғлининг садоқатли шогирдларимиз. Оллоҳнинг қули, Муҳаммад умматларимиз. Кези келганда мен сизга Нуҳ алайҳиссалом ўғли Ёфаснинг ўз ўғилларига васиятини айтаман. У ўлими олдидан ўғилларини тўплаб Туркни подшоҳ билингиз ва онинг сўзидан чиқмангиз демишким, шундан сўнг биз турк қавми ўлароқ ном олиб дунёга таралган ҳамда биз қўнишаётган тил турк тили деб аталмиш. Инсоннинг тили не бўлса, миллати ҳам шулдир. Фурсат топиб, тарих ва эътиқод хусусида суҳбатлашармиз. Янглишмасам, Али Султонбек бежизга келмагандур. Хизматингиздамиз, Алибек. Буюринг! – дея янги қутволга қаради Боботурк. – Улуғ хоқон ҳазратларидан бирор амр фармон борми? Бўлса кечиктирмай сўйланг, – суҳбатини иш мавзусига бурди амир.

– Ҳозиргина султони акрам ҳузурларидан чиқдим. Каболарида муҳтарам биродаримиз Ёқуббек бўлганларини сўйладилар. Анқара аҳлидан молиомон олинар экан Ёқуббек ила маслаҳатлашинг. Обрў-эътиборли, олиму уламо кишиларга иззат-икром кўрсатишимизни, қўли калталардан ҳеч нима талаб этмаслигимизни ва молиомон ихтиёрий бўлишини ва бунда биродаримиз Ёқуббек йўриқларига амал қилишимизни буюрдилар, – деди Султон Али Тавачи ўз айтгандек сўзлаб емак еркан.

Савашнинг таомили шундай эди. Олдингда турганда еб қолмасанг, бир неча кун бундай имконга соҳиб бўлмай, қотган нонни кемириб елиб-югуриб юраверасан. Буни яхши



кутвол Тавачи иштаҳа билан емак ерди.

Али Султон Тавачининг сўзи шаҳзода билан Ёқуббекни ўйга солди. Сўғишлар тажрибасида улар бу каби ҳолатларни учратмаган эдилар.

– Отамиз биз ўғиллардан бироргамизни улуғ хоқон саройига жўнатмаганларидан афсусдаман, – деди яна шаҳзода маъноли бош ирғаб. – Ваҳоланки, улуғ хоқон деярли бир мактубларида буни таъкидлардилар. Отамиз ушбу таклифни ҳақорат ўлароқ қабул этганди.

– Улуғ хоқон ҳазратларининг амрларини юксак қадр этурмиз ва сизга элимдан неки ёрдам келса бермоққа ҳозирмен, – Ёқуббек чап қўлини кўксига оҳиста қўяр экан.

– Биз ҳам шундай умиддамиз. Ёвлашмоқ энди битмиш. Энди биродар, қавму қариндош бўлиб, бирга ибодату тилак қилиб юраверамиз, – деди емак орасида оғзини тўлдириб Али Султон Тавачи. – Юртдан чиққанимизга ҳам бир йил бўлди. Бола-чақа, хешу ақрабони соғиндик.

Амир Боботурк ортиқча сўзламакка ҳожат йўқ дегандек қутволга қараб қўйди. У кўзи ола-кула бўлгунча кичикроқ тўлақдек қилиб паловни ошарди.

– Сиз ошни еб бўлгач, Ёқуббек жаноблари билан ўз чодирингизга бориб, маслаҳатингизни қилинг. Шаҳзода истироҳат этсунлар, – деди ярим буйруқ, ярим таклиф оҳангида амир Боботурк.

– Мен ҳам қиблагоҳ ҳузурларига бораман, – деди амир Мусо ҳам турмоққа шайланиб.

– Ҳузурингизга келмоқдин олдин султон ҳазратларининг ҳолирларига ташриф буюрган эрдим. Кимса безовта этмаслигини сўрадилар. Сиз ҳам толиққансиз. Яхшиси, бугун ётиб дам олинг.

Шаҳзода бош ирғаб, маъқул ишорасини қилди. Барча баробар ўрнидан қўзғалди. Амир Мусо меҳмонларни кузатиб чиқди.

Анқара осмони тиниқ ва сокин эди. Теварак-атрофни

қоплаган оқу яшил, қора ва қизил чодирлар ҳафталик ёғдуси ва гулханлар алангасида товланарди. Ой етти кунлик бўлганида шундай текис, тенг ярим шаклга киради. Ундийни қоплаган гулханлар атрофини тўлдириб турган музаффар қўшин, дунёни титратган Темурдек жаҳонгир билан ёнма-ён яшамоқ...

Ё Оллоҳ! Ўзинг шарманда қилма! Шунча кўргиликлар етар! Бундан ошиғи ожиз бандаларингга оғирлик қилгусидир, лаблари пичирлаб сўзлар эди шаҳзода. Унинг миясида боя амир Боботурк айтган гап айланарди. Демак, Темур биринчи галда усмонийларнинг энг катта рақиби отаси яқинда зўр машаққат билан синдирган Қарамонлилар салтанатини тиклайди. Бундан юз эллик йил, чамаси, туркманларнинг афшар уруғининг ўтоғоси Қарамон ибн Нур Сўфий қурган давлат марказий Анадўлида жуда катта мавқега эга эди. Султон Йилдирим Боязид ўн икки йил бурун беклик ерларини эгаллаб, Алоуддинбек ибн Халилни ўлдирган эди. Ал-қасосу мин ал-ҳақ! Йилдирим Боязид ва унинг икки дунёда боши бирикмайдиган, бир-бирининг гўштини ейдиган ўзбошимча, такаббур ўғиллари. Мана сенга тақдирининг томошаси! Алоуддинбекнинг усмонли зиндонида тупроқ ялаб ётган ўғиллари Муҳаммад ва Алилар истаган куни отасининг хунини талаб қилиб чиқиши мумкин. Бу дегани Оқшаҳару Оқсарой, Анталия ва Алания, Қўния ва Ларанда – барча-барчаси усмонийлар элидан кетди дегани. Бу ўлкаларни яна қайтиб салтанат тасарруфига киритмоқ учун Оллоҳ билади яна қанча йил керак бўлади. Ҳақиқатан бу Темур дегани худонинг балоси экан. У энди яқин замонларда усмонлиларнинг яна кучайишини истамайди. Демак, йўқ қилинган бошқа беклар ҳам тикланиши мумкин. Унда аҳвол не кечади? Ёки бу хусусда Темур олдида абадий садоқат сақламоққа онт ичиб, рижо этсамикан? Темур каби бир кучли хоқоннинг кўмаги ва дастагисиз у қардошларидан ўзиб кетолмайди. У бешинчи ўғил. Сулаймон, Исо, Мустафо ва Муҳаммадларнинг ёшлари ундан улуғ. Ўлсалар-да Мусонинг ота тахтига ўтиришига йўл қўймайдилар. Ҳақиқатчи Темурнинг бундан қаҳри келиб, тўнини тескари кийиб олса-чи? Ҳар ҳолда кўп хатарли иш. Яхшиси, ушбу масала бўйича амир Боботурк билан маслаҳатлашмоқ лозим. Темур унинг сўзига қулоқ соладиганга ўхшайди.

## БЕШИНЧИ БОБ

*Карам эгаси бўлган карим (киши) қачон кўк баланд келса, афв этади, куч-қудратга тўл… пайтида яхшилик қилади.*

**Ҳадиси шари…**

*Халқлар тарихи бизга шуни кўрсатади… ҳокимиятнинг бузилиши ва ҳаддан ташқари истибдод инқилобга сабабчи бўлади. Ам… агар истибдод, ҳукуматнинг разиллиги асрл… бўйи давом этса, бу ҳол бутун халқлар фе… лининг бузилишига олиб келиб, халқ ғурури ва ватанга бўлган муҳаббатини ўлдиради, дав… латнинг ички кучини барбод қилади. Бирги… ташқи туртки бўлса бас – бундай давлатни… қулаши муқаррар. Бир босқинчидан иккинчи босқинчининг қўлига осонликча ўтиб туради… ган Осиё халқларининг кўп қисмининг тақдири мана шундай.*

**Иванни…**

Турон салтанати валиаҳди амирзода Муҳаммад Султон… нинг ўттиз минг кишилик сара қўшини Анқарадан ўқдек отилиб чиқиб, Усмонли давлати пойтахти Бурса томон ши… тоб билан кетиб борарди. Йўл яримлаганда валиаҳд лаш… кардан оти учқур тўрт минг суворийни саралаб олди.

Тўрт минглик илғор амирзода етакчилигида юришни тез… латди. Уч туман черик билан илдам илгариламоқ қийин ке… чаётганди. Суворийларга от алмаштириб тўхтовсиз юриш, от устида ухлаш буюрилди.



…ни хазинасини эгалламоқ учун валиаҳд Сулаймоннинг …рса томон от қўйганлиги маълум бўлгач, Турон тахти…нинг вориси юришни тезлатмоққа қарор берди.

Унинг узангисида бобосининг садоқатли амири Шайх Нуриддин ўн минглик қўшини билан от суриб борарди.

Валиаҳд Муҳаммад Султон ва амир Шайх Нуриддинни Бурсанинг эътиборли кишилари қаршиламоққа қарор қилган эдилар.

Шамсуддин Муҳаммад Жазарий, Саййид Муҳаммад Бухорий ҳамда мавлоно Шамсуддин Фанорийлар шаҳар ва сарой акобирларини тўплаб, Темур қўшинини шаҳарга киришдаги сой бўйида кутиб туришарди. Валиаҳд Муҳаммад Султон қаршисига журъат билан дуога қўл очиб, Муҳаммад Бухорий чиқди. Амирзода отдан тушиб шайхга бош эгиб салом берди. Темур тахти ворисининг самимий муносабати ва …нсоби йиғилганларга маъқул бўлган эди.

Одамшавандалигингиз олдида таъзим бажо этамиз, валиаҳд авлодим! – деди Муҳаммад Бухорий йиғига уланган титроқ овозда. – Юртимиз бошиға буюк фалокат тушди. Улуғ хоқон Темурбек ҳазрат олийларининг султонни муросаю-мадорага чорлаб, ишни сулҳу адолат ила битирмоққа даъват этганларидан хабаримиз бор. Бироқ не қисмату кўргуликким, бандасининг эмас, яратганнинг айтгани бўладир. Ҳар бир одам зоти феъл-атворига яраша рағбату жазосини олгувсидир. Менинг ота-боболарим ҳам улуғ Турон юртининг Бухоройи шарифидан бу ўлкаларга келиб қолганлар. Инсон маълум бир масканда туғиладию, қаерда Оллоҳ раҳматига қовушажагини билмайди. Менинг сўзларимни буюк бобонгизга ҳам етказинг! Ғолиб ва мағлублар орасидаги дини исломда белгиланган қоидаларни бузмасликларингиздан аминмиз! Миллатга жабру зулм этмангиз! Бу дунё ҳеч кимга вафо қилган эмас. Рубъи маскунни эгаллаган Искандарга ҳам, ундан кам ерни фатҳ этмаган Чингизхону сизнинг авлодга ҳам вафо қилмагай! Шунга кўра оёқ босингиз ва кўзингизни очин-

гиз! Аскарларингиз ёшу қари, хотин-халажга озор бера… ганидан хабарингиз бордир! Бу яхшиликка олиб келмаг… Бизни имкони бўлса бобонгиз Темурбек ҳузурига элтин… Сўзлаяжак сўзларим шулдир! Омин! Оллоҳу акбар! Ярат… барчамизни ўз шафоатидан дариғ тутмасин!

Шайх Муҳаммад Бухорий сўзини мухтасар қилиб, юзи… фотиҳа тортди. Барча бирдек унинг ҳаракатини такрорлади. Шайхнинг маъноли сўзлари таъсир этган Муҳаммад Султон бир муддат не дея жавоб бермоқни ўйлаб, жим қолди.

– Сиз каби кўп улуғ ва мўътабар зотларнинг қа… шиламоққа чиққони биз учун юксак шарафдур! Барчангиз… га маълум бўлса керакким, Турон давлатида олиму умаро… ёзару шуаро салтанат паноҳидадур. Биз сиз зоти олийлари… ҳам худди шундай муносабатда бўлурмиз. Раият ила му… омалага келсак, Султон Йилдирим Боязид ўғиллари атро… фига тўпланган кишилар, бўлиб ўтган воқеалардан сабоқ олиб, бизга қарши ҳаракатларини тўхтатмоқлари керак. Фикри ожизимизча, шу кунга қадар тўкилган қон етарли… дур. Улуғ хоқон ҳазратларининг амру фармонларига биноан ўзини муносиб тутган инсон шаҳзодами, лашкарбошими ҳокимми рағбатлантирилажак ва юртини сўрамоқда давом этажак. Толеини Оллоҳ барчадан устун қилган Турон лаш… карига қарши қилич кўтарган кимсанинг қўли кесилажак! Бунида сўйламак мажбуриятидаман.

Йигирма етти баҳорни қаршилаган Темур тахти ворис… нинг сўзлари бурро-бурро, фикру мақсади аниқ эди. Унга турлича нигоҳ билан боқиб турган одамлар бир-бирига маъноли қарашиб, юзларидаги хавф-хатар ва қўрқув ҳисси кўтарилгандек эди. Сўнгра Муҳаммад Султон олд қатордаги улуғлар билан саломлашди. Уларни ўзининг аскарий суфрасига даъват этди. Меҳмон ва мезбонлар таҳорат ушатиб, пешин намозини ўқиб бўлар-бўлмас, узоқдан яна бир кўпсонли қўшиннинг қораси кўринди. Валиаҳд ташвишли қиёфада қоровул юзлигининг беги Одилбек Олчинга қаради.



…Шайх Нуриддинбекнинг лашкари, бемалол ибодатла… …ни қилаверсинлар, валиаҳд ҳазратлари, – деди Одилбек …нинг амирзоданинг ёнига келиб.

…Минг чоғли лашкар ҳозироқ шаҳарга кирсун ва хазина… …ни эгаллаб, қўриқлаб турсин. Ортингиздан биз йўл оламиз, …қоровулбегининг қулоғига шивирлади амирзода.

Улар суфра айланиб ўтиришганда юз-кўзини чанг босган …мир Шайх Нуриддин етиб келди.

– Хуш келдингиз, амир жаноблари, – марҳамат бу ёққа …тинг, – дея ўнг ёнидан жой кўрсатди Муҳаммад Султон Шайх Нуриддинни чорлаб. – Не ҳаводислар келтирдингиз?

– Хабарлар шундан иборатким, мағлуб Султон Йилди… …рим Боязид жанобларининг ғайридин бир ҳарамларини ва …нинг қизини Янгишаҳарда қўлга олдик. Уйма-уй яшири… …ниб юрган эканлар. Шунингдек, Султон Аҳмад Жалойир… …нинг шаҳзода Мустафо Йилдирим Боязид ўғлига унашти… …рилган қизи ҳам улар орасида. Султон Аҳмад ҳам шу ерда …экан. Икки кун бурун Бағдод томон қочибди. Қора Юсуф …ни биз Қайсарига етишимиз билан Бурсани тарк этибди …деб эшитдик, – дастурхонга ҳам қарамай ҳисоб берди амир Шайх Нуриддин.

Валиаҳд беихтиёр, сўл томонида ўтирган шайх Муҳаммад Бухорийга ўгирилди.

– Тўғри, Қора Юсуф шу ерда эди. Икки кун бўлди қораси кўринмай қолди. Айтишларича Ҳилла ва Арабистон томон қочган кўринади, – жавоб қилди Муҳаммад Бухорий.

– Ҳақиқатан ҳам Султон Йилдирим Боязид ҳазратларининг Султон Аҳмад Жалойир-ла қуда бўлмоқ ниятлари бор эдими? – сўрашда давом этди амирзода.

– Шундай, авлодим. Бу қисмат ва тақдир иши. Уни ҳеч ким айблай олмайди, – оҳиста сўзларди шайх.

– Яна сизларга шуни маълум қилмоғим лозимки, Султон Йилдирим Боязид жаноблари савашда мағлуб бўлгач, асир тушдилар ва айни замонда улуғ хоқон ҳузурларида иззат-икром ила ўлтирибдилар. Соҳибқирон бобомиз ул киши… …нинг мулкини ўғилларига қайтариб бериш ниятидалар.

Султоннинг асир тушганлигини эшитмаган кишилар б
хабардан хайратга тушиб, тахтадек қотдилар. Султоннинг ўғли амир Сулаймон отасининг асир тушганлиги ҳақида кимсага оғиз очмаган эди. Кўпчилик Боязиднинг Темурдан енгилганини билар, бироқ тўқнашувнинг бошқа тафсилотлари ҳали етиб келмаган эди.

Бурсанинг еткили одамлари бу маълумот ва тасодифий босқиндан шошиб қолганди. Уламолар аянчли ...рақдан сўнг анчагача ўзларига кела олмадилар. Амирзода улар билан хайрлашиб, ёнига маслаҳатчи ва имом ўлароқ Муҳаммад Бухорийни олиб, Бурса томон юрди.

Амирзода Искандар билан ораларида кечган воқеадан сўнг бобосидан қаттиқ танбеҳ эшитган валиаҳд эҳтиёткорлик билан иш кўрадиган бўлиб қолган эди. Бобоси катта ишонч билдириб йигирма уч ёшли Муҳаммад Султонга Самарқандни, Кўксарой ва Кўктош[1]ни топшириб кетган эди. Ҳали ҳеч бир ёш темурийзодага бундай буюк ишонч билдирилмаган эди. Муҳаммад Султон ёшлик, тажрибасизлик қилди. Бошбошдоқликка юз тутган Мўғулистонда тартиб-интизом ўрнатаман деган амакиваччаси Искандар Мирзони алдаб ҳузурига чақирди-да, зиндонга солди. Отабеги Баён Темур Беккичик бошчилигидаги йигирма олти нафар хос кишиларини қиличдан ўтказди. Ясоқ дақиқаларида отабеги Беккичикнинг титраб-қақшаб қарғагани, мулозимларининг оҳу зори ҳамон қулоқлари остида янграйди. Бўлар иш бўлиб, бўёғи сингандан кейин у хатосини тушундию, бироқ кеч бўлган, ўқ отилган эди. Шу-шу отабеги Беккичикнинг қарғиши уни таъқиб этгани этган. Ҳатто тез-тез тушларига ҳам кириб чиқади. "Йигит ёшингда йиқил!" деган эди даҳшатли овозда бақириб.

Шу воқеани эсласа валиаҳднинг руҳи тушиб, шашти ...

[1] Кўктош – Турон салтанати бошкентида, Темур курдирган Кўксаройда олий ҳукмдор ўтирадиган кўк мармар супа. Халқ уни ҳозир ҳам Кўктош деб атайди.



...ниб қолар, ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлар эди. Кейинчалик бобоси Самарқандга келиб воқеа тафсилотини ўрганиб, уни ...лак деб топгач, ўзини қўярга жой тополмай юрди. Бир хафта дарвешликни ихтиёр этди. Яна бобосидан қўрқди. Онаси Хонзода бегим ҳам уни ўзига келиб, одамларга аралашиб ...шини учун кўп азият чекди. Бобоси уни қанчалик севса, ...афв этилмас қилмиши учун шунчалик эзиларди.

Шаҳзоданинг мулзам тортиб, хомуш бораётганлиги учун ...лини бўлмай сукут сақлаб келаётган амир Шайх Нуриддиннинг ҳам дами ичига тушиб кетгандек эди.

– Султоннинг асир тушган хотини ва қизларини ҳазрат соҳибқирон ҳузурларига юбормоқ лозим, – деди Муҳаммад Султон улар шаҳарга киришганда Шайх Нуриддинга.

– Бир оғиз амрлари, валиаҳдим. Мен ҳам шуни сизга маслаҳат бермоқ ниятида эрдим. Султон жаноблари ҳам аҳлу ...ни кўриб хурсанд бўлар эрди, – жавоб қилди от устида кетаётган амир шаҳзоданинг тилга кирганидан суюниб. – Сизким буюк жаҳонгир, етти иқлим хоқони, дини ислом ...мовчиси Амир Темурдек муродбахш зотнинг авлоди ва ...натининг вориси, Чингизхоннинг набираси Хулогухон мулкининг айни кундаги соҳиби, Эрону Ироқ ҳукмдорисиз! Ҳеч бир замон руҳингизни туширманг ва ўксинманг! Бошингизни кўтариб, марду мардона юринг, жигарим! – астойдил амирзоданинг кўнглини кўтармоқчи бўлар эди Шайх Нуриддин.

– Нечундир Искандарнинг отабегиси ва йигирма олти нафар одами воқеасини эсласам руҳим тушиб кетади, амир жаноблари, – дилини ёрди амирзода ўксик оҳангда. – Отабеги мени ёмон қарғаган эди. Ёдимга тушса, аъзои баданим титроқ тутади.

– Ҳар неки бўлса яратгандин. Бўлар иш бўлиб, ўлган ...иб кетди. Қадаҳнинг бўш эмас, тўла томонига боқинг. Буюк ишлар олдида турибсиз. Хаёлингиз чалғимасин. Сизнинг руҳингиз тетик бўлса, бу ўз навбатида черикка ўтади. У ҳам ўз вазифасини кўнгилдагидек уддалайди, – насиҳат

Султоннинг асир тушганлигини эшитмаган кишилар [illegible] хабардан хайратга тушиб, тахтадек қотдилар. Султоннинг ўғли амир Сулаймон отасининг асир тушганлиги ҳақида кимсага оғиз очмаган эди. Кўпчилик Боязиднинг Темурдан енгилганини билар, бироқ тўқнашувнинг бошқа тафсилотлари ҳали етиб келмаган эди.

Бурсанинг еткили одамлари бу маълумот ва тасодифий босқиндан шошиб қолганди. Уламолар аянчли [illegible] ракдан сўнг анчагача ўзларига кела олмадилар. Амир [illegible] улар билан хайрлашиб, ёнига маслаҳатчи ва имом [illegible] Муҳаммад Бухорийни олиб, Бурса томон юрди.

Амирзода Искандар билан ораларида кечган [illegible] дан сўнг бобосидан қаттиқ танбеҳ эшитган валиаҳд [illegible] ёткорлик билан иш кўрадиган бўлиб қолган эди. Бобо[illegible] катта ишонч билдириб йигирма уч ёшли Муҳаммад Султон[illegible] га Самарқандни, Кўксарой ва Кўктош[1]ни топшириб кет[illegible] эди. Ҳали ҳеч бир ёш темурийзодага бундай буюк ишонч билдирилмаган эди. Муҳаммад Султон ёшлик, тажрибас[illegible] лик қилди. Бошбошдоқликка юз тутган Мўғулистонда т[illegible] тиб-интизом ўрнатаман деган амакиваччаси Искандар Мирзони алдаб ҳузурига чақирди-да, зиндонга солди. Отабеги Баён Темур Беккичик бошчилигидаги йигирма олти нафар хос кишиларини қиличдан ўтказди. Ясоқ дақиқаларида отабеги Беккичикнинг титраб-қақшаб қарғагани, мулозимларининг оху зори ҳамон қулоқлари остида янграйди. Бўлар иш бўлиб, бўёғи сингандан кейин у хатосини тушундию, бироқ кеч бўлган, ўқ отилган эди. Шу-шу отабеги Беккичикнинг қарғиши уни таъқиб этгани этган. Ҳатто тез-тез тушларига ҳам кириб чиқади. "Йигит ёшингда йиқил!" деган эди [illegible] даҳшатли овозда бақириб.

Шу воқеани эсласа валиаҳднинг руҳи тушиб, шашти [illegible]

---

[1] Кўктош – Турон салтанати бошкентида, Темур курдирган Кўксаройда олий ҳукмдор ўтирадиган кўк мармар супа. Халқ уни ҳозир ҳам Кўктош деб атайди.



[illegible] қолар, ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлар эди. Кейинчалик [illegible] Самарқандга келиб воқеа тафсилотини ўрганиб, уни [illegible] деб топгач, ўзини қўярга жой тополмай юрди. Бир ҳа[illegible] дарвешликни ихтиёр этди. Яна бобосидан қўрқди. Она[illegible] Хонзода бегим ҳам уни ўзига келиб, одамларга аралашиб [illegible] учун кўп азият чекди. Бобоси уни қанчалик севса, [illegible] афв этилмас қилмиши учун шунчалик эзиларди.

Шаҳзоданинг мулзам тортиб, хомуш бораётганлиги учун [illegible] бўлмай сукут сақлаб келаётган амир Шайх Нуриддиннинг ҳам дами ичига тушиб кетгандек эди.

– Султоннинг асир тушган хотини ва қизларини ҳазрат [illegible] соҳибқирон ҳузурларига юбормоқ лозим, – деди Муҳаммад Султон улар шаҳарга киришганда Шайх Нуриддинга.

– Бир оғиз амрлари, валиаҳдим. Мен ҳам шуни сизга [illegible] маслаҳат бермоқ ниятида эрдим. Султон жаноблари ҳам аҳлу [illegible] кўриб хурсанд бўлар эрди, – жавоб қилди от усти[illegible] келаётган амир шаҳзоданинг тилга кирганидан суюниб. – Сизким буюк жаҳонгир, етти иқлим хоқони, дини ислом [illegible] Амир Темурдек муродбахш зотнинг авлоди ва [illegible] вориси, Чингизхоннинг набираси Хулогухон мул[illegible] айни кундаги соҳиби, Эрону Ироқ ҳукмдорисиз! Ҳеч [illegible] замон руҳингизни туширманг ва ўксинманг! Бошингизни [illegible] кўтариб, марду мардона юринг, жигарим! – астойдил амирзо[illegible] кўнглини кўтармоқчи бўлар эди Шайх Нуриддин.

– Нечундир Искандарнинг отабегиси ва йигирма олти на[illegible] фар одами воқеасини эсласам руҳим тушиб кетади, амир жаноблари, – дилини ёрди амирзода ўксик оҳангда. – Отабеги мени ёмон қарғаган эди. Ёдимга тушса, аъзои бада[illegible] ним титроқ тутади.

– Ҳар неки бўлса яратгандин. Бўлар иш бўлиб, ўлган [illegible] кетди. Қадаҳнинг бўш эмас, тўла томонига боқинг. Буюк ишлар олдида турибсиз. Хаёлингиз чалғимасин. Сизнинг руҳингиз тетик бўлса, бу ўз навбатида черикка ўтади. У ҳам ўз вазифасини кўнгилдагидек уддалайди, – насиҳат

этарди Шайх Нуриддин самимий оҳангда. – Сиз Турон ва танатининг қуёши, Соҳибқирон ҳазратларининг суянч орқа тоғисиз! Ҳар бир хатти-ҳаракатингиз, гап-сўзингиз шунга муносиб ўлмоғи лозим!

Улар султон хазинаси сақланган жойга етиб лишганди. Валиаҳд жўнатган илғор бинони ўраб, қўриқлаётганларни қўлга олганди. Қоровулбеги Одилбек Олчин амирзода билан Шайх Нуриддинга ҳисоб берди.

– Султоннинг ўғли Сулаймон хазинадан кучи етган ашёларни от-уловига ортиб, Сомонли тоғи томон кўчди. Амр берсангиз зудлик билан орқасидан тушсак, – деди ва фаси бўғзига тиқилиб Одилбек Олчин.

Амирзода Шайх Нуриддинга қаради.

– Амирзодалардан бирини қўшини билан юбориш керак валиаҳдим, – деди маслаҳат бериб амир.

– Унда Або Бакр мирзони юборамиз. Ўн минглик черики билан яғийни таъқиб этиб, Изник шаҳри томон юрсин, – дарҳол қарор қилди Муҳаммад Султон. – Сиз ҳозир бориб амирзодага бул амримизни етказинг ва кўмак этинг, – буюрди Одилбек Олчинга. – Биз ҳам дарё ёқалаб ул томон юрамиз. Тилчилар зудлик билан ишга киришиб, шаҳзоданинг кучи ва ҳаракатини аниқласунлар.

Искандар бўғози ёқалаб кетган Изник Усмонли мамлакатининг энг гўзал ва ҳаволи ўлкаларидан эди. Шаҳар қалъаси ҳам жуда мустаҳкам бўлиб, юнонлар қурган ва қадимда Никея деб аталарди. Бу ердан кемада ва қуруқликда юриб, тезда Константинополисга етиб бориш мумкин эди. Бундай хушҳаво ва гўзал манзарани Муҳаммад Султон Қорабоғда кўрганди. Бизнинг Қулзум ва Орол денгизларининг бўйлари бу қадар оғочли эмас, хаёлидан кечди.

Валиаҳд амри билан Шайх Нуриддин Бурсада қолиб, султон хазинаси тасаррруфига киришган эди. Муҳаммад Султон бир муддат навкарларнинг дуру жавоҳир тўла сандиқларининг туя ва араваларга ортишини, қумошларини тахлашларини кузатди-да, амир Шайх Нуриддинга юзланди.



Бизга оқ фотиҳа беринг, устоз! – деди қўлини дуога олиб. – Йўлимизда давом этайлик. Сиз хазина ишини охирига етказинг.

Валиаҳд ҳавоси мусаффо, мангу баҳор, теварак-атрофи гўзал Бурсадан чиқиб борарди. Бу гўзал табиат, булутлар билан ўпишган Улутоғ, шарқираб оқаётган биллур сойлар унинг ақлини олиб, бир зум бўлса-да жангу жадал ташвишларини, не мақсадларда от суриб юрганини унуттиргандек эди. Танасида тангадек холи йўқ, бобосининг машҳур тулпори Ойбулутдан тараган Ойбулутнинг тизгинини бўш қўйганча кетиб борар эди. Ойбулутнинг жиловини қўйиб юборсангу, ер кўкни тўзитиб учса. Титраётган баданида куч қайнайди. Бир куни саҳарда валиаҳднинг отбоқари Эргаш Эгаркош унинг оғзига ўнтадан хом юмурта қуяди.

Пешқарбошилар ва черик эса илдам юриб, шаҳару қишлоқларни босиб, бир нималик бўлиш илинжида.

Валиаҳднинг юраги бу боса-бос ва урҳо-урлардан чарчаган. Қалби ором, руҳи сокинлик истар, эсини таниганидан бери қон кечиб савашма-саваш юрмоқ, одамларни ўлдирмоқдан толиққан эди. Бола-чақаси билан ҳеч кимнинг қадами етмайдиган бир яйлову тоғ ораларига кетиб қўй боқиси, киши изи тушмаган овлоқ водийларда оёқяланг кезиб юргиси келарди. Бироқ у ўз билганича иш юрита олмайди. Бобоси унга катта ишонч билан Ироқу Эроннинг тожу-савобини топшириб қўйган. Қадар унга улуғ бобоси тахтини эгаллашни башорат қилиб турибди. Давлат, салтанат иши шундай. Воқеа ва ҳодисаларнинг оқимига қараб, ҳукмдор унинг қулига айланиб қолар, орзу умид, хоҳишистакларинг қўл ва ақл етмас узоқ масофада қолиб кетар экан. Хоҳиш-ихтиёринг ташқарисида айланаётган чархпаланинг бир мурватига ўхшар экансан. Умумий ҳаракатга қамоҳанг юрмадингми, ўйиндан чиқасан ёхуд синасан.

Анчадан бери валиаҳднинг диққатини бўлишга журъ этолмай турган Одилбек Олчиннинг хос чопари муҳим б хабарни айтмоқ учун учиб келган эди. Амирзода хос чопа га имо қилди.

– Або Бакр Мирзо амир Жаҳоншоҳ черигги дастаги и Изникни забт этди. Амирзода бу хабарни зудлик би сизга етказмоқни буюрдилар. Менким хос чопар Қолм Қангли! – отини етаклаб келиб, тиз чўкканча фатҳ хабари етказди чопар ўзини танитиб.

– Муҳтарам амирзодамизга менинг ҳурмат, ҳайрат ва т шаккурларимни еткуринг. Яна сўйлангким, мабодо эл рига Султон Йилдирим Боязид авлодларидан кимса ту са озор бермасинлар. Уларга султоний ҳурмат ва эътиб кўрсатсинлар ва бизга хабар берсинлар – отдан тушмай а берди шаҳзода.

– Яна шуни айтишни буюрдиларким, султон ўғли С лаймоннинг чериги чатоғийлар эрмиш ва ҳеч бири мусу мон эмасмиш. Болқонлик ғайридин сақлаблар эрмиш. У қўлга тушса не қилмоқни ҳам сўрашимни тайинладилар.

– Бу ерлар сақлаблар ҳудудларига туташдур. Меним улар тузоққа тушадиган анойилардан эмас. Амир Сулайм ҳам бир муддат улар орасида яшириниб юриши мумки Қаршиликсиз таслим бўлсалар, моли-жони сақлансун! – де чопарга кўрсатма берди валиаҳд. – Яна сўзлаяжак сўзи борми?

– Сўзим тамом, валиаҳд ҳазратлари! – жавоб қилди ў қўлини кўксига гурсиллатиб уриб хос чопар.

– Оқ йўл сенга! Амирзодага салом сўйла! – ҳазин оҳанг деди шаҳзода кўзи чанг босган юзида йилтираб турган хо чопарнинг хатти-ҳаракатини синчковлик билан кузатаркан.

Буларнинг барчаси бизнинг жаҳонгирлик даъвои мизнинг ижрочилари ва қурбонларидир. Шу жанг ва қо тўкишлар туфайли яшайдилар ва оилаларини боқадила Ўзича мана шу чопар ҳам салтанат учун катта ишни удда



дея ўйлайди. Ва ўзича ҳақ. Шундай деб ўйламаса ҳаётида маъно қолмайди. Курашида мақсад бўлмаган эса йўлтўсар қароқчига айланади. Рум тупроғидаги минг йиллик қалъалар, бутун бошли шаҳарлар, ам-театр деган томоша майдонлари... Буларни кўриб ин-зотининг ақли шошади. Мана шу беназир ер ости ер саройларини, осмонўпар қалъаларни бино этган ҳукмдорлар қани? Биз каби фатҳи билан дунё-га ўзини танитмоқчи бўлганлар бу гўзалликларни вайрон қилмаганларми? Нечун бу ёруғ оламда кучдан бўлак нарса олинмайди? Нечун одамлар ақлу заковатнинг олдида ...тонлайдилар?

Изник фатҳи хабари етиб келганида Муҳаммад Сул-...н Константинополиснинг Оврупо қисмидаги Олтиншоҳ[1] ...рфазига шимол тарафдан туташган ажойиб ўрмонларга етиб ...ган, бироз истироҳат этмоқ, ювиниб-таранмоқ учун черик-...а ижозат берган эди. Бу ерларнинг ўрмонларида бизнинг тоғ ...ўрмонлари каби турли хил гиёҳлар, ҳар хил қуш ҳамда жони-...орлар кам бўлади шекилли, ўйлади сас-садосиз ўрмон ичида ...бир чақирим пиёда кезиб орқасига қайтар экан.

Валиаҳд ҳузурига Муҳаммад Ясурий, Иброҳим ...ҳмад, Хизрбек ва ака-ука Фаҳриддин ва Муҳаммад ...андарларни чорлади. Булар хоқон ишонадиган, валиаҳдга оталиқ ҳамда маслаҳатчилик мақомидаги ...рматли кишилар эди.

– Бир юзлик сара суворий қўримасида совға-саломлар ...иб йўлга чиқсангиз. Изник фатҳи хушхабарини сул-...н Соҳибқирон ҳазрати олийларига етказишингизни рижо ...аман, – деди шаҳзода маслаҳатчилари ила тик туриб ...лашаркан. Хазинанинг бир бўлагини ҳам олиб кетасиз. ...иққатли ҳаракат этмоғингиз лозим бўлади, – дея таъкидла-...ди.

Валиаҳд вакиллари қисқа ҳозирликдан сўнгра йўлга

[1] Ҳозирги Халиж кўрфази.

чиқдилар. Шаҳзоданинг ҳавотирланганича бор эди. Констан-тинополис атрофидаги тоғу ўрмонларда амир Сулаймон-га тегишли ва унга боғлиқ бўлмаган хочлилар ҳамда славян-лар ўлжа иштиёқида тўда-тўда бўлиб писиб юришарди. Улар тоғ кийиги зўрға сиғадиган бир тор сўқмоқда Те-мур ҳузурига йўл олган черикка ҳужум қилдилар. Ҳай-мамот жанги икки намоз ораси муддат давом этди. Хоч-лилар юзда саксон одамини тўқайзорда қолдириб, ко... томон ўрмалаб кетишди. Бу воқеа валиаҳд қароргоҳини... шундоққина биқинида содир бўлган эди.

Амир Шайх Нуриддин билан маслаҳатлашган валиаҳд Султон хазинасининг асосий қисмини Шамсуддин Алмалиғийга топшириб, сара черик ҳимоясида улуғ хоқон... юборди. Хазина карвони Кутаҳияда олий ўрдуга етишди. Изник фатҳини ниҳоясига етказган амирзода Або Бакр ... сага қайтиб келиб, валиаҳд черигига қўшилди.

Турон ўрдусининг Муҳаммад Султон қўмондонлигидаги зарбдор қисми Янгишаҳар ўтлоғи томон юрди. Катта қўшинга кенг яйлов, серсув даралар ва сойлар лозим эди. Бу ўтлоқ Бурсага яқин, қўш ташламоқ учун қулай эди.

...Улуғ хоқоннинг олий урдуси қадим-қадимдан уста чи-нисоз ва кулоллар ватани бўлмиш Кутаҳиянинг кунчиқиш томонидаги яйловда турарди. Улуғ Амир шу ердаги осмон-ранг саропардасидан Турон салтанатини, жумладан, яқинда унинг таркибига қўшилган Рум мамлакатини бошқарар эди.

Бомдод намозидан сўнг бироз ҳадис мутолаа қилган хоқон саропарда саҳнига чиқди. Хирқасини елкасига ташла-ганча саропарда ҳовлисига қўйилган курсига ўтирди. Бир... нонушта қилмоқ ва маслаҳат учун чақирилган амир Бобо-турк ва Алп Туркаш етиб келгач, ўрнидан қўзғалди. Бобо-туркга усмонли тупроқлари бўйлаб тарқалиб кетган қайсар қўшинининг ҳаракатлари борасида ҳисобот ҳозирлаб, сабоҳда улуғ Амирга билдириш вазифаси топширилган эди. Кечаси билан мижжа қоқмай чопарларни беклаган ва ёзиб чиққан Боботуркнинг кўзлари қизариб кетганди.



...Ухламаган кўринасиз, авлодим? – деди улуғ хоқон шо-... мехр билан тикилиб.

Сурёнийлардан қаҳва[1] деган ичимликни ичишни ...гандик, устоз. Уни ичсангиз бир неча кун мижжа қоқмай, ... чалишиб юраверар экан киши, – хорғин қиёфада жавоб ... амир.

Фидокорлик пайғамбарларга хос хислат. Бул самарали ...матингизнинг ажри бордир, иншоаллоҳ. Шайх Нурид-... Султон Боязиднинг икки қизини асир олибди. Маъқул ... ўғлингиз ўзим совчи бўламан, – деди хоқон Боботуркнинг ...сига қўлини қўйиб.

Бу хусусда фикр қилгон оним ҳамон юксак эътибор-... билдираман, ҳазрати устоз. Сиздан яратган рози ...! – қизариб жавоб қилди амир.

Майли, ўзингиз биласиз. Биз оддий бир мусулмон си-... ўз бурчимизни адо этиб, таклифимизни сўйладик. ...рор бермоқ сиздан, – дея шогирдларини эргаштириб са-...арда томон юрди улуғ Амир.

Улар нонушта баробарида зарурий ишлар режаси ва ... воқеалар ҳисоботи учун ўтирган эдилар. Улар ...ибқироннинг хос ошчиси Обид тайёрлаган пўстдумбали ...лани едилар. Сўнгра Анқаранинг машҳур узумини турк-...тир ила тановул этдилар.

– Хўш, мухтарам амирим, охирги ҳафта янгиликлари-... сўйланг-чи? Салтанатимизда не воқеалар содир бўлди ... не юмушлар бизни бекламоқда? Айшу ипратга бери-... ғафлатда қолмайлик! Султон ўғиллари ичида бизга ...йирлик қилаётганлари бор деб эшитдим. Улар ниятлари-... қайтмаса, жавоб чораларини кўрмоғимиз лозим бўлади ...ги, – деди хоқон оҳиста ёнбошлар экан.

– Айни дамгача бўлган вазият шундай устоз, – дея ...лдий қиёфада сўз бошлади амир Боботурк қўлидаги

[1] Арабистон ярим оролида қаҳва бундан 2500 йил бурун истеъмол ...инган.

ёзиғлиқ қоғозга кўз югуртираркан. – Шайх Али Баҳо Ойдин вилоятини фатҳ этди. Амирзода Султон Ҳусайн ва Сулаймоншоҳбеклар шу пайтгача бўйин товлаб келган кийикий туркманларни тиз чўктирди ҳамда Оқшаҳар ва Қораҳисорни олдилар. Вилоят фатҳи ва тасарруфи учун Ўлжабой Ўрманғитни даруға тайин этмишлар. Султон Чуқурбалиғ, Қумҳамид, Моҳшаҳар ва Оқсарой эгаллаб миш. Ул ҳудуддан шу қадар кўп қўй-эчки, от ва туя ўлжа олмишларки, уни бу тарафга ҳайдаб келмоқ ҳам мушкул мо бўлаётганмиш. Айни шу дамларда Султоннинг Бурса хазинасидан келтирилган ашёлар салтанат хазинасига топширилмоқда. Амир Шайх Нуриддин ўзи ила Султоннинг маҳрами, марҳум серб қироли Лазарнинг Мария исмли қизини ва сиз сўйлаганингиз икки султон кизини ҳам бирга олиб келмиш. Булар орасида Султон Аҳмад Жалойирнинг Боязидхон ўғли Мустафоға унаштирилган Ойпарчабегим исмли қизи ҳам бор. Султоннинг ҳарами никоҳида бўлса-да, ғайридин эрмиш...

– Мулоқотимиз тугагач, ҳузуримга ўша ғайридин хонимни келтиринг. Қолган хонимларни султон ҳазратлари ҳузуриға жўнатинг ва ул кишим нени лозим кўрсалар шундай бўлсин. Мен ила суҳбатдан сўнг ҳарамини ёнига элтинг, – Боботуркнинг гапини бўлди улуғ Амир.

– Усмонли турклар давлатининг икки энг етук ва обрўли одами шайх Шамсуддин Жазарий билан Муҳаммад Бухорийлар ҳам келибдилар. Шайх Жазарийнинг Мисрга элчи қилиб юборамиз деган эдингиз. Усмонли зиндонидан озод қилинган Муҳаммадбек Алоуддин Қаҳрамон ўғли ҳам кеча етиб келди.

– Ҳа, султон хонимидан сўнгра ҳузуримга ўша Қаҳрамонўғли бегини чорланг, – деди Темур ва қўл ишораси ила сўзламоққа давом этмоқни буюриб.

– Константинополиснинг насроний малиги Такур ҳам шартларимизни қабул этароқ, жизъя тўлашга рози бўлиб,



...ни Муҳаммад Умарнинг ёнига ўз одамини қўшиб, ...тавирру билан мактуб битиб жўнатди. Валиаҳд ...ҳаммад Султон эрта индин ҳузурингизга келиб, палос ...ўпиш шарафига ноил бўлажакларини билдириб, чопар ...ларидан хабарингиз бор. Ҳозирча сизга сўйлаяжак ...им шулдир, устоз, – дея сўзини мухтасар қилиб ўрнидан ...ғри таъзим бажо келтирди амир Боботурк.

– Шоҳул шиқовулга сўйланг, Константинополис малиги ...нинг ҳам ҳузуримга чорласин, – деди Темур қабул учун ...тирилик кўрар экан.

Дастурхончилар саропарда ўртасига қўйилган хонтахтани ...неъмати билан кўтариб ошхона томон олиб кетдилар. ...мур мусофирларни қабул этмоқ учун саропарда тўридаги ...т томон юрди. Хос мулозим тахт этагидаги улуғ Амир ...ган ўнг оёғини қўйиб ўтирадиган курсини тўғрилаб ...ди.

Саропарда эшигидан сариқ сочли, кўк кўзлари ёниқ, оқ ...дан келган, хипча белини камар билан қисиб боғлаган ...н этаклари ёйилиб турган гўзал хонимлар сирасига кирадиган хушбичим насроний аёл туркча салом бериб кирди. ...дан кираётган ёруғликда ҳарир мато ичидаги рассом ...ган суратдек танаси кўриниб турарди. Хоним ҳар қандай ...ак зотини оғзидан сувини келтирадиган даражада бенаҳир эди. Улуғ Амир серб қироличасини ўнг томонида қатор турган суянчиқли курсилардин бирига ўтирмоққа даъват этди. Малика бош эгиб, тиззасини букиб, таъзим бажо келтирди-да, йўрғалаб бориб курсига ўтирди.

– Салом беришларига қараганда маликамиз турк тилини билар чоғи, – бир Боботуркга, бир маликага қаради Темур.

Малика бошни ирғади.

– Ҳузуримизга хуш келибсиз, муҳтарама малика. Орамизда не қадар буюк саваш ҳамда аччиқ-чучук сўзлар бўлиб ўтмасин, усмонли султонларини ўзимизга қондош ва диндош деб биламиз. Модомики, сиз муҳтарама олияла-

ри, Султон ҳазратларининг шаръий никоҳида экансиз, би[з] учун азиз ва ҳурматли меҳмондурсиз! Сиз ила мулоқотд[а] бўлувчи кишиларга биз ҳақимизда ҳақ ва рост сўзлари[ни] сўйламоғингиз учун ҳузуримга чорладим, – деди хоқон б[у] ғалати кийинган насроний маликага қизиқсиниб боқар экан.

– Биз ҳам сиз ва мамлакатингиз ҳақида кўп эшитганми[з]. Султон ўз ота-боболарининг Турон деган юртининг Хо[]разм дея аталувчи бир ўлкасидан бундан уч юз йил бурун келганликларини кўп айтадилар. Шул боис, икки ватандо[]шнинг бир-бирига қилич ўқталмоғи янглишдир. Султонга кўрсатаётган иззат-икромларингизни ҳам эшитдик. Фақат кучли ва мард одамгина шундай қилади. Бу бизнинг-да, си[з]нингда динимиз талабларига мувофиқдир, – "Р" товушини тишлари ортидан талаффуз этиб, ғалати бир турк лаҳжасида сўзлар эди малика Марина.

– Алҳол, сиз дин ҳақида сўзладингиз. Кусурга боқман[г], сўраганим учун. Муҳтарама маликамиз қайси динга ман[]сублар? – сўради улуғ Амир бош ирғаб, маликанинг сў[з]ларини маъқуллар экан.

– Мен нусронийдурмен. Бироқ мусулмон султоннинг хотини бўлганим учун турли гап-сўзлардан қочиб, ибодат учун черковга бормайман. Саройда ҳам диққат чекмаслик учун ибодат қилмайман, – дея жавоб қилди малика қизариб.

Темур хонимнинг жавобидан ҳайрон бўлиб, бир дам унга қараб қолди.

– Агар ибодат қилмасангиз, ўзингизни насроний дейи[]шингизга на ҳожат? Ҳамон шундай экан, мен сизни исломга даъват этсам, не дейсиз? – деди Темур укдирувчи, кучли овоз билан. – Биз Султон Йилдирим Боязидга мамлакатини қайтариб берамиз! Ўғиллари ҳам қай бир вилоятда ҳоким бўлсалар, мулклари ўзларида қолади. Сиз ҳам ҳозир султон ҳузурига ташриф буюрасиз! – сўзида давом этди малика[]нинг кўзига тик боқиб.

Малика Марина бу кутилмаган таклифдан не деярини



[]билмай шошиб қолди. Темур ҳақидаги даҳшатли ривоятлар []ёдига тушиб, аъзои бадани музлаб кетди. Бундай одамнинг []сўзини қайтариб бўлмайди. Бир муддат тилига калима кел[]мади. Улуғ хоқон маликани диққат билан кузатиб, ундан жавоб бекларди.

– Алҳамдулиллоҳ! Алҳамдулиллоҳ! – деди малика тути[]либ икки маротаба.

– Муборак бўлсун! – дея хитоб қилди Темур чеҳраси ёри[]шиб. – Муборак бўлсун! Маликага шоҳона саруполар ҳадя []этилсин ва мавқеига муносиб чодир, хизматчилар ҳамда []қўриқма қоровуллари тайинлансин! Малика неники ихтиёр []этса муҳайё этилсин! – дея амр берди Темур бу воқеадан []мамнунлигини яширмай. – Сизга рухсат, маликам! Султон ҳазратларига менинг ҳурмат ва саломларимни еткуринг!

Малика тисарилганча саропардани тарк этди. Эшикдан чиққач, оёқ-қўли бўшашиб, саропарда ёғочига суянганча []беҳол ўтириб қолди. Усмонли ва серблар орасидаги давом[]ли ва аёвсиз курашнинг асираси ва қурбони ўлароқ Султон []саройига келиб қолган серб маликаси Марина эндиликда []усмонли маликаси ҳам эди. Султоннинг барча мусулмон хо[]тинлари ва жориялари унга ижирғаниб қарашарди. Малика []барчадан ўзини олиб қочар, кимса ила мулоқот қилмоққа []тоқати йўқ эди. Бугун эса ҳеч кутилмаганда оқсоқ Темур[]нинг бир оғиз сўзи билан динидан қайтди. Яхши бўлдими, []ёмон бўлдими, буни ўйлаб ўтиришга ҳоли йўқ эди. Малика билан бирга келган канизаклари уни қўлтиғидан олиб, амир []Боботурк кўрсатган қизил ипак шокилали чодир томон чор[]ладилар.

Амур Темур қаршисида ўн икки йил султон зиндонида ётган, []ранги заҳил тортиб, янги кийган шоҳона кийим-кечаги ўзига []ярашмай турган Қаҳрамонли бегининг ўғли Муҳаммад Қаҳрамонўғли турарди. Темур уни илиқ қаршилаб, ёнига ўтқазди.

– Сизнинг нолаю фиғонингиз Яратганга етибдики, Эгам

бизнинг қалбимизга сизни зиндондан озод этмоқ ва ота ме-
рос мулкингизни қайтариб бермоқ аҳдини солди. Усмон-
ларга кўнглингизда кийна сақламанг ва дўстона муносаба-
да бўлинг. Шунда салтанатингиз узоқ давом этади, авлод-
Муҳаммадбек! Сиздан илгари сулолангизда Муҳаммад ис-
ли ҳукмдор ўтганми? – сўради улуғ Амир майин оҳангда.

– Боболаримиздан бирларининг исми Муҳаммад бўлган
– жавоб қилди бу омад ва қувончдан кўзи ёшланиб. – Ўла-ўлгунича сизга қулмиз, улуғ хоқон ҳазратлари, – вужу-
ди титраб сўзлар эди бек.

– Барчаси Тангридан. Биз бу ўринда унинг хоҳиш-
иродасини ижро этувчи бир воситачи, сабабчимиз хо-
Демак, сиз Қаҳрамонли тахтига Муҳаммад Иккинчи ўлара
ўлтирасиз! Қутлуғ бўлсун! Ярасун! – деди Темур ўрнида
туриб, табриклаш учун Муҳаммад сари юраркан, – Оллоҳ
сизни ҳар замон масъуду бахтиёр этсун!

Муҳаммад ўзини таппа ерга ташлаб, хоқон оёғини
ўпди. Темур уни суяб турғазди ва бағрига босиб, кутла-
Муҳаммад Иккинчи эса бола каби елкалари силкиниб
йиғларди. Бундай ақл бовар қилмас илоҳий иноят етти ух-
лаб, тушига кирмаганди.

– Бегимиз елкаларига шоҳона зарбоф тўн ёпилсун! Олтин
қилич ва тўққизта араб тулпори инъом этилсун! – буюрди
хазиначи Темурхожа Мўғулга.

Сарой мулозимлари янги султонни қутладилар
Муҳаммад Иккинчи бу илтифотдан ўзида йўқ шод, нелар
содир бўлаётганини англаб-англамай саропарда ўртасида
серрайиб турарди.

Улуғ хоқон қабулига Константинополис, усмонлилар
Истанбул дея атайдиган ўлка подшоҳи, юнон Такурнинг
Константин исмли элчиси таржимони ила ташриф буюрди.

Хоқон ҳурмат юзасидан бизнинг ишларимиз ва
қабулларимизни кўринг дегандек, Муҳаммад Иккинчини
ўтирмоққа таклиф этди. Шу пайтгача усмонли султонлари



...тан олмай савашиб юрган Византия маликининг Темурга
...ру қилиб нелар деганини янги ҳоким ҳам эшитсин ва
...га муносиб иш тутсин, айрим ҳокимлар каби Темур бу
...дан узоқлашиши билан тўнини тескари кийиб, думини
...ни, деган ўйда уни саропардада олиб қолди.

...ни Константин ўрмалаб келиб, Темурнинг этагини
... Улуғ хоқон ҳам қани бу насроний нима қилар экан
...дек, унинг ҳаракатини кузатиб турди. У сидирға
... ранг мовутдан тикилган, диндорларникига ўхшаш
...нсифат хирқа кийган, шалвари ҳам кенг ва қора эди.
... ва кадисифат бош кийимини қўлига олганди. Қони
...ан афт-ангоридан Темурдан шайтонлагудек даражада
...кан, ҳали ҳамон Султон Йилдирим Боязиднинг Чин-
...он юртидан келган бу даҳшатли императордан енгилиб,
... тушганлигини эшитиб, ишониб-ишонмай турарди.
...ронарда эшигида диндоши, ранги бўздек оқарган мали-
...а Маринага кўзи тушгач, ҳаммасига ионди. Серб малика-
...нинг исломни қабул қилганлигини туйгач, буюк сеньор
Темур менга ҳам шундай деб қоладими дея ақли бошидан
... Ёнидаги таржимони, ёш, озғин ва жонсарак юнон йи-
...ти ҳам Темур оёғига бош уриб турарди. Темур уларни сўл
...рафга ўтирмоққа даъват этди.

– Император инимизнинг аҳволи нечук? – сўради у элчи-
нинг кийим-кечагига қизиқсинаб боқаркан.

– Император жаноблари буюк сеньор Темурбекка салом,
ҳурмат ва самимиятларини йўллайди. Қирол Темурбек не
шарт қўйсалар сўзсиз қабул этадилар. Ҳукмронлигингизни
тан оладилар, белгиланган бож ва солиқни давлатингиз ха-
зинасига ўз вақтида етказиб турадилар. Шунингдек, Ви-
зантия ва Костантинополисни, колаверса, бутун Оврупо-
ни Йилдиримдек катта душмандан халос этиб, уни жангда
тиз чўктирганингиз билан чин юракдан муборакбод этади!
Бутун насроний қироллар бу ғалабангизни кутлаётганини
етказишимни сўрадилар! – деди ўрнидан туриб қўл
қовуштирганча элчи Константин.

Ёнидаги жиккак йигит чийиллаган, ғалати бир лаҳжала унинг гапини турк тилига таржима қилди.

– Император инимиз бизга иттифоқдошлик ва дўстлик таклиф этиб, мактуб битган эди. Қиролнинг хайрихоҳлигини юк сак қадрлаймиз ҳамда мамлакат ва раиятига зиён-заҳмат етказмаймиз. Сен бу сўзларни унга оқизмай-томизмай айт гин. Бизнинг одамларимиз мамлакатингиз ҳудудига иста ган замони бемалол кириб чиқадилар ва сенинг подшоҳини тўлаяжак божнинг миқдорини белгилайдилар. Тушундинг ми? – элчига тикилиб сўради хоқон.

– Император инимиз мактубини Қорабоққа олиб келган икки элчи биродаримизнинг аҳволи нечук? Соғ-омон юриб диларми? Янглишмасам уларнинг исмлари Франческо ва Александр эди? – элчига самимий боқди хоқон.

– Шундай, буюк сеньор ҳазрати олийлари. Константино полисдан жўнаши олдидан улар ҳам сизга алоҳида ҳурмат ва эҳтиромларини билдириб, саломлар йўлладилар. Ва юр тингизга саёҳат этмоқ истагини билдирдилар. Сиз ила кеч ган мулоқотларни барча давра ва суҳбатларда фахру ифти хор ила ҳикоя этиб юрадилар, – илик муносабатдан ўзига келиб жавоб қилди элчи.

– Мендан ҳам уларга салом сўйла. Ул биродарларимиз келтирган қирол мактубига ўз вақтида жавоб бермоқнинг имкони бўлмади. Турумнинг ноаниқлиги боис, жавобни бир йил кечиктирмакка тўғри келди. Бунинг сабабини айни дамда император инимиз ҳам, сен ҳам англаб тургандир сан. Кўрганинг каби вазият ойдинлашди. Қасд қилганлар паст бўлди. Дўстларимиз зиёда, ягийларимиз пиёда қолди. Мана энди барча шарт-шароитни ўртага қўйиб, англаш сак бўлади. Сен-ла баробар қирол иним ҳузурига менинг мактубимни олиб хос мулозимим, мусавий биродаримиз Исҳоқбек (Исаак) боради. Исҳоқбек, шу ердамисан? – дея этакроқда турган мулозимлар томон қаради хоқон.

– Шу ердаман, улуғ хоқон зоти олийлари, – дея бир



...ам олдинга чиқди арабий қора тўни устидан кўк белбоғ ...лаган сарғиш юзли, озғин, ўртабўй яҳудий мулозим Исҳоқ.

Турон салтанати саройида таржимон ва элчи Исҳоқ бошлигида ўн чоғли яҳудий ватандоши бўлиб, улар Улус-аро муносабатлар ўрнатиш, хорижий элчилар билан мулоқотларда таржимонлик қилишар ва элчилик фаолияти билан шуғулланиб, садоқат ила хизмат этишар, улуғ хоқон ҳам бу ақлли ва пишиқ қавм вакилларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатарди.

– Ишларинг яхшими, Исҳоқ? Кимса сени ранжитмаяптими? – аъёндан аҳвол сўради хоқон.

– Эътибор ва рағбатингиздан мудом мамнун ва роҳатдамиз, буюк хоқон ҳазратлари. Салтанат хизматига ҳар замон коиму доиммиз, зоти олийлари! – жавоб қилди Исҳоқ таъзим бажо этиб.

– Кўп яхши. Сидқидил хизматингизни қадрлаймиз. Сен қирол инимиз номига битилган мактубни олиб, элчи жаноблари билан йўлга чиқасан. Бизнинг таклиф ва талабларимизни элитажаксан.

– Амри фармон хоқонимизнингдир!

– Сен қирол инимизга бир нарсани сўйлаким, – дея – Сен элчисига қаради хоқон қошини чимириб. – ...на Византияда барча динларга рағбат ва хайрихоҳлик Салтанатимизда бокмоқ иқлими ҳокимдир. Насронийу мусавийлар кўзи ила бемалол тоат-ибодатларини ижро этиб, ўз урф-одатларига амал қилган ҳолда яшамоқ ҳақларига соҳибдир. Бу бағрикенглик, ким бўлмасин, киши ҳақини ҳимоя этмоқ таълимини бизга ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом берганлар. Ул жаноб Мадина шаҳрида яшовчи яҳудийларга ўз динлари эътиқодида ҳаёт кечирмоқ кафолатини бериб, улар ҳақ-ҳуқуқларини қўриганлар. Бизда, сени дининг паст, меники устун, меники ҳақу сеники ноҳақ деган гап йўқ. Муқаддас китобимизда қайд этилган

барча пайғамбарларни тан оламиз ва уларнинг умматларин эҳтиром кўрсатамиз. Менинг бу сўзларимни қирол иним сўйла. Англадингми?

– Англадим, улуғ хоқон сеньор Темур ҳазратлари. Б часи сиз сўзлаган каби бўлади, – жавоб қилди элчи. – Эн рухсат этсангиз, сизга император жаноби олийларини совғаларини тақдим этсам.

Таржимон саропарда эшиги томон йўналиб, қат-қ қимматбаҳо қумошлар ва олтин лаган тўла қип-қиз ғалати тилла тангалар кўтарган кишиларни чорлади. Қиз олтинларнинг кўплигидан саропарда ёришиб кетганди.

– Оз бўлса-да кўп ўрнида кўрасиз, ҳазрати олийлари Ташқарида эса сизга аталган бир уюр асл тулпор отларим бор. Мулозимларингиз қабул этсунлар! – дея таъзим била сўзини мухтасар қилди элчи Константин.

– Подшоҳингга менинг яхши ният ва саломларимни е каз. Оллоҳ насиб этса кўришурмиз. Элчи ва унинг му зимлари елкаларига зарбоф тўнлар ёпилиб, шоҳона ҳадия улашилсин! – буюрди улуғ Амир яна хазиначи Темурхо Мўғулга қараб. – Сизларга оқ йўл тилайман!

Қаҳрамонўғли беги билан бирга йигирма чоғли ол уламо, шоиру шуаро хоқон ҳузурига ташриф буюрган Улар Оллоҳнинг иноятни ила мамлакатлари тож-тахти эгаларига қайтариб берган Улуғ хоқон Темурнинг этаг ўпиб, миннатдорчилик билдирмоқ ниятида шукрон зиё билан келган эдилар.

Саропарда саҳнидан унча узоқ бўлмаган масофада жо лашган бозор ерида ҳаёт қайнар, кечаю-кундуз ари уясидек одам қайнайдиган бу кўчма бозор кўчиб юра ган ўрда – шаҳарнинг қалби каби уриб турарди. Бу м зара ва бозор тарафдан элас-элас келаётган паст-бал саслар, айниқса, пул алмаштирувчи саррофларнинг тур юрт ақчаларининг отини айтиб бир маромда такрорла ри қаерда бўлмасин ҳаётнинг давомийлигини, бу тари



кқалар ҳам эрта бир кун жозибали кечмиш хотираси ароқ тилдан-тилга ўтажагини таъкидлагандек, қадрдон, яқин ва армонли эди.

Хоқон ўзининг мовий саропардасида қўлидан ёрлиқ а олтин тож олган, бир неча кун бурун Султон Йилди Боязид зиндонидан озод қилинган Муҳаммадбек Қаҳрамонўғли билан суҳбатлашарди. Саропарда саҳнида ст овозда қўнишиб, афсонавий хоқонни кўрмоқ ниятида ҳжонли нигоҳ-ла бўйинларини чўзиб, эшик томон талпи йтган кишиларга кўзи тушган улуғ Амир ҳукмдорлик то ни кийган Муҳаммад Иккинчига юзланди.

– Сиз-ла баробар келган мусофирларимиз ҳам бор ўхшайди, авлодим. Улар билан ҳам саломлашиб, ушмоғимиз жоиз кўринади. Икки кўзлари биз тарафда, ди хоқон эшик томон боқаркан.

Сизнинг юртимизга соя солиб, ота мулкимизни қайта эттанлигингиз улусимиз кўнглини тоғ каби кўтариб борди, хоқони акрам ҳазратлари. Шоду хуррамликдан ча бирдек сизни кўрмоқ илинжида интиқлик ила тал бошлади. Бу қадар қалабалик киши билан хоқон урларига борсак айб бўлади деган ўйда йигирма чоғли му уламо, шоиру ойдинларимизни олиб келдим. Бул гил кишиларининг биргина нияти бордир, хоқоним. ҳам бўлса сиз каби Буюк Турон Амири, Етти иқлим қони ўлмиш улуғ зотни ўз кўзлари ила кўриб, бир оғиз ингизни эшитмакдир. Ташриф сояларини юртимизга со , улусимиз ҳақини таниганингиз учун ташаккур изҳор макдир.

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! Кўп яхши. Биродар римизни баробар келтириб, кўп савобли иш қилибдурсиз. ндай ойдин ва очиқ кўзли шахсиятлар миллатнинг ий ни ва нигоҳидир. Бул мўътабар кишиларнинг кўнглини моқ, уларни ҳар доим қўллаб-қувватламоқ бизнинг ифамиз, қолаверса, миллат олдидаги бурчимиздир.

Ҳукмдорнинг ақл идроки, фаҳм-фаросати унинг ўз ю... дан етишиб чиққан ойдинларга бўлган муносабати, и... ирфонга кўрсатган рағбати ила белгиланади. Улуснин... ёли фарзандларига меҳр-мурувват ва раҳм-шафқат эш... ни очиб қўйган ҳукмдор жабру зулмдан узоқ туради. И... жаҳолатни олур, эшаклик боқий қолур деганларидек, бу... зулму истибдод, асоссиз савашу қон тўкишлар, жоҳил... илмсизлик ва дунёни англаб етмаслик оқибатидир. С... бироддарим-ла англашдик. Суҳбатимизга якун ... қўноқларимизни беклатмасдан ҳузурларига чиқайлик, – деди хоқон ўрнидан қўзғалиб, эшик томон йўналар экан.

Теварак-атрофни кузатиб ўтиришни хуш кўрал... хоқоннинг саропарда ўнгидаги тахти атрофини тартибга ке... тириб, мусофирлар сафини тўғрилаган эшик оғаси, ясовул... шиқовуллар амр беклаганча ўз жойларини эгаллашди.

Хоқон саропардадан чиқиши билан ғала-ғовур қилиб ту... ган жамоа сув сепгандек жимиб қолди.

Улар беклари бошидаги олтин тож ва қўлидаги хо... ёрлиғини кўриб, янада ҳаяжонланган эдилар.

– Булар орасида бир шоиру ҳофизимиз борким, айтиш... рича, у сизнинг Анқара фатҳингизни бундан ўн йил бур... башорат қилган эмиш, – деди Қаҳрамонли беги улар са... пардадан чиқишар экан.

– Исми шарифи не эркан бул авлодимизнинг? – сўра... хоқон қизиқсиниб.

– Шербек Салжуқийдир, улуғ хоқон ҳазратлари. – Қ... далли девона, самимий бир кишидур.

Хоқон маъноли бош ирғади.

Мусофирлар гурра бош эгиб, таъзим бажо келтириб, ти... чўкиб салом беришди.

– Ва алайкум ассалом! Ассалому алайкум! – деди хо... қўноқларга яқин келиб. – Салом биздандир. Ота-бобола... миз одатига кўра озчилик кўпчиликка, отлиқ пиёдага са... лом берадур. Хуш келдингиз, сафо келтирдингиз, муҳтар...



...рдошларим. Биз аслида бу юртларга сиз каби қондош, ...лош ва диндошларимизни кўрмоқ ва дийдорлашмоқ ...н ташриф буюрмиш эрдик. Бироқ айрим ўзини тани... ...з авлодларимизнинг тезоблиги ва қисқа ўйлаши оқибати ...арак қилични қиндан чиқармоқ мажбуриятида қолдик. ...р иида бир хайр бор деганларидек, бу сўғишу саваш ...ирларга васила бўлиб, сиз ва сиз каби бир қанча турк ...ликларини қайта тикланишига олиб келдики, бундан ...нинг гоят мамнун эканлигингиз кўриниб турибди. Бугун ...з кардошим Муҳаммадбек Иккинчига ота-боболаридан ...з йиллар мобайнида келмиш ҳукмдорлик тахтини, ҳақ-...уқини қайтариб бердик. Диннинг ярми – инсоф деган...ридек, Усмонли султон Боязид, сиз Қаҳрамонлилар ила ...нсоф ила англашиб, кимса қонини тўкмай, бир пайтлар ...нинг ота-боболарига яхшилик қилган, уларни бугун...нинг кунларга етиб келишига сабабчи бўлган сулола вакил...рига озор бермай тотувликда яшаши мумкин эди. Мен ...ни назарда тутаётганимни англаётган бўлсангиз керак. ...лдирим Боязид Усмонлининг тўртинчи султонидир. ...з салтанатнинг асосчиси Эртўғрул Ғозийга сизнинг бо...нгиз, буюк ислом ва турк мужоҳиди Султон Алоуддин ...айқубод Анқара атрофидаги Сакуд қасабасини суюрғол ...арфатида ҳадя этади. Усмонлилар шу қасабада ўз-ўзидан ...ўпайиб, биз билган куч-қудратга эришдилар. Кишилар ...а ҳукмдорлар иқтидорнинг олий нуқтасига чиқиб, куч-...уввата тўлсалар, аксари ҳолатларда ўзларини шу ман...абу мартаба, мақому мавқега етмоқларига сабаб бўлган ...амлар ва вазиятни унутадилар. Биринчи галда унга ях...шилик тилаган, қилган, кечмишидан воқиф бўлганларни ...йлдан олиб ташламоққа киришадилар. Султон Боязид ҳам ...ундай қилди. Қаҳрамон ўғиллари юртини босиб олиб, ҳукмдорларини зиндонга ташлади. Сизда ҳам, бизда ҳам, ...нглиш ҳисоб Бағдоддан дўнар деган ота сўзи бор. Бу...гун аларнинг ҳисоби Бағдодга бормай дўнди. Биз султону

хоқон, амиру бекларнинг не қадар амри фармонимиз, амалли тадбиримиз ўлмасун, эгаси ва улуснинг ўз ҳисоб-китоби белгилаган ёзиғи бордир. Оллоҳнинг ҳикмату қудратига саволу сўроқ этилмас. Адолат топталиб, оёқ остига олиниб амалга оширилган ишнинг охири бахайр бўлмас. Адолат зулмнинг эмас, мулкнинг тамалидир. Бир парча экмакни да инсонлардан ортиқ есангиз унинг ҳисоби бордир. Мулку давлатнинг асл соҳиби улусдир. Биз ким бўлмайлик шу эл-юртнинг бир хизматчисидирмиз. Яратган тилимиз ва кўлимизни узун қилган экан, кишиларга яхшилик қилмоғимиз, унинг эмну амниятда, сулҳу бирлик ичида яшамоғини таъминламоғимиз керак.

Ўзига ҳайрат ва хайрихоҳлик ила боқиб турган жамоа қаршисида завқ-ла сўзлаётган хоқон ортида хизматчи тутиб турган ликопчадан шарбат солинган косани олиб хўплади. Қаршидаги қор босган тоғларга тикилганча фикрида давом этди.

– Ҳузурингизда муҳтарам бегимизга айтар бир неча оғиз сўзим борким, ақли салим, оқил кишилар ўлароқ сиз ҳам бунга шоҳид бўлинг ва ул кишимга кўмак этинг. Киши ким бўлмасин, қисмату қадарга исён эта олмас. Оллоҳ бирини ўн қилиб берганда ҳам одам боласи шайтон васвасасига учиб, яратганнинг мендан бошқа кўрар кўзи, ердаги сояси йўқдир дея фикрлаб, кибру ҳавога қопилмаслиги, оёғи уни кўтариб турган ердан узилмаслиги керак. Оллоҳнинг гуноҳкор бандалари ким бўлмасинлар, у шайхулислому саидзодами, султонлар султонию, қозию қуззотми, ҳеч қачон ҳақиқат менинг ҳовучимда, уни истаганим шаклда одамларга тақдим этаман, адолату диёнатнинг энг сўнгги манзили менинг остонамдадир, сўнгги сўзни айтмоқ ҳақҳуқуқи мендадир дея фикр этмоқлари ва иш тутмоқлари на миллатнинг, на шу инсоннинг ярарига хизмат этмасдир. Ҳукмдорликнинг энг биринчи фазилату хислати, эътиқоду аъмолидан қатъий назар кишиларга марҳаматли, Оллоҳнинг



яратганларига раҳм-шафқатли бўлмоқликдир. Марҳаматсиз ва аминятсиз ҳукмдорнинг тоғу тошдаги ҳирссиз, ўғри-ю йўлтўсар қароқчидан фарқи йўқдир. Қўли, иймони ва виждони қон давлат эгаси не қадар, ижобий, эзгу ишлар қилмасин, буюк иншооту кўприк, йўллар қуриб, ариқлар қазитмасин, унинг хайри савоби йўқдир. Ноҳақ оқизилган бир томчи қон ва қурбон этилган жоннинг алами юз йилда ҳам чиқмас. Кўрдимки бу ҳудудларда турли дин ва эътиқодларга мансуб элу элат, қавму қабилалар бирга, ёнма-ён яшар эканлар. Бундай шароитда тинч-тотув, обод ва фаровон истиқомат этмоқнинг бирдан бир йўли сулҳу амният ичида бағрикенглик ва тотувлик ила яшамоқдир. Муъмин-мусулмонларимиз асосан насронийлар билан қулоқотда бўлиб, ҳаёт ва умр аталмиш неъматни улар ила бўлишмоқда эканлар. Зеро, муқаддас китобимизнинг “Моида” сурасида “ўзларини насоролар деб билгувчилар мусулмонларга энг яқин дўстлардир” дейилади.

Улуғ хоқон шу жумладан сўнг сўздан тўхтаб, сўл тарафда араб, ажам ва лах элчилари қаторида турган Византия императорининг элчисига қаради. Таржимон унга Темурнинг сўзларини тез-тез таржима қилар, иккисининг ҳам бу сўзлардан ғоят таъсирланиб ҳаяжонлангани юз ва ҳаракатидан сезилиб турарди.

Хорижий кўноқларнинг фикрларига муносабатини бир муддат кузатган хоқон Қаҳрамонли қавмига қарата сўзида давом этди.

– Ҳар қандай фатҳу зафар-ла безалган жангдан кўра энг ёмон сулҳу англашма афзалдир. Сиз азиз авлодим Муҳаммадбекнинг ҳар замон ва маконда мулку давлат юритмоқ одобига содиқ қолажагингизга аминмен. Иймону инсонликнинг бош шарти адолату одиллик эканлигини яхши билурсиз, деган умиду ишончдамен. Пайғамбаримиз ҳазратлари таълим берганларидек, бир-биримизни сева олмас эканмиз, демак, имонлиман демоққа ҳақли эмасмиз. Барчамиз ҳаққа қуллик этайлик. Унинг қулларига эмас!

Бундан сўнг ғоят диққатли ҳаракат этмоқ мажбуриятида сиз! Тўрт тарафингиз рақибу ғанимлар-ла қуршалган! Кен кенгашиб йиртилар, тор тортишиб қабилида иш юритиб, яна ота яғийлар чангалига тушиб қолманг! Мазҳаб, мансаб ва машрабни бир четга қўйиб, миллату давлатга садоқат ла ҳалол, сидқидилдан хизмат этмоқ керакдир! Ҳар замон Яратган барчангизнинг ёру ёрдамчингиз бўлсин! – дея фикри ни ниҳоялаб, сўзламоқ истасангиз марҳамат дегандек, сўз тарафида ўтирган Қаҳрамонли бегига қаради.

– Жумлаи жаҳонга маълумдирким, ферузбахт хоқо нимиз, Соҳибқирон ҳазратлари тарихда кимсага насиб эт маган фатҳу зафарлар соҳибидирлар. Нусратшиор Буюк Ту рон ўрдусининг бул фатҳу зафаридин биз Қаҳрамон халқ ҳам баҳраманд бўлиб, ўз мулки давлатимиз, кечмиш шон шарафимизга қовушиб турибмиз! Бизга бу саодатни бахш этмоқда восита бўлган Соҳибқирони акрам ҳазрати олий ларининг сўз ифодалашга ожиз иноятлари олдида бошими кўкка етди. Ана шу, кўкка етган бошимизни рубъи маскун нинг шаҳаншоҳи, султонлар султони, етти иқлим хоқони Соҳибқирон ҳазрати олийлари қаршиларида ерга етгунга қадар эгиб, таъзим бажо келтиражакмиз!

Қаҳрамонўғли Муҳаммад Иккинчи шундай дея юкуниб келиб Улуғ хоқон этагини ўпди. Улуғ Амир ўнг қўлини бек нинг елкасига қўйиб, ўрнидан турмоққа ишора этди.

Бек яна қайтиб сафдаги жойини олди. Хоқон майин та бассумда мусофирлар жамоасига юзланди.

– Янглишмасам ораларингизда шону шуҳрати бобо юрти Туронга қадар етиб борган, менинг дўстим, шоиру ҳофиз Шербек Салжуқий ҳам бор деб эшитдим. Ул биродари мизни лутфан қаршимизга даъват этурмен, – деди хоқон меҳмонларга қизиқсиниб боқаркан.

Бошига суворий ва чавандозларнинг теграси мўйнали кулоҳини бостириб олган ўрта бўйли, ўткир нигоҳли, қорача, паҳлавон келбатли, туркманларнинг қизил йўл-йўл шойи чакмонини кийган амирона чориқли киши бир неча қадам олдинга чиқиб, тобуғ расмини бажо келтирди.



Унинг белидаги арқонсимон белбоққа қандайдир қуш па- ...ясалган найга ўхшаш мусиқа асбоби қистирилган эди. Хоқоннинг кутилмаган илтифотидан шошиб қолиб қора ...га тушган қуноқ бир муддат талмовсираб турди. Му- ...фирни бироз ўзига келтирмоқ учун белидаги сибизғага ...ра этган улуғ Амир мулойимлик-ла унга мурожаат этди.

– Биродарим Салжуқбек, дастлаб менга белингизга ...тирилган мусиқа асбобининг таърифини келтирсангиз. ...ни найни кўрмаган эрдим? – сўради хоқон қизиқиб.

– Оллоҳ юрт ва мулкимизни қайтариб берган олам ...ноҳини ўз паноҳида асрасин! – дея ўзини қўлга олиб сўз ...лади ҳофиз туркчанинг Қўния лаҳжасида. – Бул олат ...ғадир, хоқони акрам ҳазратлари. Уни бизнинг усталар ...уғ қаноти суягидан ясайдилар. Лозим кўрган фурсатин- ...чалиб бермоқ орзусида остонангизга бош уриб келдим.

– Боракалло! Боракалло! Суҳбатимиздан сўнг, ташрифин- ...шарофати ила зиёфат тартиб этадурмиз. Шунда мамну- ...ила санъатингиздан баҳраманд бўлажакмиз.

– Агар рухсат этсангиз шаъну шарафингизга битга- ...битигимни ўқиб берсам. Бизнинг сиз улуғ хоқон ...ратларига келтиражак бундан зиёда ҳадямиз ўлмағай, – ...дадиллашиб шоир.

Хоқон бош ирғаб, розилик билдирди.

Бахши томоғини қириб, бўйнини чўзганча шеър ...моққа тутинди.

*– Зўрдан зўр чиққан куни,*
*Оёғи питир-питир.*
*Хўлу қуруқ бир ёнар,*
*Ўт кетар читир-читир.*
*Фатҳу зафар сеники,*
*Еганинг ёғлиқ патир.*
*Бир адолат сояси,*
*Минг бир оламга татир.*

*Мағлубдирсан зиндонда,*
*Қаттиқ нон қитир-қитир.*
*Буни ҳам кўп кўрсалар,*
*Бош кетар шатир-шутир.*
*Элким сени буламас,*
*Билмасанг қиймат, қадр.*
*Салжуқ Ҳақу Ҳақни де,*
*Битик бит, сатр-сатр.*

Салжуқий шеърни ўқиб бўлиб, яна таъзим бажо келтир[ди].

– Ажойиб шеър! – деди хоқон шоирга самими[й] боқиб. – Бизга манзур бўлди. Сиз ҳам султони ориф[лар] буюк ҳазрат Яссавий каби том туркий оҳангда ашъор би[тар] экансиз. Кўп шоирларимиз битикларида шу қадар кўп ф[ор]сий ва арабий сўзларни ишлатадиларки, бу тилларни бил[ма]ган турк кишиси уни сўзлик ила ёки таржимон восит[аси]да ўқимоққа мажбур бўлади. Сиз бу битикни илгари ёзга[н]мисиз ёки ҳозир тўқидингизми?

– Ҳузурингизга келаркан, йўл-йўлакай ёздим, у[лу]ғ хоқоним. Анқара жангидан сўнг ёзган бир шеърим б[ор]. Ижозат этсангиз шуни-да муборак назарингиздан ўтка[зсам] – рижо этди Салжуқий ҳамон хоқонга чексиз ҳайрат [ва] мароқ ила тикилар экан.

– Лутфан буюринг! Ўқий билурсиз! – деди улуғ Ами[р] хуш кайфиятда.

*– Қаҳрамоннинг кўйуни[1],*
*Сўнгра чиқар ўйини.*
*Қўшдарада қийратди,*
*Қавми мўғул бўй[2]ини.*

---

[1] Туркия ва туркман туркчасида биздаги кўй сўзи кўйун дея ишлатила[ди].
[2] Бўй. Эски турк тилимизда бўгин, халқнинг асосий бош, ўзак бўг[ини] ота уруғи маъносида ишлатилган. Масалан, турклар, туркманлар, Турк[ия] турклари ва озарийлар турк халқининг ўғиз бўйидан, қозоқ, татар ва б[ош]қа баъзи қавмлар қипчоқ бўйидандир.



*Тоғу тошдир маконим,*
*Кездим наҳри чай[1]ини.*
*Бу дунёда қолмади,*
*Одам зотин тайини.*

*Анқарада кўрдинг-а,*
*Боязиднинг бўйини.*
*Бана ҳикоя этинг,*
*Хоқон Темур сўй[2]ини*

*Сибизиғим куйлади,*
*Айрилиқнинг куйини.*
*Кўрмоқ насиб этарми,*
*Турким бирлик тўйини.*

Гоят теран маъноли битик битмишсиз, авлодим Сал[жуқий] ўзбек. Агар заҳмат бўлмаса бизга шеърингиздаги “Қаҳ[рамо]ннинг кўйуни, сўнгра чиқар ўйини” деган сатрларга [шарҳ] берсангиз. Назаримда, бу жумлаларда бир сиру синоат [бор], [бир]та ибратли бир тарих яширинган кўринадир? – сўради [Амир] хоқон бир шоирга, бир Қаҳрамонли бегига қараб.

Худди шундай, хоқони акрам ҳазрати олийлари. Ота[-бо]боларимиздан узоқ йиллар оша бизга қадар етиб келган [б]у сатрларнинг ғоят ҳайратланарли тарихий кечмиши бор[дир]. Муҳтарам амирмиз Муҳаммадбек Қаҳрамонўғлининг [бо]бolари бу шонли ва зафарли воқеанинг бошида тур[ган]лар. Ул кишим улусимиз ўтмишининг бу ибратли [са]ҳифасини мендан-да яхши биладилар. Уни ҳикоя этмоқни [ул]ар жанобларидан рижо этсак дегандим? – дея назокат-ла [сўз]ни эгди Салжуқий.

---

[1] Туркистон туркчаси, яъни турк тилининг ўзбек лаҳжасидаги сой [сўз]и юқорида қайд этилган лаҳжаларда чай дейилади. Масалан, Қорачой [Ж]умҳурияти. Бу Қорасой миллати демакдир.
[2] Сўй. Асл, эски туркчамизда ўғуз бўйининг туркман ва озарий сўйи, [...] тармоғи, шохобчаси демакдир.

– Маъкулдир. Унда бу ҳикояни муҳтарам бегими[illegible]дан тинглаймиз, – деди хоқон Муҳаммад Иккинчи [illegible]мон ўгрилиб. – Кўрдикки, Рум тупроқларининг ҳар [illegible] қаричидан сеҳрли кечмиш, сирли тарих уфурар экан. Демак кишилари ҳам ана шу улуғ ўтмишга муносиб авлодлардир.

– Қуллуқ, султон Соҳибқирон ҳазрати олийлари! А[illegible]лату таважжуҳингиз, амру фармонингиз олдида бошим[illegible]килдек инжадир! Дарвоқе, шоиримиз сўйлаганлик[illegible] каби бу воқеа улусимиз қисматини белгиламоқда алоҳи[illegible] аҳамият касб этган бир тарихий воқеадир, – дея сўз бо[illegible]лади бек самимий кечаётган учрашувдан илҳомлан[illegible] ҳаяжонли оҳангда. – Маълумингизким, Турону Эрон мул[illegible]ни қўлга киритган мўғуллар Султон Жалолиддин ва уни[illegible] отасини таъқиб этиб, Ироқи Ажам ерларига қараб юра[illegible]лар. Бу пайтда бошкенти Қўниё бўлган салжуқ турк[illegible] ҳокимияти буюк бобомиз Алоуддин Кайқубод илиги[illegible] бўлади. Ниҳоят, мўғуллар Қаҳрамон беклигини ҳам бо[illegible] олмоққа қарор қилдилар. Кўп сонли яғий қўшини мамла[illegible]тимиз синир[1]ига етиб келади Қаҳрамонли қўшини эса т[illegible] мингдан ошмас экан. Ўзларига нисбатан оз сонли рақиб[illegible] кўрган мўғул саркардаси “узоқ йўл юриб, чарчадик, бир [illegible] дам олиб, истироҳат этайлик, эртага бир ҳамла билан [illegible] ўпкаси йўқ туркларнинг қоровул черигининг жойини со[illegible]миз” дейди. Қўйлар сўйилиб, қозонлар осилиб, ҳайвон[illegible] ахлатидан қилинган ичкилар ичилиб, кайфи сафо бошла[illegible]ди. Буни фурсат билган султон бобомиз аскарларига қў[illegible] эчки терисини ёпиниб, қурол-яроғларини қорнига бог[illegible] сурув-сурув ёйилиб юрган қўйлар орасига аралашиб кет[illegible] ни буюради. Тўрт қўмондонга чўпон қиёфасида суру[illegible] боққан каби кўриниб, яғий томон ҳайдашни ва ҳужум[illegible] ниҳоясига етказишни амр этади. Яқинлашган семиз [illegible] ва серкаларни ушлаб сўя бошлаган, ўз оёғи билан кел[illegible] ўлжадан янада сармаст бўлган мўғуллар маишатни авж [illegible]

[1] Синир – чегара, давлат чегараси демак.



[illegible]ирадилар. Бир қисми маст-аласт ухлаб, бир бўлаги от-улов [illegible] курол аслаҳасидан узоқда еб-ичиб ўтирганда тери ёпин[illegible]ган тўрт минг пиёда ёв устига ташланади. Саросимага туш[illegible]ган мўғуллар тор-мор этилади. Шу воқеадан сўнг одамлар Қаҳрамоннинг қўйуни, сўнгра чиқар ўйини” деган термани [illegible]тўқийдилар, хоқони акрам ҳазратлари, – дея ҳикоясини ту[illegible]гатди қаҳрамонли беги.

– Кўп ибратли ҳикоя эркан, – деди хоқон таъсирланиб. [illegible]Биродаримиз Салжуқийнинг битигида яна икки сатр [illegible]боркм, унга изоҳ бермоқ ҳар қору ҳолда менинг зим[illegible]мамга тушади чоғи, – деди хоқон Қаҳрамонли беги ва Салжуқийга бир-бир қараб. – “Бана ҳикоя этинг, хоқон Темур сўйини” дея бизга мурожаат этадилар шоири за[illegible]монимиз. Шуни билдикки, сизда аксар, илму ирфон ки[illegible]шилари, ҳатто олиму уламоларда бизнинг кимлигимизни, [illegible]насл-насабимизу, келиб чиқишимизни яхши билмас экан[illegible]лар. Кишилар, билхосса ҳукмдор зоти дўсту душманни та[illegible]ниб, сўйи-сўпини ўрганиб, сўнгра у билан суғушу савашга [illegible]киргани маъқулдир. Ҳатто Йилдирим Боязиддек бир киши [illegible]ҳам бизнинг дину диёнатимиз, наслу насабимизни тузук[illegible]қуруқ билмас экан. Бизни ҳозир муҳтарам бегимиз айтган [illegible]қавми мўғул билан адаштирар эканлар. Ваҳоланки, биз ус[illegible]монли султонларининг келиб чиқишини жуда яхши била[illegible]миз. Улар ўзимизнинг туркман улусининг қайи қавмидан [illegible]эканлигини, сулола асосчиси Эртўғрул Усмоннинг бобо[illegible]лари қайиқчи ўтганларини тарихчиларимиз сўйлайдилар. Шул боис, қавми қариндош бўлатуриб, танимасни сийламас [illegible]қабилида иш тутиб, кибру ҳавога берилмаслигимиз, Оллоҳ бандаларини айириб, уларга ғайирлик ила боқмаслигимиз [illegible]керак. Муҳтарам авлодим Салжуқий! Битикларингизда [illegible]қайд этинг! Бизнинг кимлигимизни жумлаи жаҳон бил[illegible]сун! Бизким, малики Турон, Амири Туркистонмиз! Биз[illegible]ким, миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи, туркнинг бош [illegible]бўғинимиз! Давлат бизнинг қўлимизга кечгач, ёвуз мўғул

галалари, жўчию қораунаслар, яъжужу маъжужларнин Турону Туркистон бошида истадиги замон қиличу най за ўйнатмоғига чек қўйдик. Энди уларнинг босқинчи су ворийлари ақлига келган фурсатда Дашти Қипчоқ қумин чангитиб, икки дарё оралигини оёқ ости қилиб, экинлари мизни пайҳон этиб, чорвамизни ҳайдаб кетолмайдилар. Йи гитларимизни қул, аёлларимизни асира этолмайдилар. Бир элу элат бошқа бир халқни билмоғи учун, аввало ўз-ўзини англаб етмоғи керакдир. Сизлар ҳам бу даралар орасида қолиб кетмай, юрт кезинг. Ўзга ерлар ва халқлар ҳаётини кўринг, хулоса чиқаринг. Уясидан чиқмаган қуш учмоқни ўргана олмайди. Инсон авлоди эса тафаккури қанотида учиб, кишилик йўлини ойдинлатади. Оламда неки бор, Оллоҳ яратган дея осмонга қараб ўтирманг. Оллоҳ берган ақли заковат ила уни кашф этинг! Ўз кунлик ташвишлари га ўралашиб яшаган қавмлар бора-бора нуқсонларини кўра олмай қоладилар. Халқлар тижорату саёҳат воситасида ўз юртларига ўзгариш тараққиёт ва янгиликлар олиб келади лар ҳамда узоқдан ўз камчиликларингизни соғлом нигоҳ ила яхши кўрадилар. Мен каби юртингизга ташриф буюр ган ҳукмдордан насл-насабини суриштириб ўтирмайсиз. Кишининг шахсиятини белгиловчи энг муҳим омил ундаги мавжуд фикр ва қараш номусидир...

Сўзидан тўхтаб бироз тин олган хоқон ўйга толганча, да вом этди:

– Киши ва ҳукмдор ўлароқ ҳаётда энг хуш кўрмадигим инсоний қусур ёлғон ва алдовдир. Зотан сотқинлик, икки юзламачилик дея аталмиш разил нуқсон ана шу қусур бе шигида улғаяди. Боиси, тилига ҳоким бўла олмаган инсон ҳеч бир ерига эгалик қила олмайди. Бежизга ота-боболаримиз тилингга, элингга ва белингга ҳоким бўл демаганлар. Бу ҳикматнинг айни дамдаги энг аянчли мисоли собиқ султонингиз Боязидхон тақдиридир. Ул кишимнинг бошига тушган кўргилик ҳам тилдандир. Ёлғон-яшиққа кибру ҳаво



аралашдими, тамом. У одам боласини муқаррар фалокатга етаклайди. Унинг ортида турган бутун бошли улус ва юрт ҳам хонавайрон бўлади. Менким Оллоҳнинг қулбандаси Амир Темур сўзим шулдир. Сиз азиз биродарларимга неки сўз берсам, сўзим сўз, ваъдам ваъдадир! Бошимга қилич келса-да, сўзу аҳдимда турадурман. Сизлардан ҳам шуни талаб қиламан. Бир киши мени алдаса, Оллоҳ унинг жазосини берсин. Иккинчи бор алдаса, ҳар иккимизнинг жазомизни берсин. Учинчи марта алдаса менинг жазойимни берсин! Мен шу ақидага амал қиламан. Қаҳрамонли улуғи қаршисидаги масъулиятимни чуқур ҳис этганим ҳолда, сизнинг ҳам салтанатимиз олдидаги мажбуриятингизни ясо ва йўсунимиз бўйича сидқидилдан бажаражагингизга шакшубҳам йўқдир.

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, хоқоним! – дея ўзини улуғ Амир оёғига таппа ташлади Салжуқий бу баҳсли турумдан ўзини гуноҳкор санаб. – Биз сизнинг або турк авлоди эканлигингизни жуда яхши билурмиз!..

– Ўрнингиздан туринг ва хижолат чекманг. Билмамак айб эрмас. Ўрганмак ва изланмамакни истамамак айб саналур. Киши не қадар кўп юрт кезгани сари шу қадар кўп нарсани билмаслигини англар экан. Зотан, Расулуллоҳ таълим берганларидек, Чинга қадар бўлса-да кетиб, илм ўрганмоқ, лаҳадга қадар илм изламоқ ҳар бир инсон, мусулмон учун вожибдур. Сиз, азиз биродарим Салжуқий, бир гуруҳ дўстларингиз ила ёнимизда қолинг. Бизнинг олиму фозилларимиз, битикчию тарихчиларимиз ила мулоқотда бўлинг. Бу ҳамкорлик ҳар икки тараф учун бағоят фойдали бўлажакдир. Биз ҳам бу суҳбатлардан баҳраманд бўлсак, тарафлар бир-бирини янада яхши танийди.

Сўзидан тўхтаган хоқон нигоҳи ила амир Шайх Нуриддинга қўноқлар шарафига катта саропардада зиёфат тартиб беришни, муносиб ҳадялар ҳозирлашни ишорат этди.

– Сўзим сўнгида кечмишдаги улуғ бир тарихий воқеани

мамнуният ва ифтихор ила қайд этмоқни лозим топдимки, бу нарса миллатимизнинг арабу ажам, руму шом ҳудудларида ерлашиб, давлату ҳукумат қурмоғи, улус ўларок бу заминларда томир отиб маскан этмоғи учун муҳим аҳамият касб этгандир. Буни икки қулоғингиз ила диққат-ла тинглаб, хулоса чиқармоғингизни тавсия этаман, – дея овозини баландлатиб йиғилганларга мурожаат этди хоқон залворли сасда. – Бундан юз эллик йил, чамаси, бурун, мана шу, сўл тарафимда ўтирган, куни кеча Боязидбекнинг зах зиндонидан чиқиб келган қардошимиз Муҳаммадбекнинг улуғ боболари Султон Меҳмет Қаҳрамонўғли элимиз ва тилимиз шарафини юксалтирмоқ, уни араб ва форс тиллари соясида қолиб, унутилиб кетмаслиги, аксинча, ривожланишини кўзлаб фармони олий жорий этган. Салтанатлари ҳудудидаги элу элатларга "Боргоҳда ва даргоҳда, майдонда ва сайронда турк тилида қўнишилсин" дея амр этиб, бу фармон матнини майдонларга осдириб қўйган. Ҳақнинг раҳматига қовушган ўша улуғ султоннинг савобли ва ватаний иши соясида биз бугунги кунда бир-биримиз ила ўз она тилимизда сўзлашиб, англашиб турибмиз. Бундан бир неча юз йил бурун бу каби улуғ савобли ишни яна бир буюк аждодимиз Юсуф Хос Ҳожиб амалга оширган эрдилар. Ул авлиё шахсият маълум ва машҳур китоблари "Девони луғатит турк"ни ёзиб, бул гўзал тилни ўрганинг дея Бағдод халифасига тақдим этганлар. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ дейдилар. Кечмиш тарихимиздан узоқлашганимиз сари биз юрт ва улусимиз тарихида муҳим аҳамият касб этган воқеа ҳодисаларнинг туб моҳиятига етиб, унинг бугунги кун учун не қадар аҳамиятли эканлигини янада чуқурроқ англай бошлаймиз. Модомики, буни англаб етмас эканмиз, эл ўларок бутун, юрт ўларок тўкис бир миллат ва халқ бўла олмаймиз. Шуни ёдингизда тутингким, самимият ва садоқат, ор-номус соҳиби ўлмиш шон-шарафли турк қавми қадам босган



тупроқларга умид, адолат, қардошлик, ҳаққоният ва адолат олиб киргандир! Сўзим сўнгида сиз муҳтарам биродарларимни мамнуният-ла емак суфрамизга даъват этамен! Яна бир бор хуш келдингиз, сафо келтирдингиз! Ана энди биродаримиз Салжуқий ҳам ўз санъатларини кўрсата билурлар.

Қаҳрамон[1] беги Муҳаммад Иккинчи бошчилигидаги кўноқлар улуғ хоқонга тик оёқда олқиш ва таъзим-ла ҳурмат бажо келтирди.

Хуш кайфият-ла ўрнидан кўзғалган мусофирлар саропардага таклиф этилди.

Қўноқлар олдига биллур лаганларда қирғовул, каклик ва товуқ этлари бутунича, қайнатилган той ҳамда қўй эти қўйилди. Кичик ликопчаларда майда тўғралган суан (пиёз) устига мурч ва ҳинд зираворлари сепилган эди. Хоқоннинг хос нонвойлари ёпган иссиқ туркпатир ва қозонпатирларнинг хушбўй ҳиди саропардани тутди. Белига қўнғироқлар боғлаган косагуллар ҳафсала билан қадаҳларни тўлдиришарди. Калта камзулли баковуллар туркистон паловини дамлаб, сузишга ишорат беклардилар.

Давра шаклида ўтирган меҳмонлар ва уларга эшик этаётган мезбонлар қирқ чоғлиқ эди. Давранинг бош қаҳрамони Шербек Салжуқий амир Боботурк билан ҳангома қилганча май ва қимизни аралаштириб ичарди.

Сўнгра у ўз найида давра учун иккита куй чалиб берди. Амир Боботурк унинг елкасига зар чопон ёпди.

Меҳмондорлик одати бўйича соқийлар қуйган косалар охиригача ичилар, қадаҳ остида қолдириш мезбон,

[1] Қаҳрамон ўғиллари беклиги шундан сўнг яна бир неча ўн йил яшади. Эски хусумат юзага уриб, яна усмонли таркибига қўшиб олинди. Қаҳрамонли бекларининг бир қисми усмонли султонлари таъқибидан қутулмоқ учун насроний ўлкаларга бош олиб кетмоққа мажбур бўлдилар ва христиан динини қабул қилдилар. Улардан бири Костас Караманлис (Қаҳрамонли демак. Н.Қ.) 2000 йиллар бошида иқтидор партияси раҳбари сифатида Грециянинг бош вазири бўлди. Бош вазир экан, Туркиянинг Қаҳрамон вилоятига келиб, ота-боболари хотирасига очилган музейни зиёрат этаркан, кўз ёшларини тиёлмади.

қолаверса, хоқон ва амиру бекларга нисбатан ҳурматсизлик саналарди. Тажрибасиз, хоқону султонлар суфрасини кўрмаган қўноқлар бундай ўтиришларда меъёридан ортиқ ичиб, қовун тушириб қўйишар, бироқ бу айб саналмас, ак синча, хонадон соҳиби ва ҳукмдорга кўрсатилган ҳурмат дея қаралларди.

– Қимизни ҳам чоғир каби қолдирмасдан оласиз, шоири замон, – деди амир Боботурк Салжуқийга илтифот кўрсатиб.

– Охиригача олмасам-чи, амир жаноблари? – сўради меҳмон кўзини катта очиб, суҳбатдошига тикиларкан.

– Ичмасангиз кўп ёмон бўлади, биродар, – деди ҳамон жиддий қиёфада амир.

– Не бўлади, биродар? Мен телба шоирни довдиратмай сўйланг, – сўради ҳамон ағрайиб.

– Мана шу қимиз косасини охиригача ичмасангиз, сути соғилган бия пешонангизга тепади.

– Йўғ-е!

– Худди шундай, биродар. Буни тўқиб гапираётганим йўқ. Зотан бияни соғмоқ ва қимиз тайёрламоқ бу ҳудудларга биз тарафдан келган. Арабу Ажамда от эти ва сутини истеъмол этмайдилар. Уларнинг энг севимли емаги туя эти ва сутидир.

– Шундай, шундай, – амирнинг гапини маъқуллади Салжуқий. – Ота-боболаримизнинг она юртларидан узоқлашиб бу ҳудудларга келиб қолганларига кўп йиллар кечган. Сўйлаганингиз урф-одатларни билмаймиз. Туриш-турмушингизни, силоҳу қўшинингизни кўриб, сизлардан кўп нарсаларни ўрганмоқ кераклигини англадик, амирим, – майни сипқоргунча гап берарди Салжуқий.

– Қимизни қанча ичсангиз-да, майни меъёрда ичинг, дўстим. Чарчаб қолманг тағин, – суҳбатдошини огоҳлантирган бўлди амир.

– Қизиқ сўзларни сўзлар экансиз, муҳтарам амирим. Бек



ларганни бетига келма дейдилар. Шундай улуғ, етти иқлим ҳокими, Эрону Турон Султони, арабу ажам, подшоҳи руму шом малигининг суфрасида емай-ичмай ўтириб бўладими? Бу дастурхонда ўтирмоқ ҳар кимга ҳам насиб этавермайди, амирим. Ойда, йилда бир от ўйини дейдилар буни. Одамлар хоқон Темурнинг эпкинини туйиб, мақтаниб юришади. Биз-га эса ул зоти олий билан суҳбатлашиб, бир даврада емак ичмоқ насиб этди, – кайфи ошиб гурунг берарди шоир.

– Хонадон соҳиби ўлароқ сўйламаси биздан, қабул этмоқ ва этмамак ўзларидан, – деди амир майни майдалаганча бошини сарак-сарак қилиб.

Худди шу пайт амир Боботурк огоҳлантирган воқеа содир бўлди. Суфрага энгашиб эт олмоқчи бўлган меҳмоннинг қулоқ ва бурнидан қимизу май аралаш суюқлик отилиб кетди. Дастлаб ҳайратга тушган одамлар, сўнгра мириқиб кулдилар. Не қиларини билмай шошиб қолган Салжуқий ҳам қизарганча, уларга қўшилиб куларди.

– Айтдим-а сизга азиз орқадошим, эҳтиёт бўлинг деб, – унинг ўнғайсиз сезганча уст-бошига сачраган суюқликни енги билан артарди амир Боботурк ўзини кулгидан зўрға тўхтатиб. – Қусурга боқманг, биродар. Бул каби ғаройиб воқеалар бўлиб турмаса давра қизимайди.

– Охири май ила қимизни бурнимиздан булоқ қилдингиз-да, амир жаноблари, – жавоб қилди хижолатдан қизарганча Салжуқий.

Хоқон ҳам мириқиб кулганча Қаҳрамонли бегини эргаштириб, саропарда тўридаги хос бўлмасига ўтди.

– Бироз узаниб, суҳбатлашайлик. Бу ғала-ғовурда бафуржа кўнишмоғимиз мушкулдир, – деди хоқон тахтдан тушишига кўмаклашмоқ учун етиб келган мулозимнинг елкасига сўл элини қўяркан. – Мусофирларимиз хоҳлаганлари қадар ўтиришсин. Истироҳат этмоқ истаганларига ўтовлар таъсис этинг. Ҳадялар ҳам кўнгилдагидек бўлсин, – буюрди ўнг томонида турган Шайх Нуриддинга – Биз иним ила бироз суҳбатлашамиз. Бизга шафтоли шарбати келтирсинлар.

Мушку анбар ҳиди уфуриб турган хонайи хос мин бир кеча эртакларидаги каби безатилган эди. Токчалар қўйилган шоҳи япроқли гулларнинг мевалари турли шакл ги олтин, жавоҳир ва зумрадлардан бўлиб, шамлар нур да сеҳрли товланарди. Хоқон ва бек анвойи ҳидли ат ва банорас йўрганларга ўтиришди. Улуғ Амир ёнбошла Муҳаммадбек этакда хизматчи каби қўл қовуштирга чўккалаб ўтирарди. Саропарда соҳиби қанчалик таклиф масин, юқорироқ ўтирмади.

– Сиз азиз авлодимга айтар сўнг сўзим шулдир, – де хоқон шарбатдан бир ҳўплаб косани хонтахта устига қўй экан. – Кимга ният кимга қисмат ёхуд югурганники эм буюрганники дегандек, султон Боязид зафар, шуҳрат ўлжа иштиёқида ортимиздан оч тозидек қувиб кел Оллоҳга бир айтгани бир эканким, биз каби миллатдош диндош бир ҳукмдорнинг қўлига асир тушди. Акс ҳол унга шу пайтгача ўз рақибларини сақлаб келган зинд ҳам буюрмас эди. Ҳақнинг раҳматига ковушган отаси Му род Худовандигар каби шаҳидлик шаробини-да сипқо билурди. Салтанат сурмоқ, мулку давлат йўнатмоқ ва э юрт сўрмоқнинг тартибу тузуги, ахлоқу одоби шунд дир. Адлу оқиллик, инсофу диёнат-ла давлатни бошқарг ҳукмдор инсон ва шоҳ ўлароқ, Оллоҳ насиб этган умри элу юртига бахшида этиб, шоҳлиги ҳам муносиб равиш якун топади. Қасрдан қабрга ўз ажали билан кетади. Су тон каби кибрга берилиб, ўзини ўту чуққа уриб, бу ёру оламда фақат менинг айтганим бўлиши керак дея ўйла иш тутса, охир-оқибати аянчли тугайди. Кўплар, айникс қорни тўқ бойу боёнлар бахтни тахтда дея фикр қиладила Тахтда ўтирмоқ, юрт сўрамоқни бахт дея тушунганла ана шу янглиш тушунчанинг илҳому васвасасига берилиб ҳукмдорликнинг асл ҳадафи, улуснинг тамал мақсад ва ман фаатларидан узоқлашадилар. Ва ўзлари англаб-англама



тахти остидаги зиндон ёки зиндондан ҳам қуйидаги қабр ...лмиш боқий қасрга тушиб кетади, – насиҳатомуз оҳангда ...лари хоқон.

– Тўғри сўзлайдурсиз, улуғ хоқон ҳазрати олийлари! – ...воб қилди бек назокат ила бошини эгиб. – Бизда бул ...гоят пурмаъно сўзларингиздан хулоса чиқариб, сизга му...сиб хизматчи ўла билмоқдин ўзга лутф истамаяжакмиз!

– Боракалло, авлодим! Умид ҳам шунчаликдур. Демак, ...таган фикрим шулким, инсон зоти, айниқса, ҳокимият те...сида турган одам кишилик ва ҳукмдорлик каби илоҳий ...ьматнинг қадр-қимматини билмоғи, шаъни шарафини ...ламоғи лозимдур. Сиз авлодим кеча султон зиндонида ...дингиз. Бугун эса отангиз тахтидасиз. Бу яратганнинг ...сиз иноятн, меҳр-мурувватидир. Буни қадриганг етиб, ...соб-китобда адашмай иш тутсангиз, умрингизу сал...натингиз боқий бўлғай. Биз бу юртларда узоқ қола ол...маймиз. Бу турум ўз-ўзидан бизга тегишли ҳудудлардаги ...иятнинг ўзгариб турмоғига олиб келади. Айниқса, сиз ...би ота тахтини қайтариб олганлар диққатли бўлмоқлиги ...рак. Инсон умри қуш уйқуси кабидир. У бу қисқа фур...тда аслида ҳеч нимага улгура олмайди. Отангиз каби ...лаётган насиҳатимдан муддао шулким, яна қайтиб, эски рақибларингиз тузоғига тушиб қолманг! Энди улар сиз...ни зиндонда сақламайдилар. Бизнинг Султон Боязид...га қилганимиз каби муносабатда бўлмайдилар. Сўзим ...нгида шуни сўйламоқни жоиз деб билурманки, ҳеч ...чон ҳақингиз ва ҳақ-ҳуқуқингизни яғийларингиз инсо...фу адолатига қолдирманг! Бундай турумда сулола ва улус ўлароқ маҳв ўлмоқликка маҳкумдирсиз! Адолатга амал қилмоқда тарзингиз ва таврингиз янглиш ўлуркан, аввало ўзингизни, сўнгра улусингизни боши берк кўчага суқиб, ўзга элу элатларнинг ўлжасига айланасиз. Адолат ва му...рувватни эҳиёткорлик ва қаттиққўллик билан олиб борма...сангиз, рақибу яғийларингиз бир четда қолиб кетиб, обрў

ошдан, ғавғо қариндошдан дегандек, тахтингизга даъвогарлар ўзингиздан чиқади. Оталарингиз қони ва жони эвазига барпо бўлган бул мамлакат ва тупроқни ҳимоя этмоққа ҳар дақиқада шай турмоғингиз шартдир. Унутмангким, ватаним, юрти, улуси учун жонини фидо этмоққа тайёр турганлар, ўлимга ҳозир бўлмаганлар устидан ғалаба қозонадилар.

– Сўзларингиз ҳақдур, хоқони акрам ҳазратлари! Илгари бир бўлса, энди ўн бора диққатли ўлмоқ мажбуриятидамиз.

– Яратган бахту тахтингизни юзингиз каби очиқ этсун! – дуо қилди хоқон.

...Кутаҳия яйловида бир ой турган олий ўрду Дўнузли томон юрди. Дўнузлига борар экан, бир неча кун Мармара денгизи бўйидаги сўлим Олтинтош мавзесида султоний чодирлар тикиб, истироҳат этдилар.

Олтинтош ҳордиғи улуғ Амир қарор бериши лозим бўлган нохуш бир ташвишдан бошланди. Улус амири Сайин Темур укаси Мурод Темур билан бирга лашкар Анқара қалъасига кирганида бу ердаги хазинани кимсага билдирмай араваларга ортиб, тоғу тошлар орасига яширишган, чоғир ичиб, ўша кишилар никоҳида бўлган етти аёл ва қизни зўрлаган эдилар. Сайин Темур номусига теккан ўн бир ёшли қиз сўнгра вафот этган ва бу нохуш хабар хоқонга ҳам етган эди. Тафтишчи ва қозилар жиноятни ўрганиб ойдинлатиб, хоқон арзига еткиздилар ва айбдорлар ўлим жазосига лойиқ кўрилди. Лашкарга сабоқ бўлсин ва адолат қарор топсин деган Темур катта қозининг ҳукмига эътироз этмади.

Темур йўл-йўлакай тотор турклари кўпроқ яшайдиган Эскишаҳарда икки кун тўхтади. Бу ерда бир ойдан бери маҳаллий аҳоли кўлида унинг ўн беш фили боқиларди. Шаҳарликлар кечаю кундуз бу еб тўймас ҳайвонларга озуқа ва сув ташиб ҳолдан тойган эдилар. Ҳар бир фил кунига

[1] XI асрда бу ботқоқли ерларга келганида ёввойи чўчқа (тўнғиз) кўп бўлгани учун турклар у ерни Дўнузлу деганлар. Кейинчалик Денгизли (денгиз бу ердан узоқ бўлса-да) деб ўзгартирилган.



... пуддан сув ичар, бир ярим ботмон[1] ем-хашак ер эди. Шаҳар сокинлари Темур ташриф буюргач, ҳузурига арз-ла келиб, ўзларини бу машаққатли ташвишдан халос этмоқни сўраганга аҳду паймон қилдилар.

Турон хоқонининг султоний чодири Эскишаҳарнинг шимол тарафидаги ўтлоққа тикилгач, шикоятчилар мурожаат этмоқ учун ўттиз чоғли киши бўлиб, йўлга тушдилар.

Темурнинг қаттиққўллиги ҳақида кўз кўриб-қулоқ эшитмаган афсона ва ривоятлар юрар, араб ва эрон тужжорлари тарқатадиган бу ёлғон-яшиқларни эшитган одамлар унинг номини тилга олмоқдан ҳам кўрқардилар. Шу боис улуғ хоқон ҳузурига бораётган одамларнинг кўрқув ва ваҳшатдан оёқлари қалтирарди.

Гуруҳнинг олдида кетаётган Акрам афанди исмли, эскишаҳарликлар Хўжа Насриддин дея лақаб қўйган, кўй мадрасасининг мударриси, доно ҳамда қизиқчи кишининг ҳангуздаги ҳангомаларидан ҳам уларнинг тунд чеҳралари ёришмас, барчасини ваҳима босган эди. Акрам афанди ҳаммаэнг олдинда гап бериб кетиб борарди. Бир ўгирилиб қараганда ўттиз кишидан йигирматаси қолганди. У эътибор бермай кетаверди. Анчадан сўнг ковушини судраб келаётганлар шовур-шувури янада озайгандек туюлди. Қараса, ўн чоғли одам унга эргашиб келар эди. Орқага қайтишни ор билган Хўжа Насриддин дамини ичига ютганча йўлида давом этди. Темурнинг бош қўриқчиси ёнига етиб келганида ёнида тўрт нафар киши бор эди. У қоровулбошига не мақсадда келаётганини усмонли турклари лаҳжасида узоқ англатди. Хос навкар усмонлича яхши тушунмас, Хўжани айғоқчисан, асир оламан дея дағдаға қиларди. Қоровул билан тил топишиб, Темур уни ҳамон қабул қилиши маълум бўлганида ёнида пашша ҳам йўқ эди. Қолган тўрт киши ҳам қоровулнинг авзойидан чўчиб, жуфтакни ростлаганди.

Не қиларини билмай, турган ерида ҳайкалга айланган

[1] Қарийб 320 кг.

Хўжа аросатда қолган, уни кимсан Амур Темур бек... ган эди. Хоқон ҳузурига кирмай қочиб қолса, боши ке... ши тайин. Кириб нима дейди? У ҳимоя қиладиган ... қочиб кетган бўлса. Темур сен ёлғон сўзламоқдасан, ... сўзингга гувоҳлар деб қолса? Хўжанинг боши қотди. Те... мур қароргоҳига қадар бўлган юз қадамча масофани бо... ўтганча онасидан қайта туғилди. Қоровулларнинг ҳам ... бўлаётганига ақли етмай ҳайрон эдилар.

Темур оддий фуқароларни беклатмай қабул этар ва ... додини сўнгги сўзига қадар тинглар ҳамда ўша дақиқани... ўзидаёқ тегишли фармойишни берар эди. Шикоятчини... гапи ростлигига шубҳа қилганидагина масалани туби... етмоқни мулозимлардан бирига топширарди.

– Буюринг, хўжам, хизматларига ҳозирмиз, – деди Темур мударрисга соф усмонлича лаҳжада унинг терлаётган юзи... разм солиб.

– Халқимиз сиздан миннатдор, улуғ хоқон ҳазратлари! Навкарларингиз шаҳримизда ҳеч бир кимсанинг ноҳақ бу... нини қонатгани йўқ! Кишиларимиз ўн бош филингизни ... раб-авайлаб боқмоқдалар ва бу борада анча-бунча тажри... орттирдилар! Улар менга ҳар замон сизнинг хизматингизга ҳозиру нозир эканликларини етказишимни рижо этдилар. Бошқа жойларда қолган филларни боқмоқ муаммо бўлса, уларни ҳам шу ерга олиб келишларини илтимос қилдилар, – деди ўзини қўлга олиб Хўжа.

– Ў-ў, ташаккур, хўжам! Шаҳрингиз халқи жуда меҳмондўст ва меҳнаткаш деб эшитгандим! Демак, тўғри экан! Уларнинг бу хизматларини унутмаймиз. Жуда вақтида келдингиз. Денгиз соҳилида шу пайтгача на усмонли ва на бошқа бир султон ололмаган Измир деган қалъа бор эмиш. Биз шу қалъани фатҳ этмоққа қарор қилдик. Бошқа филларимизни ҳам бу ерга тўплаб, сўнгра Измир сари юриш... сак бўлади. Сизлардан Оллоҳ рози бўлсин! – деди Темур мамнун бўлиб. – Сўйланг, мендан не тилагингиз бор? – дея сўради хоқон Хўжани суюб.



...ук, ҳар нарсамиз етарли. Оллоҳга шукур. Илтимо... ...ни айтдик, – жавоб қилди Хўжа таъзим бажо келти... ...етмоқ учун орқага тисарилар экан.

...ўжамизнинг елкаларига султоний жубба ёпилсун ва от ...инилсун! – буюрди хоқон.

...ўжа Акрам қишлоққа шоҳона тўнда ва саман тулпор... ...қайтиб борди. Уни кўриб турган собиқ йўлдошларининг ...рат ва аламдан ичлари ёнди.

– Қайтиб кетиб хато қилдиларинг. Ҳозир мен каби ...ни йўқ зарбоф чопон ва шоҳона тулпор соҳиби бўлар...ларинг, – деди Хўжа афсусланган қиёфада. – Темур ...шларингни ҳам олдимга юбор, сийлайман деди, – кўшиб ...ни гап сўнгида.

Бу сўзга ишонган тўрт-беш киши эртасига хоқон ...рига отландилар. Мулозимлар уларни фил сўраб келган ...нинг одамлари эканликларини билгач, яна еттита фил... ...занжирини қўлларига тутқаздилар.

...либ ўтган воқеа Темур ҳақидаги хотира, ҳикоя, афсона ...ривоятларнинг султонига айланди.

Улуғ Амир усмонли давлатининг икки нуфузли кишиси, Шайх Шамсуддин Жазарий ва Муҳаммад Бухорийни ўз хос мулозимлари ва маслаҳатчилари сафига киритиб, уларга шоҳона иззат-икром кўрсатиб, ёнида олиб юра бошлаган... ...и Султон Йилдирим Боязид ҳам хоқон қошида эди. Улар ...ярли ҳар куни ёхуд кунора кўришиб суҳбатлашишар, ора... ...да самимий, дўстлик муносабати қарор топган, Султоннинг ...гидан чиққан истак ўша заҳотиёқ ўринлатиларди.

Хоқон Шайх Шамсуддин Жазарий ва Муҳаммад Бухорий билан деярли ҳар куни хуфтон номозини бирга ўқиб, ...шом емагини баробар ер ва суҳбатлашар, улардан Рум ва Араб ўлкалари тарихи ҳамда бугунига оид билгилар ...арди. Муҳаммад Бухорийнинг ота юрти Турон ҳақидаги саволларига жавоб берарди. Аҳволи руҳиясига қараб, бу суҳбатларга Султон Боязид ҳам қатнашар эди.

Улуғ хоқон Шайх Нуриддин ва амир Боботуркга ... тон ҳарамидаги жория ва канизаклардан камида эллик ... фарини топиб келтиришни буюрди. Бундан ташқари ... малика Марина ёнида келган ва асира тушган яна ... чоғли жория ва канизаклар саропардага яқин хос чодир... да сақланарди. Алп Туркаш улуғ Амир юклаган вазифа... қойиллатиб бажарди. Уларга султоннинг кўзидан узоқ... масофада махсус чодирлар ҳозирланди. Алвонранг чоди... лар ичида юз чоғли турли миллатга мансуб ҳуриликой... гоҳ ҳиринглашиб, гоҳ кўзёши тўкиб, бир-бирини турти... ўз қисматларини кутар эдилар. Улар орасидан созанда ва ашулачилар танлаб олиниб, машқ қилмоқ учун катта ба... ўтадиган минг кишилик саропардага олиб келинди. Ул... бир неча кун астойидил машқ қилдилар. Шунда барча ... тин-халажнинг кўнгли жойига тушди. Султон Йилдирим Боязид саройида не иш ила машғул бўлган бўлсалар, Темур саройида ҳам ўз эски ҳунарларини кўрсатардилар. Ерга ур... санг осмонга сапчийдиган малаксифат гўзаллар подшоҳ... тининг чиройли аёлларсиз яшай олмаслигини, уларсиз бир куни ҳам ўтмаслигини яхши билишар, шу боис сохта ноз карашма қилиб, ўзларини тарозига солардилар.

Базм тайёргарлиги бир ҳафта бурун бошланди. Узоқ... яқиндан мусофирлар даъват этилди. Юзлаб қўй, эчки, то... ва бузоқлар сўйилди. Юнон ва фаранг майлари келтирил... ди. Денгиз орти мамлакатларининг антиқа мева-чевалари сандиқ-сандиқ олиб келинди ва куннинг иссиғида бузил... маслиги учун муздек ертўлаларда сақланди.

Базм оқшомидан бир кун олдин хоқон ҳузурига мавлоно Бадриддин Аҳмад ибн Шайх Шамсуддин Жазарийни чорла... ди. Улуғ Амирнинг яқин амиру лашкарбошилари ҳам ҳозир эдилар.

– Қаршимизда битта кичик тўсиқ қолди, биродарлар, – дея тўпланганларга кўз югуртирганча сўз бошлади Темур. – Бу ҳам бўлса Миср тўсиғидир. Биз исломнинг икки



...масканини тасарруф этиб турган Миср султони ...руддин Фаражни ўз ҳолига қўйишимиз ҳам мумкин ... бир Миср давлати фатҳи билан бизнинг Турон сал...натимиз кенгайиб қолмайдур. Бироқ мана олти йилдир... у бизнинг элчимиз Аталмишни тутқунликда сақлаб ...рибди. Қўлидан иш келган ҳар қандай ҳукмдор бундай ...ритомуз ҳолатга бефарқ қарамайди. Жумладан, биз ҳам. ...тарам Шайх Шамсуддин Жазарий ҳазратларини ул дин... ...ни ва қўшни ўлкага элчи ўлароқ юбориб, истакларимизни ...тонига етказмоқларини жоиз деб билдик, – деди Темур ...йхга нигоҳини қадаб.

Шамсуддин Жазарий ўрнидан туриб таъзим бажо кел...риб, таклифлари қабул дегандек бош ирғади. Темурнинг ...ворасига қарамасдан хоқон сўзини тугатмагунча жойига ...тирмади.

Бизнинг таклиф ва талабимиз шундан иборатдур, – ...ўзида давом этди у ўнг қўлидаги тасбеҳини ғижимлаб ай...лантирар экан. – Рум мамлакати ва унга туташ насроний ...калларининг ҳам бизга мусаххар бўлганлигини сўйланг. ...ундан буён Миср ва Шомда хутба бизнинг номимизга ...илиб, тангалар бизнинг исмимиз ила зарб этилади. Агар...ким бу талаблар бажарилмаса, Рум фатҳидин сўнг ул сори мутаважжиҳ бўлурмиз! Шунингдек, Миср султони отига ...илган фатҳномани ҳам ўз қўлига топширинг. Фатҳномага ...никим Турон султони Темур бугун, тарих жумъа куни. ...рабиъ ал-аввал ойининг бошида, саккиз юз бешда (29. 09. 1402) имзойимни чекдим, – дея сўзини тугатди улуғ амир. – Бу хусусда фикрлар бўлса, марҳамат, – дея ўтирганларга ...боланди.

Барча бирдек бош ирғаб, хоқон сўзини маъқуллади. Шамсуддин Жазарий бош муншийнинг қўлидан Миср фатҳномасини олди. Мавлоно Муҳаммад Умар ҳамкор...лигидаги Темур элчилари Анталиянинг ғарбий чеккасидан Гедиз дарёси бўйида жойлашган Адана шаҳрида кемага ўтириб, Искандария, ундан Қоҳира томон йўлга тушдилар.

Султон Йилдирим Боязидни ҳузурига чорлаган Темур меҳмонхона ва мажлисхона вазифасини ўтайдиган узун-ги юз, эни эллик газ келадиган саропарданинг кириш қаршилади. Темур изн берган бўлса-да суҳбат ва емак Йилдирим Боязид илгариги каби шоҳона либослар ва тож киймас, усмонли амирлари каби одми кийинар эди.

Саропарданинг ҳар бир тоқисига турли хил ипак зарҳал шокилалар осилган, ранго-ранг бантлар билан шакли ясалиб безатилган эди. Унинг тўрида Темур тахти жойлашган бўлиб, у икки тарафдаги суянчи курсилардан бир ярим қарич баландроқ эди. Су Маҳмудхон амир Шоҳмалик билан Кичикбурлаг музофо да бўлганлиги учун ўнг томонидаги унинг ўрнига улуғ Йилдирим Боязидни таклиф этди. Шу тахлит элчи ва Ам лар, лашкар бошлиқлари ва хос мулозимлар тартиб бўйи даврадаги ерларини олдилар. Узун тўрт бурчак шак ўтирган меҳмонлар олдига баландлиги ярим газ келади хонтахталар тизиб қўйилиб, усти хилма-хил нозу неъма тўлдирилган, анвойи гуллар билан безатилган эди. Суф да Эроннинг антиқа қуруқ ўригию, Самарқанднинг со майизи, Хўжанд бодомию, Ироқ ва Термизнинг хилма писталари, Араб тотлилари-ю, Қорабоғнинг тўрт че асали, Мозандарон қуруқ емишларию, Миср қандолат тўкин-сочин эди. Рассом сувратидек безатилган дасту хонга қўл узатмоқдан киши хижолат чекар, бу гўзалли санъат намунасини фақат томоша қилиб ўтириш керак эди. Саропарданинг қуйи томонига курси ва хонтахта қўйилмаган, ўнг бурчагидаги сўрида турли хил мусал шароб ва чоғирлар, сўл бурчагидаги сўрида айрон, қим қимрон ва бўзалар қуйилган, ёнидаги сўрида эса ўн хил ортиқ мева шарбатлари биллур кўзаларда жилоланиб тур ди. Олтин шамдонларга қадалган оқ қизил шамлар саропардага ранго-ранг сеҳрли ёрқинлик таратар, барчани кайфи чоғ, руҳи кўтаринки эди.



доимо елкасини қисиб, ўксик ҳолатда юрадиган камгап султон Йилдирим Боязиднинг ҳам бугун чеҳраси очиқ, кат-такон олтин товоқда май келтирган, ўзи томон табассум қилиб турган раққосага ним табассумда қаради, кўнгли кетди. Назарида, бу гўзал чеҳрани қаердадир кўргандек бўлди, бироқ эслай олмади. Раққоса эса султонга боқароқ хижолатдан қизариб, кўзларини ердан узолмасди. У шу тахлит тўрда ўтирганларга шароб улашар, қадаҳ олган ҳар бир амирга хиёл букилиб таъзим қиларди. Унинг каби сак-киз нафар раққоса, бир-биридан чиройли ва нозикбадан қизлар даврадагиларга ички улашарди. Бу ғалати учра-шувдан ҳайратга тушиб, ақли шошган султон ҳаяжонини босиш учун қизил май тўлдирилган қадаҳни охиригача симирди. Бўшаган қадаҳларга бошқа саккиз нафар гўзал раққоса товоқ тутарди. Қадаҳини олмоқ учун қаршисига келган гўзал ҳам кўзига иссиқ кўринди. Хаёли жойи-да бўлмаганлиги учун буни ҳам эслай олмади. Май тўла қадаҳларни тарқатаётган қизлар гир айланиб навбатма-навбат келишар, бардоғи бўшаганлар яна май тўла қадаҳ олишар, сархушликдан меҳмону мезбонларнинг чеҳралари ёришиб, кўзлари ёна бошлаган, барча бирдек усмонли, эрон, турон, кавказ, юнон ва сақлаб удумида кийинган гўзалларга суқланиб боқарди.

Султон Йилдирим Боязид туш каби содир бўлаётган бу воқеанинг тубига етмоққа интилиб, ҳеч бир емакка оғиз ур-май қадаҳ бўшатарди. Ёнида уни асир олган оқсоқ Темур ўтирганлигини ҳам унутган, хаёли, ақли бошидан учгандек эди. Ниҳоят масаланинг моҳияти ечилиб, не воқеа содир бўлаётганини англагач, отилиб ўрнидан туриб кетишига сал қолди. Бироқ шайтонга ҳай берди. Бир зумда кайфи ҳам тарқаб, сувга бўккан нондек бўшашиб, ўсаллашди. Чидаш керак эди. Чидаш. Бошқа иложи йўқ эди.

У қаршисига келиб қимтинганча олтин товоқ тутиб тур-ган, бундан икки ой бурун ҳарамда қизлик иффатини ўзига

Султон Йилдирим Боязидни ҳузурига чорлаган Темур меҳмонхона ва мажлисхона вазифасини ўтайдиган узу ги юз, эни эллик газ келадиган саропарданинг кири қаршилади. Темур изн берган бўлса-да суҳбат ва емакла Йилдирим Боязид илгариги каби шоҳона либослар ва то киймас, усмонли амирлари каби одми кийинар эди.

Саропарданинг ҳар бир тоқисига турли хил ипа зарҳал шокилалар осилган, ранго-ранг бантлар билан шакли ясалиб безатилган эди. Унинг тўрида Темури тахти жойлашган бўлиб, у икки тарафдаги суянчи курсилардан бир ярим қарич баландроқ эди. Сул Маҳмудхон амир Шоҳмалик билан Кичикбурлағ музофи да бўлганлиги учун ўнг томонидаги унинг ўрнига улуғ ам Йилдирим Боязидни таклиф этди. Шу таҳлит элчи ва Ами лар, лашкар бошлиқлари ва хос мулозимлар тартиб бўйи даврадаги ерларини олдилар. Узун тўрт бурчак шакл ўтирган меҳмонлар олдига баландлиги ярим газ келади хонтахталар тизиб қўйилиб, усти хилма-хил нозу неъмат тўлдирилган, анвойи гуллар билан безатилган эди. Суф да Эроннинг антиқа қуруқ ўригию, Самарқанднинг сол майизи, Хўжанд бодомию, Ироқ ва Термизнинг хилма-хи писталари, Араб тотлилари-ю, Қорабоғнинг тўрт чеш асали, Мозандарон қуруқ емишларию, Миср қандолатла тўкин-сочин эди. Рассом сувратидек безатилган дасту хонга қўл узатмоқдан киши хижолат чекар, бу гўзаллик в санъат намунасини фақат томоша қилиб ўтириш керакд эди. Саропарданинг қуйи томонига курси ва хонтахтал қўйилмаган, ўнг бурчагидаги сўрида турли хил мусалла шароб ва чоғирлар, сўл бурчагидаги сўрида айрон, қими қимрон ва бўзалар қуйилган, ёнидаги сўрида эса ўн хилд ортиқ мева шарбатлари биллур кўзаларда жилоланиб тура ди. Олтин шамдонларга қадалган оқ қизил шамлар ёни саропардага ранго-ранг сеҳрли ёркинлик таратар, барчани кайфи чоғ, руҳи кўтаринки эди.



Доимо елкасини қисиб, ўксик ҳолатда юрадиган камгап тон Йилдирим Боязиднинг ҳам бугун чеҳраси очиқ, кат- олтин товоқда май келтирган, ўзи томон табассум турган раққосага ним табассумда қаради, кўнгли Назарида, бу гўзал чеҳрани қаердадир кўргандек Бироқ эслай олмади. Раққоса эса султонга боқароқ олатдан қизариб, кўзларини ердан узолмасди. У шу лит тўрда ўтирганларга шароб улашар, қадаҳ олган ҳар амирга хиёл букилиб таъзим қиларди. Унинг каби сак- нафар раққоса, бир-биридан чиройли ва нозикбадан лар даврадагиларга ички улашарди. Бу ғалати учра- дан ҳайратга тушиб, ақли шошган султон ҳаяжонини учун қизил май тўлдирилган қадаҳни охиригача корди. Бўшаган қадаҳларга бошқа саккиз нафар гўзал ққоса товоқ тутарди. Қадаҳини олмоқ учун қаршисига ган гўзал ҳам кўзига иссиқ кўринди. Хаёли жойи- а бўлмаганлиги учун буни ҳам эслай олмади. Май тўла адаҳларни тарқатаётган қизлар гир айланиб навбатма- навбат келишар, бардоғи бўшаганлар яна май тўла қадаҳ олишар, сархушликдан меҳмону мезбонларнинг чеҳралари ришиб, кўзлари ёна бошлаган, барча бирдек усмонли, рон, турон, кавказ, юнон ва сақлаб удумида кийинган гўзалларга сукланиб боқарди.

Султон Йилдирим Боязид туш каби содир бўлаётган бу воқеанинг тубига етмоққа интилиб, ҳеч бир емакка оғиз ур- май қадаҳ бўшатарди. Ёнида уни асир олган оқсоқ Темур ўтирганлигини ҳам унутган, хаёли, ақли бошидан учгандек эди. Ниҳоят масаланинг моҳияти ечилиб, не воқеа содир бўлаётганини англагач, отилиб ўрнидан туриб кетишига сал қолди. Бироқ шайтонга ҳай берди. Бир зумда кайфи ҳам тарқаб, сувга бўккан нондек бўшашиб, ўсаллашди. Чидаш керак эди. Чидаш. Бошқа иложи йўқ эди.

У қаршисига келиб қимтинганча олтин товоқ тутиб тур- ган, бундан икки ой бурун ҳарамда қизлик иффатини ўзига

бахшида этган, Қоҳирадан Миср шаҳзодаси юборган араб гўзали, канизак Ҳанифани аниқ-тиниқ таниди. Ҳанифа ҳам йиғламоқдан бери бўлиб қаршисида иймаииб турар, ин бироз шундай, бир-бирлари билан кўз уриштириб тура лар қўлидаги товоғи тушиб кетарди. Қадаҳни қўлига ол ган султон кўзини канизакдан олиб қочди. Канизак Ҳанифа товоқни султоннинг ёнида ўтирган амир Шайх Нуриддин тутди.

Султон Йилдирим Боязид хижолатдан адойи тамом бўлганди. Темур эса ҳеч нимадан хабари йўқдек канизаклар рақсини томоша қилиб ўтирарди. Султон соқий канизаклар га эътибор бериб, рақс тушаётганларга қарамаган эди, вох! Улар ҳам куни кеча ўз ҳарамини гуллатиб турган кани зак ва жориялар эди!..

...Кўз ўнгида, куни кеча қўйини ва қучоғини тўлдириб, танасини ялаб юлқаб, уқалаб, бир-биридан қизғониб, турк ҳаммомида товонларини ишқалаб чўмилтирган юнон ва сақлаб гўзаллари Наталия, Катерина, Аннамария, Гали на, Олга, Евгения... Араб жориялари Зубайда, Ойиша, Маҳбуба, Хадича... Эронли суюклилари Феруза, Малоҳат, Гулбадан... Тўхтамишхон ҳадялари, мўғул малаклари Ой сулув, Қуралай, Ойбадан, Қалдирғоч... Ўз лаҳжасида у оти ни Қарлиғач деганди. Гуржи қироли совғаси Тамара, арман гўзали Сирена...

Маҳбубанинг арабча рақс этиши... Томоша қилмоққа вақти ҳам бўлмаганди. Қалдирғочнинг момиқдай бадани...

Султон Йилдирим Боязид Византия қироллари саройи даги тош ҳайкалга айланган эди. Кўз олди қоронғилашиб, тўрт нафардан бўлиб ўйнаётган раққосалар, кўзига саккиз та, ўн олтита бўлиб кўринар, асир тушиб Темур ҳузурига олиб келинганда ҳам бундай мулзам, изза ва шарманда бўлмаган эди.

Ёқма – пишарсан, қазима – тушарсан деганлари шу экан, карахт хаёлидан кечди мағлуб ва асир султоннинг.



У бошида Темурнинг бу ўйинини англамади. Англагач, ...ойи бадани музлаб, тошга айланди. Энг даҳшатлиси, ...лар орасида султоннинг никоҳидан чиққан хотинлари ҳам ...р эди. Инсофли одам экан. Никоҳидаги хотинларини олиб ...тирмабди. Мен нодон авротни ўртага солиб қасам ича...шим, хаёлидан кечди юраги ўртаниб! Ахир, туркларда аёл ...ига тил теккизмоқ энг катта гуноҳ, оила ҳақига қилинган ...ният саналишини билар эдим-ку! Арзинжон ҳокими Та...ртаннинг хотинларини олиб кетиб ҳам хато қилдим...

Султоннинг кўз олди қоронғилашиб, боши чархпалак...ек айланарди. Ақлидан не фикрлар кечмасин, ўгирилиб, ...ни томонида ўтирган Темурнинг юзига қарай олмади. ...рамоққа юзи йўқ эди. У ҳам гўёки ҳеч нарса бўлмагандай канизаклар қўлидан қадаҳ олиб май ичар, кайфи чоғ эди.

Базми жамшидга Эскишаҳардан филбон Хўжа Насрид...дин ҳам чақиртирилган эди. Кечикиб келиб, эшик олдида ...мкулай аҳволда турган мусофирни улуғ Амир ёнига чор...лади.

– Сизнинг кимлигингизни кетганингиздан кейин би...либ қолдик, хўжам. Хўжа Насриддин ўз оёғи билан кел...ганида уни қўлдан чиқарибмиз. Бугундан эътиборан сиз ...бизнинг саройда хизмат қиласиз. Вазифангиз биз билан суҳбатлашмоқ. Баробар кўнгил чигилини ёзамиз, биродар, – деди хоқон меҳмонни чап ёнидаги бўш курсига таклиф этаркан.

Малаксифат канизаклар хўжага қадаҳ тутдилар. У турли ...ил қуш кабобларидан, қўзи этидан тайёрланган туронча тандир кабобдан татиб кўрди.

– Қани қизиқ ҳангомалардан олинг-чи? – деди Темур Хўжани ўзига яқин чорлаб. Уларнинг сўзлашганини кимса эшитмас, меҳмонлар ўзаро суҳбатга киришган, барча ўзи билан ўзи бўлиб қолган эди.

– Сиз каби бир подшоҳ биз каби бир хўжани ҳузурига чорлаб иккита савол берибди. Шунга жавоб берсанг бош

вазир бўласан, дебди подшоҳ хўжага, – дея ҳикоясини бош-
лади Хўжа Насриддин. – Буюринг, дебди хўжа подшоҳга.
Менга дунёдаги уч энг ёқимли овоз ва уч энг яхши иш
сўйла, дебди подшоҳ. Дунёдаги уч энг ёқимли овоз, жиз-
жизу гўшту кабобу, қул-қулу майи кабоб, шир-шири ин
тони банд, дея жавоб берибди форсчалаб Хўжа. Дунёдаги
уч энг яхши иш эса этни емоқ, этга этни қўймоқ ва ундан
эт яратмоқ дея жавоб берибди. Қойиллатдинг, Хўжа, эрта-
дан бошлаб бош вазирсан, дебди подшоҳ. Йўқ, дебди Хўжа
мен учун бош вазирликдан кўра подшоҳ билан мана шун-
дай ҳазил-мутойиба қилиб, ҳангомалашиб юрмоқ афзал-
дир. Бош вазирликни талабгорларга бераверинг дея жавоб
қилибди Хўжа.

Хўжанинг суҳбати ширин ва қизиқарли эди. Темур анча-
гача уни ёнидан қўйиб юбормади ва шундан сўнгра у улуғ
Амир саройида хизмат қила бошлади.

Олий ўрду Дўнузлудан кўчиб, Булақ мавзеси томон юр-
ганида Султон Йилдирим Боязиднинг ўғли амир Сулай-
мондан элчи келганлигини маълум қилдилар. Шаҳзоданинг
элчиси отаси замонида садр қози ва вазир ўлароқ хизмат
қилган Шайх Рамазон эди. Сулаймон Йилдирим Боязид
ўғлининг ҳадялари кўп ва қимматбаҳо эди. Шайх Рамазон
юз ифодасидан эроний билан турк қоришиқ қонли киши-
га менгзарди. Кенг пешонаси, катта бурни, қалин қошлари
остидаги маънодор кўзлари кўпни кўрган, бу дунёнинг
аччиқ-чучуги, иссиқ-совуғини татиганлигидан далолат бе-
риб турарди.

– Келганингиз кўп яхши бўлибдир. Агар султон сиз каби
ёркин ва мустақил фикрловчи кишиларнинг сўзларига
қулоқ солганида эрди бугун биз ўзга тилда кўнишиб, бошқа
режалар хусусида англашиб ўтирган бўлур эдик, – дея
уни ўтирмоққа таклиф этиб.

– Сиз каби улуғ турк-ислом хоқони ила кўришмак ҳар
кимсага ҳам насиб этмас, ҳазрат олийлари – дея назокат



...ни сўз бошлади буюк элчи Рамазон. – Сизнинг раият-
...вар ва жўмардлигингиз ҳақида кўп бора эшитганмиз.
...илагоҳи, султон ҳазратларининг қилмишлари учун
...мир Сулаймон ҳам жуда таассуфдадир. Ул кишим сиз-
...нинг камтарин хизматкорингиз эканликларини, сиз ўз ко-
...рамингиз тақозоси билан падари бузрикворларини
...рмат ва иззат мақомида тутганлигингизни, олий маж-
...лисдан ўрин бериб, унинг кўнглини кўтариб, подшоҳона
...шому эҳсонлар ила тақдирлаганингизни мамнуният ила
...ёд этдилар. Шул боис, ўзининг итоат ва фармонбардор-
...лик кўчасига бош қўяжагини билдириб, буюрганингиз онда
...ҳузурингизга етиб келажагини, мулозамат ва бандалик ма-
...росимини бажо келтиражагини изҳор этдилар. Менким, хос
...элчи Шайх Рамазон ушбу хабарни сиз улуғ хоқон ҳазрати
...олийларига етказмоққа вакил ва кафилдурман! – дея таъзим
...бажо келтирди.

Янглишмасам, авлодимиз Сулаймонбек султон ҳаз-
...ратларининг бош фарзандларидур. Мен ул кишимни қиб-
...лагоҳларидан сўнгра тахт вориси ўлароқ ҳам кўрурман.
Афсуски, оталари орамиздаги муносабат масаласига ен-
...гил қарарди ва иш биз кутгандан-да оғир кўчди. Бироқ
...ўтмишдаги адоват ва ғанимлик сувлари оқиб ўтиб кетди.
Ғайб пардасидаги ғайб ёзмишлари зоҳир бўлади, – паст
...овозда сўзлар эди улуғ Амир. – Оятда ўтмишдаги ишлар-
...ни Оллоҳ кечиради дейилганидек, биз ҳам ул ишлар устига
...афв қаламини тортдик. Мен Султон ўғилларини ўз фарзан-
...дим каби кўрурман ва даргоҳимизга келса, отаси каби азиз
...тутишимни етказинг. Ҳеч бир ташвишу андишага бормай
...ҳузуримизга келаверсин, токи қўрқув ғубори дўстлик ой-
...насидан кўтарилсин. Орзу умидлар келинчаги ул ойинада
...юз кўрсатсин. Модомики, инсон зоти ҳаёт экан, эзгу ният-
...лар, муроду мақсадсиз яшай олмайди. Инсоний орзулари-
...миз, катта мақсадларимиз, тугаган жойда ҳаёт ҳам тугайди.!
Амир Сулаймон Йилдирим Боязид ўғлининг элчиси Шайх

Рамазонга олтин камар, зарбоф тўн, кулоҳ ва сара тул...
лар ҳадя этилсин! Бир туяга юк бўлардик дирҳам ва ...
норлар берилсин! Амир Сулаймон учун эса Турон уста...
ясаган, бизнинг шаҳзодаларимиз киядиган жавоҳирли ...
тин тожлардан бири тақдим этилсин ва тўққиз асл араб ...
ҳадя ўлароқ юборилсун! – амир Сулаймон ва унинг элчи...
ни астойдил сийлади Соҳибқирон.

Элчи шайх Рамазоннинг кетмоғига ижозат берар экан, ...
ропарда эшиги ўнгида сарой мулозимларининг ташвиш...
қиёфада у ёқдан бу ёққа юраётганлари ва нимагадир тайёрг...
лик кўраётгани улуғ Амирнинг диққатини чекди. Элчи ост...
ҳатлаб ташқарига чиқиши билан амир Боботурк кирди.

– Ташвишли хабар, устоз! – деди мотамсаро қиёфада. Султон Маҳмудхон қазо қилибдурлар!

– Нечун? Соппа-соғ эдилар-ку? – ҳайрон бўлди хоқон.

– Кичикбурлағда бирдан хаста бўлиб, бир кун ҳам ётма... дилар – жавоб қилди амир.

– Тавба! Ёмон бўлибдур. Унинг эътиборига муносиб ра... вишда дафн этсунлар! Агар қавм-қариндоши истаса ота-бо... болари ётган тупроққа элтсунлар, – деди мулзам бўлиб Те... мур. – У бизга садоқат сақлаган, мўмин-мусулмон бир инсо... эди, – деди қайғули оҳангда. – Кимга ният, кимга қисмат.

Урду учун ҳар гал оғир синов бўладиган, яхши ҳозирли... кўрилмаса аскару от-уловга ташвишу талофат келтирадиган қиш яқинлашмоқда эди. Темур бу ҳудудларда юрган... да қаерда бўлмасин ўзи кашф этган ва отини қўйган тоғли ўлка – Қорабоғда қишлоқ соларди. Қиши илиқ келадиган бу жаннатмакон маскан узоқда қолиб кетганди. Бирок мўътадил иқлимли Дўнузлу, киши баҳри дилини очувчи Оқ денгиз соҳиллари ҳам Қорабоғ каби ҳузурбахш ва қишламоқ учун қулай эди.

Улуғ хоқон, валиаҳд Муҳаммад Султонни ҳузурига чор... лаб, бағрига босди. Қайфу ҳолини сўради.

– Қуллуғ, бобожон! Сояи давлатингизда шон ва ша...



... ила яшамоқдамиз. Норизо бўлсак Оллоҳга, бандаси... маъқул келмас! Бу оламда сизнинг эътиборингизни ...моқ ва шаънингизга муносиб буюк ишлар қилмакдин ... тугу амалимиз, олий мақсадимиз йўқдур! – назокат ила ... қилди шаҳзода.

...нчков, бир қарашдаёқ суҳбатдоши ниятини сезадиган ... набираси сўзларкан, юрагида бир ўкинч борлигини ...амай қолмади. Буни ўзича шаҳзоданинг Самарқандда ... этган хатоси учун изтироб чекаётганига йўйди. Унга ... ҳадя этилган садаф сопли қиличлардан бирини бериб, ...насидан ўпди.

Сиз Манисада қишлоқ қиласиз. Унинг Сарухонли де... қушҳаво бир манзили бор. Лашкарга дам бериб, биз... хабар бекланг. Йилдирим Боязид менга етти йилдан ... Измир деган қалъани забт этолмаганини, отаси Султон ...род ҳам бу ишнинг уддасидан чиқа билмаганини ҳикоя ...иб берди. У қалъада ғайридин фаранг ва рум ритсар... ерлашиб олганмиш. Уларни шу пайтгача ҳеч бир куч ...олмаган экан. Агар улар жузья тўлаб, таслим бўлишга ...масалар, қалъани фатҳ этишга тўғри келади. Оллоҳ ...иб этса ўша ерда кўришурмиз! – дея яна набирасини ...рига босди. – Манисагача бўлган масофадаги манзиллар... ҳам, тартиб-интизом ўрнатиб, лозим жойларга доруғалар ...лаб кетинг!

Валиаҳд Муҳаммад Султон Жаҳонгир ўғли Янгишаҳар ва Бурсадан ўтиб, Истанбулнинг Оврупа қисмидаги Ха... кўрфазига туташ Эдирнадаги ўрмонли ерларга ўтди. Сўнг орқага қайтиб, Басфор бўғозидан ўтди ва шимолий-ғарбий Анталиядаги Баликкесир шаҳригача борди. Бу ҳудудлардаги хочлиларни бир ёқлик қилгач, Жаҳоншоҳ ва Севинчакбекларни Бергама шаҳри ҳамда вилоятини тасарруф этмоққа юборди. Улар ортидан юксак қояларда қурилган Бергама шаҳри ва қалъасига борди, уни пиёда кезиб томоша қилди. У ҳаётида бундай антиқа ва са-

лобатли саройни кўрмаган эди. Қалъа ва шаҳар паға-па
кезиб юрган булутлардан ҳам юксакда эди. Бу ердан ту
риб водийга, тоғлар ва чексиз ўрмонларга боққан кишини
юраги ҳапқириб кетади. Бу дунёда ҳеч бир нарса абад
эмаслиги, ер юзидаги энг ақлли жонзод одам мана шу
дай гўзалликларни бузиб, оёқ ости қилаётгани, кечмиш
бу сокинлик ва мангулик оғушида мудраётган кенгликлар
не-не улуғ инсонлар, не-не гўзал хонимлару маликалар т
килиб турганини, бундан сўнг ҳам тикилажагини ўйла
Қани мана шу илоҳий даражада гўзал табиатга, самога бо
қўйган ям-яшил қояларга тикилган кўзлар!.. Ўзларича б
ёруғ дунёнинг устуниман дея ўйлаган ҳукмдорлар? Бур
нинг кунчиқишидаги Улуғтоғга чиққанида ҳам хаёлидан ш
фикрлар кечган эди. Бизнинг ҳаётимиз абадиятга дахлд
борлиқ, табиат олдида арзимас бир чангу ғубор, қум зар
си кабидур.

– Худди мана шу сиз турган жойда Рим императо
машҳур Цезарнинг қайлиғи Клеопатранинг кўшки бўлга
У шу кўшкидан теварак-атрофни томоша қилмоқни се
ган, деди унга йўл кўрсатиб юрган Константинопол
нинг Галата маҳалласилик, асли келиб чиқиши туркисто
лик насроний тилмоч Арслон. – Пастда, сой бўйида
унинг сут тўлдириб чўмиладиган мармар ҳовузи бўлга
Қайтишимизда кўрсатаман. Бу шаҳарга жаҳонгир Искандар
ҳам келган.

– Менинг хаёлимдан ҳам сўзлаганингиз каби фикрлар ке
чаётган эди, – деди валиаҳд паст ва ғамгин овозда. – Би
ҳам улар каби ўтиб кетамиз. Барчамиз хотирага айланами
Руҳ деган нарсанинг борлигига ҳам киши бир ишонса, би
ишонмайди. Инсон туғилиб, ҳеч нарсани тушунмай ўти
кетар экан бу дунёдан.

Қисмати насиб эканки, Искандар юксалган афсонави
Бергамадан нигоҳини тиккан кенгликларга қараб турибди.

Улар ҳувиллаб ётган Бергама шаҳар қалъасидан оҳист



тушиб борардилар. Шаҳарни ер остида ва қоя устида
қурмоққа ўтмиш аждодларни бир нарса, ёвлашмоқ ва хавф-
хатар мажбур этган, хаёлидан кечди шаҳзода Ойбулутнинг
низгинини тортганча энаркан. Инсоният не динни ўйлаб
топмасин, неки худоларга сиғинмасин, жоҳилиятдан халос
бўла олмайди, ўйларди ўзича.

Амирзода қўшини соҳил бўйлаб юриб, Манисада
тўхтади. Тоғ этагидаги бу манзил совуқ шамоллардан пана-
да, суви мўл ва ҳавоси тоза, қиши куз каби илмилик эди.

Улуғ Амирнинг кенжа ўғли Шоҳрухмирзо ўзининг сўл
қўл беклари билан Кирмиён вилоятининг Улуғ Бурлағ ва
Кичик Бурлағ мавзеларида қишлов учун тўхтаган эди. Олий
ўрду эса Дўнузлу шаҳрига етиб борган, уруш-савашни ис-
тамаган шаҳар халқидан ихтиёрий равишда моли-омон оли-
ниб, зиён-заҳмат етказмаслик ҳақида фармони олий жорий
бўлган эди. Темур Дўнузлунинг олиму уламоларини, фози-
лу фузалоларини саропардасига чорлаб, суҳбатлашди. Ино-
ятлар қилди. Улуғ Амирнинг лашкари Мендерес дарёсидан
ўтиб, сув ёқалаб қишлик ўтов ва қора уйларини тика бошла-
ди. Бу дарё устида усмонли туркларнинг машҳур амири Те-
муртош курдирган кўприк бўлиб, у черикнинг жонига оро
кирди.

Соҳибқирон Дўнузлуга етиб келган куниёқ ҳузурига
Ментеше ўғиллари беклигининг беклари, ака-ука Му-
ҳаммад ва Исфандиёрлар бел боғлаб хизматга келдилар. Ўн
тўртинчи аср бошида Рум салжуқийлари салтанати парча-
лангач, у бир неча бекликка бўлиниб кетган эди. Ана шу
бекликлардан бири Ментеше ўғиллари беклиги деб ата-
лар ва Кичик Осиёнинг жануби-ғарбида, Спорад орол-
лари рўпарасидаги қисмини эгалларди. Жой ўларок бу
ҳудудни Ментеше дея атай бошладилар. Темур усмонли
тупроқларига етиб келгунига қадар Ментеше беклиги бу
салтанат таркибига кирмай, ўз мустақиллигини сақлаб ту-
рарди.

Хоқон ака-ука бекларни муносиб қаршилади. Ҳадяларин миннатдорчилик-ла қабул этди.

– Биз сизнинг Анқарадаги буюк ғолибиятингизни кут лаймиз ва тақдир этамиз. Адолатли зафардур! – дея сў бошлади амир Муҳаммад қўл қовуштирганча. – Агар Султон Йилдирим Боязид жанобларининг Анқарада бел синдирилмаса, худо кўрсатмасинким, яқин бир-икки йил да бизнинг бошимизга не-не маймун ўйинларини сол жакди. Оллоҳ додимизга етиб, унинг жаддига сиздек бир жаҳонгир, олам султонини юборди ва биз эмас, у син ди. Биз сизнинг бу яхшилигингизни ҳеч қачон унутма миз ва ўла-ўлгунча содиқ қулингиз ўлароқ хизматингизд мукимдирмиз! – дея эгилиб таъзим бажо келтириб сўзин мухтасар этди бек.

– Гапларингиз маъноли ва ҳақдир, Муҳаммадбек авло дим. Сизларнинг хайрихоҳлигингизни юксак дараж да қадрлайман ва мулкингизнинг ўзингизга буюриш ни яратган Эгамиздан сўраб қоламан. Кўриб турибманки, гап-сўзларингизга қараганда бекликка муносиб бир ки шисиз. Пайғамбаримиз ҳазратлари сабоқ берганларидек, бир одам бир қавмга бир кишини бош этиб қўйса, у қавм ичида бул одамдан ҳам ортиқроқ, муносиб ва лойиқ киши бўлса, буни қўювчи киши Оллоҳга ҳам, унинг расулига ҳам, барча мўминларга ҳам хиёнат қилган ҳисобланади. Шуни ёдда тутмоғингиз лозимки, эрта кунда бекликни эплай олмай, миллатга зулм қилсангиз ёки халқнинг аҳволи оғирлашса, сиз ила мен баробар ҳар иккимиз бул дунё да жавоб берамиз. Миллат рози Оллоҳ розидир. Ўзингиз қандай бўлсангиз шунга қараб ҳокимингиз белгиланур де гандек, мени рози этмоқ учун янглиш ишлар қилишингизни ҳам истамайман. Бул каби ишларга қўл урган киши дин дан чиқади. Ҳазрат пайғамбаримиз бизга шундай деб ўргатадилар. Мен сиз қардошларнинг иноқ бўлиб, бир-бирингизга чоҳ қазимасдан юртни бошқариш тажрибангиз-



ни эшитиб, қувондим. Бу, давлат ва ҳукуматни бошқарув борасида кам учрайдиган ҳодиса бўлиб, Усмонлилар сиздан ўрнак олсалар арзийди. Мен мамнуният ила ҳар иккингизга олтин тож ва олтин камар ҳадя этаман. Вилоятингизда вазиятни ўрганмоқ учун уч вакилим Илёс Қавчин, Ферузшоҳ ва Наврўз Шарбатдорларни кўшиб юбораманким, қилган ишларингизни кўриб, ибратли бўлса тажриба ўргансунлар ва одамларимизга сўзласунлар. Шунингдек, имкониятингизга қараб, бож ва хирожларни ўз вақтида ўтанг.

Ментеше ўғиллари хоқонни ўзларига нисбатан бундай илтижаноб муносабатда бўлишини кутмаган, кўпчилик отини эшитганда уйқуси қочадиган оқсоқ Темур улар наздида томоман бошқача одам эди...

Шу ерда улуғ Амирнинг йигирма йиллик қадрдони ва мулозими Мавлоно Абдулжаббор Хоразмий ҳақнинг раҳматига қовушди. Уни ҳурматига муносиб равишда тупроққа бердилар. Одатда ўз тенгқурларининг вафоти кишига оғир таъсир этади. Гўёки эрта-индин сенинг ҳам навбатинг етадигандек. Киши зоҳиран ўзини бу даҳшатли ҳақиқатдан олиб қочиб юрса-да, ҳаёт ва яшамоқнинг қоидаси шундай...

Темур кўши Гўзалҳисордан кўчиб, Аёзлик шаҳрига етиб келган эди. Насруллоҳ Тамғочни хирож тўплаш учун қолдирган хоқон Тира шаҳри томон юрди. Черик Йилдирим Боязид таъриф этган Измир қалъаси томон борарди.

Бу орада улуғ хоқон ҳузурига унга саркашлик қилган Мордин султони Малик Исо ташриф буюрди. Шу бир ҳукмдорнинг кўрс феъли туфайли шаҳар вайроналикка юз тутган эди. У Амирзода Шоҳрух орқали Темурдан гуноҳидан ўтишни сўради. Султон эски турк-араб удумига кўра агар кессангиз мана бошим дегандек, Соҳибқирон ҳузурига бошяланг кириб келди.

– Сенинг кимлигингни биламен, Исо. Бизга кўрсатган қаршилигингни раият равнақи учун сарфлаганингда эди,

ўзингнинг-да, эл-улусинг турумида мутлақо бошқача бўлур эди. Бизда ойда келганга оёқ тутилади, кунда келганга таъ тутилади дейилади. Сен каби йилда ташриф буюради меҳмоннинг бошига тож кийдирилади. Зотан сен бунд иззат-ҳурматга муносиб, жасур одамсан. Ғайрлигини хуш кўрмаганим ҳолда, насл-насабинг ва мардлигини қадрлайман. Султон Йилдирим Боязиднинг икки ўғли Ментеше ва Қаҳрамонли Муҳаммад иккинчига подшо тожи ҳадя этганим каби сенга ҳам олтин тож туҳфа этур ман! Бу тож бошингда инсоний дўстлигимиз рамзи ўлароқ ҳар замон ярақлаб турсин! – деди Темур иккинчи хазинач Жамолиддин Барлос келтирган олтин тожни Мордин сул тони Малик Исонинг бошига кийдириб. – Мана бу мисрий олтин камарни эса белингга маҳкам боғла. Эр кишини бели бақувват бўлмаса сўзига кимса қулоқ солмайди, ҳазиллашди хоқон. – Пайғамбаримиз ҳазратлари ман суб бўлмиш араб халқида дакка-дукка деган ота сўзи бор Бу бизнинг туркчада қилмиш-қидирмиш дегани, – арабча кўнишмоққа ўтди хоқон. – Бундан сўнг оёғингни билиб бо Менинг меҳрим ҳам, қаҳрим ҳам қаттиқлигини эшитган бўлсанг керак. Англамаган бўлсанг англатадилар. Амирза дам, сизнинг сўзлаяжак бирор гапингиз бўлса марҳамат, дея кўнишмоққа тараддудланиб турган ўғли Шоҳрухга ю ланди.

– Малик Исо жаноблари ила қавм-қариндошлик ришта ларини боғласак деган ниятимиз ҳам йўқ эрмас, қиблагоҳ. Рухсат этсангиз ул кишимнинг чодирнишин қизларидан бирини шаҳзода Або Бакр Мироншоҳмирзо ўғилларига сўрасак, – деди Шоҳрух отасига қарата икки кўлини кўксига қўйиб

– Малик жаноблари оқ фотиҳа берсалар мен розиман! чеҳраси ёришди улуғ Амирнинг.

– Бошимиз ва кўзимиз устига! – жавоб қилди Султон Ма лик Исо Темурнинг арабча гапирганидан ҳайрон бўлиб улуғ



...ига таъзим қиларкан. – Фотиҳани ҳазрати олийлари бе...лар. Биз Оллоҳнинг қули, сизнинг садоқатли хизматко...имиз!

Омин, Оллоҳу акбар! Серфарзанд бўлсинлар! Ота-бо...лари каби мевали оғочнинг мевали шохлари бўлиб яша...лар! Оллоҳ барчамизни масъуду бахтиёр этсун! Ёру ёр...имиз бўлсун! – дуо қилди Темур. – Тўйга ҳозирлик ...рилсун! – амр берди мутасадди сарой мулозимларига. – ...и муҳтарам Султон Исо! Бундан буён бу ҳудудлардаги ...ири сулҳ ишларимизга ўнг оёқ бўлгин. Сендан бир рижо...им борки, буни ёдингда тут! Мулку салтанатни бошқарган ...и давлат одобига соҳиб ўлмоғи ва унга содиқ қолмоғи ...ардир!

Султон Малик Исо Темур ҳузуридан қанот боғлаб учиб ...ди. Омади чопган куёвнинг, янгаси олдидан чиқибди де...лари шу эди.

Ҳузурига набираси Пирмуҳаммад билан амир Шайх Ну...иддинни чорлаган улуғ Амир уларга Измир қалъаси томон ...шмоқни буюрди.

Сиз рақибу ғанимлар ила мулоқотларда юксак тажри...а соҳибисиз, муҳтарам Нуриддинбек. Уч тарафи денгиз ва ...ир томони қуруқлик бўлган қалъада жойлашган хочлилар ...усулмонларга озор етказиб, уларни инсон ўрнида кўрмас ...шлар. Аларга султоннинг ҳам, отасининг ҳам кучи етма...ан эркан. Қалъадагиларга давомли равишда денгиз орқали ...маларда Фаранг[1] хочлиларидан кўмак келиб турармиш. Даставвал уларга элчилар юбориб, сулҳ таклиф этинг. Дастлаб ...ннат тариқаси била элчилар уларни ҳазрат Расул алайҳи ...фзалус-саловат ва ажмалут – таҳийёт динига яхши сўз ...ила даъват этсунлар! Даъватни қабул қилмасалар жузъя ...а мол муқаррар қилсунлар. Давлат ва саодат аларға ма...ад қилиб, иймону Исломга кирсалар, сийлаб ҳадялар бе-

[1] Темур салтанати даврида Туронзаминда Европани Фарангистон, ...кини фаранг деб атаганлар.

рингиз ва қайтиб келингиз! Жузъя ва мол ўташга кўн
уларга тегмасликни ва қалъасини бир бўлак тоши
қўпорилмаслигини билдиринг! Иш ижобийми, са
ми не шаклда ҳал бўлганини зудлик ила менга м
қилинг. Шунга кўра амр беклаяжаксиз! – дея набира
дўстига йўл-йўриқ кўрсатди улуғ Амир. – Аларга яна
сўйлангким, ушбу ҳудудларда яшагувчи барча элу эл
нинг қай дину мазҳаб, қай бир тариқату жамоага ма
ўлмоқларидин қатъи назар, инонч ва эътиқод эркинли
таъминланади. Молу мулк ва ҳақ-ҳуқуқлари кафолатл
ҳимоя этилади.

Улар шитоб билан Измир сари отландилар. Ҳаво со
Қор аралаш ёмғир ёғар, черикнинг илгарилаши мушкул
Кечаси ер музлаганда ёққан қор қуюқ булутли осмон
аранг мўралаётган қуёш нурида эримас, шамолгаза ва то
даралларда юрмоқ суворийлар учун оғир кечарди. Ҳар
бир хайр бор, сиз ёмон деб билган нарсаларда ҳам ях
лик бор деганларидек, тойиб оёғи синган отлар аскарга
бўлар, ёшли отларнинг эти мис қозонларда узоқ қай
олис йўл эгар ва жабдуқ орасига бостирилган бости
лаҳмларнинг тобига келмоғи учун айни муддао эди.

Қўшин дарё ва даралари музлаган тоғ этакларидан
гизнинг мўътадил ҳавоси уфуриб турган соҳиллар том
яқинлашиб борарди.

Суҳбатлашиб кетаркан, хоқон шайх Жазарийга савол
мурожаат этди:

– Муҳтарам шайх ҳазратлари! Бизнинг юртда яша
чи араб асилли қардошларимизни шу кунга қадар ан
май келдим. Биз пайғамбар авлодлари ва миллатдош
дея эъзозлаб, бошимизга кўтариб этагини ўпиб кел
азизу мўътабар санаган кишилар менга суиқасд этмо
да журъат этдилар. Бироқ ҳар замон ва маконда ула
кечириб яшадим. Ўзимдан нуқсон ахтардим. Бироқ м
ҳам Оллоҳнинг гуноҳкор бир қулиман. Аҳли мўъмин,



... не-не унвонлар-ла улуғлаб, мадҳу сано ўқимасин, ўз
...нинг неча газлигини англаб етажак фикрдаги бир
...ман. Сиз муҳтарам шайх ҳазратларидан бир саволим-
...жавоб бермоғингизни сўрайман! Тушуниб етмаганим бул
...шларимиз хусусида имконингиз қадар билги бера
...рмисиз? – сўроқ-ла мурожаат этди улуғ хоқон шайх
...ҳаммад Жазарийга.

Турону Эрон, Хуросону Араб, Руму Ажам султонидан бу
...н кутилмаган саволни бекламаган шайх не деярини бил-
...й, бир муддат тараддудланиб қолди.

Ниҳоят, ўзига келгандек бўлиб, хоқон сўровларини
...авоблантирмоққа киришди.

Бу мушкул саволингизга жавоб бермоқни Расулуллоҳ
...ҳазратларининг сўзлари ила изоҳ этмоқчиман, улуғ
...хоним. Мен арабман, бироқ ҳар араб мендек эмас, дей-
...лар пайғамбаримиз. Зотан мен ҳам шу улусга тегишли
...маман. Сизга гапнинг ростини сўйласам, қавми араб,
...ерда яшаса-да таяммум қилиб, инсон каби таҳорат
...моққа эрингувчи бир элдир. Шул боис ҳам бизнинг
...ро иқлимида сув танқислиги боис ҳаёти давомида юви-
...иб-ювинмай юрган бул кишиларнинг таҳорат-ла тоза-
...нишларини пайғамбаримиз ҳазратлари амр этдилар.
...на никоҳни таъсис этдиларким, жоҳилият замонида эр-
...каклар ўз яқинлари, опа-сингиллари ила алоқада бўлар
...дилар. Зотан Оллоҳи таоло ўзига келмаган қавмларга
пайғамбарларини юборгувсидир. Сизнинг саҳроий мўғулларга
...ўхшаб дашт араблари ҳам дийдаси қаттиқ, ўз манфаати
учун ҳеч нимадан тоймайдиган, феъл-атвори ўзгарувчан,
...ўзида турмайдиган бир элатдир. Буларга муносабатда си-
...нинг томи шувоғининг андавасини шунга қараб тортавера-
...сиз, улуғ Амир ҳазрати олийлари. Булар бугун этагингиз-
...ни ўпиб, эртага ортингиздан тош отаверадилар. Зотан араб
...тилида инсон сўзининг маъноси унутувчи эканлигини би-
...ласиз. Афинада бир юнон файласуфи билан суҳбатлашган

эдим. Уларнинг олимлари бизникиларга ўхшаб ҳамма нарсани ўз дини талаблари билан боғлайвермайдилар. У менинг туронлик эканлигимни билиб шундай деган эди: бирча динлар сенинг ота-боболаринг амал қилган "Авесто"дан бошланган. Бу ҳудудларда эса динлар икки ярим минг йил чамаси, бурун пайдо бўлган. Унгача кишилар ўзлари ўйлаб топган, табиат билан боғлиқ тимсолларга сиғинганлар. Вақти келиб бу тимсоллар биз билган худога айланган. Илк муқаддас китоб эса "Авесто"дир. Барча динлардаги илоҳий китобларининг юзага келиши "Авесто"га бориб тақалади. Бир янги дин пайдо бўлдими, унинг вакиллари ҳокимиятни қўлга олмоқ учун эскисини инкор этиб, унга тегишли китобларни йўқ қилган. Зардуштийликдан кейин юзага келган динларнинг яратувчилари ҳам унинг ғояларидан фойдаланганда "Авесто"нинг нодир нусхаларини ёқиб юборганлар. Арабу ажам, юнону фаранг, не қавму қабиладан бўлмасин, бу жоҳил ва ёвуз инсонларни худо номидан бирор бир дининг қаттиқ қонун-қоидалари асосида ушлаб турмасангиз, дунёга ўт қўядилар. Мукаммалликдан, дунёни дунёвий кўз ила англамоқдин узоқ жамоалар шундай бошқарилади, – дея хоқон саволига жавоб берди Жазарий.

Суҳбатдоши жавобидан таъсирланган хоқон бу фикрларни мушоҳада этмоқ учун бир муддат сукут сақлади.

– Киши ҳаётидаги энг катта ва аламли сабоқни дўсту ёр деб билганларнинг. душмандан-да хавфли давраниши ва лоқайдлигидан олар экан, – деди хоқон анчадан сўнг ғамгин оҳангда. – Ақлсиз душмандан бир сақланмоқ жоиз бўлса, ақлсиз дўстдан минг бора сақланиш керак экан.

– Тўғри, – маъқуллади Жазарий. – Инсон зотининг авлиёман деганига ҳам ишонмоқ қийиндир, хоқон ҳазратлари. Давлат кетса дўст қочар дейдилару, бироқ қонан, иймони ноқис кимсалар давлат тепасида турсангиз-да йўлингизга балчиқ тўкиб, оёғингиз тойишини пойлайдилар.

Хоқон шайх сўзини маъқуллаган маънода бош ирғади.



– Не қадар миллатчи ўлмасин, шунинг баробарида ғоят манфаатчи ва моддиятчи келади бизнинг жамоалар, – фикрида давом этарди шайх. – Саҳройи қавмлар табиатан шундай яралганлар, хоқон ҳазратлари. Бироқ бу миллатчилик фақат араб қавми яшаган ўз жўғрофияларида сезиларлидир. Динни ёймоқ учун ёйилган ўлкаларда эса улар ана шу миллатчилик руҳидан келиб ўзларини пайғамбар эмасалар-да авлиё ўлароқ тақдим этадилар. Дин воситасида ўзга элу элатларни зулму истибдодда сақламоққа ҳаракат қиладилар. Асл исломий тартиб-интизомларни бузиб, мавқе ва манфаат талашиб динимизни турли мазҳабу тариқатларга буриб, парчалайдилар. Қуръони Каримда жаннат тасвири каби тақдим этилган, этагидан зилол сувлар оқиб турган гўзал ва сўлим манзиллар борки, улар учун ватандир. Саҳройи кабир олдида сизларнинг қорли тоғлару яшил водийларингиз ҳақиқий жаннатдир. Дин баҳонасида қадамлари етган жойдаги манзарали, серсув ва осон суғориладиган ерларни эгалладилар. Жиҳод баҳонасида Эрону Туроннинг юмшоқ ва унумли тупроқларига ям-яшил тоғ этаклари, бепоён бўзқирлари ва яйловларига келган аранг занжи борки, юртига қайтмаган, зоти олийлари. Дунёга очиқ кўз, соғлом ақлу фикр ила боқғувчи барча миллатларнинг зиёлилари уларнинг бу давранишларини ҳазм этолмайдилар ҳамда ишончсизлик билан қарайдилар. Юқорида қайд этганим каби, ёлғизликда инсон ёвузлашади дегандек, саҳройи қабилалар табиатан ваҳший бўладилар. Улар муқаддас ғоялар, буюк ҳадафлар учун курашмайдилар. Бундай эътиқод ва мақсад тўп-тўп бўлиб, шаҳарлашиб яшаган элларда бўлади. Буларнинг тек нияти ташвиши моддият, бир нарча эту экмакдир. Доимо кўчиб-қўниб юрганлари боис макон, юрт ва ватан туйғуси ҳам ноқисдир, – дея сўзини мухтасар этди шайх Жазарий.

– Бул кенг қамровли ва муфассал изоҳингиз учун ташак-

кур этганим ҳолда яна бир нозик масала хусусида фикри-гизни олмоқ истайман, мухтарам шайх ҳазратлари? – деб суҳбатдошига мурожаат этди хоқон.

– Буюринг, буюк амирим. Ҳар мавзуда билганларимни очиқ кўнгиллилик ила сўйлай билурман, – жавоб қилди шайх.

– Саволим, ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу ҳақларидаги... Ул кишимнинг ўз падари бузрукворларини ўлдирганлари ҳақидаги гап ростми?

– Афсуслар бўлсинким, хоқони акрам зоти олийлари, ростдур! Абу Суфён ва Язиднинг ҳазрат Ҳусайнни ст... икки авлоди билан қиличдан ўтказгани не қадар тўғри бўлса, бу фожиали воқеа ҳам шундай тўғридир, – жавоб қилди шайх ғамгин қиёфада. – Бунинг устига ул зот олти ёшли қизларини ҳам тириклай кўмганлар.

– Қусурга боқманг, мухтарам шайх ҳазратлари, ... зоти олийларига яна бир нозик саволим бор. Менга Каъбатуллоҳни бузиб ташланиши ва Яманда янги саждагоҳ қурган киши ҳақида ҳам билги берсангиз? – рижо этди хоқон суҳбатдошидан.

– Бош устига, султон соҳибқирон ҳазрати олийлари. Бу воқеа билхосса тўғридир. Бул разил ишни амалга оширган киши яман мушриклари етакчиси Абраҳа деган кимсадир. Зотан, динимиздаги мазҳабу тариқатларга бўлинишлар ва айримчиликнинг илк ишорати ҳазрат Али даври ва шу ҳодисадан бошланади. Сўйлаганингиз каби ул муртад Каъбани ер билан яксон қилиб, Яманнинг маркази Санада янги ибодатхона барпо этади.

– Бу иншоот ҳам ҳануз мавжуд эмиш деган гап эшитдим. Шу тўғрими?

– Уни бузиб ташлашган. Қолдиқлари кўприк ўларок қўлланилади. Сўнгра Каъбани қайта тиклаганлар.

– Тушунарли, – деди хоқон бошини маъноли ирғаб.

– Ижозатингиз ила зоти олийларига ҳам бир савол ила



...жаат этсам, – деди шайх хоқоннинг ислом тарихи ва ...нинг муаммоларини яхши билишига тан бергандек кўзига ...

– Буюринг, ҳозирман, – жавоб қилди хоқон кизиқсиниб.

– Ўқиган бир китобимга кўра, Мовароуннаҳрни фатҳ этган Чингизхон ислом динидаги суннат ва фарзларни тинглаб, барча шартларни маъқул кўриб, фақат Каъба зиёратини адолатсиз дея ҳисоблаган дея ёзилган. Бу гапнинг не қадар тўғри ёки нотўғрилигини кимдан сўрамай, қониқарли жавоб ололмадим зоти олийлари. Зотан, ўн бир ёшида Қуръони каримни ёд олган сиздек буюк ва тенгсиз ислом муҳаққиқининг билмаган нарсангиз ва ўрганмаган мавзуингиз қолмаганлигига ишонч ҳосил қилдим, – деди шайх ўнг қўлини кўксига қўйиб.

– Сўйлаганингиз тўғридир, шайх ҳазратлари. У Бухорони забт этганида олиму уламоларни тўплаб, ислом аҳкомлари ва шартларини сўраб-суриштирган ва диққат билан ўрганган. Уламоларнинг фикрларини диққат билан тинглагач, худо учун барча ер бирдек, биринчиси азиз, иккинчиси хор бўлиши мумкин эрмас. Нечун бутун мусулмонлар у ерда яшовчиларни боқиши керак. Лекин бундай боқиб қараганда пайғамбарларинг Муҳаммад ҳақиқий ватан ва миллатсевар инсон экан. Халқини бутун дунё кишиларига боқтириб қўйибди, дея тан берибди.

– Ул кишимнинг ўзлари қай бир динга мансуб бўлганлар? – сўради шайх.

– Қооннинг бул хусусда кўп машҳур сўзлари бор. Менинг ҳеч бир динга эътиқодим йўқ. Бироқ барча динларни ҳурмат қилмоқни буюраман деган.

– Демак, ўзини барча динлардан устун қўйган экан-да?

– Сиз Чингизхонни айтасиз. Мишиғи оқиб турган икки ... орадан бир орада ўзини хон эълон этган беку бекваччалар ҳам ўзларини дунёнинг тиргаги санайдилар. Буларнинг олдида дунёнинг ярмини эгаллаган Чингизхон тўйга бор-

са ҳам бўлаверади, – шайх сўровини жавоблади хоқ
– Бироқ Туркистонга ҳукмдор этиб тайинлаган ўғ
Чиғатойнинг амри билан бир мусулмоннинг бошини кес
келган кишига минг танга берилган.

– Эй воллоҳ! Алҳазар! – деди шайх кўзлари ёниб
Сўнгги Бағдод халифасини ҳам улар маҳв этганлар.

– Биз Эрону Турон, Хуросону Дашти Қипчоқ, Уйғур
тону Ироқи Ажам, Шому Румда ана шу жоҳил ва золим
лоланинг жабру ситамига барҳам бердик. Қадамимиз ет
ерда адолатни, дини ислом қонун-қоидалари ва Турон да
лати тўраю тузукларини барқарор этдик. Тартиб интизом
римизни жорий этар эканмиз, салтанатимиз таркибига кир
ган мамлакат, ҳудуд ва элу элатларнинг урф-одатларин
диний ва миллий эътиқодларини ҳисобга олдик. Ҳар бир
катта-кичик муаммони ҳал этмоқда ерли халқ манфаатла
ри билан ҳисоблашамиз ва рағбат кўрсатамиз. Ҳар иш
ишда инсофу адолат, раҳму шафқат олий ҳадафимиз
Мақсадимиз фақат юрт эгалламоқ, қурол кучи билан бой
лик орттирмоқ бўлганида, аллақачон тулпорларимиз туёғ
зарбидан Константинополису Қоҳира, Мағрибу Яман су
қоқларини ларзага келтириб, ўзимизни ҳалифа эълон этга
бўлур эдик. Бизга халифалик эрмас, адолат керак. Музаф
фар урдумиз ва ҳумоюн яловимиз суворийларининг сурон
ли от қўйишларидан бизни ҳақсизлик ва босқинчилик
айблаган ҳасадчиларнинг кўзи кўр, қулоғи кар бўлган бўлу
эди, – дея фикрини баён этди хоқон бироз ҳаяжонланга
оҳангда.

– Ҳақсиз, султон Соҳибқирон зоти олийлари, – деди шайх
хоқон сўзларини ҳайрат билан тинглар экан. – Куни кеча
ҳузурингизда ер ўпиб турган юнонлар ҳам ўз насроний дин
ларини ака-ука Петр ва Андреларнинг кечмишдаги қавғоси
туфайли иккига бўлиб, бизга ўхшаб бир-бирларига найза
ўқталиб яшайдилар. Петрнинг ибодатхонаси Римда, Андре
ники эса Константинополисда. Итгу мушук турумидалар



атворидаги қусур ва киши манфаати ўнгга чиққан
улус ўз олий мақсадларига эриша олмас экан.
буни ҳеч кимга англатиб бўлмас экан, – мушоҳадали
...нарди олим.

...ир ўйлар оғушида сукутга чўмган суҳбатдошлар тахти-
...нинг ҳаракатига уйғун равишда солланиб борардилар.
...нинг чексиз яхши кенгликларига оч қаҳваранг
...ни ёзиб, сокин ва дардли куз чўкарди.

...қон ва шайхнинг сўнг баҳор руҳига уйғун суҳбати да-
...ар, қудратли Турон урдуси тоғу тош, далаю даштни
...риб илгариларди.

...ут илғамас ҳудудга ёйилган сон-саноқсиз одам-
...ил қай бир ўнгуру сойда ўзларига ажал шароби
...лган қадаҳни тутишини билмай, елиб-югуришар,
... ва ўлжа талашиб, бир-бирини маҳв этишарди.

...ут очиб юмгунча тонг отиб кун ботар, умр сувдек оқиб
...арди...

# ОЛТИНЧИ БОБ

*Инсонни толиқтирадиган ҳаёт эмас, ... бўйи тақиб юрган ниқобдир.*

**Шекс...**

*Оғзини тута олмаган ҳеч бир ерини ... олмас.*

**Халқ ҳикм...**

Хоқон султон Боязид ила кечган суҳбатларда орала... да бўлиб ўтган барча гап-сўзларни муҳокама этди-ю, ... бир масала хусусида оғиз очмади. Бу Йилдирим Боязид... Темурга хитобан "агар орани очиқ қилмоқ учун қарши... келмасанг ва сени муносиб қаршиламасам менинг хоти... ларим уч талоқ бўлсин!" деган камдан-кам тилга олина... ган ҳақорат эди. Эски турк урф-одатига кўра бу энг кат... ҳақорат саналар ва бунинг учун эркаклар бошини купла... кўйиб, майдонга тушарди.

Боязиднинг бу тарбиясизлигига сўзу изоҳсиз жавоб бе... ришни ўйлаган хоқон ниҳоят унинг кўзини мошдек оча... базмни уюштириш амрини берди.

...Суворийлар балчиққа айланган йўлларни четлаб, бўзала... майдонлардан юришар, ёмғирдан кўпчиган яйловларда арава... лар ботиб қоларди. Измирга бир чақирим қолганда тўхта... қўшин сафларини тартибга келтира бошлади.

Шаҳар атрофидаги мусулмонларнинг сўзига қараганда қалъа ҳокими насронийларнинг католик маҳзабига ман... суб Магнус деган рицар киши эди. Шаҳзода ва амир маслаҳатлашиб, элчиликка бу ишда суяги қотган улус ами... ри ва хос элчи Бўрибошни юбормоққа қарор қилдилар.



...лъа хўжайини Магнус элчи билан сўзлашмоқни ҳам ...мади. Бошидан айрилиб қолмасдан бурун туғини ...ишини айтди. Ўзи эса зудлик билан Афина, Фа...стон, Рим, Верона, Алмония, Белгия, Испания ва Ру...даги диндошларига денгиз орқали хабар юбориб, ...ига қарши курашда ёрдам беришларини сўради. ...н даъватига дастлаб фаранглар жавоб бердилар. У ер...ашларда тобланган минглаб рицарлар, қурол-аслаҳа ...к-овқат билан қалъа томон оқиб кела бошлади.

Темурзода Пирмуҳаммад қалъа ичида ва денгизда бў...ётган воқеаларни элчи Бўрибош орқали улуғ хоқонга ...ли ва у ерда кўрган-билганларини бош қўмондонга ...иб беришни тайинлади. Бўрибош вазиятни англатгач, ...тин олган хоқон сўнгги қарорни берди.

Демак, ғазоға мутаважжиҳ бўлмак фарз кўринадур, – ...и хаёлга чўмиб. – Фикр қилмаганлар куфр қиладилар. ...ули хитоб этмаганларга сўз сўйламоқ исрофдур!

Уғруқни Тира тоғи этагида қолдирган улуғ хоқон оғир ...шароитига қарамай тарих саккиз юз беш жумада ал...вал ойининг олтиси, шанба куни (02.12.1402) Измир сари ...рди. Маниса қишлоғидаги валиаҳд Муҳаммад Султон, Кирмиён вилоятида қишлаётган амирзода Шоҳрухмирзога ...лик-ла етиб келмоқ амри ила хос чопарлар жўнатилди. Мироншоҳмирзо ҳам ўғли Або Бакр билан бирга Манисада, Муҳаммад Султоннинг ёнида эди.

Измир қалъаси ичидаги хочли рицарлар Турон урду...ни ўқ ва нафтандоз ёмғири билан қарши олди. Нафтан...доз ўқлари ичидан илону чаён, денгизининг аждаҳосифат ...ати махлуқлари отилиб чиқар, илк бор бундай "ўқ"ларни кўрган қалъа забтчилари учун текин томоша бошлан...ган эди. Бу жаҳаннам отишмасига қарамай валиаҳднинг йигитлари, уста нағам[1]чилар йўлдошлигида қалъанинг

---
[1] Нағам – қалъа остидан ўра шаклида қазиладиган хандақ.

қуруқликдаги девори ва пойдеворини ўрганиб қайтдилар. Муҳаммад Султон бош нағамчиси Ҳайдар Тўқатининг фикрини тинглагач, уни Соҳибқиронга юзма-юз қилди.

– Ўқчи ва нафтандозлар қуруқликдан қалъани тошбўрон қилиб турсалар, биз бир амаллаб, одам бўйи ўра қазиб олсак бас. Битта катта нағам билан қалъанинг иши битади. Фақат ўт тушмаса бўлди, – режасини англатди бош нағамчи.

– Маъқул, – деди улуғ хоқон унинг фикрини қувватлаб. – Қани ишга киришинг. Оллоҳ мадад берсин! Омин! – деб барчани қалъа томон йўллади бош қўмондон.

Кетмон, белкурак ва чўкич кўтарган нағамчилар бошларини туралар ва қалқонлари билан беркитиб, қалъа томон юрдилар. Ҳимоячилар қалъа деворидан қора мой қуйишар ва олов парчаларини отишарди. Ёйандозлар отган ўқдан ҳар дақиқада битта рицар қичқирганча қалъа деворидан қулаб тушар, қиёмат қойим бошланган эди.

Нағамчилар қалъа остидан чуқур ўра қазиш учун ўзларига жой ҳозирлашга улгургандилар. Аскарлар гиззиллашиб нағамчиларга ёғоч ташишар, усталар қалъа остидан қазилган хандаққа мослаб тиргаклар ясашарди. Бу тиргаклар ўт қўйилганга қадар қалъанинг чоҳ қазилган девори ёки бурчагини кўтариб турарди.

Бир кун мобайнида нағамчилар ҳисоб китобига кўра қалъанинг бир буржи қулаб тушадиган ҳажмда хандақ қазилди. Қалъа тепасидан оқиб тушадиган қорамойни хандаққа оқиздилар. Ташқаридан нағамни ёқиш учун ёнармой олиб келишга ҳам эҳтиёж қолмаган, рицарлар ўт қалъаларининг қулаб тушиши учун юқоридан ёғ оқизиб турардилар. Хандақдан буруқсаб тутун кўтарилди. Кўп ўтмай қалъа буржи ўпирилиб тушди ва унга кириш учун иккита арава ёнма-ён сиғадиган тешик очилди. Бундан хабар топган оғир совутли рицарлар сув юзида қалқиб турган кемалар томон қоча бошлади.

Тарихда ҳеч бир қўшин ололмаган Измир қалъаси фатҳ этилган эди.



Улуғ Амир Измир атрофи усмонлидан илгари қайси бек-
икка қарашли бўлганини сўраб суриштирди.
– дея жавоб қилди Муҳаммад Сул-
– Ойдинўғилларига, – дея Арслонбек.
тоннинг йўлкўрсатувчиси Арслонбек. Ойдинўғилларидан бирини
– Тўрт тарафга чопар юбориб, Ойдинўғилларидан бирини
топиб келтиринг! – буюрди улуғ хоқон амирзода ва бекларга.
Измирлик мусулмонлар бу гапни эшитиб, тоғда усмонли-
лардан қочиб юрган Алибек Ойдинўғлига хабар етказдилар.
– Пешонанг саккиз қарич экан, авлодим Ойдинўғли! Из-
мир шаҳри ва вилоятини сенга тақдим этаман! Кофирлар-
дан ҳимояланмоқ лозим замонида ғазот қилмоқ учун не
қадар қурол-яроғ, ўқу камон, от-улов керак бўлса ол ва му-
сулмонларни қўрикла! Вазифангни тўғри ва ҳалол бажар!
Шуни унутмаки, менинг қўлим узун! Ҳаёт эканман, Чинда
бўлсам-да сени жазолай биламан! Ўйлайманки, вазиятни бу
даражагача олиб бормайсан! Бошингга қўнган бахт ва омад
қушини учириб юбормайсан ва тузимизга хиёнат этмайсан!
– дея унга оқ фотиҳа берди Турон султони.
Бу фатҳ насроний Измирнинг теварак-атрофида яшайди-
ган мусулмонларнинг бир қувончини ўн қилган эди. Улар
бу ҳудудларда овоз чиқариб сўйламоқларига дастак бергув-
чи бир ғозий турк султонини кутардилар.
Миср ёки Шомдан араб султонларининг келишини ис-
тамас эдилар. Араблар ила талашиб-тортишгандан кўра
насронийлар билан муросаю-мадора қилиб турганимиз аф-
зал, дедилар хоқонга.
Бу араблар билан турклар ўртасидаги эски замонлардан
бери тортишиб келинадиган мавқе масаласининг усмонли
ҳудудларидаги акс садоси эди. Темур болалигида шундай
бир одамни билар эди. У ҳинду эрон, арабу фаранг подшо-
лари саройида хизмат қилган, каттаю-кичик Мавлоно дея
мурожаат қиладиган, ўн тилни биладиган ғаройиб бир ин-
сон эди. Унинг миллатини сўрсалар "инсонман" дея жавоб
берарди. Динини сўрасалар, "осмонда Тангри дея аталмиш

олий бир куч бор, динлар ана шу Олий Ҳақни топмок учун хизмат этмоқлари керак. Бироқ бизнинг диндорлар Оллоҳ учун эмас, ўз манфаатлари учун дин ила машғул бўладилар. Шу боис мен ҳеч бир имому мулла билан гаплашмайман. Бир Оллоҳга сиғинмоқ аслида турклардан тарқалган. Улар илк бор Тангрига сиғинганлар. Биринчи бўлиб турли хил рамзлардан воз кечганлар. Мен ҳеч бир динга эътироз билдирмайман ва ҳеч бир худо олдида бош эгмайман. Отам менга шундай деб ўргатган ва ўла-ўлгунимга қадар унинг сўзларига амал қиламан. Оллоҳ ила муносабатим ва ҳисоб-китобимда ҳеч кимнинг воситачилигига эҳтиёж сезмайман. Мен унга етмоқ учун фақат ўқийман, изланаман. Ҳақ… етмоқнинг мен учун бошқа йўли йўқ. Ҳеч кимни орқамдан эргашиб, ундай қил, бундай қил дея мажбур этмайман. Ҳар… ким виждони буюрганини қилсин. Дин содда ва авом учун нажот, билимли ва ақллилар учун эса қанотдир", дерди.

Деҳқончилик қилиб кун кўрадиган бу ғайритабиий феъл-атворли кишининг ҳаёт тарзи ва яшаши ҳам ғалати эди. У ҳафталаб емак емай, жуда оз миқдорда сув ичиб яшайверарди. Тепамиздаги қуёш, олаётган тоза ҳавомиз, ичаётган сув ва дов-дарахтларга яқин яшашимиз ҳамда ерда юришимиз менга озиқ. Мен қимматли вақтим ва умрими ни емак ҳозирламоқ ва уни емоққа сарфламайман, дер эди. Китобларини кўз қорачиғидек асраб. Умри ниҳоясига етар экан, у одамларга кам кўринадиган бўлиб қолди ва китобларини энг севган, инонган шогирдларига тарқатиб, олис ва қорли тоғлар сари равона бўлди. Кимсанинг орқасидан боришга изн бермади. Ўлиб жанозам ила кишиларга заҳмат беришни истамайман ва вужудимни қора ерга кириб кетишини-да маъқул кўрмайман деган экан одамлар уни сўнгги бор кўрганларида. Айтишларича, уни кишилар охирги марта Панжикент шаҳри атрофида ялангоёқ ва бошяланг кўрибдилар. Дарвоқе, Мавлоно қаҳратон қишда ҳам қор устида оёқяланг юраверар, жазирама иссиқда ҳам



…далада ишлайверарди. Айтишларича, у ҳаётининг …сўнгги дақиқаси ва сониясига қадар билар, шунга кўра …ҳеч ким оёғи етмайдиган асрий музликлар сари оҳиста кетиб борар экан. Ниҳоят мўлжалдаги жойига етгач, қазойи …ларни кутиб олиб, юксакликдаги икки қоя орасидаги музликда жон берибди. Ҳали ҳамон унинг вужуди ўша музликлар бағрида тирик каби турганмиш. Унга на бирор инсон зотининг қўли ёким жонзоднинг оёғи ета олмас экан...

Темур беихтиёр ўша афсонавий Мавлоно бобо ҳақида …лар экан, нечундир кейинги пайтда тушлари безовталигидан роҳатсиз эди. Ишқилиб тақдир яна уни айрилиқ балосига дучор этмасун! У шу хаёллар билан беихтиёр Қуръон оятларини тиловат қила бошлади.

Ўлка мусулмонлари учун Измир фатҳи буюк воқеа эди. Шундан эллик йил, чамаси, вақт ўтиб, Буюк Темур фатҳини Султон Йилдирим Боязиднинг авлоди Фотиҳ Султон Меҳмет такрорлади. У кемаларни қуруқликдан судратиб ўтиб, Басфор бўғозига туширади ва Истанбулни фатҳ этади.

Измир забтини эшитган Султон Йилдирим Боязид бир муддат тили калимага келмай, дами ичига тушиб кетди. Суюнишни ҳам, куйинишини ҳам билмай қолган одам одатда шундай аҳволга тушади.

Султоннинг кўз ўнгидан етти йил мобайнида ўз қўшинининг қальани қамал қилиб ололмагани, маъносиз савашиб, …уфат бериб юргани жонланди. Шу касофат қальани деб қанча жон шаҳид кетди. Бироқ у бир ҳафтада ишни битирди...

Ўйга толиб, чуқур нафас олган султон қаршисида қовоғига қараб ўтирган собиқ кутволи Ёқуббекка тили зўрға қурмовга келиб, шундай деди:

– Бу фақат Оллоҳдин! Мудомики, яратган уни қўллаб-қувватлаб толеини баланд қилган экан, қаршисида бандаси ожиздир! Ҳар неки қодири мутлоқ бўлган Оллоҳга оиддир!

Ёқуббек қутвол хаёли қочганча султоннинг телбанамо нигоҳига бир қараб қўйди-да, хўрсинганча бошини қуйи эгди.

– Ёқуб! – деди султон анчадан сўнг ғалати қалдираган овозда.

Қутвол оёқлари орасига кириб кетгудек эгилган бошини кўтарди. Назарида, бу овоз майиитга қабр қазилаётган лаҳад ичида туриб юзадагиларга бақириб гапирадиган гўрковнинг сасидек туюлди.

– Ёқуб! – деди султон унинг исмини тилга олгани ёлдан кўтарилиб. – Ақлингга келгани, бошингга келар деган тўғри экан, Ёқуб! – деди ўша қалдираган, йиғига ўхшаш овозда.

– Нени назарда тутдингиз, султон ҳазратлари? – сўради бек эски хўжайинининг афтодаҳол аҳволига ачиниб.

– Шу кунлар бошимга келажаги ақлимнинг кўчасидан кечган эди демоқчиман, Ёқуб, – деди оёғи остига термулганча.

Султоннинг шоҳона этиги учида топталиб эзғиланган бир асалари зўрға ҳол-беҳол ғимирлар эди. Султон унга нигоҳ толганча тикилди. Сўнгра асаларининг қанотларидан оҳиста ушлади-да, учиб кетар деган ўйда ҳаволантирди. Жонивор учиб кетадиган ҳолда эмас эди. Тушган жойида яна илгаригидай ғимирлаб, гир айланарди.

– Улутоғда чодир тикиб ўтирганимда бир кун кечаси, тонгга яқин туш кўрибман. Рўёмда ер остига тушиб кетдим. Бироқ ер ости ёруғ бўлиб, мен қуш каби оғочдан қилинган каттакон бир қафаснинг ичида эмишман. Атрофимда қалъаларни ўраган айлана шаклидаги зовур тўлиб оқармиш. Сув нафтандоз ўқига солинадиган ёнилғидек қоп-қора эмиш. Ўғилларим, садриаъзамнинг исмини айтиб, мени чиқариб олишларини рижо этиб, ёлворар эмишман. Бироқ овозимни кимса эшитмас, сас-садо бермасмиш. Сўнгра мен тушиб кетган чуқурликнинг қопқоғи ёпилиб қолди. Теграмдаги ёғду йўқолди. Қўрқиб, қора терга тушганча чўчиб уйғониб кетдим. Шу хайрсиз тушдан сўнг анчагача ўзимга келмадим. Келолмадим. Худойи, мозори қилдим. Етим-есир, фақиру фуқаро, ғарибу ғурабога хайри-садақа тарқатдим...



Шу ерга етганда кўз ўнги қоронғилашиб боши айланган султон сўздан тўхтади. Кўзларини юмганича сукутга толди.

Тепадаги сизни ўз вақтида огоҳ этиб, кўзингизни шамолга даъват этган экан-а, султоним! Наҳотки, шунча муждадан сўнг ҳам кандингизга келиб, хулоса чиқармадингиз-а? Наҳотки, шундан сўнг ҳам ҳар бир кичик ишда сулҳу-бариш, хайри-хайриятлигини кўзлаб йўл тутмадингиз!? Хавф-хатар, сўғишу саваш наҳридан йироқ юрмадингиз!" Султонга эргашиб, тўрт ойдан бери сил бўлаётган Ёқуббек қутволнинг бўғзидан шу сўзлар нидо, фарёд каби отилиб чиққудек бўлар, аъзои бадани жиққа терга ботган лашкарбоши боши қотганча султон қаршисида сукут ва одоб сақлаб ўтирар эди.

– Ҳа, нима деяётган эдим? – сўради султон бекнинг юзига маъносиз боқиб.

– Рўёнгиз, фақир-фуқарога хайр-садақа этганингизни сўйлаётгандингиз, ҳазрати олийлари – деди султонга суҳбат мавзусини эслатиб.

– Ҳа, тушимни сўйлаётгандим. Хайри-садақалар қилдим. Хатми қуръон ўқитдим. Қайда? Айланиб шу мудҳиш рўё ақли-ҳушим, фикри зикримни тарк этмайди. Қанчалик эсламайин десам, шу қадар фикратимни банд этиб, ёдимга тушаверади. Тушинг ўнгланмай ишинг ўнгланмас деганларидек, охир-оқибатни кўриб турибсан. Рўёмни Юсуф пайғамбар яхшиликка йўймаган экан. Бу шармандали асирлигу, шоҳона қулликдан соғ-омон чиқадиганга ўхшамайман, Ёқуб!..

Ўтирган курсисига ёток каби чалқанча ястанган султон кўзларини юмганча суянчиққа бошини қўйди. Йиғламаса-да кўзларидан милтиллаб ёш сизар, юз ва қош-ковоқлари пирпираб учарди.

Таскин бермоқ учун тилига бирор калима келмаган Ёқуббек қутвол султон аҳволидан таъсирланган кўйи унинг мурда каби оқариб кетган юзига боққанча қотиб қолганди.

– Ишқилиб ана у қоришиқ қонли ўғилларим бир-бирларини гўштларини емасалар бўлди эди, – деди султон ... дан сўнг ҳамон кўзини очмай турли миллатли хотинлари туғилган болаларини назарда тутиб. – Бошқа ўйлайдиган нарсам қолмади. Умид тўрга, ноумидлик гўрга тортар ... Ёқуб! Сени душманнинг таъзири эмас, дўстларнинг ... яқинларингнинг лоқайдлиги йиқар экан, Ёқуб! Дарди ... қоронғу! Эгаси омонатини тезроқ олса эди!..

– Ҳаммаси яхши бўлиб кетади, султоним, умидсизликка берилманг. Лаҳад ёқасида ҳам умид яшайди дейдилар. Бу ҳам яратганнинг бир синови бўлса керак. Чидамоқдан бошқа чорамиз йўқ, олампаноҳ! – деди ниҳоят лаб-лунжини йиғиштириб қутвол.

– Қанақа олампаноҳман, Ёқуб? Шоҳликдан гадоликка тушиб қолдим-ку! Энг кўтуси шу экан. Бундан кўра жангда шаҳид ўлмоқ минг бора афзал экан. Бу кунларни кўриб куйиб кул бўлгандан, хоки туробга айланган маъқул эмасми? Синган чиннини ямаб бўлмайди, Ёқуб. Бу дунёда ... на ва сўнгги дўстинг-ота сўзига қулоқ солиш керак экан. Оламни сўраган султонман деб ота пандини унутибман. ... – номус, аъмол – шараф дер эдилар раҳматли қиблагоҳ. Ҳар бир сўз ва хатти-ҳаракатингга диққатли бўл. Одамларнинг минг сўзию, сенинг бир сўзинг. Агар сен ҳеч ким эсанг, ... билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди. Юксак рутбали ва ... рафли бўлсанг, ҳамманинг кўзи сенга тикилади. Айниқса тилингга эҳтиёт бўл. Ҳар бир киши бошига бало ўз тилидан келади. Тилнинг узуни эса даллолга керак. У кишининг бу насиҳатларини шу кунгача, бошим кетажак тарзда тошдеворга теккунга қадар хотирлаб, хулоса чиқармабман. Ҳақиқий бахтсизлик ва омадсизликни кўрмаган, уни бор бўй-басти билан ҳис этмаган одамнинг кўзи ўлгунича қадар очилмас экан. Худо раҳмати занжиларнинг бир ... сўзини кўп такрорлардилар. Шамолнинг йўлини ўзгартириб бўлмас, унинг эсишига қараб ҳаракат эт, ўзингни тегиш...



... дер эдилар бот-бот. Мен аҳмоқ, мен нодон, мен гумроҳ ... сўзларнинг оталарнинг эртаю кеч болаларига такрорланган панду насиҳати деб ўйлабман. Шунчаки оддий ... турган бу сўзларга қулоқ осмаслик, амал қилмаслик бир ... келиб умрим ва ҳаётимга мол бўлиб, тожу тахтимни ... устин этажагини, ота-боболарим қону жон эвазига ... ган салтанатни ҳалокат ёқасига келтиражагини ўйлаб ... мабман.

Тушкунликдан адойи тамом бўлган султон яна бироз ... агандек жим қолди. Курси суянчиғига ўзини ташлаб, ... ларини узатди.

Султон сўзларини диққат билан тинглаётган Ёқуббек ... нинг ҳам боши қотган, инжиқ, хаста чўжуққа айланиб ... ган суҳбатдошини не йўсунда таскин этмоқни билмасди. Юрагини эса султонга айтмоққа жазм эта олмаган сўзлар ... малларди.

Наголи ғалабасидан сўнг, довдир ўзини овутар, ... тигини совутар дегандек, Йилдирим унвонини олиб, шамолдан ҳам тез учувчи яшинман дея орқа-олдингизга қарамай, ёру дўст, салафу ҳалафнинг сўзини писанд қилмай салтанат ва улусни учурум ёқасига олиб келдингиз, султоним! Одам зотининг сўзига қулоқ солмай қўйганингизни ... ганимизга анча бўлган эди. Ҳеч бир бало, ҳар қандай фалокат ўз-ўзидан, сабабу баҳонасиз осмондан тушмайди. Сабабсиз сават аравага чиқмайди дейди буни халқ. Сиз... нинг сўнг беш-ўн йилдаги янглиш, пухта ўйланмай қилган хатти-ҳаракатингиз, амру фармонларингиз аскару раият бошини айлантириб, тўғри йўлдан адаштирди. Пешинда бир амр берилса, оқшом усти бу қарор бекор қилингани ҳақида фармон олмоққа ўрганиб қолган эдик. Кундузи келган буйруқларни бажаришга журъат этмай, унинг бекор қилиниши мумкинлигини кутиб, тун бўйи мижжа қоқмай чиққан кечаларимиз ҳам бўлган. Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил деган ота сўзига амал қилмай, дунёнинг яр-

мини фатҳ этиб турган олам подшоҳи билан тирлашмоқ не бор эди? Ана шу нодонларча рақобат, сендан мен ка ми қабилидаги такаббурлик бизни Анқара чоҳига, Чо бузғунига етаклади. Ваҳоланки, турумни бу аҳволга, б шармандаликка қадар олиб келмаслик Темурнинг эмас, си нинг қўлингизда эди. Ораларингизга қутқу солган, дор қочган икки киши, ортида турмоққа арзигулик инсон бўлганда ҳам майли эди. Тўрт тарафи қибла бўла тур кўр-кўр билан қоронғида топишгандек, бу икки номи у супраси қуруқ темурзада келиб-келиб усмонли саройида пишадими? Қочиб-писарга бошқа бир манзилу макон, то тош қуриб кетган эдими? Уларнинг қочоқлик бадалини у монли табааси ўташи керак эдими? Агар улар одам каби одам бўлганларида эди, сизни, бутун бошли усмонли турк лар улусини, салтанату мамлакатни хавф-хатарга қўйиб ит қувган мушукдек Бурса саройига қочиб келмас эдилар. Ўзгаларга касофатлари тегмаслиги кераклигини ўйлаб, ақл хушларини бошларига йиғиб, мушоҳада этган бўлур эди лар. Пичоқни аввал ўзларига, оғримаса ўзгаларга урмоқлари керак эди. Аслида ўз ширин жонини ўйлаган бу икки қочоқ сизни куллуксиз ва пичоқсиз бўғизладилар. Турган-битгани фалокат, қайтиб чиқилмас бир сўқоққа етакладилар. Си султон ҳазратлари, табиатингиз, феъл-атворингиздаги ғурур ва кибр-ҳавони енгиб, ақл ва мантиқнинг сасини тинглама дингиз! Зотан тинглайдиган бир руҳи-ҳолатда эмас эдин гиз. Ўзингизни бу ўткинчи дунёнинг устуни деб билдингиз. Энг катта подшоҳ аслида энг буюк асир ва қул эканлигини мушоҳада этмоққа вақти-замонингиз йўқ эди. Отангиз, Султон Мурод Худовандигарнинг шаҳид кетмоғи ортидан кутилмаганда тахтга эрта ўтириб, шошиб қолдингиз. Тожингизни ёнга қўйиб, атрофингизда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалар оқими ва ечимини атрофлича, астойидил таҳлил этиб, шунга кўра эрта кунни, ярин бошга тушиши эҳтимоли бор суришу ғавғолар ҳисоб-китобини қилмоққа фурсатин-



[illegible] етмади. Буларни ўйламоқ [illegible] бўлганида, хатоларни [illegible] этмоқдан бошқа иш [illegible]да эса, кўз тиккани[illegible] вемонўпар тераклар кес[illegible] ҳаҳаннам саҳросининг [illegible] ўртасида бир-биримизни[illegible]изга термулиб, хоқон [illegible]сидан не емак келажа[illegible]тиб ўтирибмиз. Инсон [illegible] эрта нима бўлиши[illegible]с экан. Керакка терак [illegible]лар экан. Энди эса одам[illegible] сиз ила кўришмоққа [illegible]атлари, англамоққа иста[illegible]йўқ. Нени эксанг шуни [illegible] дегандек, кишиларга [illegible] давранган бўлсангиз, [illegible] жавобини олмоқда[illegible]. Ахир қайси масалада [illegible], бу дунёнинг тош[illegible]зуси тенг тортилиши [illegible]клигини ҳаммадан яхши[illegible]ингиз лозим эмасми[illegible], султоним. Барчамиз сизни[illegible] доно, комилу фозил, [illegible] нарсага ақли етадиган ху[illegible] авлиёсифат бир инсон [illegible] билардик! Биз англамага[illegible]инг ақлимиз етмайди[illegible] муаммо ва масалаларни [illegible]униб етасиз, воқеа ва [illegible]дисаларнинг биз кўрмаган [illegible] қирраларини сиз кўра [illegible]сиз дея ўйлар ва сизга [illegible] ишонар эдик. Сизнинг [illegible] оғир, сўз ила ифодалаб бўл[illegible]волингизни кўриб, бар[illegible]миз бирдек йиқилдик. Қисм[illegible] бир зарбасидан чалпак [illegible]либ тушдик. Амиру султон[illegible]ру ултонликка тушдик. [illegible] бу Темур деганида ин[illegible]ор экан. У доимо жангу [illegible]аллардан сўнг шу тўқнаш[illegible]батида одамлар қурбон [illegible]лишига сабабчи ҳукмдор [illegible]шкарбошининг териси[illegible] шилиб, қолганларга тегмас[illegible]. Бизнинг салтанатимиз [illegible]ҳиблари ва олий ўрдумиз[illegible]батан бундай қилмади. [illegible] шундай қилганида ҳам [illegible]оман ҳақли эди. Боиси, [illegible]вашга даъват, майдонталаб[illegible]ташаббуси сиз ҳурматли Султон ҳазрати олийларидан [illegible]ганди. Қони-жон, дину [illegible]мон тортди шекилли, Оллох[illegible]га раҳм-шафқат, меҳр-мурувват ҳиссини солди...

– Ёқуб! – деди яна султон [illegible]арини очиб қаршисида қорайиб кўринган тоғларга тик[illegible] экан.

Оғир ўйга чўмиб ўтирган ку[illegible]чўчиб тушди.

– Илгари бу тоғу дарала[illegible]зқиру яйлалар кўзимга

бошқача, сеҳрли кўринарди. Энди улар бор сиру синоат
йўқотгандек. Ўзим ва улар орасида бир боғлиқлик сез
дим. Ҳар нарсамни қайб этдим, Ёқуб! Гуноҳларимни би
ман. Мени энди халқим кечирмаса кераг-а, Ёқуб?

– Ҳар неки бўлса қодир Оллоҳдин, султон ҳазратлари. Ё
ёруғ дунёда хато ва гуноҳ қилмаган инсон боласи йўқ
Барчамизнинг ўзимизга яраша нуқсону қусуримиз бор, с
тоним, – жавоб қилди гапга у қадар чечан бўлмаган кут
бу борадаги бор имкониятини ишга солиб.

– Меники кўп ва кечирилмас бўлди-да, Ёқуб. Улус
шафқат қилиб афв этса-да, ўз-ўзимни кечира олмай
Ёқуб! Гуноҳим беҳад буюкдир! Вақт ва замон кечгани с
уни янада аниқ-тиниқ англамоқдаман. Таъриф этмоққа т
ожизлик қилади! Бу азоб-уқубат, бу дарди-алам, бу қай
мусибат мени тириклайин гўрга тиқди, Ёқуб! Қирқим
қийилдим! Елкамдан зилдек бир юк эзиб тургандек туюл
ди. Кечалари тушимда қаро босгандек босинқираб уйғон
кетаман. Сўнгра бош учимга нон қўйиб ётаман. Қилич би
ханжаримни қўйиб ётай десам, энди у нарсалар менда йўқ
Барчасини эгасига топширдим. Кундуз куни эса кўзим ичи
тортиб, уйқу босиб келаверади. Болалар ва кексалар кундуз
ухлайди дер эдилар раҳматли отам. Мен ҳам элликка етма
синиб, адойи тамом бўлдим чоғи, Ёқуб! Сендан бошқа дар
димни сўрар ҳам, айтар ҳам кимсам қолмади. Айбга буюрма
Мендан қайтмаса худодан, бола-чақангдан қайтсин!

– Ундай деманг, зоти олийлари. Сиздек улуғ султони
мизга хизмат этмоқ не қадар бўйнимизнинг бурчи бўлса,
сиз ила суҳбатлашмоқ ҳам шунчалик шарафлидир. Си
нинг меҳр-мурувват ва рағбатингиз бўлмаганда мен ҳам
чориғини судраган бир чўпон эдим, – жавоб қилди кутвол
ҳижолатдан терга тушиб.

– Бунинг устига болаларимдан кўнглим алағда. Одам
зоти Ўзи кўрсатиб қўйган йўлдан шунчаки тўғри юриш
ни ҳам билмас, кўриб кўрмас, эшитиб эшитмас экан. У



бир мавқега эришиб, олий бир мақомга етдими, та
Кўзим очиқ экан, ўла-ўлгунча шундай кетаман, дея
экан, Ёқуб! Менинг шу турумга тушишим, сизлар
касофатим тегиши кимсанинг тушига кирганмиди?
турмушимиз, тирикчилигимиз аҳмоқ ҳориганини,
қариганини билмас қабилида бўлиб қолди. Саратон
жазирамасида, савашга кирмай туриб, беш юз минглик
ни ҳоритиб қўйдим, Ёқуб! Ўрду Чобук овасига етиб
ганда ҳолдан тойганлигини билдиму, бироқ чекинмоққа
йўқ, бўлар иш бўлган эди. Темур ўзининг эллик йил
тажрибаси, ҳарб санъати бобидаги усул ва амалиёти
билан бизни савашга кирмасимиздан бурун сафдан
арди. Бундай шароитда толиққан, чарчаган черик бир
халақит бериб, бироз бўлса-да ўзига келиб, сўнгроқ
ни кўзлар экан. Энг ёмони, ҳорғин лашкарда
моқ руҳи бўлмас, астойдил жангга кирмас экан. Бунинг
уларни минглаб чақирим маъносиз йўл юрмоққа маж
этиб, ўзимдан норози қилиб қўйдим. Амирилашкар, бе
минбоши-ю, юзбоши нари турсин, оддий аскарнинг
кўнглига қараш керак экан. Каъба инсон кўнглидадир,
эдилар раҳматли қиблагоҳ. Хоҳи шоҳ, хоҳи гадо бўлсин,
Оллоҳнинг ҳар бир бандаси қалбида бир Каъба яшар экан.
ғофиллигим, ажалачилигим оқибатида ким бўлмасин, одам
ларга диққат-эътибор билан муносабат қилмоқни ҳисобга
олмабман. Ажала кетган, ажала кетар дегани тўғри экан.
оғзимдан чиққан сўзни муҳайё этишларини талаб этавериб,
амрнинг сўзсиз бажарилишига олишиб, Косово ва Наголи
ғалабаларидан осмонда учиб юриб, ишнинг асл томони ва
асоси, салтанату мамлакатнинг илдизи – одамлар кўнглини
фатҳ этмоқни унутибман!.. Чексиз ҳудудларни забт этмоқдин
бурун инсонлар, улус дилини фатҳ этмоқ керак эркан!
Қудратли салтанат, беқиёс мулку давлат султони ўлмакдин
ўзга қалблар қасрининг султони ўла билмак муҳим эркан!..

Тили зўрға айланаётган султон оғир хаста каби ... билан нафас оларди. Ҳамон кўзларидан ёш сизар, ... оқиб тушган ёшларини артмоққа ҳам мажоли йўқдек эди.

– Мени суяб, чодиримга олиб кир, Ёқуб. Аҳволим ... лашди. Жон аста-секин тан қафасини тарк этаётг... ўхшайди. Ё Оллоҳ!.. Не кунларга қолдик, Ёқуб!.. Қара, ... Измир қалъасини етти кунда олишибди. Биз етти ... бери ололмаган эдик. Эгаси ёрлақаса, тоғлар оёғинг ос... келур деганлари шу экан-да,а, Ёқуб! У истаса Истанбу... ҳам бир кунда олади.

– Византия қироли оёғини ўпиб, божу хирожлар... тўлашга рози бўлиб, бизни мағлуб этгани учун хоқон... қутлаб, кўкларга кўтариб мақтаб, дуо қилиб ўтирган эмиш. У ҳокимиятга келганидан бери ишини қиличу саваш би... эмас, муросаю мадора билан битириб ўрганган экан. Ш... насронийнинг ақлига келган ишни биз ҳам қилиб, кўнг... саройимизда эгамга шукрона келтириб, тинчгина ўтир... бўлар эди, султон ҳазратлари, – деди беихтиёр дилидаги ... тилига кўчиб қутвол.

Султон собиқ бегига ялт этиб қаради. Шунча кундан бери хизматини қилиб, кўнглига қараб юрган кишисидан ... каби иддаоли гап эшитмаган эди.

– Тўғри, – деди ўнг қўлини қутволнинг чап елкасига қўйганча оёғини зўрға судраб, чодири томон юраркан.

Бироз юргач, таққа тўхтаб, қутволнинг елкасидан тутган... ча туриб қолди.

– Ёқуб! – деди у паст ва шикаста овозда собиқ қутволининг кўзига тикилиб. – Энг ёмони, ҳеч бир ҳукмдор ҳаммадан ақлли бўлганим учун барчадан тепага чиқдим де... ўйламаслиги керак экан! Ҳаммадан ақлли одам ҳеч қачон ҳаммадан тепага чиқмоққа интилмас экан, Ёқуб! Ундайлар... нинг тепага чиқмоқларига йўл қўймас эканлар! Менинг бу телба-тескари, алмойи-алжойи гапларимни унутма! Сени қийнаб қўйдим. Мени афв эт! Сенга оғирлигим тушиб, заҳмат берганимдан ғоят хижолатдаман. Бироқ Яратганнинг



...кунлари ҳам ғанимат! Ношукурлик қилсак қаҳри келади! ...и энди одам бўлмайман, Ёқуб! Сўзларимни эслаб юра... ...! Одамларимизга, оёғинг етган ердаги раиятимизга айт! ...ни афв этсин! Энг даҳшатлиси, ким бўлмасин, инсон зо... ...а ишончимни йўқотдим. Бу аҳволда яшамоқ оғир кечар... ...и. Меҳмон – асир, уч кунда сасир, дер эдилар раҳматли ...лари бузрукворим. Биз бу асирликда бирйўла чириймиз, ...ни, Ўзи кечирсин!..

...ек султонни суяб чодир томон юраркан, эллик қадамлар ...рида бир дарвеш гадой бор овозда хиргойи қилиб кетарди.

*Том орқаси ариғ-ей,*
*Қирга экдим тариғ-ей.*
*Отим чопмас, ориғ-ей,*
*Ранги рўйим сариғ-ей.*
*Олиб ёвдан йўриғ-ей,*
*Қолдим судраб чориғ-ей.*
*Миндим тулпор, тўриғ-ей,*
*Ота-бобом йўруғ-ей.*

– Ҳа-а, бу дарвеш ҳам менга ўхшаб йўруклардан экан, Ёқуб! – деди султон унинг туркисини диққат билан тинглаб. Шу дарвешга ҳам ҳавасим келди. Шу ҳам мендан кўра ...ркин ва озод! Бизнинг ота-боболаримиз ҳам йўрук ўтган, Ёқуб! Ўша, Турон юртидаги Қўшдарё орасидан келганлар. Ота юртимиз Хоразм дейишарди, – гапириниб борарди сул...тон. – Мендек хаста ва асир султон бўлгандан кўра унинг каби соғ-саломат гадой бўлган авлодир!

Йўрук дарвешнинг хиргойиси ҳамон элас-элас қулоққа чалинарди:

*Бир кун сени синдиражак аламлар,*
*Бошинг узра терса дўнар оламлар.*
*Бир-бир ташлаб кетар яқин одамлар,*
*Дардинг чекар сўнг содиқ ёр, қаламлар...*

– Менга қара, Ёқуб! – деди чодирига етган султон ҳамон

дарвешнинг ортидан ғамгин боқар экан. Айни дамда унинг руҳи ва қалбига энг яқин ҳамдард одам шу девона-дарвеш эди. – Шу дарвешнинг пешидан қўш. Айтуви эшитилиб қолди. Уни чодиримга олиб кел. Ҳеч қачон бундай маъноли зикру санони эшитмаган эрдим. Унинг сўзлари юрагимга етиб боргандек. Тезроқ жўна. Кўздан ғойиб бўлмасин. У шунчаки дарвешга ўхшамайди.

Қутвол султонни чодир ўнгида қолдириб, дарвешнинг изидан тушди. Кўп ўтмай у билан гурунглашиб, қайтиб келди.

Кутилмаганда меҳмон султонни таниди. Таниди-ю, тош дек қотиб қолди. Султон ҳам унга масъум тикилди.

– Дарвешбекни олиб келдим, султоним! – деди қутвол чодир эшигидан киргач.

– Кимсан, биродар? – сўради чодир тўрида ёнбошлаб ётган султон ҳамон унга диққат билан тикилар экан, имо билан ўтирмоққа ишора этиб.

Қутвол ва дарвеш ёнма-ён чўккаладилар.

Буни қараки, сўнг дақиқада ёнимда бир дарвеш ва бир собиқ қутвол қолди-я, хаёлидан кечди.

– Кимлигимнинг аҳамияти йўқ, султон, ҳазратлари. Бир девонаю дарвешман. Сиз каби бир ғозий ва мужоҳид султон ҳузурида бўлмоқдин мутлидурмен. Шараф туядурман. Амри хизматлари бош устига! Буюринг, – сермулозамат ва кибор эди мусофир.

“Тўғри айтасан. Меники кимлигимнинг фарқи қолмагандан кейин, сенинг... Улусни сен каби сарсону саргардон қилиб қўйдим. Неки қабоҳат борса, менда”, ақлидан кечди султоннинг ҳамон дарвешга қизиқсиниб боқаркан.

– Айтувларинг манзур бўлди. Заҳмат бўлмаса яна айта билурмисан? – рижо этди султон меҳмоннинг халта, қулоҳ, жубба, кашкул ва таёғига разм соларкан.

Қорачадан келган дарвеш араб асилли эронликларга ўхшар, қалин эгарқоши катта бурни устига отнинг эгари каби қўнган, дўрдоқ лаби бўртган, ияги одатдагидан узунроқ кўринарди.



Дарвеш эгилиб таъзим бажо этди-да, айтмоққа бошлади.

*Подшоҳ ҳоли танг ўлса,*
*Билким гадони ахтарар.*
*Гадонинг ҳоли танг ўлса,*
*Ёлғиз худони ахтарар.*
*Дардини ҳокимга айтган,*
*Тоғу тошин ташлаб кетар,*
*Арзини золимга айтган,*
*Азиз бошин қашлаб кетар.*

*Қадри йўқларким қадрингга етмаслар,*
*Дилдаги шукри-сабрингга етмаслар.*
*Ҳақ деган зикру садрингга етмаслар.*
*Покиза ҳоки қабрингга етмаслар.*

*Пошшо тахтидан тойса,*
*Вазири гадо бўлар,*
*Йигитнинг бахти қайтса,*
*Авлоди адо бўлар.*

Чордана қуриб ўтирган кўйи тебранганча шеър ўқиган дарвеш тўхтаб, битигим маъқул келдими, йўқми дегандек, ёнбошлаб ётган султонга қаради.

Султон кўзини юмганча шеър тингларди.

– Давом эт, биродар, – деди ғамгин ва бўғиқ овозда.

Дарвеш йўталиб қўйиб, ўқимоқда давом этди:

*Деванинг султони, қаторда нордир,*
*Ким парча экмакка, меҳрга зордир.*
*Одамзод шарафи, номуси ордир,*
*Ҳақдан тонмаганга, билким ҳақ ёрдир.*

*Ёдда тут, ҳар шайда бир ҳикмат бордир,*
*Золимнинг сўзи сўз, дард чеккан хордир.*
*Донога ҳаёт, кўз очиқда дордир,*
*Шайх Саъдий қиймати бил, ўн динордир...*

– Сўнгги сатрингни такрорла, дарвеш биродарим? Не де динг? – бошини кўтариб, ўтирганча сўради султон ҳайрон бўлиб.

– Шайх Саъдий қиймати бил, ўн динордир! – деди дарвеш охирги сатрни такрорлаб.

– Англамадим. Бу не демак? Сатрингни изоҳ эта билур мисан? Шайх Саъдий ҳазратлари қул бўлганларми?

– Шундай, султон ҳазратлари. Ижозат этсангиз бу манга бироз очиқлик киритсам? – дадиллашиб суҳбатга кириди кўноқ.

– Суйла, сўйла. Айтдим-ку Ёқуб, бу шунчаки дарвеш эмас деб, – дея икки кўлини хонтахта устига қўйиб, дарвешга тикилди султон.

– Шайх ҳазратларининг ёшликлари оғир кечган, – деб ҳикоясини бошлади мусофир томоқ қириб. – Ул кишимининг ўз таржимаи ҳолларида қайд этишларича, Қуддуси Шарифда яшаганларида хочлиларга асир тушадилар. Салибчилар асир тушган мусулмонлар орасида ёш ва бақувватларини танлаб Мағриб томон ҳайдаб кетадилар. Асирларни Тараблус қалъаси (Ҳозирги Ливиянинг бошкенти Триполи шаҳри) атрофида хандақ ва зовур қазиш ишларига жалб этадилар. Қул ва асир ёш шоирни халаблик бир сардор таниши кўриб, таниб қолади. Асирларни ишлатувчи қулбошига ўн динор бериб, уни сотиб олади. Менинг шеърим шайх ҳазратларининг ҳаётини қутқарган ўша ўн динорга ишорадир, султон ҳазрати олийлари. Фармон султонимизнингдир! Савол-сўровлари бўлса бош устига, – деди икки букилиб дарвеш.

– Ғаройиб бир ибратли ҳикояни сўзладинг, дарвеш биродарим. Агар билсанг, ҳикоянинг давомини ҳам сўйла. Шундан кейин улуғ шайхнинг ҳаёти қай тарзда кечган?

– Шоирни ўн динорга сотиб олган сардор уни уйига олиб келиб, юз динор қалин пули эвазига ўз қизини унга никоҳлаб беради. Бироқ шоир зоти етти қават осмон устида, кўкларда яшайдиган орзу ва хаёл кишилари бўлганлари



...ки, оилавий ҳаётда уқувсиз, бола-чақа ташвишини ...моқ машаққатларидан узоқ бир қавмдирлар. Аёл зо...га эса даҳо бир инсон, дунёвий бир файласуф эмас, ха...пулек ишлаб, туғиб ташлаган чурвақаларни боқиб, ўзини ...кириб-ичириб, кийинтирадиган мардикор керак. Шу боис ...нг қийинчиликларини кўрмай ўсган сардор қизи шо...ига зугум ўтказиб, оила ҳаётидаги тузу тотни қочиради. ...Отам сен асиру қулваччани ўн динорга сотиб олиб, Мағриб саҳросида оч-яланғоч ўлиб кетмоқдан қутқарган!" ...ва таъна-ю маломат қилади. "Тўғри, дейди шоир мулзам ...либ, отанг ҳақиқатан ҳам мени ўн динорга сотиб олиб, ...ликдан халос этган. Бироқ юз динор бадалига сендек ...бир жоҳилнинг чангалига топширган".

– Қаранг-а! – деди султон дарвешнинг ҳикоясидан таъ...сирланиб. – Бу дунёда зулмнинг энг ёмон тури хотин зоти...нинг эркакка кўрсатган жабру жафосидир.

– Тўғри сўзлайдирсиз, султон ҳазратлари. Туронлик Паҳ...лавон Маҳмуд деган бир файласуф шоир, "эвланмоқ, хотин ...олмоқ, дўзахнинг энг тубидан ўзингга жой ҳозирламоқдир" ...деган экан, – султоннинг гапи ёқиб тушган эди дарвешга.

– Сўйлаганинг каби фикрни ҳазрат Али розиаллоҳи анҳу ...ҳам айтганлар шекилли. Шу боис сен ҳам уйланмагансан? – ...кулимсирос табассумда суҳбатдошига тикилди султон.

– Оллоҳ сақласин! Шундай, султоним, – жавоб қилди дарвеш сергак тортиб. – Аларнинг юзини ўзи биздан тескари қилсун!

– Биз аҳмоқ султонлар эса жонимиз чиқаётганда ҳам уйланамиз, – дарвешни гапиртирмоқ истар эди чодир соҳиби.

– Бу ёруғ оламда ҳар неки жонивору мавжудот борким, феъли атвори, қилиқ қилмишига кўра эгаси олдида тек...тек жавоб беражакдир. Ажри амалига кўра тақдир этилиб, гуноҳи бўлса ўз оёғи ила осилажакдир!

– Сўзларинг кўп маъноли, дарвеш биродарим. Яна шеърларингдан ўқий биласанми?

– Бош устига, олампаноҳ! Амр султонимизнингдир! – деб яна шеър ўқимоққа тутинди меҳмон.

*Зардоли чўғин қала-ё,*
*Агдар кабобинг куймасин.*
*Ғафлат босган қавми инсон,*
*Кечаю кундуз уймасин.*
*Сиринг душман туйса туйсин,*
*Дўстим деганинг туймасин.*
*Рақибингдан ўзиб тушган,*
*Ўзингники кўз ўймасин.*
*Бош юмалоқ, бут айриси,*
*Ё Раб, зулмни суймасин.*
*Бу дунёда ҳар шай кечар,*
*Ёлгиз ўзидан қўймасин...*

Султон кўзини юмганча бошини тебратар эди. Кўнглида кечаётганларни сўйлаётган дарвешга меҳри ийиб кетди. Қўл ишораси билан қутволга меҳмон учун шарбат қуйиб келтиришни буюрди.

– Асли қаерликсан? – сўради паст овозда султон.

– Қунияликман, султон ҳазратлари.

– Исминг недир?

– Жамолиддин, султон ҳазратлари!

– Румий ҳазратлари авлодиданмисан?

– Барчамиз Румий ҳазратлари авлодимиз, султон ҳазратлари!

– Тўғри сўзлайдурсан, биродар! Барчамиз Яратганнинг бандаси Муҳаммад алайҳисалом уммати, Румий ҳазратларининг авлодларимиз, – дарвеш сўзини такрорлади султон. – Қани, сўнгги бир байтингни ўқи-чи, авлодим. Сенинг бу залворли битикларингни ҳар қандай юракнинг ҳам кўтармоғи мушкулдир. Айтдим-ку, Ёқуб, бу шунчаки оддий дарвеш эмас. Сўйла, авлодим?

Султоннинг абгор аҳволидан ҳайратга тушиб, ўзини йўқотиб қўйган кўзлари бежо дарвеш яна шеър ўқимоққа тутинди:



*Қўрқувдан қаландар қўлида Қуръон,*
*Энг улугу разил жонзодким инсон.*
*Сўнгда ёлгиздирсан, бўлсанг-да султон,*
*Кўзинг очиқ эркан, келтиргин имон.*

Бу тўғридан-тўғри менга даъват қилмоқда, хаёлидан кечди султоннинг. Кўз очиқликдаги баҳо бир хурушликдир. Ким билмасин, одам боласининг асл қадр-қиммати устига тупроқ тортилгандан сўнг билинади. Бу дарвеш малак каби ҳузуримга юборилганга ўхшайди-я!? Ё тавбангдан кетай Худо! Ҳар ҳолда умрнинг сўнги кўриниб қолганга ўхшайдур!..

– Саволларимни мукаммал жавоблантирдинг, биродарим. Заҳмат бўлмаса сўнгги сўровимга ҳам жавоб бер! – деди султон дарвешга меҳр билан тикилиб.

– Амр султонимизнингдир! Буюринг, зоти олийлари!

– Румий ҳазратларининг қай бир сўзларини кўп хотирлайсан ва сўйлаб юрадурсан?

– Авлиё ҳазратларининг кўп сатрларини ёд биладурмен. Қалбим қатидан жой олган энг жозибали сўзлари эса, сўзга боқдим, сўзми дея, сўзлаган одамга боқдим, одамми дея деган ибратли жумлаларидир.

– Айтдим-ку Ёқуб, бу оддий дарвеш эмас деб. Сўратганимда, сен-ла суҳбатлашмоқ истаганимда ҳамон ҳузуримга етиб кел, авлодим. Англадингми? – деди султон меҳрли оҳангда. – Инсон боласи бир-бирига меҳмон.

– Англадим, султоним! Амри-фармонлари бошимиз устидадир! Оллоҳ сиздан рози бўлсин, султоним, – дуо қилди дарвеш.

– Оллоҳим сендан-да рози бўлсин, авлодим! Сен-ла суҳбатлашгач, кўнглим бироз таскин топгандек бўлди. Дўсту биродарларингга мендан салом сўйла.

– Қуллуқ, султоним! Ер каби кўксимни тоғ каби кўтардингиз! Сиздек инсону султон ила кўришмоқ ва суҳбатлашмоқ ҳар кимга ҳам насиб этмас!

– Барчамиз Оллоҳнинг гуноҳкор бандаларимиз. Ш... шаҳристони тахтидан боқийлик макони кўшкига ... ўтганимизда эгаси олдида барчамиз тенгмиз. Тупро... Мен ҳам сен каби Оллоҳнинг бир қулбандасиман! – ... султон ўша ғамхўр ва ғамгин оҳангда.

– Муҳтарам мусофиримизнинг тўрваларига ана у ... кечак, мева-чева ҳамда экмаклардан тўлдириб солин... Ёқуб! Ана у токчада турган, энди мен ҳеч қачон ... майдиган динору дирҳамлардан ҳам бер. Искотимга ... кетаманми уларни. Бизни дуо эт, авлодим! Оллох йўлин... берсин! – дарвешни дуо қилди султон.

Ёқуббек кутвол дарвешнинг кўнглини олиб, кузат... қўйди.

Султон яна хонтахта ёнига беҳол узанди. Толиққан кў... ларини юмди.

...Беихтиёр кўз ўнгида шаҳид қиблагоҳи жонлан... бўлди. Боши узра туриб, яна фарзандига насиҳат қилар... Султон болам, бўтам! Туянинг буйдаси ўз чуйдаси... бўлади. Унинг бўйни ва тиззасидаги ўсиқ юнгли, чуйда... ни юлиб олиб, бурундиғига тақиладиган нўхталик, тизим... арқон тўқийдилар. Буни буйда дейдилар. Шу тахлит ... ўзини ўзи боғлаб беради. Одам зоти ҳам шундай. Орқа... дига қараб, кўнишиб иш тутмаса, ўз тили билан оёқ-қўлин... боғлаб беради. Оғзини тута олмаган инсон ҳеч бир ерни... тута олмас. Ҳаётимда бир сўз ила тўрга чиққанларни, ... сўз ерга тиққанларни кўп кўрдим... Яна шуни унутма... кичик рақиб бўлмаганидек, кичик душман ҳам бўлмайди. Жон чиқар, хўй чиқмас дейдилар. Ва ҳеч бир замон... кўрқмагин, қўрқув инсонни фалж этади...

Камбағалнинг бир тўйгани, бойигани дегандек халта-хуу... ружини тўлган дарвешнинг вақти чоғ, кайфи жойида эди... Тўрваси тўлганидан кўнгли ҳам тўлган, султон мусофир... хиргойини олганча қасабадаги такяхона томон кетиб борар... ди.



*...олам, болам бахтиёр-а,*
*...ир нарсанинг вақти бор.*
*...у қишнинг фасли бор-а,*
*...р йигитнинг асли бор.*
*...ир элатнинг насли бор-а,*
*Икки элнинг саси бор...*

* * *

*...ул қавмига байроқ эмас, тойчоқ керак,*
*...ул кўрсатар ботир эмас, олчоқ керак.*
*...олим қиличига мудом қайроқ керак,*
*Сўнгида ўзни урарга пичоқ керак.*

*Дордан қочган шоҳга, писган қочоқ керак,*
*Улус улус ўлмоғига бир чоғ керак.*
*Дунёлар сиққан бағри кенг қучоқ керак,*
*Диёнатнинг оғочидан бутоқ керак.*

* * *

*Аждодини сотган авлод хоиндир,*
*Элсотар, насли шайтони лаъиндир.*
*Қасамхўрга ким, хоинлик оиндир,*
*Сўнгги дўст, душманинг ҳам бир хотиндир...*

*Дўстим!*
*Агар билсанг мен,*
*Қаро кунинг*
*Дўстиман!*
*Юрагингда*
*Сизган бир,*
*Яро тунинг*
*Дўстиман!*
*Ўлимсиз ўлмоқ учун,*
*Юракни ёқмоқ керак!*

Дарвеш ҳақида, унинг юрак-юрагини сизлатган ...лари ҳақида чодир шифтига боққанча кўп ўйлаган сул... Ёқуббек кутволни Оқшаҳар йўли устидаги такяга юбор... Дарвеш янги битик битган бўлса кўчиртириб келишини ... юрди. Қуруқ бормасликни, совға-салом олишни тайинлаб...

Кутвол пешин намозидан сўнг қайтди. Қўлидаги бит... ёзиғлик қоғозни чодир ўнгидаги саҳнга қўйилган курсида... кўзи пинакка кетиб ўтирган султонга узатди.

– У худди сиз айтганингиз каби оддий дарвеш эмас ... олампаноҳ! Шажараси Мавлоно насли насабига туташ... экан, – деди кутвол оғзини тўлдириб.

Уйқуси тарқаб, сергак тортган султон диққат билан Ж... молиддин Румийнинг байтини ўқимоққа киришди:

*Кўр сичқондай*
*Тиним билмай,*
*Зару зийнат*
*Йиққанлар!*
*Ватан эрмас,*
*Қаср қурмоқ,*
*Юрагига*
*Сиққанлар!*
*Адолату*
*Ҳақиқатнинг,*
*Кўзига чўп*
*Суққанлар!*
*Нодонлигу*
*Шарафсизлик,*
*Чўққисига*
*Чиққанлар!*
*Ерим,*
*Халқим,*
*Деганларни*
*Бўғизидан*



*Буққанлар!*
*Қалби кўрлик,*
*Таккабурлик,*
*Йўргагида*
*Юққанлар!*
*Эрк саси*
*Чиққан тешикка,*
*Эски латта*
*Тиққанлар!*
*Бешигида*
*Зулм шамин*
*Ёқмоқ сирин*
*Уққанлар!*
*Модарзоди*
*Уйда эмас,*
*Кўча-кўйда*
*Туққанлар!*
*Улус интилган*
*Қоялар,*
*Қалъаларни*
*Йиққанлар!*
*Оллоҳ!*
*Жазонгизни*
*Берсин!*
*Юрт*
*Юзида*
*Чипқонлар!..*

Шеърни мутолаа этмоқ жараёнида бироз ўзига келган султон битикдан олган ҳаяжони туфайли жонланиб, хонтахтага тирсакларини қўйиб ўтирди. Нурсиз кўзлари жонланиб, қувраб қолган сарғиш далаларга узоқ тикилди. Сўнгра кутволга кетмоққа изн берди-да, яна узанди.

...Энди оёқ учи томонга келиб тиз чўккан раҳматли отаси ўзини қолган жойидан давом эттирарди:

...Кўзи очиқлигида ярамаслиги бот-бот юзага ур... хулоса чиқара билмаган, ўжарликни ҳайвон каби ў... шараф деб билган кимса, одам зотининг энг гумроҳи ... ўнгарилмасидир. Бундайлар ҳаётдан кўз юмганларни "туғилмоғи хато бўлган кишини, ўлим олиб кетиб ҳис қилмади" дейдилар.

...Насли-насаби ноаниқ, илдизидан кўпган, номуносиб ва нолойиқ кимсаларни мартаба ва юксак вазифаларга келтирмоқ, унвону мукофотлар билан сийлаб уларни қаҳрамон ясамоқ, муносиб ва лойиқларни ҳақоратлаб, ерла яксон этмоқдир. Унутма, илдизинг бўлса дарахтсан, илдизинг йўқ экан, ўтинсан...

...Ўзини барчадан ақлли ва доно бўлганлиги учун тепадаман дея тушунган кўнгли тор ҳукмдор ҳеч қачон, ҳақиқий мард ва жасур, ватанпарвар кишиларни улус олдига ўтказмайди. Номуносиб ва ўткинчиларини ўнгга чиқариб, бу паст ва шарафсизлар, моддиятчи ва манфаатчилар, олчоқ ва фурсатчилар орасида, оломон олдида ўзи қуёш каби порламоқни орзу этади.

...У англамайдики, балчиқлар ва ботқоқликлар қуёшни ҳис этмайдилар. Ақли етмайдики, қуёш, балчиқ ва ботқоқликнинг ичидан кўтарилмайди...

...Тап тортмай, иккиланмай, кучли, дадил, эс-ҳуши жойида, кўрган ва қони тоза кишиларни ёнингга ол. Ўзлигини билган, ўзининг қадрига етган бундай шахсиятлар ўзганинг ҳам қадр-қимматини жойига қўядилар. Ҳеч бўлмаганда инсон умри ва ҳаётдаги энг сўнгги ожизлик, энг сўнгги пасткашлик – хоинлик қилмайдилар. Нокас ва нобакор сен берган суякни ғажиб туриб, эгнингдаги тўнингга кўз тикади...

...Одамни одам қиладиган ҳам одамдир. Одамни одамгарчиликдан чиқарадиган ҳам одамдир...

...Йўлини қилу, душманинг билан ҳам одам каби муносабатда бўл. Унинг обрў-эътибори, шаъну шарафини жойига



...иб, инсон каби қўнуш. Ақлли душманнинг, аҳмоқ, но... дўсту ошнодан ўлса ўлиги ортиқдир. Абдал дўст аввал ...нгни, сўнгра бошингни ейди. Ақлли рақибу ягий сенга ... беролмас сабоқни беради. Шу сабоқни ола билсанг, ... тажрибадан хулоса чиқара олсанг, уни қўлламоққа ...закоинг етса, билки мулки-давлатинг элингдадир. Акс ... уни ақли-идрокда, чораю тадбирда ўзингдан устун ... кишига топширмоқ мажбуриятида қоласан ва она... туғилган, Эгаси яратган ҳолга тушажаксан...

Адолат ва ўзгурлик йўқ жамоа ва жамиятда яратмоқ, ...иф этмоқ, янгилик ва эзгуликка интилмоқ руҳи ва ҳаттиҳаракати бўлмайди.

Мулки давлат, бойлигу сарватни адли-адолат-ла ин...лар ила пойлаш. Зотан қўлингга неки бойлигу зан...гинлик, олтину жавоҳир, еру мулк кирган бўлса, бу шу ...лқникидир.

Ерни ер, тупроқни юрт, заминни Ватан этганлар асли...да еру тупроқ бўлиб меҳнат қилган, заҳмат чеккан фақиру фуқародир.

...Беткай кетар бел қолар, беклар кетар эл қолар...

...Унутма! Сен ва мен ҳақимдаги энг сўнгги ҳукмни ҳам шу одамлар, улус чиқаражакдир!..

...Улуснинг, халқнинг ёмони ўлмас. Элу элат орасидан ёмонлар, ҳақ танимаслар, қул ҳақини егувчилар кўпайиб кетганда, бу қавм ва қабила ўзга халқлар наздида ёмонотлиққа чиқиб қолади. Унутмаким, ҳақу ҳақиқатни танимаган, оқни оқ, қорани қора дея билмаган эл, ҳеч қачон тўкис адолатли, кўзи очиқ, ҳушёр ва ойдин миллат бўла олмайди!..

...Ўзингдан воз кечу, улус манфаатидан чекинма! Зотан сенинг ўзлигинг, шоҳу гадолигинг, беку қуллигинг шу эл-ла, шу юрт-ладир! Бусиз сен ҳеч ким эмассан! Бу икки муқаддас эътиқодни унутган кунинг унутилажаксан!

...Атрофингга илму – маърифатга интилган одамлар-

ни тўпла. Илм ўрганмоқдан маҳрум кишилар инсонидан ҳам маҳрумдирлар. Билмоқ, ўрганмоқ йўлида интилмаган кимсадан яхши қилич чопувчи аскар ҳам чиқмайди. Бундай кимсалар ҳаётлари сўнгига қадар нега одам бўлиб туғилганининг фарқига ҳам бормай, ҳаётни англамай ўтадилар.

...Масжиду мадрасалар, карвонсарою такялар, гарибхонаю етимхоналар қуриш баробарида миллатга жабр-зулм этиб, қонини ичсанг, бунинг барчаси фойдасиздир! Золимлиқдан қогил бўл, шу феълу атворингу мужодаланг-ла зангиликка эриш ва бу маблағлар-ла Каъбани таъмир эт, бефойдадир! Ҳаромдан келган, ҳаромга кетар, ҳеч бир замон буюрмас. Зулму ноҳақликдан топганинг сендан кейин келган золимга қолар.

...Билки ёмон кетиб, яхши келмас.

...Нуқсону хатойингни ўн бор, юз бор, минг бор ингла, тафтиш эт, хулоса чиқар. Уни англамоқликка, сабаб ва оқибатларининг тубига етмоққа астойидил кириш ва тириш. Агар ақли идрокинг ойнасида ана шу камчилик ва қусурлар янгилишликларни, ҳатто гуноҳу жиноятларни тушуниб етмоқ акси кўринса, буларни юракдан ҳис эта олсанг, демак, сен комиллик сари бормоқдасан. Англаб ета олмасанг, тишинг ўтмаса, демак, сен ҳали номукаммалик ботқогига ботган чориғингни тортиб ололмагансан. Сен учун фозиллик ва комиллик манзиллари ҳали жуда узоқ.

...Ҳаёт моҳиятидаги ана шу сабабни ўрган ва тадқиқ эт. Ҳар бир ишнинг тамалини, интиҳосини англаб етмай туриб, ибтидонинг манзилини тўғри белгилай олмайсан. Оқибатда умр бўйи қилган тоат-ибодатинг ўткинчи елларда соврилиб кетади.

...Ҳар шайдан хайр изла. Ҳар ишга хайриятлик кўзи ила боқ. Қалбинг ва юзингдан инсонларга нур таралиб турсин. Нур, ёғду бўлмаган жойда қоронғулик, рутубат ҳукм суради.



Подшоҳлар бўлади. Улусни ақли донолик билан бошқаради. Яна бири бўладики, зулму зуғум ила идора этади. Яна бири эса молу мулк, бойлик кучи ила юритади. Сўнгги иккиси ўз қилмиш, хатти-ҳаракати билан охирбатда заволликка юз тутадилар ва икки дунёларини ҳам барбод этиб, ёниб кул бўлмоғига замин ҳозирлайдилар.

Кимдир ер, кимдир боқар, қиёмат шундан кўпар, бола буни унутма. Бир кишилик емак икки кишига, икки кишилик емак тўрт кишига етади. Салтанат бошида тинчлик, омон, соғу салим тураман десанг, топганингни элга, халқга бағишла. Боиси, сен бу нарсаларни ундан олгансан. Нимта нонинг бермоғи, емоқнинг қусмоғи бор. Нимта нонбитти жон, битта нон-балойи жон. Ўзини ўйлаган ўзаксиз етади. Ўзгани ўйлаган ўзликка етади...

# ЕТТИНЧИ БОБ

*Доно одамнинг хислати уч нарсада нам... бўлади:*

*Биринчидан: бошқаларга берган маслаҳатига ўзи амал қилади;*

*Иккинчидан: ҳеч қачон ҳақиқатга қарши бормайди;*

*Учинчидан: ўз атрофидаги одамларнинг нуқсонларига сабр-тоқат билан чидайди...*

**Толстой**

Улуғ хоқоннинг юксак тепаликка қурилган зар ҳоши... шоҳона саропардаси атрофида ҳаёт қайнар, одамлар бола... каби қароргоҳ теварагида ғимирлашарди. Шому Ироқ, Ар... бу Ажам, Фарангу Юнон дунёнинг тўрт тарафидан кел... машҳур пошшозодалар, номдор тужжор ва лашкарбошил... даври замонининг етук кишилари барча учун фахр-ифтих... саналмиш улуғ Темур зиёратига етишмоқ, хоқон суҳбати... бўлиб, унга ҳадя ва пешкаш тақдим этмоққа ошиқишарди.

Измир фатҳини эшитган ва вилоятнинг Ойдинўғилларига суюрғол қилиб берилганини туйган Султон Йилдирим Бо... зид ўғилларининг пайтавасига қурт тушган эди.

Қаҳрамонўғиллари қатори Ойдинўғиллари ҳам ўлка... ларини тасарруф этмоқ учун Турон султонининг тамғаси босилган ёрлиқни олган, бундай нишон Боязид ўғилларидан ҳали бирор-бирининг қўлига тегмаган эди.

Сўнгги воқеалардан безовта бўлган султоннинг тўнғич ўғли валиаҳд Сулаймон ҳузурига Шайх Рамазонни чорлаб, қуюқ пешкашлар билан улуғ хоқон девонига йўллади.



...луғ Амирнинг зукко ва хуштабиат Шайх Рамазонни ...рмат қилишини билган валиаҳд Сулаймон шаҳзодалардан ...иринчи бўлиб, хоқон рағбати ва ёрлиғини олмоқ нияти... ...а эди. Бу шаҳзоданинг хоқонга иккинчи бор турфа хил ва ...ллан зиёд совға-салом билан элчи кўндариши эди.

...у орада фармони олийга биноан валиаҳд Муҳаммад ...лтоннинг чериги фаранглар ўрнашиб олган Фуча ...льасини фатҳ этмоқ учун юрди. Фуча ҳокими фран... ...т Сата вазиятни тўғри баҳолай билди. Измир сабоғи бу ...удларда яшовчи барча насронийларнинг кўзини очган, ...лар бу қудратли қўшинга бас келажак куч айни дамда ер ...зида йўқ деган фикрда эдилар. Измир ҳокими Магнуснинг ...ропа мамлакатлари подшоҳ ва князларига бот-бот қилган ...лватига қарамай ёрдамга фақат икки минг фаранг рицари ...борилгани ҳам вазиятга ойдинлик киритган эди. Насроний ...укмдорлар Европани тиз чўктирган Султон Йилдирим Бо... ...иддек буюк кучни чилпарчин қилган, юз етмиш йилдан ...ери Русиянинг жиловини ушлаб турган Олтин Ўрдадаги ...ингизийларни улоқтириб ташлаган, мўғулларни Буюк Хи... ...ой девори томон итқитган, Ҳиндистонни яшин тезлигида ...фатҳ этган, кимсага бўйсунмас Эрон ҳамда Ироқнинг тиз... ...гинини қўлига олган, азал-азалдан ҳеч бир қудратни тан ...олмайдиган кавказ насронийларини ўнгмайдиган даражада ...белини синдирган, славянларни мўғул ва усмонли зулмидан ...қутқазган ва илк бор арабларга ҳақиқий ҳарбий зако, куч-қудрат қандайлигини кўрсатган улуғ хоқон Темурга қарши курашмоқ фойдасизлигини англаган эдилар.

Анқара тўқнашуви хабарини эшитган француз қироли ...са ўша заҳотиёқ хос ҳайкалтарошини ҳузурига чақириб, Европа халоскори, Гран Темурнинг олтин ҳайкалини ясаш... ...ни буюрди. Гран Темурдан икки аср бурун ўтган Чингиз... хон, унинг Киевни фатҳ этган даҳшатли набираси Ботухон ҳақидаги гапларни узуқ-юлуқ эшитишган, лекин уларнинг Днепр дарёсидан ўта олмаслиги, Парижга етиб келолмас-

лигини айтишар эди. Турон саҳроларидан отилиб чиқ
Темур деган одам эса насронийларнинг бирйўла икки бу
рақиби, Олтин Ўрда ва Усмонли султонини тиз чўктир
Ақл бовар қилмайдиган иш. Славян давлатлари бу ни
салтанатга қарши курашавериб, ҳолдан тойган эди
У тарафда Киеву Рус, бу томонда Юнону Серб! Яра
Тангри ожиз бандаларининг оҳу нолаларига қулоқ со
яғийлар забтига ўзининг Темур деган жазосини йўллади
эса ҳамма ёқни остин-устун қилиб юборди. Демак, ки
ҳаддидан ошса, кўзини ёғ боса, шунга яраша балою жаз
муносиб ва мустаҳиқдир.

...Улуғ хоқон шаҳзода Сулаймоннинг амири яна не
эшик қоқиб келганлигини тушуниб турарди. Биринчи та
риф давомида Темур султоннинг тўнғич ўғлига шоҳ
тож ва совға-саломлар бериб юборган бўлса-да, маълум би
вилоят ёким ҳудуднинг тасарруф этиши ҳақида ваколат б
ёрлиқ бермаган эди.

Сўғон сотганнинг мурч сотгандан хабари бўлади деган
ларидек, Қаҳрамонўғилларининг отамерос вилоятлари
яна қайтариб олганини эшитган тахт ворисининг уйқусида
ҳаловат қолмаган эди. Бунинг устига Темур Измир шаҳ
ва вилоятини Ойдинўғилларига суюрғол қилиб берди. Бу
валиаҳднинг тушига-да кирмайдиган томоша эди.

Темурнинг Султон Йилдирим Боязидга бўлган алоҳида
эътибори Турон саройида усмонлиларнинг ҳар бир бек
элчиси, жумладан, раиятга нисбатан ҳам илиқ қардошли
муҳитини яратган, Улуғ хоқондан бошлаб барча амиру лаш
кар бошлиқлари мағлуб қардошлари олдида ўзларини мут
возе тутар эдилар.

Бу илиқ муносабат кишанланган Султон Йилдирим Бо
зид Темур ҳузурига келтирилган дақиқадан бошланган эди.
Ақли, ҳис-туйғуси теран хоқоннинг нигоҳи афтодаҳол сул
тонга тушганда бу ақл бовар этмас ҳолатдан таъсирланиб,
ҳайратдан қотиб қолган эди.



...м қайсарининг асир тушиши мунажжимнинг тахми-
...ди. Шу боис дастлабки дақиқаларда ғалати кайфият-
... ўзини нимадан бошламоқни ўйлаб, сукутга чўмди. На-
... ичига тушиб кетаётгандек вужуди сиқилар, танасини,
... ўзига ёт бўлган аламли бир армон эзаётгандек эди.
... эса Темурга еб қўйгудек нафрат билан тикилар,
...ни ундан олиб қочарди. Бироқ Темурнинг авзойи-
... ҳамдардлик ҳиссини туйгач, юзидаги нафрат ва алам
... бепарволикка ўхшаш бир тус олди. Уни урушишга
... этгани ҳаётидаги энг катта ва сўнгги хато эканли-
... англагандек бўлди. Иккинчи куни ҳам у ўзини Рум
...ларини тор-мор келтириб асир олган ғолиб хоқон каби
...тмади. Йилдирим Боязид оёғини аранг судраб босганча
...нардага кириб келганида ҳурматли меҳмон ташрифи-
... уялиб, хижолат чеккан мезбондек эди у. Ўнг тарафига
...таклиб, кўнглини сўради. Хонсоларга мева ва шарбатлар-
... иборат суфра тузамоқни буюрди.

– Мен сизнинг олдингизга жуда енгил шартлар қўйган
...им. Бироқ сиз қандай қилиб бўлмасин биз ила савашмоқ
... тиз чўктирмоқ қасдида бўлдингиз, иним Йилдиримбек!
... бахтсизлик – ўзингиз эккан жангалнинг тиканларидур.
Агар ғалаба сиз томонда бўлганда эди, менга ва қўшинимга
...андай муомала қилишингизни биламан. Шундай эрса-да,
...тиржам бўлинг, кўнглингиздаги даҳшатни чиқариб таш-
...нг! Мен ҳаётингизни сақлаб қолиб, юртингизни ўзингизга
...айтариб бериш баробарида ғалаба учун ёлғиз Оллоҳга
...ҳсин-ташаккур айтаман, холос! Орамиздаги не иссиқ-
...вуқ гаплар ўтмасин, сизга ва раиятингизга заррача озор
...тказсам, худога ҳам, халойиққа ҳам маъқул келмас!

Улуғ хоқон шаҳзода Сулаймоннинг элчисини узоқ бек-
...атмади. Шоқул шиқовул иззат-ҳурматини жойига қўйиб,
хоқон ҳузурига олиб кирди. Сарой ва ўрдудаги барча ту-
...ронликлар бу тупроқларда усмонлилар мавқеининг сусайи-
...ши мусулмонлар аҳволининг оғирлашувига олиб келишини
яхши билишар ва шунга кўра давранишарди.

воқеа ҳамда ҳодисаларнинг илдизини бизга такаш... да, унинг асосини султоннинг суюқ қони ва телба ... ҳаракатидан изламоқ тўғри бўлади. Биз эса юзага ... вазиятда етти иқлимни сўраб турган хоқон сифатида ... мизни бажардик. Бу билан ўзимизни юзда-юз оқлам... ҳам эмасмен. Боязидхон ила тенг бўлиб, айтишиб юрма... дан йўлимизда давом этаверсак ҳам бўларди. Бироқ биз ... суюққонли одам боласимиз. Бизда ҳам нафсоният, ... қолаверса, шараф бор. Яхши подшоҳларнинг кўнгилдаги ... подшоҳлик қилмоқликлари учун ҳеч қачон вақт етма... Шунинг учун қудратли эгамиз бизга муқаддас қарз ... тида топшириб қўйган фуқаро фойдасига ишламоққа ма... бурмиз. Мен кечаю-кундуз, ишу ибодатимда, шоду ... кунларимда фақат шу ҳақда ўйлайман. Негаки қиёмат ку... фақирлар этагимдан тортиб, мендан қасос олишни та... этмоқларини истамайман! Бизга қонан, имонан усмо... турклардан яқин қавм йўқдур. Улар Турон султони ... ройлари, қасру боғларини тўлдириб, ёмонимизни яшир... яхшимизни оширіб, дўсту душман назарида ёнимизга ... суриб юрмоқларини не қадар орзу этганимни сиз барча... яхши билурсиз! Орзуларим ичимга чўкиб кетди. Азал... дан бирлаша олмаган, бирлашса-да бир-бирига келиб ... рилиб кетган, қони суюқлиги панд бериб қоқилиб юрг... лаҳзалик лаззат ва кайфу сафони деб келажагидан ажра... қолган ота-боболаримиз хатосини биз ҳам такрорладик. ... нинг учун мен ҳеч қачон ўзимни кечира олмайман. ... ки авлодлар ҳам биз томон таъна тошин отарлар. Бир... бўлар иш бўлди, бўёғи синди. Тарихни орқага қайтар... бўлмайди. Олдинга қарамоғимиз ва илгари юрмоғимиз ... рак. Сиз мухтарам жаноб сўйлаганингиз каби қайсарзод... Фракия вилояти барча тавобъи ила берилганлиги ҳақида... нишонни битиб, ол тамғамизни босиб бергусимиз. Бу ... унга, авлод-аждоди ва раиятига буюрсин! Биз бу мулк... мамлакатнинг бир дона игнасига ҳам боқмаймиз. Кўнгил... зиб турибдики, бир ёшга бориб қолган мен каби одам ...



...нитмакон ўлкаларга қайтиб қадам босмаслигим ҳам ...ини. Нечун узундан-узоқ сўзлаб сизга ўз мақсадимни ...итмоқдаман. Боиси, сиз бул мамлакатнинг ойдин ки...рига, дўсту душманга бизнинг кимлигимизни, асл ни...имизни англатинг. Бўлиб ўтган воқеалар тарихини тўғри ...тиринг. Агар биз олис юртдан усмонли тупроқларини ...и қасдида келган бўлсак, бу тўқнашув бундан ўн беш, ...рма йил бурун юз берур эди!

...уюк элчи, амир Шайх Рамазон оҳиста бош ирғаганча улуғ ...ни гапларини маъқуллар, унинг суҳбат оҳангидаги сами...лиги ва очиқлиги шаҳзода элчисини эритиб юборгандек ... Шайх Рамазон Қорабоғга ҳам икки бор султоннинг эл...и бўлиб борган, улуғ хоқонга синашта бир киши эди.

Улуғ хоқоннинг амир ва буюк элчи Шайх Рамазон-ла ...и мулозимлар эшитмайдиган узоқликда кечарди. Са...рда эшигида қўл қовуштирганча турган шиқовулнинг ...и кўзи улуғ хоқонда эди. Буюк Амир эшик оғаси ёким ... мулозимни чорлаш лозим бўлганида ўнг қўлини ...арар эди.

Асрақия ҳукмдори қайсарзода Сулаймон Йилди... Боязид ўғли учун подшоҳлик нишони ҳозирлансун! ...ҳзодага менинг номимдан зарбоф тўн, олтин камар, ...рюгани олтинлик от ва мурассаъ[1] тож ҳадя этилсун! ...нингдек, элчи жанобларига ҳам бошдан-оёқ шоҳона сар... ва тўққизта ахалтака тулпори тақдим этилсун!

...чи Шайх Рамазон ўрнидан туриб, бошини елка... баробар эгиб таъзим бажо келтирди. Бу мурувват ва ...мардликдан кўнгли эриб, кўзи ёшовлади.

Умид ҳам шунчалик, улуғ хоқон ҳазратлари! – деди ...ига ўхшаш бўғиқ овозда. – Кўзимиз очиқ эркан, бу ...ру мурувватингизни унутмағаймиз. Биздан қайтмаса ...лоҳдин қайтсин. Давлатингиз дунё тургунча турсин! – ...ади усмонли амири.

Қайсар биродаримизнинг барча авлодларига қўлимдан

---

[1] *Мурассаъ* – қимматли тошлар билан безатилган қилич, тахт, тож либос ва шу кабилар.

келган яхшиликни қилмоққа ҳозирмен. Улардан ... та рижойим бор. Бу ҳам бўлса, биз яғий санаган ... лар ила тил топишмасунлар! Уларни фарзандларим ... кўришимни барчаларига еткуринг! Бизнинг ... ҳадяларимизни Сулаймонбекка топширгач, Султон Йил... рим Боязид ҳазратларининг ҳузурларига боринг. Ул ... сиз каби фозил ва дунё кўрган одамларнинг илик ... муҳтождурлар. Мендан салом сўйлаб, ҳурматларими... казинг. Мен Султон ҳазратларини илгари қандай бир ... ислом ғозийси ва буюк мужоҳиди деб билган бўлсам, ... шу фикрдамен. Уруш бошланиши олдидан ҳам султон ... унинг авлодларига тиғ теккизган кимса уруғ-аймоғи ... лан маҳв этилади дея амр берганмен. Султон ҳазрат... ила бир муддат баробар суҳбатлашиб, сўнгра ... бўлсам ҳузуримга етиб келинг. Ул кишимнинг не ... ва хоҳишлари бўлса сўйласунлар. Агар истасангиз, ... ота юрт Туронга олиб кетайин. Ота-боболар изини ... бир айланиб келасиз, – дея илтифот қилди Темур Шайх Рамазонни саропарда эшигигача кузатаркан. – Биз бир биримиздан узоқдаги энг яқин кишилармиз, қардошим!

– Менинг ота-боболарим бу ерларга Туркистоннинг ... ўлкасидан келиб қолганлар. Она авлодимиз Бухородан, – улуғ хоқоннинг таклифидан ҳаяжонланиб жавоб қайтарди Шайх Рамазон. – Таклифингизни бош устига қабул ... мен, – таъзим ила жавоб қилди элчи.

– Сизга Оллоҳ ёр бўлсин! – улуғ хоқон ҳам дуо ... элчини. – Энг муҳим сўзни айтмоқни унутаёзибман, Ра... мазонбек, – дея элчининг ўнг елкасига чап қўлини ... унинг кўзига тикилганча сўзлади. – Рум мулки ғайри... яғий ҳамда ислом душманларидан тозалангач, Султон Йилдирим Боязидни яна тахти давлатига ўтқазиб, Тур... сори қайтурбиз. Сиз менинг бул қарз сўзимни ул бирод... римизга албатта таъкидлаб айтинг. Бизнинг ул ёким ... ҳаракатимиздан роҳатсизлик туймасунлар ва ортиқча ... сўзлар тарқалишига ҳам йўл қўймасунлар.



...чи бош эгиб, маъқул ишорасини қилди ва орқага тиса... ...ганча саропарда эшигидан чиқиб кетди.

Темур Шайх Рамазонга шу пайтгача ҳеч кимга оғиз оч... ...ган, Султонга ўз тахтини қайтариб бериш нияти борли... ...ни айтган эди. Саропарда ҳовлисида совға-саломларни ... қилиб олган элчи тақдирлаш маросимини кузатиб ... хоқонга бот-бот таъзим қилганча Фракия томон ... олди. У Истанбул томон кетар экан, миясида фикрлар ...тон ўйнар, улуғ Амирнинг қай бир сўзини шаҳзода ...лаймонга айтиш керагу, қай бирини айтмаслик ҳақида ...ноҳада қиларди. Бир сўзни айтмасаю, эртага ошкор ...либ қолса, тахт дардида ўз авлодидан ҳам воз кечишга ... бу қайсарзодалардан ҳар нарсани кутиш мумкин. ... кунда ҳеч бирининг олдида мулзам бўлмаслик учун ... хоқондан эшитган барча сўзларни отага ҳам, болага ... оқизмай-томизмай етказади. Шунда виждони ором то..., тинч яшайди.

Темур уни ота юртига даъват этди. Унинг қўшини би... ...ан бирга Турон сари отланади. Садоқатли амири Бобо...ўрк билан дўстлашади. Шайх Рамазон қанчалик ҳаракат ...масин, не қадар одамларга беминнат яхшилик қилиб, ...стлик меҳр-муҳаббатини кўрсатмасин, кимсадан ана шу ...жаноблигига яраша жавоб кўрмади. Юзда тўқсон тўққиз ...ам мавқеинг, кучинг ва бойлигингга дўст экан. Ёш эл...лардан ошиб қолгач, бундай фикрга келмоқ жуда оғир ке...ркан. Ёлғизланиб қолгандек ҳис этар экансан ўзингни. Ҳамма нарсадан воз кечиб, таркидунё қилмоқни, қўлни ...либ қўлтиққа урмоқни ихтиёр этиб қоларкан киши. Шайхни хиёнат ва пойлоқчилик, охиригача ўйламай қарор қабул қилиш ҳамда воқеа-ҳодисалар оқими не шаклда ...им топиши мавҳум бўлган бир иқлимда яшаш ва иш... толиқтирган эди. Усмонли саройининг тезоб ҳаёт тар..., шаҳзодалар орасидаги гоҳда очиқ, гоҳда орқаворотдан ...лашув, дунёга ақл ва виждон кўзи ила боқувчи амир-

ни роҳатсиз этарди. У бирон-бир карвонга қўшилиб, кў… илғамас саҳро бўйлаб давомсиз кезмоқни, кўз кўриб кула… эшитмаган ўлка ва мамлакатларни кўрмоқни истарди. Ҳиндистондек сеҳрли юртга бормоқ эса болалик орзуси эди. Кўнгил неларни тусамасин, осмон узоқ, ер қаттиқ эди. Подшоҳлар ўзлари боғланиб қолган кишиларни осонлик… ёнларидан узоқлатмайдилар. Худди шундай дақиқада Те… мурнинг уни Турон саёҳатига таклиф этиши илоҳий не… матдек туюлди.

Измирдан шаҳзода Сулаймон турган манзилга кича… юрса, отда икки ярим кунда етарди. Элчи йўл таноб… ни тортиб, қайсарзода ҳузурига икки кунда етиб келди. Амир Сулаймон Шайх Рамазонни бетоқат кутар, кечалари уйқуси учиб, юриб чиқарди. Уйқусизлик ва безовта… дан сарғиш чеҳраси янада заҳил тортиб, чеккалари тири… ган, ҳорғинлик чўккан кўзлари қизарган, нигоҳи туби… даҳшатли бир қўрқув, хавф-хатар аломати зоҳир эди.

Шаҳзода Сулаймоннинг хаёли жойида эмас эди. Унинг қаршисида биргина Темур балоси эмас, ундан… хавфли, ҳаётини бир зумда чилпарчин қиладиган тў… укаси қиёфасидаги азроил турарди. Уларнинг барчаси ке… чаю кундуз боболаридан қолган тахтга кўз тикиб ёти… бу мақсадга эришмоқ учун, керак бўлса, тахтга қадар… садлардан зинапоя ясамоққа ҳам ҳозир эдилар. Уларнинг феъл-хўйидан, ниятларидан воқиф бўлган Сулаймон… қардошларига бирон вилоятни бериб яйратиб қўймоқ фи… кридан узоқ эди. Улар ҳеч қачон битта нонга қаноат қилмайдилар. Уларга чексиз миқдорда экмак ёпиладиган… усмонли тахти дея аталмиш буюк тандир керак! Бу тандир кимга насиб этиши эса фақат ёлғиз Яратганга аёндур!

Амир Сулаймон отасига неки шафқат ва мурувват кў… сатмасин, Темурга ишонмас эди. Ноилождан унга эл… юбориб, қаҳрини қўзғатмаслик, отаси йўл қўйган хато… такрорламаслик учун сиёсат қилиб турарди. Укаси Мус…



…Темур қабулида бўлиб отаси тахтини сўраб улгурган …ини ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас деган ўй уни кечаю кун… …роҳатсиз этарди. Мустафо бундай имкониятдан фойда… …май қолмайди. Агар унга отаси ҳам дастак берса борми? …ла бу юртда юмрон ўйнайди.

Темур деса чўчиб тушадиган амир Сулаймон шу боис би… …жойда бир кундан ортиқ турмас, отасининг султонлик …рини сойма-сой, дарама-дара тикиб, манзилини тез-тез …тирарди. У ён-атрофдагиларга, лашкар бошлиқлари ва …рларига сабоқ ва кўрга ҳасса дегандек, бежизга отасининг …на чодирида яшамаётган эди. Барча бирдек Йилдирим …идан сўнг тахт вориси, усмонли султони ким бўлишини …идан англаб етмоғи ва шунга кўра оёқ босмоғига ишора… …Анқара мағлубиятидан сўнг усмонлининг енгилмаслиги …лаги гап уйдирма эканлигини ўз кўзи билан кўрган са… …ақли ва лашкар эса бу олатасир замонда ҳаёти ва бола… …ини сақлаб қолиш, имконини топса уруш-савашдан …роқ бир ўлкага кўчиб кетиш ҳақида ўйларди. Араб, форс …ёт қонли усмонли табаалари аллақачон шундай фикрга …ган, турк асллли улусгина салтанатни тиклаш ва мамла… …ни яна бирлаштириш учун жонбозлик кўрсатарди.

Юз қадамча нарида отдан тушиб, ёнига пиёда келган Шайх Рамазон билан қучоқлашиб кўришган шаҳзода гап… …из уни чодир томон бошлади. Арчазор билан қопланган …ик бир тепаликка ўрнатилган султон чодирининг зарҳал …ичлари қиш қуёшининг илиқ ва заррин нурида товланар, …ич ҳамда қалқонларнинг йилтираши қуёш нурини кесиб, …азорда кўзни қамаштириб жилваланарди. Этакда, дарани …лдириб оқаётган жилға бўйида аскарлар отларни ювиб-та… …, ўзлари ҳам ювинишар, елкаларига чакмонларини таш… …гача оғочлар шохига ёйиб қўйилган кийим-кечакларининг …ришини кутиб ўтиришарди. Шаҳзода юз ва бўйинларини …калаётган аскарларни кузатиб, туриб қолди. Ўзининг ҳам …мга ўхшаб ювинмаганига анча бўлди.

Қуруқ хас-хашакдан безган отлар хафсала билан
бўйидаги бўлиқ буғдойиқ ва ажриққа тармашар, пишиқ
ганча бошини кўтармай ўтлашарди.

Бу ерларнинг қиши ҳам илк баҳор каби мўътадил, ор
бахш ва сокин эди

Сойликка йигирмадан ортиқ чодирни тикиб бўлмаслиг
боис амир ва мингбошилар каттароқ оғочлар соясига кўн
ташлаган эдилар. Қисматларидаги мағлубият, ноаниқлик
узоқ йўл толиқтирган аскарлар донг қотиб ухлашарди.

Шайх Рамазоннинг қўша-қўша от ва ҳадялар би
лан қайтиб келгани, қўлидаги олтин тожли мурассаъ
эҳтиётлаб тутиб келаётганига кўзи тушган каттаю кичи
нинг юзига қон югурган, тошдек қотиб ухлаётганлар ҳам
кўзларини йириб-йиртиб унга боқишар эди.

Темур юборган тожга кўзи тушган амир Сулаймо
ҳайрат-ла унга тикилиб қолди. Тож кумушдан ясал
биллур, марварид ва зумрад тошлар билан безалган
Шаҳзода тожга тикилиб қараб турди-да, индамай чоди
томон юрди. Шайх Рамазон унга эргашди. Чодирга ки
ришгач, элчи тожни ўртада турган хонтахта устига қўйди
Қайсарзода ҳамон ундан кўзини узмас, фикру хаёлидан б
тож бутун усмонли тахтининг соҳиби учунми ёки фақ
Фракия вилояти ҳокимлиги учунми деган фикр кечарди.

Буюк элчи оҳиста ва нозик ҳаракат билан қўйнига сол
қўйган ўроғлиқ қоғозни чиқариб шаҳзодага узатди. Ни
битигига кўз югуртириб чиққан Сулаймон чуқур хўрсинди
– Сиз бу даҳшатли одамга ишонасизми? – дея сўради да
сар уриб анчадан сўнг, синиқ оҳангда Шайх Рамазондан.

– Ишонаман, шаҳзодам, – жавоб қилди Шайх Рамазон.

– Менинг эса негадир ишонгим келмайди. Ўзими
қанча мажбур этмайин, ичимда бир куч унга нисбат
ёвлашмоққа ундайди, – деди Сулаймон ҳамон ўша оҳангда.

– Муҳтарам қиблагоҳингиз хатоларини такрорламоқ
ҳожат йўқ, шаҳзодам, – шартта кесиб гапирди элчи. – Ми



ва юрт учун фақат жанг майдонида курашилмайди.
учун жон фидо этмоқнинг бошқа усул ва йўллари
бор. Инсон ўз ғурури, нафсонияти ва куч-қудратининг
эмаслигини, ҳар нарсанинг интиҳоси борлиги-
унутмаслиги керак, валиаҳдим. Турон туркларида
эр билсанг, ўзгани шер бил деган нақл бор. Те-
фойдаланиб, усмонли давлатини ҳеч бир ҳукмдор
юксакликка олиб чиқиш мумкин эди. Афсуски,
имконият бой берилди. Шуни унутмаслигимиз керак-
кечмишда ўзга қавмлар яшаб келган тупроқларимизда
салтанат қурмоқ осон кечмаган. Бир кун келиб Темур-
Турон салтанати йўқ бўлмаса-да, парчаланиб ке-
мумкин. Бироқ бу нарса дин, миллат ва унинг ма-
йўқ бўлишига олиб келмайди. Боиси, улар ўз
томир отган тупроқдалар. Эрта бир куни яна
кўтариб, ҳайқириб чиқадилар. Етти иқлимни ларзага
яна Темур каби буюк салтанат ярата оладилар.
инқирозимиз эса ушбу тупроқларни тарк этиши-
Жўчи улуси ёким шу каби бошқа бир манзил изла-
олиб келади. Булғор, Ироқ ёки бошқа тасарруф
мулкларни қўйинг, биз мана шу уч денгиз ораси-
юртимизни сақлаб, уни ҳақиқий Ватан ўлароқ тутиб
билсак ҳам катта гап. Ҳатто шу нарсанинг ўзи ҳам
жуда кўп куч ва фидокорлик, қону жон талаб эта-
Атрофимизда дўстимиз кам. Коса лаби каж келган куни
ҳазратлари тўридан жой бериб юрган ўша Аҳмад
Жалойир билан Қора Юсуфнинг ўзи биринчи бўлиб қилич
кўтариб, қаршимизга чиқади. Кучли ва машҳур одам-
нинг дўсти бўлмагандек, шундай давлатнинг ҳам дўсти
бўлмайди. Бундай ҳолатларда фақат манфаат нуқтаи наза-
ридан иш кўрадилар ва масалага ёндашадилар, – босиқ ва
насиҳатомуз оҳангда сўзлар эди Шайх Рамазон.

Шаҳзода Сулаймон мум тишлагандек хонтахтага тир-
сагини қўйган, ўнг кафтига иягини тираганча усмонлига
садоқатли амирнинг сўзларини тинглар эди.

– Мен унинг тожини шоҳ ўлароқ кийишим керакми ё қулпошшо сифатида? – дея сўради Сулаймон истеҳзо билан писанда қилиб.

– Темурбек бўлиб ўтган воқеалардан таассуфда эканлигини қайта-қайта сўзлади. У бу ҳудудларда қолмоқчи эмас. Ўзига қаршилик кўрсатган кучларни синдиргач, отангиз Султон ҳазратларига тожу давлатини қайтариб бермоқчи.

– О-о-о, буюк, чексиз мурувват! – амирнинг сўзини бўлди Сулаймон. – Шундай қудратли салтанатни парчалаб, ер билан битта қилиб, энди яна мурувват кўрсатиб, бу вайрона тепа устига эски гўлахни яна ўтқазиб қўяр эканларми? – чап қўлини ҳавода ўйнатиб пахса қилганча оғзи кўпириб сўзларди қайсарзода. – Бечора Йилдирим Боязид бу аҳволга тушганидан кўра ўлиб қўя қолса, обрў ва шон-шараф билан кетган бўлур эди. Қачонгача у кишининг чодири олдида суяк ташлашларини кутиб яшар экан, ақлим етмайди, – дея завааси тутиб кетди шаҳзоданинг.

Шайх Рамазон бу кутилмаган гапдан ҳайрон бўлиб, сукут сақлаганча жимиб қолди. Шаҳзоданинг икки шоҳ ҳақидаги ҳақоротомуз ва одобсиз сўзлари энсасини қотириб, ғашини келтирди. Бир этагини силтаб, чодирдан чиқиб кетмоқчи бўлди. Бироқ шайтонга ҳай берди. Қайсарзодани ўйлаб эмас, усмонли турклар давлатининг эртаси ғамида ўрнидан қўзғалмади. Насиҳат ва фикрларини қабул этса-этмаса-да, лозим топган сўзларини суҳбатдошига айтмоқни жоиз деб билди.

– Узр тилайман, амир жаноблари, бироз қизишдим. Қусурга боқманг! – деди терлаб кетган пешонаси ва бўйинларини артар экан шаҳзода. – Асабларим ишдан чиққан кўринади. Сўзларимга эътибор берманг!..

– Ким бўлмасин, Оллоҳнинг ҳар бир бандаси ҳақми, ноҳақми ўз фикрини айтмоқ ҳуқуқига эгадир, шаҳзодам. Бироқ сизу биз уфоқ-тефак масала хусусида фикрлашаётганимиз йўқ. Сиз ўзингиз Темурдан мана шу нишон ва тожни кутаётган эдингиз. Уни қўлга киритгач, энди бу нарса изги



...ингизга тегиб, ҳақоратомуздек туюлмоқда. Маъқул ...са истаган замон, истаган одамингиздан қайтариб бе...ришингиз мумкин. Усмонлининг бошига мана шу ...ларни охиригача ўйланмай-нетмай айтилган сўзлар ...лигини мен суҳбатимиз бошида сизга хотирлатган ... Гўрт тарафингиз Темур одамлари билан тўла. Ёмон ...нинг ҳам қаноти бўлади. У керакли ерга яхши гапдан ...ра тезроқ етиб боради. Унда не ҳолат юз беришини ким...са башорат қила олмайди. Бир иш икки иш, этик эса ка... бўлади. Инсон дўсту душмани билан, у ким бўлмасин, ...ганини жойига қўйиб сўзлашмоғи керак, шаҳзодам. ...нинг асабийлашмоғингизда ҳам жон бор. Буни тушуна... Ичингизда ота душман дўст бўлмас дея ўйлаётирсиз. ... замонга қараб иш тутмоқ лозим. Замонанг тулки ..., този бўлиб қув дейдилар. Тожу тахт гўзал бир хо... каби жозибали нарсадур. Айни дамда сиз қила олма... сиёсатни Ментешелар, Қаҳрамон ва Ойдинўғиллари ..., оталари йўнатган ерларни қайтариб олмоқдалар. Бу ...качон сизга сабоқ бўлиши керак эди, авлодим! Мен ... кўра кўпроқ кўйлакни йиртганман. Отангизни бо... дўстиман. Неки аччиқ-чучук сўйласам куйганимдан, ... ачишганидан сўйлайман. Олсангиз ўзингизга фой..., олмасангиз зорим бору зўрим йўқ! – дея паст оҳангда ...ини мухтасар қилди Шайх Рамазон.

Шаҳзода қошларини чимириб, хаёли қочганча амирни тинг..., содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларнинг интиҳоси яхши ...маслигини ҳис этгандек, фикрлари тарқоқ ва паришон эди.

– Мен бу сўзларни сизни ўзимга яқин олиб сўзладим. Инсон яқин олган кишисига одатда нотўғри фикрини-да ...йлай билади-ку, Рамазонбек. Энг даҳшатлиси, ҳозир ме...нинг сиздан бўлак сирлашадиган, дардимни ёрадиган ки...им йўқ. Бошимизга иш тушгач, оёғимизу ялоғимизни ...аб юрганларнинг аксарияти денгизга отилган тошдек ...либ бўлдилар. Эрта кунда қардошларим масаласини ҳал

қилиб, усмонли тахтини эгалласам, дайди кўппакдек дум...
рини ликиллатиб, яна остонамда пайдо бўладилар. Буларни
сиз мендан яхши билурсиз. Буни гапирмоқдан ҳеч бир фойда йўқлигини ҳам биламан. Бироқ мен ҳам Оллоҳнинг ожиз бир бандасиман. Дардимни кимгадир айтишим керак! Уни сиз тингламасангиз ким тинглайди. Биз ҳаётда ҳам, салтанат юритишда ҳам енгил-елпи, олатасир, тасодифлар устига қурилган бир сиёсат олиб борганга ўхшаймиз. Бизда ниҳоя римда хеч бир иш ёки амалга оширилажак тадбир охиригача ўйланмайди. Ҳис-туйғумиз ақлимиздан устун келиб, шошиб қарор қабул қиламиз. Шошқалоқлигимиз оқибатида пиша бошлаган ишимиз Оллоҳнинг иноятн ила хайрли тугаса ихтиёр, ўзимиздан пайғамбар бўлмаса-да авлиё ясай бошлаймиз. Балки мен ҳақ эмасдирман. Бироқ қанчалик ўйламайин, айланиб-ўргилиб, шу фикр ақлимга келаверади.

– Бу мушоҳадангиз мени суюнтиради, шаҳзодам. Инсон соғлом фикр этар экан, албатта ўз нуқсон ва ожизликлари устида бош қотирмоғи керак. Бўлмаса, у ақлий ва руҳий тараққиётдан тўхтаб, инқирозга юз тутади. Фикри ўсмаган ерда иш ҳам кетмайди. Ҳаётга мана шундай кўз ила боқмоғингиз менга умид бахш этади. Сизнинг бу каби равшан фикрлашингизни қиблагоҳингизга-да айтаман. У киши ҳам мамнун бўладилар, – деди чарчагани учун гапни қисқа қилиб Шайх Рамазон.

– Сиз қачон отам ҳузурига жўнайсиз ва нечун? Бунга эҳтиёж бормикан? – қиёфаси жиддийлашди шаҳзоданинг. У Рамазоннинг ёнидан кетишини истамас эди.

– Улуғ хоқон қиблагоҳингиз, султон ҳазратларига амир гапларни етказишимни рижо этдилар. Шу боис улар ҳузурига бормоқ мажбуриятидаман. Бундан ташқари амир Темур мени саёҳат учун Турон юртига таклиф этдилар. Султон ҳазратлари ва сиз ижозат этсангиз, бу саёҳат мамлакатимиз ва салтанатимизга фақат фойда келтиражак. Унинг садоқатли амири Боботурк ҳам шу фикрда.



– У қачон кетар экан? – беихтиёр сўради Сулаймон.

– Билмадим. Ҳар ҳолда бу ҳудудларда узоқ қолмоқ нияти йўқ. Не қадар гўзал мамлакат бўлмасин, Румга қайтиб келмасам керак, деди. У ёлғон гапирмайди. Доимо рост сўйлайди. Ёлғончи ва хоинларни эса кечирмайди.

– Сиз қачон йўлга чиқмоқчисиз?

– Рухсат этсангиз индинга.

– Розиман. Отам ҳузурларига боринг. Бироқ сиздан бир илтимосим бор. Бу Темур деганининг кимлигини, келиб чиқиши-ю, жангу жадалларини, қандай қилиб бу ҳолга тушиб қолганлигимизни менга бир яхшилаб тушунтириб кетинг. Шунга кўра мен иш юритайин, – астойдил илтимос қилди Сулаймон.

– Унда ҳозир менга рухсат. Бироз истироҳат этайин. Йўргунман. Оллоҳ насиб этса эрталаб ҳузурингизда ҳозир бўлурман.

Шаҳзода бош ирғаб, маъқул ишорасини қилди. Икки кўзи эса Темур юборган тожда эди. Шайх Рамазонни кузатиб чодир ташқарисига чиққанида қуёш кунботишдаги тоғлар орқасига чўкаётган, сой ва даралар ним қоронғилик қоплаб, тоғлар ва баланд тепаликлар устидагина қуёш нури ўйнарди.

Шаҳзода Сулаймон эсини танибдики, отасининг бошқа хотинларидан туғилган укалари ва уларнинг оналари ҳамда қариндош-ақроболарининг усмонли тахти илинжидаги тажовузи руҳида ўсди. Султоннинг ҳар бир хотини ўз яқинлари билан бирлашиб, қандай қилиб бўлмасин, ўғлини валиаҳд эълон қилдириш ва ўз режаларини амалга оширмоқ пайида бирбирлари ҳақида кўз кўриб қулоқ эшитмаган миш-мишларни тўқиб чиқаришар ва тарқатишарди. Ёши ва сарой тартибига кўра тахт уники эди. Бироқ қандайдир бир сонияда вазият ўзгариши, ташқаридан сокин кўринган сарой бир зумда остин-устун бўлиб кетиши ҳеч гап эмас эди.

Давомли равишда, кечаю кундуз уни таъқиб этадиган бу хавф-хатар султонлик тахти билан ўлим ўртасидаги жуда

қисқа масофа гоҳида уни ақлдан оздиргудек даражада безовта қилар, юрса юришида, ётса уйқусида ҳаловат йўқ эди. Бошига келажак фалокат, ўз-ўзидан унинг яқинлари дўстлари ва бекларини ҳам усмонли саройидан улоқтириб, хўлу қуруқ баробар ёниб, анча-мунчасининг боши ҳам ке... тар эди. У шундай бир гирдобнинг ичига тушган эди... унда қолмоқ ҳам, чиқиб кетмоқ ҳам бирдек хатарли эди. Мана, бош вазиридан-да яқин бўлган, отаси каби кўрадиган Шайх Рамазондек одам ҳам уни ташлаб кетмоқда. Фақат уни эмас, Султон отасини ҳам. У ғоят ақлли одам. Темур кетгач, бу мамлакатда не номаъқулчиликлар содир бўлишини, тожу тахт деб усмонли шаҳзодалари бир-бирини боқувли қўчқор каби бўғизлашларини англаб турибди. Шунинг учун ҳам бу аҳмоқона сарой ўйинлари ва тахт савдоларида қатнашмаслик учун Рум тупроқларини тарк этмоқда.

Оғир ўйга чўмган Сулаймон Йилдирим Боязид ўғли чодир олдидаги саҳнга қўйилган курсига оғир чўкканча ўйга толган эди. У усмонлини бу кўйга солган Темур ҳақида эмас, эрта кунда ҳеч тап тортмай бошини кундага қўйиб, қилич солладиган, бир пушти камардан бўлган жон-жигарлари ҳақида ўйларди. Ундан кўра бир чўпон ёки деҳқон оиласида туғилса бўлмасмиди? Сурувини ёйиб, кетмонини чопиб келиб, қотган нону ёвгон ошини еб, тинчгина ухлармиди?

Ички бир туғён уни роҳатсиз этаётган эса-да, кўнгли тинчигандек бўлди. Агар Темур нишон бермаганида... Унда кўрарди кўргулигини. Вилоятга ҳокимлик учун дордан қочган бир юнонними, гўрними топишармиди. Ўзини ҳаққа ва ҳақиқатга содиқ деб билган Темур форсу курд, арманию гуржиларни енгса-да, тахтларидан улоқтирмаётир. Демак, ғайридин насроний бўлса-да юнонларга ҳам зуғум қилмайди. Шукур ва қаноат қилмоқ лозим. Не бўлса тавакал, ўлган ўлар, қолган қолар.

Икки кундирки, Шайх Рамазонни кутиб мижжа қоқмади. Энди қотиб ухлайди. Қоровулбеги Қорапапахни имлаб чақириб, сергак туришини тайинлади-да, ўзи уйғонмагунча



...безовта қилмасликларини айтиб, чодирга кириб кетди. Шаҳзода учун ҳозирланган емаклар қозонда қолди. Ошчи ...этидан тайёрланган қовурдоқни эҳтиёт шарт дея олиб ...-да, қолган емакларни хос кўриқчиларига улашди.

Саҳарга яқин Сулаймон алмойи-жалмойи тушлардан уйғониб кетди. Қайтиб уйқуси келмади. Ўрнидан туриб, таҳорат қилди. Намоз ўқиди-да, кечаги курсисига ўтирганча Шайх Рамазонни кута бошлади. Ишинг юришмай, кўнглинг ғаш тортиб турганида қушларнинг сайраши-ю, жилғаларнинг шилдираши ҳам ёқмас экан. Кўнглида уйғонган бу ҳисдан ғалати бўлиб кетди. Илк бор гўзалликдан лаззат олмаслик, ҳатто бу нафосат киши энсасини қотириши ҳам мумкин эканлигини ҳис этди. Тавба, ...ичида ҳайрон бўлиб, демак, ҳаёт деганлари инсон зотининг ақли етмас бир уммон экан-да, фикрлади тоғ устида ...лаб сузаётган булутларни совуққина кузатганича. Завқ ва қайрат тугаганда ишқ-муҳаббат, умиду ишонч тугаганда ҳаёт ҳам тугайди.

Тоғ ён бағридан тонгги сув ичмоққа отланган какликлар чириллаганча сойнинг лашкар қўш ташламаган томонига уча бошлаган, турли тоғ қушларининг сайроғи дарани тўлдирган эди. Бу жониворларнинг ҳам ўз ҳаёт тарзи, яшаш мароми бор. Биз инсон зоти бу ерга келдигу, уларнинг тинчлигини буздик. Яшашига ҳалақит бердик. Қанчадан-қанчаси навкарларнинг халқумидан ўтиб ҳам кетгандир. Одам боласининг тузишдан кўра бузишга майли кучлидир, ўйларди шаҳзода бир зум бўлса-да елкасини босиб турган ташвишларни унутиш илинжида. Ўй босган кўйи Шайх Рамазоннинг ёнига келганини ҳам сезмади. Амир оҳистагина йўталганда, чўчиб тушди. Салом бериб ўрнидан турди. Хизматчи меҳмонга ҳам курси олиб чиқди. Шаҳзода мева шарбати келтиришни буюрди. Суҳбат чўзилажагини айтиб, қаҳвалти ва ўйла[1] емакни бирга ҳозирлашни буюрди.

[1] *Ўйла емаги* – тушлик емак демак.

– Сизнинг неларни сўрамоқчи эканлигингизни тушун турибман, шаҳзодам. Мен билганларимни сўйлайин. Лозим топган жойингизда мени тўхтатиб, савол бера билурсиз, – деди Шайх Рамазон қулайроқ ўтириб, кечаги суҳбатни давом эттирар экан. – Биз ўзимизни турк қавми санаймиз. Улар эса ўзларини биздан-да туркроқ санайдилар. Бу дай фикр юритишларида жон бор албатта. Темур ўзининг ўғилларидан ҳам яқин кўрадиган бир амирига Боботур деб исм берган. Бу бежизга эмас албатта. Улар ўзларини туркларнинг ота-боболари деб биладилар. Зотан илк бор турк сўзи ила аталган давлат, Буюк турк хоқонилиги ҳам худди ўша ерда, Туркистон, Турон, яъни турклар ватанида ташкил топган ва бир неча юз йил яшаган. Турк сўзининг оммалашуви, унинг ҳинд, чин, араб ва форс сўзи билан рақобатлашуви ҳам шу пайтга келиб, энг юксак чўққисига чиққан. Бу салтанатнинг ҳудудлари Чиндан Эронга қадар чўзилган. Бу ҳудудлардаги халқ турк, тил эса туркча деб аталган. Бу элларда яшовчи бошқа элатларнинг айримлари ҳам ўз тилларини йўқотиб, турклаша бошлаганлар. Улуғ хоқон Темур эса туркнинг барлос деган уруғидан бўлиб, бу улуснинг бир қисми эски замонлардан бери Турон заминида яшайди. Чингизхонни Чингизхон, мўғулларни дунёнинг ярмига ҳоким қилган ҳам аслида мўғуллар эмас, жалойир, арлот, қавчин ва барлос туркларидир...

– Мен-ку аҳмоқлик қилиб бу нарсаларни сиздан сўрамаган, билмаган эканман. Отам бу тарихни билар эдилари? – амирнинг сўзини бўлди шаҳзода.

– Султон ҳазратлари жуда яхши билар эдилар. Бу хусусда кўп бор гурунглашганмиз, – жавоб қилди амир. – Бироқ кейинги беш-олти йилда султон ҳазратлари ўқисалар-да уқмайдиган одат чиқардилар. Кечалари ул кишига ёлвориб ўттиз йилдан бери курагини кимса ерга текказа олмаган Темурдек одам билан тирлашиш яхшиликка олиб келмаслигини таъкидлаб, худонинг зорини қилганман. Маъқул деган-



...билганларидан қолмаганлар. Инсон адашса, кўзини ёғ ...шундай бўлади. Кўрган адолатига эмас, ўйлаб юрган ...вату эътиқодига ишониб яшайди ва охир оқибатда шу ...нинг жазосини чекади...

Темур Сивос ва Малатияни олгандаёқ бизнинг кўзимиз ...ши керак эди. Демак, ўшанда Темур бизни ўзимизга ...имизни кутиб, ҳужумни давом эттирмади ва қўшини ...ни Дамашқ сори бурди. Биз эса отамизнинг оғзига ...б, уни итдан олиб битга солиб, сўкавердик, – деди ...зода кафтини тиззасига урар экан.

Ҳақлисиз, шаҳзодам. Темур сўнгги дақиқагача сул... ҳазратларидан бир оғиз илиқ сўз ёки ҳақоратлари учун ...р маъносида мактуб кутгани аниқ. У буни ўз оғзи би... айтди. Бироқ биздан сас-садо чиқмади. Аксинча, унга ...ши расмий равишда уруш эълон қилдик. Отангиз, агар ...шимга келмасанг, сенинг хотинларинг талоқ. Муно... қаршиламасам, менинг хотинларим талоқ, дея унга ...дага қилдилар. Табиийки, ҳар қандай ҳукмдор бун... ҳақоратдан сўнг енгилса-да майдонга тушади ёким ...дшоҳликни топширади. Темурнинг Шомга юришининг ...шқа, сирли томонлари борки, уни ҳар қандай тарих... ҳам пайқайвермайди, – оҳиста, маънодор қилиб сўзлар ...и Шайх Рамазон. – Темурнинг ўша ғалабалардан сўнг ...ужум тиғини Дамашққа қаратганлигининг яна бир саба... шундан иборатким, Шом ҳам илгида бўлган Миср сул...ни биз билан яқин муносабатда эди. Ҳисоб-китобли Те...мур бирданига икки буюк султонга қарши бориб, ўзини ...уриқтирганидан кўра, уларни бирма-бир жойини солиш...га қарор қилди. Султон Йилдирим Боязидга яна бир сабоқ бўлсин дея Миср султонининг қўшинини Шомда тор-мор келтириб, Дамашқни фатҳ этди. Бироқ бизнинг ёғ боссан кўзимиз шундан сўнг ҳам очилмади. Темур эса бизга сабоқ бермакда давом этаверди. Яъни ҳудудимизни ўраб турган иттифоқчиларимизу хайрихоҳларимизни бирма-бир

синдирди. Шомдан кейин у Мусулга, сўнгра эса энди Темур ҳукмронлигини тан олса-да, ботинан Боязиднинг қўли баланд келиши билан у томон ўтмоққа шай турган Бағдоднинг таъзирини берди. Шаҳар аҳолисининг узоқни ўйламай қилган исёнини бостириш мақсадида Бағдодни икки ой қамал қилиб, барча ҳарбий иншоотлари, истеҳкомлари ва қўрғонларини кунпаякун этди. У камида Султон Йилдирим Боязиднинг ўзига келиб, хатоларини тушуниб етишини кутар эди. Бунинг учун етарли фурсат ҳам берган эди. У орқасида қайсар гуржилар борлигини унутмаган ҳолда усмонли тупроқларини четлаб ўтиб, шу ғайридин хавфни бир ёқлик қилишни лозим деб топди. Гуржилар ва арманлар, усмонли туркларининг ҳам душманлари эканлигини хоқон билар ва бу ҳаракатим Боязиднинг кўзини очар дея ўйлаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас шаҳзодам.

– Эсимда бор, – Шайх Рамазоннинг фикрини давом эттирди амир Сулаймон. – Миср султони Малик Носир Барқуқнинг қўшинини енгилганини, Шом ва Дамашқнинг забт этилганини эшитганда отам талвасага тушиб қолган эдилар. Бирор ҳафтадан сўнг ўзларига келганди. Мен кўнгилларини сўраган бўлиб оғизларини ҳидлаб кўрдиму, ўзимча отам ҳақ дея ҳузурларидан чиқдим. Отам ҳеч қачон Темур билан тўқнашишга журъат этмасалар керак дея ўйлардим.

– Ҳа, ҳа, сўйланг. Бизнинг орамизда ҳам шундай бир суҳбат бўлиб ўтган эди. Султон ҳазратлари сизга ўшанда нима дедилар? – сўради амир Рамазон астойдил суҳбатга киришиб.

– Ул дашт тулкисининг даъволари чексиздур. Ён босавер сак, ҳозир елкамизда турган бўлса, эрта кунда бошимизга чиқиб олади. Қачонгача оғзига келган шартни қўйиб бизни масхара қилади. Унинг яхшилаб бир таъзирини бермасам, Султон Йилдирим Боязид отимни бошқа қўяман, дедилар титраб-қақшаб. Биласиз-ку, бизда ота иродасига қарши бо-



...ўлмайди! Фикримни очиқ айта олмадим. Бирор нима ...ам, ўша дақиқадаёқ салтанат душманига, ота тахтига кўз ...ган оқпадарга айланиб қолишим ҳеч гап эмас эди, – жавоб берди шаҳзода.

Менга ҳам султон ҳазратлари шундай деган эдилар. ... ҳам каловланиб тузук-қуруқ бир нима дея олмаганимда, – деди чуқур хўрсиниб Шайх Рамазон. – Темур биз билан савашмоқ ниятида бу ҳудудларга келган ... икки бор хато қилган бўламиз. Оллоҳнинг ҳақ дини ...га ва унинг пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга бу ... боғлиқ бўлган одамнинг ўзи каби буюк бир турк ис... мужоҳиди саналмиш султон ҳазратларига қасдланмоғи ... эмас. Бироқ катта тажриба соҳиби бўлганлиги ... бундай тўқнашув юз беражагини назарда тутган ... мумкин. Исми жисмига монанд учқур Йилдирим ... шомликлар, ироқликлар ёки Малик Носир тарафи... олиб ҳам, ўзи билан тўқнашиши эҳтимолини назардан ...ирмаган. Унинг асл мақсади айни дамда Чин кофирла... жазоламоқ эмиш...

Ҳақиқатан ҳам у Искандар каби буюк фотиҳга ...айди, Рамазонбек, – амирнинг сўзини бўлди шаҳзода. Рим императори Юлий Цезар айтганидек, урушни уруш билан таъминла деган ақидага амал қилар экан-да. Ироқи Ажам ўлжаси ва божу хирожи билан Ҳиндистонни фатҳ ...ган. Ҳинд ўлжаси ва филлари билан бизнинг белимизни синдирди. Йилдирим Боязиднинг хазинаси ва Рум моли ...они билан энди Чинни, уруғини ўйнатмоқчи. У билан ...ичқон мушук ўйнашиб, анчадан буён номаъқулнинг нони... еб юрганимизни энди англамоқдамиз, – деди ўрнидан туриб кетиб у ёқдан бу ёққа юрар экан шаҳзода.

– Унинг меҳри ҳам, қаҳри ҳам ғоят қаттиқдур, валиаҳд ҳазратлари. У ҳеч қачон инсоф ва адолат доирасидан чиқиб қон тўкмаган. Бағдод, армани ёким гуржи қатлларига эса уларнинг уч бора қилган хоинликларига жавоб чораси

ўлароқ амр берган. Бу хусусда ҳеч ким уни айблай ... ди. Сиз билан мен ҳам уни босқинчи деёлмаймиз. У ... бизни сулҳу ҳамкорликка, иттифоқдошликка чорлаб ... Биз эса салбий жавоб берганмиз. Шу боис унинг ... мимиз қисиқ. Бу ерда бир нозик масала борки, бу ... муҳтарам шаҳзодамизга ҳам сабоқ бўлиши жоиздир, – ... шаҳзоданинг кўзига тик боқиб Шайх Рамазон.

Шаҳзода сергак тортиб, қайтиб келиб ўз кур... ўтирди. Чап тирсагини тиззасига тираганича панжалари ... лан иягини тутиб, амирнинг оғзига қаради.

– Барчамизга маълумки, кейинги пайтда султон ... лари ўз-ўзидан шаҳватпарастлик ва ичкиликка рўжу ... дилар. Салтанат душманлари ва айрим уламолар бу ... мусулмонлар орасида сўйлай бошладилар. Карвонлар ... зиёратчилар кушандаси Қора Юсуф эса ярим қароқчи... Бу нарсалар, табиийки, мусулмонлар орасида сул... нинг обрўсига путур етказди. Халойиқ ундан кўра Тему... ни ислом йўлидаги буюк мужоҳид хоқон дея таний ... лади. Бундай кайфият лашкар руҳиятида ҳам борлиги... кўрганимда капалагим учиб кетган эди. Бироқ султо... оғиз очиб, бу тўғрида маслаҳат бериб бўлмас эди. Қайси... подшоҳ одамларидан улар айтмоқчи бўлган ҳақиқатни эма... ўзи истаган ҳақиқатни эшитмоқни истаркан, билингки, ... йўлдан адашган ва унинг инқирози яқиндур. Темурни... бу хусусда иш услуби эса мутлақо бошқача экан. У амир... қўмондонлари нари турсин ҳатто ўзига хайрихоҳ бўлмаган кишиларни ҳам ҳузурига чорлаб, нуқсон ва камчиликлари... ни айтишни талаб қиларкан. Мен шунча китоб ўқиб, буна... ҳукмдорни учратмаганман.

– Унда ҳақиқатан ҳам кучли ва ақлли экан, – деди ҳайратга тушиб шаҳзода. – Бизни саройига даъват этиб, тах... сил олиб, иш ўргансин деганда боришимиз керак экан-да.

– Тўғри. Бориш керак эди. Олтин Ўрда шоҳи Тў... тамишни буюк хонликка кўтарган ҳам Амир Темур бўлади...



... келиб у туз ичган тузлиғига туфурганида жазолади. ... тахтига ўтириб, Русия ва Дашти Қипчоқни сўраб ... одам кўп ўтмай Сибириё ўрмонларида писиб юр... қочоққа айланди-қолди. Саройида ҳамма нарса очиқ... ... рўйи-рост гапирилади. Фиску фасодга йўл қўйган ... ким бўлмасин, салтанатдан бадарға қилинади. Бош... ... Самарқандда ундан рухсатсиз гўшт нархини оширган ... қассобдан ноҳақ қозонган фойдаси бева-бечоралар ... ундирилиб, ўзини бозор дарвозаси деворига тириклай ... буюрибди. Айни дамда дунёнинг энг сероб ва ... шаҳри Самарқанду Бухоро, мамлакат ўлароқ Турон ... дур. Бизга босиб келди, шунинг учун албатта у ёмон ... у билан ёвлашмоқ лозим деган ақида билан узоққа бора ... маймиз. Душману рақиб бўлса-да, ундан ўрганмоқ, сабоқ ... моқ лозим.

Сизнинг шундай суҳбатларингиздан баҳраманд ... ган қиблагоҳ хато қилганидан сўнг, биз қаерга борар... ..., – деди Шайх Рамазоннинг сўзларидан таъсирланган шаҳзода. – Афсуски, менинг ҳам ақлим кеч кириб, сиз бу юртларни тарк этишга ният қилганингизда оғзингизга қараб ўтирибман. Сиз каби инсонларнинг юртдан чиқиб кети... ... Ҳар ҳолда хайри аломат эмас, амир жаноблари. Демак, ... яратган олдида ҳали кечирилмас анча-бунча гуноҳларимиз борга ўхшайди.

– Тушкунликка тушмоқ сиз каби забардаст шаҳзодага ярашмайди, авлодим. Ақл-идрокингиз жойида, билагингиз... да куч бор, соғу саломатсиз. Оллоҳнинг бундан буюк неъ... мати бўлмайди. Ана шу имкониятни муносиб қўллай бил... маслик ношудлик ва ношукурликдир. Шунда яратганнинг қаҳри келади. Ўйлайманки, сиз бунга имкон бермайсиз. Эгаси ўзингизга ато этган салоҳиятни улус ва юрт бирли... ги, равнақи йўлида муносиб қўллай биласиз. Энди ижоза... тингиз ила мен қўзғалсам. Шарбат учун чексиз ташаккур. Хоқон Султон ҳазратларига ҳаракат эркинлиги берибди.

Қиблагоҳингиз Оқшаҳарга келиб турмоқчи эканлар. Бир тоблари ҳам қочган эмиш. Ул кишимнинг хузурига бор эканман, туронликларнинг машҳур амири Боботуркка ва учраб ўтмоқчиман. Бу амир Темуру усмонли тўқнашувга қарши бўлиб, бизнинг ёнимизни олиб келган бир шахсин

Шайх Рамазон сўзини тугатиб, ўрнидан қўзғалди. Улар қучоқлашиб хайрлашдилар.

– Кўз тириклигида кўришмасак, қиёматгача омон бўлинг, устоз! – деди йигитга ўхшаш овозда шаҳзода Сулаймон. – Қиблагоҳга менинг саломимни сўйланг!

Унинг бу гапидан Шайх Рамазон сергак тортди.

– Қўйинг бундай беҳуда гапларни, шаҳзодам. Оллоҳ насиб этса кўришурмиз, – деди хаёли қочиб.

Амир Рамазон йигирма қадамча юриб орқасига ўгирилиб қараганда Сулаймоннинг бола каби елкалари титраб йиғлаётганига кўзи тушди. Унга ичи ачиб, кўнгли бўшашиб кетди.

Ўзи ҳам аранг оёғини судраб, оти томон борарди.



САККИЗИНЧИ БОБ

*...“Темур тузуклари” дастлаб турк тилида ёзилган ва “Темур тузуклари” деб соф туркча ном билан аталган. Темурнинг ўзи ва унинг қўл остидаги фуқаронинг асосий қисми ҳам миллати жиҳатидан турк бўлган. Шунга кўра “Қонунлар” турк тилида ёзилган...*

**Остроумов**

*...Амир Соҳибқирон ҳазратнинг лутфи марҳаматларига кўз тутиб, фуқаронгиз ўлароқ қуллик ва ижро мақомида туриб, хизматкорлик камарини белимга боғлаб, бандалик ва мутелик изҳор этажагимни юксак эътиборларга камоли эҳтиром ила арз этурман.*

**Усмонли шаҳзодаси Исо Йилдирим Боязид ўғлининг хоқон Темурга ёзган мактубидан**

Измир фатҳидан кўнгли тўлган хоқон теварак-атрофдаги мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаб, улар мавқеини юксалтириб, Буюк Мендерес дарёсига ўнг томондан туташ Аёзлиқ саҳроси сари юрди. Йўл-йўлакай валиаҳд Муҳаммад Султонга чопар юбориб, насронийлар яшайдиган Фўча қалъасини олишни, раият қаршилик кўрсатмаса жузъя тўлатиб, уларни ўз ҳолига қўйишни буюрган эди. Улуғ бобо амрини ўринлатган Муҳаммад Султон Манисага етиб, қишлоқ солди.

Черик Анқаранинг ғарби-шимолидаги Бўлу тоғи орқали

юриб, Мудурну манзилига етганда, тўхтади. Бу ер... шаҳзода Султон Йилдирим Боязид санжоқ беги ўлароқ ... мат этганида меъмор Бин Умар йигирма йил бурун қур... ажойиб ҳаммомда ювиниб-тараниб, истироҳат этдилар. ... лигидан бу каби жуда кўп хайрли ишларга васила бўл... султон ҳақига дуо қилдилар.

Хоқон фармони билан ғайриислом қавмлардан тушган ўлжа ва қурол-яроғлар Измир мусулмонларига бўлиб берилди.

Хос мулозимлар тахтиравонларни йўлга ҳозирлаб, ... ларни совутиб турганларида амир Боботурк хоқонга Сул... тон Йилдирим Боязиднинг яна бир ўғли шаҳзода Исобек... амир Қутбиддин исмли бир киши пешкашлар билан ет... келганлигини билдирди. Хоқон бу дамда саропардас... амир Шайх Рамазон билан суҳбатлашиб ўтирарди.

– Ўтиринг, Рамазонбек, қайсарзода элчиси билан бирга суҳбатлашамиз, – деди хоқон ўрнидан турмоққа тараддуд... ланган амирга кетмоққа изн бермай. – Сиз буларнинг тили... ва дилини мендан яхшироқ биласиз ҳамда бугундан бошла... менинг хос мусофирим ва маслаҳатчимсиз.

Амир Шайх Рамазон ўрнидан туриб улуғ хоқонга мин... натдорчилик билдирди. Чодирга қорачадан келган, бўрсиқ... ва кулча юзли, усмонли қиёфати кийган эллик ёшлардаги буғдойранг, калтабақай одам кириб келди. Боши ерга тек... кудай бўлиб таъзим бажо келтириб, хоқон этагини ўпди. Сўнгра расмий вазифасини бажармоққа киришди.

– Менким улус амири Қутбиддин, сиз улуғ хоқон ҳаз... ратларига қулингиз Исобек Йилдирим Боязид ўғлининг бан... далик ва мутелик изҳор этганлигини етказмак учун остонан... гизни ўпиб турурмен. Фуқаронгиз Исобек қуллик ва ижро... мақомида туриб, хизматкорлик камарини белига боғлаган ва Амир Соҳибқирон ҳазратнинг лутфу марҳаматларига кўз тутиб, бандалик ва мутелик изҳор қилади! – дея расмий оҳангда сўзини тугатди элчи Қутбиддин.

– Қайсарзоданинг нияти пок ва самимийлигига ишонсак бўладими, Рамазонбек? – дея собиқ усмонли амирга қаради



...ги мийигида кулиб.

– Сиз дарёдан сув бағишлаган улуғ бир хоқонсиз, зоти ...лари. Сиздан шоҳи гадо бирдек адолат ва яхшилик ...иб келган экан, нечун бу мурувват нуридин бир ўксик ...ода ҳам баҳраманд бўлмасун! – дея назокат билан жа... ...вобини Шайх Рамазон самимий оҳангда.

Қани энди бизнинг барча амиру сарой аъёнларимиз сиз ...ги сиёсатни чуқур англаб, назокатли давронсалар эрди, биз ...ни иқлимни бир томчи қон тўкмасдан олган бўлур эрдик, ...ди Темур Шайх Рамазоннинг жавобидан қониқиш ҳосил ...иб. – Шуни айтадилар-да дунёни сув, инсонни сўз бузади ...ми. – Исобек инимизга еткуринг. Биз ул кишини фарзанди... ...ги каби кўрурмиз ва ҳар замон лозим ёрдам ҳамда рағбатни ...урмиз. Исобек ўзларига боғлиқ ҳудудларда муқим тур... ...сунлар. Ул кишимдан ҳеч нарса талаб қилинмайдур, – сўзида ...ом этди Темур элчига юзланиб.

– Исобекнинг умиди ҳам шундай эрди ва бу сўзла... ...рингиздан сўнг боши кўкка етажак, улуғ хоқон ҳазратлари, – деди овози титраб элчи Қутбиддин. – Бегимизнинг камта... ...рин пешкашларини қабул этсангиз!

Мулозимлар шаҳзоданинг шоҳона ҳадяларини хоқоннинг муборак нигоҳидан ўтказмоқ учун саропардага олиб кирдилар.

– Қайсарзода Исобек бир уюр наслли отлар ҳам юбориб... ...диким, улар ташқарида, – деди амир Боботурк элчининг сўзига илова қилиб.

– Ҳа-а, менинг отларга хасталигим бор. Кетдик, Рама... ...зонбек. Қайсарзоданинг отларини кўрайлик-чи. Бу Исобек деганини ўзимиздан чиқиб қолди. Усмонли авлодларимиз... ...нинг асл турклигига энди инонмоқдаман, – амирга қараб ...жилмайди хоқон. – Совғалар учун шаҳзодага менинг та... ...шаккуримни етказинг. Исобекка шоҳона қалпоқ ва султо... ...ний бир камар тақдим этамиз. Бошлари соғ-омон, беллари бақувват бўлсин. Қутбиддинбек биродаримизнинг елкаси... ...га асл туроний шоҳона зарчопон ташланиб, олтин тангалар

инъом этилсун! – чодирдан чиқаркан амр этди Темур.

Улар сайхонликда йилқичилар жиловидан ушлаб ...ган ўн беш чоғли асл тулпорларни томоша қила бош...лар. Мулозим улуғ хоқоннинг хос курсисини кўтари... орқадан келарди.

– Асл араб отлари ва улардан тарқаган насллар, – ... Темур Боботуркга қараб. – От хусусида қайсарло... диди чакки эмас.

– Шундай кўринадур, устоз. Бизнинг улус шун... оғзимиз тўла қон бўлса-да тишимиз оқини кўрсатмаймиз... қорнимиз оч бўлса-да лабимизга ёғ суртиб юрамиз, – жа... қилди амир.

– Шунинг учун ҳам бу миллат ҳар қандай буюк шараф... ҳурматга лойиқдир. Биз Султон билан тўқнашмай ота-бо... дек дўстлашиб яшаганимизда не гўзал ва саодатли онлар... баробар кечирган бўлармидик, Рамазонбек? – деди усмо... амирга ўгирилиб хоқон.

– Нимасини айтасиз, ҳазрати олийлари! – Биз табиа... оғир кечмишлар силсиласида яшаб ўрганган, катта қув... ва мулку давлатни совуқ ақл билан ҳазм эта олмайди... қавмлар сирасига кирамиз. Хатойимизни англаб туриб, янглиш... миз. Душманнинг душманлигини билиб туриб, унга ол... жаноблигимизни кўрсатмоқчи бўлиб, доғда қоламиз. Дў... ва хайрихоҳларимизни қатъий бир аҳдда туриб, қувватла... билмаймиз. Ўткинчи гап-сўзларга учиб, умр бўйи бин... қилган эътиқод деворимизни бузиб қўямиз.

– Менинг султон ҳазратлари ва унинг авлодларига бўлга... ижобий муносабатимни сиз барчадин яхши биласиз. Бирок... назаримда, улар ҳамон мендан чўчиётганга ўхшайдилар, чо... мамда? – сўради улуғ амир Шайх Рамазондан.

– Қусурга боқмангу, ҳазрати олийлари, ҳар қандай одам... ҳам юрак ютиб, ҳузурингизга кела олмайди. Бир ҳақиқатга... икки ривоят қўшилиб, афсонавий бир инсонга айланиб кет... гансиз. Бизга ўхшаган боши ёнига қолганлар қабулингизга...



...й болалик дўстингиз каби сиз ила эмин-эркин ...лашиб ўтиради, – табассум билан жавоб қилди Шайх ...он. – Дўстлик муносабатларимиз ҳечдан кўра кеч ...да бошланганига шукур қилмоқдан ўзга иложимиз ...ўқ, улуғ хоқонимиз! – Буюклик оддийликдан бошланиб, ...йликда тугайди. Инсонлар ҳаёт маъносини чуқур анг...лаганларидан уни мураккаблаштирадилар.

Давлат ва бойлик бор ерда, қондошу жондош бўлса... тахт савашида ҳокимият ҳидини олган кишиларнинг ...топишмоғи ғоят мушкул тирикчиликдур, Рамазонбек. ...лар не қадар жоҳил бўлсалар, шунчалик муаммо...дилар. Қанчалик илмга интилганлари сари эса шу ...йдилар. Ҳали-бери инсони...р бир-бирларини инкор этадилар. Ҳали-бери инсони...нинг боши қўшилиб, келажак учун тўғри йўл танлай би...ишга ақлим етмайди, – деди улуғ хоқон вазмин оҳангда ...р тин олиб. – Авлодларимиз асрлар давомида бизнинг ...қнашувимизни мунозара этиб, баҳслашсалар керак. Ке...жак уларга дохилдир. Биз эса бугуннинг одамларимиз. ...гуннинг қарори келажакнинг гази ила ўлчанмаганидек, ...миш тарихни баҳслашиш ва ундан сабоқ олиш мумкин. ...мишни дор остига келтириб, ҳукм чиқармайдилар. Ус...монли туркларимизнинг давлати, шонли, тўғри йўлдан ке...тган салтанатдур. Анқара тўқнашуви курагини ерга бир ...текказса-да, у яна ўзини тиклаб, буюк давлатга айланажак. Рум еридан айрилар эканман, Султон Йилдирим Боязид...ни тахтига ўтқазиб, мамлакатини ўзига топшириб кетмоқ ...ниятидаман. Сиз ул ҳазратнинг ёнларига боргач, буни ...ўйланг. Орамизда не гап-сўз ўтган бўлса, кечмишда қолди. Бир-биримизни кечирайлик. Неки содир бўлса қисмати на...сибдандур. Пешонага тақдири азалда битилгандан ўзгаси бўлмас. Мен ҳам дунёга устун бўлмайман. Инсон ҳеч қачон ўлишни истамайди. Ҳатто не қадар дунёнинг тубига етган мусулмон бўлса-да, ўзини ўлим ҳақидаги ўй-хаёллардан олиб қочади. Охири бир кун, ким бўлмайлик, умр шами би-

тажакдир. Ҳар ҳаётнинг бир қиёмати бордир.

Суҳбатнинг бу тариқа кетишини кутмаган Шайх Рама-ўйга толганча улуғ Амирнинг оғзига термилиб турарди.

Рубъи маскунни сўзига юритиб, етти иқлимни ҳукм киритган одамнинг оддий мўмин-мусулмон каби ўз ҳақида ўйламоғи бир қараганда ғалати туюлар эди.

Табиатан бундай шахсиятлар ҳақиқатга қарши бор дилар. Рағбатга ҳам, жазога ҳам асосли равишда чиқарадиларким, замонлар кечгач, кимса унга эътироз олмайди.

– Сиз султон ҳазратлари ҳузурларига бориб, мени тинг. Ҳафта ичида етиб бораман, – деди Темур Шайх Ра мазоннинг елкасига кўлини қўйганча, чодирдан чиқар экан. – Баҳор ҳавоси каби куз фаслида ҳам юрагим ҳаприқ ёпиқ жойда ўтира олмайман. Ўйлаб қарасам, руҳиятим энг мос ва ёқимли фасл куз экан. Рум сўнг баҳори бизнин Самарқанд кузига ўхшаб кетар экан. Кўнгил ҳеч бир катт кичик ишдан таскин топмайди...

– Сиз нолимасангиз бўлади, улуғ хоқон ҳазратлари, – жавоб қилда Шайх Рамазон хизматчи келтирган курсига яктагини икки барини тиззалари устига қўйиб ўтирар экан. – Ўзингиз нисбатан ҳаддан ортиқ талабчан бўлганлигингиз учун қилган ишингиздан қониқмайсиз. Бизни айтмайсизми? Султонлар остонасида рангимиз сарғайиб, уларнинг қош-қовоғига қараб умримиз ўтиб кетди, – деди амир назокатли оҳангда.

– Дарвоқе, сиз Қайсарнинг оталари Султон Мурод Худо вандигарнинг ҳам хизматида бўлгансиз? Ул кишим қандай инсон эдилар? – сўради хоқон суҳбатдошидан.

– Раҳматли султон ҳазратлари доно, орқа-олдига қараб оёқ босадиган, вазмин киши эдилар. Элу улус манфаати учун ҳеч нимадан тап тортмас, ҳар бир ишни охиригача ўйлаб кўриб, сўнгра қарор қабул қилардилар.

– Ул кишим ҳақида бир ривоят эшитганим бор, – дея ҳикоя қилди Темур кун ботиш томондаги чексиз ялангликлар-



...ныюс тикилар экан. – Султон Мурод ҳазратлари вақти-...ти билан отда мамлакат шаҳар ва қишлоқларини айла-...кан эканлар. Шундай кезувлардан бирида дарахт экаётган ...ҳқонга дуч келиб қолибдилар. Деҳқондан не оғоч тика-...ётганини сўрабдилар. У ёнғоқ ва бошқа мевали кўчатлар ...ётганини айтибди. Бу мевалар қачон вояга етади-ю, уни ...чон еясиз, дея сўрабди султон. Мен емасам болаларим, ...лодларимиз ейишар. Бу оғочларни бир ўзимни ўйлаб ...аётганим йўқ, дея жавоб қилибди деҳқон султонни тани-...аётганим йўқ. Унинг жавобидан мамнун бўлган Султон хос муло-...зимга деҳқонга бир сиқим олтин танга беришни буюриб-...ди. Олтинларни олиб чўнтагига солган деҳқон қўлларини ...ганча қиблага қараб дуога қўл очибди. Ё Оллоҳим! Сен ...бу оғочларни тика бошлаганимданоқ унинг мевасидан мени ...баҳраманд этмоққа лойиқ кўрдинг! Сенинг меҳру мурув-...ватингдан авлиё каби қаршимда ҳозир бўлган бул улуғ ин-...соннинг давлату мартабасини янада юксак қил! Бир сўраса ...нинг бер! Йўли оқ, йўлдоши ҳақ бўлсин!

Бу дуодан руҳланган ва ҳаяжонланган султон яна бир сиқим олтин ҳадя этишни буюрибди. Деҳқон яна дуога қўл очибди...

Ҳикоя шу ерда етганида улар баробар кулиб юбордилар.

– Ҳа, улуғ хоқон ҳазратлари. Бу Султон Мурод ҳақидаги кўп машҳур ривоятдир.

– Хўп, сўйланг-чи, шундан сўнг султон мулозимга нима дебди? – дея Рамазонбекка мурожаат этди улуғ хоқон.

– "Тезроқ жўнай қолайлик. Акс ҳолда бор будимизни қоқшитирадиган кўринади бу деҳқон авлодимиз" дебди оҳиста отига қамчи ураркан.

Улар яна кулишдилар. Шайх Рамазон улуғ Амирдан изн сўраб, Анқара томон юрди. У Султон Йилдирим Боязид-нинг ҳузурига ошиқар эди.

Амир Рамазоннинг бир одати бор эди. Эсини танигани-дан бошлаб, отаси унинг онгига бир ақидани сингдирди. Ҳеч қачон ўлганнинг устига чиқиб тепма! Бундан беш бат-

тар фалокатга дуч келасан! Тақдир тақозоси билан кўз очиқлигида интиқомдан ўзинг қочиб қутулсанг-да, ў нинг товонини авлодинг тўлайди. Бир парча қотган нон икки ҳовуч сув ила бўлса-да кунингни кечиру, тилинг нафсингни тий. Ақл ила сабр-қаноат қил. Оллоҳ ол деб, сени беку шоҳликка насиб кўрдими, ҳеч қачон ча каби фуқаро бўлганлигингни унутма ва ўшандай Подшоҳликни эгнингдаги янги бир чопон деб бил. Они бир кун ҳар қандай шоҳона чопон ҳам эскиради. Уни лар ва бир бурчакка улоқтирадилар.

Шуларни ўйлаган амир Шайх Рамазон от устида раниб борар, орқасидан келаётган тўрт нафар навкар уни қўриқлаш топширилган эди. Деярли ҳар бир овул қишлоқда Темур аскарлари учрар, ўтган-кетганнинг лигини сўраб суриштиришарди. Амирнинг қўйнида Темур имзо чеккан хос ёрлиқ бор эди. Ёрлиқни кўрган чериқ қоровул қисмлари унга иззат-икром кўрсатишар, емакка ват қилишар, алмаштирмоқ учун от таклиф этардилар. Шайх Рамазон учун эса ота юрти Турондан келган ҳар бир ёким мулозим билан суҳбатлашмоқ мароқли эди. Бу ларнинг ҳаддан зиёда сермулозамат ва самимийлигидан ажжубга тушарди. Биз асл ирқий ва тарихий илдизларимиз дан узоқлашганимиз сари дағаллашиб, қаттиққўллашиб бор япмиз, хаёлидан кечди амирнинг. Биз бир бурда экмак барида тупроқ учун ҳам давомли равишда курашмоқ мажбу риятида қолдик. Асабларимиз доимо таранг. Юнону арман арабу гуржилар билан талашиб тортишиб, савашиб, мун сабатларимизни очиқ қилиб олмасак, оёқ узатиб ухлолмай диган бўлиб қолдик. Темур ўрдусига ҳам зўрлик қилмоқчи бўлдигу, белимиз мертилди.

Амир Шайх Рамазон ҳам барча усмонли турк амир ру беклари каби кучли ва сон-саноқсиз бўлган Султон қўшинининг Турон ўрдусидан бу қадар қисқа муддатда ен гилишини, бунинг устига Боязидхоннинг рақиб қўлига асир тушиши ақлига сира сиғдиролмас эди. Бўлажак учрашувда



бу масалани султон билан муҳокама қилмоқ ниятида эди.

Темур қароргоҳидан йўлга чиқаркан, ўрдудаги тартиб-интизом, черикнинг жойлашув тизимини кузатиб борарди. Ҳақиқатан, бу лашкарда ҳақиқий темурий интизом ҳукмрон эди. Улуғ хоқон тунаб қоладиган манзилгоҳларда юзлаб махсус соқчилар кечаю-кундуз қўриқчилик қилар, Темур ўзи олий ўрдуга бошчилик қилиб йўл юрганида эса олий қўмондонлик қароргоҳини тасодифий ҳужумлардан муҳофаза этмоқ ўн икки минг отлиқдан иборат сараланган қўшин зиммасига юклатилар эди.

Ўн икки минг отлиқ уч мингтадан бўлиниб, олий ўрдунинг тўрт томонига жойлаштириларди. Бу чериклар қароргоҳдан тўрт-беш чақирим узоқликда жойлашиб, соқчи соқчилик ва навбатчи соқчиликлар орқали ўзаро боғланиб туришарди. Қароргоҳдаги махсус миршаблар эса мавжуд тартиб-интизом ҳамда қўшин орасида савдо қилиб юрувчи тужжорлар мол-мулкларини ҳимоя этар ва фаолиятини назорат қиларди. Тўртта махсус қисм эса олий ўрдудан йигирма чақирим узоқликдаги вазиятни кузатар, қирқ чақирим айланадан иборат масофадаги ҳудудлар учун шу қисмлар сўримли эди.

Улуғ хоқон Темурнинг илми нужум олимлари ва башоратчилар билан олиб борган баҳсу мунозаралари ҳам жуда ғаройиб, диққатга сазовор эди. Темурнинг икки машҳур мунажжими Шамсуддин Маълавий ва Абдуллоҳ Лисонлар билан суҳбатлашган амир Рамазон бу ерда ҳеч бир ишга охиригача ўйланмай-нетмай қадам босилмаслигини, ҳар бир фатҳу зафар учун пухта руҳий ва ақлий ҳозирлик кўрилажагини, бунинг учун оддий навкардан тортиб қўмондонгача руҳан тайёргарлик босқичини ўтаяжагини тушуниб етди. Шайх Рамазон икки хоқон тўқнашувига доир илму нужум башоратини мунажжим Абдуллоҳ Лисондан сўради.

– Мен муҳтарам олимимиз Шамсуддин Маълавий ҳазратларини ўзимнинг устозим каби кўрурмен, – деди амирни ўзининг камтарона чодирида қабул қилган мунажжим

Абдуллоҳ Лисон. У Баҳовуддин Нақшбандий тарика[...] киши бўлиб, жуда оддий ва дарвешона ҳаёт кечир[...] лаззат туяр эди. – Сиз назарда тутган масалада фикри[...] ердан чиқмади. Бунинг учун бир-биримиздан хафа бўл[...] Фикримга қўшилмаган одамга нисбатан доимо қизиқи[...] лан қарайман. Бундан икки йил бурун осмонда думли [...] пайдо бўлди. Мавлоно ҳазратлари юлдузни Турон салта[...] тининг ғарб томонида пайдо бўлгани боис, ғалаба эмас[...] хушлик аломати ўларок қабул этиб, тўқнашувга қарши [...] билдирдилар. Султон Йилдирим Боязид билан ҳар қа[...] шароитда сулҳга бормоқ лозимлигини таъкидладилар. М[...] нинг фикрим бошқача эди. Думли юлдузнинг ғарбда, [...] буржида пайдо бўлиши, рақибимиз учун яхшилик ишора[...] эмаслигини қайд этдим. Бу белги шарқ тарафдан усм[...] турк давлатини забт этажак кучли қўшин келишини били[...] рувчи мужда эканлигини таъкидладим. Менинг бу фикр[...] қисқа муддатда қўшин кайфиятини кўтариб, уни ғалаба[...] ҳозирлади. Мен ҳақиқатнинг кўзига тик боқадиган бир [...] сонман. Юзда-юз ҳақ бўлсам-бўлмасам-да доимо ўз фик[...] римга эгамен. Темурбек Оллоҳ ёрлақаган, пайғамбарим[...] бошини силаган бир улуғ зотдир. Бироқ ҳеч замон ул ки[...] шим биздан кўнгил учун ҳақиқатдан чекинишни, дилларни овутгувчи ярим ҳақиқатларни сўйламоқни талаб этмаган[...] лар. Яратган не қадар бизга ақлу заковат, салоҳияту истеъ[...] дод ато этмаган бўлсин, сўнгги ҳақиқатни айтмоққа да[...] вогарлик қилмоғимиз янглишдур. Аждодларимиз тарихи ва тажрибасидан маълум бўлганидек, ҳақиқат байроғини кўтарганларнинг қўли доимо унинг тафтидан куйган. Шу боис мен шону шавкат, шуҳрату фароғатга нафрат билан қарайман. Бул нарсалар мувақкат ва уларга совуққонлик би[...] лан қарамоқ жоиз, муҳтарам амирим, – дея ўйчан оҳангда сўзини мухтасар қилди мунажжим Абдуллоҳ Лисон.

– Бўлиб ўтган тўқнашувга муносабатингизни билмоқ ис[...] тардим, муҳтарам мунажжим жаноблари,– деди Шайх Рама[...] зон унинг очиқ фикр юритишидан руҳланиб. – Ислом дунё[...]



[...] бу савашга эҳтиёж бормиди?

[...] Албатта йўқ эди, – жавоб қайтарди Абдуллоҳ Ли[...] [...] қўлидаги осмон илмига оид китобни оҳиста силаб га[...] [...] экан. – Бу саваш ошини хоқон Темур эмас, Султон [...] ҳазратлари пиширдилар. Арзимаган бир неча сабаб [...] улуси бошини шундай ғавғога тиққан подшоҳ бугун [...] эрта бир кун худди шундай хатога йўл қўяр эди. [...] султоннинг Оллоҳга бир айтгани бор эканким, Те[...] [...] мард бир турк ва ислом хоқонидан енгилди. Унинг [...] насроний юнон ёки фаранглар каби бир ғайридин [...] бўлганида, Боязидхоннинг ўғилларига садаф қадалган [...] жўнатилмас эди, – Шайх Рамазонга маъноли тикилиб [...] эди Абдуллоҳ Лисон. – Одамлар олди-қочди гапларга [...], бул тўқнашув ҳақида минг хил ривоятларни тўқиб [...] чиқаришлари мумкин. Менинг ота-боболарим бундан тўрт [...] йил бурун Ғазодан Турон ерига келиб қолган, эндиликда [...] ўрлашган бир араб асилли одамман. Сиз Султон Йилдирим [...] нинг кимлигини яхши биласиз. Мен Темурбек ҳазрати [...] ларининг йигирма насли насабини ва шахсиятини би[...] [...]. Бу икки подшоҳ ҳам ҳукмронлик мавқеининг шу да[...] ражасига етган эдиларки, иккиси ҳам бировни тинглаб, бир [...] кўл урмайдилар. Бу тўқнашувни келтириб чиқарган [...] сабаб – кимсага бўйсунмаслик, ғурур ва улар вужудидаги [...] ҳамда тез турк қонидур. Улар инсон боласи бахтли, [...] тахтли ва давлати қуёш каби порлаган пайтда, шу салтанат[...] [...] барпо этмоқ учун қон кечиб юрган дам ва дақиқалардан [...] кўра янада диққатли, янада эҳтиётли ва янада тадбирли бўлмоқни унутиб қўйдилар. Хом сут эмган инсон боласи [...] ким бўлмасин, олий бир мақомга эришдими, ўтган кунини унутиб, эски чориғини қуритиб қўяди. Ҳис-ҳаяжонли турк қавми шундай. Дунёни титратган салтанатлар яратган ҳолда, саҳрода тахтсиз қолиб, от чоптириб, қўйини боқиб юравера[...] ди. Қатъий киришса ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқа би[...] лади ҳамда буюк мақсад ва манзилга етишган фурсатда яна

ўзидан кетиб, бошига маломат орттиради. Бу фикрлар т-ронликларга қанчалик тегишли бўлса, усмонлиларга ҳам шу қадар тааллуқлидир. Фақат биз тарафнинг кишилари сизникиларга қараганда бироз босиқроқ бўлсалар-да, сизлар каби жанговар эмаслар. Кейинги юз эллик йилда ёвуз мўғуллар уларнинг юракларини олиб қўйган.

Мунажжим Абдуллоҳ Лисон калта печли салласини тўғрилаб қўйди-да, қўлидаги китобини мўъжаз хонтахта устига қўйганча, сўзлари қаттиқ таъсир этган суҳбатдошига қараб келди.

– Сиздан сўнг бор ва ўзим учун бир нарсани сўрамоқчиман? – дея бошини кўтариб мунажжимнинг кўзларига қаради амир.

– Бемалол сўрайверинг. Мен Оллоҳдан яширмаган билим ва фикримни унинг бандаларидан-да яширмайман, – жавоб қилди Лисон меҳмоннинг нимани сўрашини сезганидек ғалати кулимсираб. – Сизни бу икки жаҳонгирнинг қисмати қизиқтирмоқда. Шундайми?

– Шундай, мунажжим жаноблари, – деди хижолатомуз оҳангда амир.

– Модомики, Оллоҳ тилимга солиб турган сўзни сизга айтмасам, ўз-ўзимга хиёнат қилган бўламан. Туркус тароватингиздан жиддий, сир сақлай биладиган бир инсон ва мусулмон кўринасиз. Биласиз, хукмдор зоти билан ҳазиллашиб бўлмайди. Бизда ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан деган нақл бор. Улар ҳақиқат ҳақиқат дейдилару уни силаб-сийпаб, оҳангини топиб айтмасангиз, бошингиз балога қолади. Бул икки хоқонимизнингда ҳаёт шамлари битиб бормоқда. Яқин уч-тўрт йилда бу ҳудудлардаги сиёсату мувозанат ўзгаради. Шунга қараб тўнингизни бичаверинг, амирим! Юлдузлар башорати шундай! Яна қолганига Оллоҳ подшоҳдир, – дея сўзни қисқа қилди мунажжим. – Сизнинг биз ила Турон юртига кетишингизни эшитдим. Ўйлайманки, суҳбатлашмоқ учун фурсатимиз етарли бўлажак, – дея суҳбат мавзусини



...ли тажрибали Абдуллоҳ Лисон.

Мунажжим Абдуллоҳ Лисон чодиридан чиқиб амирни ...турган ергача кузатиб келди. Шайх Рамазоннинг навкар...билан суҳбатлашиб турган амир Боботурк эса усмонли ...нинг истиқболига қараб келар эди.

Сизни энг доно ва ватанфидо амиримиз Боботуркга ...ниирaман, – деди Шайх Рамазон билан хайрлашган му...жим Темурнинг осмонранг байроғи ҳилпираб турган ...тонийи чодири томон юраркан.

Амир Боботурк ҳам улуғ хоқон ҳузурига ошиқар, зарур ...ши борлиги боис хайр-хўшлашган бўлса-да, яна Шайх Ра...зонни излаб келган эди. Ундан ўн беш қадам нарида эса ...рмиён улусининг собиқ беги Ёқуб Чалабий турарди. У ...ниига, Темур ҳузурига қочиб бориб, унинг ҳизматига кир...ган эди. Демак, Темур Ёқуб Чалабийга ҳам отамерос бекли...гини қайтариб беради, хаёлидан кечди Рамазоннинг.

– Улуғ Амир ҳазратларига етиб келган узунқулоқ сўз...ларга қараганда кимдир Султон ҳазратларига Темур сизни ...юрти Самарқандга олиб кетармиш деган эмиш. Бу гап...нинг ёлғон эканлигини, шу кунга қадар хоқон ҳазратлари ...порта мағлуб султонни ўзи билан олиб кетмаганлигини ...гизд ҳазрати олийларига етказиб қўйингким, роҳатсиз ...мулмасинлар! – деди амир Боботурк усмонли амирини ...четроққа тортиб, паст овозда. – Суҳбатлардан бирида сул...тон ҳазратлари Оқшаҳарда яшамоқ истагини билдирган ...эканлар. Улуғ хоқон, Боязидхон қаерда яшасалар ўзлари би...лдилар, дедилар.

Амир Шайх Рамазон нимадир демоқчи бўлдию, темурий амирнинг шошиб турганлиги боис, оғиз очмади. Бош ирғаб, маъқул ишорасини қилди. Улар одатдагидек яна бир бор қучоқлашиб хайрлашдилар. Амир Боботурк Темур ҳузурига йўл олди. Амир Шайх Рамазон эса Султон Йилдирим Боязид қароргоҳи томон оти жиловини бурди. Шайх Рамазон амир Боботуркнинг сўнгги гапини мушоҳада қилиб кетар эди. Султон саройида у Темур таъқиб этиб юрган Қора

Юсуф Туркман ва Султон Аҳмад Жалойир билан ҳам у… суҳбатлашган, иккиси ҳам ақлли, қилар ишини билади… одамлар эдилар. Иккиси ҳам Темур билан ўчакишмай би… сиёсат қилиб, сулҳга рағбат кўрсатганларида эди, ўзлари ҳа… усмонли давлати ҳам бугунги ҳолатга тушмаган бўлур эди.

Улар билан суҳбатлашган усмонли амири иккисин… ҳам подшоҳларга хос бўлган, вазиятни нозик англаб и… тутиш, катта ва улуғ мақсадга етмоқ учун кичик эҳтиё… эҳтирослардан воз кечмоқ, энг муҳими, узоқни кўра били… кўникмаси етишмаслигини фаҳмлаган эди. Шайх Рама… уларни диққат билан тингладию, ҳеч бир фикр билдирма… Улар ўша заҳотиёқ бу гапни султонга етказишиб, вази… ни қориштириб юборишларидан чўчиди. Бу икки қочқ… ҳукмдорнинг Темурни тан олиб, унинг ҳузурига бош эг… боришини Султон Йилдирим Боязид ҳам ич-ичидан исти… мас эди. Одатда ҳукмдорларга нотўғри гапириб, ноҳақ и… юритаётганини очиқ-ойдин айтиб бўлмайди. Ҳатто бу х… сусда ўзи сўраса ҳам. Темурнинг бошқа ҳукмдорлардан… фарқи шу экан. Қанчалик аччиқ бўлмасин, ҳақиқатни… кўзига тик боқар экан. Бул эса мардлик, донолик ва… улуғликнинг энг биринчи шартидир. Инсоният тарихида… ўрин олган катта шахслар адолатга, ҳақу ҳақиқатга бўлга… садоқатлари туфайли ана шу буюклик шоҳсупасиг… кўтарилганлар. Ҳақиқатпарвар одамгина ҳақиқий мард бўла… олади. Бироқ жоҳил оломон ва куни учун кул ташлайдиган… ларнинг бу хусусда ўйламоққа имкони йўқ. Улар бирор-бир… жангда ўлиб кетмаслик, каттароқ ўлжани қўлга киритиб, бирорта асира аёлни отига миндириб, йўлини қилиб чери… дан қочиб қолишдан бошқа нарсани ўйламайди. Ўзлари… улар ҳам ҳақ. Уларнида қоралаб бўлмайди. Дунёни ҳар ким… ўз гази билан ўлчайди.

Шу суҳбатлардан бирида Қора Юсуф Темур жуда кўп… туркман беклари ва Ҳирот подшоҳларини асир қилиб оли… кетганлигини, уларни Самарқанд ҳамда Андижонда тахт… остидаги зиндонларда сақлаганини айтган эди. Шайх Рама…



…а Боботуркдан шуни сўрамоқчи бўлган эди.

…Айнан жилгасидан икки кун бурун йўлга чиққан Турон …ротеп Тунгузлуққа келиб қўш ташлаган, куёшга қараган …тикай томонга қурилган олий кўмондон қароргоҳи атрофи …ҳужум, саропардада кенгаш давом этар, найзаларини бир…бирига чалиштирган соқчилар чодир эшигида саф тортиб …турардилар.

Кенгашда ўрдунинг кейинги ой мобайнидаги ҳаракат ре…жаси муҳокама этилди. Бу хусусда амир Боботурк ҳисобот …берди.

– Амирзода Муҳаммад Султоннинг чериги Фўча …қальасини ўз тасарруфига киритгач, Манисага қишламоқ …учун жўнади. Амир Сулаймоншоҳ черуги Анқара атрофи…ни ёғий унсурлардан тозалаб, Асвоқ йўли орқали амирзода …Мироншоҳ қўшинига келиб қўшилганлиги хабари олинди. …Бугун-эрта муборак ҳузурингизга етиб келажаклар. Амир…зода Искандар Умаршайх ва Али Султон Тавачилар Элба…ғам фатҳини якунлаб, олий ўрду томон йўлга чиққанлар. …Ўзингиз таъкидлаганингиз каби Ёқуб Чалабий ҳам бугун…ги мажлисда ҳозирдир. Амрингизни бекламоқдалар! – дея …сўзини мухтасар қилди Боботурк.

Одатдагидек чап тирсагини тиззасига қўйганча сарой …аҳлининг кайфияти ва руҳиятини кузатиб ўтирган улуғ …хоқон катта амир ва амирзодаларга бирор айтадиган …фикрингиз борми дегандек нигоҳини югуртирди. Ҳеч ким…дан садо чиқмади. Одамлар хоқондан бир нарсани, қачон …юртга қайтиш ҳақида оғиз очишини кутишарди.

– Ўрдумиз ўз олдига қўйган вазифани қисқа муддатда ва …аъло тарзда бажардиким, эндиликда ер юзида унга қарши …турадиган бирон-бир куч, қўшин йўқдур. Ёлғиз Оллоҳнинг …марҳамати, унинг муқаддас китобига қилган амалимиз …бизни ана шу олий мақом ва зафарга ёр этди! Шул боис, …бекчи-ю қоровулдан тортиб, катта амиргача бўлган бар…чангизга ташаккур билдирурман! Биз ҳеч қачон Оллоҳнинг

иродасига қарши иш қилмадик ва қилмаяжакмиз! Уни барча динлардаги илоҳий китобларига терс иш юрит- ларни эса инсофга чақирамиз. Сўзимизга кирсалар ҳай чодиримиз тўрида ерлари бор. Кирмасалар пешона да неки ёзилган бўлса, шуни кўражаклар. Ўрдунинг дин сўнгги ҳаракати хусусида сўйлагудек бўлсам, сўл қўлнинг чериги Анқурия томон юрсунлар. Қайсар даштликларида катта ўрдуга қўшилмоқ режасини ту лар. Шаҳзодаларимиз қўшинларининг қолган қисм етиб келгунга қадар Тўнғузлуқда (ҳозирги Денизли) билурлар. Бугундан эътиборан яна бир фармони олийни рий этамизким, бул муҳтарам биродаримиз, Шом фатҳи бери иссиқ-совуқ кунимизда биз-ла баробар юрган Ёқубб Чалабийга таалluқлидир! Сизга маълумким, Кирмиён лояти неча йилларким, Ёқуббекнинг аждодларига тегиш дир. Усмонлилар бу ҳудудни босиб олгач, Ёқуббек бизнинг ҳузуримизга нажот истаб борган эди. Ўшанда мен бу димизга Анадўлу беклари орасида энг кучли ва қудратли усмонли турклардур. Савашсиз, муқобил шартларда лашароқ бирлашсангиз дин ва улус келажаги учун савоб иш қилган бўлурдингиз, дея насиҳат этган эдим. Ёқуббек сўзларимга эътироз билдирмаган эрдилар. Бироқ эришган муваффақиятлардан кўзини ёғ босган Рум қайсари Анадўлу бекларига қилган муносабатини бизга ҳам ўтказмоқчи бўлди. Бу ҳолат эса бизнинг унга бўлган ижобий муносабатимизни ўзгартирди. Хабарингиз бор, барчамиз усмонли давлатининг бирлашиб, қудратли бир салтанат сифатида динимиз душманларига қарши муносиб туришини олқишлар эдик. Унинг фарангу хочлилар устидан қозонган ғалабаларини ўз фатҳу зафаримиз каби қаршилагандик. Шу боис уларга сабоқ бермоқ мақсадида бир неча бекликлар бошига илгариги эгаларини қўйдик. Ана шу қарорга кўра Ёқуббек Чалабий отамерос Кирмиён улусини Кутаҳия, Тўнғузлуқ ва Қиршаҳар ҳудудлари сиирида қайтариб ола-



лар. Ёқуббекка ёрлиқ ва нишон тақдим этмоқ баробари- ... ниларига хилъат ташланиб, олтин камар ҳадя этилсун! ...айники, сиз ҳеч қачон раиятнинг дилига озор бермай- ...и мўъмин мусулмонлар, сулолангизга қўшиб, бизга ҳам ...аънат тошини отмайдилар!

Ёқуббек Чалабий даврадан чиқиб келиб, улуғ хоқон ...рпоғида тиз чўкиб, этагини ўпди.

– Авлод-аждодларим ўла-ўлгунларича сиз улуғ хоқон... садоқатли қули бўлиб қолажаклар! – деди Чалабий ...ига ўхшаш овозда ҳаяжонли хириллаб. – Бундай лут... марҳамат, бу шоҳона илтифоту ҳимматни бу ёруғ кунда ...ча кўрмагандир!

– Барчамиз Яратганнинг қулидирмиз, – деди Темур бекнинг ...ини тўғрилаб. – Шуни унутмангки, Ёқуббек биродарим, ...лажакда барибир ўзаро англашиб, бирлашмоғингиз ке... бўлади. Тўрт тарафингиз ягийдан иборат бўлмиш Румда ...иб қолмоқнинг сизлар учун бундан бошқа йўли йўқдир! Шунинг учун орангиздаги адоват алангасини ўт олдирманг! Бургутлар талашиб, қарғаларга ем тушмасин. Сизга оқ йўл тилаймиз! Ҳеч қачон Оллоҳ сизни ва қавмингизни дўстга ...ор, душманга хор, номардга муҳтож этмасун! Ҳар за... мон дўсту ёрингизни зиёда, рақибларингизни пиёда этсун! Омин! – дея юзига фотиҳа тортди хоқон.

Саропардада ўтирганлар унинг ҳаракатини такрорладилар.

Тонг отиши билан йўлга чиққан олий ўрду уч кун- дан сўнг ғарбий Анадўлуга, Султон ҳисорига етиб борди. Шаҳар Мендерес дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган бўлиб, хушҳаво бир манзил эди. Дарёга етган қўшин одат- дагидек ювиниб-таранишга киришди.

Султон ҳисорида ўзини тартибга келтирган қўшинга Улуғ Бурлақ қалъаси томон юрмоққа амр бўлди. Бу қалъадаги черик яхши сўз билан гапга кирмаган эди. Уни бир ҳамла билан забт этдилар. Сўнгра Ҳамид (ҳозирги Ис- парта) вилоятидаги Эгридир ва Насибин қалъалари фатҳига

…лар. Ёқуббекка ёрлиқ ва нишон тақдим этмоқ баробари… …гиларига хилъат ташланиб, олтин қамар ҳадя этилсун! …йманки, сиз ҳеч қачон раиятнинг дилига озор бермай… …! Мўъмин мусулмонлар, сулолангизга қўшиб, бизга ҳам …ки лаънат тошини отмайдилар!

Ёқуббек Чалабий даврадан чиқиб келиб, улуғ хоқон …ршисида тиз чўкиб, этагини ўпди.

– Авлод-аждодларим ўла-ўлгунларича сиз улуғ хоқон…нинг садоқатли қули бўлиб қолажаклар! – деди Чалабий …ига ўхшаш овозда хаяжонли хириллаб. – Бундай лут…у марҳамат, бу шоҳона илтифоту ҳимматни бу ёруғ кунда …мса кўрмагандир!

– Барчамиз Яратганнинг қулидирмиз, – деди Темур бекнинг …ўзини тўғрилаб. – Шуни унутмангки, Ёқуббек бирордарим, …лажакда барибир ўзаро англашиб, бирлашмоғингиз ке…рак бўлади. Тўрт тарафингиз яғийдан иборат бўлмиш Румда …шаб қолмоқнинг сизлар учун бундан бошқа йўли йўқдир! Шунинг учун орангиздаги адоват алангасини ўт олдирманг! Бургутлар талашиб, қарғаларга ем тушмасин. Сизга оқ йўл тилаймиз! Ҳеч қачон Оллоҳ сизни ва қавмингизни дўстга …ор, душманга хор, номардга муҳтож этмасун! Ҳар за…мон дўсту ёрингизни зиёда, рақибларингизни пиёда этсун! Омин! – дея юзига фотиҳа тортди хоқон.

Саропардада ўтирганлар унинг ҳаракатини такрорладилар.

Тонг отиши билан йўлга чиққан олий ўрду уч кун…дан сўнг ғарбий Анадўлуга, Султон ҳисорига етиб борди. Шаҳар Мендерес дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган бўлиб, хушҳаво бир манзил эди. Дарёга етган қўшин одат…дагидек ювиниб-таранишга киришди.

Султон ҳисорида ўзини тартибга келтирган қўшинга Улуғ Бурлақ қалъаси томон юрмоққа амр бўлди. Бу қалъадаги черик яхши сўз билан гапга кирмаган эди. Уни бир ҳамла билан забт этдилар. Сўнгра Ҳамид (ҳозирги Ис…парта) вилоятидаги Эгридир ва Насибин қалъалари фатҳига



рухсат этилди. Қалъа томон кетаётган қўшинга амир… Шоҳрух черики келиб қўшилгач, Турон ўрдуси яна … кўкни тўлдирди. Черикнинг бир-бирига қўшилиб кўпайиш… лашкарнинг руҳини кўтариб, ўзига ишончини орттир… ғайратини жўштирар эди. Улуғ хоқон Улуғ Бурлақ дар…сида туриб салтанат ишларини юритар, элчи ва мусофир…ларни қаршилаб, фатҳномаларга имзо чекарди. Саропард… қаршисидаги юксакроқ тепаликка тикилган ёғоч кўшк… ўтирганча сўнгги зиёратчини кузатган хоқон кун ботишдаги қорли тоғлар устида ялтираётган қор парчаларини қизғи… рангга бўяб ботаётган қуёшга тикилганча, ўйга толган эди.

Хаёл олиб қочганидан яқинига келиб турган амир Боб…туркни ҳам сезмади. Беихтиёр, ўнг томонга ўгирилган… шогирди ҳайкалдек қотиб турарди.

– Келинг, авлодим. Ботаётган қуёш ўю фикрларимни … гаштириб кетди чоғи. Инсон умри қуёши ҳам шундай. Охир… бир куни ботади, – деди хоқон амир қўлидаги қоғозга қараб. – Дўстимиз Шоҳи Қаландардан бирор мужда борми дейман?

– Шундай, улуғ устоз. Бир узун қулоғимиздан лозим то…ган битикларини бериб юборибди. Дуои саломлар йўллаб, қаландарлар султони, султонлар хоқонини ўзлаганини етку…ринг. Кўзларимиз йўлларида тўрт бўлди, дебди.

– Ўқинг-чи? – деди хорғин юзига ғамгин табассум югур…ган хоқон.

* * *

*Юртим, дарё, булоқларинг*
*Юракдаги қоним менинг.*
*Босганингиз азиз тупроқ,*
*Ватан деган таним менинг.*

*Кечмишим кўзу қошимда,*
*Эрк, адолат, шоним менинг.*
*Бошга минг бир қилич келсин,*
*Ҳақ сўйламак, оним менинг.*

рухсат этилди. Қалъа томон кетаётган қўшинга амир Шоҳрух чериги келиб қўшилгач, Турон ўрдуси ... кўкни тўлдирди. Черикнинг бир-бирига қўшилиб кўпай... лашкарнинг руҳини кўтариб, ўзига ишончини орттир... ғайратини жўштирар эди. Улуғ хоқон Улуғ Бурлақ ... сида туриб салтанат ишларини юритар, элчи ва мусоф... ларни қаршилаб, фатҳномаларга имзо чекарди. Сарой... қаршисидаги юксакроқ тепаликка тикилган ёғоч кўшк... ўтирганча сўнгги зиёратчини кузатган хоқон кун ботиши... қорли тоғлар устида ялтираётган қор парчаларини қизғи... рангга бўяб ботаётган қуёшга тикилганча, ўйга толган эди.

Хаёл олиб қочганидан яқинига келиб турган амир Боб... туркни ҳам сезмади. Беихтиёр, ўнг томонга ўгирилган... шогирди ҳайкалдек қотиб турарди.

– Келинг, авлодим. Ботаётган қуёш ўйо фикрларими... гаштириб кетди чоғи. Инсон умри қуёши ҳам шундай. Охир... бир куни ботади, – деди хоқон амир қўлидаги қоғозга қара...

– Дўстимиз Шоҳи Қаландардан бирор мужда борми деймап?

– Шундай, улуғ устоз. Бир узун қулоғимиздан лозим то... ган битикларини бериб юборибди. Дуои саломлар йўллаб, қаландарлар султони, султонлар хоқонини ўзлаганини ст... ринг. Кўзларимиз йўлларида тўрт бўлди, дебди.

– Ўқинг-чи? – деди хорғин юзига ғамгин табассум югур... ган хоқон.

* * *

*Юртим, дарё, булоқларинг*
*Юракдаги қоним менинг.*
*Босганингиз азиз тупроқ,*
*Ватан деган таним менинг.*

*Кечмишим кўзу қошимда,*
*Эрк, адолат, шоним менинг.*
*Бошга минг бир қилич келсин,*
*Ҳақ сўйламак, оним менинг.*



*Феъли атвордин насиба,*
*Ярим, бутун ноним менинг.*
*Ёру дўст, хайрихоҳ лоқайд,*
*Рақиб тўла ёним менинг.*

*Жоҳилу нодон қаҳридин,*
*Ки тўлмади хуним менинг.*
*Ҳаёт – азоб, Шоҳ Қаландар,*
*Бул ўлмаган жоним менинг.*

– Офарин! – деди хоқон ички бир дард билан. – Офарин! Шоҳи Қаландар деганимиз, худонинг бориб турган балоси. Бу созда кимса унга тенг кела олмайди. Юртни соғинибман, ...ботурк. Самарқандни эсласам юрагим тўкилгудек бўлади.

– Ҳадемай йўлга чиқармиз, устоз, – деди амир не деярини билмай.

Устозини ҳақир, ўзини ўлим бандаси каби тутган ҳолда камдан-кам кўрган амирнинг тилига калима келмас, сўз-ла таскин этиш қийин аҳволу руҳиясидан лол бўлганча боши эгик турарди.

Ҳаёт шароби тўла қадаҳини сипқориб бўлганлар борлиқ гулистонидан йўқлик гўристонига сас-садосиз равона бўлар, кун ботар, ой чиқар, умр ўқдек ўтар эди...

## ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

*...Турон давлати яловининг муборак анқоси Рум заминига соя солишини мен ... ламайман, токи сен имконинг борича ... сифатли салиблар устидан лочиндек ғолиб ... музаффар бўлгайсан!..*

### Хоқон Темурнинг Султон Йилдирим Боязидга ёзган мактуби

Ўзини кўярга жой тополмай қолган Султон Йилдирим Боязид чодирга ҳам сиғмас, ўй босганча сиқилиб, беихтиёр ташқарига чиқиб кетар эди. Темур аскарларининг нигоҳидан қочиб яна чодирга қайтиб кирар ва чалқанча ётганча шифтга тикилиб, хаёл сурарди. Ўю хаёлларининг сўнги кўриниши аҳлига келаётган фикрлар хайриятдан башорат этмаётган эди. Ўзини чалғитиш учун чодирни тутиб турган ёғоч кергаларни қайта-қайта санар, жуфт ёки тоқ бўлиши керак деган бемаъни саволлар ўйлаб топарди.

Оғир хотиралардан боши ғовлар, вужуди карахт эди. Турib чодир саҳнига чиқаркан, ўттиз қадамча нарида ҳаллослаб келаётган амири Шайх Рамазонга кўзи тушиб, суратдек қотиб қолди. Ичидан тўлиб-тошиб келаётган йиғи бўғзига тиқилган, кўзлари жиққа ёшга тўлган эди. Султоннинг ўксик аҳволидан кўнгли бўшаб кетган амир ҳам ўзини зўрға йиғидан тийди. Улар гап-сўзсиз, елкалари силкинганча бир-бирларини бағриларига қаттиқ босдилар. Сукут ичида кўз ёшларини артдилар. Соқчилар султон ила бекдан узоқлашдилар.

– Сиз ила шу тахлит кўришмоқ ҳам қисматда бор экан, Рамазонбек! Ҳеч бирингизни бу фалокатда айбингиз йўқ! Гуноҳи азим бўйнимдадир! – деди султон йиғига менгзар қалтироқ овозда.



Мен сиз ҳазрати олийларини зиёрат этмоқ учун келдим. ...иб ўтган воқеаларни муҳокама қилмоқ учун эмас, – деди ...р Рамазон султоннинг сўлғин юзига самимий боқиб. – ...латингиз яхшими, зоти олийлари? Бу кунлар ҳам ўтиб ...тар. Биргалашиб орқага эмас, олдинга боқмоғимиз лозим, ...лтоним! Сиз зоти олийларини соғу саломат кўрмоқнинг ...и бир давлатдир! Оллоҳга шукрлар бўлсин!

Қани энди бу илиқ сўзларингдан таскин топа олсам эди, ...мазон? Улус мени кечирса-да, ўз-ўзимни кечира олмай...! Яратгандан кечалари жонимни тезроқ олишини сўраб ...ман! Фалокат инсон ақлини олиб қўяр экан. Ич дардим ...имда!

Сўзини тугатган Султон болаларча нигоҳ билан амир Рамазонга тикилди. Унинг қайғули қарашида бутун бир оламнинг азоб-уқубати, дарди алами мужассам эди.

Илгариги ғайрат-шижоат, хаёт завқи сурури, кичра...иб қолган жуссасини, нурсизланган кўзларини тарк этган ...и. Сарғишин, беморлик нуқси ўрнашиб қолган юзида...и ажинлар қуюқлашган, шоҳона яктаги эти қочган тана...ила ҳалвираб турарди. Чакка суяклари бўртиб, юзи кич...айиб кетганидан тишлари ва жағи янада бўртиб чиққанга ...шарди. Алам ва номусдан ич-этини еяётгани шундоққина ...илиниб турар, унга шунчаки бир-икки кўнгиловлар илиқ гап-сўз билан тасалли бериб бўлмас эди.

Аламдан ичи куйиб кетган султон тинимсиз муздек сув ...ичар, соқчилар тез-тез қудуқдан совуқ сув келтиришарди.

– Ичим куйиб кетганга ўхшайди, – деди навбатдаги шо...косани кўтарар экан, – кўкрагимга муз қўйиб ётсам ҳам ...юрагимнинг тафти босилмайдигандек. Бу азоб мени олиб кета қолсайди.

– Сабр, қаноат. Сўнгра шукр, ҳазрати олийлари. Кеч...миш тарих ўлик бир нарсадур. Уни орқага қайтариб бўлмайди. Сиз Оврупани тиз чўктирган Наголи сава...шида ўзингизни қандай мардонавор ва ғолибона тут-

ган бўлсангиз, бундай оғир, масъулиятли ... да янада ироданигизни мустаҳкам қилиб, дўсту ... ман кўзи ўнгида муносиб давранмоғингиз ... – деди узоқ ўйлаганидан сўнг дона-дона қилиб амир. Уларнинг кўзи сизда. Улус сизни ислом таянчи ва салт... рамзи деб биладилар. Бу тасаввурларнинг тўзиб кетми... имкон берманг! Ўзлари суянган тоғдан ва ишонган ... мосуво бўлганлик ҳиссини туймасинлар! Раиятнинг ... мақсадларига путур етса, халқ маънан, моддиян ҳам... ўлароқ пароканда бўлиб кетади. Усмонли давлатининг ... катли султони сифатида дин ва мамлакатга хизмат ... улуғ подшоҳсиз! Буни кимса инкор эта олмас. Туронлик... да сабр этсанг, ғўрадан ҳалво битар деган нақл бор ... Биз сабру бардошда адашдик, султоним. Энг улуғ ... сулҳу хотиржамлик эканлигини қадрига етмадик. ... сўнги саломат эканлигини унутдик...

– Сўзларинг ҳақдир. Улус увол-савобига жавобгар ...лар ва уларнинг маслаҳатчилари мавжуд ҳузур-ҳаловат... сақлаб қолишни эмас, ташвиш-таҳликанинг олдини ... ҳақида кўпроқ бош қотиришлари керак экан. Сенинг ... ва садоқатинг олдида кўзим очиқ эркан, қарздормен. ... айтганинг каби халқимиз тўзиб кетмайди. Бу ташвиш ... янада жипслашиб, боши қўшилиб ҳаракат этмоғига ... ки бўлар. Бунинг устига Турон қўшинидан қоладиган ... ру раият ҳисобига балким элимиз янада кўпаяр. Ҳар ... санинг икки тарафи бор. Мен Темурнинг кимлигини ... англаб етдим. Қўлимга тушганида мен у каби муноса... да бўлмаслигим аниқ эди. Кўрарга кўзим, отарга ўқим ... эди. Мени роҳатсиз этаётган нарса мендин сўнг беш ўғлим ... орасидаги муносабатдир. Шуни эсласам юрагим орқага ... тиб кетади. Бу ҳақда ўйлайвериб, миям ҳам қотиб қолган... ўхшайди. Сен кимнинг олдидан келдинг? Айтишларича, Те... мур сени кўп ҳурмат этармиш? Ўғилларимдан қайси бири... ни кўрдинг? – бирдан мавзуни ўзгартириб, амирини сўроққа тутди Йилдирим Боязид сергак тортгандек.



Мен амир Сулаймоннинг ҳузурларидан келмоқдаман. ...нулакай хоқон Темурга учрадим. Унинг бош амири Бо...тир ва мунажжими Абдуллоҳ Лисон ила суҳбатлашдим, ...жавоб қилди Шайх Рамазон.

– Сулаймоннинг аҳволи нечук? Темур унга не муноса... бўлмиш? – кўкимтир кўзларини амирга қадади юзи ...јариб қумсариб, қайғули нигоҳда.

– Улуғ хоқон амир Сулаймонга ҳам, амир Исога ҳам тож ... камар юбориб, тасарруфидаги вилоятларни сўрамоқ ... нишон берган. Суҳбатимиз давомида сизга ва фар...ндларингизга нисбатан дўстлик мақомида эканлиги... такрорлади, – жавоб қилди Шайх Рамазон султон би... алқсиганидан кўнгли жойига тушиб. – Сиз Оқшаҳарда ...рмоқчи эканлигингизни айтган экансиз. Истаган манзил... тура билишингиз таъкидлаб сизни Самарқандга олиб ...етмоқ нияти йўқлигини етказишимни ҳам айтдилар. Бар...нинг ўрнига мавлонолар Масъуд Шерозий, Жамолиддин Араб билан мен у томонга борадиганга ўхшаймиз, – султон... янада чалғитиш учун қўшиб қўйди амир.

– Дин арбобларининг Бухоро томон оқиб бориши тушу...нарли. Сен у ерда нима иш қиласан? – сўради Йилдирим Боязид кўзларини катта-катта очиб, амирга тикилар экан.

Султондан бундай саволни бекламаган амир оғир бир ...ўлиш олдида, калта қирқилган, оқ оралаган соқолини сила...ганча жавоб қайтарди.

– Турон ери барчамизнинг ота юртимиздир. Менинг бо...боларим Самарқанддан Хўжандгача чўзилган Туркистон ...тоғлари этакларидан бу ерларга келиб қолганлар. Сизнинг ...улуғ бобонгиз усмонли салтанатининг асосчиси Эртўғрул ...Усмон ҳам Туроннинг Хоразм ўлкасидан Румга келганлар. ...Болалигимдан ота юртини кўрмоқ орзусида эдим. Шунинг ...учун бормоқчиман, – жавоб қилди Шайх Рамазон султон...нинг юзига бир қараб қўйиб.

Йилдирим Боязид эса тахтадек қотганча унинг сўзларини

тинглаб ўтирарди. У ишончли амирларидан бирининг ўғилларини шу куйга солган одам билан бирга кетишини ҳам ўйламаганди.

– Тўғри, ураси ота юртимиз, – деди тили зўрға айланиб султон. – Бироқ бошимизга ёғилган бу бало ҳам ўша томондан келди. Ўз юртларида тинч ва роҳатда яшаганларида ота-боболаримиз ҳам бу ўлкаларга келиб қолмаган бўлармидилар, – деди амирнинг гапидан елкаси тиришиб.

Шайх Рамазон султон фикрини бош ирғаб маъқуллаган бўлди.

– Амир Сулаймоннинг режаси қандай? Нияти нелигини? – одатдаги қизиққонли ҳолатига тушган эди султон.

– Валиаҳд ҳам сиз каби салтанатнинг келажагидан, уканингизнинг содир этажак ғавғолардан ташвишда, – деди нима дейишини билмай амир.

– Менинг кўргуликларимни Оллоҳ ҳеч бир ҳукмдорнинг бошига солмасин, Рамазон. Сен ақлли инсонсан. Бир нарсани билишинг ҳамда оёғи қолиб тили билан юрадиган оломонга вақти-соати етганда тўғри англатмоғинг керак бўлади. Оллоҳ ризоси учун шуни билмоғингиз лозимки, барча ўғилларим мени жанг майдонида ёлғиз ташлаб, ўз жонларини қутқармоқ ташвишига тушдилар. Тахт ва хазинани кўзлаб, дастлаб, Сулаймон Бурсага қараб от қўйди. Қайним Степан келиб, мени ҳам қочмоққа чорлади. Бироқ мен қоча олмас эдим. Саваш майдонида ўлмоққа ҳозир эдим. Бу интиҳода мен учун энг шарафли рутба ўлим эди. Бироқ у менга насиб этмади. Қай бир гуноҳим учун Оллоҳ менга бу шоҳона асирликни раво кўрди, ақлим етмайди! Қочсам, менинг унга ёзган хатимдан хабардор одамлар борки, улар олдида юзим шувит бўларди. Мен учун ғалаба ёхуд ўлимдан бошқа йўл йўқ эди! Қистовига кўнмаганимдан сўнг Степан ҳам йигирма минглик қўшини билан Сулаймонга кўмак этмоқ баҳонасида Бурса томон жўнади. Муҳаммад эса қузайдаги тоғларга, Исо эрса жануб томон-



лади. Султон ота учун шаҳзода ўғилларининг бундай тубанликларини кўрмоқдан кўра кўзига тупроқ тўлгани минг карра афзал экан, Рамазон!

Султон Йилдирим Боязид ҳаяжон тўла оҳангда тўлиб-тошиб гапирар, йиғламаса-да тирқираб кўзларидан ёш қуйилларди.

Иттифоқчиларим, барча амирларим, охир-оқибатда фарзандларим-да мени саваш майдонида сувсиз, ҳолдан тойган бир аҳволда ташлаб кетдилар. Қисмат тақозоси билан яна усмонли тахтига ўтирадиган бўлсам, бу хоинларнинг барчасини битталаб бошини танасидан жудо қилишимга тўғри келади! Ваҳоланки, қўшинимиз яғий лашкарига нисбатан анча кўп эди. Қора татарлар Темур томонга ўтгандаёқ ишдан путур кетганлигини англаган эдим. Кейин билсам улар тўрт ойдан бери маош олмаган эканлар. Йиллаб маош олмаган навкарлар бор экан. Бундан бехабар юрарган эканман. Амиру вазирлар лашкарнинг аҳволини менга етказмаган экан!..

– Сиз ҳам кейинги бир неча йилда маъмурларингиздан нуқсон ёки камчиликлар хусусида сўраб-суриштирмасдан, қулоғингиз фақат хушхабарни эшитмоққа ўрганиб қолган эди, султоним. Нуқсонларни айтиб кирган амирлар ҳузурингиздан сўкиш эшитиб чиққан ҳолатлар ҳам бўлган, зоти олийлари! – деди кутилмаганда султоннинг сўзини бўлиб Шайх Рамазон.

– Тўғри! – деди султон бу гапдан бир зум ҳайқалдек қотиб тураркан. – Афсуски, ҳақсан! Рамазон! – яна такрорлади ерга тикилганча хаёли қочиб. – Мана энди ўша хатоларнинг тахир мевасини еб ўтирибман! Янглишларимни энди ликда ўзимча таҳлил қилиб чиқмоқдаман. Бу фалокат-ла нега юзма-юз қолдик? Бу савашнинг иштирокчиси бўлган лобиту аскарлар не демоқдалар? Барчасининг қўли менинг ёқамдадир? Шармандали мағлубиятни қандай талқин этмоқдалар? – амирни саволга кўмиб ташлади султон.

Амир қора терга тушганча, ноқулай аҳволда қолган эди.

– Мендан тортинмай, хижолат чекмай очиқ-ойдин г... пиравер. Шоҳу гадо бўлсин, инсон зоти не тахлит яша... син, кўзи очилиб, ҳақиқатни ҳис этиб ўлгани маъқул ... – деди собиқ ҳукмдор, амирни хижолат чекмасликка ундаб.

– Бу хато ва камчиликларни фақат сизнинг устингиз... ағдарсак, инсофдан бўлмас, султон ҳазратлари, –деди ... оғир хўрсиниб. – Озми-кўпми барчамизнинг бу воқеа... дахлимиз бор. Бизнинг энг катта хатойимиз, шундай ка... та тўқнашув олдидан учи-қуйри йўқ черикни узоқ юрг... риб, ҳолдан тойдирганимиздир. Фақат отлиқ қўшинги... бизнинг пиёда лашкар юриб ўтган масофани шунча му... датда босиши мумкин. Темур лашкарини Тўқатга борув... чи йўл атрофидаги ўрмонларда учратиб, жойини солмоқ... қарор қилинганининг ўзи янглиш, болаларча бир ҳарака... эди. Асосий қисми суворийлардан иборат Темур ўрду... бундай шароитда жанг қилмаслиги аниқ эди. Рақиб реж... ли асосда бизни доғда қолдириб, лақиллатиб, оти жил... вини Қайсария, ички Анадўлу томон бурди ва олти кун... Қайсарияга етиб борди. Унинг бу ҳаракати Миср, Сурия в... Бағдод билан бўлган алоқаларимиз йўлини кесди ҳамда ўз... ортидан пиёда лашкарларни ҳолдан тойдириб эргашиш... мажбур қилди. Биз Қизилирмоқ дарёсининг барча кечув... ларини эгаллаб, Темур билан тўқнашишни кутдик. У ҳеч қачон пиёда лашкарнинг савашмоғи учун қулай бўлган бун... дай жойларда бизга юзма-юз келмас эди. Қайсарияда етарли миқдорда озиқ-овқат заҳираларини тўплаб олган туронликлар Анқара қалъаси томон юрдилар. Тўрт кунда юз йигирма чақирим йўл босиб, Қиршаҳарга етдилар. Мен Темурнинг энг ақлли ва доно беги, эски турк қавмларидан бўлган амир Боботурк билан узоқ суҳбатлашдим. У аввал-бошдан бу тўқнашувга қарши бўлиб, устозини шунга ундаб келар экан. Бироқ биз тарафдан Темур шахсига нисбатан кечирилмас ва қуюшқонга сиғмас ҳақорат содир бўлганидан сўнг улуғ хоқон олдида унинг ҳам тили қисилибди. Аксинча, Темур



...бир замон ўз юртидан узоқда, бунинг устига хочлилар ...нини титратган усмонлилар билан тўқнашмоқ ниятида ...экан...

У ҳар замон биз билан савашмоққа баҳона ахтарган, ...ади Йилдирим Боязид Шайх Рамазоннинг сўзини шарт ...кесиб. – У оқсоққа арпа уни керак эди! – дея қизишиб ...ридан туриб кетди.

Султоннинг ҳаракатидан таажжубланган амир ичи... Қуръон сураларини такрорлаганча ерга тикилиб қолди. ...илдирим Боязид зарда қилганча чодири ўнгидаги супа ...лидаги майдончада қўлини орқасига қилиб наридан-...ри бориб келар, қизишиб сўкинарди.

Узоқ шимол тарафда Анқара тоғлари кўзга ташланар, ...қиларга тушган илк тоза қорлар илмилиқ куз куёши ва ...ва ҳавосида юракни жўштирувчи рангда товланарди. Тик ...турганча бу ажойиб манзарага термилиб қолган султоннинг ...ураги алланечук беҳуд бўла бошлаганди.

Илгари бу чўққилар устидаги биллурдек ярқираётган ...қорлар ёғдуси унинг қалбига ўзгача бир ҳузур, таровват, ...аҳому кайфият бахш этар эди. Бошига икки дунё фалокати ...тушиб турибдию, бу қоялар ҳамон ўша-ўшандай ёғдули та...бассум қилмоқда! Ана табиатнинг сенга садоқати. Сен ун...даги ўт-ўлан, дов-дарахтни ўстирувчи бир сиқим тупроққа ...айланиб кетасан. У эса бу дунёда ҳеч қандай воқеа содир ...бўлмаганидек ўша-ўша, сукут сақлаганча қилт этмай тура...веради. Ой ва қуёш чиқиб ботаверади. Шамоллар борлиқни ...тўлдириб эсаверади. Одам зоти эса бир-бирига чоҳ қазиб ...ишайверади.

Хаёли паришон, ичига чироқ ёқса ёришмайдиган Сул...тон Йилдирим Боязиднинг ҳуши бошидан учган, ким би...лан, қаерда ўтирганини ҳам унутган эди. Юксакларда ...муаллақ сузиб юрган пағa-пағa булутлар ярқироқ қоялар ...юзини беркитиб, вужудига оташ солган ўша ёғду сўнганида ...унинг хаёллари тўхтамга келгандек бўлди. Беихтиёр,

орқага ўгрилганида курсида ерга тикилганча тиловат ки... ўтирган амир Шайх Рамазонга кўзи тушди. Оҳиста ... босиб, унинг ёнига қайтиб келди.

– Асабим томом бўлди, Рамазон, – деди хаста ва ту... овозда тун бўйи юк ташиган ҳаммолдек ўзини курсига ... лар экан.

Ўтираркан, ағдарилиб кетишига сал қолди.

– Мени маъзур тут, Рамазон. Феъл-атвордаги қусур... лаҳаддан бошқа ҳеч бир нарса тўғрилай олмайди шек... Бироз қизишдим. Бошимга келган фалокатнинг асл саба... ҳам ана шу одатимдан, – деди мунгли оҳангда амирни... ўйчан кўзларига маъюс боқиб.

– Ҳечқиси йўқ, ҳазрати олийлари, – деди бек астойи... султонга раҳми келиб. – Биз сизга ўрганиб қолганмиз.

Ҳақиқатан ҳам унинг руҳияти жойида эмас ... Ногоҳоний кулфат, тулпори устида қуёш каби чарақлаб ю... ган ботир, жасур ва мард инсонни қасирға кўпорган чин... дек ағдарган эди.

– Уларнинг барчаси жувонмарг бўладилар! Ва ҳеч бири ўз ажали билан ўлмайди! Сен буни ўз кўзинг била... кўрасан!..

Султон Йилдирим Боязиднинг оғзидан бу сўз чиққани... амир Шайх Рамазон сакраб ўрнидан туриб кетди. Чекси... дардли оҳангда айтилган сўз баробаридаги қарғиш эди... амир ўзини йўқотгудек бир ҳолга тушди.

– Ундай деманг, ҳазрати олийлари! Ота қарғиши ўқ дей... дилар. Саваш замонида жуда камдан-кам одамгина тўғри ҳаракат эта билади. Урушда ҳамма нарса тасодифнинг устига қурилади. Сўзларингиз жуда оғирдир!

– Бу менинг эмас, уларнинг феъл-атворига яраша худо... нинг хоҳишидир! Оллоҳ тилимга солди, мен айтдим! Сен бу фалокатдан уларни огоҳлантиришинг мумкин! Бироқ бефойда! Улар одам бўлмайдилар! Бир-бирларини сб... битирадилар! – деди султон овозини пастлатиб. – Мен бар...



...илан қўлимни ювиб қўлтиғимга урдим. Оқсоқ ҳам ўша ...ини пишириб есин! Бу дунёда илинжу умидим қолмади. ...им тўкилиб битди, Рамазон. Қалбимдаги, юрагимдаги ...оҳир синди. Энди у эски ҳолига келмайди.

Султон қулоғига гап кирар ҳолатда эмас, ўзи билан ўзи ...иб қолган эди. Темурни оқсоқ деганида Шайх Рамазон ...нг хоқоннинг ўзи ва султон ҳақидаги ҳазилу чин гапини ...лади.

Оллоҳнинг марҳаматини қарангки, Рамазонбек, ... дунё мен каби бир оқсоқ билан султон каби бир кўрга ...ганини? Худонинг ҳам даргоҳи кенг экан-да,а, – деганди ... кулиб. – Бу ҳазилни султон ҳазратларига қилганимизда ...-қовоғини уюб олди. Туркман қавмидан бўлган ...тугларимиз ҳазил-мутойиба масалаларида биз каби бироз ...тноқдирлар, – дея кўшиб қўйган эди ўткир ва теран ...гапларни хуш кўрадиган хоқон...

– Бироз истироҳат этсангиз, ҳазрати олийлари, сўнгра ...вақтингизга қараб буюрсангиз ҳозир бўлурман, – деди амир ...ҳали қочганча ўзига бефарқ қараб турган султонга.

– Мени суяб чодирга олиб бор, бошим айланиб кетаяп...и, – деди Рамазонга таяниб ўрнидан турар экан. – Элликка ...тмай ер бўлдим. Қара!

Шайх Рамазон султонни чодирига киритиб, одамлари ҳозирлаган ўз чодири томон юрди. Султоннинг феълини билади. Ҳадемай чақириб қолса керак. Ювиниб, ибодатини қилиб олса бўлди эди.

Шом намозини ўқиб бўлган бек навкарлари билан томоққа ўтирмоқчи бўлиб турганида султондан хабар келди. Собиқ султон собиқ амирини кечки емакка даъват этган эди.

– Сизларга офият бўлсин, – деди Шайх Рамазон эт шўрваси ҳозирлаётган ошчи навкарга – Султон ҳазратлари рухсат берганлари ҳамоно йўлга тушамиз. Ҳар дақиқа сафарга ҳозир бўлингиз.

Султон билан амирнинг суҳбати яна ўша, Анқара саваши ҳақида кетди.

...Турон султони Темур ғазабга тўлиб-тошиб кела
Йилдирим Боязид билан тўқнашув масаласини қиска
ирадаги ҳарбий кенгашда муҳокама этиб, биринчи
кўққисдан бўладиган ҳужумларга қарши чора-тадбирлар
гилашга амр берди. Турон ўрдусини ер билан яксон
иштиёқида кечани-кеча, кундузни-кундуз демай йўл
келаётган лашкар ҳаракатини кузатиш, унинг сони ва
аслаҳасини аниқлаш, тил тутиш ва бошқа керакли
ларни йиғмоқ учун минг кишилик суворий ажратилди.
учқур тулпорли минглик усмонли қўшини атрофида
равишда айланиб таъқиб қилиб юрди ва ўн етти нафар
бит ҳамда аскарни қўлга туширди. Улар усмонли лашкар
ҳақида керагидан ортиқ қимматли маълумотларни бердилар.

Ҳарбий кенгаш иштирокчилари икки фикрни ўртага
ташладилар. Бир гуруҳ амиру лашкарбошилар беш йиллик
юришда толиққан қўшинга дам бериб, шу ернинг ўзида
рақибни кутишни таклиф этди. Иккинчи тараф эса рақиб
ҳудудининг қоқ ўртасига кириб бориб, сон-саноқсиз усмон-
ли қўшинини емак-ичмаксиз қолдириб, ҳолдан тойдиришни
айтди. Кичик-кичик чериклар рақибга тез-тез ҳужум қилиб,
унинг тинкасини қуритади. Шу аснода асосий лашкар че-
кина бориб, Боязидни шитоб билан таъқиб этишга мажбур
этади. Натижада қўшин толиқади, асабийлашади. Асосан
пиёдалардан иборат бундай қўшинлар билан бўлган жан-
гларда устунлик суворийлар тарафида бўлади. Темурнинг
мўлжали бўйича мана шундай кичик жанглар воситасида
рақиб саваланиб, тўздирилса, катта ва асосий жангга ҳожат
қолмас, талофат кам бўлар эди.

Хоқон Боязидга қарши бундан бир неча йил бурун тузига
хиёнат этган Тўхтамишнинг ўзига нисбатан қўллаган чеки-
на-чекина рақибни ҳолдан тойдириш усулидан фойдаланган
ва бу услуб иш берган эди. Дашти Қипчоқ тўқнашувида
ўз кучига ортиқча баҳо берган жўчи хони Темурдек қари
бўрини чалғита олмаган эди. Қайтамга маъносиз чекиниш
қўшин орасида талваса ва саросима туғдирганди.



...ний ва Европа тарихини буриб юборган бу савашдан-
...а тузук қуруқ хабари бўлмаган, Тўхтамишдек қўшинининг
...ги жиҳатдан кўплигига ишонган султон усул, услуб ва
...арибада хоқондан анча орқада эканлигини англаб ет-
...ганда, тўқнашув юз берган Чубук оваси этакларида-
...н Қизилирмоқ наҳридан кўп сувлар оқиб ўтган, ўзи эса
...ёнаҳарда ўлимини тилаб ётган эди.

Шу тахлит туронликлар усмонли қўшинининг барча
...обий ва салбий томонларини пухта ўргандилар. Темур
Йилдирим Боязиднинг жанг олиб боришда шошма-шошар-
...лик қилиши, бўлар-бўлмасга амиру лашкар бошлиқларига
...бақириб-чақираверишни-ю, ҳақоратга зўр бериши, қаҳри
...тганса қамчилай кетишини ҳам билди. Шунингдек, усмон-
...и султонининг қизиққонлиги оқибатида жангнинг ҳал
...илувчи дақиқаларида энг муҳим тадбирларни ола бил-
...маслиги, қўшинни уйғун ҳаракат эттиролмаслиги, тахмин
...қилинган уруш усулига узоқ саваш давомида дош берол-
...маслиги, хатоларга йўл қўйишини ҳам ҳисобга олди.

Султон жангу жадалда анойилардан эмас эди. Темур
қаршисида қўл қовуштириб ўтирмади. У ҳам сўнгги ҳал
қилувчи тўқнашувга йўл қўймасдан Турон ўрдусини син-
дириш ниятида эди. Бунинг учун у Анқаранинг кун чиқиш
тарафидаги отлиқлар чиқа олмайдиган барча тепаликлар-
ни эгаллаб, яғийни уч туман пиёда лашкар билан қуршаб,
ёрдам ва озиқ-овқат захирасига улашувчи йўлларини тўсиб
қўйганди.

Бироқ Султон кечиккан эди. Ундан олдин Анқара адир-
ларига етиб келган Темур аллақачон бу тадбирларни амалга
ошириб, олис ва машаққатли йўлдан ҳориб, ҳолдан тойиб
келаётган пойи-пиёда усмонли ўрдусини, саропардасида
қимизу қимрон ичганча кутиб ётарди. Туронлик лашкар
бўлинмалари энг муҳим нуқталарни эгаллаб бўлган, сув ва
озиқ-овқат захиралари хавфсиз жойларга қўйилиб, ҳимоя
учун махсус қисмлар тайинланган эди.

Бетакрор тажриба соҳиби бўлмиш хоқон пиёдалар ташкил топган кўпминг сонли қўшинни озиқ-овқат бил таъминлаш ғоят мушкул эканлигини яхши билар эди. Те мур қўллаган уруш усули жуда қисқа муддатда усмон қўшинида озиқ-овқат захираларининг тугашига олиб кел лашкарнинг тетик руҳини сўндирар, чекинишга мажбу қилиб, таъқиб давомида уни тор-мор этиш учун қулай им кон яратар, сувсизликдан жони бўғзига келган пиёда жан чилар қиличу найзасини улоқтириб қочарди.

У жанг давомида юзага келган вазиятни ақл бова қилмас даражада тез ва тўғри баҳолаб қарор қабул эта саваш усулини лозим дақиқада қилич сермаган каби тез-те ўзгартирарди.

У ҳаётида ҳеч бир жангга бу қадар пухта ҳозирла кўрмаган ва диққат-эътиборини узлуксиз жалб этмаган эди Султоннинг қўшини Тўхтамиш лашкаридан икки мисли кў ва ундан тажрибали, уюшган ва жасур эди. Бундай шаы шавкатли, қон-қардош черик ила савашмоқ гуноҳ эди асли да. Бироқ қабоҳат ўрдуда эмас, унинг оёғи билан эмас, тили билан юрадиган султонида эди.

Темур Йилдирим Боязидга бериладиган илк зарбани салтанат пойтахти Бурса билан асосий қўшин орасидаги алоқани узиб қўйишдан бошлади. Турон ўрдуси Малатия дан Анқарагача чўзилган катта масофада усмонли ерларини тенг иккига бўлиб, кесиб ўтди. Буни эшитган каттаю кичик чериклар ин-инига кириб кетди ёким султон ҳузурига қочиб борди. Бу билан Темур ўзининг алоқа йўллари ва воситаларини тиклаб, орқа тараф хавфсизлигини таъминлади.

Юришдаги энг муҳим тадбир, бу қадар кўп отни ўз вақтида суғориш ҳамда етарли миқдорда сув захирасини ҳозирламоқ эди. Шу мақсадда Анқара йўлига катта отлиқ қисм олдиндан жўнатилди. Булар орасида сув танқис жойларда отларни суғориш учун қудуқлар қазувчи махсус пиёдалар бор эди. Ҳеч бир қаршиликсиз ҳаракат этмоқ



ни бутун тайёргарлик кўрилгач, рақибда гумон уйғотиб, шубҳага келтирмаслик учун Турон қўшинининг катта бир қисми бош қароргоҳда қолдирилди. Асосий кучни ни бошқарган Темур Анқарага қараб юрди. Қўшин шу қадар шитоб билан илгариладики, уч кун деганда юз эллик чақирим йўл босди. Анқарага кечқурун етиб келган хоқон эртаси куни эрталаб бошқа бир тепалик устидан қалъани кузатиб туриб, уни қамал қилишни буюрди. Қалъа ичидан оқиб ўтадиган сойни бошқа томонга буриб юбордилар ва деворни тагини кавлашга ҳозир эдилар.

Анқара қалъаси қамали давом этаркан, Боязид қўшинлари орқа томондан етиб келиб, ҳужумга ҳозирланаётгани хабари олинди. Ҳисоб-китобли хоқон қўшин ҳаракатини кузатганча Рум қайсарининг етиб келишини кутарди. Турон қўшинининг жангга тайёр суворий тулпорлари Чубук дараси чангини тўзитиб депсинишар, чархланган қиличлар шарақлаганча қинига кириб чиқарди.

Усмонлининг пиёда лашкари кўтарган чанг-тўзон яқинлашгач, хоқон қош-қовоғига қараб турган ўн чоғли етакчи амир ва лашкар бошлиқларига сўнгги амрни берди:

– Фақат ўзингизга қулай бўлган жойларда урушмоққа рақибни мажбур этинг! Улар қаттиқ жаҳлга минганликлари боис, ҳисоб-китоб ва режа асосида жанг қилишни ўйлаб ўтирмайдилар! Кучсиз одам дарғазаб бўлади. Тезроқ сизга етиб олиб ўлдириш пайида қўшади! Сиз эса душман ўпкасини қўлтиқлаганча ҳовлиқиб олдингизга чопиб келаётганда не иш қилмоқни билурсиз! Мабодо саваш давомида рақибнинг қўли устун кела бошласа, ҳеч бир талофотга йўл қўймай суворийларингиз янада қулайроқ ерга чекинсин ёки рақибни чалғитсин! Шу тахлит маълум фурсат ўтгач, эски саваш чизиғига чиқиб оласиз! Биз эса қамални тўхтатиб, орқа тарафимиздаги дарё бўйига қароргоҳ қурамиз! Дарё орқамизда қолади! Улар келадиган Чубук овасида улкан фаввора бор эмиш. Фаввора сувини рақиб ича

олмайдиган ҳолатга тушириш керак! Душман асосан к... са ва Анқара қалъаси томон қочади! Қочаётганда қаршилик кўрсатмаганларнинг от-улови ва қурол аслаҳасини ... қўйиб юборинг! Асирларни бу ерда тўплаб бўлмайди! ... ҳам қўшинни зўрға боқмоқдамиз! Имкон қадар диндош ... миллатдошларимизни ўлдирманг! Уларни таслим этмок учун бошқа тадбирларни қўлланг! Нуфус ўароқ бу ерда озиқ кетмасликлари керак! Биз ҳам бу ҳудудларда қолмоқни ... таганларга қаршилик қилмаймиз! Бу тупроқлар ҳам бизнинг ватанимиз, юртимиздур! Оллоҳ ол қулим деса, саваш узоқ чўзилмай, бизнинг фатҳу зафаримиз-ла тугагай! Бахтингиз очиқ, юзингиз оқ бўлсин! Омин! Оллоҳу Акбар!

Темур шундай деганича ичида Қуръон тиловат қилди ... юзига фотиҳа тортиб, ёрдамчиларига оқ йўл тилади. Амир умаролар ёй ўқи каби отилиб, чериклари томон учдилар.

Усмонли қўшини кўтараётган чанг-тўзонни кузатиб турган хоқоннинг кўнгли алағда эди. Унинг ўзи ва яна уч тўрт нафар энг яқин кишиси биладиган ғоят махфий сир бор эдики, бундан лашкарни огоҳ этиб, оғиз очиб бўлмас эди. Қўлга тушган тиллар ва олинган бошқа билгиларга кўра Йилдирим Боязид қўшини Амир Темур қўшинидан юз мингча ортиқ эди. Буни лашкар эшитса руҳига таъсир этиши, жангда сусткашлик қилиши мумкин эди. Шу боис расмий равишда узун қулоқ гапларга чек қўймоқ учун ягий биздан оз деб эълон қилинди. Сиёсату жангда бу каби фойдали ва ширин ёлғонларни ўрнида ишлатиб келган лашкарбоши эски усулни қўллаган, тадбир ўз самарасини бериши керак эди. Темурдаги махфий маълумотга кўра султон қўшинидан чиқиб, Темур томонга ўтадиган қора татарлар ҳар қандай шароитда усмонли ўрдусига қарши қилич кўтармас эди. Уларнинг Темурийларга қарши урушмаганининг ўзи катта гап. Темурнинг Боязид билан бевосита юзма-юз тўқнашишдан қочаётганининг бош сабаби ҳам шу эди аслида. Шу боис у рақибни бўлиб-бўлиб, парчалаб енгиш



...нинг қўллаган, беш-ўн бўлак минглиги ёки ўн минглиги ... ҳар қандай катта қўшиннинг ҳам жангни давом ... юраги дов бермай қолар, черик тўзий бошларди. ... ўрдусини фақат ҳийла, тадбир ва эҳтиёткорлик би... мумкин эди.

Султон Йилдирим Боязид руҳан Темур билан савашмоққа ... бўлмаганлиги учун асабийлашиб сарой аъёнлари... ва устма-уст хатога йўл қўйрди. Қўшинда озиқ... захираси тугаб бораётганини айтиб келган амири... эртагаёқ катта масофада ов уюштиришни буюрди. Кўп ... иккинчи бир амири саратоннинг бундай иссиғида ов ... уюштириш ақлга сиғмайдиган иш эканлигини айтиб келди. ... Султон Йилдирим Боязиднинг оғзидан чиққан эди. У ... қайтариб оладиганлар тоифасидан эмас эди. Амирни ... даргоҳидан қувиб солди. Бироқ оқибат аянчли бўлиб чиқди. ... пайтида иссиқ ва сувсизликдан кўп жангчилар ҳалок бўлди. Лашкар орасида норозиликлар юзага келди. Бунинг устига асосий қўшин ов билан машғул бўлиб, рақибга ... қулай мавқени эгаллашга кечиккан, усмонли қўшини ... келганда барча муҳим тепалик ва сой бўйларини рақиб аскарлари ишғол этганди.

Ҳиндистондан келтирилган ўттиз икки фил текис майдонларда иш берди. Рақибнинг суворий тўдаларини ҳуркитиб, Чубук водийсини икки бор у ёқдан бу ёққа юриб чиққач, уларнинг иши тугади.

Жангдаги бурилиш усмонли лашкари ўнг қанотининг қўмондони Периславнинг ҳалок бўлиши билан бошланди. Машҳур лашкарбошининг боши сапчадек узилиб тушганини кўрган серблар ва бошқа насроний аскарларининг шашти пасайиб, ораларида саросима ва тарқоқлик юз берди. Натижада усмонли турклар қўшинининг ўнг қаноти сиқувга дош беролмай чекина бошлади. Темур чекинаётган ўнг қанотни таъқиб этиш ва асирга олиш учун иккинчи тартиб сафларини юбориб, сербларни Боязиддан ажратиб қўйишни

буюрди. Бироқ жаҳлдор ва жасур серблар саваш... сиз эдилар. Темур режасини чиппакка чиқарган ... аксинча, туронликлар сафларини ёриб ўтиб, Боязид... заҳирадаги қўшини билан бирлашдилар.

– Бу жулдурвоқилар мисли шер каби олишяпти... Қойи-ил! – деди Темур ёнида турган Боботуркга ... оҳангда. – Ўз тарҳим билан жангга кирмасам бўлмайди...

Темур шундай деб бевосита султон бошқараётган қўшинга зарба бериш ва уларни ўнгланиб олишига йўл қўймаслик учун ўз черики билан жанг кечаётган май... сари от солди. Хос амирлар ҳам сурон солиб бош қўмонд... ортидан от сурдилар. Хоқоннинг бевосита жангга кир... лигини, черик олдида хос байроғининг ҳилпираб бори... ўнг ва сўл қанот қисмларининг руҳини кўтариб юборди. Дара узра туронликларнинг "урхо-ури" янграр, усмон... қўшинининг олдинги сафлари саваш чизиғи бўйлаб чеки... на бошлаганди. Султон асосий кучлар билан қулай мавқе... тепаликда жойлашгани учун чекинаётган ва таъқиб этила... ган чериклар тисланганча, унга келиб қўшиларди.

Жанг бой берилганини илк бор серблар қўмондони, су... тонинг қайноғаси Степан пайқади. Ва шу заҳотиёқ Боязид... қочмоқни маслаҳат берди. Бироқ айни дамда Боязиднинг ха... лида енгилмоқ фикри йўқ эди. У Турон саҳроларидан келган бу ялангоёқ ёввойиларни бугун-эрта янчиб ташламоқ ният... дан қайтмаган, енгилмоқ етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди.

Бироқ серб шаҳзодаси поччаси Боязидга ўзининг ҳозир... қочишга аҳд қилганини айтмади. Бошқа қўмондонлар билан маслаҳатлашиб, Бурсага чекинаётган амир Сулаймонга ёр... дам бериш баҳонасида жангдан сирғалиб чиқиб, жуфтакни ростлади.

Яничарлари сони тобора озайиб бораётган Йилдирим Боязид дастлаб қуршовга тушганини сезмади. Кеч кириб, қуёш қорайиб ярим оқшом бўлса ҳамки, икки черик уру... шар, усмонли лашкари жон олиб жон берар эди. Йилди...



...Боязид намозшомгача қаршилик кўрсатди. Атроф ... ва ярадорларга тўлиб кетган, жасадларни четроққа ... қўйиб, ўлим талвасасида қичқираётган яралиларга ...ган одам ҳам қолмаган эди. Бундай қирғин-баротни, ...кирона жангни бу ҳудудларда яқин замонларда ...ган эдилар.

Атрофида юз чоғли навкари қолганини кўрган султон... тепа сочи тик бўлди. Сарғиш юзидан қон қочиб, рум ...лари каби оқарди. Шундан сўнггина у қочишга аҳд ... Хос мулозими тутиб турган икки учқур тулпорининг ... яраланган, иккинчиси соғ эди. Яғринига ёй ўқи тек... ...отга мулозимни ўтиришга буюриб, ўзи соғ отга мин... ...Миср султони Фараж совға қилган бу тулпор жилови... ...бўш қўйса Бурсанинг ярим йўлига етказади, хаёлидан ... султоннинг. Фақат суворийлари ортидан етиб юрса ... Бу жаҳаннамдан қутулиб кетади. У шу ўйлар ...ида икки чақиримча чопди.

Бироқ кўпни кўрган султоннинг кўнглига келгани бўлди. ... хориб, қаттиқ чополмади. Тулпор қамчи зарбидан ...моққа шайланди-ю, мункиб, баҳайбат гавдаси билан ол... ...га отилди. Нима бўлганини англолмай, ерга учиб туш... ... султон яқин орадан туронча талаффузли аскарларнинг ...қиришаётганини эшитди. Юраги орқасига тортиб кет... ... Туронликлар унга етиб олдилар. Туронча-лаб йўғон ...ли бир киши "Таслим бўл! Жонинг омон қолади! Қуршовдасан! Султонинг қани?" дер эди. Султон Йил... ...рим Боязид худди шу дамда шўрига астойдил шўрва ...қилганини илк бор туйди, тушунди. Англадию, тушим... ...ми, ўнгимми дегандек, чолорқа ётганча теварак-атрофга ...ларақ аланглади. Унинг боши ва ўнг оёғи қаттиқ оғрир, ...карлари ҳам ўзлари билан ўз бўлиб қолган эди. Одам... ...лардан кимдир султоннинг шу ердалигини айтарди. Ундан ...ўн қадамлар нарида ўлган жангчиларининг мурдаси ётар, ярадорлар инграр эди. Вазият шу қадар аянчли ва бенаво эдики, тасвирламоққа тил, сўзламоққа сўз ожиз эди.

Оғриётган ўнг оёғини аранг йиғиштирган Боязид ... икки тиззасини ушлаганча, бир амаллаб ўтирди. Бошин... тарганда тепасида хос кийимли бир лашкарбоши ... навкарлари усмонли черигини қуролларини терий... шарди.

– Мен Чиғатой ўрдасининг хони Султон Маҳму... дирмен, сиз Султон Йилдирим Боязидмисиз? – деди у ... тушиб.

Султон гап-сўзсиз бошини ирғади. Вужуди тош ... қотган, бояги оғриқлар ҳам бирдан тўхтаган, аъзойи ба... музга айланган эди. Усмонли тарихида ҳеч бир султон ... каби шармандали ҳолатга тушмаган деган ўй хаёлини ки... каби сермаб ўтган султон серрайганча ўзини танитган ... шига тикилиб қараб турарди.

Шу тахлит унинг қўлига кишан уриб, аравага ўтказ... Темур ҳузурига олиб бордилар...

...Султон ила Шайх Рамазон суҳбати ярим кечагача дав... этди ва ҳали-бери тугамайдигандек эди.

– Бу савашда бизнинг энг катта хатойимиз нимадан иб... рат деб биласан? – дея сўнгги саволни берди Йилдирим Бо... язид амирига.

– Энг катта хатойимиз, савашга йўл қўйганимиз, – деди Шайх Рамазон бироз ўйланиб туриб. – Темур тўқсон тўққиз эмас, юз фоиз ғалабасига ишонмаса, ҳар қандай жангга кир... майдиган саркарда. Биз ана шуни ҳисобга олмадик, султо... ним. Хоқон ҳазратлари саваш олдидан бутун аскарлари... етти йиллик маоши миқдорида укулка тарқатибди. Укул... ка деб улар жанг олдидан улашиладиган ақчадан иборат махсус совғани айтадилар. Бу қадар миқдорда сарватга эг... бўлган жангчи ана шу бойликни ҳимоя этмоқ ва юртига олиб кетмоқ учун ҳам астойдил савашади. Шу туфайли Ту... рон ўрдусида талофат йўқ ҳисоб бўлган.

Султон Йилдирим Боязид пастки лабини тишлаганча бо... шини ирғаб, маъқул ишорасини қилди.

Улар ерга боққанча сукутга чўмдилар.



...дир эшигидан тонг ёришаётганини фаҳмладилар. Сул... ... садоқатли амирини кузатиб чиқди. Бир-бирларини ... бағриларига босиб хайрлашдилар.

– Энди дийдорлашув қиёматга қоладиган бўлди, Рамазон! ... у юртларда қолиб кетма! Қайтиб келиб тахтхўрларга ... бўл! – деди кўзлари ёшга тўлиб. – Қайтиб келмасанг, у ... бу дунё сендан рози эмасмен!

– Келурмен, ҳазрат, келурмен! – деди Шайх Рамазон ҳам ... ёшларини тўхтата олмай.

Амир Шайх Рамазон кўздан ғойиб бўлганда ҳам султон Йилдирим Боязид чодир ҳовлисида, кунчиқишга қараган ... ҳайкалдек қотиб турарди.

Анчадан сўнг ўзига келган султон мулозимини чақириб, ... ҳузурига табибни чорлашни, кўч-кўронни ҳозирлаб, эрта ... тонг Оқшаҳар томон йўлга тушажакларини айтди.

Султоннинг эски дамқисма касали хуруж қилиб, нафаси ...қилаётган эди. У оёғини зўрға кўтариб босиб, чодири то... ...мон юрди. Икки хос мулозим югуриб келиб, икки тирсаги... ...дан тутди.

– Ё Оллоҳ! – деди Йилдирим Боязид чодирга кирар экан, бир зум тўхтаб, ёришиб келаётган самога тикилганча.

Илож қабул қилган султон тошдек қотиб ухлаб қолди ва ...шом намозига қадар турмади.

Бу беҳоллик, хаёлининг кирди-чиқдилиги борган сари ... панжмурда танасини исканжага олар, кўзи тиниб, боши ай... ...ланарди. Уйқуга кетмоққа ҳозирлик кўрар экан, отасининг ... арвоҳи чодир узра айланиб, уни кузатиб тургандек туюла... ...верди.

...Кўзи илинар-илинмас шаҳид отаси қора кийимда бош тарафига келиб турадиган бўлиб қолди. У ҳайкалдек қотганча ўғлига бир замонлар айтган сўзларини такрорлар... ...ди. Султон ярим ухлоқ, ярим уйғоқ бир ҳолатда дами ичи... ...га тушганча падари бузрукворининг узуқ-юлуқ сўзларини тингларди.

...Тарихий хотираси ва ҳофизаси ёрқин бўлмаган, идроки муқаддас қадриятлар асосида тиниқмаган, да оқиллигу диёнат теран илдиз отмаган улусларда давлат тартиби ерига ўтирмайди. Бу эса ҳар замон инқирозлар, ихтилофу инқилобларнинг ибтидосидир...

...Инсон юраги севгига тўла эмас экан, вақт ўтиши бу чала меҳр ўрнини кин, ҳасад, ёвузлик ва нафрат эгаллай бошлайди...

... Кучлиман, давлату салтанатим барчадан кудратли чиранма. Давлат, кучли ҳукумат билан муддаосига ша олмайди. Теграңгни ўраган жамоанг кучли ва очиқ бўлмаса бефойда. Бусиз бошига ким келиб кетмасин, нат салтанат, улус улус, тупроқ Ватан бўлмайди...

...Дунё ҳақиқатларини ўрганиб мушоҳада этиб, хулоса чиқармоқ салоҳиятига эга бўлмаган улус ўзининг дунёвий фикрлайдиган катта шахсиятларини емоқ ва маҳв этиш билан шуғулланади. Тубанлик ва пасткашлик ботқоғига ағанаб вужудини булғаб олган кимсаларнинг энг асосий машғулоти – ана шу ҳасад, нафрат, фисқу фужур шатқоғини соф ва беғубор, ёрқин ва истеъдодли кишиларга суртмоқдан иборат бўлади. Модомики, салтанатни бошқармоқ мендан сўнгра сенинг гарданингга тушар экан, сиёсат юргизмоқда ҳар қандай қаҳр-ғазаб, нафрат ва кин, манфаатпарстлик ва худбинликдан устун турмоғинг керак.

...Ва унутмаким, кин ва нафрат, ҳасад ва фитна, пасткаш ва тубан қалбларда жон сақлайди.

...Қондан, тарбиядан ва илмдан келган олижаноблик оламни ёритажак. Асоссиз ва ҳақсиз ҳеч қачон кимсани норизо этма. Бу дунёда энг буюк гуноҳ беғубор, бегуноҳ инсон кўнглини синдирмоқдир...

...Ва ҳар замон зулму шиддатдан қоч, узоқ тур! Бу икки ноинсоний эътиқоднинг тубида ожизлик ва умидсизлик ётади.

...Улус етакчилари ҳаёт, мамот дақиқаларида, миллат тақдиридаги ҳал қилувчи дамларда, қарор ва қадар онларида янглишдиларми, билгинки, халқларининг келажа-



ҳакумият ва инқироз сари дўнажакдир. Унутмаким, Оллоҳи карим буюргани каби ўлажакдир... “Барлиқлар Оллоҳдин! Барча ёмонликлар сенинг ўз ...ингдан!”

Ҳукмдорлик, сулҳу битим, урушу яраш, сўғишу саваш ...лда бўлмасин сиёсатдир! Уруш, сиёсатнинг энг ..., тубан ва фожиона кўриниши ва якунидир. Қону жон ... жойдан, ҳар қандай инсофу диёнат, эмну амният, ... адолат, қуту барокот кўтарилади.

Хайрихоҳлигу – нохайрихоҳлик, рақобату – ашаддий ...лик, ўлим-қолим саваши-ю – бошнинг дорга етиши! ...сини совуққонлик, эс-хушингни йиғиб, сиёсий очиқ ...-ла ерига қўй! Унутмаки, сен миллат отидан, миллат... сарватидан ва у берган ваколатга кўра давлат наздидан ... юргизасан!..

Ожиз ва тасодифий хукмдорлар мулку-давлат, салтана... ҳукуматни сучли ва кучлилар қўлига бериб қўядилар!..

...Жаҳолат ва сафолатга қарши мужодала этмас экансан, ...ким, сўзсиз унинг қурбони ўлурсан!..

...Миллатни сев ва унинг меҳру муҳаббатини қозон! Сен ...сни севсанг, улус сени севмаса, бундан буюк фожиа ...дир! Бир тарафли севги қора савдодир!

...Истибдодга қарши, инсон қалби озодлиги, юрак эрки... тантанаси учун адолат ва хуррият қиличини қўлда тут... экансан, айланиб келиб бу шамшир ўз бошингга тушажакдир!

Ҳеч қачон ва ҳеч бир замон ёнгиндан мол олиб қочган қирссиз каби ажала иш тутма! Аввал ўйла, сўнгра сўйла!

Ўзингни шундай тут ва шундай сўзлаким, дўсту душман, яғийу рақиб, ҳатто кўнгил етар одамларинг ҳам сен ҳақингда оғиз очолмасинлар!

Дўсту душманни эшит! Ёлғон-яшиқ сўйласа-да сўнгига қадар тингла!

Ёлғоннинг, ярим ёлғоннинг фарқига етмасдан туриб,

ҳаку ҳақиқат, адолат манзилига ета олмассан! Унутма адолатнинг юзини беркитган ярим ҳақиқат – ёлғондан-да даҳшатлидир!

Инсонлар ақли-зако ноқислиги боис ҳақиқат ва ... нинг юзига боқмоққа журъат эта олмайдилар!

Кўнгилларига хуш келган алдоқчи ва кўз қамаштирувчи ёлғонларга ошуфта бўлганлари учун ўзларини алдаб, ... бордек, мутсиз ўлсалар-да масхарабоз каби ўзларини ... теградагиларни алдаб яшамоқни афзал кўрадилар!

Шу туфайли охир-оқибатда ўз хатою нуқсонлари, гуноҳ жиноятлари денгизи тубига ғарқ бўладилар...

Шошиб-пишиб, ақлингни бошга йиғмасдан, ... баландни ҳисобга олмасдан, эрта кунда шоҳликдан гадоликка, гадоликдан адоликка тушиб, ҳоки туроб бўлмаслик учун ўйлаб-ўйламай болтани тошга урма! Болта буниндан сўнг не қадар ишга ярамаганидек, сен ҳам болта урмоқ ва ... колатини абадул-абад йўқотасан!

...Қасрдадирсан, қабрдадирсан, тонг отар, кун ботар умр елдек ўтар эди...



# ЎНИНЧИ БОБ

*Мен Соҳибқирон ҳазратнинг қулиман. Менинг пушти паноҳим шу давлат ошён остонасидир. Агар хисравона илтифот ва марҳаматлар мени чокарликка қабул қилсалар, бундан кейин илгариги хилофан хизматкорлик маросимини тақдим этгумдир ҳамда бу мамлакатнинг сикка-тангаси ва хутбани ҳумоюн ном ва лақаб билан оросталаб, хирож ва муқаррар молни йилма-йил хазонайи амирага етказиб тургумдир.*

**Миср султони Носируддин Фаражнинг Амир Соҳибқиронга ёзган мактубидан**

Султон билан кўнгли вайрон бир ҳолатда видолашган амир Шайх Рамазон соқчи ва қоровуллардан сўраб-суриштириб, Темур қароргоҳи томон борар эди. Амир Рамазон улуғ хоқон хизматига Насибин қалъаси фатҳидан сўнг етишди.

– Султон ҳазратларининг аҳволлари нечук? – сўради Темур амирни хос чодирида қабул этаркан.

– Яхши эмас, зоти олийлари, – жавоб қилди Шайх Рамазон улуғ хоқон кўрсатган ерга ўтирар экан. – Бутун хатти-ҳаракатидан ўзини сўнгги манзилга ҳозирлаётгандек кўринди, назаримда. Эски дамқисмаси кўзғаб, елкасидан нафас олиб ўтирибди. Аҳволини кўриб, ичим тўкилиб кетди, ҳазрати олийлари. Ўлимни бўйнига олганлигини ва ношукурлик бўлса-да, худодан жонини олмоқни сўраётганлигини айтди. Саваш майдонида ўзини ташлаб кетган ўғиллари, яқинлари ва лашкар бошлиқлари-ю беклaридан ҳам юз ўгирган. Ҳаётининг сўнгги дақиқасига қадар улар афтига боқмайди ва кечирмайди.

Темур мунгли қиёфада сукут сақлаганча ўйга толган ...
Оғир хўрсингач, амирга маъюс боқиб деди:

– Одатда барча султонларнинг тақдири бир-бирига ўх... кетади. Султон Йилдирим Боязидни безовта этган у ... вишлар мени тинч қўяди деб ўйлайсизми, жигарим Ра... зонбек?! Султоннинг душмани юз бўлса, меники ми... дир балким. Эртага устимизга тупроқ тортилгандан с... кўрасиз, улар не қадар юксак сасларда гўримизга ... қалашларини. Биримиз беш кун олдин кетсак, бирими... кун кейин. Бироқ тирикчилигу димоғимизнинг балан... ги худди ўлмайдиган жонзод кабидир. Ҳикоянгизни ... тиб, мен ҳам эзилиб кетдим. Ҳақиқатан ҳам Султон Й... дирим Боязид буюк бир турк арбобидир! У каби мард ... жасур лашкарбош ва подшоҳ, олижаноб инсон ва дини ... лом ҳомийси юз йилда бир туғилади. Ҳаётимнинг сўнг... дақиқаларига қадар мен ҳам бу тўқнашув учун ўз-ўзим... афв эта олмасам керак. Ғоят ғурурли, юксак шаън-шараф ва ор-номус соҳиби бўлмиш султон ҳазратлари ҳам Анқара мағлубиятини ҳеч қачон ҳазм эта олмагандек, ўзини ҳам ке... чира олмайди. Шарафсиз ҳаётдан кўра шонли ўлимни афзал кўрадиган шахсиятдир. Бироқ ҳар қандай тарихий хато ҳам келажак насллар учун буюк бир сабоқдир! Бизни тўғри ту... шунган насллар, англаб етолмаганларга англатажаклар!

Сўзини тугатган Темур беихтиёр, ўрнидан туриб кетди. Шайх Рамазон ҳам ўрнидан қалқди. Улар бир муддат оёқда қолдилар. Темур яна амирни курсига даъват этди.

– Султон айни дамда қаерда? – сўради босиқ овозда.

– Менимча, Оқшаҳарга йўл олган бўлсалар керак, – жавоб қилди меҳмон.

– Султонга табиблар билан бирга совға-салом, билхосса, танқис емак-ичмаклар юборсак не дейсиз?

– Яхши бўлар эди, улуғ хоқон ҳазратлари.

Темур эшик оғасига амир Боботуркни чорлашни буюрди. Зум ўтмай чодирда амир ҳозир бўлди.



...хос табибларимиз мавлоно Иззуддин Масъуд Шерозий ...ни мавлоно Жалолиддин Араб бугуноқ Оқшаҳарга, Сул... Боязидхон хузурларига жўнаб, ул кишига боқсинлар. ...нинг ҳазратларига муносиб ҳадялар, хос шарбатлар, ...нинг емак-ичмакни мўл миқдорда ҳозирлаб, ўзингиз бош ...иб борасиз. Менинг салом ва хурматларимни сўйланг. ...ши кунларда зиёратларига боражагимни етказинг! – ...ирга кўрсатма берди улуғ хоқон.

Амир Боботурк устози буйруқларини диққат билан ...нглади. Таъзим бажо келтирган кўйи Соҳибқиронга ...ни келиб, саропарда ўнгида бир дарвешнамо киши хоқон ...зратларида қарзим бор, шуни ўташим керак дея мулозим...рини қийин-қистовга олаётганини айтди.

Улуғ Амир ҳайрон бўлганча, Боботуркнинг юзига тики...иб қолди.

– Қарзи бўлса-да, бўлмаса-да ҳамон кирсун, – деди ...ҳайрат-ла шогирднинг кўзига боқиб. – Ҳар ҳолда у дарвеш... ни менгзимайди, чамамда, Боботурк. Сен топиб келган ки...шилар доимо шунақа бўлади.

Амир таъзим ила тисланиб, саропардадан чиқди.

Хоқон хузурига эроний қиёфали қиррабурун, қуйкўз, зан...ги сифат, дарвеш жуббаси кийган эллик ёшлардаги киши ...кириб келиб, палос ўпди.

Хоқон бу ғаройиб дарвешга қараб қолди. Уни қаерда ва ...қайзамон кўрганини эсламоққа ҳаракат қилди. Бироқ хотир...лай олмади.

– Мен фақир қулингизни танидингизми, султони акрам ҳазратлари? Ёхуд ўзимни танитайми? – деди дарвеш чўк...калаганча.

– Кўзимга ғоят иссиқ кўринмоқдасан. Хотирлар эдиму, бироқ бунга фурсатим йўқ. Бироқ сен-ла кўришганимни эс...лайман. Яхшиси, ўзингни танит, биродар, – деди хоқон кўнокни хуш қаршилаб.

– Мен Султония вилоятидаги Бағдодия кент ва

қасабасининг сиз нишон бериб тайин этган собиқ ноиб Абдул Ғариб Ғазолий[1]дирман, зоти олийлари, – деди тиз билан дарвеш.

– Ҳа-а, эсладим ва танидим, Абдул Ғариб авлодим. Шувимизнинг ўзи бир ҳангома бўлган эди. Хотирлади тирладим, – деди улуғ Амирнинг чеҳраси ёришиб. – Дарвеш жуббасию кулоҳида юрибсан? Сени азл этдилар Ёхуд бирортаси жабр-зулм кўргаздими?

– Йўқ, улуғ султоним. Эгнимдаги бу албисани ўзим ўлароқ кийиб юрибман!

– Недан бундай қилдинг? – ҳайрати ошди хоқоннинг.

– Сизга етказишим керак бўлган қалъа ва қасаба насидан қолган олтинлар мана шу тўрвамда. Бу бойликни бошқа бир усулда ўғрию қароқчилар кўзидан сақлаб рай олмас эдим. Ўн беш йил волийлик қилиб, сўнгра ихтиёрим-ла истеъфога чиқдим. Бироқ хазинада қолган бойликни нима қилмоқ хусусида ўйлаб, ўйимга етолмадим. Ўз ақли ожизимча, фикру мушоҳада қилдим. Бўркимни олиб қўйиб ўйлаб, бир қарорга келдим. Хоқон Темур мега шаҳар, ўлка ҳадя этди. Ўн беш йил Миср султони каби яшадим. Инсон зоти мушугимни пишт демади. Мен айдал банда ул жаҳон султонига не хизмат қилдим? Унинг бу олижаноблиги ва саховатпешалигига қандай жавоб бердим? Ҳатто бирор марта ҳузурига совға-салом ила бориб, зиёрат этиб, ташаккур ҳам билдира олмадим. Хоқон ҳазратларининг менда ҳақи бор. Оллоҳ омонатини олиб бу дунёдан ўтиб кетсам, ҳақлари менда қолиб кетади. Бунинг сўроғи бор. Хоқон ҳазратларининг бўйнимда қолган қарзларини узишим керак дедиму, тўрвани бўйнимга илиб, қилиқ-қиёфамни тегиштириб, ҳумоюн яловингиз изига туш

[1] Ғазал сўзи арабчада биз билган шеър маъносида. Ғизол, Ғазол – кийик, оху демак. Ғазалкент шаҳри ҳам аслида Ғазолкент, Оҳукент ёки кийиккент демакдир.



…ди. Минг азоб-укубат, сарсону саргардонликдан сўнг эга… бир айтганим бор эканким, мана шул манзилда муборак …шингизга етишиб, палос ўпмоқ шарафига ноил бўлдим.

Мусофир бошидан кечирганларни ҳикоя қилгани сари …дан ёш қуйиларди.

Ҳикоядан таъсирланган хоқон ва амир ҳайрат-ла унинг …га қараб қолган эдилар.

Мана ўша Бағдодия хазинасидан қолган олтинлар. Қабул этинг, султони акрам ҳазратлари, – деди меҳмон …им халта олтинни улуғ Амир тахти пойига қўяр экан. – …нинг соҳибига топшириб, қарзимдан кутилдим. Елкамда… оғир юкдан халос бўлдим. Энди бир орзуйим қолдики, … ҳам бўлса ҳаж зиёрати. Сизнинг дуои фотиҳангиз билан …га чиқмоқ ниятидаман. Бул ҳудудлардан ул муқаддас тупроқлар узоқ эрмас экан.

Ғазолийнинг жўмардлигига тан берган хоқон унинг гап… ларини мароқ-ла тинглаб, хатти-ҳаракатларини завқ би… кузатар эди.

– Илк учрашувимиздаёқ сенинг шундай инсон эканли… гингни билган эдим, биродар. – Шул боис ҳам кўз-кўзга …шганидаёқ ҳокимликка атаган эдим сени. Тўғрилигинг … садоқатинг учун Оллоҳ сендан рози бўлсин! Сен каби …шиларнинг икки дунёси ободдир! – мусофирга ҳурматан …лади хоқон. – Сен кийим-кечагингни алмаштириб, ҳаммом қил, бироз истироҳат эт, қазо бўлган ибодатларинг… ни бажар. Оқшом усти кўришиб, суҳбатлашамиз.

Улуғ хоқон одамлар орасида минг, балки юз мингдан бир учрайдиган султониялик волий ортидан қараб қолди.

– Ана одамнинг фариштаси, – деди сўл томонида бу учрашувдан таъсирланганча лол бўлиб ўтирган амир Шайх Рамазонга. – Бу инсон билан илк кўришув ва танишувимиз ҳам бир ғаройиб тарихдир, амир жаноблари. Мен сизга шуни айтиб бермоқчиман...

...Қўшин Бағдодия кент ва қасабасига кириб келарди. Шаҳар жангсиз таслим бўлган, қолганлар қолиб, яккам-дуккам одамлар боши оққан томонга қараб кетишар эди.

– Амир Боботуркнинг кўзига қарамоқ мен учун оғир, – деди хоқон ўйчан оҳангда. – У аввал-бошдан, ҳар қандай шароитда усмонийлар билан бўладиган тўқнашувга қарши эди. Бундай ҳол юз бермайди дея унга сўз берганим ҳам бор. Сўзимнинг устидан чиқа олмадим. Фалак шамоли бизни ўзимиз тасаввур этмаган воқеалар гирдобига улоқтириб ташлади, – деди Темур чодир қопусига тикилганча. – Орамизда амир Боботурк каби инсон йўқ. У юрт ва улус иши учун шахсий ҳаётини қурбон қилган кишидур. Севган хонимми Деҳлида яшайди. Билишимча, улар ҳаётларида бир маротаба қовушдилар. Агар биз Ҳиндистонга юриш қилмасак, у суйгани билан кўришмай ўтиб кетармиди? – деди кулимсираб Темур. – Аслида эл-улуснинг юки Боботурк ва сиз каби жонфидолар елкасида бўлади.

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! – деди ўнг қўлини оҳиста кўксига босиб Рамазон суҳбатдошини диққат билан тинглар экан.

– Яқинда хабар олдик. Бобоҳасан ва Бобоҳусайн деган ўғиллари туғилибди. Беҳад мамнун бўлдим. Бу ёруғ очунда ҳеч бир нарса кишига фарзанд кўрганчалик қувонч ва ифтихор туйғусини бахш эта олмайди. Ҳатто фарзанд отлик аксарияти бу арзанда қобилу ноқобил ўлса-да. Бироқ авлод деганингизнинг аксарият она аждодга тортар экан. Боиси, у она вужудининг бир парчасидир. Ота эса тирикчилик ташвишида ўру қирда юриб, имкони туғилса яна уйланиб, бола-чақасидан узоқлашиб бораверар экан. Отага меҳр ва садоқат эрса, болага она меҳрию ахлоқи орқали ўтадир.

– Муҳтарам амиримизга Оллоҳ бағишласин! – дуо қилди Шайх Рамазон.

– Усмонли лашкари савашда беназир. Биз уларни усул ва тажриба ила енгдик, – деди хоқон мавзуга қайтиб, Рум қўшинига тан бериб. – Бу черик амири шошмасдан, режа асосида ва навкарни норизо этмасдан иш юритса, яна эски куч-қудратига қовушади.

Рум тупроқларида Турон ўрдуси тасарруфига кирмаган



бир қўрғон – Эгридир қалъаси қолган эди. Қалъа ичидагилар борган элчига салбий жавоб бердилар. Улуғ хоқон илғор сони, Улуғюртдан шу қалъа томон юришга амр берди. Амирзодалар Шоҳрух, Або Бакр, Искандар ва Султон Ҳусайн, амирлар Шайх Нуриддин, Шоҳ Маликбек, Севинчак ва Али Султон Тавачиларга Насибин ҳисорининг забти амр этилди.

Теридан кема ва соллар ясалиб, қалъа қуруқлик ҳамда денгиздан қамал қилинди. Вазият оғирлигини кўрган Эгридир ҳокими Шайх Бобо амирзода хузурига келиб, омонлик тилади. Шоҳрухмирзо Шайх Бобони падари бузруквори ҳузурига олиб келди. Темурнинг ўнг тарафида ўтирган амир Шайх Рамазонни кўрган Шайх Бобо ўзига келгандек бўлди.

– Нечун элчимиз ҳузурингга сулҳ таклиф этиб борганда қабул этмадинг, Шайх Бобо? – сўроққа тутди хоқон уни тик турганич ҳолда.

– Мен буни истар эдим. Бироқ уч-тўрт нафар араб ва форс черик бошлиқлари рози бўлмадилар, – жавоб қилди ҳоким.

– Модомики, қўл остингдаги одамларинг сўзингга қулоқ солмас экан, демак, сен аллақачон ҳокимликни тарк этмоғинг лозим эди. Агар сен бу қадар дунёбехабар, теварак-атрофда не воқеа ва ҳодисалар юз бераётганини билмайдиган ҳукмдор бўлмаганингда бизга ҳамда раиятингга нисбатан бугача давранардинг. Шу боис, мен сени ва ўша бўйни йўғон лашкарбошиларнинг терисини шилишга буюраман!

Шайх Бобо ўкириб йиғлаганча ўзини улуғ хоқон оёғига ташлади. Темур беихтиёр Шайх Рамазонга ўгирилди. Амирнинг юзида норозилик аломати зоҳир эди.

Орага оғир сукунат чўкди. Кимсадан садо чиқмади. Улуғ хоқон саропардасида пашша учса эшитиладиган жимлик ҳукмрон эди.

– Улуғ меҳмонимиз, амир Шайх Рамазоннинг иззат-хотири учун қароримни бир пиёла шарбат ичгулик муддатда ўзгартираман, – деди Темур ер бағирлаб ётган ҳокимга қараб. – Насибин қалъасининг ҳокими хонадони ва эли билан Турон заминга кўчирилиб, оқ уйлик қилинсун!

...ўрғон – Эгридир қалъаси қолган эди. Қалъа ичидагилар ...элчига салбий жавоб бердилар. Улуғ хоқон илғор со-... Улуғюртдан шу қалъа томон юришга амр берди. Амир-...мир Шоҳрух, Або Бакр, Искандар ва Султон Ҳусайн, ...лар Шайх Нуриддин, Шоҳ Маликбек, Севинчак ва Али ...тон Тавачиларга Насибин ҳисорининг забти амр этилди.

...ридан кема ва соллар ясалиб, қалъа қуруқлик ҳамда ...гиздан қамал қилинди. Вазият оғирлигини кўрган Эгри-...р ҳокими Шайх Бобо амирзода ҳузурига келиб, омонлик ...ади. Шоҳрухмирзо Шайх Бобони падари бузруквори ...урига олиб келди. Темурнинг ўнг тарафида ўтирган амир ...айх Рамазонни кўрган Шайх Бобо ўзига келгандек бўлди.

...Нечун элчимиз ҳузурингга сулҳ таклиф этиб борганда ...ул этмадинг, Шайх Бобо? – сўроққа тутди хоқон уни тик ...ргани ҳолда.

...Мен буни истар эдим. Бироқ уч-тўрт нафар араб ва форс ...рик бошлиқлари рози бўлмадилар, – жавоб қилди ҳоким.

...Модомики, кўл остингдаги одамларинг сўзингга қулоқ ...имас экан, демак, сен аллақачон ҳокимликни тарк этмоғинг ...ким эди. Агар сен бу қадар дунёбехабар, теварак-атроф-... не воқеа ва ҳодисалар юз бераётганини билмайдиган ...укмдор бўлмаганингда бизга ҳамда раиятингга нисбатан ...ғача давранардинг. Шу боис, мен сени ва ўша бўйни йўғон ...шкарбошларнинг терисини шилишга буюраман!

Шайх Бобо ўкириб йиғлаганча ўзини улуғ хоқон оёғига ...шлади. Темур беихтиёр Шайх Рамазонга ўгирилди. Амир-...нинг юзида норозилик аломати зоҳир эди.

Орага оғир сукунат чўкди. Кимсадан садо чиқмади. Улуғ хоқон саропардасида пашша учса эшитиладиган жимлик ҳукмрон эди.

– Улуғ меҳмонимиз, амир Шайх Рамазоннинг иззат-хо-...тири учун қароримни бир пиёла шарбат ичгулик муддат-...да ўзгартираман, – деди Темур ер бағирлаб ётган ҳокимга қараб. – Насибин қалъасининг ҳокими хонадони ва эли би-...лан Турон заминга кўчирилиб, оқ уйлик қилинсун!



Соқчилар ҳокимни олиб кетдилар. Лашкар Насиби... фатҳ этиб, қўлга кирган молларни қароргоҳга келтирди...

– Тушган ўлжа, моли омон баробарида лашкарга та...симлаб берилсин! Бирорта амир ва сарой маъмури ...қўлини теккизмасин!

Эшик оғаси илдам юриб келиб, Темурнинг қулоғига ...мадир деди.

– Чақиринг! – деди Темурнинг авзойи бузилиб.

Саропардага валиаҳд Муҳаммад Султоннинг хос амир...ридан Уммат Султон кириб келди.

– Оллоҳ шифо берсун, амирзода Муҳаммад Султонни... аҳволлари оғирдур, – деди амир ранги-қути ўчиб.

– Амон Тавачини чорла! – деди хоқон эшик оғасига.

– Табибларни олиб, зудлик-ла Уммат Султон билан би... Қайсарига жўнангиз. Шаҳзоданинг хасталигини мукам... таҳқиқ қилиб, менга хабар етказинг. Мен ҳам ортинги... йўлга чиқурман! – деди хоқон тавачи кириб келгач.

Шом намозидан сўнг Шайх Нуриддинни ҳузурига чорл...ган хоқон Оқшаҳар сари юрмоқ учун ҳозирлик кўринин... юрди. Эртаси куни пешин намозидан сўнг олий ўрду жой...дан қўзғалди.

Ёғингарчиликлар бошланиб, қиш ҳавоси эсиб қолган, бироқ денгиз бўйларининг мўътадил иқлими роҳатбахш эди. Денгиз соҳилида турмоқ лашкар учун байрам эди. Денгизнинг илмилиқ ва шўр сувида кеча-ю кундуз су...ган аскар ва суворийлар астойидил ҳордиқ чиқаришар, сағрилари ишқаланиб ювилган тулпорлар ўйноқлаб, кў... қамаштирарди.

Шовиллаган ёмғирдан сочини тараган ўтлоқлар, бел...га урадиган бўлиқ пичанзорлар суворий чериклари учун ҳузури жон эди. Улар отларини тўйдириш баробарида ҳафта ўн кунлик хашакларини ҳам ғамлаб олардилар.

Оқшаҳар йўли амирзода Шоҳрух қароргоҳи яқинидан ўтарди. Кенжа ўғил қиблагоҳи келаётган йўлнинг эллик чақиримча масофасига чопар, соқчи ва қоровуллар қўйдирди.

Соқчилар ҳокимни олиб кетдилар. Лашкар Насибини фатҳ этиб, қўлга кирган молларни қароргоҳга келтирдилар.

– Тушган ўлжа, моли омон баробарида лашкарга тақсимлаб берилсин! Бирорта амир ва сарой маъмури унга қўлини теккизмасин!

Эшик оғаси илдам юриб келиб, Темурнинг қулогига нимадир деди.

– Чақиринг! – деди Темурнинг авзойи бузилиб.

Саропардага валиаҳд Муҳаммад Султоннинг хос амиридан Уммат Султон кириб келди.

– Оллоҳ шифо берсун, амирзода Муҳаммад Султоннинг аҳволлари оғирдур, – деди амир ранги-қути ўчиб.

– Амон Тавачини чорла! – деди хоқон эшик оғасига.

– Табибларни олиб, зудлик-ла Уммат Султон билан бирга Қайсарига жўнангиз. Шаҳзоданинг хасталигини мукаммал таҳқиқ қилиб, менга хабар етказинг. Мен ҳам ортингиздан йўлга чиқурман! – деди хоқон тавачи кириб келгач.

Шом намозидан сўнг Шайх Нуриддинни ҳузурига чорлаган хоқон Оқшаҳар сари юрмоқ учун ҳозирлик кўришни буюрди. Эртаси куни пешин намозидан сўнг олий ўрду жойидан қўзғалди.

Ёғингарчиликлар бошланиб, қиш ҳавоси эсиб қолган, бироқ денгиз бўйларининг мўътадил иқлими роҳатбахш эди. Денгиз соҳилида турмоқ лашкар учун байрам эди. Денгизнинг илмилиқ ва шўр сувида кеча-ю кундуз сузган аскар ва суворийлар астойидил ҳордиқ чиқаришар, сағрилари ишқаланиб ювилган тулпорлар ўйноқлаб, кўз қамаштирарди.

Шовиллаган ёмғирдан сочини тараган ўтлоқлар, белга урадиган бўлиқ пичанзорлар суворий чериклари учун ҳузури жон эди. Улар отларини тўйдириш баробарида, ҳафта ўн кунлик хашакларини ҳам ғамлаб олардилар.

Оқшаҳар йўли амирзода Шоҳрух қароргоҳи яқинидан ўтарди. Кенжа ўғил қиблагоҳи келаётган йўлнинг эллик чақиримча масофасига чопар, соқчи ва қоровуллар қўйдирди.



Улуғ хоқон юмшоқ, шоҳона тахтиравонда амир Шайх Рамазон билан суҳбатлашиб келарди. Унинг ҳаётида шундай онлар ва кунлар бўлар эдики, у маълум вақт, маълум замонда, маълум кишилар билан бафуржа суҳбатлашар, ақл ва вазият талаби эҳтиёжига кўра ҳис-туйғулари қабул этмаган кишилар билан гаплашмас, суҳбатлашмас эди. Кўнглига сиғмаган дақиқаларда кимсани қабул этмас, ёлғизлик ва танҳоликни ихтиёр этарди.

– Ишқилиб, султон ҳазратлари соғу саломат бўлсинлар. Акс ҳолда ғанимларимиз яна бизга маломат тошини отмоққа давом этадилар, – деди валиаҳд набираси хасталиги ҳақидаги хабарни эшитгандан сўнг руҳи тушган хоқон.

– Бандасининг жони бандасининг қўлида эмас. Кишининг кишидан кўмак сўраши, маҳкумнинг маҳкумдан ёрдам исташи кабидур. Ҳар ким учун ўзи белгилаб берган йил, ой, кун, дақиқа ва сонияси борким, бундан ўзгача бўлмас, – жавоб қилди Шайх Рамазон таскинли оҳангда. – Султон ва валиаҳд ҳазратларига ҳам Оллоҳ шифо бериб тузалиб кетгайлар, иншооллоҳ!

– Омин! – деди хоқон бўғиқ овозда.

– Омин! – такрорлади Шайх Рамазон.

Бош фарзандидан ёдгор, валиаҳд набирасига қандай хасталик кўз тикди эркан? Тушларидаги алоқ-чалоқлик шунданмикин? Не-не бахт ва бахтсизликларни кўрган бошига яна не кўргуликлар тушажак? Қисмат қилганда ўттиз, худо қилади тўққиз! Тақдир қилганда тўққиз, тангри қилади ўттиз дегани шу экан.

– Сиқилманг, улуғ хоқон ҳазратлари, мен сизга қалбингиз ором топадиган ҳикматлардан айтиб берайин, – деди Шайх Рамазон хоқоннинг кўнглини овлашга уриниб.

– Бош устига, бормисиз. Бу дунёда салтанат ташвишидан бўлак ҳам иш бор-ку ахир, сўйланг, – деди Темур ғамгин жилмайиб Шайх Рамазонга боқаркан.

– Машҳур тасаввуф шайхи, шоиру олим Абдуллоҳ Ансо-

рийни эшитгансиз. Бул кишим пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом Маккадан Мадинага ҳижрат қилганларида ул кишининг кўч-кўронларига бошчилик ва илк бор уйига мусофир этган улуғ зот Аюб Ансорийнинг авлоди эрканлар. Абдуллоҳ Ансорийнинг оталари Абу Мансур халифа Усмон даврида Хуросонга келиб, Ҳиротда муқим яшаб қолган эрканлар. Ул кишимнинг "Шоҳларга туҳфа" рисоласи салжуқий ҳукмдорларнинг машҳур вазири Низомулмулкка бағишланган. Бу икки улуғ инсон яқин дўст бўлган. Мен сизга шул асардан ривоятлар сўзлаб берайин. Ҳаёт тажрибасидан олиб, Ансорийнинг сўзлашича, тўрт нарсага эришиб бўлмас эркан. Бу қисматни ўзгартирмоқ, ҳақиқатни яширмоқ, ёмон хулқли шахсни яхши қилмоқ ва халқни рози этмоқ.

– Баракалло! Нақадар улуғ сўзлар. Осмонни суяб турган шоҳ бўлсанг-да халқни юзда-юз ризо этмоқ мушкул. Давом этинг.

– Тўрт нарса кулфат сабабчиси эркан, – сўзида давом этди амир Рамазон. – Жоҳиллар билан суҳбат, нокаслар билан дўстлик, сурбет одамлар насиҳатини тингламоқ ва аёллар сўзига амал қилмоқ! Дунёда тўрт нарса эса боқий эмас дейдилар ул зоти мукаррам: золим ҳоким, аклсиз дабир, ҳаром мол ва чархи даврон! Тўрт нарса кичик кўринса-да, оқибати улкан эрмиш: душман, олов, касаллик ва илм. Тўрт нарса эса салтанатга зарар етказмоғидан сўйлайдилар: амирлар зулми, вазирлар ғафлати, дабирлар хиёнати, фақирларга ситам етказиш. Тўрт нарса инсонни заифлаштирмоғидан огоҳ этадилар: кўп душман, кўп қарз, кўп маъшуқа ва фақир қариндошлар. Тўрт нарса эса тўрт нарсани йўққа чиқарар эркан: ношукурлик неъматни, золимлик қудратни, бўшанглик давлатни, кибру ҳаво мурувватни. Тўрт иш эса тўрт натижа билан тугармуш: ялиниш хорлик билан, оқибатни ўйламаслик пушаймонлик билан, ортиқча ҳазиллашмоқ шармандалик билан, султон-



лар билан баҳслашиш ҳалокат билан. Тўрт нарса эса нодонлик белгиси эркан: синалмаган одам билан ҳазиллашмоқ, маъшуқадан вафо талаб этмоқ, аблаҳ одамдан йироқман деб ўйламоқ ва болалар даврасига қўшилмоқ. Тўрт нарса эса умрга зиён етказиб, ўлимни яқинлаштирар эркан: ортиқча шаҳватпарастлик, ҳаммомга кўп қатнаш, ифлос мева ва чала дудланган гўшт ейиш ва кекса аёллар билан яқинликда бўлмоқ! Толиқмадингизми, ҳазрати олийлари? – сўради Шайх Рамазон ўнг томонига ўгирилиб улуғ Амирдан.

– Недан толиқаман. Икки нохуш хабардан сўнг бироз бўлса-да ҳикоянгиздан таскин топдим, – жавоб қилди хоқон.

– Бўлмаса, сўнгги икки насиҳатни айтайин, – деди ҳикоясида давом этиб амир. – Тўрт кишида ҳамиша тўрт нарса бўлмас эркан: ёлғончида мурувват, бахилда саодат, ҳасадгўйда роҳат, бадфеъл одамда улуғлик. Тўрт нарса эса икки жаҳон саодати ва боқийлик сабабчиси экан: Худо ва пайғамбар фармонини адо этмоқ, ота-онани шод қилмоқ, олимлар ва донишмандлар хизматига ҳозир бўлмоқ, Оллоҳнинг бандаларига шафқат кўрсатмоқ.

– Ансорий ҳазратлари бундан уч юз эллик-тўрт юз йил бурун яшаганлар. Не ажойиб насиҳатларни ёзиб қолдирмишлар. Бироқ биз, кўзимиз очиғу қалбимиз ёпиқ одамлар астойдил илм қилиб, ўқиб уқмаймиз, – деди Темур. – Аслида дунёнинг авлиё ва доно кишилари бизга тўғри яшамоқ йўлини кўрсатиб кетганлар.

– Инсон зоти шундай, – улуғ хоқоннинг сўзини қувватлади амир Рамазон. – Донолар олдида тилингни, авлиёлар олдида дилингни тий деганларидек, кишида қалб ва иймон кўзи очиқ эрмас экан, у ҳақдан айри тушади. Ҳаққа етолмайди.

Ярми ўтган қиш Туркистоннинг илк баҳорини эслатарди. Ҳаво туруми ва минтақаларга қараб, давомли равишда қиш сўнги ва илк баҳорда бойчечаклар очилар, оқ ва сап-сариқ

митти чечаклар Темурга Кеш даштларида кечган армонли болалигини ёдга солар, бойчечакнинг муаттар ҳиди онасининг кўйлаги ёқасига қадалган қалампирмунчоқ кўкисидек қадрдон ва армонли эди.

Темур чўпонларга эргашиб сурув ҳайдаб чиққан кунлари онасига атаб терган бойчечакларни кечгача авайлаб сақларди. Бойчечакка кўзи тушган онасининг қувончдан балққан юзи ҳали-ҳануз кўз ўнгидан жонланади. Балки ўша дамда Оллоҳ раҳматли онаси ҳам болалиги ва онасини кўз олдига келтириб, шундай ҳаяжонлангандир. Ота қадрини ота бўлсанг билурсан, она қадрин она бўлсанг билурсан дер эрди волидаси раҳматли. Темур бу сўзлар ортидаги масъулиятни ҳис этса-да, бугунгидек теран тушуна олмаган чоғу пайтда. Ҳар нарсанинг табиби ва чораси вақтдир. Сени ҳаётнинг олиймақом чўққиларига кўтарадиган ҳам, тупроқ қаърига киритиб юборадиган куч ҳам вақт ва заминдир.

– Бизни амирзода Шоҳрух бекламоқдалар, – деди Темур Шайх Рамазонга миннатдорчилик оҳангида. – Ҳозирда ўғиллардан бир кўз тикканим шул Мирзодур, Рамазонбек. Бугунга қадар ҳеч бир замон орамиздаги ота-болалик шоҳлигу беклик деворини бузмади.

Улар амирзода Шоҳрух қишлоқни кечирмоқ учун курган манзилга етиб қолган эдилар. У қишда бошқа амирзодалар каби кигиздан қилинган қора уйда яшамас, қаерда кўч ташласа, ўша ерда зудлик билан кичикроқ саройга мензар бино қурдирарди. Темур ҳамсуҳбатига ўғлининг одати ҳақида ҳикоя қилар эди.

– Бироз саҳройилигимиз бор, Рамазонбек. Мен қишда ҳам ота-боболаримиз яшаб келган ўтовда яшайвераман. Шоҳрухбек эса бироз шаҳарлашган, ўтроқлашган. Қаерда қишни кечирса ўша ерда гўзал бир иншоот барпо этади. Шу тахлит миллатимиз ўтроқ ҳаётга кечади. Баҳор ва ёз ойларида вақтинчалик тоғу даралярга кўчиб чиқсалар-да, аста-аста бир манзилда уйлар қуриб, бирликда яшай бош-



дилар. Босқинлар ва қароқчиликлар мўғуллар кириб келмаганда ва шахслар авж олиб кетмаганда эди, миллатимиз аллақачон ўтроқлашарди. Одамлар қўрқув туфайли тўп-тўп яшамайдилар, – гурунг бериб борар эди хоқон.

Қаршида меҳмонларни кутаётган отлиқлар кўринди. Оқ тулпори тизгинини жиловдорга узатган амирзода Шоҳрух илгари юрди. Қиш эпкини елкасига ташлаган шоҳона пўстинчикни ҳилпиратар, орқасидаги суворийлар ҳам отдан тушганча бир сафга тизилиб ғоз турганча Буюк Турон амири, Туркистон султони, Етти иқлим хоқони, Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳурматини жойига қўйиб қаршиларди.

Баландроқ, кўкалам бир ерга етганда тахтиравон тўхтади. Қиш охирлашаётган бўлса-да атрофда илк баҳор ҳиди уфурар, мўл ёғингарчиликдан тўйинган далалар кўпчиб, қуёшнинг илиқ қуёшидан нур эмиб кўкка бўй чўзаётган майсалар ер юзини қоплаган, киши вужудида армонми, орзиқишми, интиқлик ёки илҳақликка ўхшаш, сўз ила ифодалаб бўлмас бетакрор ҳис-туйғулар уйғотадиган сокин ва оғизин дамлар эди.

Амирзода Шоҳрух тиз чўкиб, отасининг этагини ўпмоққа ҳозирланиб келарди. Улуғ хоқон қулочини очиб турганини кўргач, ота-бола қучоқлашдилар.

– Рум ҳамда Турон салтанатлари амири, олим Шайх Рамазон жаноблари, – йўлдошини ўғлига таништирди Темур. – Биз баробар Оқшаҳарга, Султон Йилдирим Боязид ҳазратлари зиёратларига кетмоқдамиз. Жаноби олийларининг бироз тоблари қочибди. Сиз муҳтарам амирзодамиз ила кўришмоқ бизга қувонч ва ғурур бағишлайди, – ўғлига меҳр билан боқиб деди ота.

– Хуш келдингиз, қиблагоҳ, кўзимиз йўлингизда эрди. Амир ҳазратлари ила танишмоқдан беҳад мамнунман, – эҳтиром билан мулозамат қилди амирзода Шоҳрух. – Султон ҳазратларига Оллоҳдин шифо тилаймиз!

– Мен-да сиз каби улуғ амирзода ила танишмоқдин ғурур

туяжакман. Сиз улуғ хоқон каби буюк ва сермева оғочи мевали шоҳидурсиз, – амирзодага назокат ила жавоб қилди Шайх Рамазон. – Биз қон-қардош, диндош ва орқадош қавмлармиз. Бир-биримизни қадрлаб, бошимизга кўтариб эканмиз, буни ўзга бир қавм ёпмаяжак. Ёлғизингни ёмон ласанг, ётнинг меҳри кўтарилар дейдилар. Биздан теварак атрофда барча чўчийди. Ўзимиздан ҳайиқишмаса-да, шонли кечмишимиз ҳамда тарихимиздан қўрқишади. Ваҳоланки дунёда энг содда, самимий, ғариб-ғурабони кўрганда жонини ҳам бахшида этгувчи қавм бизнинг турк қавмидур.

Темур бош ирғаб амирнинг сўзларини маъқуллар, Шоҳрухмирзо эса унинг маъноли гапларига қулоқ тутганча диққат билан эшитарди.

– Муҳтарам қайинпадарингиз шу ердалармi? – сўради Темур ўғлининг қайнотаси, Туроннинг мушҳур амири, тархон уруғининг ўтоғоси Ғиёсиддин Тархонни назарда тутиб.

– Шу ердалар, қиблагоҳ, Ул кишим шарафларингизга ҳозирланажак дастурхонга бош-қош бўлиб турибдилар. Келинингиз Гавҳаршодбегим ҳам сизнинг пойи қадамингизга илҳақдур, – жавоб қилди амирзода.

– Барчангиздан яратганнинг ўзи рози бўлсин! Ҳақ ва халққа хизмат этмоқнинг ажрини эгаси берур, – деди Темур ўғлига бўлган меҳр-муҳаббатдан кўнгли ийиб.

Амирзода Шоҳрух қароргоҳида байрам руҳи ҳукмрон эди. Муҳташам қалъа шаклидаги бино устига қадалган осмонранг темурий байроқлар қиш шамолида ҳилпирар, икки тарафда, кўз илғамас даражада узоқ масофага тизилган суворий сафларининг найза, қилич ва қалқонлари, дубулға, узанги ва совутлари қуёш нурида яркираб, афсонавий бир манзара касб этган эди.

– Ўрусу ироқ, арабу ажам ишини Шоҳрухбекка топшириб, иккимиз Самарқандга қайтиб, тоат-ибодату дуои жонларини қилиб ўтирсак ҳам бўлаверар экан, – деди улуғ хоқон тахтиравонга чиқиб ўғлининг черигини диққат билан кузатаркан, амир Шайх Рамазонга.

– Сўзу фармон сиз ҳазратнингдир! Мошоллоҳ! Мукаммал



... урду. Зотан Темурийзода лашкарбошининг чериги ана ... бўлмоғи лозим. Ярасун! Ярасун! – деди ҳайрат-ла ... сафларига тикилиб Шайх Рамазон. – Биз азал-азал ... урду қавмимиз. Жангу жадалда тенгимиз йўқдур, улуғ ... ҳазратлари.

Тўғри сўйладингиз, амир жаноблари. Ҳар нарсанинг ... томони бўлганидек, бул хислатимизнинг ҳам ижо... ва салбий тарафи бордир. Одатда аскар қавми савашу ...ушлардан безиб, ярадор бўлгач ёки черикдан бўшагач, ... чақириб қолишмасин дея боши оққан томонга қараб ...тади. Шу тариқа миллат тарқалади. Қилич чопиб юр... одамдан катта маданият ва илму маърифат ҳам ку... бўлмайди. Босиб олган ўлкасининг халқига қўшилиб ...ини, динини ва миллатини йўқотади. Ғарб мамла...тларидаги кўп миллатлар ул ерга бизнинг чексиз дашту саҳроларимиздан бориб қолганлар. Сизлар ҳам Турон ...ўлларидан мана шул жаннатий юртларга келганингиз ...аби одамлар табиати оғир ўлкалардан илиқ-иссиқ иқлими мўътадил манзиллар томон кетаберадилар. Табиатан гўзал мамлакатлар ва денгиз бўйларида халқлар тез ривожланади.

Ғиёсиддин Тархон меҳмонлар пойига поёндоз тўшаб кутиб олди. Шаҳзодалар ёшига қараб навбат билан ке...ишилади. Шаҳзодалар ёшига қараб навбат билан келиб юкуниб, улуғ Амир қўлини камоли эҳтиром билан ...ўпдилар. Ҳар ким мавқеига қараб, улуғ Амир ила кўришар, ...ёллар унинг елкасига қўл ва пешоналарини қўйиб ўз ...урматларини билдиришар, амирзода саройининг муло...зимлари этагини ўпишар эди. Темур севимли набираси Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегимга алоҳида илтифот кўрсатди. Ҳол-аҳвол сўради.

– Фарзанди аржумандимиз амирзода Улуғбек бобоси ўрнига Самарқандни сўрамоқда! Нақадар саодатли бир ҳолат. Пойтахтимизнинг ҳар онлик нафасини туйиб турибман! Иншоолоҳ, ҳадемай юртга қайтамиз, – деди Темур келини Гавҳаршодбегимнинг елкасига қоқиб. – Барчангиздин Оллоҳ рози бўлсин!

– Биз ҳам сизнинг дуогўйингизмиз, қиблагоҳ! – жавоб қилди келин.

Темур хос мулозими ҳамроҳлигида ҳаммом томон юрган Шайх Рамазон ҳам таҳорат билан машғул эди. Қарорги масжидида шом намозини ўқиган улуғ мусофирлар шоҳона безатилган кўнокхонага таклиф этилди. Меҳмон ва мезбонлар Темурнинг ўнг ва сўл тарафидан мавқеига қараб жой олдилар. Амир Рамазон улуғ хоқоннинг ўнг томонида ўтирарди. Сўл тарафида Ғиёсиддин Тархон, ундан сўнг Шоҳрухмирзо ўтирар эди. Бироздан сўнг Ғиёсиддин Тархон ўрнига куёви Шоҳрухни ўтқазиб, ташқаридаги вазиятни назорат этмоқ учун чиқиб кетди. Кичик-кичик қароқчи тўдалар от-улов ва озиқ-овқат илинжида черикка ҳужум қилиши эҳтимоли борлигидан соқчи ва қоровул қисмлари кечаю кундуз ҳушёр турмоққа мажбур эди.

Неча кундирки хоқоннинг тушлари безовта. Иккисининг тақдири ҳам ўзига туташади. Бир буюк рақиб ила тахти ворисининг тақдиридаги ўзгариш ҳар икки мамлакат ва салтанат учун яна бир синов.

– Амирзода Муҳаммад Султоннинг аҳволидан хабардормисиз? – сўради Темур ўғлидан фақат унинг ўзи эшитадиган овозда. Одатда расмий ва жиддий гаплашганда у ўғил ва набираларини сизлар, оилавий суҳбат ва маросимларда сенлаб гапирарди.

Амирзода бош ирғади.

– Бугундан эътиборан сизнинг зиммангизга яна бир катта вазифани юклайман. Ўз мамлакатингиз пойтахти Ҳиротни салтанатимизнинг иккинчи бошкентига айлантирмоғингиз керак. Кўзим очиқ экан, Самарқандга ҳеч бир ёғий одим отиб кела олмайди. Бироқ мен ҳам дунёга устун эрмасман. Эртага Султон Йилдирим Боязиднинг бошига келадиган қазойи қадар индин менинг ҳам эшигимни қоқади. Шу пайтгача дами ичига тушиб юрган тўнғизлар томга чиқиб, ер бағрлаган тошбақаларга қанот



битгандек туюлиб, Самарқанду Бухорога кўз тика бошлайдилар. Жўғрофий жиҳатдан бу тупроқларимиз бизга қарши тиш қайраб, кочиб-писиб юрган Дашти қипчоқ ва Хоразм нохайрихоҳларига яқиндур. Ҳирот эса дарё ортида, бу ҳудудлардан узоқдир. Шул боис, беш-ўн йилни эмас, ўттиз-қирқ йилни ўйламоқ керак бўлади. Валиаҳдимизнинг ҳам авлоди ўзларидан бўлганлиги учун улар Чиғатой тахтига астойдил ташланмаслар балки. Бироқ хотирангизда бўлсинким, бутун хавф-хатар хоразмлик мўғул-қўнғиротларнинг тарихий хоинлиги туфайли шу томондан келиши мумкин. Авлодимиз бошига неки офат ёғилса ўшами жўчидан келади. Бунинг чора тадбирини кўрмоқ сизнинг улус, салтанат ва сулола олдидаги буюк вазифангиздир, авлодим!...

Сўзи шу ерга етганда хоқон тўхтаб шарбат хўплади. Амирзода қайд этилган масъулиятли ишлар юкини ҳис эттунча отасини тинглар эди.

– Султоннинг қадари қисмати Румдаги вазиятни ўзгартириб юборади. Ўғиллари ўртасида тахт учун кураш бошланур. Юртга қайтгач, бу ҳудуддаги воқеаларга бевосита аралашмоққа имконимиз бўлмайди. Бироқ ўғилларидан бирига отаси тахтини расман топширамиз. Сиз бугундан эътиборан Туроннинг Хуросон ва Эрон ҳудудларини эътиборингизда тутинг. Бизнинг бу томонда Мисрдан бўлак ишимиз қолмади. Ҳар ҳолда улар бизни Қоҳирага қадар боришга мажбур этмасалар керак. Биз аслида бу ерларда вақтимизни ўтказмасдан Чиннинг ишини битирмоғимиз керак эди. Зотан биз бу табаррук ва илоҳий юртларни фатҳ этмоққа келмадик. Муқаддас эътиқодларимиз туғилган ва оламга ёйилган азиз ўлкаларни олам кўз ўнгида тартибга келтирмоқ, ҳаж йўлларини тўсаётган қароқчиларни йўқ қилмоқ, ўзга дину оқимлар кўз ўнгида муносиб ерига ўтиртирмоқ учун келдик.

Одатига кўра хоқон қай бир ўғли ёки набираси билан

яккама-якка сўзлашса, сарой таомилига кўра бу суҳбати учинчи кимса эшитмас эди. Бу тартибни бузган яқини маълум муддатга улуғ хоқон ила мулоқотда бўлмоқ имкониятидан маҳрум этилар эди. Айни дамда Темур шу кунга қадар кимсага сўзламаган фикрларини фарзандига айтганди. Валиаҳд этиб расман амирзода Муҳаммад Султон эълон этилган бўлса-да, Турон салтанатида Амир Темурдан сўнг сўзи кечадиган иккинчи шахс Шоҳрухмирзо эди. Табриз ва Эрондаги хатолари учун дакки еган амирзода Мироншоҳ отасидан бевосита амри-фармон бўлмаса, давлат ишларига аралашмайдиган қилинди ва унинг ўрнига ўғли шаҳзода Умарга Озарбайжон, бутун Хулогу улуси, Мир... Шом ва Рум ҳукмдорлиги берилди. Табиатан олим... ва илоҳиётга рағбати кучли бўлган, уруш-савашга тоқати йўқроқ амирзода Шоҳрухнинг зиммасига эса ўзи кутмаган ҳолда отасининг вазифалари тушиб қолаётган эди.

Шаҳзода ақлини таниб, дунё кўра бошлаганидан бери афсонавий қиблагоҳининг ҳар бир ҳаракати, гап-сўзини диққат билан кузатиб, тинглаб боради. Бу тажрибалари шундай хулосага келдики, подшоҳ ва подшоҳликлар ... турга бўлинади. Бир подшоҳнинг назари тушган одам ... қачон бурни қонаб, завол топмайди. Иккинчи тоифага яқинлашган кишининг эса боши ғавғодан чиқмайди. Тангри ҳукмдор зотининг қўлига шундай катта ва чексиз имконият берганки, у истаган одамини шарафга буркаб, истамаганини тупроққа қориштиради. Кўпнинг дуоси кўл, қарғиши эса денгиздир. Эгаси берган имкониятдан эс-ҳушини йиғиб фойдаланмаган давлат соҳиби охири бир кун хорлик ва шарафсизлик остонасига бош қўяди. Оллоҳ лутфи ва неъматидан юз ўгирганлар унинг раҳмату шафқатидан бенасиб қоладилар.

Шоҳрухмирзо, отасининг салтанат келажаги ҳақидаги гапларидан уни бежизга ўзига юкламаётганининг сабабини англаб турарди. Акаси Мироншоҳ имкон қадар ўзини катта сиёсатдан олиб қочар, набира амирзодалар эса ҳали



...ни. Бу ҳақда шу пайтга қадар чуқур ўйлаб кўрмаган эдими ёки масъулиятни бўйнига олмоққа ҳозир эмас эдими, беихтиёр тили калимага келмай қолди. Онаси Тағай Туркон хотуннинг авлодлари форс тилли қавмлар билан яхши алоқада бўлиб, амирзода қўшинида бу улуслардан ташкил топган мингликлар бор эди. Улуғ хоқон Эрону Хуросондаги бу миллатга мансуб элатларни бошқаришни кенжа ўғлига топширган эди.

Амирзода Мироншоҳнинг онаси эса Менглибека оқа Жоникурбони бўлиб, туркманларнинг жоникурбоний қавми бекларидан Муборакшоҳ Санжарийнинг қизи эди. Туркман улуси билан боғлиқ муносабатларда амирзода воситачилик қиларди.

Амирзода Шоҳрух эсини таниганидан бери отасидан уч бора дакки эшитди. Бунинг иккитасига шоир зоти сабаб бўлди. Бири борлослар ҳақида танқидий шеър ёзган шоир Туроний эди. Отаси шоир билан суҳбатлашгач, ўғлига маслаҳатчи қилиб қўйди. Иккинчисида ҳам шунга ўхшаш воқеа содир бўлди. Озарий бир шоир "Улус кўнглини олгин, минг бир ҳожи бўлурсан, юртинг сийратин сақла, миллат тожи бўлурсан" дея шеър ёзган эди. Унинг ҳаж ҳақидаги бу фикри чуқур диний илм олган амирзодага маъқул келмади. Шоирни тутиб, ҳузурига келтиришни буюрди. Шаҳзода уни сўроққа тутди.

– Менинг дини исломнинг муқаддас жойларига ҳурматим чексиз. Бироқ Оллоҳ учун барча ер бирдир. Мен ўз юрти ва миллатига муносиб ва ҳақиқий хизмат ҳамда шараф келтира олмаган одамнинг ҳожилигига ҳам эҳтиром билан қарамайман! У дунёда ҳар ким ўзи учун жавоб беради. Бу масалалардаги баҳсу мунозаралар ечимини барчамиз у тарафга боргач биламиз! Не қадар бизни алдашган ёки не чоғли биз ўз-ўзимизни алдаб келганмиз, ўшанда аён бўлади! – дея қатъий жавоб қилди шоир Ширвоний.

– Сенинг бу сўзларинг даҳрийликка яқин эрмасму, шоир? – деди жаҳли чиқиб Шоҳрухмирзо.

– Инсон шу тахлит изланиб, ахтариб, азоб чекиб ҳаққа ет-ди ёки етолмай ўлиб кетади. Эй темурийзода! Сен мени бу йўлдаги тушунча ва эътиқодларимга халақит берма! Ме сенинг давлат ишингга аралашаётганим йўқ! Жазоламоқчи бўлсанг шошма! Отангнинг маслаҳатисиз бу ишга қўл урма – деди у тилидан тоймай. – Мен ҳам дунёни бир сенчалик ёким шеъримни сенга етказган айғоқчи амиринг Аҳмад ет кабо мушоҳада эта билурман! Шул боис мендан ва менинг авлодимдан ўзингга душман ясамоққа шошилма! Усиз ҳам сенларнинг душману рақибларинг етарлидур!

Ширвонийнинг бу тош босар гаплари амирзодани шошириб, ўйлантириб қўйди. Ўзича бир қарорга кела олмай ш ирни соқчилар билан отаси ҳузурига юборди. Отаси бун дай одамлар билан суҳбатлашмоқни хуш кўришини били ни учун шундай қилди. Динидан қатъи назар улуғ хоқон олиму фозил кишиларни тинглар, уларнинг оғирини енгил қилмоқдан ҳузур туяр эди.

Амирзоданинг сарой ишларини ҳал этишдаги биринчи ёрдамчиси, бош хоними Гавҳаршодбегим эди. Божу хирож, барча олиқ-солиқлардан озод тархон қавмига мансуб бу гўзал ва довюрак аёл давлат ишию сиёсатга аралашишни севар, илоҳиётга боғланиб қолган эри фаолиятидаги етиш мовчиликни тўлдиришга ҳаракат қилар эди.

Уч ой ўтгач, отаси билан кўришганда шоир ҳақида сўради.

– Уни менинг ҳузуримга жўнатиб тўғри қилибсиз, амирзодам. Замонамизнинг энг буюк фожиаси фикрловчи одамларнинг камлиги ва йўқлигидир. Борлари ҳам ўша маълум саккиз дона китобни ўқиб, бир томонлама мушоҳада этадилар. Одамлардан биз ўзимиз истаганча фикрламоқни талаб этмоғимиз инсофдан эрмас. Ҳақ фикрнинг чўққисига чиқмоқ учун одам зоти адашади, тояди, қоқилади. Уни ўз ҳолига қўйиб бермоқ ва улуғ ишларга рағбатлантирмоқ лозим. Оллоҳ томонидан ҳукмдор зоти олдига ана шундай ва-



фа қўйилган. Билимли одамларсиз давлат давлат, салтанат салтанат эмасдур. Қани энди бундан тўрт юз йиллар ...руни яшаган асл исмлари Тархон ва Ўзлуғ Турк бўлган Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Тархон Фаробий, ...турлоб ясаган Маҳмуд ал-Хўжандий ёхуд ал-Беруний ...ги улуғ олимлар бизнинг замонамизда туғилганда эди. Фаробий Арастудан кейинги иккинчи файласуф бўлган. Ўтрор яқиндаги Фароб деган жойда таваллуд топган. Бизнинг ватандошимиз ва миллатдошимиз бўлган Ибн Синонинг устози ҳам Фаробийдир. Кўзим очиқ экан, сизга бир нарсани алоҳида таъкидлаб васият этаманким, ...ча бир замон аҳли илм, аҳли санъат, битикчию ёзарлар...га зулм нари турсин, қаттиқ-қуруқ сўз ҳам қилманг. Улар...нинг нуқсону хатоларга йўл қўйса афв этинг, уларга нис...батан даргоҳингиз кенг, саройингиз дарвозаси ва суфран...гиз очиқ бўлсин. Ҳақиқий ойдин одамлар ҳеч қачон миллат ҳамда Ватанга қарши бориб, унга хиёнат этмайдилар. Бироқ ожиз ва кўрқоқ подшолар эл эътиборини қозонган ...шилар шуҳратига ҳасад қилиб, кун бермаганлар ва охир...оқибатда улар юртни тарк этмоқ мажбуриятида қолганлар. Шундоққина Самарқанднинг бурнида бизга сабоқ бўларли бир муқаддас маскан бор. Имом Бухорий ҳазратларининг зиёратгоҳлари. Бухоро ҳукмдори сиғдирмаганидан сўнг у шаҳардан бошини олиб чиқиб кетади ва йўлда, синглисининг уйида Оллоҳга омонатини топширади. Ибн Сино ҳам ўз юртига сиғмай Хамадон тупроғидан сўнгги маскан топади. Ал-Фарғоний ҳоки Қоҳирада қолиб кетган бўлса, сўйлаганимиз Форобий ҳазратлари Дамашқда вафот этадилар. Мен Боботуркга унинг қабрини топиб, тартибга келтириб қўйишни сўраган эдим. Бироқ бизнинг чумчуқмия ҳукмдорларимизга неки сабоқни берма фойдасиздур. Салафининг хатосини қайта-қайта сўйлаб турсанг-да, янги халаф унинг қусурини такрорлайверади. Мендан сўнгра бул нуқсонни сиз, сиздин кейингилар такрорласа, салтанатнинг инқирозга юз тутмоғи муқаррардир! Йўлга чиқар экансиз,

яна бир хайрли ва масъул вазифани бажармоғингиз лозим дир. Маросимлар бўйича мутасадди амиримизга Оллоҳнинг набийлари юрти Урфадаги Дониёр пайғамбар турбасини таъмир этиш баробарида ул зоти мукаррамнинг ҳокларидан бир бўлагини бошкентимизга элтиб кўмишни ният қилган эдик. Бу савобли ишга бош-қош бўлинг. Шаҳарга киришда ўнг томонда, Қорадарёнинг кунботиш соҳилидаги боғ ўртасига дахма ҳозирлатиб, мақбара тикланг. Етарли қалин жонлиқ сўйиб, улусга ош беринг. Етим-есир, бева-бечора, фақиру фуқарога хайри садақа улашинг. Боғни янада кенгайтириб, обод этдиринг. Шунингдек, пайғамбаримиз ҳазратларининг саҳобалари Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ ҳазратларининг муборак ҳокларини ҳам Шомдан салтанатимизнинг бешик шаҳарларидан Қаршига кўчириб, ул манзилда муҳташам бир турба тикламоққа амр этдик. Оллоҳ насиб этса юртга қайтгач, ана шу икки муқаддас масканни зиёрат этиб, сўнгра бошкентга кирамиз, иншооллоҳ!

Падари бузруквори сўзларини диққат билан тинглаган амирзода амрлари бошимиз, қоши кўзимиз устига дегандек, назокат ила таъзим этди.

Отаси ҳеч қачон бу қадар жон куйдириб сўзлаганини эслай олмади. Демак, салтанат бошида турмоқ, у ўйлаганидан-да оғир. Шу боис, унга кўнгил қўймай, кўпроқ илоҳиёту тоат-ибодат билан машғул бўлгани маъқул кўринадур. Не фидокорлик ва яхшилик қилмагин, бу ношукур бандаларни ризо этиб бўлмайди.

Отаси сўзини тугатганда у бошини кўтариб, кўзига бир боқди ва таъзим ила сўзларини уққанлигини таъкидлади. Бироқ шу бир қарашда у жаҳонгир отаси нигоҳида дунёнинг ташвиши ва залворли юкини кўргандек бўлди.

Бир суҳбатда Чинга юришдан сўз очган эди. Бу қумурсқа каби сон-саноқсиз чинларга бас келиб бўлурми? У ерга бориб келгунга қадар қўшин тўкилиб қолади-ку. Бу ҳақда отаси ҳали ҳеч кимга ҳеч нима демаган. Балки Самарқандга боргунча ниятидан қайтиб қолар.



– Миср султонидан сизга одам келмадими? – сўради Темур анча муддат жим қолгач, суҳбат мавзусини ўзгартириб. Махфийлардан олинган хабарга кўра Анқара зафаридан сўнг зиндонда ётган Аталмишни ҳамон хузурига чорлаб, итоқланиб гапни айлантирибди-да, хос меҳмонхонасига кўчиртирибди.

– Демак, ҳадемай элчилари ҳам келиб қолар экан-да, – жавоб қилди амирзода бу яхши хабар қулоғига хуш ёқиб.

– Миср сулҳ-ла тассарруфимизга кирса, кўнгилдагидек иш бўларди, – деди отасининг қош-қовоғига қараб.

Аскар савашдан чарчаган эди. Амирлар буни Шоҳрухмирзога очиқ-ойдин айтишар, бироқ улуғ хоқон қаршисида буни очмоққа кимса журъат этолмасди.

– Сўйлаганим каби аввал-бошдан Мисрни фатҳ этмоқ фикридан йироқ эдик. Буни уларга ёзган мактубларимизда ҳам қайд этмишдик. Бироқ неча йилдирким, амир Аталмиш улар қўлида хонабанд. Биз ўз одамимизни бундай ҳолатда қолдира олмаймиз. Султон Аҳмад Жалойир ва Қора Юсуф ила Йилдирим Боязид дарвеш турумига тушган бўлса, Аталмиш учун Султон Фараж ота-боболари каби ҳақиқий мамлук, яъни қулвачча аҳволига тушажак! Бекордан бекорга ота-боболаримиз суйгин сени суйганни, ер билан яксон бўлсанг ҳам, суйма сени суймаганни Мисрга султон бўлса ҳам демаганлар. Улар кўп эшитиб юрган турк қиличининг зарбини бир кўрмоқлари зарур. Шунда ўзга қавмларга ҳам ҳурмат ва эҳтиром-ла муносабатда бўлмоқни яна бир карра тушунадилар. Бундай катта қўшинни ҳаракатсиз сақлаб ҳам, боқиб ҳам бўлмайди.

Бу билан Темур ўғлига, мендек аскар ўлароқ туғилган одамнинг сиздек мутавозе ва мутаассиб бўлгани яхши, бироқ бу феълу атвор билан салтанатни бошқариб бўлмайди. Сиздек беозор ва қўй оғзидан чўп олмайдиган подшоҳлар замони ҳали-бери келмайди демоқчи эди.

Шоҳрухмирзо отасининг писандасини тушунди. Зиё-

фат ҳам охирлаб қолган, амир ва сарой мулозим-ри қуш қовурдоғи, кўзи тандиркабоби ва бузоқ қайнатма шўрваси ҳамда гўштини ҳафсала билан туширишгач, юртларнинг антиқа меваларини емоққа киришган эдилар. Қиш бўлганлиги учун қимиз қилинмас, соқийлар бўза кимронни айлантириб қуйиб туришарди, истаганлар ҳам чоғир ичишарди.

Ўғли билан узоқ гаплашиб қолганлиги боис амир Шайх Рамазон олдида бироз ҳижолат чеккан хоқон ниҳоят у томон юзланди.

– Сизни ёлғиз қўйганим учун узр тилайман, муҳтарам амир жаноблари. Биз бироз салтанат муаммолари ила машғул бўлдик, қусурга боқманг, – деди Темур қимрон қўйлаётган Шайх Рамазонга.

– Турон дастурхонининг лаззатли таомларини тановул этиб, хузур қилмоқдамиз. Том эркак ва аскар емаклари, дея очиқ чеҳрада жавоб қилди амир. – Дева сутини ичган диму, ундан тайёрланадиган мана бу қимрон ёки шубат дея аталувчи ичимликни тотмаган эрдим. Кўп қувватли ва таъб тортар ички эркан.

– Бизнинг катта юришларимизда қўшин орқасида камида икки минг туя, икки минг бия ва ўн мингдан ортиқ сигир ва совди қўй юради. Бу аскар учун беминнат сут, қатиқ, сарёғ, қимрон, қўй айрони ва қимиз демакдир. Бир парча экмак билан бир коса ёғи олинмаган қўй айронини ичган навкарга иссиқ овқатнинг кераги йўқ, – изоҳ берди хоқон ўзи ҳам хонтахта устида турган шокосадаги қимронни олиб бир неча култум ичар экан. – Қимрон бул даражада кучланиши учун ози билан бир ҳафта салқин уйда сақланиши керак. Муҳтарам араб биродарларимизнинг емаклари эса туя сути билан хурмодир. Бу икки таом ҳар қандай бошқа емаклар ўрнини босар экан.

– Ўзга ўрдулар минмоқ учун от-улов топа олмаганда сизлар бундай тадбирларни кўриб юрмоғингиз фавқулодда



...аммалдир, – ҳамон ҳайрат билан сўзлар эди меҳмон. – ...ни бу қўшинни Қорабоғда кўриб тан берган эдим. Келиб ...фикримни Боязидхонга ҳам айтгандим. Ўзим кўрмадим, ...ирок шоҳидларнинг сўзларига қараганда филлар усти... ўрнатилган ўточар қуроллардан сочилган олов парчала... ...ни кўрганда сербу фаранг черикларининг ҳам ўтакаси ...рилибди. Улар шу пайтгача бу тахлит савашган қўшинни ...рмаган эканлар. Усмонли лашкарлари савашни ҳам уну-...иб, филлар устидаги оловпуркар мосламаларни томоша ...илмоққа бошлабдилар.

Урушда ҳалол ёки ғирромларча савашмоқнинг қонун-...идаси йўқ. Ҳаёт-мамот дақиқасида енгмоқ ва ғалаба ...озонмоқ учун ҳар қандай усулни қўлламоқ оқланади. Бун-...да энг муҳими кам қон тўкиб, катта натижага эришмоқ, – деди Темур суҳбатдошини диққат билан тинглар экан. – Измирни забт этмоқни кўрсангиз эди, – дея ҳикоясида да-вом этди улуғ хоқон. – Уларга давомли равишда қалъа ва шаҳарнинг денгиз тарафидаги кемаларда ёрдам келиб ту-рарди. Биз шаҳарнинг сув қуршаган томонига ёғоч сўрилар қуриб, ўраб олдик. Қалъа ичидагиларга на бир қултум сув ёки ёй ўқи олишга имкон қолмади. Аксинча сўри устига ўрнатилган раъдондозлар ва нафтандозлардан кемалар ўққа тутилди ва улар қайтиб кетишди. Қўшин муттасил сафар-да юрса, у машқ ва жангдан пишиб кетади. Онгини фақат ғалабага эришмоқ фикри эгаллайди. Қирқ йил мобайнида қўшинимизни ана шундай етиштирдик. Бизда ҳар бир аскар ва унга боғлиқ киши ойда мунтазам маошини олади. Бизга қадар Турон ҳудудида муттасил ўрду бўлмаган.

Амирзода Шоҳрух қароргоҳидаги суҳбат, баҳс-мунозара ва келажак режаси билан боғлиқ кенгашлар бир неча кун давом этди. Султон Йилдирим Боязид ва Муҳаммад Султоннинг касталик хабари боис, зиёфатлар уюштирилмади. Барча бирдек оғир муносабатни кутаётгандек босиқ ва кам-гап бўлиб қолган эди.

Оқшаҳардан, Султон Йилдирим Боязид ҳузуридан ке-ган чопар уни Хўжа Ҳайрон хонақосига жойлашиб, бу дун ташвишларидан узлатга чекиниб, тоат-ибодат ила машғ бўлиб, кимса ила суҳбатлашмоқ ва қабул қилмоққа рағ хуши йўқлигини, хатти-ҳаракати, гап-сўзлари ҳам ўзгари қолганини, сиҳати борган сари ёмонлашаётганини айтди.

Улуғ Амир нима қилмоқ лозим дегандек, амир Шайх Ра-мазонга қаради. Усмонли амири сиз не амр этсангиз шу ма-ган маънода улуғ хоқоннинг юзига қараб турарди.

– Султон ҳазратларини бироз ўз ҳолига қўймоқ ма-қулмикан? – деди анчадан сўнг суҳбатдошининг ўзила жўяли бир гап кутаётганини ҳис этган амир Рамазон.

– Маъқул, – деди Темур ўйга толиб. – Бироқ султоннин бу тахлит тарки дунё этмоғи ўғиллари ўртасида тахт тала-шини ўт олдирмасмикан?

– Модомики, сиз бу ҳудудда экансиз, улар бунга журъ-эта олмайдилар. Зимдан атрофларига одам тўплаб, ўзлари учун қулай фурсат пойлайдилар, – жавоб қилди усмонли беги. – Бироқ эртами, кечми сиз айтган воқеа содир бўлади. Улар бир-бирларининг қонларини ичадилар. Бу кураш олти шаҳзодадан биттаси қолгунга қадар давом этади. Зотан, ус-монли саройининг ички низомига кўра энг кучли ва дав-латни сақлаб қола оладиган шаҳзода не йўл билан бўлса-да, тахтни эгаллашга ҳақли. Не қадар ва кимнинг қони тўкилмасин, бунинг аҳамияти йўқдир.

– Жуда оғир, бироқ бугуннинг эҳтиёжи нуқтаи назардан тўғри ўйланган тузук, – деди Темур амирни диққат билан тингларкан. – Усмонли турклари каби тўрт тарафи ёвдан иборат салтанатда бундан ўзгача ясо ила ҳокимият жило-вини тутиб бўлмайди. Биз бу давлат ва салтанат бирлигига оғир зарба бердик. Мен бу ҳақда Султон Йилдирим Боязид кўзига кўзим тушганидан бери ўйлайман.

– Мени эса бошқа бир туйғу роҳатсиз этади, улуғ хоқон ҳазратлари, – деди амир Шайх Рамазон улуғ Амир ила жон-



...а суҳбатга киришиб. – Турк хоқону султонлари, амиру ...шкарбошилари орасида не-не сўгушу қон тўкишлар со-...ир бўлмасин, улар бул хато ва фожиалардан хулоса чиқара ...илмайдилар. Шул боис, менга миллатимизнинг келажаги ...ҳум ва фожиавий кўринадур.

– Сўзингизга эътироз билдира олмайман, амир жанобла-...ри, – деди Темур тушкун бир оҳангда. – Бироқ туронли-...ликми, усмонлимизми, давлатларимиз ҳамда салта-...натларимизнинг келажагига ишонаман. Боиси, қавмимиз ...ч қачон Оллоҳнинг қаҳрига учрашга сабаб бўладиган ...юк гуноҳлар қилмаган деб ўйлайман!

Темур шундай деб беихтиёр қалқиб ўрнидан турди. Ҳаво ...лмоқ учун чодир саҳнига чиқдилар.

Яхшидир ёмондир, очдир тўқдир, тонг отар, кун ботар, умр елдек ўтар эди...

## ЎН БИРИНЧИ БОБ

*...Турк ва тожик умароларимга...*

*...Қарамоғимдаги қирқ аймоқдан қуйидаги ўн иккитасига тамға берилсинки, булар менинг хос навкарларимдан бўлиб ҳисоблансинлар: барлос, тархон, арғун, жалоир, тулкичи, дулдай, мўғул, сулдуз, тугай, қипчоқ, арлот ва тот... (турк демоқчи. Н.Қ.)*

*Тамғага етмаган йигирма саккиз аймоқ бошлиқларига улус амирлигини бердим. Ул... юриш, жангу жадал вақтида тузукка биноан ўз улусидан отлиқ аскар тўплаб, ҳозир бўлсинлар.*

**Хоқон Темурнинг олий фармонидан**

*Тахтни тобут тахтасига алмаштирдилар.*

*Қасрлардан айрилиб, қабрларга қаноат этдилар...*

*Осмон олдида бўйин эгмаган бош косаси илону чумолиларга озиқ бўлди...*

**Шомий**

Серёгин қишдан чиққан далалар ўзига келиб, ўт-ўланлар нишлай бошлаган, изғиринда дийдираган оғочлар гуллаб, интиқ кутгани, илиқ, яшаб яшнатгувчи баҳорни олқишларди.

Илиқ денгизнинг шамоллар қанотида учиб келган сижоқ тафти Дажла ва Фирот дарёлари оқиб ўтадиган буюк кенгликларга оби-ҳаёт уфурарди.

Анадўлу оваларига ҳориган Ҳинд карвони каби бир-бир босиб, кўклам кириб келарди.



Водийлар, даралар, тоғу тошларни ўз қучоғига олиб сабир кезаётган Оқ денгиз эпкини булутларни ҳайдаганича қирли қоялар-ла тиллашиб, қиш бўйи жунжикиб ётган адир ўтлоқларга ҳаёт бахш этарди.

Бодроқдек бўртган майсалар бош кўтариб она қуёш, бепубор осмон томон талпинарди.

Тошу тупроғида гўзал бу жаннатмисол ўлканинг булутлар-ла қўнишган қоялару жўшқин сойлар юртининг кузидан қиши, баҳоридан ёзи гўзал эди. Қавмларимиз минглаб чақиримларни босиб, бежизга бу ажойиб ва ғаройиб мамлакатга келиб ерлашмаганлар, хаёлидан кечарди қабулига Қўния султони амир Муҳаммад Қаҳрамоннинг киришига изн берган хоқон кўз қувчи этакдаги яшил кенгликларга тикилганча.

Юртнинг дашт ва чўл ҳудудларида одамлар биздаги каби уй эмакларини тошдан чиқарадилар.

Саропарданинг очиқ олд тарафидан водий, овани тенг иккига бўлиб оқаётган сой, сўл тарафдаги беткайни қоплаган арчазорлар ва сайхонликда машқ қилаётган суворийлар кўзга ташланарди.

Ҳамал келиши билан жон кирадиган мавжудод борки, гимирлаб қолган, илк баҳорнинг инсон зотига берадиган завқу илҳоми, йиллаб бола-чақаси ва уй-жойини кўрмаган, вужуди чайирдек қотиб кетган аскарлар юз қиёфасида ҳам ўз аксини кўрсата бошлаган эди. Бироқ кечаю кундуз от устида, тошни ёстиқ, чимни йўрган қилиб ўрганган бу одамлар орасида баҳору ёз келишини кузатиб, фарқлаб ўтирмайдиган, тезроқ амир буюрган ишни бажариб, тегишли ўлжасини хуржунига солганича юртига қайтишни ёки асир тушган бирорта сочи узунни хотинликка олиб, кимсанинг оёғи етмайдиган ерларга кочиб кетмоқни орзулаганлар ҳам оз эмас эди. Турон ўрдусининг қонун-қоидалари оғир бўлса-да, улуғ хоқон аскар қавмига нисбатан қаттиқ жазолар қўлланишига йўл қўймас эди. Аскарликнинг ўзи аслида булар учун бир жазо, оғир қисмат эди.

Саропардага япалоқ бурун, миқти, оқ сариқдан келган кўк... кенг елкали, зарҳал ҳошияли беклик чопонини кийган ... Муҳаммад Қаҳрамон кириб, тобуғ расмини бажо келтирди.

– Садоқатли қулингиз Муҳаммад Қаҳрамон хизматинги... га мунтазир, султони акрам ҳазратлари, – деди амир ... қўлини гурсиллатиб кўкрагига урар экан.

– Қулдан тош бўлмас, қулдан бош бўлмас! – деди Те... Қўния ҳокимининг тобуғ расм-русумни қойилмақом ... келтирганини завқ ила кузатар экан. – Султонлар султони... гича қолмоғи керак, иним! Барчамиз Оллоҳнинг қўли ... та қулларимиз! Ҳеч ким онадан подшоҳ бўлиб туғилмай... У феъл-атвори, саъйи-ҳаракати билан бул мақомга эриша... Бироқ, сиз муҳтарам биродаримиз Муҳаммад Қаҳрамонбе... улусимизнинг асил, қони тоза авлодисиз. Миллатимиз ҳамда динимизнинг бу қутлуғ маконлардаги тоғ каби бир фарзанди ҳамда султони ўлароқ унинг шаън-шавкатини сақлаб, салт... нат сурмоғингизга инонурмен. Зотан, сизнинг аждодларинги... ушбу масканларда тилимиз ва ўзлигимизни қалқони бўлиб келганлар. Менинг сиз азиз биродаримдан рижойим, Оллоҳ сизга яна қайтиб отамерос тахтини насиб этган экан, имкон қадар қиличингизни қинда тутмоқ аҳди ниятида қолинг! Эски рақибларингиз усмонлилар ила қайтадан рақобатга кириш... манг! Неки муаммо пайдо бўлса сўз ва сулҳ ила ҳал этмоқдан чекинманг, – насиҳат этди Темур Муҳаммад Қаҳрамонга таш... рифнинг муддаосига ўтинг дегандек боқиб.

– Сизнинг ўгитларингиз бошимиз устига. Бироқ усмонли биродарларимиз ила сулҳ асосида иш юритмоқ осон кечмас, хоқон ҳазратлари. Улар куч ва қилич тили ила сўзлашмоққа ўрганиб қолганлар. Бу одатларидан воз кечмоқлари мушкул кўринадур, зоти олийлари, – узрхоҳ оҳангда жавоб қилди юзи қизариб амир Муҳаммад Қаҳрамон.

– Барчасидан хабардормен. Аждодингизни эски турк қавми эканлигини, миллат шаъни-шавкати учун ҳар қандай синовга ҳозир эканлигингизни, усмонли саройидаги айрим



...миз ва миллатсизлар турк элини "қора турк" дея мен... ...муносабатда бўлишларини ҳам биламен. Сиёсатда, ..., бундай нозик масалаларда арқонни узун ташламоқ ... бўлади. Сиёсатда дин ва миллат масаласи доимо ... ва диққатталаб муаммо бўлиб келган. Бу хусусда ... кетган ҳукмдор ўнгарилмайди. Салжуқли аждодлари... Султон Санжар каби улуғларимиз ҳаёти ва қисмати ...чамизга ўрнаку сабоқ бўлмоғи лозимдир.

Қўния султони Амир Муҳаммад Қаҳрамон, Етти иқлим ...и Амир Темур сўзини мадраса ўқувчиси каби диққат ... эътибор билан тинглар эди. У Темурни илоҳий даражада ... ва кўрқарди. Амир Муҳаммад ота тахтидан мосуво ...либ, Шом даштларида усмонлилардан қочиб юрди. Зин...нинг зах ва қўланса ҳавосини ҳам ҳидлаб кўрди. Охири Турон ўрдусига етишиб, ўзини танитди ва хоқон ҳузурига ...иб боришларини сўради. Улуғ Амир уни очиқ чеҳра ва ...рмат билан қаршилаган кузнинг ўша ёмғирли, уст-боши ...лаббо бўлган кундан бошлаб, бу ғайритабиий инсоннинг ...жуди ва руҳида илоҳий бир куч-қудрат, сўз ила ифода... ...б бўлмас бир эътиқоду ғайрат жўш уришини ҳис этди. Шу-шу у Амир Темурга боғланиб, унинг садоқатли лашкар бошлиқларидан бирига айланди. Тум-тарақай бўлиб кетган ...скарлари ва қариндош-уруғлари атрофида тўплана бошла... Шу тариқа отамерос Қаҳрамонлилар беклигини тикла... ди. Хоқоннинг бир сўзини икки қилмас эди.

– Султон Йилдирим Боязид ҳазратларининг турумлари яхши эрмаслигини эшитиб, кўп таассуфдамен. Табиблар юбордик. Оллоҳдан шифо тилаймиз! – деди Темур фикрини банд этган оғир масаладан сўз очиб.

– Биз ҳам эшитдик, – жавоб қилди амир Муҳаммад паст овозда. – Оллоҳ шифо берсун!

– Зоти олийларини зиёрат этмоқ баробарида ўгит ва фик... рларини олмоққа эҳтиёж туйдимки, лутфи марҳаматларидан дариғ тутмагайлар, улуғ хоқоним, – дея муддаога ўтди қаҳ... рамонли беги тушкун оҳангда.

– Не демак? Лутфан, буюринг, – деди хоқон сў батдошини диққат-ла тингларкан.

– Муборак элларидан нишонни олиб бошкентга бори нимда қатор фитна-фужурлар ошкор бўлдики, бу хусу да не қарор қабул қилмоққа ақлим шошиб қолди, ул хоқоним.

– Сўйланг. Очиқ сўйлайверинг, – бекка далда берди хоқон

– Сулаймон ўлди, девлар қутулди қабилида иш кўрга мен тахтда эканлигимдаёқ рақибларимиз билан тил бири тирган икки катта хонимимизнинг қилмишлари очили қолди. Улар нафақат ўғиллари, ҳатто ўзлари тахтга ўтирми ниятида менинг маҳв этилишимга ташаббус кўрсатиб, бош қош бўлибдилар. Вазият шуни тақозо этмоқдаким, зоти олийлари, энди улар билан бирга яшаб-да, уларни юрти қолдириб-да бўлмайди. Не қилмоққа ҳайрон бўлиб, ин остоналарига бош уриб келдим. Оқсоқоллар, вазирлар ва қозилар ўзаро кенгашиб, сиз зоти олийларининг олдилари дан ўтмоқни маслаҳат бердилар.

– Уларнинг гуноҳлари шоҳидлар иштирокида исботлан дими? – сўради хоқон.

– Шоҳидларга лузум йўқлигини таъкидлаб, гуноҳларини бўйниларига олдилар. Ҳеч бир кишини бирор-бир жазога тортганимиз йўқ.

– Улар бу ишларини ўз бошларича қилишганми ёки уруғ аймоғ, жамоаси ила биргаликдами?

– Сўйлаганингиз каби қавми қабиласи билан, зоти олийлари.

– Уларнинг аждодлари беклик ҳудудига қай юртдан кел ганлар?

– Буюк хонимники Шомдан, кичигиники Хуросондан.

– Жамоаларининг сони не қадар?

– Бириники тўрт, иккинчисини уч юз уйлик чамаси бор. Кечирайин десам, ҳечам кўнгил рўйхуш бермаётир.



...ли авлод ҳам ўзимдан чиққан балога айлантирилган. ...и қиларимни билмай бошим қотди, хоқон ҳазратлари, – ...тламоқдан бери оҳангда арз этарди бек.

– Оғир, оғир ташвиш, – ҳайрон бўлди хоқон. – Кечи...риладиган айблар бор ва кечириб бўлмас гуноҳу жиноят...лар бўлади. Шунга кўра кимсанинг бурнини қонатмаслик ...йлидан бориб, одилона иш тутмоққа тўғри келади.

– Мен кўнгил одамиман. Кишиларни оғир жазоларга ...тортмоқдан мудом ўйланиб, азоб чекаман. Қўлим бормай...ди. Ўлим фармони ҳақида гап кетганда тилим айланмайди, хоқоним. Шул боис ҳам атрофимда Шербек Салжуқий каби кўнгил ва дард одамлари юрадилар, – самимий эди бек.

– Бу яхши ҳамда ёмон, авлодим. Шул сабабдан, ҳам салтанатни қўлдан бой бериб қўйгансиз. Сўйлаганингиз хислатлар ҳукмдорликда қўл келмайди. Сув ҳам сарт ерда турганидек, салтанат ҳам қаттиқ қўлда туради.

– Энг ёмони, кўнгил инсони бўлсангиз, одамлар нари турсин, ҳатто хонимингиз ҳам сизни янглиш англар экан. Кимнинг бўлмасин сенинг куч-қудратингни ҳис этиб, оғзингга қараб туриши керак экан. Акс ҳолда пушти камарингдан бўлган ўз авлодинг ҳам сўзингга кирмас экан, – ҳамон ўксик сасда дардини айтарди бек.

– Сизни англаб турибман, жигарим. Турумингиз ҳавас қилгулик эмаслиги аёндур. Бироқ умидсизланманг. Тушкунликка тушманг. Ҳақ эгаси қийин дамлардан чиқа билмоқ учун одам боласига ақл-заковат берган. Келажакка умиду ишонч ила боқинг-да, бул юрт, улус ва салтанат, тўрт нафар тожу тахту ҳавосига алданган, ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир нобакордан иборат эмаслигини кўз олдингизга келтиринг. Зотан, эл юки елкасидаги инсон аввало эл-юрти, давлату мамлакати ўғури дея яшайди. Сўнгра бола-бақраси ва қариндош-уруғини дейди.

Ўйга толган хоқон кўринишхонанинг қопусига бориб қайтди. Муҳаммад Қаҳрамонли эса тик, қўл қовуштирганча хоқоннинг кўзига қараб турарди.

– Бу борада таклифингиз недур? – сўради хоқон бекнинг қаршисида тўхтаб.

– Кўмак этиб, ҳаж сафарига жўнатсакмикан деганди хоқоним.

– Булар бир неча киши бўлганда майли эди. Бирок ал кўпчилик. Қолаверса, ҳажга бормоқнинг ўз шарти-шароити тартиб-интизоми бор. Унга амал қилмоқ мажбуриятидами Ҳажга сургун қилинмайди. Бола-чақалари ул тарафлар азоб чекадилар. Қолаверса, ҳазрати пайғамбаримиз "аёллар ни сизга омонат этдим" дея васият қиладилар биз эркакларга. Кимимиз бўлмасин, бу заифаларга раҳм-шафқат ила му носабатда бўлиб, қўримоғимиз жоиздир. Уларнинг бул киби ножоиз ишларга ақллари етмай қўл уришлари ҳам заиф ва ожизликлариданди. Ожизларга кечиримли бўлмоқ кучлиларнинг маснадидир.

– Ҳақсиз, тўғри сўйлайдирсиз, хоқоним, – деди бек диққат билан тинглаškan.

– Унда бир йўл қолади. Жамоаларни ўзлари келган юртлари, Хуросон ва Шомга оқ уйлик қилишга тўғри келади. Бу ҳудудлар айни замонда салтанатимиз тасарруфида. Сули, яшашга қулай ўлкалардан ер таъсис этамиз. Сиздан ри жойим шулким, бу жамоалардан бирор кишига озор бермаг. Бизнинг ясо-йўсунимизда эркак зоти уч бора кечирилади. Тўртинчисида Оллоҳнинг тақдирига топширилади. Ожизалар учун эрса, афв қопумиз сўнгига қадар очиқдир. Ҳақиқий эр кишилар эса хонимлар ила тенг бўлиб, тирлашмайдилар, – деди хоқон бу хусусда фикрини баён этиб.

– Оллоҳ рози бўлсин сиздан, зоти олийлари! Умид ҳам шунчалик. Елкамдаги улкан тоғни ағдардингиз. Не қиларни билмай бошим қотган эди, – деди иши осон кўчганидан енгил тортган бек юкуниб.

– Табиийки, бундан сўнг сиз яна эвланурсиз. Бу хусусда ҳассос бўлинг. Бизда тўққиз аждодини суриштириб, сўнгра қуда онти ичадилар. Шуни унутмангки, авлодим, аёл зо-



тининг меҳри-муҳаббати нафратга айланганда, у ҳатто фарзанди бўлса-да, энг катта дўсти ва душмани эридан қасос олмоқ учун ҳар қандай разилликка боради. Уларнинг энг катта ёмонлиги эса фарзандларни отага қарши қайрамоқдир. Бу қотиллик ила тенг жиноятдир. Одобли ва иффатли хонимлар эса закоси эридан устун бўлса-да, буни билдирмай, ақлигини пеш қилмай, хўжасининг кўнглига озор бермай оилани юритадилар. Хонимидаги ноқисликларга сабр қилиб, уни камситмай, ўкситмай, кўнглини кўтариб, хайрли ишларга бошлай билган зот ҳақиқий инсофли эрдир. Ва унутмангким, уйда эркак тентак – битта тентак, аёл тентак – ҳамма тентак. Оила аталмиш ўрдунинг тошу тарозисини шунга қараб қўяверасиз, авлодим, – дея сўзини мухтасар қилди хоқон.

– Бу мавзуда шу пайтгача кимсадан туймаган оталарча насиҳатни сиз зоти олийларидан эшитдим ва бул ғоят оғир юкдан бизни халос этдингиз. Дунё тургунча туринг, хоқоним, – деди бек йиғига ўхшаган сасда.

– Сиздан-да Оллоҳ рози бўлсин! Кечмишнинг янглиш саҳифалари устига афв чизиғини тортиб, ўнгга боқинг. Инсон ва улуслар орасига раҳна солажак фосиқона миллатчилик, жоҳилона диндорлик, диний айирмачилик ва нафрат руҳияти ва ғоясидан узоқ туринг ҳамда бундай элбузар кимсаларнинг йўлини кесинг! Дин байроғи остида эътиқоду миллатимизни ўзлигидан чекинтиражак чаласаводларга мамлакатдан чиқиб кетажаклари қопуни кўрсатинг! Дўстимиз Салжуқий ва улус ойдинларига, барча ватандошларимизга мендан дуои салом сўйланг! Йўлингиз юзингиз каби оқ бўлсин! – Тилак билдирди хоқон.

– Бош устига, султон Соҳибкирон ҳазрати олийлари, – жавоб қилди бек тобуғ расмини бажо келтириб, таъзим этаркан.

Амир Муҳаммад Қаҳрамонни муносиб ҳадялар билан тақдирлаган Темур икки кун ўтиб, Оқшаҳар томон юрди. Қаҳрамонли султони эса қадимий салжуқийлар давлатининг

пойтахти бўлмиш Кўния томон от сурди. Оқ оти тизгини бўш қўйганча ўзича эрта-индин бу юртда содир бўлажак воқеаларни тахмин қилиб борарди.

Франгу юнонни, Оврупаю Византияни титратган Султон Йилдирим Боязиднинг ҳақнинг раҳматига қовушгани ҳақида саккиз юз беш, шаъбон ойининг ўн тўртинчиси, шанба куни (09.03.1403) олий ўрдуга хабар келди. Бу дамда Турон қўшини Оқшаҳардан бир кунлик масофада турар эди. Сарой аъёнлари ва амиру лашкар бошлиқлари султон таъзиясига қатнашмоққа амр олдилар.

Куну тун давомида мижжа қоқмай йўл юрган хоқон Оқшаҳарга, Хўжа Ҳайрон мақбарасига етиб келди. У тахтиравонда оғир тебраниб келар экан, ўй-фикрлари беихтиёр Султон Боязид каби охир бир кун бошига тушажак қазойи қадар онига тақалар эди. Ўлимни ўйламаган мусулмон эмас. Ўлган ўлиб кетади. Ўлдинг, ўчдинг. Ажал дегани бировнинг кўзини чиқарса, бошқа бировнинг бахтини очади. У минг бир азоб-ла тиклаган давлат, етти иқлимни титратиб турган салтанатнинг тақдири не кечади? Авлодлари унинг буюк яловини қай манзилга қадар элта биладилар? Бу фақат ёлғиз яратганга маълум. Дўсту душман олдида ўзинг шармanda этмагин, эгам! Жонини эса кимса қўлига муҳтож қилмасдан, ўтдай келиб, сувдай тез олгин!

Қоровулбеги Давлатшоҳ Жайбачидан шаҳзода Мусо Йилдирим Боязиднинг Оқшаҳарга, отаси жанозасига етиб келганлиги ҳақидаги хабар олинди. Амир Боботурк билан Шайх Рамазонга эртароқ етиб бориб кўмак этмоқ буюрилди.

Султон жанозасига кўп одам йиғилган эди. Хоқоннинг ҳам таъзия маросимига қатнашишини туйган каттаю кичик Оқшаҳар томон оқиб келарди. Султонни сўнгги йўлчилигига кузатувчилар орасида унинг амиру беклари, вазиру лашкарбошилари деярли кўринмас, майдонни оддий халқ, фақирфуқаро тўлдирган эди. Мансабдор кишиларга қараганда деҳқону чўпон садоқатли бўлади, хаёлидан кечди хоқоннинг.



Шайх Рамазон хоқонни эргаштириб, Хўжа Ҳайрон мақбарасининг жасад сақланаётган хонасига олиб кирди. Султоннинг бир вақтлар от устида савлат тўкиб турган барваста гавдаси кичрайиб, қатъиятли, қаҳри келганда ёвузлашиб қон томадиган оқ сарғиш юзи мармар тусга кириб, бир бурдагина бўлиб қолган эди.

– Қазойи қадар дегани шу экан-да! – деди Темур ғамгин овозда Султон билан видолашар экан. – Оллоҳ раҳмат этсин!

Шаҳзода Мусо Йилдирим Боязид ўғлини бағрига босиб таъзия билдирганида кўз ёшларини тия олмади. Хоқон ва шаҳзоданинг елкалари бирдек титрар эди.

– Ота-она қайтмоғи меросдир, авлодим! Бардам бўлинг! Эртами-кечми ўлим ҳақ! Султон ҳазратларининг авлодларига ул кишимнинг тупроқлари қадар умр берсин! – деди Темур титроқ овозда.

Сўнгра ўтириб, Қуръондан тиловат қилди. Шаҳзода Мусони эргаштирган улуғ хоқон ўзи учун ҳозирланган чодир томон юрди. Шаҳзоданинг хаёли паришон, ранги заъфарон, ота қазойи қадарни бўйнига олмасдан туриб зимдан бошланган тахт талаши энди очиқ ва ошкора давом этиши равшан эди.

– Султон ҳазратларининг фарзанди аржумандлари тўплaниб, аввало ўзларингиз, сўнгра улус бошини қўшгувчи ва ризо эттувчи бир қарорга келмоғингиз лозимдир, – деди улуғ Амир шаҳзодага улар чодирга кириб хонтахта атрофига ўтиришар экан.

– Мен қардошларим қабул этган ҳар қандай қарорга қарши эмасман. Бироқ улар бир-бирларидан чўчиб, англашмоқ нари турсин, ҳатто кўришмоқни ҳам истамаётирлар. Уларнинг бошлари қўшилмоғига ақлим етмайдур, оламpanoҳ – жавоб қилди шаҳзода Мусо. – Мен элчи ўлароқ мамлакатдан чиқиб кетмоққа-да розимен. Улар шуни ҳам менга раво кўрмайдиганга ўхшайдилар. Не қилмоққа ақлим етмай қолди, улуғ хоқон ҳазрати олийлари!

Шаҳзоданинг гап оҳангидан нохуш кўргуликларнинг акс садоси келиб тургандек эди.

– Бизни худо қарғаган кўринадур, хоқон ҳазратлари, деди у анчадан сўнг йиғи аралаш.

Сўнг ёш бола каби енги билан кўз ёшларини артди. Улуғ хоқондан узр тилади. Темурнинг ҳам таъби хира, ичига чироқ ёқса ёришмас эди.

– Қисматдан кимса қочиб қутула олмайди, ўғлим, – ҳазин оҳангда насиҳат қилди Темур усмонли шаҳзодасига чин юракдан ичи ачиб. – Оғир, машаққатли дақиқаларда бир иродангизни икки, икки сабрингизни тўрт қиласиз. Сиз турк асли усмонли хонзодаси ўлароқ фақат чидамоқ ва яшаб қолмоқ ҳақида эмас, енгмоқ ҳамда ғалаба қозонмоқ ҳақида ўйламоғингиз лозим. Акс ҳолда катта мақсадлар нари турсин, кичигига ҳам эриша олмайсиз!

– Сўйлаганингиз каби баланд дор пешида қўшиб, барчамиз кунимиздан бурун шаҳид кетсак керак, хоқон ҳазратлари – жавоб қилди шаҳзода бошини қуйи эгганча.

– Буюк мақсадларга эришмоқ фақат қон тўкиб, қон кечиб савашмоқдан иборат эрмас. Инсон ҳаётида ақлу заковат-ла иш кўриб, тадбир юритмоқ учун ҳам жой қолмоғи лозимдир. Саваш сиёсатдаги охирги, барча тоат-ибодатлар чиппакка чиққандан сўнг қўлланажак ноилож чорадир. Буни ўзига асосий қурол қилиб олган ҳукмдор охир-оқибатда шу силоҳ зарбидан йиқилади.

Шаҳзода Мусо бошини елкаси орасига тортиб, чордана қурганча ерга боқароқ хоқоннинг сўзларини тинглар ва фикр этарди. Буларнинг ҳаётида, туриш-турмушида, ўзларининг ҳар қандай оғир шароитда муносиб тута билишларида бир илдиз, ишонч, кечмишга боғлаб турувчи томир, энг муҳими, кишини ўзига жалб этувчи самимийлик ва садоқат бор. Биз эса сақлаблар каби ҳаётимизни бир кунлик емак-ичмак ва ташвишлар устига қурмоққа ўргандик. Бошимизга оғир кунлар тушиши билан ҳаётимиздаги иликлик, завқ-шавқ, келажак умиди бир зумда ғойиб бўлади. Теварак-атрофимизни ақлбовар қилмас даражадаги хавф-хатар ўраб олгандек ту-



...верали. Нечун шундай? Яғийларимиз кўплиги учунми? ...ки ўз кучимизга у қадар ишончимиз йўқми? Анқара сава...ида назарий жиҳатдан биз енгишимиз керак эди. Бироқ ...ундай бўлмади. Демак, савашдаги асосий омил қўшин...ни ва қурол-яроғда эмас экан. Савашнинг тақдири қўшин ...лбига ғолиблик руҳини сингдира олишда экан. Темурнинг ...у ўрдуси олдида биз билган Искандар қўшини ҳам ип еча...майди. Аслида Темур ғарбга қараб юриши билан бир пайт...лар ўз юртига бостириб борган юнонларга жавоб бермоқчи бўлган экан. Аҳмоқлигимиздан бу зарбани биз қабул қилиб, белимизни синдириб ўтирибмиз. Темурдан бошқа бир душман бўлганда, кулимизни кўкка совурар эди. Бу одам эса ўз рақиби саналмиш кишининг жанозасига келиб, кўз ёши тўкиб ўтирибди...

Амир Боботуркни ҳузурига чорлаб, шаҳзоданинг қаршисига ўтказган хоқон сўнгги кўрсатмани берди.

– Султон Йилдирим Боязиднинг жанозасида иштирок этаётган борким қавм-қариндошларига хос тўнлар, керак миқдорда от-улов, озиқ-овқат ва харжлик учун маблағ берилсин! Шаҳзода Мусо Йилдирим Боязид ўғлига хосса тўн, олтин камар ва юз бош эгар-юғанлик от тақдим этилсин! Мо...домики, отангизнинг жанозасига сиз эга чиқдингиз, Рум вилоятининг пойтахти Бурсага унинг жасадини олиб бориб, ўзи қурдирган турбага шоҳона иззат-икром билан дафн этинг. Бу авлиёсифат инсон ҳар қандай эъзозу эҳтиромга муносибдир...

Темурнинг сўзи бўғзига тиқилиб, кўзи жиққа ёшга тўлди. Орага оғир, юракни сиқувчи сукунат чўкди. Бу жимликни Темурдан бошқа киши буза олмас эди.

– Авлодим, Мусобек! – деди анчадан сўнг улуғ хоқон йиғига ўхшаш овозда. – Мен ҳам ёши бир жойга бориб қолган одамман! Етмиш-кетмиш, саксон-йўқсан дейдилар! Сизга айтар сўзим шулдир. Ноҳақ сўйласам гуноҳим бўйнимдадир. Шуни унутмангки, бизнинг улусдан ҳеч бир замон усмонли қавмига ёмонлик келмайди. Сиз оққўюнлию

қорақўюнлилар, салжуқлару қаҳрамонўғиллари каби турк
уруғларини ҳеч қачон ўзингизга душман ўлароқ кўрманг.
Улардан яғий ясамоқ жаддида бўлманг. Турк улуси, куч
улуси бўлиб, сўзида турмаган тарафнинг танобини торт
қўймоқ қудратига соҳибдир. Турону усмонли орасида
Эрон билан динимиз бир, қонимиз ва тилимиз қўшилиб кет-
ган. Уларнинг иззатини жойига қўйиб, дўстлигу бирод-
лик мақомида тутинг. Сиз ҳам, биз ҳам саройимизда бу
қадимий ва гўзал тилда кўнишамиз. Ҳиндистон каби Эрон
ҳам буюк кечмиш ва инсоният закоси томир отган тарихий
тупроқдир. Салибчиларнинг ўзлари босиб келмаса, улар-
нинг ортидан қувманг! Акс ҳолда, охир бир кун улар бир-
лашиб, сизни маҳв этадилар! Буни дунё кўрган кекса бир
туркнинг ёш авлодига васияти деб билинг!

Темурнинг нидо ва видо каби сўзлари мадраса ҳужрасида
акс садо бериб, илоҳий бир оҳангда янграр эди.

Барча бирдек мотам ва қайғуда ерга қараб қолган, хонада
нафас олса эшитилгулик сокинлик ва сукунат чўккан эди.

– Омонда бўлинг, авлодим! – деди ниҳоят Темур ўрнидан
туриб амир Мусони кузатар экан. – Сизни ва авлодингизни
яратганга топширдим!

Темур шаҳзодани фарзанди каби бағрига босиб хайрлаш-
ди. Яна бирдек кўзларга ёш қалқди. Ёш бола каби кўз ёшла-
рини енги билан артаётган амир Мусо зўрға оёғини кўтариб
босиб, Бурса томон йўлга чиққан жаноза карвони ортидан
жўнади. Бу унинг ҳаётдаги энг оғир, машаққатли ва қайғули
йўлчилик эди.

Ҳар бахту бахтсизлик, омаду оёқ тойишни олдиндан сеза-
диган хоқоннинг тийрак идроки яна бир буюк айрилиқ, яна
бир қайғули қайтишни ҳис этиб турарди. Бу фикр унинг бо-
шида Муҳаммад Султондан келган хабарчиларнинг совуқ ва
ташвишли, энг ёмони, умидсиз мактубидан сўнг айланар ва
айлангани сари юраги ўртаниб, тўнғичи Жаҳонгирдан ай-
рилган мусибатли дамлар хотирасида жонланиб, эски яра-



лар тирналар эди. Инсон ёши элликка етгунга қадар ўлим
ва айриликларни оғир қаршилар экан. Ўз ҳаётининг асосий
қисми, учдан иккиси ўтиб, ўлим деган рўдапо шундоққина
рўпарасига келиб қолганида тангрининг бу азалий қисматига
етуқ ақл ва тийилган ҳис-туйғу билан боқиб, тақдирга тан
берар экан.

Мактубда валиаҳд Муҳаммад Султонга дори-дармон ва
табиблар муолажаси кор қилмаётганини, аҳволи кун сайин
оғирлашаётгани ёзилган эди. Ўрдуни Оқшаҳарда қолдириб,
енгил қўриқчи минглиги йўлдошлигида йўлга тушган хоқон
қайғуга ботганча кетиб боради.

Шаъну шавкат битмоқдамикин? Бул нимадан ишорат?
Тахтиравонда мунгли ва ҳазин кайфиятда солланиб бораёт-
ган хоқон ўй-хаёлидан шу фикрлар кечарди.

Толиққан улуғ Амир тебраниб бораётган тахтиравонда
кўзи бир илиниб, бир уйғониб кетиб борар, йилқичилар етак-
лаб кетаётган севимли отларига узоқдан қараб қўяр, гоҳида
эгри ва ёлларини силалаб, эркалар, уларни миниб бироз
юрар, бироқ аввалгидек бошини қўйиб, чоптириб лаззатла-
на олмас эди. Бу ёруғ дунёда ҳамма нарсанинг чек-чегараси,
интиҳоси бор экан. Инсон вужудидаги куч ва шижоат суса-
йётгани, оқибатда танани тарк этаётганини илк бор тиззаси
бўшашгани, кўз нури хиралашганидан сезар экан. Буни се-
зиб-сезмасликка олса-да, вақт ўз ишини қилаверади.

Улуғ амирнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини зийраклик би-
лан кузатиб бораётган Тўплақ Қавчин тахтиравонни тўх-
татишни буюрди. Хоқоннинг кўзи илинганда бироз бўлса-
да истироҳат этмоғи учун шундай қилар эди.

...– Қарғиш! Қарғиш! – деди вужуди ўтдек ёнаётган
валиаҳд Муҳаммад Султон бошида ўтирган мингбоши Аб-
думалик Қорахоннинг кўзларига умид ва ночорлик акс эт-
ган нигоҳини қадаб.

Валиаҳднинг хавфсизлиги топширилган мингбоши Абду-
малик Қорахоннинг эса изтироб ва аламдан ичи ўртанар эди.

У ўз қўлида жон берган амирзода Умаршайхнинг сўнгги нигоҳи ва қилтиллаб жони узилишини ҳали унутмаган, кўзи тирик экан, унута олмас эди. Энди эса Турон салтанатининг жон таслим қилаётган тахт вориси Муҳаммад Султоннинг бошида ҳақ деб ўтирибди. Эҳ дунёи кўтир! Нечун уни бу қадар оғир ва таҳликали синовларга дучор этасан? Эсини танибдики, қон кечиб уруш-саваш ичида, айрилиқ фожиалар гирдобида юради. Энди билса ҳаётининг энг ажойиб дамлари ўша, Туркистон тизмалари этагида қўй боқиб, улоқ чопиб юрган дамлар экан. У кунларнинг қадрига етмаган экан. Подшоҳларга яқин бўлиб, от суришни, қўмондон ўлароқ аскарларга амр беришни орзу қилмоқ аслида ўзини ўтга урмоқ эканлигини кеч англади. Амир Бобур турк хоқон ҳазратларидан рухсат олган куниёқ улар она қишлоқлари Ўсматга қайтади. Бир сурув қўй ва бир уюр от қилади. Бола-чақа, невара-чевараси билан шунга қараб, Каттасойнинг сувини тўйиб-тўйиб ичиб ётади.

Хоқон ҳазратлари Новқанинг ёни, Ўсматнинг кунчиқиш тарафидаги Боғмозор дарасини этакдаги яйлов ва сувли ерлари билан бирга устозлари Мир Саид Бараканинг кичик қардоши Мир Саид Халилуллоҳга суюрғол қилиб бергандилар. Ул кишим ҳам бир неча бор одам юбориб, келишини тайинлабдилар. Навкар зоти элликдан ошгандан кейин аскарликни йиғиштириши керак экан. Билак ва оёқдаги куч ҳам шуни тақозо этиб қоларкан.

Валиаҳднинг қон қочаётган юзларига қараганда унинг ўйхаёли тўзиб кетар, гулдек йигитнинг нобуд бўлаётгани юрагини ўртар эди. У яна қайтиб боя айтган сўзини такрорлади. Аввалига фаҳмламаган мингбоши беморнинг босинқираб айтган сўзини тушунди. Валиаҳд очиккўнгиллик билан бу ҳақда унга сўзлаб берган эди. Сўз шаҳзода Искандарнинг отабеги, йигирма олти нафар мулозиму навкари билан бирга Қорадарё бўйида боши кесилган амир Баён Темур Беккичикнинг сўнгги аламли ҳайқириғи ҳақида кетаётган эди.

– Йигит ёшингда йиқил! – дея қарғаган эди у боши кундага қўйилаётганда шаҳзодани.



У шу қадар чексиз ўкинч ва алам билан қарғаган эдики, айни дамда валиаҳднинг аъзои бадани жимирлаб, совуқ тер чиқиб кетган эди. Бу совуқ ҳис ўшандан буён вужудини, ҳамли нидо фикри зикрини тарк этмади. Ҳеча м исимайдиган бўлиб қолган танаси борган сари совуб музга айланиб борар, бу жунжикиш танасини саратонда ҳам тарк этмас эди. Бироз исиниб олмоқ учун ҳаммомга кириб узоқ муддат иссиқ сувда ётар, бироқ танасидаги илиқлик узоққа бормас эди.

Валиаҳд алаҳсираб, мени қарғиш урди демоқчи бўлаётган эди. Хаёли қочиб, шошиб қолган мингбоши шаҳзоданинг оёқ панжаларини ушлаб кўрди. Муздек эди. Тамом. Демак, одам бўлмайди, ўйлади ўзича дами ичига тушиб. Шундан сўнг қошқовоғига қараб турган Доно Хўжани яна улуғ амирга юборди.

Бу салтанат улуғ хоқон туфайли оёқда турибди. Унинг меҳри ҳам, қаҳри ҳам қаттиқ. Султон Йилдирим Боязиднинг оёғи қоқилиши давлатни не кўйга солди. Худо кўрсатмасин, эртага улуғ хоқондан сўнг Турон юрти не аҳволга тушажак? Салтанатнинг чекка ҳудудларида бошбошдоқликлар юз берса-да, ёғийлар унинг отидан чўчиб, Турон ерига оёқ босмоққа журъат этолмайди. Яна қолгани яратганга аёндир.

Мингбошининг қаршисида асли дамашқлик бўлган табиб мавлоно Фаррух сиқилиб ўтирар, кўрган чора-тадбирлари ва дори-дармонлари шаҳзодага таъсир қилмаганидан бетоқат чодир ичида юрар, бир неча кун ухламаганидан кўзи ичига кириб кетганди. Қанча уринмасин, беморнинг томоғидан сув ҳам ўтмай қолган эди.

Саропарда бурчагида ўтирган имом Тоштемир Тангатопди паст овозда Қуръони Каримдан тиловат қиларди. Унинг ҳазин ва таскин берувчи овози шу пайтгача ўзига келиб-кетиб ётган валиаҳднинг қулоғига элас-элас кириб, уни элитгандек эди.

– Оллоҳнинг қисмати, чорамиз не? – деди Абдумалик мавлоно Фаррухнинг хижолат ва ожизлик ҳисси қотиб қолган юзига боқиб. – Биз ожиз бандаларнинг қўлимиздан не ҳам келарди!

Мавлоно Фаррух тиз чўкиб ўтирган ерида бош ирғаб унинг сўзини тасдиқлаган бўлди. Орадан бир намоз орал вақт ўтмади. У чуқур нафас олиб чиқарган каби бир ингра ди. Шу инграш баробарида жон таслим қилди.

Кўз ёшлари музга айланиб қолган табиб мавлоно Фаррух мингбоши ёрдамида шаҳзоданинг кийимларини ечди. Ок сурп билан жағини боғлади. Кўз қобиғини ёпиб қўйди. Сурп дан йиртиб олинган ип билан икки оёғининг бош бармоғини қўшиб боғлади. Улар улуғ Амир етиб келгунга қадар жасадни жойидан жилдирмасликка қарор қилдилар. Бироқ саропардага кириб чиқаётганлардан бирортаси ҳам ташқаридагиларга тахт ворисининг вафоти ҳақида оғиз очмади.

Табиб Фаррух шаҳзоданинг оёқ бармоқларини боғлаб бўлганида у яна бир бор инграб юборди. Мавлоно шоша пиша аввал хастанинг жағини, сўнгра оёғини ечди. Қон то мирини ушлаб кўрди. Чап кўкрагига қулоғини тутди.

– Ҳали жони чиқмаган. Валиаҳднинг вужудлари доимо совуқ юрарди. Юраклари билинар-билинмас уриб турибди, – деди мингбошига ҳижолатомуз термулиб. – Жуда оғир аҳволда қолдик, Абдумаликбек. Ҳаётимда бундай хастани илк бор учратишим!

Мингбоши индамай, унинг сўзларини тинглар, кўнгли эса ҳадемай улуғ Амирнинг етиб келишини сезиб турар эди. Шундай бўлса-да у Элчи Буғани яна валиаҳднинг бобоси истиқболига юборди.

Табибни саропардада қолдирган мингбоши хабар олиш учун ташқарига чиқди. Барча бирдек улуғ Амирнинг етиб келишини кутар, қароргоҳдаги одамлар нари турсин, ҳатто валиаҳднинг отлари ҳам хомуш эди.

Эртаси куни эрталабга яқин хоқоннинг келаётгани хабари олинди. Саломларга бош ирғаб алик олган Темур набирасининг саропардаси томон йўл олди. Мингбоши ҳеч бир замон хоқонни бу қадар руҳан тушкун ва паришонхотир ҳолатда кўрмаган эди.

Шаҳзоданинг бош тарафига оғир чўккан бобо чуқур



бир уҳ тортди. Шу уҳ тортиш баробарида кўз олди қоронғилашиб, хаёли қочди. Хоқон толиққан эди. У аслида ҳамма нарсадан, жаҳонгирлигу султонлик, амирлигу хоқонлик, беклигу лашкарбошиликдан ҳам чарчаган эди.

У шу кунга қадар яқинларидан, отасидан бошқа ҳеч кимнинг энг сўнгги дақиқада бошида бўлмаган, ўлим дея аталмиш даҳшатли мусибатни бор бўй-басти ила ҳис этса-да, унга бевосита юзма-юз келмоқдан ўзини олиб қочарди.

Ҳар қандай манман деган ботир ҳам ўлимдан қўрқади. Ўлимни илоҳий неъмат каби қабул этишни бот-бот такрорлаб юрса-да, унинг қаршисида кимса ўзини мукофот олаётган киши каби ҳис этолмайди.

Аслида ўлмоқ даҳшат эмас, уни аниқ-тиниқ тасаввур этмоқ даҳшатдир. Умиди, ишончи, бош фарзанди Жаҳонгирнинг тўнғичи Буюк Турон тахтининг вориси Муҳаммад Султоннинг бу ғариб жуссаю жасади, бу ақлбовар қилмас айрилиқ, унинг орзу-умидларини чил-парчин қилган эди. Лаънатлар бўлсин бу аҳмоқона дунёга, деди у ичида изтиробли ҳис-туйғулари жунбушга келиб. У сени бир куни салтанат тахтидан аза маснадига, иккинчи куни эса қаро ер қаърига тушириб юбориши ҳеч гап эмас.

– Бола бечора жуда қийналиб кетибди, – деди улуғ Амир табиб Фаррухга савол назари билан тикилиб, қанчалик умри қолди деган маънода.

– Уч кундирки бола боякиш шу аҳволда. Ўқтин-ўқтин алаҳсирашини ҳисобга олмаганда тили калимага келгани йўқ, – жавоб қилди табиб бир хоқонга бир бемор шаҳзодага тикилиб. – Бирор кун шу зайлда ёта билурлар.

Темурни яна оғир ўй босди. У суюкли набирасининг жасади бу юртларда қолиб кетишини, яғийлар уни оёқ-ости қилишини истамас эди. Не ажабки ота юрт Кешда, ўзи учун солинган мақбарага ўн гулидан бир гули очилмаган тахт вориси тушса-я! Қисмат унга бу қадар шафқатсиз бўлмаса!

Не-не тошларга тегмаган бошга бу кўргулик ҳам бор экан ки, чидамоқ, тақдирга тан бермоқдан бошқа илож йўқ! Уни шу мартабаларга етказган Оллоҳга ношукурлик қилмайди! Суюкли набира билан дийдорлашув эса қиёматга қолди.

– Уни муҳаффага олинг, Султония томон йўлга тушамиз. Бир қадам бўлса-да ватанга яқинлашмоқ лозим! – Мунгли оҳангда амр берди хоқон.

Валиаҳднинг амир ва мулозимлари ғариб бир аҳволда сафар ҳозирлигини тугатиб, йўлга тушдилар. Кимсадан сас садо чиқмас, сўз ила тасвирлаб бўлмас оғир, машаққатли, юрак тарс ёрилиб кетгудек ғамгин сафар давом этарди. Мулозимлар, черик, емаку ибодат замонини унутган, паришон хотир бир ҳолатда муҳаффа қўйилган арава атрофида ич ичидан йиғлаб-сиқтаб кетиб борарди.

Қораҳисордан уч манзил ўтганларида табиб Фаррух улуғ амирга тўхтасак яхши бўлар эди, дегандек ишорат қилди. Мотамсаро қўш тўхтади.

Темур тахтиравондан тушиб, муҳаффа олдига келганида валиаҳднинг танасида ҳаёт нафаси йўқ эди. Бобонинг вужуди музга айланди.

Муҳаффа хаста ва жасадни махсус аравада олиб юришга мўлжалланган тобутсифат бир мослама эди. Темур ўрдусида муҳаффачи бир қисм бўлиб, у ярадор, хаста ва жасадларни шифохона ва жарроҳхоналарга ташир, бу муҳим бўлинмага иши тушмаган амиру лашкарбоши йўқ эди.

Турон тахтининг валиаҳди, Соҳибқирон Амир Темурнинг вориси Муҳаммад Султон Жаҳонгир Темур ўғли саккиз юз бешинчи йил шаъбон ойининг ўн саккизида, душанба куни, ҳутнинг сўнгида (13.03.1403) йигирма тўққиз ёшида қасрдан қабрга инди.

Валиаҳд Муҳаммад Султон Султон Йилдирим Боязиддан тўрт кун сўнгра бу ёруғ оламни тарк этди.

Айриликдан дили вайрон бўлган Темур ҳузурига ва-



лиаҳднинг энг яқин бекларини чорлашни буюрди. Унинг кўнглига қил сиғмас, назарида, шу пайтгача қилиб келган барча тоат-ибодати ҳавога учиб кетгандек эди.

Валиаҳднинг бош амири Илёс Хожа Шайх Али Баҳодир эди. У амирзода тасарруфидаги вилоят ва черикда бош вазир вазифасини ўтарди. У амирлари Обонбек, Доно Хўжа, Давлат Хожа, Элчи Буға, Уммат Мубашшир ва унинг ўғиллари Дайсал ва Шировул Кўкалтош йўлдошлигида улуғ хоқон саропардасида мотам либосида ҳозир бўлдилар.

Барчалари юкуниб, алам ва изтиробда азадор бобога таъзия билдирдилар. Хоқоннинг эса тилига сўз келмас, фақат ожиста бош ирғаб, улар таъзиясини қабул қилар эди.

– Барчамизнинг ҳолатимиз Яратганга ва ўз-ўзимизга маълумдир! Мен сизлардан бундай оғир кунларда янада матонатли ва сабрли бўлишни рижо этаман! Барчамиз Оллоҳнинг иродасига бўйсунувчи мўъмин-мусулмонлармиз...

Темурнинг сўзи бўғзига тиқилиб қолди. Сўзламоққа ҳолати ва руҳияти етишмас, ақлига келаётган сўзларни унутиб қўяр эди. У худди шу дамда бахтсизлик, фожиа ва айрилик инсон зотини тўғри йўлдан-да, сўзидан-да, келаётган ишидан-да адаштиришини, киши не қадар кучли, не қадар маълум ва машҳур инсон бўлмасин, буюк бахтсизликлар олдида нотавон бир кимсага айланиб қолишини ҳис қилди. Кўз олди қоронғилашган хоқон ўзини қўлга олиб сўзида давом этди. Ташқаридан эса йиғи-сиғи саси келар, қора кийган бек ва мулозимлар бўйинларига қора кигиз парчаларини осиб, бошларига тупроқ сочиб йиғлашарди.

– Одамларимизга сўйланг, беҳуда бақириқ-чақириққа лузум йўқ, – деди Темур хаста овозда Илёс Хожага қараб. – Бошга тушганни кўз тортажак. Эгаси инсон зотини отамлатсину, бўтамлатмасин! Шаҳзоданинг тобутини эса муҳаффага қўйиб, черик йўлдошлигида Султонияга элтингиз. Шаҳардаги Қийдор пайғамбарнинг мозори атрофига омонат қўйингким, сўнгра Самарқанд сори элтажакмиз!

Илёс Хожа бошлиқ бек ва мулозимлар икки юз эллик ...рик ҳамроҳлигида валиаҳд жасадини Султония томон ... жўнадилар.

Қалби бўшаб қолган Темур ухлаганини ҳам, ху... кетганини ҳам англолмай, бир кун, чамаси, саропар... чиқмай, шифтга термилиб ётди. Унинг ҳузурига амир ... ботурк билан Алп Туркашдан бошқа кимса киролма... Хоқоннинг вужудидаги бу карахтлик анчагача тарқалма...

Чодир шифтига қараб ётар экан, хаёлига келган фикрда... ихтиёр сесканиб кетди. Султон Йилдирим Боязид ва усмо... турклари қавмига қилган хатти-ҳаракатим учун Оллоҳ ... валиаҳдимдан жудо қилгандур!.. Кофир ва динсиз юр... қолиб, исломнинг таянчи бўлиб турган ўлкага юрганли... учун яратган менинг кўзимни очмоққа даъват этгандур?! ... ҳолда бу фалокат ва айрилиқ яхшиликдан башорат этмайдур!

Кўзингни оч, Темур! Сен буюк давлат тиклайман, ... ислом ва адолатни қарор топдираман дея енгилмас ... ўрдуни яратдинг. Тарих ва тажрибадан маълумки, бу... дай катта ўрдуни тинчлигу осойишталик замонида боқи... қорнини тўйғазиб бўлмайди. Уни тутиб турмоқнинг би... дан бир йўли эса жанг ва юришдир. Сен бу катта ўрдуни... амири ўлароқ аслида унинг энг катта етимига айлани... қолдинг. Лашкар яшамоғи, ўз жанговарлигини сақламо... учун нимаки қилишга мажбур бўлса, сен унга эргашмоқ... хоҳиш-иродасини бажармоққа мажбурсан. Сен ва лашк...ринг қон тўкиб эришаётган фатҳу зафарлар эрта кунда не на...тижа ила ниҳояланажак? Бу фақат яратганининг ўзига ая... Буюкларнинг дўсти ҳам, душмани ҳам буюк бўлади. Бунда... шахсларнинг дўстдан кўра душмани кўпдир. Не-не тошлар...га тегмаган бошинг, не балою офатларни кўрмади. Салтана... ва тахт ғавғоси йўлида не-не дўстлар топдинг ва йўқотдин... Қаршингга чиққан душман не қадар буюк бўлмасин, ти... чўктирдинг. Оллоҳ сенга мана шу шарафли имкон ва иқболни ато этди. Бугунги кунда Мисру Бағдод султони бўлсин, Қора



...юсуфу мўғул қоонлари бўлсин, ер юзида сенинг олдингни ке...ла ўта оладиган шахсу куч йўқ! Оллоҳга беадад шукрлар ...ин! Бироқ ҳаётингнинг фатҳу зафарга тўлик шундай ...р онида тахту салтанатнинг кўрар кўзи, умидинг юлдузи – ...валиаҳдингдан ажралиб ўтирсанг! Давлатингнинг келажаги ...ноаниқ бир шаклда кўз олдингда турса? Бунга қандай чидаш ...мумкин! Ё Раб! Ўзинг мушкулимни осон қил!

Уйқусизлик, ҳорғинлик ва руҳсизликдан юзи, қовоқлари ...шиган хоқон аранг ўрнидан қўзғалиб, саропардага туташ ...таҳоратхона ва ундан масжид томон юрди. Ёлғиз ўзи узоқ ...намоз ўқиди. Яратганга илтижо қилди.

Ибодатдан сўнг вужудига бир таскин, сабр-тоқат ва ...тақдирга тан бериб, шукур қилмоқ ҳисси келгандек бўлди. ...қаттиқ очиқиб, оёқлари қалтираётганидан анчадан бери туз ...тотмаганлигини англади. Ибодатдан қайтиб яна хос хонага ...кирар экан, қўл қовуштириб турган хос мулозимга бир парча ...нон ила бир коса сузма келтиришни айтди.

Шундай кенг дунё кўзига тор бўлиб турганида кўнгли бо...лалигидан хуш кўрадиган тулум сузмасига кетди.

Онаси раҳматли мешдаги сузмани янада хуштаъм қилмоқ учун ичига шивит ёки кўкўти солиб қўяр эди. Улар тол ко...саларга насибасига лойиқ сузмадан олиб, яримта нонни ...қултиққа урганча, этакдаги Ойдинбулоқ сари тушарар, суз...мага булоқнинг муздек сувидан қўшиб чалоб қилганча нон билан ҳузурланиб ичишарди. Дунёда бундан тансиқ таом бўлмас эди. Аслида ҳаётининг энг беғубор дамлари ўша кун...лар экан. Инсон зоти ҳар қандай саодатли дақиқаларни ундан мосуво бўлгандан кейин англар ва қадрига етаркан. Ўттиздан кейин одам умри оқар сув каби жуда тез ўтиб кетар экан.

Киши назарида қўлингдан катта ишлар келмайдиган бо...лалик ва ўсмирлик ҳали вери тугамайдигандек, сен улуғ ва улкан ишларни ҳали-ҳануз амалга ошира олмайдиган...дек туюлаверар экан. Вақт ва замон сени ўз оқимида олиб кетгач эса унинг тўлқинларида қаерга бориб қолганингни англамоқ ҳам мушкул бўларкан. Воқеа ва ҳодисалар тиз-

гини қўлингдан чиқиб кетиб, давр оти устида орқаи яна бўлганча лўкиллаб кетаверар экансан. Охир-оқибат ўша, барчанинг пешонасига ёзилган тўртчўп, бир ярим газ шаръий бўз, бир ярим газ тупроқ...

У ҳаётда инсон эришиши мумкин бўлган энг олий иззат ҳурмат, улус эҳтироми, дўст ва аёллар меҳр-муҳаббатини кўрди. Уларга ҳам асл инсоний муносабатни кўрсатиб чексиз саховатлар қилди. Мансабу бойликлар, суюрғол ўлкалар ҳадя этди. Эвазига салтанатга садоқат ила хизмат этмоқдан бўлак ҳеч нарса талаб қилмади.

Унинг хаёлида давлат ва салтанат манфаатидан ўзга ғам-ташвиш йўқ эди. Зотан, мулки Турон иқтисоду сиёсатда жуда илгарилаб кетган, яйловлар тўла чорва, далалар ҳосилдор эди. Чўпон таёғини суқиб қўйсанг ўсиб, ол бўладиган сувли водийлар, баҳор ёмғиридан тўйинган лалми ерларда элу юртнинг насибасига етиб-ортгулик хирмон кўтарилар эди.

Турон ипаги ва пахтасининг довруғи Чин мамлакатигача етиб борган, Бухоро қўрақўлининг довруғи Хинду ажамда машҳур эди. Самарқанду Хоразмнинг қовунқоқи, қуруқ мевалари Русия ва Оврўпо бозорларини безаган. Халқ кейинги қирқ йилда илк бор уруш-жангсиз, ташвиш таҳликасиз яшар, олис ўлкаларга жанг учун кетганлар эса қўйни қўнжини олтину кумушга тўлиб, қўша-қўша от мініб, сурув-сурув қўй-эчки, пода-пода сигир ҳайдаб қайтар эди. Шаҳид кетганларнинг болалари ҳам яшашига етиб ортгулик даражада маблағ билан таъминланарди. Юртда очу яланғоч, тиланчию девона йўқ ҳисоб эди. Ғарибғураболарга боқмаган ўлкаларнинг ҳоким ва кадхудолари қаттиқ жазоланар, одамлар ҳаётларидан мамнун эдилар.

Темур бунинг барчасини билар, бироқ ичида улусни янада бой ва бадавлат қилиш мумкин дея ўйларди. Ўзининг ва жойлардаги ноибларининг қилаётган ишидан қониқмас эди. У ҳаётида кўп дуч келган ва ўзини узоқ ўйлатган бир нарсани қанчалик мушоҳада этмасин, олиму уламо, фозилу



...зилолар билан суҳбатлашмасин, англаб ета олмаган эди.

Узоқ мулоҳазалардан сўнгра у ўзича инсонни инсон...ликдан чиқарадиган туйғу бу ичиқоралик, кўролмаслик ва ҳасад ҳисси экан, деган фикрга келди. Аксари одам...ларга хос бўлган бу ярамас феъл дўстлик, меҳр-муҳаббат туйғусидан кучли ва даҳшатли эканлигини, уни босиб кета...жагини англаб етганида улуғ Амирнинг дами ичига тушиб кетди. Шунинг учун ҳам бу дунё ҳеч қачон тузалмас экан...да, дея ўйлади боши қотиб. У энг олий ва қуйи даражадаги барча хоинликларни кўрди.

Салтанат ва мамлакат унинг қўлига ўтаётганини барча бирдек ҳазм қила олмас эди. У Балхда Буюк Турон амири дея эълон этилиб, Саroймулкхоним тақдим этган Чингизхонинг олтин тахтига ўтиргач, бу воқеанинг юз беришига ишониб-ишонмай юрган рақибу ниқобли дўстлар шайтон...лаб қолдилар. Чиғатой улусида ҳар икки-уч йилда ҳукмдор ўзгариб турарди. Унинг ҳокимият тепасига келишини ҳам навбатдаги тахт талашуви дея ўйлаган эдилар. Кўпчилик бу барлосий турквачча буюк амирлик қайда, эрта-индин асл касби лашкарбошилик қиличи ёким чўпонликнинг таёғини тутиб кетади дея ўйлагувчилар оз эмас эди. Бу тахт илинжида юрган, бироқ Темурнинг аслида кимлигини билган дўсту душманнинг ич дарди ичида эди. Буларнинг бири энди ундан ҳукмдорликни ҳеч ким ололмайди деса, бошқа бири бунга-да боққан бало бордир, дерди ўзича. Унинг ҳукмдорлик байроғини шунчаки қўлга олмаганини дастлаб икки киши – Мир Саййид Барака билан Сароймулкхоним аниқ-тиниқ англаган эди.

Хуфялар барча гап-сўзларни оқизмай-томизмай етказишар, Темур бу сўзларнинг бирини эшитса, бирини эшитмасликка олар, нохайрихоҳ одамларга нисбатан муносабатини ўзгартирмас, уларга янада кўпроқ яхшиликлар қиларди. Унда ҳар қандай рақибни яхшилик ва мурувват ила ўзига эл қила билмоқ фазилати бор эди.

Бу ҳақда у суҳбатлар пири, давраларнинг гули Саййид

Барака билан кўп мунокаша қилди. Унинг фикр ва жавоблари кутилмаганда ҳайратомуз ҳамда теша тегмаган бўлиб, ҳар қандай одамнинг ўй-хаёлларини тўзғитиб юборар эди.

– Болалигимда ҳам, ҳозир ҳам бировни кўра олмаслик ҳисси йўқ менда. Кучли ва ақлли одамларни кўрсам саҳрода қудуққа дуч келган арабдек хурсанд бўлиб кетаман. Бироқ жуда кўп маълум ва машҳур одамларда, энг яқин кишиларимизда бул манфий хислатни кўриб, ҳар замон ҳайратга тушаман. Буни сиз нечук изоҳлайсиз, Мирим ҳазратлари? – дея Саййид Баракадан сўради суҳбатларнинг бирида.

– Ожиз ақлим-ла сўровингизга шундай изоҳ берурмен, улуғ Амир ҳазратлари, – дея қошини чимирганча пешонасини тириштириб сўз бошлади Барака. – Биринчидан эсингизни танибсизки, сиз барчадан кучли ва ақлли бўлмоқни ўз олдингизга олий мақсад қилиб қўйгансиз ҳамда бунга эришгансиз. Атрофингизда сиздан кучли ва ақлли одам бўлмаган. Шул боис, ҳеч кимга ҳасад қилмагансиз. Ўзингиздаги бу салоҳият ва қобилият кўникмаси ва тажрибасини давомли равишда орттириб боргансизки, узоқ йиллар мобайнида давлат сўрамоқ, лашкар тутмоқ ва улусни бошқармоқ хусусида кимса сизга ета олмайди. Қадим замонларда бу дунёнинг энг улуғ ҳукмдори Миср фиръавнлари, сўнгра султонлари саналган. Бугун эса улар сизнинг нойибингиз каби бир мақомда. Демоқчиманки, ер юзида сиз ҳавас ва ҳасад қиладиган одамнинг ўзи йўқ. Шунга қараб давлат тулпорингизни чопаверасиз, хоқоним! – дея сўзини мухтасар қилган эди Саййид Барака.

Темур олимнинг жавобидан лол бўлиб, унинг оғзига термилганча туриб қолди. Бу улуғвор шайхнинг билмаган балоси, кўрмаган тирикчилиги қолмаган эди. Беғубор самимийлик, тоза кўнгиллик ва барчадан ўзи каби олижанобликни кутиб, керак замонида талабчан ва қаттиққўл бўлмаслик ҳукмдор зотига панд беради. Олимлик ва фозиллик билан давлатни бошқариб бўлмайди. Амирзода Улуғбекнинг устози Табризийни Озарбайжон шоҳи бош вазир қилмоқ



қарорини берганида, ер ўпиб узр тилаган. Бу иш қўлидан келмаслигини, ўзи илм одами эканлигини айтиб, аранг қочиб-қутилган. Бироқ аслида бу иш унинг учун тоғдан шохшабба, яъни чўпчак теришдек бир гап эди. Бироқ сиёсатнинг силлиқ суяқдан иборат эмаслигини у жуда яхши биларди. Тўрт нафар пичоққа соп бўлмас аҳмоқни деб, ақлли бошидан ажралишни истамайди. Аслида тўғри қилган. Ҳеч қачон ҳақиқий доно инсонлар тожу тахт сари от қўймайдилар. Боиси, давлат ва сарват, охир-оқибатда ҳеч бир кишига саодат келтирмаган. Катта бойликни ҳеч бир замон тўғри ва ҳалол йўл билан топиб бўлмайди. Кимнингдир имкониятларини чеклашга, кимнидир ўйиндан чиқариб юборишга ва ашаддий рақибларнинг танобини тортиб қўймоққа тўғри келади бу ҳаёт-мамот жангида. Катта бойлик кимнинг элида бўлса, ҳокимият тизгини ҳам шунинг қўлидадир.

Катта сармоя ҳар доим амал ва шу каби ҳаётдаги одам орзу этган, бироқ эриша олмаган етишмовчиликлар, киши шахсиятидаги нуқсонлар ўрнини қоплайди.

Не қадар адолатли ва тақводор бўлма, истасанг-истамасанг-да куч ва бойлик ўнгга чиқа боради. Иқтидор, қудрат ва зангинлик кимнинг илгида экан, одамлар онгли ва онгсиз равишда унинг орқасидан эргашиб кетаверадилар. Ҳатто у қабоҳат сари етакласа-да. Боиси, жуда озчилик кишилар улус келажаги ва миллат манфаатини ўйлайди. Кўпчилик қавм ва элатлар орасида, ҳатто, бундай кишиларни учратмаслик ҳам мумкин. Бироқ улар Оллоҳ ва унинг пайғамбарларини тилларидан туширмайдилар. Қуйиб қўйсангиз дину диёнатда йигирма саккиз пайғамбарга сабоқ берадилар. Бироқ сен дунёга устун бўлгувчи ҳар қандай адолатли қонунлар қабул қилиб, мукаммал тартиб-интизомлар жорий этмагин, мана шу ярим жоҳил, бурнидан нарини кўрмайдиган, битта от учун ўз инисини бўғизлайдиган одамларсиз ишинг битмайди. Шу ерда уларни ушлаб турадиган, истаган тарафингга қараб йўналтирадиган икки буюк куч – дин ва қўрқувдир.

Сайийд Барака яна бир нарсани айтган эди. Афлотун ва Файлақус авлодлари, юнону румлар дунёнинг яралмиш унинг сиру синоатлари фалсафасини ўрганмоқ, олам тама дуни қонуниятларини яратмоқ устида бош қотириб, изла ниб, илму фан, борлиқни ушлаб турувчи куч эканлигини исботлашга уриниб турган бир дам ва даврда бизнинг ай рим уламоларимиз дунёвий масалалар қолиб, ҳамон тик ту риб ёки ўтириб пешоб қилмоқ, ёхуд аёл ой кўрганда қандай муносабатда бўлмоқ ва буларнинг суннатми ёки фарзлиги ҳақида талашиб-тортишадилар.

Бош вазиринг, вазирларинг, лашкарбошию амирларининг истеъдодли одамлар бўлишини орзу этсанг, амалга ошмас шу истагинг билан ўтиб кетасан. Боиси, бунинг илож и йўқ. Уларда аслида йўқ бундай ижобий хислатлар бор эканлигини қайд этиб, кўнглини кўтариб, лашкар ва улус олдида обрўсини ошириб, нуқсонини яширганча зиммасига масъулият юклаб, йўлга солиб ишлатмоқ лозим бўлади. Шунда улар имконлари қадар орзулаганинг маъмур даражасига етмоққа тиришадилар.

Турон давлати тузугига кўра қўлга асир тушган ғаним аскарини ўлдирмоқ ясоқ бўлиб, банди навкар бундан буёнги ҳаёти хусусида ўзи қарор бермоқ ҳуқуқига эга эди. Истаса темурий қўшин сафида қолар, истамаса озод этиларди.

Усмонли ўрдусидан асирга тушганлар сони тўрт мингдан ошарди. Темур ҳеч иккиланмасдан буларни озод этмоққа амр берди.

Эл назари тушган одамларни эътиборда тутинг, ўғлим, дер эди раҳматли отаси. Соҳиби истеъдодларга бўлган хурмат юрт, элу улусга бўлган меҳру садоқатнинг тимсолидир, дея таъкидларди қиблагоҳи.

Шер Бахрому амир Сайфуддин, амир Ҳусайну Боязид Жалойир, Хизир Ясурийу Менгли Буға, Жаку Барлосу Амир Худойдод, Идику Темуру Амир Муайядлар ҳам Темур каби Туронда оти чиққан, ўлканинг ҳар бир бурчаги-



...а таникли кишилар эдилар. Эл оғзига тушган инсонлар... озор бериш худога ҳам, халойиққа ҳам маъқул келмас... Бунга амал қилмаган ҳукмдорнинг бошига эрта кунда ...у одамнинг қисмати тушади. Бир ҳақиқий йигит ва инсон ...ирқ йилда бино бўлади. Шундай инсонни жувонмарг этган ҳукмдорнинг эса етти пушти куяди.

Темурнинг қалбида бир армон ва хижиллик бор эди... ким, ёши бир жойга бориб қолган мана шу кунларда, бо...ига мусибат тушган дамларда у бу ҳақда кўп ўйларди. ...у собиқ дўсти ва қайин оғаси Амир Ҳусайн дарди эди. Темур унинг ҳаётини сақлаб қолиши мумкин эди. Бироқ амир Ҳусайн бунинг учун миннатдор бўлмаса-да, вазият...ни тўғри баҳолайдиганлар тоифасидан эмас эди. У ўзига қилинган бу яхшилик ва жон кутқарувини ҳақорат ўрнида қабул этиб, унга сабабчи бўлганларни сен ўзинг кимсану, менинг ҳаётимни сақлаб қолмоқ кафолатини олсанг дея, баттар жаҳлга миниб қасдлашарди.

Темур Чингизу Чиғатой сулоласидан кутулиб турк қонли амир Қазағоннинг набираси Амир Ҳусайнни хон кўтариб, юртни бирга бошқармоқ ниятида эди. Бироқ бўри боғлаганга, тўнғиз ҳайдаганга кўнмас дегандек у табиатан кимсанинг сўзига кирмайдиган киши эди. Қисмати ҳам феъл-атворига кўра фожиали тугади.

Амир Ҳусайн битта нонга сабр-қаноат қиладиган киши эмас эди. Турон мулкида у ёки Темур қолиши керак эди. Вазият шуни тақозо этарди. Оллоҳ бу қисматни Амур Темурга насиб этди. Қолгани яна яратганга аён ва тегишлидур. Ул биродаримизни Оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин! Яхши ва ёмон иши учун сўнгги дақиқада олий ҳакам олдида ҳар ким ўзи учун жавоб беради.

...Хос мулозим кўриниш берганида улуғ Амир ҳузурига Боботурк билан Туркашбекни чорлашни буюрди.

Демак, устоз бироз бўлса-да ўзларига келибдур, дея ўйлади амир Боботурк даъват хабарини туйгач.

Икки буюк ўғиллари Жаҳонгир ва Умаршайх мирзолар

вафотидан сўнг улуғ Амир тақдиридаги сўз ила изоҳли бўлмас учинчи айрилиқ эди бу. Етти иқлимни титратиб турган Соҳибқирондек одам бу фожиадан сўнг Оллоҳнинг қўлидан ҳеч бир иш келмайдиган чорасиз бандасига айланганди. У бирдан камгап бўлиб қолди. Йиғламасдан кўзларидан ёш сизарди. Темурзодалар ичида валиаҳд Муҳаммад Султон ўзгача бир хулқу одоб, салоҳияту истеъдод соҳиби эди. У ўша, Қорадарё соҳилида қилган оғир жиноятидан сўнг мутлақо бошқача одамга айланиб қолганди. Шу воқеадан кейин у ҳатто қўл остидагиларга ҳам қаттиқ қуруқ оҳангда амр бермас, бировга иш буюрса-да, хижолатдан қизарар эди. Турон салтанатида Буюк Темурдан сўнг иккинчи шахс бўлиб, бобоси ҳадя этган тулпори Ойбетнинг устида юлдуздек порлаб турган навқирон йигитнинг ҳаёт шамъи шул тариқа сўнди. Унга, унинг келажагига умид кўзини тиккан минглаб одамлар дод деб қақшаганича тиззаларига муштлаб қолдилар.

Бу қайғули воқеа ҳеч бир юракка сиғмас эди.

Амир Боботурк соҳибхабар билан саропардага кириб келганларида улуғ Амир тўрдаги кўрпачада ер билан битта бўлиб ўтирар, рангидан қон қочган эди.

Шогирдлар салом бериб, устоз қаршисига тиз чўкдилар. Улар шунча йиллар хизматида бўлиб, уни бу қадар руҳан тушкун ҳолда кўрмаган эдилар. Боботурк устозининг ғамгин қиёфасидан биз сен ила қону жон бериб тиклаган салтанатинг охир-оқибати ҳам хайрли кўринмайдур, чамаси, авлодим, деган маънони уқдию, нигоҳини олиб қочди.

– Оллоҳ сизга сабр-қаноат бериб, жигаримизни ўз раҳматига олган бўлсин! – деди амир Боботурк меҳрли оҳангда.

Темур оҳиста бош ирғади. Одатда оғир дамларда қалбига яқин, ўзи меҳр қўйган кишиларни кўрса кўнгли бўшаб кетар эди.

– Қўшиннинг туруми қалай? Теварак-атрофда не гап-сўз? – деди Темур ғамгин овозда.

Амир Боботурк сиз сўзланг дегандек, ўнг томонида қўл қовуштирганча тиз чўкиб ўтирган Алп Туркашга қаради.



– Яратгандан сиз ҳазрати олийларига узоқ умр ва сабр-саноат тилайман! – дея сўз бошлади Алп Туркаш томоғини қириб қўйиб. – Салтанатимиз ҳаётидаги энг муҳим воқеа ва ҳодисалар айни замонда Мисрда, яъни Қоҳирада кечмоқда... Яратганинг изни ила болалигимиздан қулоғимизга ўрнашиб қолган афсонавий Миср юрти ҳам Буюк Турон салтанати тасаррруфига кириш арафасида, Амир Соҳибқирон ҳазратлари! Ҳар дақиқа ул тарафдан мужда бекламоқдамиз! Давлатимиз сарҳади Машриқдан Мағрибга етди десак бўлур!..

Одатда бундай хабарлардан қониқиш туйиб, мамнун қиёфага кирадиган Темурнинг юзида ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмади. У ғоят сокин совуққонлик ва ҳафсаласизлик билан Алп Туркашнинг ахборотини тинглар эди.

Буюк Туроннинг улуғ Амири бевафо ва бебақо дунёнинг тубига етаётган, жонини жабборга бериб қилаётган саъйи-ҳаракатларининг аксари беҳуда ва самарасиз тугаяжагини кўриб тургандек эди...

Кечмиш не қадар аралаш-қуралаш ва ағдар-тўнтар бўлса, келажак ҳам шунчалик мавҳум, туманли ва алғов-далғов кўринарди кўзига...

Замон кечар, тонглар отар, кунлар ботар, умр елдек ўтар эди...

## ЎН ИККИНЧИ БОБ

*Султон авлодимиз ёшлик чоғида отасиз марҳаматининг соясидан маҳрум бўлиб қолганлиги боис, Оллоҳ таоло ризолиги йўлида мен уни фарзандликка қабул қилдим. Агар у яхши хизмат йўлида аҳдида собит турса, бедариғ марҳаматимизни ундан аямасдан ҳар қандай илтимоси бажарилишига ёрдам қиламан. Мамлакат ишларини бошқаришда унинг қўлига қувват бераман, токи у ўз юртида тинч ва осуда бўлиб, икки шарафли ҳарам (Макка ва Мадина) маросимларини бажара олгай ҳамда у шарофли мақомлари равнақи ва мусулмонлар амну омонлигининг савоби бизнинг давлатимизга ҳам теккай!*

**Хоқон Темурнинг Миср султони Малик Носируддин Фаражнинг элчилари Аҳмад ва Ахтага айтган сўзи**

Ярим маҳбус ва ярим қўноқ мақомидаги амир Аталмишнинг Миср ва Шом султонлигида муҳим мавқега молик шахсга айланишига саноқли дақиқалар қолган эди...

Малик Носир Фараж туронлик ҳукмдор Темурнинг усмонли султони Йилдирим Боязидни Анқарада тиз чўктиргани ва султоннинг асир тушгани хабарини эшитгач, ҳуши бошидан учиб, шайтонлади-қолди.

Не қадар куч-қудрат соҳиби бўлмасин, унинг араб ва ислом оламининг юраги саналмиш Қоҳирага етиб келишига инонмас эди. Барча араб маликлари каби у ҳам афсонага айланган Амир Темурдан эмас, ерга урсанг кўкка



санчийдиган, қўшинининг сон-саноғини ўзи ҳам билмайдиган Усмонли султонларидан ҳайиқар, улар ила орада ихтилофу тўқнашувлар юз бермаслигининг чора-тадбирини кўриб юрарди. Ўзини яқин кўрсатмоқ учун имкон туғилди дегунча султонга яқин кишиларга ота-боболари турк бўлганлигини шипшитар, султонга ўзи ҳақида илиқ гапларни айтмоқни шаъма қиларди. Қаршиликли ярим ёлғон манзират ила бир-бири олдига арпа солиб юрган икки тараф ҳам сиёсат ўйинини ўйнарди.

Бу пинҳоний рақобат, таранг вазият етмаганидек, ердан чиқдими, осмондан тушдими, Темур дегани ўртага тушди. Бу хавф-хатар олдида усмонли ташвиш-таҳликаси ҳолва бўлиб қолди. Ҳолвалик нари турсин, ҳатто дунёнинг ярмини сўраб турган усмонлининг ўзи унга ем бўлди. Ана сизга қисматнинг қалтис ўйини. Шахсиятини кимса тушуниб етмайдиган одам чиқди, бу Темур дегани. Турон саҳролари бу қадар бой бўлмаса унинг каби кучлиларга... Мисрда кўчадаги бола ҳам биладиган Берунийми, Имом Бухорийу Аҳмад Фарғонийми, барчаси ўша тарафдан чиққан. Ё раб, бу юртга дуо кетганга ўхшайди. Сенинг ота авлодинг ҳам ўша юртлардан келган аскарлардан, ўйларди Малик Носир қўлини орқасига қилганча, сарой солинида оғир-оғир қадам босиб наридан-бери юраркан. Унинг кўнгли ғаш, юрагига қил ҳам сиғмасди. Ҳар қандай салтанатнинг ҳам тараққий ва таназзули бор.

Темурнинг Усмонли салтанатини синдириши ҳақидаги хабар Миср Султони Малик Носирга ана шу икки турумнинг муждаси каби туюлди. Ўйлаган сари боши қотиб, фикрлари чувалашиб кетаверди.

– Мувофиқ! Мунофиқ! Тувофиқ! – деди у овоз чиқариб бўш тахтига тикилганча ўз-ўзига. – Бу келган балога қарши туролмасликка кўзинг етгач, ноиложликдан мувофиқлашасан! Бул тирикчиликка рози бўлмасанг-да виждонингга қарши бориб, мунофиқларча унинг айтганини қиласан ва йўлига юрасан. Ёхуд тавфиқ бер, Оллоҳ, дея

бошинг оққан томонга улоқиб, ундан халос бўласан! Бони
йўл йўқ! Нақадар маъноли бу араб мақоли! – Ҳамон ў
ўзича пичирлар эди Малик.

Пешинги истироҳатдан сўнг ҳарамга кириб, бокира кан
заклардан бирини чирқиратиб, роҳатланмоқни мўлжалла
турган малик ҳамон хона бўйлаб юрарди. Яғийларинг дун
ни фатҳ этаверсин, сен эса аҳмоқ каллангни аёлларини
чотига тиқиб ётавер, эшшак, деди ичида ўз-ўзига. Буни
устига Темурнинг элчисини олти йилдан бери зиндонба
каби ушлаб ўтирибсан. Эртага сен ҳам кўр Султон Йилд
рим Боязид каби асирга тушгач, ақлинг киради.

Малик Носирнинг туркона қиёфасидаги тараддуд, таш
виш, таҳлика сояси сарой аҳли аркони бошига ундан ол
динроқ тушган, амиру лашкар бошлиқлари жон ҳовучла
ганча, ўзларини қўярга жой топмай, султоннинг кўриниш
хонага чиқишини кутишарди.

Султонлик тўнини елкасига ташлаганча, тожини чап то
монга қийшиқроқ кийган Малик Носир солин бўйлаб юриб,
тахт томон келаётгандаёқ аъёнлар ҳукмдорнинг бу хабардан
ўзини йўқотиб қўйганини фаҳмладилар.

Малик Носир Барқуқ ўғлининг раият ва сарой аҳли ора
сидаги обрў-эътибори ўртача эди. Забт этилган мамлакат,
яъни мулклардан келтирилган асирлар Мисрда мамлуклар
деб аталарди. Келиб чиқиши мамлук, яъни асир аскарлар-
дан бўлганлиги учун зодагон араблар унга паст назар билан
қарашар, Малик туфайли катта мансабларни эгаллаб молу
мулк орттирганлар, қиличи зарбидан чўчиганлар эса унга
пойи-патак эдилар.

У ҳам барча араб ҳукмдорлари каби таг-тугли машҳур
ва номдор қавмларнинг авлодлари олдига ем солиб, оғзини
банд қилиб қўйган, бу билан у бошкентнинг нуфузли киши-
ларини иззат-ҳурмат қилишини таъкидлагандек эди. Қолган
амиру ноиблик вазифаларига эса ўрта ва ундан паст, ман-
сабга номуносиб кишиларни излаб топиб қўяр, ҳар қандай



ақлли одамдан азроилдан қўрққандек қўрқар эди. Оҳунинг
айби кўзида деганларидек, билиб-билмай ўз ақл-заковатини
Малик Носирга кўрсатиб қўйган ҳам маҳв бўлар ёки учо-
жорадан чиқарилиб, тирик мурдага айлантирилар эди. Шу
боис эл орасида у ҳақда турли латифа ва ҳангомалар юрар,
булар ичида энг машҳури “Малик Носир урганидан кўра
Худоургани маъқул!” деган ривоят эди. Худо урса бир жо-
нингни олади, қутуласан қўясан! Ҳай-ҳай Малик урса, бу-
тун авлод аждодинг билан изингни қуритади” дер эди одам-
лар пана-панада.

Унинг хуфялари диний ва дунёвий илмларни ўрганаётган
талабалардан тортиб, тўпланишиб ўйин-кулги қилишадиган
аёллар орасида-да изғишар, керакли-кераксиз фисқу фа-
содларни унга ташишарди. Малик ўз таниш-билишлари,
таниқли кишилар ҳақидаги бундай гап-сўзларни мароқ би-
лан тинглар, бу ҳақ-ноҳақ чақувлар унинг иш фаолиятига
таъсир этмасдан қолмасди.

Маликнинг дўсту душман, хайрихоҳу нохайрихоҳлари
кўрдиларким, яратган кунботардан, Турон юртидан чиққан
бир ҳукмдорнинг толеини баланд қилиб, юлдузини пор-
латди. Етти иқлим унга бўйсуниб турар экан, демак, бу
ҳам худонинг хоҳиши. Эрта-индин турк отларининг туёғи
Қоҳира кўчаларининг чангини чиқармасдан ақлни йиғиб,
чуқур ўйламоқ лозим. Эс борида этакни ёпмоқ керак. Бу
бўриларга ем бўлмаслик керак. Усмонли Султони Йил-
дирим Боязиддек тенги йўқ лашкарбоши дош бера олма-
ган бу катта кучда бир сиру синоат борга ўхшайди. Енгил
ўйлаб, юзаки миллатпарварлик билан қарор қабул қилиб
бўлмайдиган кўринади. Юртни уруш-савашсиз, тадбиру
устамонлик билан ҳам сақлаб қолмоқ мумкин. Акс ҳолда
Мисрдек мамлакатнинг султони Малик Носир ҳам Сул-
тон Аҳмад Жалойир каби жандасини туяга ортиб, Африқо
ўрмонларининг подшоҳига айланиши ҳеч гап эмас.

Султоннинг душмани юрт ташқарисида битта бўлса, сал-

танати ичида мингта. Араб қавми ҳеч қачон ташқаридан ке-
либ ўзини бошқарган шахс ва улусларни ҳазм эта олмай-
ди. Аксинча, барчага бирдек биз сенларни динга киритиб,
одам қилдик, дея паст назар билан қарайдилар. Турли дин,
мазҳабу тоифага ажралган араб миллати ўзга миллатчилик-
ларни тан олмайди. Фақат буларнинг айтгани бўлиши ке-
рак. Улар жонларидан кечсалар кечадиларки, ҳақларидан
кечмайдилар. Мақсадга эришмоқ учун барчаси бирдек
онгли ёким кўр-кўрона равишда курашадилар. Табиатан
йиқилган томонини бермайдиган қавм бу араб дегани.

Сарой дарвозасидаги бекчидан тортиб Малик Носир-
гача, барчанинг ақлидан шу каби фикрлар кечарди. Са-
рой аҳлининг аксар амалдорлари Маликка яқин асли араб
бўлмаган осиёлик элатлардан эди. Зотан, араблар табиатан
турклар каби ҳиссиётга берилиб, тез қарор қабул қиладиган
қавм эмас. Шаҳарликлардаги кечмиш тарихдан келган дав-
лат ва ҳукуматни бошқариш тажрибаси, ҳар қандай оғир
шароитдан чиқиб кетишда асқотар эди. Саҳройи арабларда
эса машаққатларга сабр-тоқат, чидам-ла бардош бериб, асл
мақсадга эришмоқ эътиқоди кучли эди. Азал-азалдан душ-
манингни пахта билан бўғизла ва рақибинг бошингга мих
қоқса чида. Замони келгач, сен шундай қотириб михлагин-
ки, у қайтиб ўнгланмасин деган нақлга амал қилишарди.

Феъл-атворда улар саҳройи мўғулларга ўхшаб кетадилар.
Мўғул аскарлари ва кўчманчилари ҳам бир парча арпа нон
ҳамда айронга чидаб, ҳафталаб юришар, далаю даштнинг
оғир шарт-шароитига ўзларини болаликдан кўниктириб, мос-
лашадилар. Турк қабилаларида эса улардан фарқли тарзда
қул каби ишла, заҳмат чек ва шоҳ каби яша анъанасига амал
қилинади. Ўз ҳиссиётининг асирига айланиб қоладиган бу
қавмнинг кишилари бир мавсумда тоғ каби бойлик топса-да
уни атрофидагилар билан бир кунда еб-битирмоқ хастали-
гидан қутула олмас эди. Бу одатнинг бугунги аянчли тимсо-
ли Султон Йилдирим Боязиднинг қайғули қисматида намоён



бўлди. Айни замонда унинг қўшинидек кўп ва жанговар ўрду
йўқ эди. Бу дўсту душманга кундай равшан эди. Бироқ за-
фар туронли Темурга кулиб боқди. Демак, Темур ундан кўра
ақлли, тадбирли ва ҳисоб-китобли. Ҳаёт қонуни шундай.
Яхши ишламаган бош ишлаб турган оёқни ишдан чиқаради.
Яшиндек ярқираб чиқиб, Европани Наголида тиз чўктирган
Йилдирим Боязиднинг юлдузи чақмоқдек сўнди.
– Сабоқ! Сабоқ! Сабоқ! – Ўз-ўзича такрорлади Малик Но-
сир. – Унинг тақдири тож кийган одам зоти борки, сабоқ!

Араблар турклардан кўра турклашган мўғулларни
ўзларига яқинроқ олар эдилар. Усмонли султонлари билан
ит-мушук бўлгани ҳолда Қоҳиранинг Дашти Қипчоқ билан
муносабати ҳар замонда деярли ижобий, оралари уму-
мий душманга қарши биргаликда курашиш ҳақида ҳарбий
иттифоқ ҳам мавжуд эди. Ҳар икки тараф ҳам туркларни
енгилмас катта ва хафвли куч санар, туронлик Темурнинг
Тўхтамишни синдириб, Бағдоду Дамашқни фатҳ этароқ
Миср остоналарида пайдо бўлиши бу фикрни тасдиқлаган,
дини ислом таянчи ҳисобланмиш араб шайху султонлари-
нинг кўзини мошдек очган эди. Зотан, Малик Носир Мисру
Шом султони ҳам бўлиб, аслида ярим мамлакати аллақачон
қўлдан кетганди. У шунга аччиқ қилиб, Турон элчисини хо-
набанд ҳолда ушлаб ўтирганди. Бу сиёсатини давом эттир-
гудек бўлса, ҳудудининг қолган қисмидан ҳам айриладиган
кўринади.

Оғир ўй-хаёллар билан тахтга келиб ўтирган Малик ўнг
қўл имоси билан тўпланганларга кетишга ижозат берди.
Бир-бирига қарашиб елка қисган амиру лашкар бошлиқлари
ҳеч нарсани англамай, тушкун кайфиятда солиндан чиқа
бошладилар.

Тахт қаршисидаги эшик оғзида икки қўлини қорнига
босганча бош эгиб, хос мулозим турарди. Бу сипо соткину
чала хоинлар билан Темуру Боязид муносабатларини ёки ёв
босиб келса қандай тадбир кўрмоқни маслаҳату мунозара

қилиб бўладими? Темур эртагаёқ етиб келиб менинг тери ни шилишини орзу қилади бу итдан тараганлар, бошини қуйи эгганча мулоҳаза қилар эди Султон.

– Темурнинг элчиси қаерда? – сўради Малик Носир ки мулозимдан.

– Султонликка тегишли такялардан бирида, – жавоб қилди мулозим.

– Амир Аҳмадга хабар етказ, Аталмишни яхшилаб кийинтириб ҳузуримга олиб келсун!

Хос мулозими бош эгганча тисарилиб, эшикдан чиқди.

Малик Носирнинг юрагига қил сиғмасди. Султон Йилдирим Боязидни асирга тушириб, қўли боғлоғлик ҳолда Темур ҳузурига олиб келинганлиги ҳақидаги хабар унинг ўтакасини ёрган эди.

Бу дамда Маликка ҳали Султоннинг Оқшаҳарда вафот этганлиги дараги етиб келмаган, Темур ҳақидаги турли ваҳимали гап-сўзлардан эсанкираб қолганди.

Ниҳоят, солин қопусида амир Аҳмад билан Аталмиш элчи кўринди. Миср ва Шом подшоҳи Темурнинг элчисини ўрнидан туриб ҳурмат билан кутиб олиб, сўл тарафдаги шоҳона курсига ўтқазди.

– Биз сизнинг олдингизда гуноҳкормиз, Аталмишбек! – деди ниҳоят бироз сукунатдан сўнг Малик Носир оғир тин олиб. – Бизни маъзур тутасиз, бек!..

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! – деди Аталмиш кибрларча ўрнидан қўзғалиб подшоҳга ҳурматини билдирар-кан. – Мен сиз ҳазрати олийлари ва мулозимларингиздан ҳеч бир ёмонлик кўрмадим...

– Мутавозелигингиз учун ташаккур билдираман. Шуни аниқ ва равшан айтмоғим керакки, сизга бўлган муносабат бобида биз ноҳақмиз! Искандариядан олган хабаримизга кўра, муҳтарам хоқон зоти олийларининг шайх Муҳаммад Жазарий бошлиқ элчилари бугун-эрта Қоҳирага етиб келади. Темурбек олдимизга неки шарт қўйсалар розимиз. Ул



...рати олийларининг Миср ва Шом халқига ҳеч бир ёмон...ик тиламасликларига иймонимиз комилдир. Зотан, буни ...р замон сиз ҳам таъкидлаб келгансиз. Сиздан рижойим ...улки, амир Аҳмад-ла баробар Турон юрти элчиларини ...ҳардан чиқиб, муносиб кутиб олсангиз. Ул мусофирлар...нинг ҳурматларини жойига қўйиб, қаршиласак.

– Амрлари бошимиз устига, зоти олийлари, – дея таъзим ...жо келтирди олти йил султоннинг уй ҳибсида ўтирган Аталмиш Қавчин ўзининг ниҳоят озод бўлганига ҳамон ишонқирамай.

Темур элчилари ва хос чопарларини зиёфат қилган Ма...лик Носир улардан Йилдирим Боязиднинг вафот этгани...ни эшитиб, ранги оқариб, бир зум ўзини йўқотиб қўйди. Анчагача тилига калима келмай, мусофирларнинг оғзига қараб ўтирди. Биз икки турк хоқони ўртага яна бир арабни қўйиб, тил топишиб ўтирибмиз, фикр қилди узун бўйли, қораширғайдан келган сертавозе шайх Муҳаммад Жазарийни зимдан кузатар экан. Буларнинг авлиёси ҳам бизга дўстлик қилмайди. Араб бўлмаган қавмларга фуқароларимиз дея боқадилар.

Султоннинг икки кўзи олти йил ўзи ушлаб ўтирган амир Аталмишда эди. Унга лутф қилиб илиқ сўзлар айтар, гапирганида майин табассум-ла тингларди.

– Ижозат берсангиз, биз тезроқ улуғ хоқон ҳазратлари ҳузурига етиб борсак. Ишларимиз не қадар сулҳ ва иттифоқ билан битса, ҳар тараф учун хайрлидур! – деди Аталмиш султонга юзланиб.

– Табиий, табиий! – маъқуллади Малик.– Мен ҳам шул фикрдамен, муҳтарам амир жаноблари, – дархол жавоб қилди султон бежо кўзларини Жазарийга тикиб. – Сиз-ла баробар амир Аҳмад билан амир Акта ҳам хос элчиларим ўларок Соҳибқирон ҳазратларининг остоналарига бош уриб борадилар. Зоти олийларига сўйлангким, Мисру Шомда хутба Етти иқлим хоқони, дини ислом таянчи Темурбек

Муҳаммад Тарағай отларига ўқилажак! Пул ва сиккалари ҳам хоқон ҳазратлари исми ила зарб этилажакдир! Менинг тавба тазарруларим ва ёзиғимни он ҳазратларидан сўранг! Бир қошиқ қонимдан кечсинлар! Йиллик хирож ва солиқлар ўз вақтида хоқонлик хазинасига етказилгусидир! Сиздек олижаноб турк амирини шунча йил ўз ҳузуримда тутганим учун узр тилаймен! Не замон кўнглингиз тусаб, муқаддас тупроқларга келсангиз саройимиз тўрида ерингиз бор. Авлод-аждодларингизни таҳсил олмоқ учун юборсангиз, бошимиз осмонга етажак, – дея илтифот кўрсатди Султон Носир.

Амир Аталмиш султон билан хайрлашиб, сафар ҳозирлигини кўрмоқ учун ҳужраси томон йўналди.

Ўлим талвасаси итни ҳам ибодатхонага етаклайди. Сени шу аҳволда кўрмоқни олти йилдан буён беклар эдим. Туруминг шу экан, сув ичиб йўғон кекирганингга бало бормиди, номард, ўзича гапириниб, сўкиниб борарди элчи.

Сарой аҳли султоннинг бу қароридан мамнун, яратган уларни Темур балосидан сақлагани учун дуч келган ерга жойнамозларини ёзиб ибодат этишар, Оллоҳга шукроналар қилишарди. Насроний араблар ҳам ўз ибодатхоналарига кириб чўқинишар эди.

Ўн чоғли амиру вазир Темурга жўнатиладиган совға-саломларни танлаш ва тўплашга киришган эди. Султон ҳадяларни сархиллаб жўнатишни амири карвон Бакир Бардорга топширди. Олтин, кумуш ва жавоҳирларни алоҳида-алоҳида сандиқларга солдилар. Сандиқларнинг оғирлиги бир хилда бўлиб, қимматбаҳо буюмлиги билинмаслиги, ажралиб турмаслиги учун қалин пахта қопларга солинар ва туяларга юкланар эди. Тижорат вазири Қоҳира чоршисини кезиб, асл мисрий кумошлар ва шойиларни танлади. Бир уюрдан туя, от ва хачирлар ҳозирланди. Уларнинг бир қисмига турли-туман совға-саломлар ортилди.

Карвон Қоҳирадан чиқиб кетганини эшитган Маликнинг таранг асаблари бўшашиб, ўйга толганча тахтида узоқ



ўтириб қолди. У ҳамон елкасини босиб турган оғир юкдан қутулганига ишонмас, титраётган вужуди, қалтираётган оёқлари ўзиники эмасдек эди...

Йўлга чиқиш олдидан карвонбоши Бакир Бардор совға-саломларнинг бекаму кўстлиги бобида ҳисоб бермоқ учун сўнгги бор султон ҳузурига кирди. Қўлидаги ўроғлик қоғозни ёзганча олинган кашмирий гиламлар, шойи ва адраслар, қимматбаҳо қиличу ханжарлар, тансиқ қуруқ мева ва зираворлар ҳақида икир-чикиригача ўқиб, узундан узоқ ҳисоб берди.

– Хазинамизда, Дамашқда унинг қиёфаси ила зарб этилган динорлардан борми? – сўради Малик сарбондан. – Ўшанда қанча миқдорда акча зарб этилган эди?

– Шом зарбхонасида хоқон Темур қиёфаси туширилган юз эллик ва ўн мисқол оғирликда жами олти юз минг динор кўппакий олтин ва кумуш пул зарб этилиб, муомалага киритилган эди, олампаноҳ! Бу пул бутун араб ўлкаларининг дўкону бозорларида қўлланилмоқда, – жавоб қилди Бакир Бардор. – Жумладан, Қоҳирада ҳам.

– Совға-саломларинг жойида. Фақат ўн дона ов қуши ва тўртта қоплон ҳам қўш. Сўнгра хазинада айтганимиз ўша динор кўппакийдан не қадар бўлса ол. Озлик қилса шаҳар дўконлари ва катта тужжорлардан ўзимизнинг динор билан айрибош қилиб тўпла. Хоқонга бундан ғаройиб совға бўлмайди. Не қилиб бўлмасин, унинг кўнглини олмоғимиз керак. Билмаган эканмиз, у ҳақиқатан ҳам қудратли экан. Ҳали бирор ислом мамлакатида ҳукмдорнинг сурати билан танга зарб этилмаган. Фақат мажусийларнинг пули – бутагида қирол ва ҳукмдорлар қиёфасини кўрганман. Сўзларимни яхши англадингми?

– Англадим, султон ҳазрати олийлари. Ҳозироқ амрларини ерига келтирурман!

– Оллоҳ йўлингизни берсин! – деди султон шу билан Темур деган балодан қутулганим рост бўлсин дегандек карвонбошига маъноли тикилиб кетмоғига изн бераркан, чуқур нафас олди.

Бакир Бардор чиқаркан, султон ёнчиғига қўлини тиқиб ўша – хоқон қиёфаси туширилган, анчадан буён ёнида олиб юрган юз элликлик бир кумуш ва бир олтин динорни қўлига олиб, Темурнинг суратига тикилиб қараб қолди. Менинг қипчоқ боболарим бу ерларга асиру қул ўлароқ келиб, султонлик мақомига етдилар. У эса етти иқлимни фатҳ этган хоқон ўлароқ келиб, бутун араб дунёси ва мажусийлар қиролликларини ларзага солди. Ислом давлатлари тарихида ақчага қиёфаси зарб этилган илк ҳукмдор ўлароқ қайдларга кечди. Зўрнинг кети ўтирган жойида тегирмон тошини айлантиради дегани шу экан-да. Сўнгра танганинг иккинчи тарафидаги калимаи таййибани бир неча бор ўқиди-да, қайтариб ёнчиғига солди.

Малик султон Йилдирим Боязиднинг Анқарада енгилиб асир тушганлигини эшитгач, този қувган тулки каби ярим кечада Дамашқ қалъасидан чиқиб қочган кунни эслади. Ўшанда Темурнинг сулҳу яраш таклифига кўнмай хато қилганлигини англади. Одам зоти шунақа, путур кетганда соғлиғи ҳақида қайғурганидек, ҳаёт-мамот масалаларида ҳам ғишт қолипдан кўчиб, ишонган ва суянган қалъалари қулагач, кўзи очилади. Бироқ Амир Темур деганини бу қадар кучли эканлигини Йилдирим Боязиддек жаҳонгир султон билмаганидан кейин, дунёнинг бериги учида турган Малик Носир Фараж қайдан билсин? У ўзича бугун араб маликларию султонлари бирлашсак, Темур нари турсин, ҳатто Усмонли султонини ҳам бир ёқлик қила оламиз, дея ўйлар ва бу фикрга астойдил ишонар эди. Ҳеч қачон одам боласининг айтгани бўлмас экан. Унинг хом тарвуздек бошига, зиғирдек ақлига не келиб-кетмасин тангрининг амридан, пайғамбарнинг тавридан ўзгаси бўлмас экан. Инсон зоти амалу мансаби, бойлигу қудрати, омонат обрўси, қўл кири каби шон-шуҳратига ишониб, ўз-ўзини алдаб, овутиб яшайверар экан. Бекорга араблар шуҳрат офатдир демас экан.



Малик Носир Анқара фатҳи хабаридан сўнгра жомеларда хоқон отини хутбага қўшиб ўқиш ва номида танга зарб этмоққа доир фармон берди. Илк олтин ва кумуш тангаларни зарб этган хазина амири Иброҳим Эгарқоший намуна пулларни Маликка кўрсатиш учун саройга олиб келди. Сиккалар ислом давлатлари қоидаларига биноан зарб этилган бўлиб, бир томонида калимаи таййибадан иборат жумла ва иккинчи тарафида мамлакатнинг олий ҳукмдори, Турону Эрон, Ҳинду Афғон, Арабу Ажам султони Амир Темурнинг исми шарифи ёзиғлик эди.

Амир Иброҳим амирона яктагининг этагига чалиниб, пайпаслаганча тахт ўнгига келаркан, барқут халтачадаги сиккаларни унга кўрсатиб, худди киргани каби илосланиб чиқиб кетди. Малик унинг ортидан тикилиб қараб қолди.

Хазина амирининг хирмонкалла боши, отбашара қиёфаси ўлган қўйникига ўхшаш ўлимтик кўзи султоннинг ғашини келтирарди. Унинг бир нуқтага боқмайдиган кўзига нигоҳи тушганда асаби қўзирди. Бу ҳолга гоҳида ўзи ҳам ҳайрон бўлади. Узоқ муддат давомида атрофингда ўғри мушукдек ўралашиб юраверган, фақат молу дунёни ўйлайдиган ебтўймаслар охири бир кун жонингга тегар экан, хаёлидан кечди султоннинг. Ҳеч бир инсон, ҳеч бир юмушни кўнглингдагидек қилиб бажармас экан. Қўли текканнинг оғзи теккандек, кимга қай бир вазифани юклама, шу ишдан ўзига экмак, фойда чиқармоқ пайида бўлади. Амир Иброҳим Эгарқош бу каби дордан қочганларнинг ниқобли, сиртига сув юқтирмайдиган пирларидан эди.

Бек султоннинг мадрасадош ўртоғи эди. Доимо уни кўрганда устози, мударрис Антар Ансорийнинг бир гапи ёдига тушади. Кишиларни қош-қовоғига қараб кимлигига аниқ ташхис қўя биладиган Ансорий камгап, суҳбатдоши ўн гапирганда бир гапирадиган босиқ, закий ва нозикфаҳм одам эди. Бирор кишининг астойдил тубан ва пасткашлигини бор бўй-басти билан билгач, у билан кўнишмоқ нари

турсин, ҳатто нигоҳини ҳам олиб қочар, юзига қайрилиб боқмасди. Унинг учун шоху султон, гадою девонанинг фарқи йўқ эди. Барчага бирдек муомала қилар, ғариб-гураба ва фақир-фуқарога бою бадавлатлардан кўра илиқ, меҳрмуҳаббатли муносабатда бўлар, зангинларнинг тўю маърасига бормаса-да, фақир-фуқароникидан қолмас эди.

Султоннинг қардош ва амакиваччалари орасида кечган ярим рақобату ярим душманликдан иборат шаҳзодалик ва валиаҳдлик дўнамидан бери ерга боққанча кўзи дўлайиб турадиган эгар қоши тикрайган ўсмирлик ўртоғи хира пашшадек атрофида ўралашади. У ақлли ва доно, инсофу диёнатли бўлгани учун эмас, амирликдек юксак мақомини қайб этмаслик, мулку давлатини сақламоқ, доимо энг тепадагининг ёнида бўлмоқ учун мадрасадош султон дўстини сотмайди. Малик унинг бу ожизона ҳайвоний истак ва мақсадини яхши билади. Ҳеч қачон катта аҳмоқлик ва хоинликка қўл урмаслигига ишонади.

Амир Эгарқош чиқиб кетаркан, султоннинг хотирасига яна устозининг ўша гапи келди. Шажарам – башарам дейдилар. Деҳқоннинг ишчи ёлламоқ ва танламоқда янглишмоғи улус ва кишилар учун катта кулфат келтирмайди. Бу хусусда ҳукмдор адашса қимматга тушади. Насронийларнинг муқаддас китобида "Хушбичим кишиларнинг пешонасидан тангри ўпган бўлади" деган жумла бор. Бу жуда тўғри бир йўриқдир. Аксари ҳолларда турқи бузуқнинг хулқи ҳам бузуқ бўлади. Қоққалла, қурутбош, қоши қаншарининг устида бурчак каби туташган эгарқош кимсаларга диққатли бўл. Бундай турқи таровати кишилар пирига ҳам дўстлик қилмайди, деган эди мударрис.

Иқтидорли эркансан, пойингда тулпоринг кишнаб, қўлингда қиличинг ўйнаб турар экан, ҳар қандай устоз муттаҳам ҳам думини қисиб, оёғингни ялайди. Уларни истаганинг каби бошқармоқнинг бирдан бир йўли сир бой бермаслик ва ўзингга жуда яқин йўлатмасликдир. Шу уч ма-



мда муқим турсанг, уларнинг тизгини қўлингда бўлади. ўшашдингми, бошга чиқмоқ ва ерга тиқмоқ истайдилар. Бу ...мнинг феъл-атвори шундай. Хом сут эмган одам бола... шундай яратилган экан. Уларга ўз усуллари билан қарши ...урашилади. Тош отганга тош, кесак отганга кесак отилади. ...ироқ сен тахтда эркансан, кесак отганга кесак отолмайсан. ...ни тош-ла йўқ этмасанг, бугун кесак отса, эртага албатта тош отади. Илон қанчалик каттаргани сари, шунчалик заҳари кучайиб боради. Разил кимсалар ҳам шундайдир.

Султон Фараж Иброҳим билан мадрасада бирга таълим олишди. Мадрасадош ўртоқлар саҳрода хайма тикиб, от чоптириб, гулхан ёқиб таяммум қилиб, тонг оттирган сирли кечалар ортда қолиб кетди. Мударрис Ансорий айтганига амал қилиб, кўнглингга ўтирадиган кишиларни топмоқ ва бошини бириктириб бошқармоқ осон кечмас экан. Шариат дейдики, ўлдир илонни, тариқат дейдики оғритма жонни дегандек, бу боши юмалоқ бути айрилар орасидан яхши-ёмонини ажратмоқдан оғир ва қийин юмуш йўқ экан. Оёғинг остида кўппак каби ўралашиб юрган ўзини англамасга, билиб-билмай катта бир вазифани бериб қўйсанг, кўрар эркансан унинг ўйинини.

Бу давлату мамлакат, бу мулки салтанатга хизмати сингган сулола ва авлод борким, улар манфаатини ҳисобга олмоқ, ақли-салоҳиятига қараб бирор бир мансабу лавозим бериб қўймоқ керак бўлади. Қавму қабиласи, насл-насаби ва мавжуд шароитдан келиб чиқиб, унинг охурига ем солиб турасан.

Она авлоди эски Миср султонларидан, ота уруғи Шерознинг турк бекзодаларидан бўлган Иброҳим Эгарқоший ҳам шундайлардан эди. Хазина амири у қадар ўткир зеҳнли, хушёр одам бўлмаса-да, султонга ёшликдан синашта эди. Малик унинг ақли закосининг товонидан тобонига қадар неча газлигини яхши биларди. Сен учун чақилмаган ёнғоқ бўлган оқилу донодан кўра, итининг феъли эгасига маълум дегандек, Иброҳимга ўхшаганлардан фойдаланмоқ хавфсиз-

дир. Подшоҳ зотига хизмат этмоқда ақл-идрок эмас, садоқат бирламчидир. Дунёда ҳеч бир ҳукмдор зеҳни закосининг ноқислигидан шикоят қилмаган. Унга амир эмас, аскар керак.

Малик Носируддин Фаражни рўёсида ҳам чўчитадиган, насл лида ақлининг бир кўчасидан ҳам ўтмаган даҳшатли, келажак насллар устидан куладиган воқеа содир бўлган эди. Миср Шомдек дунёнинг энг қадимий ва афсонавий давлати, олам пойтахти саналмиш Қоҳирадек шаҳар бир томчи қонсиз ва бир қилич сермашсиз таслим ва тобе бўлган, фатҳ этилган эди.

Турон элчиси Аталмишни узоқ муддат тутқун ва гаров ўлароқ сақлаб, ўзича улуғ хоқон билан тирлашаман деган султоннинг олти йиллик тоат-ибодати бурнидан чиққан эди.

Ана ақли законинг қудрати, рақибу душманга қарши куч ва ирода ила адолатли сиёсат олиб бориб, мақсадга эришмоқнинг меваси ва натижаси. Темур томонидан Қоҳирага фақат яхши ният таклифи, сулҳ ва яраш элчилари келган, келмоқда давом этмоқда. Барча араб маликлари ўзларидан кетган, куч-қувватини тўғри баҳолай билмаган ҳолда бу дўстона, муқаддас китобимиз Қуръони каримга уйғун таклифларни ҳақорат дея қабул қилдилар. Турон сарҳадларидан келган бир кишининг дини ислом таянчи, дунё тамаддунининг асоси бўлмиш араб оламига сўзини ўтказишини ҳазм эта олмадилар ва ўзларича ҳақ эдилар. Уларнинг ўрнида бошқа ҳукмдорлар бўлганида ҳам шундай қиларди. Ислом дини пайдо бўлиб, оёққа турганидан бери араб қавми фақат ўз сўзини ўтказиб, оламни фатҳ этиб келгани боис, ҳеч бир куч ўзларига қарши тура олмаслигига ишониб қолган эди. Улар ўзларича пайғамбар биздан бўлгандан кейин, албатта Оллоҳ ҳам арабларга қайишади, дея ўйлашарди.

Оллоҳ эса куёшу ой каби барчага баробар, ҳаку ҳақиқатнинг ортида турганни қўллар экан. Ким нима деса десин, муносабатларда Темур ҳақ. Агар унинг кўнглида бу юрт халқларига ёмонлик ҳисси бўлганида эди, бундан ўн йил бурун Тўхтамишга берган сабоғининг ўндан бири би-



лан Қоҳирага етиб келиб, мен ўтирган тахтга бирор набираси ёки биз уй ҳибсида сақлаётган Аталмишни ўтқазиб кетар эди. У сўнгига қадар қавми Муҳаммадга нисбатан ўз ҳурмат-эътибори, иззату эътиқодини сақлади. Одамлар эрта кунда ортидан маломат билан тош отадиган ҳеч бир хатти-ҳаракат қилмади. Бағдоду Дамашқни қайта-қайта фатҳ этган бўлса, бунга шаҳарликларнинг ўз сўзларида турмай, унинг яғийлари ила тил бириктириши ва у қолдирган мулозиму аскарларни ўлдирганлиги сабабдир. Ҳар қандай ҳукмдор ўз мамлакати ҳудудида исён ва фитна байроғининг кўтарилишига йўл қўймайди. Бостирилмаган исён болалайди.

Анқара тўқнашувидан кўп ўтмай Малик ғайридин хочлиларнинг Измир қалъаси фатҳ этилганини эшитди. Буни туйган Фаранг ва Кастилия қироллари ҳам хоқон Темурга тан бериб, совға-саломлар-ла элчилар юбориб, ҳокимиятини тан олишибди. Унинг давлат ва салтанат шамоли шу қадар олис ўлкалардаги улкан оғочларни тебратибдики, бу ҳам яратганнинг ҳукмидир.

Дунёни титратган хоқон Темур ила кўнишиб, Малик мактуби ва совға-саломларини етказиш зиммасига тушган амирлар Аҳмад билан Аҳтанинг эса ҳаяжони бўғзида, ақли хуши бошдан учгандек эди. Султон атрофидаги ҳеч бир амиру шайх улуғ хоқон ила юзма-юз бўлмоқ орзусида эмас эди.

Икки амир олти йил мобайнида эски қадрдон каби бўлиб қолган Аталмишнинг оғзига қараганча, йўл танобини тортиб, Оқшаҳар томон борар эдилар.

– Муҳтарам Аталмишбек, биз қабулларига ноил бўлмасимиздан бурун улуғ хоқон ҳақида маълумот берсангиз? Бугунги кунда ҳар каснинг оғзида бўлган Амир Соҳибқирон ҳазратларининг ҳаёт тарзлари, не еб, не ичишлари ва қандай кийинишлари тўғрисида сўзлаб бермайсизми? – деди чап болдирини эгарга қўйганча амир Аҳмад.

– Олти йилдан бери ярим мусофиру ярим тутқун кишида не янгилигу хабарлар бўлар эди, – деди камгап Аталмиш

озодликка чиқиб ватанига дўнаётганига ўзи ҳам ишонмай. Менинг билгиларим олти йил бурунги гаплар. Билмадим, кечмиш муддат давомида салтанат ва улуғ Амир ҳаётида не ўзгаришлар юз берди.

– Билганингизни сўйланг, биродар. Ҳар ҳолда кўришажагимиз ҳукмдор ҳақида озми-кўпми маълумот олсак, фойдадан ҳоли бўлмас, – рижосини такрорлади амир.

– Менким амирликдан асирликка тушиб, олти санадирким улуси араб сувини ичган ва яна асл вазифам амиру хос элчилик мақомига қайтган бир киши сизларга неларни ҳам сўйлар эдим. Сиз мўътабар меҳмонларимиз жаҳон султонлигию, раиятга кўрсатилажак меҳр-мурувватни, давлатмандлигу фуқаро саодати йўлида заҳмат чекмоқни, золимлар дастини кесиб, мазлум ҳақ-ҳуқуқини қўримоқ қандай бўлишини билмоқ ва кўрмоқни истасангиз, Турон мамлакатининг ички ҳудудларига, дунё бошкенти саналмиш фирдавсмонанд Самарқанддек шаҳри азимга ташриф буюриб, бул жаннатмакон ўлканинг тузини тотиб, парча экмагини емоғингиз керак, – гапни узоқдан олиб бошлади олти йиллик Миср маҳбуслигида ўқиш ва ўрганишга вақти сероб бўлган амир Аталмиш оти жиловини силтаб қўяр экан.

Дарвоқе, Миср хонабандлиги амирга илм ва араб миллати ҳаётини ва тарихини ўрганмоқ бобида қўл келган эди. У яшаган араб амирининг ташқаридан лойсувоқ бир кўйи уйини эслатадиган қароргоҳининг ичи шоҳона безатилган ва китобларга тўла эди.

Амир илк Қоҳирага етиб келган кунидан бошлаб, бу халқ феъл-атворидаги турк ва мўғул халқларидан фарқ қиладиган бир нарсага эътибор берди. Қавми турк йўқни ҳам бордек кўрсатиб, тўйган куни оч-наҳор юрганларини унутиб, тахтга чиққанида ўзидан кетиб, чўнтагига саккиз чақа тушса, босар-тусарини билмай қолади.

Араб қавми бундай эмас экан. У қанчалик мансабу рутбада юксалиб, не қадар зангинлашмасин, янада камтарлашиб, мутавозелашиб, сир бой бермай, ўзини барча ила баробар тутмоқликка тиришар экан. Бу мулки давлат соҳиби бўлмоқ ва уни узоқроқ қўлда тутиб турмоқнинг бош йўли эди. У уйида яшаган Муҳаммадамин Бухорийнинг бир неча тур кийим-кечаги бўлиб, у султон ҳузурига, амирлар йиғинига, халқ орасидаги тўю марака, тужжорлар тўплантиси ва жамоат ила бирга намоз ўқимоқ учун масжидга борганида кийиладиган албисаларга бўлинар эди. Ибодат учун чиққанида уни араб фаллоҳидан (деҳқон) фарқ қилиб бўлмасди. Ташқи кўринишинг, феъл-атворинг ила ўзгалардан ажралиб турмоққа интилиш, иззатталаблик ва манманлик бўлиб, гуноҳи азимдир дер эди у амир Аталмиш билан тонготар суҳбатлар қураркан.

Араблар Дамашқ, Бағдод, Ироқ ва Табриздан сўнг Турон мулкига илк етиб келиб, ислом байроғини кўтарган ва қуббат ул-исломга айлантирган Бухоро энг маълум ва машҳур шаҳар ҳисобланарди. Унинг сермева боғлари, ҳандалак қўқили полизлари, сув тўла ариқлари ҳақида армону интиқлик ила ҳикоя қилардилар.

Айниқса, Хўжа Исмоил Бухорийдан сўнг бу сўз янада оммалашиб, бу муборак исмни танимоқ, шу юрт билан аждод боғлари бўлган ҳар киши учун номус ва шараф рамзи эди. Арабу ажамликлар бу номдаги кишиларга алоҳида ҳурмат-эътибор билан қарардилар. Зотан, ислом динининг бош кишиси халифа Бағдодда, араб ўлкасида бўлса-да, унинг ривожланиш ва такомиллашув жараёни Турон мулкида, Осиёнинг юмшоқ тупроқларида кечар эди.

Буларни ўрганмоқ, бу ҳақдаги суҳбатларда бўлмоқ, кечмиш амирлик ва хос элчилик ҳаёти, улуғ ҳоқон билан ўн йиллар мобайнида давом этиб келаётган ишончли мулоқот ва давлат тажрибаси олти йиллик сабоқ жараёнида янада такомилга етганди. Дунёвий ва инсоний суҳбатлар давомида барча араб амиру қўмондонлари ўзлари учун сирли бўлган Кўшдарё, Мовароуннаҳр диёридан келган, афсонавий Амир

Темур деган шахсият билан суҳбатлашган ва унинг инон чини қозонган, дини ислом бўлса-да, миллати номаълум бир кишининг оғзига қараб ўтирар эдилар.

Унинг қўйиб юборилмаслиги, улуғ хоқоннинг хос элчи си ўларок султонлик ҳудудида сақланажаги маълум бўлган дамдан бошлаб синини бузмади. Киприги қилт этмади. Юрт соҳибларининг бу ожизона хатти-ҳаракатига ҳайрон бўлмай, мийиғида кулиб қўйди. Боиси, унинг элчилик қисматида бун дай ҳолларнинг юз бериши, ҳатто бош кетиши эҳтимоли ҳам назарда тутилар, ўлимни бўйинга олиб юришга тўғри келар эди. Не-не ҳамкасблари яхши нияту оқ байроқ ила ҳукмдорлар ҳузурига кетиб, қайтмадилар. Бироқ буюк Амирнинг ироди си ва қатъияти билан бирортасининг ҳам қони ерда қолмади. Жанг майдонида шаҳид кетмоқнинг барчага баробар ёзиғ йўриғи бор. Турон салтанатида ноиб, даруға, кутвол ёхуд элчи каби бегуноҳ кишиларнинг хизмат вазифасини ўтаётган пайт да ўлдирилиши жавобсиз ва жазосиз қолдирилмас, айбдорлар ғоят оғир жон ва мол товони тўлардилар.

У ерга борсам бўри, бу ерга борсам бўри, буям пешонамнинг шўри дегандек, Шош яқинидаги Чинос манзилида туғилган Аталмиш амирлик ва хос элчилик мақомига етса-да, иши ғириб кетмади. Султонлик ҳудудида яшар экан, унинг учун ўлим хавфи ҳар бир дақиқа ва сонияда мавжуд эди. Шом ва Дамашқ, Ғаззо ва Хумс атрофида туронликлар билан бўлган жангларда яқинларини йўқотган ҳар қандай араб ярим тунда келиб уни ва ёнидаги уйда яшаётган тўрт қоровул мулозимини ўлдириб кетиши ҳеч гап эмас эди. Фақат хоқон Темурдан шайтонлагудек даражада қўрққан, малик ва вазирларининг сидқидил саъйи ҳаракатлари туфайли уни астойдил қўриқлашар, у яшаётган Бухорийнинг уйи атрофига чумолини ҳам йўлатишмас, ҳатто тунги соқчилик ҳам йўлга қўйилган эди.

Икки орада-ю бир дарада қолган шошлик амирнинг ҳаёти кечаю кундуз шамширнинг дамида юрган каби кечарди.



бир нажот имонни сабру шукр дея билган, она авлоди туркламиш араб бўлган ва она миллатга эҳтиром ила муносабатда бўлиб, арқонни узун ташлаган улуғ амирдан эди. У бир кун келиб худди мана шу тарзда, ҳурмат ва эътибор билан юртига, хоқон ҳузурига қайтишини кўнгли сезарди. Қайтмоқ насиб этмаса ҳумоюн Турон ўрдуси суворийлари тулпорлари туёғи сасидан Қоҳиранинг тош терилган кўчалари ларзага келишини ҳам биларди. Буни Малик Носир ҳам амир Аталмишдан кам билмас, бироқ узоқни кўра билмас қипчоқий арабнинг оч кўзи одил фикрлаб, тўғри қарор бермоғига тўсқинлик қиларди.

Инсон зотида кўрмаган, билмаган ва ҳис этмаган, ақли идроки доирасидан ташқарида, фаҳм-фаросати етмаган нарсаларга яғийлик кўзи билан қарамоқ хасталиги мавжуд бўлади. Одам боласи табиати, феъл-атворидаги ноқисликлар боис, у ёки бу қилмиши учун астойдил бошига таёқ емас экан, шунчаки панду насиҳат, кечмиш ота-боболарининг хато ва камчиликлари, дўсту душманнинг тажрибаю холис маслаҳатларидан хулоса чиқариб тўғри йўлни илғай олмас, топа билмас экан. Сон-саноқсиз шоҳу султон, амиру маликлар билан учрашган, араб, форс ва чин тилларида шу миллатнинг ҳар қандай вакилига сабоқ берадиган, боболари Чингизхон ва Ўкдайхоннинг ноиблари ўларок Чинни бошқарган Аталмиш Қавчин ҳаётида буни кўп кўрди.

Турон султонининг бош вакили ўларок икки маротаба Дашти Қипчоқ хони Тўхтамиш билан кўришди. Буюк боболари билан мулоқот қилган аждод вакилини кўрганда хоннинг кўзи ёниб кетди. Суҳбат сўнгида тап тортмай нега ўзига эмас, Темурга хизмат қилиб юрганлигини сўради. Инсон туз-насиби тортган ерда хизмат қилади, хон ҳазратлари, дея жавоб берди элчилик муносабатларида қуюшқондан чиқмайдиган Аталмиш назокат билан.

Зотан, Рум ва Фарангистонда элчиларни дипломат, эллар аро муносабатлар фанини дипломатия дер эканлар.

Аталмиш Қавчин Рум ва фаранг дипломатлари билан улуғ хоқон амри ила тужжор ўлароқ Константинополис, Рум ва Қоҳирага борганда кўришган, бир неча ой мобайнида улар тилини сўзлаша оладиган даражада ўрганган эди.

Темур элчисининг бу қадар кўп тилни билиши ва тажрибасидан ҳайратга тушган султон Чинга ўз элчиси ўлароқ жўнатмоқни мўлжаллаб, элчининг емак-ичмагидан хабар олиб турадиган хазина амири, бош сиккачиси Иброҳим Эгарқош орқали оғзини ҳидлатиб ҳам кўрди. Бироқ туронлик элчидан рад жавоби олингач, бу масалага қайтмади. Малик шу тахлит Темурнинг одамидан қутулмоқчи бўлган эди. Чин сари йўлга тушгач, кемани чўктириб юборишлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас эди. Бу ҳодиса юз бермаганда ҳам у Чинга етиб борса-да қайтиб келмас ва Қоҳирада Турон элчиси ўз хоҳиш-истаги билан Миср султони хизматига кириб, Чинга элчи бўлиб кетди дея гап тарқатилиб, шу тариқа Темурнинг таъқибу тазйиқидан қутулмоқчи эдилар.

Олти йил мобайнида Қоҳира тупроғини ялаб ётган Аталмиш бу каби ўнларча таклиф, тавсия ва босқиларга бўйин эгмади. Сабр-тоқат, марду мардоналик билан сўнгги озодлик ва фатҳу зафар кунини кутди. Уни йўлдан олиб ташламоқчи бўлганлар энди бошларига кўтарганча, ортидан эргашиб, хоқоннинг муборак исми битилган сиккаларни хуржунларига тўлдириб, ҳузурига кетмоқдалар. Демак, бу ҳақнинг иродаси, пайғамбарининг тавридир.

Ҳар икки борганида ҳам Тўхтамишхон уни иззат-ҳурматини жойига қўйиб, кетма-кет зиёфатлар ва тортиқлар билан қаршилади. Улуғ хоқон ва хон шарафига ҳамду санолар айтилиб, хумларда чоғир, бода, мусаллас ва арақлар ичишса-да, охир-оқибат бу музокараларнинг натижаси ўлароқ, икки буюк жанг юз берди. Тўхтамишхон тожу тахти, мулки давлатидан мосуво бўлди. Унинг ҳузурига борган сўнгги Турон элчиси Шамсиддин Алмалиғий бўлиб, шу билан элчилик алоқалари узилган эди.



Унинг иккинчи бор улуслар аро муносабатлардаги фаолияти Чин тилини билганлиги боис, Чин мамлакатига жўнатилиши бўлди.

Бундан ўттиз йилча бурун хоқон Темур Балхда Буюк Турон Амири дея эълон этилиб, она юртининг ҳақиқий эгасига айланишидан икки йил нари, чинлилар жетелик мўғуллар хумронлигидан қутулиб, ўзларининг илгариги мустақиллигини тиклаган, Юань сулоласи ўрнига ҳокимият тепасига Мин сулоласи келган эди. Чингизхон авлодлари бошкентлари Қорақурумдан Қашқаргача, Ёркентдан Андижонгача, Хўтандан Хўжандгача бўлган жуғрофий кенгликларда илгариги куч-қувватга эга эмас эдилар. Темурийларнинг Жете (Мўғилистон) юришлари ва фатҳлари оқибатида эндиликда Турон давлати табиий равишда Чин мамлакати билан чегарадош бўлиб қолган, салтанат ҳудудлари Лобнор кўлигача етган эди. Икки ёш ва қудратли салтанат тиштирноғигача қуролланиб, яккама-якка майдонга тушмоққа ҳозир баҳодирлар каби от ўйнатиб, бир-бирига найза ўқталиб турарди.

Шундай бир қалтис вазият ва шароитда улуғ хоқон Аталмишни эллик чоғли хос мулозим ва хос навкар билан Чинга йўллади. Уларга императорнинг оғзини ҳидлаб, йўл-йўсунларини илғаб, турумини ўрганиб келишни буюрди. Хоқон ҳукми вожиб дея Аталмиш карвонни бошлаб йўлга тушди. Амир ва бош ёзар Зайниддин Кеший Боботурк ҳамда хабарнавис, хуфя ва махфийлар ишини йўналтириб турувчи хос мулозим Али Мамат ва Алп Туркаш унга айри-айри кўрсатмалар берди. Шаҳар ва ўлкалар йўлларининг аҳволи, кўприклар, кўй, қасаба ва шаҳарлардаги биноларнинг сифати, бу ерлардаги мавжуд қонун-қоидалар, ҳукмдорларнинг куч-қудрати ва уларнинг давлатни бошқариш услуби, бу ҳудудлардаги номдор мамлик ва амирлару дарё, яйловлар ҳақида жуғрофий билгиларни имкони бўлса қайд этмоқни тайинлади. Чинлилар жуда

майдакаш ва синчков одамлар бўлиб, уят жойларигача тинтув қилишлари мумкин. Бундай ҳолатда барча кўрган билганларни хотирада сақламоқ керак бўлади дея уқтириб соҳибхабар Туркаш алоҳида таъкидлаб.

Алп Туркашнинг айтганича бор экан. Ота-боболари миз уларга бекорга хитой дея исм беришмаган экан. Яъни сени хит қилиб юборувчи, чўнтагидан бир мири чиқариш тоқати йўқ хитак одам дегани экан.

Элчининг Чинга бориб келишига бир йилдан ошиқ вақт кетди. Бу муддат давомида у кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, ажойиб ва ғаройиб воқеалар шоҳиди ўлароқ, ит азобида қайтиб келди. Уларнинг бошкентида бўлганида Чин подшосининг ўз бутхонасида худога сиғинишини кузатди- лар. “Осмон худоси, менга ғазабингни сочма! Мен бирор ёмон иш қилган эмасман! Ота-онамга озор берган эмасман! Бирор кишига ҳам зулм ўтказган эмасман!” дея тангрига нола қиларди ҳукмдор. Бизда энг буюк гуноҳ ва жиноят ота-онага руҳий азоб бериб, жабрламоқ ҳамда худо яратган одамга зуғум ўтказмоқдир, дея изоҳ берган эди уларга йўлбошловчилик қилиб юрган чинлик мулозим.

Турон карвони Чин пойтахтида эканида, ўша мулозим келиб, подшоҳнинг хотини, катта маликанинг вафот этганлигини айтди. Бу айриликдан изтироб чекаётган подшоҳимизнинг аҳволи руҳияси яхши бўлса, бориб кўнглини сўрайсизлар, йўқса бормоққа лузум йўқ, деди у бутун авлод-аждоди қирилиб битган одамдек мотамсаро қиёфада. Улар хўжайинларига шу қадар итдек елиб-югуриб садоқат билан хизмат этишардики, буни Қорақум, Қизилқум саҳроларию Дашти Қипчоқда оту эшагига минганча лаллайиб юрган туронлик бир одамга англатиб бўлмас эди. Улар кечаю кундуз, мижжа қоқмай хўжайинларига хизмат қилар эдилар.

Императорнинг ўлган хотинини улар улуғ хотин деб аташар экан. Бундай маликалар учун маълум бир тоғда дахма ва қабрлар аввалдан ҳозирланган бўлиб, қачонки улуғ



нимлардан бири вафот этса, мавжуд расм-русумга кўра там маросимини уюштириб, уларни ўша дахмага элтиб ир эканлар. Марҳум маликанинг отлари дахма атрофида- и дараларда ўз ҳолича ёйилиб юраверар ва уларга ҳеч ким тмас ёки олиб кетмас экан. Дахма турган жойга собиқ маликанинг барча канизаклар ва ахта қилинган қулларини ам элтиб ташлар эканлар. Уларга беш-олти йилга етадиган инқдорда озиқ-овқат қолдиришаркан. Шу емак-ичмак туга- ши билан марҳум маликанинг канизагу қуллари ҳам хору орликка маҳкум бўлар эканлар.

Энг ҳайратланарлиси, элчими, тужжорми, ким бўлишидан қатъи назар ўз ҳудудларига кираётган одамлар қиёфасини рассом каби ёзувда тасвирлаб чегара дафтарларига қайд этиб қўйишар, қайтиб кетаётганларида яна ўша ёзув дафтарини келтириб, сўзма-сўз текшириб кўрар эдилар. Бу ишда хатоликка йўл қўйган маъмурга раҳм-шафқат қилинмас эди.

– Етти иқлим хоқони Амир Соҳибқирон ҳукми остидаги мамлакатнинг ўлка, вилоят ва ҳудудлари шу қадар чекчегарасизким, айни замонда бу салтанатга ўттизга яқин давлат тобедир. Агар сиз унинг бир четидан, дейлик Ғаззодан Қашқаргача бормоқчи бўлсангиз бир, бир ярим йил тинмай йўл юришингизга тўғри келади, – дея ҳикоясини бошлади амир Аталмиш ихлосу иштиёқ билан. – Бу улкан жуғрофий кенгликдаги мамлакатда ҳожилар, йўловчилар ва карвонлар хавф-хатарсиз кезадилар. Улар жони ва мол-мулкининг дахлсизлиги улуғ хоқон амри фармони ва амаллари билан таъминлангандир. Агарким, Турон салтанатига боғлиқ бирорта юртда йўлтўсар ва қароқчилар карвонга ҳамла қилгудек бўлса, биринчи галда ўша ўлканинг ҳукмдори қаттиқ жазоланади. Хоқони акрамнинг фикрларича, агар ўша мамлакат ҳокими йўлтўсарлар билан ҳамтовоқ бўлмаса, улар улуслар аро катта йўлларда карвонларга ҳужум қилмоққа журъат эта олмайдилар.

– О-о, бу жуда тўғри ва адолатли тадбир экан! – деди амир Ақта ҳайратини яшира олмай. – Балиқ бошдан деган гап тўғри. Ҳукмдорлар энг катта даромад ва ришватни ана шу қароқчилар ва афюнчилардан оладилар. Темурбек аланинг терисини шилиб тўғри қилар экан.

– Хоқон ҳазратлари буни ҳар бир машварату йиғинларида такрорлайдилар. Ўн нафар кўркув ва тазйиқ билан йўлдан урилган бева-бечорани эмас, унинг тепасида турган бош ўғри ва қароқчини ҳамда унинг пинҳона ғоявий раҳнамоси бўлган ҳукмдор, амирилашкар ёки қозини жазоламоқ керак дея таъкидлайдилар.

– Ул кишимни қиш ойларида йўлбарс ёхуд айиқ терисидан пўстин кийиб юрадилар, бул қиёфада хоқонни кўрган одамлар ҳайратдан лол бўлиб, қотиб қолармишлар дейишади. Шу тўғрими? – Савол бермоқда давом этди амир Ақта.

– Одамлар бир гапга икки, икки гапга тўртни қўшиб сўзлайверадилар. Хоқоннинг кийим киймоқ одатлари шундайдир. Ёзлик кийимлари оқ ёки сариқ ипак парчадан, баҳор ва кузда эса тўқ қизил рангли қалин парчадан тикилади. Оқ, сариқ ва қизил рангларни хуш кўрадилар. Сиз айтганингиз пўстин ва нимчалар олмахон ва оқсувсар терисидан тикилади. Қиш мавсумида энг севимли кийимлари эса антиқа терилар билан қопланган пахтали нимчадир. Улуғ Амир ёшликдан аскар ҳаётига ўрганганлар, вужуд ва иродасини оғир шароитларда давомли равишда синаб, машқ қилиб ўргатган. Саратон чилласида ёзлик оқ уйда қандай яшасалар, қаҳратон қишда ҳам қора уйда шундай яшайверадилар. Хоқоннинг жанг майдонидаги чодири амирлар чодиридан фарқ қилмайди. Бирор манзилда узоқроқ туриладиган бўлса ёзда хос чодир, қишда ўтов тикилади. Хоқон ҳазратлари хос ўтовининг баҳоси бир мамлакатнинг бир йиллик хирожи баҳосига тенгдир. Чодир ва ўтов ичида саропарда дея аталадиган, ҳурматли мусофирларни қабул этгувчи бўлма бор. Саропарда, бу сарой вазифасини бажарувчи парда, катта парда демакдир. Султоннинг



буюк чодири ичига тикиладиган бу саропарда киришдаги "кўринишхона"ни, яъни истироҳат бўлмаси саналмиш "хос хона"дан ажратиб туради. Хоқони акрам ҳазрати олийлари сизни шу ерда қабул қилиб, шарафларингизга зиёфат берадилар.

– Ё Оллоҳ! – деди беихтиёр амир Аҳмад.

– Мошоллоҳ! – деб юборди шериги Ақта.

– Ул кишим қай бир манзилда яшамасинлар, хоҳ саройлари бўлсин, ёки ўтову саропардами дунёнинг тўрт эмас, ўн тўрт тарафидан келтирилган ҳинду чин, арабу ажам, юнону рум мушк-анбарлари анқиб туради. Борганда кўрасизлар, бир чақирим беридан димоғингизга атиру гул бўйи урилади. Ҳазрати пайғамбаримиз каби хоқонимиз ҳам хушбўй ҳидларни севадилар. Емаклари ҳам оддий ва барча қаторидир. Одамлардан айрича ажралиб турмоқни, ўзига алоҳида ва меъёридан ортиқ равишда иззат-икром этмоқни хуш кўрмайдилар. Гуручли емакларни хушлайдилар ва айниқса, хорижий элларда Турон ёхуд Туркистон палови дея аталгувчи емагимизни суядилар. Боиси, сабзавот, эт ва гуручли бу емак, пишириш жараёнида аввал қовуриб, сўнгра қайнатилиб, ниҳоят дамланиб тайёрланадиган ғаройиб бир емакдир. Уни ҳозирламоқ жараёни уч босқичдан иборат бўлганлигидан вужуд учун ҳафиф ва ҳазми осон, шунинг баробарида узоқ муддат тўқ тутувчи овқатдир. Шунингдек, сут-қатиқ, қимиз ва асал доимо суфраларида туради. Хос кунларда ошчилари турли хил парранда ва ширвоз қўй, той, юнги қирқилмаган улоқ этидан қовурдоқ, кабоб ҳозирлайдилар. Эт, хамир, нўхат ва сабзали кулчатой емаги ҳамда аскарларнинг севимли овқати, юзасига эритилган сариқ ёғ қуйилган қуртавани ҳам ёқтирадилар. Базм ва зиёфатлар сўнгида бирор коса асал солинган қуртава ёхуд гуручли қатиқли ош ичиб ётадилар. Хоқон Ҳазратлари бухоролик буюк бобомиз, тиб илмининг султони Ибн Сино ҳазратларининг сабоҳ анор, тушда пиёз, кечкурун асал есангиз қонингиз кўз ёшидек тоза бўлгувсидир, деган сўзларига амал қиладилар.

– Ибн Сино Бухороданми? – сўради амир Ақта ҳайрон бўлиб. – Ие, у араб эмасми?

– Мусулмон дунёсида неки машҳур олиму уламо, малику султон бор, амир Ақта ва бул кишимга ўхшаганлар уларни араб деб биладилар, – амир Аталмишнинг ўрнига жавоб қилди амир Аҳмад. – Ҳатто тепаларида турган ўз маликларининг ҳам келиб чиқишини, насл-насабини билмайдилар. Қусурга боқманг, Аталмишбек биродаримиз Ақтабекнинг ота-боболари султонлар сайисхонасида соис, яъни отбоқар бўлганлар. Ақта сўзи бизнинг тилда шу маънони англатади, – деди шеригининг юзига қарамай султоннинг бош хос элчиси амир Аҳмад.

Орага ноқулай, хижолатзада бир жимлик, сукунат чўкди. Амир Аталмиш ҳам гапини йўқотиб, бир муддат каловланиб қолди. Амир Ақта қизариб-бўзарганча терлаган юзи ва бўйнини артар, амир Аҳмад орада ҳеч бир гап бўлмагандек узангисини ўйнатганча отини ниқтаб, йўл танобини тортарди.

– Сизлар хушҳаво бир манзилда тўхтаб, истироҳат этсангиз. Мен олдинроқ етиб бориб, хоқон ҳазрати олийларига султон саройида бўлиб ўтган гап-сўзлар ҳақида билги бермоғим лозим. Бироз қаҳр устида эрсалар, юмшатмоққа ҳам тўғри келади, – деди манзил яқинлашгач амир Аталмиш.

Темур элчисининг таклифи мисрлик меҳмонларга маъқул келди. Улар Қоҳира Қўния ипак йўли бўйидаги чашмали салжуқли карвонсаройда қолдилар. Пешин намозини ўқиб, оёқ устида емагини еган Аталмиш шериклари йўлдошлигида йўлида давом этди. Карвонсаройда уларни қаршилаган хоқон одамлари элчи ва мулозимларнинг отларини алмаштириб бердилар. Амир Аталмиш уларга мисрлик мусофирларга яхши қарашни, уларнинг ҳам отларини алмаштириб беришни тайинлади.

Амир Аталмишнинг улуғ Амир девонида алоҳида ўрни бор эди. У ҳар қандай масала ва иш юзасидан хоқонга тўғридан-тўғри мурожаат этмоқ, давлат аҳамиятига молик



юмушлар зиммасига юклангандa қарор бермоқ ваколатига эга эди. Бундай амирлар хоқон атрофида саноқли бўлиб, салтанат ички ва ташқи сиёсатининг устуни саналар эди.

Улуғ Амир Аталмиш билан узоқ суҳбатлашди. Элчи Қоҳира таассуротлари, Макка ва Мадина об-ҳаволари ҳақида сўзлаб берди. Хоқон учун Қоҳира сўқоқларидаги эски, қимматбаҳо китоб дўконларидан сотиб олган ўн дона ноёб китобни совға қилди. Аталмиш араблар юртидаги яна бир одатга ҳайрон бўлди. Бу ерда гиёҳдан тортиб тошгача, маймундан тортиб одамгача неки бор, сотилиши ва сотиб олиниши мумкин экан. Мўғулларга ўхшаб бу саҳро қавмларида муқаддас нарсанинг ўзи бўлмас экан. Ноёб китобларга қизиқишини билган малик ёнидаги туппа-тузук амиру мулозимлар султон ва давлат кутубхонасида турган бебаҳо китобларни арзимаган баҳода унга пулламоққа уриндилар. Кўпни кўрган, тажрибали элчи дастлаб розилик бергандай бўлди. Сўнгра ниятидан қайтди. Султон махфийлари уни шу тариқа ўғрилар билан тил бириктирганликда айблаб, ёмонотлиққа чиқариб, бошига ҳар балони солишлари мумкин эди.

Темур элчисини узоқ айлантириб кўрган малик одамлари дунё кўрган бу кишини сўзларига юрита олмасликларини англаганларидан сўнггина уни ўз ҳолига қўйдилар.

– Бул ажойиб китобларни келтириб хўп маъқул иш қилибсан, Аталмиш. Бу дунёда мен учун энг азоб иш – китоб ўқимаган одам билан қўнишмоқдир. Айни дамда Кўксаройдаги каби катта кутубхона Қоҳирада ҳам бўлмаса керак. Сенинг султонинг масаласига келсак, – деди хоқон кулиб. – Эндиликда унинг номига мактуб битмоққа эҳтиёж қолмади. Шу пайтгача ёзган мактубларимизнинг бирортасига инсон ва ҳукмдор каби жавоб қайтармади. Шул боис биз ҳам унинг шишган қафасини янада қариштириб, хат битиб, овора бўлиб юрмайлик. Зотан, қабули хитоб ўлмаганларга сўз сўйламак бир исроф бўлса, мактуб бит-

мак, уни ёзган киши учун ҳақорат саналгусидир. Сен не дейсан, Аталмиш? – Босиқ ва майин оҳангда сўради улуғ Амир.

– Тўғри, хоқони акрам ҳазратлари. Билишимча, султон қилган саркашлигу тархашликни бизга ҳеч бир ҳукмдор раво кўрмаганди. Ҳатто, у саҳройи сизнинг азиз жонингизга қасд қилмоққача бориб етибди. Мен бу воқеаларни қароргоҳингизга етиб келгач, эшитдим. Мени бу тараф дан, умуман ташқаридан келадиган ҳар қандай хат-хабар ва гап-сўзлардан иҳоталаган ҳолда сақлар эдилар. Фақат бир нарса, сиз улуғ зоти олийларининг куч-қудратлари, шон-шуҳратининг тиллардан тилларга ўтган афсонавийли ги мени бу ярим маҳбусликдан халос этди. Бу қавм куч қудрат, мулку давлатдан бошқа нарсани тан олмайди. У ерда пора, ришват ва катта маблағу масраф этмоқ эвазига ҳар қандай юмушни, ҳатто қону хун ишини ҳам битирмоқ мумкин. Улар ярим жоҳилликлари боис ўлимни ҳам шун чаки бир ўйин сингари қабул этадилар. Амалга ошмас эътиқодлар учун бир-бирлари билан қирпичоқ бўладилар. Бутун бир миллат сунний, шиа, насроний, мароний, сурёний ва яна шунга ўхшаш ўнлаб мазҳабу тариқатларга бўлиниб кетган. Бу – ҳеч қачон араб аталмиш халқнинг боши бирикмайди деганидир. Аёллар хусусида ҳам улар жуда очкўз, хотин дея ватанларини ҳам ташлаб кетаверадилар. Уларнинг дарди хониму ришват. Не қадар муҳим ва хос юмуш кутиб турмасин, ана шу икки ҳаётий заруратдан сўнг қўл урадилар, – билганларини сўйлар эди элчи.

– Ўзимиздаги араб асллилар билан айни феъл-атворда экан-да улар ҳам. Бизда ришват ва зино жиноятидан жазога тортилганларнинг аксари араб ва форс асллилар, – деди улуғ малик элчиларини муносиб қаршиламоққа бош-қош бўл ва уч-тўрт кун мобайнида мусофир этгач, кузатамиз. Биз баробар юртга дўнмоғимиз керак. Вазиятга кўра ҳаракат этамиз.



ғуржилар яна ўйин кўрсатмоқда экан. Улар ишини бир ёқлик ...мок учун мен қишловни Қорабоғда ўтказишимга тўғри ...лар балки. Сен эса уларни йўлчи этгандан сўнгра ватанга ...ўнай билурсан. Таълимот бераман. Сенинг юксак садоқат ...а ғайратинг, тақдирга шоёндир. Давлат одобу ахлоқида ҳеч ...ачон қусур этмадинг. Хазинадан олти йиллик маошингни ...кки баробар қилиб беришади. Чодир, хайма, ўтов. Бир улус ...мирга неки лозим бўлса хазинадан ошиғи билан ол. Истаганинг қадар оту тева, мол-ҳол олабер.

– Юксак кўнглингиз-ла лутфу саховат этдингиз, хоқоним, – деди амир Аталмиш чап тиззаси билан чўккалаб, таъзим бажо келтираркан. – Оллоҳ сулолаю салтанатингизни боқий этсун! Омин!

Амир Соҳибқироннинг мушку анбар ҳиди анқиётган шоҳона саропардаси теграсида Миср элчиларини қабул этмоққа ҳозирлик кўриларди. Хоқон қароргоҳидан қирқ қадамча узоқлашган Аталмиш қайрилиб саропарда устида ҳилпираётган Турон давлатининг уч тамғали ҳаворанг байроғига тикилиб қараб қолди. Армону ҳасрат, умиду илинж билан тикилган сари кўзидан ёш оқарди. У бу кунга, шарафи учун ҳаётларини тиккан шу байроққа яна бир карра боқаётганига бир ишониб, бир ишонмас, тушларига кириб чиққан бу саодатли кун, дақиқа ва сониялардан, бекланмаган бу озодлик ва хоқон ҳузурига етишмоқдан ҳамон ўзига келмаган, ҳавода муаллақ учиб юрган каби ҳис этарди ўзини.

Ортингда сўровчинг, орқатоғ каби бир кишинг бўлмаса, бу дунёда ит каби ўлиб, ёхуд улоқиб, уруғ-аймоғинг, дину миллатингни йўқотишинг ҳеч гап эмас экан. Зотан, бу байроққа ва юртга хизмат қилмоқ учун бир умр етмас экан, дея ўйларди амир Аталмиш йиғиси бўғзига тиқилиб. Ҳақсизлик ва адолатсизлик шамоллари эсган заминда авлиё бўлсанг-да, бир хору хасчалик қимматинг йўқ экан. Инсоният мукаммалликдан узоқлашгани, эрк ва ҳуррият, ҳақу ҳақиқатдан чекингани сари онгсиз эмас, онгли, қорни тўқ жоҳилу қотилга айланиб бораверар экан.

Миср элчилари эртаси куни пешин намозидан сўн етиб келдилар. Аталмиш йўлдошларини улуғ Амир қароргоҳидан икки-уч чақирим узоқликда, элчилар қабули бўйича масъул Шоқул шиқовул билан бирга иззат-икром ла қарши олди. Уларга қабул давомида амал қилинадиган тобуғ расм-русумини тушунтирди.

– Бошингизни қуйи эгиб, ер ўпиб таъзим бажо манг. Хоқон ҳазратлари ўзига сажда қилганларни хуш кўрмайдилар. Фақат Оллоҳга сажда қилинади, дейдилар. Хоқон саропардасига киришингиз билан ул киши ўтирган тахт ёки ерга беш-олти қадам қолгач, ўнг ёки чап тиззангиз билан чўккалаб, ўз эҳтиромингизни билдирасиз. Шундан сўнг улуғ Амир сизга ўтирмоққа ижозат этадилар ва салом ила мурожаат этиб, ҳол-аҳвол сўрайдилар. Қисқа танишувдан сўнг совғаларингизни тақдим қиласиз ва суҳбат зоти олийларининг истакларига кўра давом этади, – астойдил тушунтирар эди шиқовул.

– Айтганингиз тўғри экан, амир жаноблари. Димоғимизга Шом мушкининг ҳиди келди, – деди улуғ хоқон саропардасига яқинлашар экан амир Аҳмад.

– Бу хушбўй қўқилар хамир учидан патирдир. Сиз хоқони акрам ҳазратларининг бутун салтанат бўйлаб тиклаган икки юздан ортиқ қасрларини бориб кўрсангиз. Бу саройлардаги улуғворлик ва муҳташамлик, оройишу орасталикдан қалбингиз энг эзгу, олижаноб ҳис-туйғуларга тўлиб-тошади. Султонлар сарварининг Бағдодда ўн беш, Исфаҳонда ўн икки, Шерозда етти, Самарқандда ўн саккиз ва ота юртлари Кешда йигирмата қасру саройлари бор. Бу саройларнинг барчаси хазина маблағи ҳисобига қурилган бўлиб, халқу давлат мулки саналади – амир Аталмишнинг оғзидан гапни илиб кетди Шоқул шиқовул.

– Бироз ўзимизга келиб, сўнгра хоқон ҳузурларига кирайлик. Оёқ-қўлим бўшашиб, юрагим тез ура бошлади, – деди



саропардага яқинлашгач, ранги рўйидан қон қочиб амир Аҳмад. – Хоқон ҳазратларининг юклари оғир экан. Сустлари босиб, мазам қочди.

– Хоқон ҳазратлари не замон қабул этажакларини айтадилар. Бу муддат ҳафта, ўн кунга ҳам чўзилиши мумкин, – деди шиқовул улар қоладиган чодирни кўрсатиб.

Шоқул шиқовул қош-қовоғига қараб турган мулозимга курси келтиришни буюрди. Аталмиш иккаласи икки қўлидан тутиб султонлик элчисини курсига ўтқаздилар. Ўзига келиб олмоғи учун косада сув тутишди.

Гап бермай кетаётган шеригининг аҳволини кўрган амир Ақтанинг ҳам тили айланмай қолган, ўтирган жойида минглаб чақирим масофада туриб сўғишу савашсиз, жангу жадалсиз кимсан Мисру Шом султонини тиз чўктирган хоқон Темур остонасига етганда ҳар икки элчининг ҳам оёқ-қўли титраб, жони ҳалқумига келган эди.

– Салтанат бошкенти Самарқанд ва ҳудудларимиздаги қасру саройларимизда бу каби қабул маросимлари ғоят ихтишом ила тантанали равишда ташкил этилади. Бутун шаҳар ва унинг теварак-атрофи байрамга айланади. Сафар ва юришлар пайтида эса нисбатан камтарона ўтказамиз, – изоҳ, бериб борар эди яктагининг барини белига қистириб олган оққуводан келган, калтабақай, чорпахил юзи, сийрак соқолли Шоқул шиқовул.

– Сиҳат-саломатлигингиз ерида мошоллоҳ, Шоқулбек. Бола-бақра, қозон-товоқ, сигир-бузоқ, эчки-улоқ ҳам эсономондир, – Шиқовулбегидан ҳол-аҳвол сўраган бўлди амир.

– Оллоҳга шукур, амир жаноблари. Улуғ хоқон сояи давлатларида еб-ичиб, камини тўлдириб, тўйган қўзидек бўлиб юрибмиз, – жавоб қилди шиқовул пилдираганча йўлида давом этаркан. – Инсони соз, жаҳонда оз, муҳтарам амирим. Кўзингиз ойдин. Олти йиллик ҳижратдан дўнганингиз муборак бўлсин! Сиз-да бу ёруғ оламда танҳо ва бетакрор бир шахсиятсиз, – муомала ва кўнгил олмоқни жойига қўярди у.

– Хизматингизга мушарраф ўлмакдин мамнунман.

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! – деди амир кулиб.

Мисрга кетар чоғида ҳам шиқовул унга айнан шундай де-ганди. Дўнарканда яна ўша гапларини сўзма-сўз такрорларди.

Шоқул шиқовул хоқон саройидаги энг тажрибали, тиш қоққан эски хос мулозимлардан эди. Дуч келганни оғзига ип ўлчаб, Амударёга элтса-да сувсиз қайтариб ке-ладиган қисир ғунажиндек озғин, бурни сўррайган Ботир мунажжимни-да Кўксаройу Оқсаройдан думини тугдир-ган ҳам худди шу, Шоқул шиқовул эди. Ўзи шиқовулбоши, яъни хоқон ҳузурига арз ила келувчилар ва элчиларни кўринишга олиб кирувчи мансабдор бўлса-да, сўзи салтанат амири каби ҳар ерда кесар, тикилган одамини соғ қўймас эди. Тўпланти ва йиғилишларда бирор кишининг арзини ҳал ёки рад этиш керак бўлганида улуғ хоқон ҳузурида ҳам далилу исботлар-ла сабабу баҳона, важ-корсонларни шун-дай қалаштириб ташлар эдики, кимса оғиз очиб, унга эъти-роз билдиролмас, топқирлигу нотиқлигига тан бериб анграйиб ўтиришарди.

Шундай машваратлардан бирида шоир ал-Қуҳулийнинг акаси, сигир, от ва туя ахлатидан ўткир ички ясаб сотаётган Менглибек Абу Анғитни юртдан бадарға этмоқ масаласи муҳокама этилди.

– Уни юртнинг бир чеккасига сургун этмоқ керак, – деди амирлардан бири.

– Йўқ, юрт ташқарисига ҳайдаб юбориш керак, – фикр билдирди иккинчи амир.

– У озми-кўпми давлатимиз, сарой сир-асрорларини би-лади. Уни хорижий бир ўлкага чиқариб юбориб бўлмайди. Бизни сотади, – деди яна бир бек.

Улуғ хоқон “сен нима дейсан?” дегандек Шоқул шиқо-вулга қаради.

– Муҳтарам бекларимиз беҳудага баҳслашмоқдалар. Ўз юртида кимсага керак бўлмаган киши, ўзга юртда ҳам ҳеч кимнинг газагига дори эрмас. Инсон боласи ватанидан



иқлими, у келгинди, ватангадога айланади. Ҳатто у шоҳу шаҳзода бўлса ҳам. Менинг фақир фикримни сўрасангиз, султони акрам ҳазратлари, уни шарқий ҳудудимиздаги ўз уруғи ёнига жўнатиш керак, – дея жавоб қилди шиқовул икки қўлини дўппайган қорни устига қўйиб. – Ундан ташқари, сотилиши мумкин бўлган нарса у сирми ёки ашё-ми, эртами кеч барибир сотилади.

Улуғ хоқон яна ўтирганларга қаради. Кимсадан садо чиқмади.

– Эҳ Шоқул шиқовул, бас келолмас сенга минг бир амиру ясовул, – деди хоқон майин табассум-ла унга завқ билан ти-килиб қарар экан. – Бир қарич бўйинг бор, минг бир турли қўйинг борда.

Сўнгра хоқон ҳудудлардан зиёратига келган олимлар ва номдор кишиларни қабул қилди. Улардан ўзлари яшаётган вилоят, шаҳар, кўй ва қасабалардаги вазиятни, ҳукмдору бою-боён аҳлининг ўзини тутиши, деҳқону косиб, фақиру фуқаронинг ҳол-аҳволини сўради.

– Оллоҳ сизни шул даражада юксак зако ва соҳиби ка-ромат эгаси этиб яратдики, бепоён салтанатимизнинг олис бурчакларидаги воқеа ва ҳодисалардан онида хабардор бўласиз. Яратганга минг қатла шукрким, мамлакатнинг барча ҳудудларида тинчлик-осойишталик, фаровонлигу тўкинчилик, – деди форс ҳудудидан келган олим Зиёдий.

– Сиз нетики сўйласангиз, ҳақ ва тўғри сўйлагайсиз. Ҳеч бир гапингизда қусур ва нуқсон йўқдур, хоқоним. Оллоҳ сиз-ни бошимиздан эксик этмасун, – деди аччиқ ичакдек узун ва озғин, сўррайган, қори Аъзам Алимзода икки букилиб.

– Биз ким бўлмайлик Амир соҳибкирону Абулмансур, Гурагону Қутбиддин унвонлари ила шарафланган етти иқлим хоқони, султони акрам ҳазрати олийлари барча ҳу-сусда бизга устози аъзам, йўл кўрсатгувчи куёшдир. Оллоҳ омонатини олажак сўнг дақиқага қадар барчамиз сиз жаҳон султонидан қарздормиз! – деди ҳаяжондан энтикиб хуросон волийси Амириддин Сабзаворий.

– Хоқони акрам зоти олийларининг кароматларини ўз кўзларим ила кўриб шоҳид бўлганман, – волийнинг оғзидан гапини олиб кетди Қулбек қиссахон. – Султони аъзам ҳазратлари юртимизга ташриф буюрганларида қирқ кундан бери бир томчи шудринг ташламаган осмондан Оллоҳнинг раҳмати каби шундай ёмғир ёғдики, бутун дашту яйловларимиз ғарқу шарқ бўлди. Ана яратганнинг иноят шафоати, ана севган қулининг шафоату шарофати...

Дашти Қипчоқлик Қулбек қиссахон сўзини тугата олмади. Энсаси қотиб асабийлашган хоқон унга ва волий Сабзаворийга қараганча ўнг қўлини кўтарди. Қиссахоннинг гапи оғзида қолди.

– Етар бул қадар мадҳи сано! Ҳамду сано фақат ўзигаоиддир ва фақат угина мақтовларга муносибдир. Тепангизда эгаси турган ҳолда бул каби тилингизга эрк бермоққа нечун журъат этажаксиз? У ҳаммасини кўриб, билиб турибдику? Мендан эрмас, ундан қўрқинг! Худодан қўрқмагандан қўрқ дейдилар! Сен, Сабзаворий, – волийга нигоҳини қадади хоқон, – мени жаҳон султони демоққа нечун тилинг борди? Жаҳон мулкининг султони Ҳақ таоло эканлигини жоҳилу омий барча бирдек билади-ку! Меъёридан ошган олқишу мақтов бориб турган ҳақорат, золим берган мукофот каби итга суяк ташламоқ эканлигига, наҳотки, ақлинг етмаса? Бу сўзинг ила Оллоҳга қарши бораётганингни ҳам англаётгандирсан?! Ақлингни, эс-ҳушингни бошингга йиғ! Тилим суяксиз дея оғзингга келган гапни гапирма! – асабийлашди хоқон. – Мутлоқ ҳақлик ва мукаммаллик фақат Ўзига тегишлидур!

Қаҳри келган хоқон беихтиёр ўнг оёғини остидаги курсини тепиб юборди. Хос мулозим курсини келтириб жойига қўйди.

– Нечун менинг ҳар бир гапимни чуқур мушоҳада этмай, ҳеч бир эътирозсиз маъқуллайсиз? Баҳсу мунозара этмайсиз? Наҳотки, барча сўзларим юзда-юз ҳақ, бўғзимдан



чиққан калом найза каби тўғри бўлса? Бул мумкин эрмасдир. Наҳотки, фикримга қўшимча қилажак бир жумлангиз йўқдур? Мен ҳам инсонман. Мен ҳам боши юмалоқ, бути айри гуноҳкор бандалар каби хато қилмоқ ва янглиш сўйламакдин иҳота этилмаганмен. Буни сиз каби олиму, эл олдида юрган кишилар сўйламаса ким сўйлаяжак? Ҳар бирингизда муҳокама этганимиз масала ва элу юрт аҳволи хусусида шахсий фикрингиз ўлмоғи лозим эрмасми? Ҳамма нарсани, ҳаммадан яхши, фақат ўзим биламан деган ўрдан чиқолмас ва ўрга босмас. Керилган кўчага сиғмас деганларидек тахта тобутдан фарқли ўлароқ оғоч тахтда ўтирмоқ барчадин ақлли ва устунман дегани эрмасдур. Ўзидан сўнгра юртни сўрамоққа қодир кишиларни етиштирмаган ҳукмдор ва салтанатларнинг умри узоқ бўлмагай, юрт ва улус ташвиши мен-ла баробар сизларнинг ҳам бўйингизнинг бурчидир. Масъулиятни баробар пойлашмоғимиз, аравани бирга тортмоғимиз керак. Олиму уламо, волийу даруға, ёрғучу қози, ким бўлмасин, кишида ўзал фикр, дунёга боқиш, ҳақу ноҳақми, бир мақсад-муддао бўлмаса, улус ҳар жабҳада илгариламайди. Ахир сиз шуурсиз, жоҳил кишилар эрмассиз-ку?

Мулзам тортган машварат аҳли ерга боққанча қора терга тушганди.

– Сиз мендан ҳайиқибми, бирор нохуш хабар ва муаммони айтсак хафа бўлади дея ўйлабми, асл вазиятни сўйламак бобида сукут сақламоқни афзал кўрмоқдасиз. Модомики, шундай экан, ораларингиздан нуфузли кишиларни танлаб, улар ёнига девони аълога мансуб вакилни қўшган ҳолда ўз мамлакатларига йўллаймиз. Улар жойлардаги асл ҳолатни ўрганиб, иқтисодий турумни, раиятга кўрсатилаётган хизмат, фақир-фуқарони дасти узунлардан ҳимоя этмоқ бобида қилинаётган ишларни тафтиш этадилар. Сиздан бирдан-бир рижойим шулки, оқни оқ, қорани қора денг. Ясо ва йўсунимизга кўра иш юритмай, ўзидан кетганча улусни оёқ учида кўрсатиб

унга жабр-зулм ўтказганлиги боис кечмишда боши дор огоч ёхуд жаллод кундасига етганларнинг қадари қисмати кўнин ёғ босган бугунги юрт сўрамоқ даъвосида бўлган барча ки шиларга сабоқ ўлмоғи лозимдир.

...Амиру султон, малигу қирол бўлмасин, хоқон ҳузурига бироз ўзига келиб, у ёқ-бу ёғини йиғиштирмай киролми баъзилари саропарда саҳнида тутқаноқ тутгандек шайтон лаб қоларди. Миср элчилари ҳам емаган сомсасига пул тўлаб, султони еган номаъқулнинг нони учун қўрқувдан шу кўйга тушган эдилар.

Ниҳоят, кўз косаси ичига ботиб кетган элчилар Шоқул шиқовул етакчилигида саропардага кириб, улуғ хоқон қаршисида тиз чўкдилар. Саропарда соҳиби бош иргаганча сўл тарафдаги курсиларга ўтирмоққа ижозат этди.

Икки элчи ҳам гунгу карга айланган, Амир Соҳибқирон ҳайбати ва саропардадаги шоҳона муҳитдан тиллари сўзга келмас эди. Буни пайқаган хоқон сокин оҳангда меҳмонларга мурожаат этди.

– Малик авлодимизнинг аҳволлари нечук? Ҳузуримизга қийналмай етиб келдингизми? – дея сўради хоқон узоқ кутилган Миср элчиларига диққат-ла боқаркан.

– Сиз улуғ хоқон ҳазрати олийларига малик ҳазратларининг чексиз салом ва дуоларини келтирдик, – дея тутилганча тилга кирди амир Аҳмад ўрнидан туриб, икки қўлини кўксига қўйганча, эгилиб таъзим қилар экан. Ул кишим ўзларини Амир Соҳибқирон ҳазратларининг бир қули деб биладилар. Пушти паноҳларини сиз султонлар сарварининг давлати остонасида эканлигини самимий ва садоқат ила қайд этадилар. Агар хисравона илтифот ва марҳаматлар-ла ўзларини чокарликка қабул айласалар, бундан сўнгра илгаригига хилофан хизматкорлик мақомини зиммаларига олганларини сидқидил изҳор этиб, Миср мамлакатининг сикка-тангаси ва хутбани Ҳумоюн ном ва лақаб билан орастга айлаб, хирож ҳамда муқаррар молни йилма-йил Турон салтанати хазинасига



пешма-пеш етказиб турмоқни гарданларига олганларини ҳам сиз зоти олийларининг муборак эътиборларига етказишимизни рижо этдилар. Малик жанобларининг хоҳиш-истакларини хоқон арзи-ҳукмларига етказгувчи Оллоҳнинг гуноҳкор қули қоҳиралик амир Аҳмаддурмен ва ушбу сўзларимнинг исботи султон Носир Фараж ҳазрати олийларининг ушбу мактубларида ўз аксини топгандир!

Элчи сўзини мухтасар қилиб, ўроғлиқ ва зарҳал ип билан боғланган мактубни қўйнидан чиқарди. Амир Шайх Нуриддин келиб, элчи қўлидаги мактубни олди.

– Рухсат этсангиз, султон ҳазратларининг ҳадя ва тортиқларини тақдим этсак, – деди амир Аҳмад тик турган ҳолда.

– Совғаларни суҳбатимиз сўнгида тақдим этажаксиз. Лутфан ўтирсангиз ва хоқону амир каби эмас, инсон каби кўнишиб, суҳбатлашсак, – деди улуғ Амир самимий оҳангда.

Шошиб қолган амир Аҳмад жойига оғир чўкди, қўлрўмолчаси билан юз ва пешона терини артганча хоқоннинг оғзига қараб турарди. Улуғ амир ишорати билан лаганларда турли мева шарбати келтирилиб, ўтирганлар қаршисидаги хонтахталарга қўйилди. Шафтоли шарбатидан бир неча култум ичган хоқон элчилар ва ўтирганларга нигоҳ ташлаб, мусофирларга мурожаат этди.

– Араб авлодларимизнинг ҳар замон ва ҳар маконда, ҳар бир саройу қасримиз, хайбаю чодиримизнинг тўрида алоҳида ерлари бордир – дея сўз бошлади улуғ хоқон. – Зотан, барча ислом ўлкалари каби бизда ҳам ҳазрати пайғамбаримиз аҳли байти ва араб қавмига алоҳида меҳру муҳаббат, эътиқоду садоқат мавжудлигини сиз азиз биродарларимизга таъкид этмоқдан ғурур ва шараф туяжакмиз. Биз султонингиз Барқуқ ўғли ила ҳам ана шу илиқ муносабат ва эътиқод оҳангида суҳбатлашмоқ, яқинлашмоқ ҳамда қардошлашмоқ ниятида эрдик. Орамизда алоқалар юзага келиб, илму фан, дину диёнат, тижорату сиёсат бобида яқинлашмоқ аҳди ниятида эдик.

унга жабр-зулм ўтказганлиги боис кечмишда боши дор огочи ёхуд жаллод кундасига етганларнинг қадари қисмати кўзини ёғ босган бугунги юрт сўрамоқ даъвосида бўлган барча кишиларга сабоқ ўлмоғи лозимдир.

...Амиру султон, малигу қирол бўлмасин, хоқон ҳузурига бироз ўзига келиб, у ёқ-бу ёғини йиғиштирмай киролмас, баъзилари саропарда саҳнида тутқаноқ тутгандек шайтонлаб қоларди. Миср элчилари ҳам емаган сомсасига пул тўлаб, султони еган номаъқулнинг нони учун қўрқувдан шу кўйга тушган эдилар.

Ниҳоят, кўз косаси ичига ботиб кетган элчилар Шоқул шиқовул етакчилигида саропардага кириб, улуғ хоқон қаршисида тиз чўкдилар. Саропарда соҳиби бош ирғаганча сўл тарафдаги курсиларга ўтирмоққа ижозат этди.

Икки элчи ҳам гунгу карга айланган, Амир Соҳибқирон ҳайбати ва саропардадаги шоҳона муҳитдан тиллари сўзга келмас эди. Буни пайқаган хоқон сокин оҳангда меҳмонларга мурожаат этди.

– Малик авлодимизнинг аҳволлари нечук? Ҳузуримизга қийналмай етиб келдингизми? – дея сўради хоқон узоқ кутилган Миср элчиларига диққат-ла боқаркан.

– Сиз улуғ хоқон ҳазрати олийларига малик ҳазратларининг чексиз салом ва дуоларини келтирдик, – дея тутилганча тилга кирди амир Аҳмад ўрнидан туриб, икки қўлини кўксига қўйганча, эгилиб таъзим қилар экан. Ул кишим ўзларини Амир Соҳибқирон ҳазратларининг бир қули деб биладилар. Пушти паноҳларини сиз султонлар сарварининг давлати остонасида эканлигини самимий ва садоқат ила қайд этадилар. Агар хисравона илтифот ва марҳаматлар-ла ўзларини чокарликка қабул айласалар, бундан сўнгра илгаригига хилофан хизматкорлик мақомини зиммаларига олганларини сидқидил изҳор этиб, Миср мамлакатининг сикка-тангаси ва хутбани Ҳумоюн ном ва лақаб билан орастга айлаб, хирож ҳамда муқаррар молни йилма-йил Турон салтанати хазинасига



пешма-пеш етказиб турмоқни гарданларига олганларини ҳам сиз зоти олийларининг муборак эътиборларига етказишимизни рижо этдилар. Малик жанобларининг хоҳиш-истакларини хоқон арзи-ҳукмларига етказгувчи Оллоҳнинг гуноҳкор қули қоҳиралик амир Аҳмаддурмен ва ушбу сўзларимнинг исботи султон Носир Фараж ҳазрати олийларининг ушбу мактубларида ўз аксини топгандир!

Элчи сўзини мухтасар қилиб, ўроғлиқ ва зарҳал ип билан боғланган мактубни қўйнидан чиқарди. Амир Шайх Нуриддин келиб, элчи қўлидаги мактубни олди.

– Рухсат этсангиз, султон ҳазратларининг ҳадя ва тортиқларини тақдим этсак, – деди амир Аҳмад тик турган ҳолда.

– Совғаларни суҳбатимиз сўнгида тақдим этажаксиз. Лутфан ўтирсангиз ва хоқону амир каби эмас, инсон каби қўнишиб, суҳбатлашсак, – деди улуғ Амир самимий оҳангда.

Шошиб қолган амир Аҳмад жойига оғир чўкди, қўлрўмолчаси билан юз ва пешона терини артганча хоқоннинг оғзига қараб турарди. Улуғ амир ишорати билан лаганларда турли мева шарбати келтирилиб, ўтирганлар қаршисидаги хонтахталарга қўйилди. Шафтоли шарбатидан бир неча қултум ичган хоқон элчилар ва ўтирганларга нигоҳ ташлаб, мусофирларга мурожаат этди.

– Араб авлодларимизнинг ҳар замон ва ҳар маконда, ҳар бир саройу қасримиз, хайбаю чодиримизнинг тўрида алоҳида ерлари бордир – дея сўз бошлади улуғ хоқон. – Зотан, барча ислом ўлкалари каби бизда ҳам ҳазрати пайғамбаримиз аҳли байти ва араб қавмига алоҳида меҳру муҳаббат, эътиқоду садоқат мавжудлигини сиз азиз биродарларимизга таъкид этмоқдан ғурур ва шараф туяжакмиз. Биз султонингиз Барқуқ ўғли ила ҳам ана шу илиқ муносабат ва эътиқод оҳангида суҳбатлашмоқ, яқинлашмоқ ҳамда қардошлашмоқ ниятида эрдик. Орамизда алоқалар юзага келиб, илму фан, дину диёнат, тижорату сиёсат бобида яқинлашмоқ аҳди ниятида эдик.

Бироқ дастлаб отаси Малик Барқуқ, сўнгра ўғли Фараж ва-
вал-бошдан бизни янглиш англадилар. Яғий ва рақиб ўрнида
кўрдилар. Ваҳоланки, биз буни ўз мактубларимизда бот-бот
қайд этиб, дўстлик, биродарлик ва қардошлик мақомида
эканлигимизни такрорлаб келдик. Не қадар холис ният-
ла ҳаракат этмайлик, муҳаттаб тараф бизни англамоқ иста-
мади. Бизга нисбатан қўлидан неки ёмонлик келса, қилди.
Хайриятки яратган эгамиз улар қўлини бизники каби узун
этмаган экан. Акс ҳолда жуда кўп мўмин-мусулмоннинг ку-
нига зомин бўлар эдилар. Шунингдек, номимизга нисбатан
нолойиқ лофларни ҳам туйдикки, бу тилга олинмас калима-
лар, чиққан оғиз ва тилга муносибдир. Ҳар бир сўз, кали-
ма ўз соҳибининг ақли идроки ва фаҳм-фаросатини намо-
ён этади. Зотан, бизда тили узуннинг иши хуржун дейдилар.
Малик авлодимизнинг ҳузуримизга совға-саломлар-ла элчи-
лар юбориб, бизни алдаб, ярим тунда бутун бошли Дамашқ
шаҳри ва ўрдусини ташлаб қочганидаёқ ул кичи ҳақидаги
фикрда бир тўхтамга келган эдик. Биз йигирма йилдирки,
мана шу ҳудудларда от ўйнатиб, адолат ўрнатиб юрибмиз.
Агарким, Миср халқига ва унинг ҳукмдорларига юрагимиз-
да заррача хусумату адоват бўлганида эди, шу муддат да-
вомида Қоҳира томон камида ўн бора от қўяр эдик. Биз
бундай қилмадик. Қилмаяжакмиз. Индамагин калга, ўзи
келар ҳолга дейдилар бизнинг тарафларда. Дунёнинг энг
нодон, кофир ва ғайридин ҳукмдори ҳам ўзга бир мамла-
кат элчисини олти йил асирликда асрамайди. Наҳотки, ул
калтаўйи кишининг бундан бошқа қилажак иши бўлмаса?
Оллоҳга минг бора шукрлар қилурмизки, Аталмишбек соғ-
салим, эсон-омон қайтдилар. Акс ҳолда бунинг бадали Ма-
ликнинг боши билан ўлчанар эди. Миср халқининг эмас.
Улусда гуноҳ йўқ. Қабоҳат унинг бошини қотириб, тожу
тахти манфаатини миллат нафидан устун қўйган калтабин
ҳукмдордадир. Маҳкама қозининг мулки эрмас, деганлари-
дек, давлату ҳукумат, элу юрт менинг ҳам, Маликнинг ҳам
мулки эмасдир. Бунинг ҳаммаси биз-ла баробар, тепамизда



турган Оллоҳнинг, жаҳон мулкининг султонbackslashникидир!

Хоқон сўздан тўхтаб, амир Аталмишга қаради. Элчи қўл
ковуштирганча ўрнидан турди.

– Мусофирлар ҳузурида кўп гапирмадимми, Аталмиш? –
сўради хоқон майин табассумда.

– Сиз беҳуда сўзни сўзламассиз, султони аъзам ҳазрати
олийлари, – дея жавоб қилди бу кутилмаган саволдан шо-
шиб қолган амир.

– Зотан, сен олти йил уларнинг сўзини тингладинг.
Қўноқларимиз олти дақиқа сўзимизни эшитсалар малол
келмас, – деди хоқон меҳмонларга боқиб.

Сўнгра бир муддат тин олди. Хотирасига Боботуркнинг
араблар эл бўлмоқ туйғумизни парчаладилар, мўғуллар эса
қонимизни қориштирдилар деган гапи келди.

– Бизда умид беклангандан гина-кудурат қилинади дей-
дилар, муҳтарам мусофирлар. Сизларни жон-жигар би-
либ, ўзимизга яқин олиб, юрагимизда тўпланиб қолган
сўзларимизни айтдик. Қусурга боқманг. Қардошлар бир-
биларидан ўпка-гина қиладилар. Бунинг айби йўқдир. Малик
ўғлимизга айтажак сўзимиз шудир. Авлодимиз ёшлик чоғида
отаси марҳаматининг соясидан маҳрум бўлиб қолганлиги
боис, Оллоҳ таоло ризолиги йўлида мен уни фарзандлик-
ка қабул қилдим. Агар у яхши хизмат йўлида аҳдида собит
турса, бедариғ марҳаматимизни ундан аямасдан ҳар қандай
рижосининг бажарилишига ёрдам қиламан. Мамлакат иш-
ларини бошқаришда унинг қўлига қувват бераман. Токи у
ўз юртида тинч ва осуда бўлиб, икки шарафли ҳарам, Мак-
ка ва Мадина маросимларини бажара олгай ҳамда ул ша-
рофатли мақомлар равнақи ва мусулмонлар амну омонли-
гининг савоби бизнинг давлатимизга ҳам теккай! Шуни
султон авлодимизга алоҳида сўйлаб, таъкид этингким, биз
бул муқаддас юртларга уни фатҳ этмоқ ўз манфаатларимиз
йўлида фойдаланмоқ мақсадида келмадик! Дину диёнатимиз,
иймону эътиқодимиз туғилган ва оламга ёйилган ўлкаларни

дунё кўз ўнгида тартибга келтирмоқ, ўзга дину эътиқодлари қаршисида ва нигоҳида муносиб ерига ўтиртирмоқ учун келдик! Шу пайтгача эшитганимиз, динимиз ила боғлиқ ҳақу ноҳақ гап-сўзларнинг, нақлу ривоятларнинг илдизини ўрганмоқ учун ташриф буюрдик. Бул дунёда ҳеч бир кимса хато қилмасликдан, янглиш қарор ола билмасликдан юзда юз муҳофаза этилмаган. Зотан, пайғамбаримиз ҳазратлари ҳам менда сиз каби бир инсонман, инсон ўлароқ менинг ҳам нуқсонларим бўлиши мумкин дея, бизга, ўз-ўзимизга танқидий кўз билан қарамоқни, адолатсиз ишларимизга очиқ кўз билан боқмоқни тавсия этадилар. Бу сўзлар Чингизхондек бир ғайридинни ислом ўлкаларига босиб кирмоққа даъват этган халифа Носирдан тортиб, от устида қуёш каби порлаб турган тенгсиз турк-ислом давлатини ўзининг инсоний ожизлиги, такаббур ва манманлигининг қурбони этган султон Йилдирим Боязидга ҳам тегишлидир. Кечмиш ёхуд бугунги кун тарихий шахсларининг нуқсон ва камчиликлари, хато ва гуноҳлари, ниҳоят, сўнгида жиноятлари уларни қораламоқ ва ерга урмоқ мақсадида эрмас, бу хатолардан қолганлар ва унинг ўрнига кечган кўзи юмуқлар дарсу сабоқ олмоқлари учун айтилади. Бу сўзлар ҳукмдор ўлароқ менга, амиру элчи ўлароқ сизга ҳам тегишлидир. Кичик инсонларнинг хатолари кичик бўлади ва эл-юртга катта зарар етказмайди. Буюк ҳукмдор ва шахсиятларнинг гуноҳи жиноятлари эса элга буюк фожиалар келтиради. Одилу ҳушёр, оқилу доно ҳукмдор эл-юртини ана шундай балолардан асрайдилар. Султон Боязид каби ўзини ўту чўққа урмайди. Ёхуд сизнинг Маликингиз каби ўз эл-улусининг кўнглида қўрқув ва таҳлика туғдириб, биз ёки бошқа бир ҳукмдордан душман ясаб, тахтда узоқ турмоқ учун миллатини қўрқув ва аросатда ушламоқ йўлидан бормайди. Бу – ожиз, қўрқоқ, эрта кунда улус нафрату лаънат-ла эслайдиган тасодифий ҳукмдорларнинг эскидан қолган иш усулидир. Улар дастлаб ташқи душманларни пеш қилиб, ўз салтанатидаги рақиб деб



билганларни йўлдан олиб ташлайдилар. Сўнгра дўст ҳам, душман ҳам бўлмаган бетарафларнинг жойини соладилар. Ва ниҳоят, навбат унга итдек елиб-югуриб, хизмат қилган қобилу ноқобил ижрочиларга келади. Шу нобакорлар яхши хизмат қилмагани, берган тузимни оқламагани учун ишим юрмади, халқ мендан рози бўлмади дея ўйлайди. Ҳар қандай шароитда унга гуноҳу жиноятларини ағдарадиган, ношуд ҳукмдорнинг қилмишларига қурбонликка ҳозир бўлган қўй каби қулу авом керак. Улар эси-хуши бутун, кўзи очиқ ойдинлардан азроилдан қўрққандай чўчийдилар.

Фикҳ ва фалсафани яхши англайдиган амир Аҳмад хоқоннинг сўзларини тинглаганча қотиб қолган эди. У Темурни бу даражада кенг ва чуқур мушоҳадали, дину дунёвий илмларни бу қадар теран ҳис эта биладиган киши эканлигини ўйлаб ҳам кўрмаганди. У бежизга етти иқлимни эгаллаган, у ҳақда бекорга бу қадар кўп гапирилмас экан, хаёлидан кечди мисрлик амирнинг. У оламни аввал закоси, сўнгра силоҳи ила фатҳ этибди. Биз унинг кимлигини билмай, мевали оғочга тош отган бола турумига тушиб, ўз қобиғимизга ўралиб, дунёбехабар яшаган эканмиз. Оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўғли гапирсин нақлига амал қилиб, тузук-қуруқ илм олиб, тарбия кўрмаган бир кишининг қош-қабоғига қараб ўтираверган эканмиз.

Хоқоннинг ўзларига бу қадар ҳурмат-эътибор кўрсатишига ҳалиям ишонмай ўтирган амир Ақта қўрқа-писа эртаклардаги каби товланаётган саропарда ичини кузатар, чодир ичкарисидаги турли фаслларга мос заррин ва қизил парчаларга, саропарда этагидан тўригача солинган кашмирий шоллар, ёниб турган эроний гиламларга боқар, саропарданинг ичига қопланган бағдодий адрас, ҳинд ва чин шойиларидан кўзи қамашган эди. Мислсиз гўзал манзара, мушки анбар ва бошқа турли хил хушбўй ҳидлар оғушида киши ўзини рўё каби афсонавий бир оламда ҳис этар эди. Мева шарбати олиб келинаётган идишлар биллурдан, токчалар-

га териб қўйилган емак тақимлари эса соф олтиндан эди. Худо берамаи деса бераверар экан-да, ақлидан кечди амир Ақтанинг. Дунёнинг энг қадим, зангин ва қудратли мамлакати бизмиз дея ўзимизни овутиб, кўлтиғимизни совутиб юрган эканмиз. Булар ҳар жабҳада биздан ўтиб, илгарилаб кетган эканлар. Бежизга бу қавмлардан араб алифбосини ислоҳ қилиб тартибга солган Замахшарийлар, Фаробию Фарғоний, Имом Бухорийу, Ибн Синолар чиқмаган экан.

Улуғ Амир ишораси билан карвонбоши Бакир Бардор мусофиру мезбонлар ярим доира шаклида ўтирган жой ўртасига ҳадяларни келтириб тахлай бошлади. Миср султонининг ҳадялари ҳақиқатан ҳам кўзни тўйдириб, кўнглини тўлдирадиган даражада эди.

– Асл арабий отлар ва асл нор туялар уюрлари, қоплон ва овчи қушларимиз ташқаридадир. Масъул мулозимларингизга таслим этажакмиз, – дея икки букилиб таъзим қилди карвонбоши Бакир Бардор ҳаракатланмоғига халақит бераётган яктаги этагини чап қўлида тутиб.

Улуғ хоқон бош ирғаб, ташаккурини билдирди.

– Султон элчиларига зарбоф тўнлар келтирилиб, олтин камарлар тақдим этилсун! Малик Фараж авлодимизга эрса тож, мурассаъ камар, хосса тўн ҳамда олтин ашёлар ҳадя этурмиз, – деди хоқон тақдимот маросимини якунлаб.

Тож ҳадя этмоқнинг бир рамзи бор эдиким, сен мен таъйин этган ҳукмдордирсан, бошингга тож кийдириб, тахтингда қолдирмоқдамен, бундан сўнгра қадамингни шунга кўра босажаксан, деган маънони англатар эди.

– Биз тарафларда шундай бир эл туркиси бор. Суйгин сени суйганни, ер билан яксон бўлсанг ҳам, суйма сени суймаганни Мисрга султон бўлса ҳам, дейдилар, инсон меҳрмуҳаббати, оқибату садоқати ҳақида сўз кетганда. Биз султон ўғлимиз-ла меҳр ила битира олмаган ишимизни сўнгида қаҳр билан ҳал этдик. Бу тадбир ул кишининг тўғри йўлни кўра олмай оёқ олишларидан юзага келди. Ўйлайманки,



бўлиб ўтган гап-сўзлар, қаттиқ-қуруқ гаплар бундан буёнги самимий муносабатларимизга монелик қилмайди. Мен сўз, жиддият ва қатъият кишисиман. Ким бўлмасин, бировга сўз бердимми, зиёну заҳмат чексам-да, уни ерига келтираман. Муҳаттабим бўлган кишидан-да шуни талаб этаман. Бизга келиб қўшилганлар юксаладилар. Қарши курашмоқчи бўлганлар йиқиладилар. Биз ҳеч бир халқ, дин ва тариқат кишиларига нафрат ва душман нигоҳи ила боқмаймиз. Биз ўз эл-улусимизни ҳеч бир қавму қабиладан устун ва ақлли санамаймиз. Шаҳару мадиналарда[1] яшаган халқлар тараққиётда илгарилаганлар. Дашту саҳроларда тирикчилик қилган кўчманчи қавмлар эса ривожланмоқдан ортда қолганлар. Тангри Таоло барча халқларни бирдек яратган. Бирини олдин, бирини кейин эмас. Улусларнинг қадим ёки ноқадимийи, асл ёхуд ноасили йўқдур. Бизнинг Турон тарафларда тулки қуйруғини, аҳмоқ уруғини, лўли эшагини, гадой тўрвасини мақтар деган ота сўзлари бордир. Шундай экан, эгаси олдида барча элу элатлар тенг ва баробардир. Оллоҳ одамлар каби ҳар бир миллатнинг феъл-атвори, оқилу жоҳиллигига қараб ризқу насиба, қисмату қадар ато этади. Ўзга улусларни ёмон кўрган, уларга паст назар билан қараганлар ўз эл-улусини ҳам сева олмасликларини яхши биламиз. Халқлар, салтанатлар ва инсонлар юксакликка фақат адолат, тўғрилик ва яратганнинг яратганларини севмоқ йўли ила кўтарилажагини ҳар дамда ҳис этиб яшаймиз. Оллоҳ барчамизнинг ёр ва ёрдамчимиз бўлсин! Яратган ақл-идрокимизга куч ва ёрқинлик ато этсин. Ақлимиз қудратини битириб, тана кучини қўлламайлик. Тангри кимсани ўзининг илоҳий раҳмат чашмасидан бенасиб этмасин!

Элчилар ҳурмат-эҳтиром билан хоқон ёнига келиб, юкундилар. Улуғ Амир яна бир бор уларга илтифот кўрсатиб, хоҳиш-истакларини сўради.

---

[1] Кишилар тўп бўлиб, ўтроқ тарзда яшайдиган манзиллар араб тилида мадина деб аталган ва шаҳар маъносини англатган, маданият сўзи ҳам шундан келиб чиққан.

– Қўноқ келса қут келар дейдилар бизда. Энди қутли му-софирлар шарафига қутли бир суфра тартиб этилсин! – Амр берди хоқон мулозимларига.

Шом намози яқинлашганидан барча бирдек таҳоратхона ва кўчма масжид томон йўналди.

Узоқ ибодат этган хоқон сўнг ниятини қилиб, кечган хафта Оқсаройда бўлганида турбасини зиёрат қилган Жамолиддин Оқсаройий ҳазратларининг руҳи покини ёд этиб, дуойи фотиҳа қилди. Дину диёнатимизни ана шундай авлиёсифат кишилар сақлаб қолиб, камолга етказадилар дея, унинг "қалб нурининг сўнмоғи йўқликдандир" деган ибратомуз сўзини хотирлади.

Девон аҳли елиб-югуриб мисрлик меҳмонлар шарафига бериладиган оқшом емаги ва зиёфатига ҳозирлик кўришарди.

Саропарда саҳнида суҳбатлашиб турган Шайх Нуриддин, Амир Боботурк ва Қўноқхон Қоратуркга кўзи тушган улуғ хоқон бекларининг не мақсадда тўпланиб туришганини фаҳмлади. Бир неча кундирки, улар қорататар қавми масаласини муҳокама этишарди. Икки амир уларни бу ерда қолдириш хавфли, усмонли қўшини сафида урушиб, биздан енгилган эл ва элатлар уларга кун бермаслиги мумкин. Шу боис, улар ҳимоясига қўшин қолдириб, ҳимоя этайлик. Шу ерда яшайверсинлар деса, амир Боботурк ота юртларига олиб кетиш керак дерди.

Хоқон масалани кенг мушоҳада этгач, уларнинг Фозилбей бошлиқ оқсоқоллари билан маслаҳатлашиб, сўнгра бир қарорга келмоқ кераклигини таъкидлаб, муҳлат берган эди.

– Сизлар бироз истироҳат этинг. Сўнгра баробар емак ейлик. Қорататар қардошларимиз масаласига эртага сабоҳ емагидан сўнгра қайтсак, – деди улуғ хоқон амирларининг олдига келиб. – Машваратимизга тарихчи, қиссахон ва китобдоримиз ҳам қатнашсалар яхши бўлар эди, – деди Боботуркга қараб.

Беклар таъзим-ла бош эгишиб, тарқалдилар.

Нонуштадан сўнг амир Аталмиш Қоҳирадан олиб келган



китобларни мутолаа қилган хоқон саропарда қопуси ўнгида гурунглашаётган даъватлиларни хузурига чорлашни буюди. Ҳар бир киши мансабу мақомига кўра ўз жойини эгаллади.

– Машваратимиз мавзуси белгилидир, биродарлар. Маъқул кўрсаларингиз тарихчимиз ёхуд китобдоримиз бу қавм хусусида бизга бироз билги бериб, кўзимизни очсалар. Кечмиш тарихни кўз ўнгимизга келтириб, ундан хулоса чиқарган холда келажакка доир қарор берганимиз мақбул кўринадир, – дея китобдор ва тарихчига қаради улуғ Амир.

Китобдор Ориф Бухорий сиз бошланг дегандек, ўнг тарафида ўтирган Тоҳир тарихчига ўгирилди. Тарихчи сўзламоққа оғиз жуфтлаб ўрнидан турди.

– Бул эски турк қавмининг келиб чиқиши Тангритоғ теграсидан бошланиб, ғарбий ва шарқий турк хоқонликлари даврида улар давлат ва салтанатнинг ўзак қисмини ташкил этганлар. Бутун беку қўмондонлар ана шу улусдан бўлган. Хоқонликка араблар барҳам берганидан сўнг буларнинг аксари, беихтиёр, шаҳар ва кентлардан чекиниб, тоғ ва яйловларига қайтадилар. Бу элнинг ҳокимиятни бошқариш тажрибаси қобилиятидан чўчиган араблар ва сомонийлар узоқ муддат уларни пойтахт ва саройларига йўлатмасликка ҳаракат қиладилар. Бу орада мўғул босқини юз бериб, арабу сомоний, қорахитойу хоразмшоҳларнинг давлату салтанатлари барҳам топиб, тарихга айланади. Уларнинг Эрон мулки, ундан сўнг Рум ва Шом сарҳадларига келмоғи Чингизхон ва унинг ўғли Тулихондан сўнг Улуғ юрт саналмиш Монголия, Хитой ва пойтахт Қорақурумда Мангу қоон ибн Тулихон тожу тахт соҳиби бўлгач, Тобчу нўённи сон-саноқсиз қўшин ила Эрон мулки фатҳига йўллайди.[1] Бу

---

[1] Мангу қоон даврида мўғуллар ғарбга юришининг бошқа сабаби ҳам бор. Бу қооннинг хотини христиан бўлган. Киликия Арманистоннинг подшоҳи Гетум I аввал 1243 й. Қорақурумга укаси Сибат Спарапетни юбориб, мусулмон салжуқлар христиан арманиларни қираётганини айтади. Сибатнинг саёҳати натижасиз бўлади. Кейин Гетум I нинг ўзи 1253 йили Мангу қоон хузурига бориб, унинг ўзи ва хотини билан учрашади. Сўнг у 1256 й. Ҳулагу бошлиқ мўғулларни Эрон, Ироқ, Сурияга бошлаб келади.

мавзуларда муҳтарам олимимиз Орифбек Бухорий мендан да чуқурроқ изланишлар олиб борганлар. Ижозатингиз ила бу ҳақда ул кишим сўйласалар, – дея назокат-ла таълим бажо келтирди Тоҳир тарихчи.

Улуғ хоқон маъқул дегандек бош ирғаб, китобдор Ориф Бухорийга юзланди.

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! – дея сўз бошлади китобдор қўлидаги қоғозларни ўнгидаги хонтахта устига қўяркан. – Тарихчи устозимиз қайд этганларидек, Тобчу нуён мўри малах каби лашкари билан ҳад-ҳудудсиз Эрон ва Шом мамлакатини забт этади. Бу юртларни қўлга киритгач, халифа Муътасим Биллоҳ ва Исмоилийларнинг тўдаси хусусида арзу шикоятдан иборат бир мактубни Мангу қоон эътиборига ҳавола этади. Тобчу нуённинг арзига қулоқ солган Мангу қоон укаси Ҳулагухонни Эрон фатҳини ниҳоясига етказмоқ учун ноиб этиб тайинлайди. Ҳар ўн хонадон эркакларидан икки шахсни Ҳулагухон қўшини сафида Эронга бориши ҳақида фармон чиқаради. Тўпланган бу лашкар Чингизхон қўшинининг бешдан бирига тенг эди. Чингизий ҳукмдорлар ўша пайтда ҳам, ҳозир ҳам асосий хазиналарини кимса билмас далаю даштларга кўмиб яшайдилар. Бу хазиналарни элтиб кўмганлар мавжуд махфий ясога кўра йўқ қилинган. Бу манзилни фақат чингиззодалардан бир ёки икки киши билган. Ҳулагухон Эрон сафарига чиқишидан бурун юриш масрафи учун ана шундай хазиналардан бири очилиб, унга берилади. Бу маблағ Чингизхон мамлакатининг икки йиллик божу хирожи миқдорида бўлиб, фақат олтин, дур ва гавҳардан иборат эди.

– Хуфяларимиз Урусхон, Дашти Қипчоқнинг беш жойига, Тўхтамишхон етти ерига шундай бойликларни кўмган дея хабар етказишганди. Демак, бу гаплар тўғри экан-да, – дея амир Шайх Нуриддин билан Боботуркга маъноли қаради улуғ хоқон.

– Бу гаплар икки мисли тўғридир улуғ Амир ҳазрати



олийлари. Дунёнинг учдан бирининг бойлигини элига келтирган, чодирда яшаб, ҳалохона ҳам қурмай, қабри мозори ҳам номаълум сулоланинг бошқа қандай иши бўлиши мумкин? Улар бир жангдан тушган маблағ билан, муҳтарам Бухорий жаноблари сўйлаганларидек, иккинчи бир, Эрон уруғини таъминлаганлар. Ваҳоланки, от топади, эшак ейди, деганларидек, Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ хазинасининг ўзи ҳам икки Эрон ва тўрт Шомни забт этмоққа етар эди, – дея аниқ-тиниқ жавоб берди салтанатнинг улуғ хоқондан кейинги иккинчи шахсияти.

– Шайх Нуриддинбек яхши эслатдилар. Буюк қоонни кўмиб, устида бир ҳафта улоқ чопишгани маълум. Бу сулолада қай бир ҳукмдор энг буюк шуҳрат қозонган? – сўради улуғ Амир Тоҳир тарихчига қараб.

– Бундай шарафга эришган, олиму уламо ва фозилу фузалога ғоят ҳурмат-эҳтиром ила қараган киши Ҳулагухон ибн Тулихон ибн Чингизхондир. Ўша давр муаррихларининг ёзишларига кўра Ҳулагухон бинолару қасрлар каби турли иншоотлар қурилишига ва таъмирига алоҳида қиммат кўрсатган. Илму ҳикмат аҳлининг суҳбатига олий рағбат берган. Ул кишимнинг фармони билан Носириддин Тусий Табризнинг Мароға манзилида расадхона қурган. Бу расадхонада тузилган зиж “Элхоний зижи” ила дунёда машҳурдир. Унинг бошкенти Табризда бўлиб, туркларнинг ит йилига мувофиқ бўлган олти юз олтмиш учинчи ҳижрий йили рабиъ ул-аввал ойининг ўн тўққизинчи, якшанба куни кечаси вафот этган. Ҳулагухонни Табризнинг шимолидаги тоғ устида жойлашган қалъага дафн этадилар.

– Аббосий халифаларнинг энг сўнгиси Ал-Муътасим Биллоҳни ҳам Ҳулагухон маҳв этганми? – яна сўради хоқон.

– Шундай, зоти олийлари. Ҳулагу Дарбанднинг Маймунж қалъасини фатҳ этгач, дор ул-хилофат Бағдод томон юзланди. Унга қарши жангда халифа Ал-Муътасим Биллоҳ тўрт нафар ўғли ила баробар шаҳид тушадилар. Бағдод

қатлиомга дучор бўлади. Манбаларда саккиз юз минг кисоннинг қатл этилганлиги қайд қилинади. Ҳалаб киргинини туйган дамашқликлар сулҳ йўлидан бориб, эл-юртлари ва моли-жонларини сақлаб қоладилар, – жавоб қилди тарихчи.

– Биз тақдирини ҳал қилишимиз керак бўлган турк қавми қорататарлар Тобчу Нўён лашкари биланми ёки Ҳулагухон қўшини сафида бу ҳудудларга келганми? – Муддаога ўтди улуғ хоқон.

– Қорататарларни Мангу қоон Ҳулагухонга қўшиб, Эронга юборган. Ҳулагухон Табризни бошкент эълон этгач, уларни бутун куч-қурони билан Рум ва Шом сарҳадига тарқатиб юборади. Султон Абу Саъидхон вафотидан сўнг, Эрон мулкида Чингизийлардан давлатни қўлида тута билажак қудратли подшоҳ қолмаган. Шунда қоратурклар эллик икки бўлакка бўлиниб, бирликларини йўқотиб, парокандаликка юз тутадилар. Шу пайтда Султон Йилдирим Боязид Сивос ўлкасини эгаллайди ва улар усмонли черикига қўшиладилар. Султон уларга серунум яйловлар ва тоғ этакларини беради. Хирождан озод этади. Шу боис уларнинг моли-ҳоли жуда тез орада кўпайиб, бу ҳудудлардаги энг зангин қавмга айланадилар. Бой-бадавлатликлари боис, душман ва рақиблари тўрт нафар бўлса, усмонли қўшинини тарк этиб, биз томонга ўтганликларидан кейин ўн тўртга кўпайди, – дея сўзини мухтасар этди Тоҳир тарихчи.

– Замонлар ўтиб, авлодларимиз бизни катта-кичик янглиш ишларимиз учун сўроқлаб, суягимизни зирқиратмасинлар. Шул туфайли ҳар бир қўйган қадамимиз, амалга оширган ишимиз имкон қадар келажак, янги насллар учун ибрат васиқаси ўлмоғи жоиз. Мубоҳаса этаётган масаламиз бўйича муҳтарам бекларимиз ўз фикр-мулоҳазаларини изҳор эта билурлар, – деди улуғ хоқон ёнма-ён ўтирган уч амирига кўз учида боқаркан. – Салтанатимиз таянчи бўлмиш барча қондошу диндошларимизга бир кўз ила боқмоқ баробарида ўзга уруғ-аймоқ, қавму



қабила, дину эътиқод, маҳзабу тариқатдаги ватандошларимизга ҳам айри ва ғайри нигоҳ-ла қарамаслигимиз жоиздир.

– Қорататар турклари Шом ва Рум тупроқларини тарк этиши, ушбу ҳудудларда турк улусининг мавқеи ва куч-қудратини сусайтиради, зоти олийлари, – деди Шайх Нуриддин одатдагидек илк сўз олиб. – Усиз ҳам мавжуд хонлик ва бекликлар орасида дину эътиқодидан қатъи назар арабу туркман, эрону мўғул рақобату душманлиги очиғу пинҳона доимо юзага уриб туради. Яҳудий, армани ва гуржи каби ғайридинлар тажовузию, курдларнинг исён ва ғалаёнларини эса қўяверасиз. Шул боис, менинг фикри ожизимча, бу улусга тегмаслик керак. У бу ҳудудлардаги турк халқларининг ўзак ва илдиз қавмидир. Лаҳжалари ҳам бизнинг эски туронча, туркистончадир. Маълумингизким, туркистон турки тили билан усмонли турки бўғзи ва туркман қардошларимиз бурнию димоғи билан гапиради. "Қутадғу билик"га яқин бу тил усмонли ва унинг чеврасидаги ҳудудларда она тилимизнинг сақланиши ва такомиллашувида муҳимдир.

– Муҳтарам амиримиз сўзлаган тилу лаҳжалар масаласида билимдон эмаслигимни бўйнимга олган ҳолда айни замонда қирқ минг евлик бўлган, уч юз минг атрофидаги халқни иссиқ жойини совутиб, бунчалик узоқ масофага кўчмоққа мажбур ёхуд даъват этмоқ, янглиш иш эканлигини таъкидламоқни истайман. Улар юз эллик йилдир бу ўлкаларда яшаб, бу муҳитга олишганлар, – деди амир Қўноқхон. – Икки кўчган бир ўғри урган билан тенгдир дегандек, бу шунчаки Сивос вилоятидан Амосия ёки Қайсари ўлкасига кўчиб ўтмоқ эмасдир. Бу ердан Туроннинг марказига етиб бормоқ учун чек-чегарасиз узоқ масофа, дашту саҳролар мавжуд. Лашкар учун бу масофани босиб ўтмоқ одатий ҳол, машқ кабидир. Бироқ бола-чақаси, эшигу бешиги, моли ҳоли билан Туркистон тупроқларига етиб бормоқнинг ўзи бўлмайди. Худо кўрсатмасин, бирор-бир юқумли касалликка чалинса, бутун бошли халқ тўкилади.

Мен музокараларда қатнашмадим. Келиб-кетган Миср элчилари ҳам бу улусни Шом ҳудудларида қолдирмаслик фикрини айтибдилар деб эшитдим. Уларга қўйиб берса арабу ажам ерида ўзларидан бошқа кимса яшамаса. Улар фақат турклардан ҳайиқадилар, туркманлардан эмас. Уларга ҳукмдор турк эмас, асир, қул ва мамлук турк керак. Билмайдиларки, бу мамлуклар Барқуқу Фараж каби бошларига чиқадилар. Менинг шахсий фикр ва қаноатим шулдир. Яна сўнг сўз ва фармони олий улуғ хоқонимизнингдир! – дея таъзим ила сўзини мухтасар этди амир Кўноқхон Қоратурк.

Ўйга толганча чуқур нафас олган хоқон амир Боботуркка қаради. Икки бекнинг фикрига қарши бўлган Боботурк игна устида ўтиргандек эди.

– Муҳтарам тарихчи ва китобдоримиз бу авлодларимизнинг ота юртларидан сургун этилишларини ҳикоя қилиб бердилар – дея сўз бошлади амир. – Ўз-ўзимизга бир саволни бериб кўрайлик. Чингизхоннинг кенжа ўғли Тулихоннинг Улуғ юртда ўрнига қолган Мангу қоон недан ўнлаб мўғул ва чин қавмлари қолиб айнан эски туркларни, турк бўлса-да миллатнинг тили, урф-одати, бутун шакли-шамойили ва тамал-тамойилининг юзага келишига асос бўлган ота қавмни она тупроқларидан ҳайдади? Ҳар ҳолда астойдил яхши кўрганидан, уларга чин юракдан яхшилик қилмоқ ниятида эканлигидан бу ишни амалга оширмаган, албатта. Табиийки, буни парча экмак ва парча эт пешида қўшган оми оломон англамаслиги мумкин. Бироқ унинг тепасида турганлар, уларга тўғри йўл кўрсатмоқ даъвосида бўлганлар-чи? Улар жуда яхши англаганлар ва доду дастлари ҳеч қаерга ва ҳеч кимга етмаган. Шу боис, бўйни букик ҳолда Мангу қоон фармонига бўйсуниб, минг бир дарду алам билан асрий ота маконларини, чексиз яйлов ва бўзқирларини тарк этганлар. Юань сулоласи бошқарган чинликларни тобе этгандан сўнг мўғулларга қош қайира биладиган, вакти-замони келса ҳисоблашадиган бирдан бир улус турк кавмлари эканлиги бу ҳудудда яшаган чўпонга ҳам маълум



эди. Қандай қилиб бўлмасин, бу улус нуфузини камайтириш, тўп-тўп, боши қўшилган ҳолда яшашига изн бермаслик керак эди. Бул турклар бутун мўғул аскарларига жангу жадал сирларини ўргатишар, чинлилардан ўрганган портловчи моддалардан қўлланишни билар эдилар. Буларсиз мўғуллар ҳеч бир иш қила олмасдилар. Акс ҳолда, Чингизхоннинг ўзи ёки ворислари буларни ҳам худди найманлар каби қириб ташлар эди. Бу қирғинни амалга оширсалар эртага ўзлари қирилиб кетардилар. Улардан қутулиб, улар сонини озайтирмоқнинг энг яхши йўли эски душманлари эронлиларга қарши жангга солмоқ ва ҳар икки душман нуфузини озайтирмоқ, қирилиб нетиб кетмаса, шу ҳудудларда, ўз бошкентлари ва туркларнинг ота юрти Тангритоғ, Турону Туркистондан узоқда тутмоқ эди. Улар режаларини мукаммал даражада амалга оширдилар. Эрон ва Шомни ҳам эгалладилар. Туркларнинг ҳам жойини солдилар. Агар бу улусга Султон Йилдирим Боязид соҳиб чиқиб, йилларча улардан божу хирож олмай, ўз эркига қўйиб бермаганида эди, балки пароканадаликка юз тутиб, тўзиб кетарди. Шу боис, ҳам уларнинг Султон олдидаги гуноҳлари буюк ва кечирилмасдир. Менимча, булар бу манзилларда қолсалар бошларига иш тушаверади ва уларга кун бермайдилар. Яхшилик қиламиз дея бошларини балога сукмаймизми?

– Ҳар галгидек Боботуркнинг сўзлари нафтандознинг ўқидек-а, Тоҳирбек? – деди хоқон шогирдининг сўзларидан таъсирланиб тарихчига қараркан. – Сўзлари юзда-юз ҳақми амир жанобларининг?

– Сўйлаганингиз каби, афсуски, амир жаноблари ҳақдирлар, ҳазрати олийлари. Бул кишим бўлмаяжак ва пуч гапни гапирмайдилар. Асл тарихимизни ўрганмоқ ва ватаний ахлоқ комиллиги борасида амир жаноблари барчага ибратдирлар, – дея хоқон сўровини жавоблантирди тарихчи.

– Ҳеч бир замон унутмаслигимиз жоизким, бу ёруғ оламдаги мавжуд элу улус борким, у ўзлигини ўз этган, бизлигини биз этган арна ва ирмоқлардан чекиниб, айри ту-

шиб яшаяроқ эътиқодларнинг муқаддас манзилига, буюк ҳадафларга эриша олмайди. Бунинг учун улусда соғлом фикр ва ҳушёр зако, жамоа эса очиқ кўзли ва ойдин тушунчали ўлмоғи лозимдир. Ана шундай жамиятдагина умумбашарий давлатчилик сиёсати йўлга қўйилиши мумкин. Давлату ҳукумат тепасида турганларнинг бош вазифаси эса улуснинг улус ўлароқ юзага чиқмаси, кишиларнинг ўз қобилияту салоҳият, имкону истеъдодларини кўрсата билмаклари учун муносиб иқтисодий-сиёсий иқлимни яратиб бермоқдир. Қорататар қавмининг қисматига келсак, мен сизларнинг таржиҳ ва тақдирларингизга ишонамен. Сизни тингламоқда давом этажакмиз, амир жаноблари, – дея шогирдига майин табассум-ла боқди хоқон.

– Қуллук, улуғ устоз ҳазратлари! Тоҳирбек биродаримиз қарз ўлароқ сўйлаган сўзлари ва берган баҳоларига муносиб ўлмоқ жаддида бўлурмен. Астағфируллоҳ! Катта амиримиз Шайх Нуриддинбек ғоят ҳаётий, муҳим ва маънoли бир сўзни сўзладилар. Баҳс этганимиз қоратуркларнинг тили эски, асл Турон ва Туркистон туркчасидир. Араб ва форс қоришиқли ҳамда мўғул тили таъсиридаги бизнинг туркчамиздан тамиз ва тозадир. Буларнинг она юртларига қайтмоғи бу хусусда ғоят муҳимдир. Бир ватандошимиз Маҳмуд Замахшарийдек улуғ инсон чиқиб, араб имло ва алифбоси ёзувини тартибга солдию, биз эски ёзувимизни унутиб, араб имлосини қўллаб ўтирибмиз. Худо биларди, агар араблар юртимизга босиб келмаганда қай бир имлони қўллар эдик. Ёнма-ён яшаётганимиз қавм гуржи ва арманиларнинг минг йиллирки, имлоси мавжуд. Бундай халқлар жисмоний енгилса-да, ҳеч қачон маънан енгилмайдилар. Менинг таклифим шулки, қоратурклар ўз ота маконларига қайтиб бормоқликлари керак. Ҳиндистондан ўттиз минг мўлтонлик, дунёнинг тўрт бир тарафидан турли қавму қабилалар оқиб келаётган юртимизга ўз миллатдошларимизнинг ҳам қайтиши ва сиғиши ғоят табиий, адолатли талбирдир.



– Бул қондошларимиз жазоланган халқлар каби оқ уйлик қилинаётганлари йўқдур. Рум тупроғида, Анқара муҳорабасида бизга кўрсатган садоқат ва хизматлари учун бир замонлар тарк этмоққа мажбур қолган ота юртларига иззат-икром ила қайтмоқларига даъват этмоқдамиз. Улар учун энг қулай яйлов ва яшаш манзилларини таъсис этажакмиз! Элат бўлиниб, парчаланиб кетмасликлари жоиз. Қорататар турклари Туркистонга қайтарилсин! Кимсага ситам этилмасун. Кўчиб-қўнишнинг бутун увол-савоби амир Боботуркнинг бўйнидадир! – Амр берди хоқон ўнг қўлини кўтариб. – Гап тамом, вассалом! Ишчи ишига, ошчи ошига, қўшчи қўшига! Барчангиз Яратган эгамга омонат бўлинг! Йўлингиз юзингиз каби оқ бўлсун!

Эрону Ироқ, Арабу Ажам, Мағрибу (Марокаш) Қоҳирадан Чин ҳудудига қадар, Ҳинд уммонидан Масковгача, Дашти Қипчоқдан Деҳлию Қандаҳоргача, Ўртаер денгизидан Қораю Қазоқ денгизи соҳиллари бўйлаб-да Буюк Турон давлатининг осмонранг байроғи киши, кишилик руҳу шуурига улуғворлик, буюклагувчи, мангуликка дахлдорлик ҳис-туйғусини солиб долғаланарди.

Ҳумоюн ялов, жиловни уч қитъанинг қалби уриб турган бошкент, фирдавсмонанд Самарқанд томон бурди. Кўз илғамас буюк, мағрур ва музаффар қўшин карнай ва ноғораларни гумбурлатиб, сурон солиб ота юрт, она тупроқ, бобо ватан сари суръат-ла илгарилар эди.

*Тонг отар, кун ботар, умр афғон шамоли каби ўтар эди...*
*Туннинг энг қоронғу они, тонг шафағига яқин дамлардир!..*

# КЎНГИЛЛАРДАГИ ТЕМУР ҲАЙКАЛИ

Дунё ва башарият деганда, Оллоҳнинг пайғамбарларидан кейин фотиҳлару жаҳонгир саркардалар, одил шоҳлару олимлар, буюк ижодкорлару санъаткорлар тилга олинади. Ўзбекчада, бир қатор туркий тилларда ҳам фотиҳ сўзи бирор ўлкани ишгол этган қўмондон маъносидадир. Жадид адабиёти вакиллари фотиҳ сўзини асосан Шарққа қарши босқинчлик сиёсатини юритаётган Оврупо босқинчилари англамида ишлатишган. Бироқ фотиҳ калимасининг нисбати оз қўлланиладиган иккинчи бир маъноси ҳам бор. Исломиятни бошқа ўлкаларга ёйиш, шунингдек, дин бузилаётган, турли тариқатлар боис, мусулмонлар бирлиги учун уюштирилган ҳарбий юришларнинг музаффар қўмондонлари фотиҳ дейилган. Шу жиҳатдан қараганда, хоқон Темур жаҳонгир ва фотиҳдир, Чингизхон эса фақат жаҳонгирдир.

Бугунги насримиз байроқдорларидан бири Нурали Қобулнинг "Жаҳон мулкининг султони ёхуд фотиҳ Темур ва Йилдирим Боязид" номли тарихий романи Темурнинг ана шундай фазилатларини, Александр Македонский, Атиллахон, Чингизхон каби бошқа жаҳонгирларда бўлмаган хислатларини ифодалашга бағишланган. Бизнингча, муаллифнинг асосий диққат-эътибори Темурнинг ёрқин, ижобий образини яратишга қаратилган.

Романда Темурнинг ҳарбий юришларда нималар қилгани, саркардалик умрини қандай ўтказгани, хусусан, аскарларга, ўнбоши, юзбоши, мингбошию туманбошиларга, уламога, оддий халққа, дўсту душманга қандай муносабатда бўлгани ишонарли деталлар билан жонли, қизиқарли тарзда ифодаланган.



Маълумки, дунёнинг турли шаҳарларида юқорида тилга олинган буюк саркардаларга ниҳоятда улкан ҳайкаллар тикланган. Масалан, Александрнинг Македония бошкенти Скопйе – Ускупдаги қора мармардан ишланган буюк ҳайкали баландлиги, пойидаги куч-қудрат рамзи саналгувчи арслонларнинг тўрт тарафга даҳшат-ла наъра тортароқ йўналгани, майдоннинг кенглиги, доим дунёдан келган сайёҳлар-ла тўла экани билан диққатни жалб этади. Аммо Темурнинг башарият тарихидаги ўрни, миялардаги, тушунчалардаги ҳайкали барча фотиҳлар ҳайкалидан юксакдир деб ўйлайман. Темур ҳақида битилган тарихий китоблар, афсонаю ривоятлар, шеърлар, ҳикоялар, достонлар, миниатюралар, ёғлибўёқ расмлар, Оврупо ва шарқ саройларини безаган деворий сувратлар драмалар, опералар, бадиий фильмлар, қиссалару романлар унинг сиймосини олам халқлари онгида шаклланишига, Темур маънавий ҳайкалининг яшаб туришига хизмат қилади. Бу роман ҳам ана шу кутлуғ ишга қўшилган ярашиқли бир ҳиссадир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, истеъдодли ёзувчимиз Нурали Қобулнинг йигирма беш йиллик саботли меҳнати самараси бўлган Темур мавзусидаги беш жилдлик асарларининг уч жилди – "Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич" (Тошкент 2011), "Етти иқлим хоқони ёхуд аҳд ва тахт" (2014), "Султоннинг сўнгги куни ёхуд Амир Соҳибқирон ва Тўхтамишхон" (2014) романларининг нашр этилиши ўзбек адабиётида темурнома йўналишидаги бадиий асарларнинг ортиб, мазмунан бойиб, миллий жиҳатдан юксалиб бораётганидан дарак беради.

Темур мавзусида мустақиллик даврида кўплаб илмий ва бадиий асарлар ёзилди, турли тиллардан тарихий китоблар, драмалар таржима этилди. Темур ва Боязид мавзуси уларда турлича ёритилган, ўзига хос ютуқларга эга. Нурали Қобулнинг қўлимиздаги "Жаҳон мулкининг

султони ёхуд фотиҳ Темур ва Йилдирим Боязид" номли романи асарда Темурнинг ижобий бош қаҳрамон қилиб олингани, Туркистондан чиққан туркчи бир жаҳонгир саркарда, адолатпарвар султон сифатида талқин этилгани билан алоҳида ажралиб туради.

Шу ўринда бу мавзуда ўтмишда қандай бадиий асарлар яратилганига диққат қилайлик. Маълумки, Боязиднинг Темурдан енгилиши фақат усмонлилар юртига эмас, балки бутун дунёга, айниқса, Ғарбий Европа жамиятига қаттиқ таъсир кўрсатди. Европалик адиблар, бастакорлар, рассомлар дунёни алғов-далғов этган бу ҳодисани афсонавийлаштирган жуда кўп асарлар яратишди. Масалан, 1648 йилда француз драматурги Жан Магнўн (Jean Magnon) "Буюк Темурланг ва Боязид" ("Le Gran Tamerlan et Bejezet") драмасини саҳнага қўйдирган. 1670 йилда Австрия рассомлари Граз шаҳридаги бир қаср деворларини зийнатламоқ учун Темурнинг зафари ва Боязиднинг мағлубиятини ифодалаган деворий расмлар яратишган. 1725 йилда эса, олмон бастачиси Ҳанделнинг (Handel) Лондонда "Темурланг" (Tamerlano) номли операси саҳналаштирилган. 1735 йилда италиялик бастакор Антонийо Вивалди (Antonio Vivaldi) Верона карнавали учун "Боязид ва Темурланг" (Il Bajazet Tamerlano) номли операсини тайёрлаган. 1857 йилда эса инглиз драматурги Христоффўр Мардў (Christopher Marlowe) "Буюк Темурланг" ("Tamburlane the Great") номли саҳна асарини ёзган. Европа рассомларидан бири, полшалик Станислав Хлебовский (1835–1884) "Султон Боязид Темур қароргоҳида" номли асарини 1878 йилда яратган. Ёғлибўёқда ишланган бу расмнинг ўлчами 70 x 112 см. Бу расмда Боязиднинг асир тушганидан кейин Темур қароргоҳида сақлангани кўрсатилган. Яъни Анқара жанги сўнгида Боязид бир гурзи зарбаси туфайли ерга қулайди ва асирга олинади. Темурнинг чодирига келти-



рилади. Темур уни жуда яхши кутиб олгани манбаларда таъкидланган. Темурнинг туманлари (юз минглик лашкари) Бурса, Изник, Измир шаҳарларини қўлга киритганида ва буюк ўрдунинг Анадўлидаги бутун сафари давомида Темур Боязидни бирга олиб юрган, қароргоҳида сақлаган. Тарафдорлари Йилдиримни туткунликдан қутқариш учун уни бир неча марта олиб қочишга ҳаракат қилишган, аммо бундан бир натижа чиқмаган. Қисқаси, лах рассоми ана шу воқеаларга суянган ҳолда ўз асарини яратган.

Темур ва Боязид мавзусидаги илк туркча роман муаллифи Дундар Алпдир. Унинг усмонличада битган "Шарқнинг энг буюк хоқони Темур" романи 1912 йилда Истанбулда нашр этилган (2013 й. Таржимамизда "Жаҳон адабиёти"да босилди). Муаллиф Истанбул театрида саҳналаштирилган бу мавзудаги асарни томоша қилганини таъкидланганига кўра, Темур ва Боязид хусусидаги илк усмонлича драма 1910 йилларда яратилган дея тахмин этиш мумкин. Романнинг иккинчи жилди султон Боязидга, унинг Темур билан муносабатларига бағишлангани маълум (аммо асарнинг тақдиридан бехабарлигимиз учун бу ўринда бир нарса деёлмаймиз). "Темур ва Боязид" фильми Туркияда 1954 йилда яратилган, сценарийси ҳам босилиб чиққан. Уни ўқирканман, шундай хулосага келдим: бу илк фильмда европаликларнинг қарашларига кенг ўрин берилган, мавзуга бир тарафлама ёндашган, асосий диққат Боязид ва унинг хотини, қариндошлари орасидаги муносабатларни, муҳташам сарой ҳаётини кўрсатишга қаратилган, Боязид ва Темур ўртасидаги зиддият ва саҳналарга эса жуда оз ўрин берилган.

Аслида бунга ажабланмаслик керак. Чунки макону замонидан қатъи назар, юз берган ҳодисалар тарихчиларнинг асарларида ҳам, бадиий асарларда ҳам фарқли

бир тарзда акс этади. Темур ва Боязид мавзуси ҳам Темурнинг хос тарихчилари ва темурийларнинг тарихчилари асарларида бир бошқа, усмонли тарихчиларида ўзгачароқ, арабча ва русча манбаларда, европоликларнинг китобларида эса мутлақо ўзига хос тарзда ифодаланган. Дейликки, Темурга душманлиги билан танилган Арабшоҳнинг асари, сарой тарихчиларнинг "Зафарнома"лари усмонличадаги "Тожут таворих"даги Темур ва Боязидга муносабат бир-биридан кескин фарқ қилади. (демак, уларни ўқиб, таъсирланиб драма ё роман битган муаллифларнинг асарлари ҳам турли даражада бўлишига табиий ходиса дея қараш мантиқлидир).

Тарихий роман муаллифнинг имкониятлари эса анча кенг. У мавжуд тарихий манбалардан, хотиралардан, кундаликлардан, фольклордан, давр ва шахсларга оид илмий ва адабий асарлардан ҳам унумли фойдаланиши мумкин. Яъни ёзувчи ҳаммага маълум озгина, ўлик тарихий фактларга суяниб, кўпроқ бадиий тўқимадан фойдаланган ҳолда, мавзудаги замон ва маконни, воқеликни жонлантириб бериши керак. Қўлимиздаги романда ёзувчи бунга эриша олган. Чунки роман равон адабий тилда битилган; персонажлар тили ҳам жонли, ўзига хос; султонлар, амирлар, қўмондонлар, аскарлар, оддий халқ вакиллари образлари, табиат ва жамият манзаралари ширали тилда, ёрқин тасвирланган. Ўн икки боб бир-бири билан ё воқеалар, ё қаҳрамонларнинг тақдири, ёки фикрлари воситасида мувофиқлаштирилган. Энг муҳими, Темур образи, Темурнинг фикрлари биринчи планда туради. Ўқувчи Темурнинг ташқи қиёфасини унинг қўшини билан йўл босгандаги, жанг майдонларидаги ҳаракатлари, саропарда ё чодирда курган маиварату мусоҳабалари тасвири воситасида тасаввур этгани каби, унинг карашларини ва ички дунёсини, яшашдан, курашдан мақсадини сўзларидан ҳам англаб олади.



Анқара жангидаги порлоқ зафардан сўнг, у қўмондон набираларига, сафдошларига қарата шундай дейди: "Бугун-эрта Йилдирим Боязиднинг мағлубияти ҳар тарафга тарқалади. Кучли одамнинг дўсти бўлмаганидек, уни ҳам бизга ўхшаб теварак-атрофини душманлари ўраб олган. Ўзи ҳимоя қилиб, жонини тикиб юрган араблару жалойирлар унга хочлилардан кам душман эрмас. Сабаби, усмонлилар улардан халифаликни тортиб олмоқчи. Юнону арман, гуржию курд ҳам икки дунёда унга дўстлик қилмайди. Ҳатто мусулмон бўлсалар-да... Бизнинг ғалабамиздан руҳланиб, барчаси усмонли тупроқларига кўз тикиши эҳтимолдан холи эрмас. Булар ичида энг кучлиси юнонлардир. Шу пайтгача румликлар усмонли туркларга солиқ ва жизя тўлаб келган. Иттифоқ тузсак, император Йуҳанна ундан юз ўгириб, бу тўловларни бизга тўламоқчи эди. Мен арқонни узун ташлаб, музокара ва сулҳ эшигини очиқ қолдирган эрдим. Бу ишни битирмоқ фурсати етди. Юнонлар бизнинг қайсари Рум ҳудудларига ҳукмронлигимизни тан олади ва бугундан эътиборан солиқларни бизга тўлайдилар. Мақсадимизни битиб, ҳозироқ императорга элчи юборамиз. Йилдирим Боязиднинг мағлубиятини эшитиб, байрам қилаётган бўлсалар ажаб эрмас. Шу боис, бугундан бошлаб Боязиднинг ғайридин душманлари бизнинг ҳам душманларимиздир. Аждодларимиз бу ўлкаларни осонликча қўлга киритмаганлар. Уни қўлдан чиқариб бўлмайди..." деган сўзлари Темурнинг ўз даврини келажакка мустаҳкам боғлаётганини англатади. Қуйидаги сўзлари эса унинг ўткир сиёсатчилигини билдиради: "Усмон авлоди бизни кечирмайди... Шунинг учун ҳам усмонлилар синдирган эски турк бекликлари ҳисобига буларнинг тизгинини тортиб турмоқ мажбуриятидамиз. Бурсага боргач, Қаҳрамон ўғли Муҳаммадни зиндондан озод қилиб,

ҳузуримга юборинг. Усмонлилар жабр-зулм этган бошқа турк беклари авлодларига ҳам адолат ва раҳм-шафқат кўзи билан қараймиз."

Темурнинг ёнида юрган, уни кўрган одамлар "ақлли эди," "фикрини очиқ айтарди", "айёр эди, душманларини ҳийла билан енгарди" дея ёзишган. Ёзувчи буни, бу сифатларини айтмай туриб, адабий қаҳрамоннинг фаолиятида, ҳаракатида, сўзларида кўрсатиб бериши керак. Нурали Қобул юқоридаги мисолда Темурнинг ана шу фазилатларини, жаҳонгирона теран тафаккурини, характеридаги даҳони кўрсата олган.

Темур аскарлар ва қўмондонларини бойлик ва мансабу мақом билан доим сийлаб турган. Масалан, Анқара атрофида аскарлари билан йигирмата қудуқ қазиб, сув чиқарган қўмондонларидан бири Эсонбуғага шаҳар доруғалигини берганини муаллиф қисқа ва ишонарли тасвирлаган. Бугунги кунда Туркия пойтахти Анқара аэропорти Эсонбуға деб аталишини эсласак, романдаги айрим деталлар фақат тарих билан эмас, балки бугун билан ҳам боғланиб кетгани маълум бўлади.

Тарихий роман жанрида асар яратиш анча оғир. Ҳатто хавфли бир иш. Чунки чоғи келмаган одам сувдан сакраганда чатаноғи йиртилганидай, ҳаваскорларча бу ишга қўл урганнинг ҳам шармандаси чиқади. У носир сифатида шаклланмагани учун тарихий манбаларга кўмилиб, уларга қарам бўлиб қолади; қалами ижодкорлик эркига эришолмаганидан, воқеаларни қайтадан такрорлашга тушади. Унинг китобида тўқима воқеалар, образлар, зиддиятлар, ишқий саргузаштлар, ўқувчини кулдирадиган, йиғлатадиган ҳолатлар тасвири йўқлигидан, ўлик, ҳиссиз тил билан ёзилганидан асар қизиқиш уйғотмайди. Темур мавзусига оид ана шундай чала асарларнинг босилиши адабиётимиз тараққийсига халал берганидек, ўқувчилар оммаси тасаввурида у буюк инсоннинг ёркин сиймосининг шаклланишига ҳам халақит ва зарар етказгани ачинарлидир. Бу роман тажрибали ва моҳир адиб томонидан битилгани учун ҳам Темур, Боязид, Шайх Нуриддин, амир Бoботурк, Тоҳир тарихчи, амир Темуртош, амир Шоҳмалик, валиаҳд Муҳаммад Султон, Сулаймоншоҳ, шаҳзода Мустафо, Ёқуббек қутвол каби турли тоифага мансуб қатор персонажларнинг ёркин сиймоси китобхонлар хотирасига ўрнашиб қолади. Одатда ёзувчининг ютуғи унинг тарихий материалга, воқеликка ва шахсларга бўлган муносабатида билинганидек, эсда қоладиган образлар ярата олишида ҳам кўринади. Бу жиҳатдан ҳам мазкур роман эътиборлидир.



Аристотел тарихий мавзуга қўл урган ижодкорларга ўз даврида жуда тўғри йўлни кўрсатиб қўйган: унинг айтишича, тарихчи юз берган ҳодисаларни, ёзувчи юз бериши мумкин бўлган воқеаларни қаламга олади. Шу жиҳатдан қараганда бу романда ҳам бадиий тўқимага жуда кенг ўрин ажратилганини кўрамиз.

Қирқ йилдан бери ҳикоялар, қиссалару романлар ёзиб, қалами чархланган Нурали Қобул Темур ва Боязид мавзусида роман яратишга бел боғларкан, менимча, Темурнинг адолатпарвар хоқон, кексалигида ҳам йигитдай жанговарлигини йўқотмаган фидойи қўмондон, шоху гадога бирдек қарайдиган бағрикенг инсон эканлигини уқтирадиган қаҳрамон образини яратишни ўйлаган. Чунки романни ўқиш жараёнида ўқувчи кўз ўнгида Темурнинг ана шундай олижаноб сиймоси жонланади ва хотирасида қолади.

Романда Темурнинг ҳарбий юришларда нималар қилгани, саркардалик умрини қандай ўтказгани, хусусан, аскарларга, ўнбоши, юзбоши, мингбошию туманбошиларга, уламога, оддий халққа, дўсту душманга қандай муносабатда бўлгани ишонарли деталлар билан жонли, қизиқарли тарзда ифодаланган.

Роман мавзусининг энг муҳим нуқтаси ҳисобланган Анқара жангига келсак, бошда Темурнинг фикрида султон Боязид билан уруш нияти бўлмаган, бу икки шахснинг бир-бирига ёзган мактубларидан ҳам аён. У тарихий мактубларнинг баъзиларидан муаллиф унумли фойдаланган.

Маълумки, савдо йўллари ўтган мусулмон ўлкаларнинг қайсисида талончилик, қароқчилик юз бераётган бўлса, қаерда дин бузилаётган бўлса, турли динлар ва тариқат мансублари мазкур ўлкаларнинг қай бирида мусулмонлар эзилаётган бўлса, Темур у маконларга юриш қилган. Қон тўкмаслик учун аввал сулҳ ва сулҳ шартларига розиликларини истаб элчилар юборган. Сулҳ рад этилса, унга қарши курашилса, ёғий қалъалари, шаҳарлари, ўлкалари жанг билан ишғол этилган. Мужримлар жазоланган, аммо шунда ҳам айбсиз мусулмонларга тегилмаган. Масалан, Сивас масаласини олайлик. Боязид Темурга ёзган иккинчи жавоб хатида уни мусулмонлар қонини тўкишда айблайди. Аслида ундай бўлмаган. Турк тарихчиларининг таъкидлашича, Темурнинг душманлари у Сивасни олганда аҳолини тириклай хандақларга кўмдиртирган, дея ёзгани учун сивасликлар Темурни яхши кўрмайди, Туркияда кўп болаларга Темур исми берилади, аммо у ерларда бундай исмли одам учрамайди. Аслида Темур сиваслик мусулмонларни эмас, уларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳақлардан маҳрум этган арманиларни жазолаган, дейишади. Темур Малатйа ва Мардинни, Антеп ва Марашни эгаллаганда ҳам шундай йўл тутган.

Темурнинг олимлар ва илмга ҳурмат билан қарагани маълум, уни салбий шахс сифатида тасвирлаган муаллифлар ҳам буни рад этишмайди. У Маҳмуд Шабустарий асарини ўқиб, маънавий озуқ олгани ва юртини забт этганида, унга меҳри боис, адиб қабрини зиёрат қилади, мақбара қуришни буюради ва маблағ ажратади, ўзига



қарши урушган шаҳар аҳли айбидан у туфайли кечади; йигирма минг черик билан ёрдамга келган Боязидхон ўғли ва лашкарига уч, шаҳар аҳлига эса беш олтиндан тарқатгани ҳам Темурнинг қандай шахс бўлганини билдиради.

Йилдирим Боязид ҳам, гарчанд Темур бўлмасада, ўзига хос юксак фазилатларга эга бўлган. Унинг Европадаги ғалабалари, хусусан, Николполдаги муҳташам зафари қитъаларни титратган. У ҳам Темурга катта ҳурмат билан қараган. Урушга қарор берилганда ҳам, унда иккиланиш бўлмаган, ўз ғалабасига ишонган, шу боисми, Темур қўшинлари белгиланган майдонни ҳали тўла эгалламаган, тарқоқ турганида қўмондонлари ҳужум қилишни таклиф этганида, у ғирромлик бўлади бу, яхшилаб жойлашиб олаверсин, эртага урушамиз, дейди. Гарчанд бу фактлар романда қўлланилмаган (зотан, шарт ҳам эмас, чунки ёзувчи тарихий фактларни саралаб, ўз мақсадига мосларини асарига жалб этади). Ўқувчи кўнглидан, масалан, агарда муаллиф бунга ўхшаш деталлардан кўпроқ фойдаланса, балки Султон Боязид образи ҳам Темур сиймоси каби муҳташам кўринарди; аммо у ҳолда Боязид биринчи планга чиқиб кетмайдими, муаллифнинг мақсадига, асарнинг умумий қурилишига зид бўлиб қолмайдими, деган ўй ҳам кечиши мумкин. Шундай ҳолатни кўзда тутиб айтганда, ҳар бир асар, худди бола туғилгани каби, шаклланган ҳолда туғилади, уни ўзгаларнинг дидига ва даражасига мослашга интилиш уни майиб қилиб қўйиши ҳам мумкин. Демак, яратилган асар ўқиётганда, унга баҳо бераётганда, эҳтиёткорлик, бағрикенглик маъқулдир.

Одатда адабий танқидчилар асарни ундаги мавзу, фабула, сюжетнинг мувофиқлигига, композициянинг таранг ёки сохталигига макон, муҳит, ҳодисалар, характер ва типларнинг тарихийликка мослиги ёки терслигига, му-

аллиф ва персонажлар тилининг бой ва жонлилиги ёки дағал ва ҳиссизлигига ажратиб таҳлил қилишади. Албатта, бу зарур. Агар шундай қилинмаса, асарга, ижодкор меҳнатига нисбатан беписандлик, бепарволик юзага чиқади. Бир асар сидқидилдан таҳлил қилинган мақола бир калитки, муаллифнинг дунёқараши эшигини очиб беради ва яна бир кўприкдирки, ўқувчини муаллиф акс эттирган ёки назарда тутган ғоялар муҳитига олиб ўтади. Темур ва Боязид мавзусида ўзбек тилида яратилган бу илк роман ана шундай таҳлилга лойиқдир. Бу кичик сўнгсўзда кўламли таҳлил имконидан йироқмиз, зотан таъкидлаганимиз хусуслардаги айрим фикрларимизни юқорида билдирдик.

Романда Темурнинг кексалик даври қаламга олингани учунми, унинг характерида, воқеалар тасвирида сокинлик, шошмаслик, қўшиндаги аскарлар, беклару амирлар, ҳатто ёғий тараф вакиллари билан муносабатларда, суҳбатларда хоқонга мос ҳукмфармолик билан бирга қариларга хос узоқ сўзлаш, панду насиҳат оҳанги бир қатор бобларда сезилиб туради. Асарни ўқирканман, сюжетни ўткирлаштириш учун персонажлар ўртасида бир-икки ишқий можаролар тасвирланса бўлмасмикан, дея ўйладим. Аммо бундай қилинса, бу иш романдаги икки бош қаҳрамон – ислом байроғи остида жанг қилаётган кекса Темур ва тахтидан ажралган мағлуб Боязиднинг мотамсаро аҳволи руҳиясига зид бўлиб қолар экан.

Романда автор тили бой, тасвир ҳам, баён ҳам равон ўқилади.

Персонажлар тили ўзига хослиги билан ажралиб туради. Масалан, Боязид ўғиллари билан вазиятни муҳокама қиларкан: "Чўл тулкиси, насли-насабининг тайини йўқ оқсоқ Темур деганини бир ёқлику қилмасак, бизни ўз ҳолимизга қўймайдиганга ўхшайди. Сулаймон, сен ўз қўшининг-ла мен билан бирга борасан, савашда



шаҳид кетсам, валиаҳд ўлароқ қўшин ва давлатни сен бошқарасан". Сулаймон унга: "Савашмоқдин узоқ турганимиз маъқул, баба... унинг-ла ўйнашиб ҳам, ростакамига савашиб ҳам бўлмас. Уни шу пайттача кимсадан енгилмаган дейдилар. Зиённинг нересинден дўнерсек кордир, баба" дейди.

Муаллиф қўнушмоқ, беклатмоқ, мутлу, мутсиз, исрор, мутфак, суфра, ажала, ўнжа каби усмонлича-туркча сўзлардан ҳам унумли фойдаланган, уларни гоҳ автор тилидан, гоҳ персонажлар тилидан ўринли қўллашга интилган.

Шунингдек, персонажлар тилидан турли мақолу маталлар ҳам устача қўлланилган. Масалан, мағлуб Боязид Темур ҳузурига келтирилганида, хоқон унга Қора Юсуфни ўлкасида чиқариб юбормаганини таъкидларкан: "бизни одаммисан, итмисан демадинг... Ўзингни гунгу карга солдинг... Оллоҳ феълингга яраша қисматингни ўттиз қилганида ўз қўлинг билан уни тўққиз қилдинг... Бир сўз тўрга, бир сўз гўрга элтажагига султон ақлинг етмади... Бироқ сен ётники ёндан, ўзники жондан қабилида иш тутдинг" дейди. Ёки "илм жаҳолатни олур, эшаклик боқий қолур", "янглиш ҳисоб Бағдоддан дўнар" каби туркча мақоллар, "Юрагим куйиб, ичимда тандир ёнаётгандек", "рўёмни Юсуф пайғамбар яхшиликка йўймаган экан", "лаҳад ёқасида ҳам умид яшайди", "дунёни сув, инсонни тил бузади", "оғзини тута олмаган ҳеч бир ерини тута олмас", "аҳмоқ ўзин овутар, қўлтиғини совутар", "ажала кетган ажала кетар", "эгаси ёрлақаса, тоғлар оёғинг остига келур", "сўғон сотганнинг мурч сотгандан хабари бўлади" каби маталу ибoралардан ҳам муаллиф яхши фойдаланган.

Романда жўғрофий муҳит, тоғлару майдонлар, Қизилирмоқ дарёсининг гўзал қирғоқлари, Анқара адирдиклари ҳам рангин бўёқларда тасвирланган. Булар ёнида Темурнинг ватан соғинчига боғлиқ кечинмалари ҳам баён этилади. Бу унинг толиққан пайтларида ўтган

умрини, болалиги кечган қиру адирларни, тоғларни, узоқлардаги қадрдонларни эслашида бўртиб кўзга ташланади. Натижада виқорли хоқон, шафқатсиз кўмондон Темурнинг қалби ҳам оддий инсонларники каби меҳру соғинчга тўла экани хотирада қолади.

Муаллиф табиат манзараларини тасвирларкан, инсон ва табиат, ўткинчлик ва мангулик тушунчаларини ҳам пейзажга бириктириб юборадики, бу ўқувчи руҳида кучли таассурот қолдиради: "Узоқ шимол тарафда Анқара тоғлари кўзга ташланар, чўққиларга тушган илк қорлар илмилик куз қуёши ва тоза ҳавосида юракни жўштирувчи рангда товланарди. Тик турганча бу ажойиб манзарага термулиб қолган султоннинг юраги алланечук беҳуд бўла бошлаганди. Илгари бу чўққилар устидаги биллурдек ярқираётган қорлар ёздуси унинг қалбига ўзгача бир ҳузур, тароват, илҳому кайфият бахш этар эди. Бошига икки дунё фалокати ёғилдию, бу қоялар ҳамон ўша-ўшандай ёғдули табассум қилиб турибди. Ана табиатнинг сенга садоқати. Сен ундаги ўт-ўлан, дов-дарахтни ўстирувчи бир сиқим тупроққа айланиб кетасан. У эса бу дунёда ҳеч қандай воқеа содир бўлмаганидек ўша-ўша, сукут сақлаганча қилт этмай тураверади. Ой ва қуёш чиқиб ботаверади. Шамоллар борлиқни тўлдириб эсаверади. Одам зоти эса бир-бирига чоҳ қазиб яшайверади".

Ёзувчимиз ушбу романларни битар экан, икки буюк турк ўрдуси ва Султони тўқнашган Чобук оваси, Қизилирмоқ наҳри ва Эсенбуға қасабасини қадам бақадам кезиб ўрганганини, яхши биламан. Кутубхонасида бу тарихий жанг юз берган Чобук оваси ва Чатилтепадан келтирилган тупроқ турганлигини кўрганман. Бу тупроқни бошкентимиздаги Темурийлар музей учун олиб келганларини айтган эдилар.

Шуни ҳам айтишимиз керакки, Темур ва Боязид об-



разларини яратишда муаллиф Темур образига алоҳида эътибор қаратади. Боязид образи ҳам ўзига хос. Бу балки Темур асосий қаҳрамон эканлигидан, муаллиф бош қаҳрамонга асосий эътиборини қаратганлигидан юзага келган бўлиши табиий.

Адабий муҳитда қадимдан шаклланган икки йўналиш бор. Яъни ҳақиқат ва адолат йўлидаги тўғри қаламлар, манфаатга эгилган эгри қаламлар бор; улар ҳазрат Мусо ва Исо замонларида ҳам бўлган, бугунда ҳам бор, келажакда ҳам бўлажак, чунки инсон инсофли яратилгандир. Ҳазрат пайғамбаримиз даврида ҳам бу масалага катта эътибор берилганини, "шуаро" сурасида бу мавзуда алоҳида йўл кўрсатилгани маълум. Бироқ адабий муҳитдаги бу икки йўналиш борлигини сақлаб келмоқда, яъни ҳақиқат йўлидаги югурик қаламлар қаторида манфаатчилигини ниқоблаган устакор югурдак қаламлар ҳам мавжуд. Бу ўз йўлига, Нурали Қобулнинг ёзғичи ўттизқирқ йилдан бери халқимиз, қадимий Туроннинг вориси бўлган улуғ миллатимиз хизматидаги югурдак эмас, югурик қалам бўлиб танилган, асарлари бу фикримиз исботидир.

Муаллифнинг Темур мавзусидаги беш жилд романини ўқиркан, китобхон Темурнинг кучли, кўрқмас, жангovar, ақлли ва тадбиркор, ўзини бошқалар билан тенг тутувчи бағрикенг, оддий инсон эканлигини сезиб туради. Зотан бундайин феълу хислат эгаси барча даврларда адабий қаҳрамонларга прототипдир, бугунги замоннинг ҳам қаҳрамонидир.

Бу романдаги Темур сиймоси адолатпарвар хоқон эканлиги билан ажралиб туради. Ана шу хусусиятига кўра уни бугунги инсонларга ибрат, замонавий қаҳрамон десак ҳам бўлаверади. Қараман беклари билан учрашувида айтган сўзида унинг фотиҳона дунёқараши, ҳаётдаги бош шиори, асарнинг ҳам бош ғояси ифодаланган-

дай: “Мулку давлатнинг асл соҳиби улусдир. Биз ким бўлмайлик, шу юртнинг бир хизматчисидирмиз. Яратган тилимиз ва қўлимизни узун қилган экан, кишиларга яхшилик қилмоғимиз, унинг эмну амниятда, сулҳу бирлик ичида яшамоғини таъминламоғимиз керак”.

Темур тарихда яшаган кучли, кудратли фотиҳимиздир. Бир арслонимиздир. Ҳар бир миллий қалам эгаси Темур ҳақида яхши бир сўз айтишни орзу қилади. Аммо Темур бобида сўзлаш осон эмас, ижодкор Темурнинг кучли руҳини ҳис этмаса, орзуси ҳаваслигича қолади, яъни болачанинг хуштагидан карнайнинг жангovar товуши чиқмайди. Темур сиймосини асарда яратиш учун ижодкор шахсида аввалдан куч, ирода, етуклик шаклланган бўлиши керак. Бир арслон образини яратиш учун ижодкор замон деворларини титратадиган даражада арслондай ўкира билиши керак. Бу ўкирик замондошлар руҳида акс-садо уйғотади ва уларнинг кучли, тўғри ва миллатпарвар шахс бўлиб етилишига йўналиш беради. Шу боис ҳам Темур ҳақида кўп асарлар яратилди ва бундан кейин ҳам яратилажак. Арслонлар ўкиражак, қаҳрамонлик садоси асрлар оша янграйвержак. Эски отасўзида таъкидланганидек:

*Туркистонда озаймас ҳеч қаҳрамон,*
*Ҳар қарич ериндa ётар бир арслон!..*

**Тоҳир ҚАҲҲОР,**

***Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари номзоди, доцент***



## МУНДАРИЖА

Биринчи боб ........ 3
Иккинчи боб ........ 33
Учинчи боб ........ 73
Тўртинчи боб ........ 105
Бешинчи боб ........ 144
Олтинчи боб ........ 212
Еттинчи боб ........ 242
Саккизинчи боб ........ 269
Тўққизинчи боб ........ 288
Ўнинчи боб ........ 311
Ўн биринчи боб ........ 340
Ўн иккинчи боб ........ 370
Кўнгиллардаги Темур ҳайкали ........ 424

*Адабий-бадиий нашр*

**Нурали ҚОБУЛ**

**ЖАҲОН МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ**

**ёхуд**

***Фотиҳ Темур ва Йилдирим Боязид***

*Тарихий роман*

Масъул муҳаррир: *Ў.Холдорова*
Муҳаррир: *Н.Қидиралиев*
Тех.муҳаррир: *О.Қанаев*
Дизайнер: *Р.Ташматов*
Саҳифаловчи: *Н.Муҳитдинова*

Босишга берилди 16.03.2016. Қоғоз бичими 60x84 $^{1}/_{16}$ "Times New Roman" гарнитураси. Шартли босма табоғи 27,0. Нашр босма табоғи 27,0. Адади 3000.
Буюртма № 5

***«KAMALAK» нашриётида нашрга тайёрланди.***
***100069. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.***
***Нашриёт лицензияси: II №193 10.05.2011***

***«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.***
***100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28а-уй.***

Турон ўлкаси, турк эллари кечмиш тарихининг бир ярим асрлик олтин даври ёрқин бадиий бўёқларда акс этган "Темурийлар" эпопеяси мутолаасида давом этинг!













НАВБАТДАГИ КИТОБЛАР:
"Жон ва шон талвасаси" - VI
"Тириклик саодати" - VII
"Қадарнинг ғариб жилваси" - VIII
"Қисмат қиличи" - IX
"Салтанат тулпори" - X



ISBN 978-9943-4375-7-9